

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2008**

1960s 4872 4



**ҚАМАР АМОН**

# **СПИТАМЕН**

*Тарихий роман*

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2008**

84(59)6

A 60



Ю 34496  
291

**Амон, Қамар.**

**Спитамен:** Тарихий роман / Қ. Амон. — Тошкент: Шарқ, 2008. — 528 б.

Самарқандлик олим, тарих фанлари номзоди, фалсафа фанлари доктори, профессор Қамар Амон асарида Сувғдиёна пойтахти қадимий Самарқандда, Туроннинг бошқа вилоятларида, Эрон ва Қадимги Шарқнинг қатор мамлакатларида (Буюк Ипак йўлидаги ҳудудларда) содир бўлган воқеалар кизиқарли тасвирланади.

Романда сувғдийларнинг дохийси, ўз даврининг мислсиз ва такрорланмас мохир ҳарбий кўмондони, халқ кўзғолони раҳбари Спитаменнинг тарихий сиймоси, унинг македонлик Искандар Зулқарнайн бошчилигидаги чет эл истилочиларига қарши, Сувғдиёна истиқлолияти учун кураши ҳар томонлама, ўқишли, бадиий шаклда акс эттирилган.

Китобда каламга олинган даврдаги озодлик учун кураш фожиялари билан бир қаторда, яхшилик ва ёмонлик, ҳаққонийлик ва ноҳақлик, мақр ва муҳаббат ўрталаридаги кураш ҳам ўз ифодасини топган.

Асар рус тилида 1993 йили «Сувғдиён» нашриётида, Самарқанд шаҳрида нашр этилган. Муаллиф ўзбек тилида ёзган бу романи янада мукамаллаштириб, тугал шаклга келтиришга ҳаракат қилган. Роман ўқувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

**ББК 84(59)6**

**ISBN 978-9943-00-266-1**



## ЎЛМАС ТАРИХ ФАРЗАНДЛАРИ

Кўлингиздаги китоб муаллифи олим киши. У ўз имини ҳам Амон шаклида ёздирди. Бу шакл бизнинг омонлик тушунчамизга нисбатан кенгроқ маънога эга, деб билади. Чиндан энг қадим даврдан келган Амон ва унинг Амон Ра тарзидан тортиб, бундай исм жаҳон бўйлаб кезади. Араблар, форсларда у шундай ёзилишини айтмай қўя қолай. Амон деган румин рассоми бўлар эди. Фаранглар санъатида ҳам бу исм учрайди.

Лекин Қамар ака фақат олим эмас. Кўлингиздаги китоб у етарлича адабиётдан хабардор эканлиги, унинг ёзувчилик иктидори борлигидан далолат беради. Қамар ака тарихий роман талабларидан келиб чиқиб, олис замонлардаги воқеаларни баён этмай, аниқ, таъсирбахш манзараларда тасвирлайди. Асарни яхлит шаклга солиб, яхлит маънога бўйсундиради. Романнинг диққатга сазовор яна бир жиҳати, ўқувчи қайси бир қахрамон тарихий шахс, қайсиси тўқима образ эканлигини ажратолмайди. Ўтмишда шу инсонлар яшаган экан-да, деб ўқиб кетавради.

Адабиётда Спитамен образига олдин ҳам бир неча бора мурожаат қилинган. Спитамен — ўлмас тарих фарзандларидан бири, шу боисдан, бу образни мукамалроқ яратишга уринишни табриклаш керак. Айниқса, адиб олдин ёзилган асарларни такрорламайди. «Ўз қўшиғи»ни куйлайди.

Асарда баҳсли ўринлар бўлиши мумкин. Бу табиий хол. Ҳар қандай ижод намунасининг «баланд-пасти» бўлади. Адабиётимиз янги бир тарихий роман билан бойгани муҳим, деб ўйлайман.

Муаллифга ва унинг асарига бахт-омад тилайман.

**ОМОН МУҲТОР,**  
*Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган санъат арбоби,  
ёзувчи.*

## **Б и р и н ч и б о б**

### **«У ПАЙҒАМБАР ЗАРДЎШТНИНГ ҚАРИНДОШИ ЭМАСМИ?»**

Милоддан аввалги 338 йилнинг баҳори... Эрон томонидан Турон босиб олинганининг икки юзу ўн йиллигига қадам кўйган Самарқанд шаҳрида ҳаёт бир маромда кечмоқда.

Самарқанд икки дарё — Окс (ҳозирги Амударё) ва Яксарт (ҳозирги Сирдарё) оралиғида жойлашган ўлка — Суғдиёнада ташкил этилган форс сатраплигининг пойтахти, Қадимги Шарк ҳашамати ва қашшоқлигининг марказларидан бири.

Баҳорги кеча-кундуз баравар пайтининг киришидан икки кун бурун тош ётқизилган кўчаларда бозор томон ҳаракат қилаётган бесўнакай араваларнинг волон-ғижирлаши шаҳар тинчини бузарди. Кўёшнинг тонгги шуъллари дарахтлар учига нур сочиши билан новвойлар ва сутфурушлар овози эшитилди. Мўрилардан чиқаётган тутун билан буғ аралашиб, мовий осмонга сингиб, кўринмай борарди. Кўчалар йўловчилар билан аста-секин тўла бошлади ва шаҳар шовқини кучайиб, унга турли ғалати товушлар кўшилиб кетди: бир ёқда сандонга урилаётган болғанинг шиддатли нидоси, нарироқда кулоллик дастгоҳининг текис шивирлаши, бу ёқда от туёқларининг тақирлаган товуши ёхуд хизматга шошилаётган шаҳарликнинг баланд овози ва қашшоқларнинг шилқимлиги. Шаҳар яшар — одамлар ишлар ва ёлқовлик қилар, қулар ва ингранар, ялинар, сўкинар эди.

Шаҳарнинг бош дарвозасига йўналадиган кўчанинг икки томонида дўконлар зич. Улар олдидаги эски гиламча ёхуд намат тўшалган тўрт бурчакли супачаларда ду-

кон эгалари эрталабдан ўз молларини ёйиб, савдога тайёрламоқда: бировлари мойчиروқлар, мунди, хумча, коса ва қошиқлар, бошқалари ёғоч қутичаларда ферузадан, турли рангли тошлардан, ложуварддан ясалган узук ва ҳалқалар, занжирчалар, билагозуқлар, маржон ва марварид шодалари, безатилган бош кийимлар, чиннигул мойи ва мушк малҳами солинган шиша идишчаларини ёйиб қўйган.

Кўчанинг чап томонида кулолчилик, заргарлик ва мисгарлик устахоналари мижозларга мунтазир. Мисгарлик устахонасида ишлаётган, чамаси эллик ёшлардаги уста-чеканчи Багиз, форс миллатидан бўлиб, биринчи ва мис кузачаларига зеб бермоқда. Унинг пешонасидаги хали унча билинмайдиган ажинлар тер маржонлари билан қопланган, кўкимтир яктаки остидан кўринаётган эски карбос қўйлаги меҳнаткашнинг ҳаёт тарзидан далолат берар эди. У болғачасини сандон устидаги кўзача биқинига бир маромда урарди. Уста шаҳар ташвишларидан таажжубланиб, гавжум кўча бўйлаб бозор томон ҳаракат қилаётганларга қараш учун онда-сонда бошини кўтариб, нафас ростларди.

Устахонага икки эркак кириб келди. Уларнинг бири хали кирк ёшга етмаган, баланд бўйли, чеҳраси очик, қора кўз суғдий. Дона-дона оқ тушган қалин соқол-мўйлови унга салобат ва чирой қўшарди. Эрзиф исми ҳаракатчан бу киши устахонанинг эгаси. Унинг уста билан муносабати суғд ва форс халқ вакилларининг мулк эгаси ва эркисиз хизматкор ўртасида бўлган тенгсизлик эмас, балки дўстлик ва биродарлик ҳамкорлигидан далолат беради.

Устахонага келганларнинг иккинчиси йигирма бир-йигирма икки ёшли суғдий йигити — Эрзифнинг жияни. Салобатли хатти-ҳаракати бу чаққон йигитнинг аслзода эканлигини билдиради. Уни Спитама дер эдилар.

Спитама Самарқандда, Суғдиёна сатрапининг оила-сида дунёга келган. У ёшлигиданок от чоптириш, камондан тир отиш, човгон уриш, муштлапиш пойгаларида иштирок этиб, Самарқанд ва бу музофотдаги полвонларни лол қолдирарди. У ўзининг ташқи қиёфасига ҳам алоҳида эътибор берарди. Унинг кийими кўпинча қоплон терисининг рангида бўлар ёхуд елкасига қоплон терисини ташлаб юрарди. Лекин калта чакмонининг ёқалари

шундай ҳам хушбичим эдики, унинг чиройига чирой кўшиб, адл қадду қомати ва ёруғ чехрасига янгича хусн бағишларди. Устахонага келган пайтида у фақат беллашувларда ғолиб чиқишга улгурибгина қолмай, ҳарбий қисмларга кўмондонлик қилиш, хўжалиқни бошқариш ва вилоятга раҳбарлик қилиш тажрибасига ҳам эга бўлган эди. Спитама чаққонлиги, эпчиллиги билангина эмас, сўз санъатидаги маҳорати билан ҳам бошқалардан фарқ қиларди. Ўспиринлик йилларида у кўп вақтини ўша замон муқаллас кўлёзма китоби бўлган «Авесто» алқовларини ёдлашга, ўз фикрини баён этишнинг турли усулларини ўрганишга сарфлади ва чиройли сўзлаш ҳамда ҳаракат қилиш санъати соҳасида шундай юқори малакани эгаллашга муваффақ бўлдики, у қаерда бўлмасин — қариндошлари олдидами, ёши катталар даврасидами ёхуд нотанишлар орасидами — кишилар эътиборини жалб этарди. Спитаманинг бундай муваффақиятга эга бўлишида унинг кўнғироқдай овози ва чиройли ўқиш маҳорати кўл келди. Шаҳар зардуштийлик жамоа аъзолари унинг «Авесто» китобларидан бири бўлган «Видедат», «Девларга зид қонуният» матнини кечки ибодат пайтида ўқишига иштирок этиш, тинглашга ошиқардилар; тингловчилар Спитаманинг чиройли ўқиш санъатидаги муваффақиятлар сирини англашга уринардилар.

Эрзифнинг эрталаб устахонага, бош уста қошига келишининг боиси — бозорда харидорларнинг янги нақшли мис кўзачаларга талабини ҳисобга олиб, бу борада у билан маслаҳатлашиш эди. Бу талаб савдо муомаласини тезлаштириши ва катта фойда келтириши мумкин — янги нақш чиқариш муаммосини тезроқ ҳал қилишни тақозо этарди. Эрзиф чала тайёр кўзачаларга янги нақш чиқариш лойиҳасини устага кўрсатди ва улар бу лойиҳани кечиктирмай ишга туширмоқчи бўлдилар.

Айни пайтда улар ёнидан шаҳарнинг Расад маҳалласида жойлашган катта бозор томон, Чақардиза, Ғотфари маҳаллалари орқали хунармандлару зироатчи дехқонлар ўз юқлари билан кетма-кет ўтардилар; улар араваларда, отларда, эшакларда ва яёв ҳолда шаҳар атрофларида жойлашган Тали Барзан, Бахштепа, Ургут, Миёнқол (Дахбед) ва бошқа узоқ ва яқин манзилгоҳлардан келардилар. Ҳар гал кўчадан бозорчилар ўтаркан, мисгарлар

ўз ишларини бир оз тўхтатиб, йўловчиларни кизикиш билан кузатардилар.

Чамаси бир ярим соат вақт ўтди, аммо кўчадаги ҳаракат пасаймади. Янги суворийлар гуруҳи кўриниб, улар кетидан ўрқачларига юк ортилган туялар қарвони яқинлашуви билан, Эрзиф қўлидаги болғачасини сандон устига қўйди-да, бировга мурожаат қилгандай деди:

— Эй бизни яратган олий Тангри! Бозор бўлмаган куни одамларнинг бундай ҳаракатига хайрон бўласан киши!

Яна қўлига болғачасини олиб, ўзи қўйган муаммони ўзи ечмоқчи бўлгандек, давом этди:

— Бугун «Фраваша (арвоҳлар) куни!» Сатраплигимизнинг ҳеч қайси бурчагида бундай кунда катта бозор бўлмаган...

— От чопдирганларига қаранг! — сўзга қўшилди Спитама. — Одатда Сраоши ва Фраваша кунларида одамлар «Авесто»ни ўқиш, руҳларни тинчлантириш, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланардилар. Нима учундир бугун улар жуда ҳам бесаранжом?

— Ўғлим, — деди Эрзиф, — эҳтимол, бу йил улар Наврўзга яхшироқ тайёргарлик кўрмоқчидирлар? Руҳларни осойишта қилишни Наврўз пайтидаги ибодат давомида ўтказмоқчидирлар? Атрофга қара, табиат бу йил анча эрта уйғонибди!

Ҳақиқатан ҳам, бу йил дарахтлар барвақт куртак ёзиб, гуллай бошлади, бойчечак, бодом дарахтлари, лола ва наркас гуллари эса аллақачонлар қийғос очилган. Шаҳарнинг атроф кўриниши табиат манзараларини тасвирловчи рассомнинг усталик билан чизган суратига ўхшайди. Шаҳристон (Афросиёб) ва уни ўраб олган аҳоли манзилгоҳлари қийғос гуллаган дарахтлар билан қопланган бўлиб, улардан ҳамма томонга баҳорнинг ёқимли хиди тараларди. Оқ кийимга ўралган келинчақдек, оппоқ гуллаб ётган дарахтлар устида тиним билмас асаларилар учиб юрар, бол териш билан овора. Чумчуқлар баҳорги кўнғироқ овозлари билан чуғурлашиб, атроф-муҳитнинг ширинлигидан далолат берарди. Янги йил, янги ҳаёт бошланмоқда!

Бозорчилар ҳали ҳам ўтардилар. Усталар яна ишга шўнғидилар-у, бир оздан кейин яна кўчага назар ташладилар.

— Спитам! — Эрзиф жиянига мурожаат этди. — Сен янги йилнома жадвалини ўзлаштирдингми?

— Ҳа, тоға. Мен янги йил жадвалини эътибор билан ўрганиб чиқдим. Унда Янги йилни пухта гайёргарлик билан кутиб олишни тўғри таъкидлаган.

Янги жадвалда ҳар бир ойнинг биринчи куни олий илоҳимизга бағишланиб, «Ахура Мазда куни» деб аталади, бошқа уч ҳафтанинг бош кунлари эса унинг рамзига тенг илоҳий кучларга бағишланади. Ҳафта кунларининг ҳар бири Осмон, Ер, Олов, Сув, Қуёш ва Ой кунлари деб аталади. Ойлар ўн икки буржларга бағишланган, лекин йил фаслларига улар қандай мос келишлиги ҳақида ҳеч қандай тафсилот берилмаган.

— Демак, сенингча, — сўради Эрзиф, — кохинлар бу борада «Авесто»га аниқлик киритишлари лозимми?

— Ҳа, — маъқуллаб бош силкитди Спитама.

Шу вақтгача устахона олдидан бир неча карвонлар ўтди. Сарбонларнинг кўринишларига қараганда, улар Буюк Ипак йўли билан Самарқандга келиб, эхтимол, Ҳиндистон ва Хитойга кетаётган Кичик осиелик савдогарлар эдилар. Карвонларни кузатаётган айрим отликлар Анахита ибодатхонасига келиб ўнг томонга, Чакардиза маҳалласининг карвон саройига, бошқалари эса Афросиёбнинг Кеш дарвозаси томон, Шахристон қалъасидаги Суғдиёна аркига қараб ҳайдадилар.

Икки йўловчи, Багизнинг устахонаси олдига келиб, отларидан тушдилар. Улар отларнинг жиловларини дарахт шохига илиб, йўловчиларга қизиқиб қараётган усталарга яқинлашдилар.

— Хайра маҳдам! Хуш кўрдик! Марҳамат қилиб мана бу курсичаларга ўтиринглар, — деди Эрзиф, меҳмонлар билан ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин.

Йўловчилар курси ва супачада ўтириб, бир оз нафасларини ростлаганларидан кейин Эрзиф уларга пиёлаларда ҳаома — нинабарг зағоса ўсимлиги шарбати ва сутни омихта қилиб қайнатилган, кишини бардам тутадиган ичимлик узатди. Йўловчилар, мишнатдорчилик билдириб, пиёлаларни олдилар-да, шошилмай бу ажойиб ичимликни хўпладилар. Улар анча тетиклашдилар. Эрзиф эса, бу орада, меҳмонларга жимгина разм солди.

Меҳмонлар яхши кийинган. Асл этиклар, чиройли чакмонлар. Уларнинг афти маҳаллийларга ўхшамайди,

балки кўк кўзлари Ўртаер денгизи вилоятларидан бўлишлари мумкинлигидан далолат беради.

Йўловчилардан ёши каттаси, чамаси элликдан ошган бўлиб йўғон овоз билан гапирар, ўзига тинч, юқори мартабали кишига ўхшарди. Ёш йўловчи тахминан йигирма ёшларда эди. Бўйи баланд, ёруғ юзли, майин мўйловли. Ўзига зеб бераётган бу йигит ёши катта йўловчига айнан ўхшаш. Эхтимол, улар ота-бола бўлса.

Юзага келган тахминлар нотаниш йўловчилар ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермасди. Шунинг учун ҳар бир нарсани билишга ҳавасманд бўлган Эрзиф, пиёлаларга яна хаомадан қуйди-да, мехмонларга узатиб, сўради:

— Одобдан бўлмаса ҳам, сўрашга ижозат бергайсизлар. Қаердан бўласиз, йўл бўлсин?

Мехмонлар бир оз дам олиб, ўзларини анча тетик сезардилар. Катта йўловчи қаддини ростлади-да, Эрзифга иссик назар ташлаб, деди:

— Биз Иониянинг Милет шаҳриданмиз. Менинг отим Ургос. Бу йигит менинг ўғлим — Пулос. Биз шаҳрингизга ҳозиргина кирган савдогарлар қарвони билан келдик. Бизларнинг ҳам икки туяга ортилган юқларимиз бор; йўлдошларимиз қарвон саройига кетдилар, биз эса сизлар томон бурилдик. Биз юнонилармиз, аммо Кичик Осиёда узок яшаганимиз учун сизларнинг тилларингизни, форс, суғдий ва бу тиллар билан кўп умумийлиги бўлган авесто тилини ҳам биламиз.

Ургос ўз қарвонлари Милетдан чиқиб, узок йўл босганлари, Арбела, Акбатонни оралаб, Окс дарёсидан сузиб ўтганлари ҳақида хикоя қилди. Сайёҳ тасвирлаб берган йўл Ипак йўлининг йўналишларидан бири бўлиб, у Суғдиёнанни Ўртаер денгизи мамлакатлари билан, Фарбда Испания билан, Шарқда Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан боғлар эди.

Ўзи хунарманд, аммо савдо соҳасида ҳам анча билимдон бўлган Эрзиф мехмон билан илиқ суҳбатлашиб, деди:

— Давлатимизнинг айрим вилоятларида хунармандчилик ривожланган марказлар бор. Мен Мисрда ва Милетда сопол идишлар ва шиша ишлаб чиқаришда анча ютуқларга эришилганини биламан. Биз бу ерда ўша идишларни оламиз. Мисрда тўкиладиган ингичка иплар-

га бизда эҳтиёж катта. Бизга бу ўлкаларнинг ҳунармандлари ишлаб чиқараётган шиша, кийим-кечак, зеб-зийнат буюмлари, тўкиладиган газламалари ва тикилган кийимлари яхши таниш. Бу молларни савдогарлар келтириб, бизнинг бозорларимизда сотадилар.

— Сиз ҳақсиз, — маъқуллади Ургос. — Шарқда қарор топган нисбий осойишталик, хўжалик юксалиши, Буюк Доро подшоҳлиги даврида қурилган савдо йўллари ибратли сақлаш, янгиларини қуриш, пул муомаласининг ривожланиши шаҳарлар ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланиши учун қулайликлар туғдирди.

— Форс мамлакатада, — яна сўзлади Эрзиф, — савдогарлардан эшитишимча, вилоятларни бир-бири билан боғлайдиган боқша қарвон йўллари ҳам бор. Жумладан, Бобилни Акбатон билан боғлайдиган ва Бактрагача, ундан ўтиб ҳиндулар еригача давом этадиган қарвон йўли ҳам катта аҳамиятга эга.

Кейин сайёҳлар Самарқанд воҳасида сайр этиш ва шаҳарга яқин жойда яшаётган қариндошларини кўриш истагини билдирдилар.

— Ҳа, шаҳримиздан унча узоқ бўлмаган шундай жой бор, у ерга кўчиб келган юнонилар яшайдилар, — деди Эрзиф.

— Биз сизлардан миннатдормиз. Энди, агар малол келмаса, кичкина хизматларингизни биздан аямасангизлар. Гап шундаки, Бахтвар исми, менимча форс миллатидан, ўзи Марокандда туғилиб ўсган юртдошларингиз бизнинг шаҳарда яшайди. Биз унинг отаси уста Багизга ва Спитамен номли дўстига саломини етказиб, у бериб юборган совғани топширишимиз лозим. Бизга уста Багизни топишга кўмаклашмайсизларми?

Шунда мезбонлар бирданига қулиб юбордилар. Сўзга Спитама қўшилди:

— Тасодифни қаранг! Сиз кимга мурожаат қилишни биларкансиз. Энди кўпчилик «Спитамен» деб атай бошлаган йигит мен бўламан. Бахтварнинг отаси эса — ана у ҳурматли уста, — кўрсатди у, хурсандчилигидан, кўз ёшларини тўхтатолмай, табассум қилаётган Багизни кўрсатиб.

— Ажабо! Ростми шу! Қандай омад! Гўёки очик кўнглим учун тақдирим менга бахт ато қилгандек! — деди Ургос, ажабланиб.



— Кечирасизлар, — деб изох берди Эрзиф, — мен уни сизлар билан таништирмабман. Танишинглар. Талаффузда «Спитамен!», аслида биз Спитама деб атайдиган бу йигит менинг жияним бўлади. Спитама — бизнинг тилда яркираш маъносини билдиради. Айнан Спитама — «учқун сочувчи» дегани.

— Таништириб, тасвирлаганингиз учун раҳмат. — Кейин Багизга қараб мурожаат қилди у. — Сиз хўп яхши ўғил тарбиялабсиз! Худо умрини берсин, ўсиб унсин! Сизга ҳам раҳмат, — Спитаменга қараб деди у. — Сизнинг ажойиб дўстингиз бор экан!

— Менинг дўстимнинг дўсти — менинг дўстим! Бизнинг меҳмонимиз бўлинглар! — деди Спитама, — сизларга шахримизни, унинг кўркам жойларини кўрсатамиз.

— Биз учун бу ерда ҳамма нарса кизиқарли! Шарк услубидаги меъморчилик зийнатлари ҳам, биноларнинг нақшлари ҳам, — сўзга қўшилди Пулос. — Айниқса, менга бу томошалар кўп нарсани ўргатиши мумкин. Бизни ерни суғориш, зироатчилик тажрибаси, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуши, урф-одатлари ҳам кизиқтиради.

— Мухтарам Пулос! Сизлар учун Суғдиёнанинг яшил манзарасини томоша қилиш кизиқарли бўлса керак? Наврўз байрами кунларида шаҳарда ва шаҳар ташқарисида ҳар хил сайиллар, от чоптириш пойгаси, хўроз ва кўчқор уруштириш ўйинлари ўтказилади. Агар хоҳласангизлар ўша жойга олиб борамиз.

— Албатта, хоҳлаймиз!

Сухбатга Багиз қўшилди. У меҳмонлардан ўғлининг соғлиги ҳақида, унинг иши ҳақида, ютуқлари ҳақида ва бошқа, уни кизиқтирадиган нарсалар ҳақида сўради.

\* \* \*

Шаҳристон манзараси — қадимий Афросиёбнинг ҳар томонидан оқадиган Сиёб анхори, унинг устидаги баланд кира, тепаликни ўраб олган қалъа девори, ичидаги арк ва узоқлардан кўринадиган унинг хашаматли дарвозаси, маҳкама бинолари-ю, кўримсизлиги билан улардан фарқ қиладиган шаҳар ташқарисидаги қадимий тор кўча ва ҳовли-жойлар.

Тор кўчадан тўрт отлик — Эрзиф, Спитама, Ургос ва Пулос шаҳарнинг шимолий-шарқий томонидаги Хитой дарвозасига яқинлашиб, Афросиёб тарихи ҳақида гаплашиб келишарди.

— Афросиёб номи қандай келиб чиққан? — сўради меҳмонлардан бири.

— Бу ном, — деди Спитама, — халқимизнинг қаҳрамони, Эрон билан ҳар жиҳатдан тенг бўлган мамлакатимиз — Турон шоҳи, Афросиёб номи билан боғлиқ. Бизнинг диёримиз учун Эрон билан Юнон ўртасида қучли тўқнашувлар бўлиб, бу жангларда Турон халқлари ҳам, жумладан суғдийлар, саклар, массагетлар ва хоразмийлар иштирок этган.

Бу салобатли деворлар четдан бўладиган ҳужумлардан шаҳарни ҳимоя қилиш истехкоми сифатида хизмат қилади.

Спитама деворлар ва минораларда, душманни отиш учун қўйилган туйнукчаларни меҳмонларга кўрсатиб, ўз фикрини яхшироқ ифодалашга ҳаракат қиларди.

Меҳмонлару мезбонлар суҳбат ва хикоялар билан бўлиб, Хитой дарвозасидан шахристонга кирганларини сезмай қолдилар ва Кулолон маҳалласининг кўчасидан юрдилар. Кўча тарошланган фиштар билан, ҳовлилар юзи ва айвонлари эса рангли, жило берилган тўртбурчак фиштар билан қопланган. Ҳовлиларда мевали дарахтлар, ток войишт (ишком)лари кўринар, энди очилган атиргуллар хиди тараларди. Ҳар бир ҳовлида бир неча хонадан иборат яшайдиган бино, ошхонада ўчоқ ва тандир кўринади.

Шаҳарнинг Бухоро дарвозаси ёнидан икки маҳалла-ни кўриб ўтгандан кейин, Навбахор дарвозасига яқин, ғарбий анхор ёнидаги ғор олдида тўхтадилар. Ғор анча чуқур эканлиги, ичида йўлаклар, бир-бирини кесиб ўтадиган чорраҳалар, айрим жойлари эса анча кенг эканлиги ҳақида сўзлашдилар.

— Бу ғор қандай пайдо бўлган, вазифаси нима? — деб сўради ёш меҳмон.

— Бу шоҳ Афросиёб замонидан қолган. Эҳтимол, қадим замонларда аждодларимизнинг яшаш жойлари бўлган.

Кейин сайёҳлар ариқ бўйлаб юрдилар; боғлар ичидаги сув тўла ҳовузлар ёнидан ўтиб, шаҳарнинг асосий,

Кеш дарвозаси олдига келиб тўхтадилар. Дарвоза ёнида катта сув иншооти бўлиб, у шаҳар томонга новлар билан оқиб келаётган катта анҳор сувини учга тақсимлайди. Анҳор шунинг учун Новадан деб аталади. Булоқлардан бошланган бу сувлар шаҳар аҳолиси ичимлиги учун, боғ ва экинзорларни суғориш учун сарфланади.

Эрзиф меҳмонларга шаҳарни суғориш услуби хақида гапириб берди.

— Шахримиз, — деди у, — тоққа яқин, унинг иншообли ёнбағридаги текисликда, аммо Зарнумати дарёсидан анча баландликда жойлашган. Самарқанд текислиги шарқдан ва жунабий-шарқ томондан ғарбга ва шимолий-ғарб томонга, яъни тоғ ёнбағридан Зарнумати дарёсининг воҳасигача чўзилади. Тахминан ана шу йўналишда Самарқанднинг ер ости сувлари ҳам ҳаракат қилади. Самарқанд ер ости сувларига бой бўлиб, улар турли чуқурликда жойлашган. Тоғлардан узоклашиши билан улар саёзликка яқинлашадилар, водийнинг пастликларига келганда булоқ бўлиб ташқарига отиладилар ва ариқлардан оқадилар. Қадим замонларда булоқлар Самарқанднинг асосий сув манбаи ҳисобланган ва шаҳар қурувчиларининг эътиборини жалб этган. Шунинг учун дастлаб Афросиёб ўзининг сунъий суғориш иншоотларига эга бўлмаган, унинг сув билан таъминоти эса Сиёб анҳори сув манбаига ва булоқларга таянган. Булоқ сувларидан ташкил топган табиий ариқлар — Обираҳмат ва Сиёб азалдан Шахристонни сув билан таъминлаган. Кейинроқ сунъий сув иншооти — Новадан анҳори ишга туширилган.

Меҳмонлар мезбонларнинг бу ҳикояларидан мамнун бўлиб, миннатдорлик билдирдилар.

Кейин Эрзиф юнониларни меҳмондорчиликка таклиф этди.

Эрзифнинг Обираҳмат анҳори бўйидаги боғча-ҳовлиси. Ховли ўртасидан кичик, аммо сув тўла ариқ ўтиб, унинг устида, айвон томонга қараб усталик билан баланд кўтарилган войишт. Войиштдаги узум новдаларида энди ўсиб чиқаётган куртаклар кўринади. Чиройли қилиб кесилган ўрик ва олча дарахtlари қаторларидаги олма дарахtlарининг ёзган куртаклари катта-катта, ўрик дарахtlари эса қийғос гуллаган. Қуёш ҳаммаёкни қиздириб, боғчадаги ҳар хил гул кўчатларига жонбахш шуълаларини инъом этмоқда.

Ҳовли тўрида хўжалик бинолари жойлашган: молхона, ундаги моллар ва пичан, айвон ва ошхона, унда овқат пишириш учун ўчоқлар, айвонда тандир. Тандир ёнида баланд бўйли, чамаси қирқ ёшли чаққон аёл нима биландир овора. Кейин маълум бўлдики, бу аёл Спитаганинг онаси Зардоза экан. Унинг уйи Эрзиф ҳовлисининг девори билан туташган бўлиб, девордан дарча қўйилган.

Юнонилар ҳовлига кирганларида Эрзифнинг хизматкорлари уларга пешвоз чиқиб, хизмат қилдилар. Бугун Вэрэтрагна куни. Ҳовлига зардуштийлар жамоасининг айрим аъзолари, қўшнилари ва маги (рухоний) таклиф этилган. Ғалаба худосига, Оловга қурбонлик қилиш маросими ўтказилмоқда. Бугун ўтган аждодлар арвоҳларини шод этиш байрами ҳам тўғри келди. Шунинг учун улар рухига ва жамоанинг барча аъзолари соғлигига дуолар ўқилди.

Қурбонликка катта қўй сўйилди. Унинг нимталанмаган бутун танаси себарга ўти устида қўйилганда, маг қурбонлик устида худолар ҳаққига дуо ўқиди. Барча зарур шартлар ва урфий одатлар бажарилгандан кейин, майдалаб қайнатилган қўй гўшти бошқа ноз-неъматлар билан бир қаторда, айвондаги дастурхонга тортилди. Қўйнинг пиширилган калласи кексалар олида қўйилди. Ноз-неъматлар ҳаома билан истеъмол қилиниб пиёлаларни қўлга олганда, худолар шарафига махсус мактовлар, ҳар қачонги алқов айтилди:

*Ахурага ва Митрага  
Бўлсин бизнинг эътиқод.  
Ул абад ва улугвор  
Худолар бўлсинлар шод.*

Маросимнинг расмий қисми ва тушлик зиёфат якунланиши билан жамоа аъзолари, маг ва бошқа таклиф этилганлар уй эгаларига миннатдорлик билдириб, хайрлашиб кетдилар.

Кичик осийлик меҳмонлар эса уй эгаларининг илтимосига мувофиқ бу ерда қолиб, яна турли мавзуларда суҳбатлашдилар. Эрзиф уларга Суғдиёна тарихига оид қўп маълумотлар берди. Шу вақт суҳбатлашаётган эркакларга аёллар — Зардоза ва Аши, Эрзифнинг хотини келиб қўшилдилар.

— Бизнинг китобда, — деди Эрзиф, — тарихда маълум бўлмаган айрим мамлакатлар номи ҳам эслатиб

ўтилган. «Авесто»да ўн етти мамлакат қайд этилган. Ахура Мазда яратган ҳар бир мамлакат ўзича гўзал. Айрим мамлакатларнинг номи аниқ эмас, бошқалари эса яхши аниқ: булар, жумладан, Суғда (Суғдиёна), Моуру (Маргиана), Бахди (Бактрия), Харахванти (Арахозия), Хаэтуманг (Гильменд).

— Демак, — Эрзифнинг сўзини бўлди Ургос, — сизларнинг Суғдиёна ва унинг пойтахти Самарқанднинг ёши, «Авесто»да тасвир этилганига қараганда, 500 йилдан кўп экан-да?

— Агар ундан ҳам кўп бўлмаса, — деди Эрзиф. — «Авесто»да «яшайдиган энг яхши мамлакатлар ва жойлардан, Ахура Мазда суғдийлар яшаётган Гавани яратди» деб тасвир этилганига қараганда, бизнинг ўлкамиз аллақачонлар Шарк ўлкалари қаторида маданият маркази бўлган. Демак, унга ва унинг пойтахти Самарқандга аллақачон минг йилдан ошди, деб тушуниш мумкин.

Биз, суғдийлар, «Авесто»да баён этилган Спитаман-Зардуштнинг айтган сўзларига ишонамиз. У Ахура Мазданинг бизга юборган вакилидир. Бизнинг худомиз Ахура Мазда, олий оллох, доноликнинг мужассамлашгани ҳисобланиб, у инсонларнинг барча фаолиятларини бошқаради.

— Бизнинг уруғдош, номи Спитама-Зардушт бўлган пайғамбаримиз, — суҳбатга қўшилди Зардоза, — болалигидан турли мураббийлар ва ўқитувчилардан олган барча билимларни ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Кейинчалик у ўзини «оллох ҳикмати билан илҳомланган, хабардор бўлган» ваэдэмна (айнан «хамма нарсани билди») деб эълон қилган. У Ахура Маздага ибодат қилиб, барча яхшиликларни, болика худоларни ҳам яратган ягона худо, деб эълон қилди. У ўз маслакдошларига икки бурчни — ҳар ким учун беш маҳал намоз ва етти байрамни нишонлашни топшириб, улкан кучга эга бўлган диний одатни яратди ва унинг асрлар давомида сақланишини таъминлади. Шунинг учун мен, она сифатида, ўз ўғлим, Спитамани ёшлигиданоқ бизнинг пайғамбаримиз, Спитама-Зардуштга содиқ бўлиш руҳида тарбияладим.

Эрзиф ва Зардозанинг ҳикоя ва мулоҳазалари меҳмонларни мафтун этди.

— Ижозат этсангиз, сиздан бир нарсани сўрайин, — мурожаат этди Пулос Эрзифга, — нима учун жиянингиз-

2008  
А-2871

га сизлар «Спитама» номини бергансизлар, пайғамбар Спитама-Зардушт билан бунинг алоқадорлиги борми? У пайғамбарнинг қариндоши эмасми?

— Қабиламизнинг пайғамбар Спитама-Зардушт авлоди билан бевосита боғлиқлиги ҳақида менда аниқ далиллар йўқ. Аммо аждодларимизнинг ривоятларига қараганда, бизнинг уруғимиз пайғамбар уруғи билан қариндошлиги бўлган. Пайғамбар Спитама-Зардушт ҳаққониятнинг жарчиси бўлган. Ахура Мазда унга инсонларни ёвузликка қарши курашишни топширган.

— Спэнта, — Эрзиф пиёладаги совиган ҳаомани хўплаб, сўзини давом эттирди, — Спитаманинг отаси, сатраплигимизнинг ҳоқими, Суғдиёнанинг мартабали, ҳурматли одами эди. У илмга жон-дили билан берилган коҳин эди. Зардуштнинг бошқа издошлари каби, ҳаётнинг келгусидаги халоскори ҳақиқий инсон фарзанди бўлади, деб ўқитди. Ўз ўғлига Спитама номини бериб, у менинг жияним Суғдиёнанинг химоячиси ва халоскори бўлиб етишади, деб орзу қилган. Спэнтанинг дунёқарши Суғдиёна халқини шох Умасу Артахшас олдига ўзининг ҳаққоний талаблари билан боришга руҳлантирди. Аммо Суғдиёна сатраплигида, барча шохликдагидек, кўпайиб бораётган ғаламис ва чақимчилар Спэнтанинг яхши ташаббусларини шохга бузиб етказганлар. Шунинг учун у қонунсизликнинг қурбони бўлди.

— Ҳа, — деди Ургос, — шох Артахшас III сиёсатидан фақат сизларнинг фуқароларингиз эмас, балки мамлакатдаги бошқа халқлар ҳам, ҳатто форсларнинг ўзлари ҳам норози.

Меҳмон ва мезбонлар алламаҳалгача бошқа мавзуларда ҳам суҳбатлашдилар.

Эртанги Наврўз байрамига тайёргарликдан бўшаб суҳбат даврасига қайтиб келган Спитама, табассум билан, меҳмонлардан яна ҳол-аҳвол сўради. Эрзифнинг хотини эса дастурхонга янги ноз-неъматлар қўйди. Бундан олдин хизматкор меҳмонларга офтобада очкизил сув ва таомилга мувофиқ қўл ювиш учун дастова ҳамда сочик тутди.

Бу оилада Зардуштнинг фақат диний таомиллар ҳақидаги насихатларига эмас, балки бошқа одатлар, айниқса, тозалик таомиллари ҳақидаги насихатларига ҳам қатъий амал қилардилар.

Барча яратувчиликнинг ижодкори бўлган инсон ўзини бекаму кўст, ҳам ташқи, ҳам ички жиҳатдан тоза сақлаши лозим. Ўйлаш ва фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлган инсон, худолар томонидан яратилган барча нарсаларнинг тозалиги ҳақида ҳам ғамхўрлик қилади. Зардуштнинг асосий насиҳатларидан айримларини, жумладан ерни тоза ва ҳосил беришга қобилиятли тарзда асраш, ўсимлик ва дарахтларни етиштириш, жониворларга нисбатан ғамхўрлик қилишни улар мукамаллик билан бажаришаётганини бу оиланинг ховли ва хўжалигидан билиш мумкин. Овқатни диққат билан тайёрлар, гозаликка эса қаттиқ риоя қилардилар. Овқатни нуқул ихлос билан истеъмол қилишлари, бу оиланинг ажойиб фазилатларидан бири эди.

Шундай қилиб, байрамолди оқшом ниҳоясига етди. Меҳмон бўлган юнонилар ўзлари тўхтаган манзилга кетдилар.

Меҳмонларни кузатган Спитамен анча вақт ухлай олмади. Болалик ва бўйдоқликда ўтказган кунлар, Ўртаер ва Эгей денгизлари бўйларидаги шаҳарларга қилган сафарлари, отасининг қиёфаси, насиҳатлари унинг хаёлига бирма-бир келарди...

## И к к и н ч и б о б

### СИЁВУШНИНГ НАСЛИ

Спитама йиллар аёвсиз ўтаётгани ҳақида узоқ ўйлади. Кун ва тун, хафталар ва ойлар ўтмоқда. Кунлар кетма-кет алмашилиб, биргина кундек туюлади. Унинг назарида, охири йўқ, сокин ўтаётган дам факат ёруғлик ва қоронғиликнинг бири-бирига ўрин бўшатишидан иборат. Инсон улар оралаб судралгандек.

Хаётнинг тебрангичи бир меъёрда, оғир тебранади. Бу тебраниш инсон вужудини камрайди. «Қандайдир гулдурос ва шовкинлар, ҳар дақиқа ўзгариб турадиган кўринишлар, дард, кўрқув, даҳшат, кулги ва уйқу, сўнгсиз уйқу...» — ўйлади у. Бу боши-охири йўқ мубҳамликда у меҳрибонлик билан тикилаётган кўз нурларини, табассум этаётган ғамхўр онасининг қайғусини аниқ кўради. Ўз танасида тўлқинлантирувчи бир куч се-

зади, бу куч унинг ёш гавдасида ўсиб бормоқда, уни рухлантирмоқда.

Йиллар ўтмоқда... Ёшгина Спитама хаёлан ўз хаёти-ни бир маромда оккан Зарафшонга ўхшатади: эсдалик-лар «оролча»лари юзага келганини тасаввур этади. Унинг хаёлида муттасил янгиланиб турадиган, аммо бир-бирига ўхшайдиган тебранишларда, бир-бирига туташ кунлар доирасида ҳаёт ўзгариб, гоҳ шодумон, гоҳ қай-ғули кунлар, одамларнинг юз-кўзи жонланади.

Спитаманинг хотирасида ўтмишнинг яқинлашиб келаётган саҳнида турфа садолар янграйди.

Афросиёб. Тун. Бола ухламоқда... Деразадан салкин шабада кириб келмоқда... Сиёбнинг гувиллаши эшитил-моқда. Анҳор сувининг овози тун тинчлигида бошқа бар-ча товушларни қопламоқда. У одамларни ухлатмоқ учун гоҳ аллалайди, гоҳ ўз тўлқинлари авлий остида гўёки ўзи ҳам ухлайди. Бу садо баъзан тўсатдан кўтарилиб, йиртқич хайвон наърасига ўхшайди. Кейин наъра пасая-ди: энди у нозик ва майин оҳангга, болаларнинг кулги-сига, паст овоз билан айтаётган қўшиқларига ўхшаб ке-тади. Онанинг жозибали, дилга яқин овози! Бу овоз, оналарнинг асрлар давомида, Спитамадан олдин яшаган авлодларни аллалаганидек, уни ҳам аллаламоқда; бу садо бола оламига қўшилиб кетади, унинг тушларига ки-ради, ўзининг салкин шабадани эслатган нозиклиги, ёқимлилиги билан унинг вужудини тўлдиради, роҳатлан-тиради.

Ҳаёт садолари... Улар гоҳида маъюсона, кўпинча ёқимли янграб, осойишталикда жўрлашиб кетадилар. Бу садолар остида Спитамани ширин умид ва орзулар, ўтмиш ҳақидаги хаёллар гуллайди. Хотиралар унинг вужудини титратадилар. Қанча хурсандчиликлару кўз ёшлари! Деразадан эса мовий осмоннинг бир бўлакчаси табассум билан унинг хонасига қарамоқда, куёш нурла-ри аллақачон тўшаги устига тушган. Одатдаги, у бола-ликда кўниккан кичкина ҳаёт кўз олдида гавдаланади; ҳар кунгидек, у эрталаб уйғониб, тўшагидан туради-да, ана шу манзарани кўради. Спитама ҳали кўп нарсани билмайди. У яшаётган уй — у учун бир дунё; бу уй нақадар бой! Деворлардаги ўймакорликлар ўтмиш та-рихни, даҳшатли ё кулгили воқеаларни эслатади; уй саҳнида энди у гоҳ ўрмалаб, гоҳ юриб ўйнайди; мана



тахтадастурхон, унинг устида овқатланадилар; ўйнаётган Спитама тахмон ичида яширинади. Бир оз улғайгач, у хар куни, эрталаб ҳовлига ўйнашга чиқади, унга бўйсунадиган бу «катта дунё»га синчиклаб қарайди. Бу катта кенгликда адашмаса бўлгани! Бу олам нақадар улкан! Спитама унга тамомила шўнғиб кетади. У чарчади ва онасининг тиззаларида ёхуд остида яширинишни севган тахта ёнида ухлаб қолади... Унга қандай яхши! Бу дунёда уни ўраб олган барча янги нарсалар қандай ёқимли!

Спитама кунларнинг чалкаш сўқмоқларида ўзининг ҳаёт йўлини аниқлай бошлади.

Тонготар чоғи... Отаси ухлаб ётибди. Спитама эса ўз тўшагида ётиб, энди ёришаётган куннинг Сиёб сувига тушиб, деразадан уй шифтида акс этиб ўйнаётган ёруғлигини кузатарди. Фаройиб! Тўхтовсиз томоша қилиш мумкин. У тўсатдан сурункасига қўнғироқ, болалик овози билан кулди. Бундай кулгидан, уни эшитган хар кимсанинг ҳам юраги қувониб кетади. Уй ишлари билан банд бўлган онаси, Зардоза болага энгашди:

— Нега куляпсан?

Жавоб бериш ўрнига у яна каттиқроқ кулди, энди у жўрттага куларди, чунки энди унинг тингловчиси бор... Онаси юзини жиддийлаштириб, бармоғини лабига қўйиб, деди:

— Отанг ишдан жуда кеч, чарчаб қайтди. У уйқудан тўйиши керак... — Аммо Зардозанинг чиройли кўзлари беихтиёр кулар эди. Спитама кўрпаси остига яширинди.

Шарқдан эсаётган шамол кучайиб, Сиёбнинг нариги қирғоғидан тустовуқларнинг қийқириғи эшитилди. Яқин яйловлардан эса эшакнинг ханграгани эшитилиб, чумчуқлар тўдасининг гувиллаб учиб кетгани кўринди. Узум тоқлари устида янги бошланган кун шаънига, ажойиб кайфият билан мусичалар ғурилладилар. Бу товушлар Спитагани қувонтириб, кўнглида ҳаётга нисбатан, уни қуршаб олган оламга нисбатан катта муҳаббатни уйғотадилар.

Баъзи кунлар пайт пойлаб, онаси нима биландир банд бўлганда, Спитама уни огохлантирмай уйдан чиқиб Афросиёб кўчаларида айланиб юриш, шаҳар дарвозасидан наридаги далаларга бориш, табиатнинг гўзал манзараларини томоша қилиш учун кетиб қоларди. Авваллари унинг орқасидан қувардилар, ушлаб уйга қайтарарди-

лар. Кейинрок эса одатландилар: майли, кезиб юрсин, узоққа бормаса бўлди, худо кўрсатмасин, Сиёбга тушиб кетмаса яхши.

Хар гал жўшқинлашиб бораётган болаликнинг хаёлий сайри уни ажойиб орзуларга етаклайди: у кўчадан топган таёқни найза сифатида, атрофдаги буталарни эса кўшиндек тасаввур этар ва гўёки унинг кўмондонидек ҳаракат қиларди. Агар у чивикча топса, дархол камчинга айланади; мана — у от устида, жангчиларга раҳбарлик қилиб, олдинга қараб учмоқда. Бордию учиб бораётган от қоқилиб, чуқурга тушиб кетса, хайрон бўлмай ўрнидан туриб, кийимининг чангини қоқиб, оёғининг урилган жойини уқалаб, яна йўлида давом этарди.

Ёш Спитаганинг тасаввури қанот боғлаган. Мана, у дала бўйлаб кетатуриб, осмонга қараб, жодугар каби қўл силкитади. У — булутларнинг бошқарувчиси! У булутларни ўнга бурилишга буйруқ беради. Улар эса барибир чапга суринадилар. Шунда у булутларни сўқади ва буйруғини такрорлайди. Аммо улар илгаригидек, гўё ҳеч нима бўлмагандек, чапга юзаверадилар. У оёқлари билан ер тепади, ўзининг сеҳрли ҳассасини жаҳл билан силкитиб, уларни «чапга юриш»га буйруқ беради. Ана, ажабо, энди улар қаршилиқ кўрсатмай буйруқни бажармоқдалар. Спитама ниҳоят хурсанд! У ўз кучидан фахрланади.

Спитаганинг Самарқанддан бир фарсанг жанубийшарқда жойлашган Тали Барзан шаҳарчасида яшовчи бобоси, Парнун Афросиёбга бориб ўз болаларини кўриб келарди. У бугун ҳам уларникида бўлди-да, қайтишда кичкина Спитагани ўзи билан олиб кетди. Болакай бобоси билан ёнма-ён, унинг залворли қўлидан ушлаб, майда қадам ташлаб борарди.

Улар кичик йўлак билан, яхши парвариш қилинган экинзорлар ёнидан ва оралаб борардилар. Экинзорлар на етилган ялпизлардан кишини завқлантирадиган ҳидлар тараларди. Чигирткалар чириллашарди. Ботишга яқинлашаётган қуёшнинг ёкимтой нурларидан йўловчиларнинг узун соялари маккаи, ловия ва бодиринг экилган майдонларнинг анча жойигача чўзилган. Экинзорларнинг жўяклари устида ўйнаб юрган окбиқин ҳақкалар тўдаси набираси билан кетаётган бобога, гўё улардан аразлагандай, қинғир қараб, улар яқинлашгандан кейин истар-истамас учиб кетдилар.

Йўловчилар кўнчилик кишлоғи кўчасига бурилдилар. Йўлнинг иккала томонидаги балхи тутларининг шохларида фарқ пишган ширин мевалар кўзни қамаштиради. Енгилгина қокканда ҳам майишиб осилаётган шохлардан оппоқ, ҳатто қизарган тут мевалари кўчадаги тупроқ устига гуриллаб тўкиладилар.

Гох бунда, гох унда марҳаматли сугдийлар ва амалдорларнинг ҳашаматли ҳовли-жойлари кўринади. Ҳовли деворлари ёнида тераклар қад кўтариб, очик дарвозаларидан боғ саҳнидаги тўртбурчакли ҳовузлар, яхши парвариш этилган гулзорлар кўринади. Ҳовузлар устида катта сада дарахтларининг осилган шохлари ҳовуз суви ва атрофини қуёш нуридан ёниб, атрофни салқинлаштиради. Ҳовуз бўйларида баланд супалар бўлиб, улар устида гилам ёхуд наMAT тўшалган, улар аёллар, қиз ва ўғил болалар дам олишарди. Ашула айтишар, доира садолари остида раксга тушардилар.

Экинзорлар ўртасида баланд қўрғонлар кўзга ташланиб, улар олдида зиротчи дехқонларнинг қулбалари бечорахол кўринади. Экинзорларда елқалари қуёш тафтида қизариб кетган дехқонлар ишламоқда, улар йўловчиларни кўриб таъзим бажо этдилар.

Йўловчиларнинг сайрига неvara илтимосига кўра қария Парнуннинг хикоялари жўр бўлди. Қария ўз хикоялари билан набирани лол этар, лекин у Спитама-нинг илтимос қилишини кутарди. Неvara бобоси билан умуман, жуда соз. Қария ҳам ўз неварасини ардоқлайди ва бундай эътиборли тингловчини кўриб завқланади. Қария учун ўз неварасига хикоя айтиш, бошидан кечирган ҳар хил воқеаларни гапириш ёхуд қадимги замонларнинг машҳур кишиларини таърифлаш роҳат бағишлайди. Ана шу дақиқаларда унинг овози дабдабали янграб, боланинг ҳаяжонланиб кетганидан ўзи ҳам тўлқинланиб, ўз ҳиссиётини билдирмасликка ҳаракат қилса ҳам, овози хириллади. Лекин равшанки, хикоядан унинг ўзи ҳам баҳра топарди. Бахтга қарши, хикоянинг ярмига етганда, муҳим воқеаларни тасвирлаш учун керакли сўзлар етишмай қоларди. Бундай ҳолатга у чидаса ҳам бўларди, чунки бундай фалокат қариликда эслаш қобилиятининг сусайганлиги нишонаси эди. Аммо қария бу ҳол билан келишишга рози эмас, бу воқеаларни у қайта такрорлаш-

га, чиройлироқ ифодалашга ҳаракат қилар, бундан асло чарчамас эди.

У халқ ривоятлари ва ашулалари ҳақида, Вахшунварнинг Перозга қарши кураши ҳақида, Зопир (сак халқ дostonларидаги Широқ образига тўғри келадиган) ҳақида гапирарди. Ҳикоя воқеанинг нозик жойига, қаҳрамоннинг мардлик кўрсатиши ҳақида гапиришга келганда Парнуннинг юзи яшнаб кетди. Тарихий сўзларни у шундай тўлқинланиб, кўтаринкилик билан гапирдики, уни тушуниш болага қийин. У ҳикоянинг нозик жойига келганда тўхтаб қолар, Спитама эса зорикиб, сабри етмаганидан қалтираб, илтимос қиларди:

— Кейин-чи?.. Кейин нима бўлди, бобожон?

Кейинроқ Спитама бобосининг ҳийласини билиб олиб, унга жўрттага ҳикоя нима билан тугашига ўзини бефарқ кўрсатишга уринадиган бўлди. Бу бечора қарияни доводиратарди. Аммо ҳозир болакай батамом ҳикоячининг инон-ихтиёрида. У ҳатто нафас олмай тингламоқда. Спитама албатта, бу воқеаларнинг моҳиятини, қаҳрамонликлар қаерда ва қачон содир бўлганини яхши тушунмасди; эҳтимол, унинг бобоси Вахшунвар ва Зопир билан шахсан танишдир? Барибир бу қаҳрамонликлар ҳақидаги ҳикоядан қариянинг ҳам, болакайнинг ҳам юраклари хаприкиб, ифтихордан тошар, гўё бу қаҳрамонликларни уларнинг ўзлари кўрсатган — чунки қария ҳам, набира ҳам, бир хилда, ана шу ўлканинг фарзандлари!

Аммо бобоси ҳар гал ҳикоясини воқеанинг кизиқ жойида тўхтатганида ва руҳий-ахлоқий мавзулардаги насихатгўйликка ўтганида набира ғашланарди. Бу панд-насихатларни улугворликни йўқотмаган ҳолда оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин эди. Масалан: «Кўполликдан кўра, яхши сўз билан иш тутган маъқул» ёхуд: «Жохил бўлишдан хушфеъл бўлган яхши» — аммо бу сўзларнинг маъноси отахон ифода этганда, болакай учун унча тушунарли бўлмасди. Қария эса ёш тингловчисининг эътирозидан аччиқланмасди. Ўз сўзларига у қатта куч бағишлашга уринар, Спитама уни ҳурмат билан тингларди.

Улар, бобо ва набира, сейистонли афсонавий паҳлавон Рустамнинг қаҳрамонликларига бир хил ҳурмат билан қарайдилар. Рустам кўп мамлакатларни мағлуб этиб, Эроннинг кучли давлат сифатида шаклланишида ало-

хида роль ўйнаганига тан берадилар. Бобоси бу мавзуни шундай ишонарли ҳикоя қилдики, гўё у Рустам билан бир даврда умр кечириб, доим унинг ёнида бўлган. Хатто, гўё Рустам билан тарихий жанглардан бирида иштирок этишига оз қолган. Аммо қария душманнинг азаматлигига ҳурмат билан қараб, унга қойилман, деди: агар шундай пахлавон Туронда тувилганида эди, мен унга ўнг қўлимни берардим, дебди. Такдир эса бошқача хал қилган; майли, қахрамон Рустам қаршида ҳурмат билан тиз чўқади, лекин унинг томонидаги бошқа пахлавонлар билан олишади! Спитама эса бобосининг сўзини сабрсизлик билан бўлиб, бу пахлавоннинг жасоратлари, ҳаёти ҳақида ҳикоя қилишга қистарди; уни бу афсонавий ботирликлар ҳайратлантирарди. У Рустамни саноксиз жангчилар бошида, улар ўз қўмондонини олқишлар билан кутиб олганларию унинг қўл ишораси билан душманга ташланишларини, душманлар эса дарҳол қочганлигини тасаввур этди. Бу Спитама учун ҳақиқий мўъжиза эди. Шунинг учун у бобосига бу пахлавон ҳақида кетма-кет саволлар берди: Рустам қандай ҳаёт кечирган, қаерларда бўлган, биз томонларда бўлганми, бобожон? Бу саволларга жавоб бериб, қария деди:

— Тилларда дoston бўлган пахлавон сайёҳлик қилган ёшлик пайтида гўё бизнинг вилоятга келиб, бу ернинг Таҳмина исмли соҳибжамол кизига уйланган эмиш, аммо кўп ўтмай Форсга қайтиб кетган экан. Гўё шунинг учун кўчасидан биз ўтиб бораётган бу маҳаллани «Рустамқишлоқ» дейдилар. Пахлавон ўз мамлакатига кетганидан кейин ойлар ўтиб, Таҳмина ўғил кўрибди ва унга, Рустамнинг илтимосига мувофиқ, Сухроб деган исмни беришган экан. Сухроб вояга етганидан сўнг онасидан отаси кимлигини сўрабди ва уни топишга бел боғлаб, йўлга тушибди. Онаси Рустамдан нишона, у қолдирган туморни ўғлига бериб, бундан ота-бола бир-бирларини топишлари мумкин, деб умид қилибди. Лекин Эрон ва Туронниг яқинлашувига қарши бўлган ғаламис шахслар ота ва ўғилнинг танишишларига йўл қўймаганлар, аксинча, уларни уриштирганлар. Натижада, Сухроб бу ноиттифоқликнинг қурбони бўлган — ўғил ўз отасининг ханжаридан зарб топиб, унинг қўлида жон берган экан...

Мўйсафид ҳайратли ҳикояларининг айрим қахрамонларига нафрат билан қарарди. Унда ватанпарварлик

туйғулари жўш урарди — хикояда айниқса шоҳ Кайхисравнинг мағлубиятига келганда, унинг устидан куларди. Шоҳ Артахшас III Ох Умасу фаолиятига келганда, отахон жойида тўхтаб, уни сўкиб, жануб тоғларига қараб муштарини кўтариб, тупурди. «Ярамас! — мурожаат қилди у. — Қонхўр! Ахлоқдан маҳрум бўлган зот!». У шу йўл билан болада яхши ахлоқлик хиссиётини уйғотмоқчи бўларди, аммо ўз мақсадига етолмасди, чунки Спитама болалик мантиқи билан енгилгина қарама-қарши хулосага келди: «Агар шундай улуғ одам ахлоқлиқдан маҳрум бўлса, демак ахлоқ ярамас нарса эканда, — улуғ одам бўлишдан яхши инсон бўлиш афзал», деб ўйларди у. Аммо чол болакай хаёлидан нималар ўтаётганини билмасди.

Хикоя тамом бўлганда икковлари ҳам сукунатга чўмиб, ҳар бири бўлиб ўтган воқеаларни ўзича талкин этарди.

Йўлда қариянинг танишлари учраганда, у тўхтар, букилиб иссиқ сўрашар ва барча хушмуомалалик хислатларини кўрсатарди. Бундай ҳолларда Спитама кизарар ва уяларди, аммо нима учунлигини билмасди. Бобоси ўз танишлари билан, эҳтимол, кичкинтойнинг фикрича, шунинг учун эгилиб муомала қилардики, унинг бу танишлари хурматга сазовор, «қандайдир мансаб соҳиблари»; у ўзининг севимли қаҳрамонларини ҳам ардоқлайди, эҳтимол бу қаҳрамонларда у бахтлиларни, амал соҳибларини кўради. Ана шундай дақиқаларда Спитама қандай қилиб мансаб соҳиби бўлиш мумкин, бошқаларга нисбатан баланд кўтарилиш мумкин, деб хаёл сурарди.

— Қара-қара, — тўсатдан ҳаяжонланиб кетди қария, — бу менинг хитойли дўстим-ку! Мен уни анчадан бери кўрганим йўк.

Улар томонга сарғайиб кетган ҳассасига таяниб секин-аста келаётган чол — кўкимтир кимано кийган хитой Цен Цзы. Унинг ярим очик, ярим ёпик ғилай кўзлари роса чарчаганлигидан далолат берарди. Қуюқ саломлашиб, хол-аҳвол сўрашгандан кейин, иккала қария, суғдий ва хитой, сада дарахти остида ўтириб суҳбатлашдилар; бу суҳбат мазмунига, албатта, Спитама қизиқишга интилмади.

Цен Цзы Парнунга йилнома ёзаётганлиги хақида гапириб, қўлидаги шоҳи ўрамини очди-да, унда ёзилган

дастхат маъмуни хакида гапирди, Парнундан, ўз дастхатини тартибга солиш учун анча нарсаларни сўради ва аниқлаб олди. Унинг қўлёзмасида, жумладан куйидагилар ёзилган эди:

«Мен хушфёъл рухлар юборган мамлакат хақидаги хатимни давом эттираман. Мамлакатни Суғдиёна деб атайдилар. Бу мамлакат бошқа халқларнинг бостириб киришидан тоғлар ва чўллар билан ҳимоя этилиб, кўп йиллардан бери, уруш офатларини кўрмай, роҳат ва осойишталикда яшамокда.

Бу ўлка «Осмон остидаги осойишталик» мамлакати (Хитой)дан ғарб денгизига кетадиган катта йўлда жойлашган. Бу ўлка орқали ҳар хил моллар ортилган бой карвонлар турли мамлакатлар томон узлуксиз ҳаракат қиладилар. Бу кишини нақадар қувонтиради!

Бу ерда яшайдиганлар ҳунармандчилик ва санъат соҳасида ажойиб қобилиятлари билан фарқ қиладилар. Улар баланд бўйли. Камбағаллари бошларини оддий мато билан ўрайдилар, бойлар эса — шоҳи матоси билан. Пахта, жун ва чарм матоларидан кийим киядилар. Савдони яхши кўрадилар. Аммо бойлик орттириш ва алдашга ниҳоят мойиллик қиладилар. Қандай уят!

Улар ниҳоят ардоқлайдилар ва севадилар, аёллари озод яшайдилар. Ҳар бир оилада эркак аёлнинг ҳамма айтганларини бажаради. Хотинлари билан доимо бирга яшаш учун эркаклар ҳарбий машқлар билан шуғулланишдан тортинадилар ва мардликни йўқотадилар. Бемаънилар, ахир бу хавфли-ку! Она ерни ким қўриқлайди?

Аҳолининг ярими деҳқончилик билан шуғулланади, ярими эса — савдо билан. Мамлакатда ажойиб зотли отлар бор. Уларнинг энг чиройлиларини «сомонучар» дейдилар. Бизнинг шарафли жангчиларимиз ана шундай отларга минишга муносиб.

Мамлакатда кўп паҳсали баланд деворлар билан ўраб олинган етмишта шаҳар бор. Ҳар бир шаҳарда ҳоким яшаб, ўз ҳокимиятини мерос тариқасида ўғлига топширади. Агар ҳоким ўлдирилса, шоҳ у ерга янги ҳокимни юборади, у котилни ўлдириб, ўзи ҳукмронлик қилади. Ерлари ҳосилдор, кўп маҳсулот берадилар, улар ҳокимлар ва бекларнинг абадий мулкчилигига топширилган. Бунинг учун улар шоҳнинг биринчи талаби билан, топ-

шириғини бажариш учун, унинг қошига хозир бўлишлари лозим. Бу оқилона тартиб!

Оддий дехқонлар бундай бой мамлакатда тўқ ва бахтли ҳаёт кечиришлари мумкин эди, лекин улар ердан олган хосилнинг тўртдан уч қисмини ҳокимларга, ерда ишлашга ижозат олганлари учун, беришлари лозим. Шунинг учун меҳнаткаш дехқонлар, ғаллалари бўла туриб, кўпинча оч юрадилар. Қандай ачинарли хол!

Ҳоҳинлар ва айрим ҳокимлар ёзиб, ўқий оладилар. Уларнинг асарлари фақат йигирма бешта белгилар ёрдамида ёзилади, улар турли тартибда жойлаштирилади ва турли нарсаларни билдирадилар. Бу мураккаб ўйланган, аммо бизнинг ёзувимиз анча оқилона ишлаб чиқилан. Китоб ўқитилиши узлуксиз давом этади. Китоблар ошланган сигир териларида ўнгдан чапга Қараб ёзилган. Бу ноқулай.

Аҳоли байрамларда қадимги вақтлар ҳақида қўшиқлар айтади. Энг узун қўшиқлар доимо бошдан охиригача айтилади, чунки улар аждодларнинг муносиб иш-ҳаракатлари ҳақидаги билимларни ва ҳаётнинг ақлли қоидаларини ўргатади.

Кўп йиллар давомидаги осойишта ҳаёт Суғд мамлакатининг аҳолисини жуда бойитди; улар ўз уйларида бошқа мамлакатлардан қимматбаҳо моллар йиғдилар. Бу бойликлардан мамнун бўлиб, улар ўз мамлакатини «Бахтли Суғдиёна» дейдилар. Аммо очкўзлик билан қўшилиб кетган бойлик, учаётган булутга ўхшайди...».

Йўлдаги суҳбат анча чўзилди, шунинг учун Парнун ўз дўсти билан хайрлашиб, неварасининг қўлидан ушлаб, яна йўлга равона бўлди.

Йўлни қискартиш учун улар тўппа-тўғри, Коз якка манзилгоҳининг кўкаламзорлари ва яйловлари орқали юрдилар. Фақат бу манзилгоҳда эмас, бошқа аҳоли яшайдиган жойлар ҳам якка кулбалардан иборат бўлганлиги учун кейинчалик «Кулбаи поён», «Кулбаи боло» деб аталадиган жой номлари вужудга келган.

Қариянинг накл қилишича, улар ўтаётган манзилгоҳнинг номи шоҳ қизи исмига алоқадорлиги бор экан: гўё Афросиёб ўзининг Коз исмли қизига — Сиёвуш хотинига бу жойларни тухфа этган бўлиб, буларни кейинроқ «Коз-қўрғон» деб атайдиган бўлишган.



Йўловчилар, ниҳоят Тали Барзанга етиб келдилар. Бу — ёш Спитамаининг ақлини таниб, биринчи марта ма-на шундай узок саёхтида бобосининг уйига келиши эди.

Тали Барзан Бактра йўлининг бўйида жойлашган ўз даврининг шаҳарчаларидан бири.

Бобосининг хикоясидан Спитамага шу нарса аён бўлдики, «Тал(л)и» — тепаликни, кичик тоғликни, «Барзан» эса — қисми, шаҳар қисмини англатади. Шундай қилиб, Тали Барзан тўла маънода «Тепаликдаги шаҳар» демак. Лекин, деди Парнун ўз неварасига, бу жойни «Тали Варзин» деб ҳам атайдилар. Бунинг маъноси, «Варз(и)» — юқори, баландлик демакдир. Шу нуктаи назардан, бу жой «Юқори-тепа» деган маънони беради. Ана шу иборада ҳам маълум ҳақиқат бор, чунки шаҳарча баландликда жойлашган.

— Халқда шундай ривоят ҳам мавжуд, — хикоя қилди бобоси Спитамага, — гўё қадим замонларда бу тепалик устида Барзу исмли пахлавон деҳқон ўз кулбасини қуриб, кўп йиллар давомида оиласи билан зироатчилик қилиб кун кечирган. Шунинг учун, бу тепалик «Тали Барзу» деб, аталадиган бўлган. Эҳтимол, шундайдир, лекин менга «Тали Барзан» номи маъқул; ахир, бу — шаҳар-ку!

Парнуннинг бу сўзларидан кичкинтой Спитама билдики, унинг бобоси ўз шаҳарчасидан мамнун, уни ардоқлайди. Шунинг учун «жуда яхши» дея қолди.

Эскидан маълум бўлганки, суғдийларнинг ҳоким ва бошка амалдорлари Тали Барзанда ҳам яшаган. Парнуннинг ажодларидан бири қачонлардир шаҳар ҳокими бўлиб, унинг ховли-боғлари мерос сифатида Парнунга келиб теккан. Бу ховли-боғлар Тали Барзаннинг ҳосилдор ерларида, шаҳарчанинг шинам қисмида.

Ундан ташқари, шаҳарча ўз карвонсаройлари билан машхур. Саройларда Ипак йўли билан Шарқдан Фарбга, Фарбдан Шарққа юрадиган савдо карвонлари учун бу жой юк тушириш ва ортиб, ҳар томонга жўнатиш вазифасини ўтаган. Бу ерда Суғдиёна ва Бактрия шаҳарлари бозорларининг улгуржи савдо марказларидан бири жойлашган.

Бобосиникида бўлган дастлабки кунларда Спитама чарчашни билмай, қаёққа ва нима учунлигини ўйламай, уйларнинг бурумларига қоқилиб, йўл ёқасидаги зовур-

лардан сакраб, тор кўчалари чорраха ва боши берк кўчаларда адашиб, эртадан кечгача югуриб юрарди. Кейинчалик бу жойлар Спитамага таниш, Афросиёбнинг чалкаш кўчаларидек кадрдон бўлиб қолишди. Айрим вақтлар унинг бобосиникида кечгача қолишига тўғри келарди, айрим вақтлар эса уни бобосиникига бирон-бир вазифа билан кеч пайти юборардилар.

Иссиқ кунларда кекса Парнун дарахт соясида ўтириб, бир дақиқадан сўнг мудрашга тушарди. Спитама эса бобосига яқинроқ жойда — йўл бўйидаги катта тош устида ёхуд унча қулай жой бўлмаса ҳам, баландроқда ўтириб оларди-да, оёқларини силкитиб, алланималар ҳақида хаёл сурарди. Ёки майсалар устида чалқанча ётиб оларди-да, осмонда, баланд учиб юрган булутларга қарарди. Улар ҳар хил бўлиб, бири бурунларидан тутун чиқараётган катта хўкизга, бошқалари ажойиб мевалар билан риж тўла, узун шохлари ҳар томонга тарқалган катта дарахтларга ўхшардилар, айрим вақтда бир қанча булут бир-бирига яқинлашиб бир бутун гўзал манзарага айланардилар; болани кичкина булутнинг тақдири безовта қиларди — катта булут уни ютиб юборишга интилади, бошқа, тез учиб бораётган қора булутлардан эса, у кўрқади. Бу булутлар билан одамлар ҳаёти кўп жихатдан боғлиқ бўлса керак, деб Спитама фараз қиларди; ажабо, нима учун на унинг отаси, на онаси, на бобоси буларга эътибор қиладилар! Унинг учун булар хайбатли махлуқлар бўлиб, агар хоҳласалар одамларга даҳшатли зарофат етказишлари мумкин. Бахти бор эканки, улар тўхтамай, юқорида учиб бормоқдалар...

Кейинроқ ёш бола далага ўзи чиқадиган бўлди; у энди теварак-атрофни яхши ўзлаштирган бўлиб, зич аҳоли яшайдиган Самарқанд четидаги маҳаллалар ва уларнинг кўчаларида карвонлари билан адашиб юрган сарбонларга ёхуд алоҳида йўловчиларга йўл кўрсатадиган бўлди.

Мана, «Равонак» манзилгоҳи, «кетаётган» маънони англатади. Манзилгоҳ Тали Барзан жанубида, Бактра томонга кетадиган йўл ёқасида. Шунинг учун бу манзилгоҳ Бактрага борадиган йўлни тўғри танлаш жойи маъносини бериши эҳтимолдан узоқ эмас. Тали Барзанга яқин, унинг ғарб томонида «Мисгарон» манзилгоҳи жойлашган. Унинг номи унда яшаётган аҳолининг хунармандчилик касбидан келиб чиққан — бу мисгар усталар-

нинг манзилгоҳи, улар мисдан турли буюмлар ясашга мутахассислашган бўлиб, фақат Самарқандда эмас, балки узоқ ўлкаларда ҳам ном чиқарган. Мисгарондан унча узоқ бўлмаган, Афросиёбга борадиган томонда «Ангар-олмос» манзилгоҳи кенг жойни ишғол қилган бўлиб, унинг аҳолиси, асосан, заргарлик билан шуғулланиб, олмос ва бошқа қимматбаҳо тошлардан зеб-зийнат буюмларини ясаган.

Спитама бу манзилгоҳлар аҳолисининг касбу корини билмаса ҳам, боғларида ўйнаб юради. Чалқанчасига хаёл суриб ётган бола тўсатдан сесканиб ўрнидан турди. Атрофга қараб, қош қорайиб кеч қирганини билди. У зимдан кулоқ солди — атроф жимжит! Демак, боғларда у билан бирга айланиб юрган бобоси кетган. Анча вақт бўлганми ёки ҳозиргина кетдимиз? У атрофга қаради: бобом ҳали узоққа кетишга улгурмагандир? Аммо атрофда у кўринмасди. Спитама бир сакраш билан ўрнидан кўзгалди. Бобосининг деразасида ёруғликни кўриб тинчланди.

Баъзан шундай ҳам бўлардики, кекса Парнун ҳали даладан уйига қайтган эмас. Бу ҳаммадан ёмон. Чунки қария баъзида Спитамага ҳеч нима демай қаёққадир кетиб қоларди. Бола буни тезда сезмади. Уй, унинг ҳамма бурчаклари осойишта кўринди. Ҳаммаёқ кўпдан бери таниш. Одатланган нарсалар: бўялмаган тахтадан ясалган қаравот; тоқчада катта «Авесто» китоби; ўчоқсимон печ устига қўйилган нақшдор идишда гулдаста; деворда қиличлар, қалқон, найза, ханжар ва бошқа Парнуннинг ёшлик даврларидан қолган қуроллар осилиб турибди. Гўё сени ҳар томондан дўстларинг ўраб олган. Уйнинг кўшни хонасидан бобосининг овози эшитилди; у ниманидир рандаламоқда, михламоқда. Ана, у йўғон овози билан аллақачонлар эсдан чиқарилган ёшлик даврининг ҳарбий кўшиғидан бир парчасини, ундан кейин «Авесто» хикматларидан, ҳар вақт такрорлаб юрадиган мисраларни хиргойи қилиб ижро этмоқда:

*Мамлакатни бузадир палид  
Ҳам лафзсиз қаззобларки бор.  
Амр этилган аҳдга содиқ бўл,  
Спитама, унутма зинҳор.*

Спитама дераза олдидаги суянчиқли курсида ўтириб, бобосини мароқ билан тинглади; унинг кўшиғидан

нихоят тўлқинланди... Улғаяётган боланинг кўнглидан ноаниқ орзулар, мавхум башоратлар ўтмоқда. У бобоси хиргойи қилиб айтган кўшиқдаги сўзларга эътибор берди:

— Бобом айтаётган палид ва қаззоблар ким экан? Агар улар мамлакатни бузадиганлар бўлсалар, қачон йўқоларканлар?

Ёш Спитаганинг тасаввурича, бобосининг кўшиғидан маълум бўладигани, ҳаётнинг оғир дамлари ҳам мавжуд бўлиб, бу қийинчиликлар билан у келишишни хоҳламайди: одамларнинг содир бўлган ҳодиса тўғрисидаги афсуслари, ҳеч кимга ачинмаслик каби ҳоллар уни ҳайратлантиради. Айнан ана шу ҳолатлар, унда ҳаётга нисбатан ғайрат уйғотарди. Унинг нафрати тошиб, ана шу нафратдан у куч оларди. Бу ажиб куч эди! Бу куч ҳали ҳеч нимага қодир эмас, у ҳали анча узоқда, бойловли, қуршовда қолган куч: Спитама ҳали нимани хоҳлашини, келажакда ким бўлишини билмайди. Аммо бу куч унда бор — буни у сезмоқда; бу кучнинг жўш ураётганини ва қайнаётганини билади. У атрофдаги ноҳақлик учун ўч олишни мақсад қилиб яшашга қаттиқ аҳд қилди; жоҳилларни, палидларни жазоламоқ, қаззобларни уялтирмоқ ва бу йўлда мардлик кўрсатмоқ жазми унинг яшаш мазмунига айланмоқда. «Оҳ, шу дамларгача яшасам эди... — шунда у бир дақиқа ўйланиб қолиб, — ўн саккизга кирсам!» . Бугун у бу муддатни узайтирди: «Йигирма бирга қадар!» . Бу ёш унинг учун гўё чегара. Бу муддат дунёни ўзимга ром қилиш учун менга етади, деб ҳисоблади. Бобосининг ҳикояларидан ўзининг севимли қахрамонларини эслади у. «Мен Сиёвуш наслининг шоҳлар авлодидан-ку, — ўзича такрорлади Спитама. — Сиёвуш Бухоро шаҳрида дафн этилган. Наврўз куни эрталаб одамлар унинг қабри устига қурбонлик бериш учун қўй ёхуд хўроз келтирарканлар. Мен қачон унинг қабрини зиёрат қиламан? Сиёвуш Митра зотидан, Қуёшнинг буюк ҳудоси яратган уни. Бизнинг авлодимиздан пайғамбар Заратуштра дунёга келган. Шунинг учун ҳам менинг бобом ва отам менга Спитама номини берган! Ҳа, мен буюк томирданман!» У ўшалардай бўлади, фақат яна ўн икки йил яшасин... майли ўн йил! Ўттиз ёшга кириб ўлганларга, Спитама ачинмайди. Булар анча кексайганлар-ку, уларга қанча кўп ҳаёт берилган! Агар шунча вақтда бирон-

бир фойдали иш қилишга улгурмас эканлар, демак улар ношуд. Агар палид ва каззоблар инсонга очикдан-очик душманлик қилсалар, ношудлар ҳеч нимани билмай, зарофат етказадилар. Ҳозир ўлиш — қандай фожиа! Кичкиналикда йўқ бўлиш ёхуд инсон хотирасида ҳар ким сўкадиган ва таъналайдиган бахтсиз ўғил бола сифатида қолиш! Йўқ! Спитама, гўё унинг ҳаёти тамом бўлаётгандай, вазабидан йиғлади.

Шунда кўшни хонада қувноқ хиргойи қилаётган, саксондан ошган бобосининг ёшини эслаб, Спитама ўз фикрларидан уялиб кетди. У бобосининг қувноқлигига қойил қолар, отасининг, ёши элликга яқинлашган Спэнтанинг кучли ва ҳаракатчанлигидан хайратда. Унинг отонаси бир қабиладан, қон-қариндошлик ришталари билан боғланган. Қайнотаси — Парнунга нисбатан ўғилдек ҳурмат қилиш ҳиссиёти Спэнтанинг ҳатто меҳнатдан чарчаган дақиқаларида ҳам сусайгани йўқ; унга оғир туюлган дамларда ҳам, у бошини эгиб қайнотасининг насихатларини, баъзида таъналарини бош эгиб тинглайди. Аммо куёв ўз ишидаги аҳвол ҳақида маълумот бериш учун қулай пайтни кутарди. Парнун эса келажак ҳақида хавотир билан ўйларди; уни Суғдиёна устига яқинлашиб келаётган қора кунларни олдиндан сезаётгани қийнарди.

— Менинг азий болаларим, — кунларнинг бирида деди у Зардоза ва Спэнтага, — мен ҳаётда кўз юмганимда сизларнинг аҳволларингиз қандай кечар! Мен бу борада хавотирдаман. Ҳозирги вақтда мен шоҳликдаги таъсирли шахслар билан муносабат масаласи борасида сизларга ўз маслаҳатларим билан кўмаклашаман, — Спитаманинг бошини силаб давом этди у, — кейин эса менинг мана шу набирам бизнинг Суғдиёнамизни оғир кунлардан олиб чиқишга ҳаракат қилиши керак. Бизлар Афросиёбнинг, Зардуштнинг, Сиёвушнинг наслидан эканлигимизни унутманглар. Бизнинг томирларимизда ана шу аждодларимизнинг қони окмоқда. Биз Суғдиёна мустақиллиги, халқининг бахти, диёримизнинг келажак авлодлар учун равнақи ҳақида ўйлашимиз керак.

Парнун бобонинг ҳаёт йўли охирлашаётган эди. Аммо бу ҳақда ҳеч ким ўйламас эди. Қария ўзининг саксондан ошган ёшига нисбатан камдан-кам учрайдиган — кучга тўла эди. Унинг қалин сочларининг анчагина қисми ҳали қорамтир; тишлари тахминан ўнтача қолган,

лекин шу ўнтаси билан ҳам овқатни яхши чайнайди. Қария ичишдан ҳам бош тортмайди, чунки у ўз меъёри-ни билади, бардам ва ҳаракатчан. У эрталаб соат олтида оёқда ва хар хил рўзгор ишлари билан банд бўлади; ўз қиёфасига ҳам катта эътибор беради. Бирон-бир ишини у эсдан чиқармай, ҳаммасини ўз вақтида ва кўнгилдаги-дек бажаради. Кечкурун у ўз невараси билан ташқарида узок гаплашиб ўтирар ва қоронғилашганда уйга қайтар-ди. Ухлашдан олдин у Авесто китобларини варақлаш ва улардан бир неча бетини ўқишни ёқтиради. У ҳеч қачон ва ҳеч қандай касал бўлгани йўқ. Агар биров унга, сиз юз ёшга кирасиз, деб башорат қилса, у бошқа атоқли қариялардек, илоҳий тақдирни чегаралаш ярамайди, деб эътироз билдирарди. Вақт ўтиши билан, бунга ғаши кел-ганидан, кўзидан ёш келарди. Қариликнинг бошқа ало-матлари унда билинмас эди.

Ёз ҳавосининг қизиқ кетган кунларидан бирида қария, кўчада ким биландир бахслашиб, уйга қайтди-да, ўша захоти ховли сахнидаги боғчада ишлашга чиқди: у гулларга қарашни ёқтиради. Кескин бахслашганидан ҳали ўзига келмай, у кетмонни қўлига олиб, бошини жакка офтоб иссиғидан рўмолча билан беркитмай ишлай бошлади. Спитама, бобосидан узок бўлмаган айвонда ўтириб, хаёл сулар, гоҳида эса қайрилиб қариянинг иши-га назар ташларди. Бобосининг юзини у кўрмасди — қария унга орқаси билан турар, эгилиб гулларни ёввойи ўтлардан тозаларди. Спитама тўсатдан бобосининг қад-дини ростлаб, қўлларини кўтарганини ва жўяқда оғир гавдаси билан қулаб кетганини кўриб қолди. Биринчи дақиқада бола учун бу кўриниш кулгили туюлди. Бобо-си эса қимирламай ётарди. Спитама уни чақирди, югу-риб бориб, кучи борича қимирлатди. У ваҳимага тушди. Тиззаси билан эгилиб, кучи борича қариянинг ўт устида шалпайиб ётган оғир бошини кўтаришга уринди. Аммо Спитаманинг бобосига ёрдам бериш учун қилган ҳаракати беҳуда, қариянинг юзи оқариб, бадани совуган эди; у қўлларини очиб, кўрққанидан қичқирди-да, югуриб кўчага чиқди ва овози борича йиғлади. Қандайдир йўловчи болани тўхтатди. Спитама йўловчининг саволла-рига жавоб беролмай, бобосининг ховлисини кўрсатди ва бу нотаниш йўловчи билан ховлига кириб келди. Бола-нинг шовқинидан хизматкорлар ва кўшчилар югуриб

келдилар; бирпасда майдонча одамлар билан тўлди... Спитама чоғанича, йўлларда тўхтамасдан, у ёқ-бу ёққа қарамай, гўё унинг орқасидан биров қуваётгандай, онасининг уйига етиб борди. У хўнграб ошхонага кириб, онасини кўрди. Бола умидсизлик билан ўзини онасининг бағрига ташлади-да, икки кўли билан уни қўлтиқлаб, бошини она кўкрагига ташлаб, бобосининг ахволини тушунтиришга уринди; ундан нажот ва ёрдам кутди... Зардоза болалари билан қарияникига жўнади. Бобосининг ховлиси олдига келганда ҳаммалари йиғлаб юбордилар.

Хали қоронғи тушгани йўқ. Аммо қариянинг ётоғида шам ёнарди, бу зардуштий расмиятлардан бири; шам ёлқинининг титраётган тили куннинг сўнаётган ёруғи билан курашарди; ётоқ бурчакларида гўё туннинг оғир шарпаси ёвузлик билан бирлашмоқда. Ўчоқсимон печ ёнида ўтирган Эрзиф хўнграб йиғларди. Спэнта эса ўзини бардам тутарди. Кўшни хонада кекса Парнуннинг яқин кишилари тўпланган. Парнун ёстиғи устига энкайган маг, касал қўлларини ушлаб қандайдир дуо ўкимокда. Парнуннинг юраги суст урарди. Зардоза ёш болаларга ёстик ёнида тиззаларида ўтиришни буюрди. Шунда Парнун кўзларини очишга ҳаракат қилди. Ёш Спитама эса боғчадаги воқеанинг оқибати ёмон бўлишини тасаввур этса-да, энди бобосининг ахволи хийла енгиллашаётганини кўриб, ўзи ҳам бир оз енгиллик сезди. Бобоси ҳаракатсиз ётар, гўё ухларди. Бола бир неча дақиқа давомида, гўё бобоси соғайиб кетган ва энди ҳаммаси яна илгаригидек бўлади, деб тасаввур қилди. Аммо касалнинг оғир нафас олаётганини кўриб, унинг юзига каради ва юзи кўкарганини кўриб, унинг ўлиши мумкин, деб тушунди ва бутун вужуди билан калтираб кетди. Зардоза ўқиётган дуони у ҳам такрорлаб, Худодан бобосининг тузалиб кетишини илтижо қилди. У ўз ичида, агар бобом тузалмаса, майли, у азоб чеккандан тезроқ ўлгани маъқул, деб ўйлади. У содир бўлиши мумкин бўлган воқеадан ваҳимага тушди.

Қария шу билан ҳушига келмади. Маг унинг бошида туриб дуо ўқирди. Қарияни ёстикнинг устига юқорирок кўтарганларида у фақат бир гал зўрға кўзларини очди — оғир мижжалари унга бўйсунмасдилар; у каттиқ нафас олдию кўзларини хонанинг ҳамма томонига, қариндошларининг юзларига, шамларнинг ёлқинига югуртирди,

кейин тўсатдан оғзини очди; тасвирлашга қалам ожиз бўлган ваҳима унинг юзини буриштириб юборди.

— Демак, мен ўламан, — мингиллади у, — демак, мен ўламан.

Бу сўзлар айтилган чоғдаги ваҳима Спитама юрагини бир умр эзди; бу даҳшат унинг хотирасида абадий сақланди. Қария бошқа бирор сўз айтмади; унинг маъносиз адашиб юрган оғир нигоҳи ваҳимадан анқайиб қолган Спитамага тушди, — ва тўсатдан ўлим тўшагидаги қария зўрға табассум қилиб ниманидир айтмоқчи бўлди. Зардоза Спитамани тўшакка яқинлаштирди. Парнун лабларини қимирлатиб кўлини кўтарди; эхтимол, у неварасининг бошини силамоқчи эди, лекин мажоли етмади. У ўлди.

— Тоға, — сўради бола, — сиз кўркмайсизми? Хеч хам кўркмайсизми? (Спитама тоғаси кўркмаслиги сирини очиб беришини хоҳларди).

Лекин Эрзиф ўйланиб қолди.

— Жим, — деди титраётган овозда. — Нега, албатта кўркаман, — бир оз сукут сақлаб жавоб берди у. — Нима хам қилиш мумкин? Бу дунё шунақа. Бўйсунушига тўғри келади, бу ҳақиқат.

Спитама ҳайрон бўлиб бошини кимирлатди.

— Бўйсунушига тўғри келади, кичкинтой, — такрорлади Эрзиф. — Унинг ихтиёри, худонинг хоҳиши шу, биз Ахура Мазданинг амрини бажаришимиз керак.

— Мен буни ҳали тушунмайман, — ҳайрон қолиб, осмонни кўрсатиб, мурожаат этди Спитама.

Эрзиф ўз жиянига шошилиш суратда қаради-да, унга ортиқ сўзламасликни буюрди. Спитама ўз сўзидан ўзи чўчиб, тоғаси ўқиётган дуони такрорлади. Унинг нафратдан тошиб, оғзи мўминлик ва итоаткорлик сўзларини такрорласа, юрагида факат бир ҳиссиёт — ўлим туфайли юзага келадиган ярамас кўрқувга қарши курашиш ҳиссиёти тўлиб-тошарди.

Бобосининг ўлими ҳақидаги ўй Спитамани ўз оғушидан ҳеч вақт қўйиб юбормас эди. У ўлим умуман борлигини кўп вақтдан бери биларди, хатто баъзида ундан кўрқарди. Аммо у ҳалигача ўлимни кўрмаганди, уни биринчи марта кўрганидан кейин шуни тушундики, у бундан аввал на ҳаёт, на ўлим ҳақида ҳеч нарсани билмас экан. Шундан кейин теварак-атроф ҳақидаги унинг та-



савури тўсатдан ўзгариб қолди, бу ерда ақл-идрокнинг ҳеч қандай далиллари ёрдам бермас эди. У кишининг яшаши, ҳаётда қандайдир тажриба орттирганини биларди, аммо тўсатдан шу нарса маълум бўлдики, у ҳеч нарсани билмас экан, ҳеч нарсани кўрмаган ҳам экан, гўё у ҳалигача амалга ошириб бўлмайдиган, ўз ақли билан тўқилган ва уни қоплаб олган хомхаёл қобиғида аччиқ ҳақиқат юзини кўрмаган экан.

Спитама бу ҳақда доим ўйларди. Бобосининг жон талвасаси манзараси уни доим таъқиб қиларди. Унинг тасавурида ҳатто табиатнинг ўзи ҳам тўсатдан ўзгарди. Аммо бу фикр уни асло букмади. Спитама ҳеч қачон шикастнафаслик билан келишмасди. У қатъийятлик билан бошини эгиб ақл бовар қилмайдиган ишга ўзини ташлашга қарор қилди, — майли, у душмандан кучсизроқ бўлсин, лекин ҳеч қачон азоб-уқубатга қарши курашишдан чекинмайди. Ана шу вақтдан бошлаб унинг ҳаёти, яшаш маъмуни у келишолмайдиган шафқатсиз қисматга қарши тинмай курашишдан иборат бўлди.

## У ч и н ч и б о б

### СЕВИШГАНЛАР

Бир неча йил ўтди. Спитаманинг ёши ҳадемай ўн саккиздан ошади. У дераза тоқчасига ўтириб олади; пастда, уйга яқин жойдан Сиёб оқади. Деразадан қараса, у анҳор устида, ҳавода муаллақ осилаётгандек туюлади. Спитама доим узокларга қарарди. Лекин анҳорни у ҳеч қачон ҳозиргидек кўрган эмас. Спитама уни жонли мавжудотдек — сирли, аммо у танийдиган барча одамлардан анча қудратли, деб билади. У анҳорни яхшироқ кўриш учун энгашиди, сув қаерга шошади? Нима учун? У шундай енгил оқадикки, гўё ўзи учун йўл танлаган, гўё уни ҳеч нима саклаёлмайди. Куннинг ёхуд тунининг ҳар қандай соатида, осмон булутлар билан қопланганми ёки қуёш порлайдими, уйда мотамми ёхуд хурсандчилик ҳукм суряптими, анҳор суви ёнингдан олдинга қараб оқади, олдинга, ўз тезлигини сусайтирмай оқади; бизнинг ғам-ғуссамизга унинг иши йўқ, ўзи эса қайғуни билмайди, у ўз кучидан роҳатланади. У каби бўлиш, кўка-

ламзорлар орасидан, сохиллардаги мажнунтоллар шохлари орасидан, яркираган майда тошлар, тиник қумлар устидан югуриб ўтиш ва ташвишни билмаслик, ўз устидан бировлар ҳукмини билмаслик — озод бўлиш қандай бахт!

Спитама чакқонлик билан қаради ва қулок солди: гўё анҳор уни домига тортиб, ўз суви билан узоқ-узоқларга олиб кетди... Кўзини юмиб, у бўёқларнинг жилваланишини кўрди — яшил, кўк, сарик, қизил; унинг устидан катта соялар ўтмоқда, атрофда чарақлаб турган текислик кўринади... Кейин унинг кўриниши анча аниқ бўлди. Мана — кенг текислик, қамишлар, шамолда тўлқинланаётган мажнунтоллар. У томондан кўм-кўк майсалар ва ялпизларнинг ёкимли хиди келмоқда. Гуллар, ҳамаёқда гуллар — бўтакўзлар, лолалар, гунафшалар. Қандай гўзал! Қандай ёкимли ҳаво! Мана, бу қалин ва мулойим ўтлар устига чўзилиш қандай яхши... Спитама хурсанд, у озгина маст бўлганга ўхшайди... Анҳор суви узоққа оқиб, атроф-муҳит борган сари ўзгариб бормоқда. Энди қирғоқларда катта дарахтлар кўриниб, уларнинг шохлари осилиб турардилар; одам кафтидек нақшли барглар сувга шўнғиб, гўё сув ҳаракатини тўхтатмоқчи бўлишди... Сиёбнинг суви Зарафшон дарёсига тушади. Кўм-кўк дарахтлар орасида кўмилиб кетган кичкина манзилгоҳ анҳорга юз тутади. Кейин водий; баландликларда узумзорлар, терак дарахтлари, маймунжийда бутазорлари, қадимги қалъаларнинг вайроналари... Кейин экинзорлар, ўтлоқлар, қушлар, қуёш...

Бу манзаралар хақида ҳаёл сураркан, у тўсатдан кўшни ҳовлида яшайдиган қизча билан биринчи бор танишганини эслади. Бу етти ёки саккиз йил муқаддам содир бўлган эди. Спитама ҳовли ташқарисидаги майдончага чиқдию аразланиб бир-бирларидан юзларини ўгирган ўғил ва қиз болани кўрди. Эҳтимол, улар ҳозиргина жанжаллашганлар. Спитама билан тенгқур, улар унинг кўриниши билан ўзларининг бир-бирларидан аразлаганларини эсдан чиқариб, унга яқинлашиб, қизиқиб кўз тикдилар. Спитама эса йўлак ўртасида бошини эгиб турарди. Болалар уни бошдан-оёқ синчиклаб қараб чиқдилар-да, бир-бирларини у томонга тирсаклари билан итариб, нима ҳақдадир пичирлашиб, пиқирлаб кулдилар. Ниҳоят, улар бу бола билан гаплашмоқчи бўлишди.

Улар Спитамадан исмини, қаерда яшашини, отаси нима билан шуғулланишини сўрадилар. Спитама таажжубланганидан жим турди; у ҳаммадан ҳам қизча олдида изза тортди — у жуда чиройли эди.

Қиска танишишдан кейин, тезда бирга ўйнай бошладилар. Спитама ўзига келиб, янги танишларига одатланаётган эдики, қиз бола тўсатдан бурнини кўтариб, акасининг қулоғига шивирлади: бу боланинг қандай оиладан эканлиги номаълум! Спитама буни эшитиб шундай ғазабландики, ҳатто гаплашиш қобилиятини йўқотгандай бўлди. У бир сўз билан ўз дилозорини уялтиришга имони комиллигидан, бир оз дудукланиб, бўғиқ овоз билан қизчага деди: у Спэнтанинг, ўлка сатрапининг ўғли! Бу унвон бошқа ҳар қандай унвондан баландлигини биларди. Албатта, бунда у адашгани йўқ. Аммо болалар, қизиққан бўлсалар ҳам, эҳтимол унинг фикрига қўшилмадилар. Аксинча, улар тезда у билан илтифотли оҳангда гаплаша бошладилар. Хўш, сен ўсганда ким бўласан? — сўрадилар улар. Қандайдир бошлиқнинг ўринбосарими? Ёки извош хайдовчи кўчирими? Спитама яна жим қолди. У юрагига қандайдир музлик суқилиб қираётганини сезди.

Унинг қимлиги бойваччаларни шайлантириб юборди. Болалар билан тез-тез учраб турадигандек, улар тўсатдан, нимагадир Спитагани ёқтирмадилар ва бу боланинг яна жиғига тегиш, унга азоб бериш учун болаларча онгсиз шафқатсизлик билан нималарнидир ўйлаб чиқардилар. Айниқса, қизча астойдиллик билан уринди. У Спитаганинг шими торлигини, шунинг учун, ҳаракат қилиши кийинлигини сезиб, дарҳол маккорларча луқма ташлади: у ўзини бир кўрсатсин-чи, қани, тўсик устидан қандай сакрар экан! Шу захоти қуриган дарахт шохидан катта чўшлар олиб келиб, марра туздилар ва уни сакрашга ундадилар. Спитаганинг ғурури уни сакрашдан бош торгишга йўл қўймади, аммо шимининг торлиги унга ҳалақит бериши мумкинлигини билса ҳам, буни айтишдан уялди. У нафасини ростлаб олдию сакради ва ерга чўзилиб йиқилди. Болалар кулиб юбордилар. Яна бир бор! — талаб қилдилар улар. Алаmidан кўзига ёш келган Спитама, қаттиқ зўр бериб, марра устидан сакради! Лекин қичкина қийновчилар бўш келмадилар: улар марра унча баланд эмас деб, унинг устига турли нарсаларни

ташлаб, шунча баланд кўтардиларки, ундан сакраб бўлмас ёки сакраганда ҳам, киши майиб бўлиши мумкин эди. Спитама бу ўйиннинг бахридан ўтишга уриниб кўрди: у сакрамайман деди. Шунда қизча, демак сен кўрқок экансан, деди. Бу сўзга Спитама чидаёлмади: у йиқилишини олдиндан билса ҳам, барибир сакради ва хақиқатан ҳам йиқилди. У оёғи билан нимагадир қоқилди-да, бутун марра билан йиқилиб кетди. Унинг қўли яраланди, боши каттик лат еди. Спитама уялганидан ўзини қаерга қўйишини билмади; унинг бу мағлубиятидан хурсанд бўлган болалар чапак чалиб, дик-дик ўйнадилар. Буни кўрган Спитама рухий азоб чекди; болалар уни камситиб, менсимаётганларини сизди. Аммо, нима учун? У уялганидан, ўлимни афзал кўрди. Боланинг биринчи марта инсон ғазабига учраб азоб чекаётганини бирон нарсага тенглаштириб бўладими! Унга гўё бутун дунё қарши чикқандек, энди у ҳеч қаерда ва ҳеч кимдан нажот кутиши мумкин эмас деб, фараз қилди. Спитама ўрнидан туришга интилди, лекин ҳалиги бола уни оёғи билан туртиб юборди. Спитама яна ерга думалаб кетди. Буниси етмагандек қизча, унинг кетидан акаси, икковлашиб Спитама устига миниб, юзини қумга ишқаладилар. Шунда Спитама унинг ғазаби тошиб кетди. Йўқ, бу ярамайди! Адолатсизликка қарши нафрат, шармандалик, оғрик, жахл — бирданига ҳаммаси тўпланиб каттик ғазабга айланди. У қўлларини ерга каттик тираб, тиззалари билан кўтарилди ва кийновчиларни ўз устидан улоқтириб ташлади. Улар Спитама яна қулатиб, миниб олишга уринганларида, у қизчанинг юзига бир шаппати туширди ва акасини мушт зарби билан гуллар жўякига улоқтириб ташлади.

Шундай ҳам дод-фарёд кўтарилдики! Болалар, гўё уларни кимдир сўймоқчи бўлгандек, қичкириб ўз уйларига қараб чоңдилар. Эшиклар каттик ёпилиб, ичкаридан нафрат садолари эшитилди. Безаниб кийинган аёл қора булутга ўхшаб майдонча томон учиб келди. Спитама унинг аччиқланиб келаётганини кўрган бўлса ҳам, қочиш учун ўрнидан қимир этмади. У нима қилганини тушунмай, энди чўчиди: бу ўтакетган сурбетлик, ҳатто жиноят! Лекин ҳеч қандай пушаймон бўлмади, ўрнида туриб, кутди. Энди ўлим, деб ўйлади у. Майли! Бари бир!

Аёл жаҳл билан унга ташланди. Спитама ўз бошига тушган, юзига урилган шапалоқларни сизди. Аёлнинг қандайдир нотаниш тилда жаҳл билан қичқираётганини, сўкинаётганини эшитди у, аммо бу отилиб чиқаётган сўзлардан у ҳеч нимани тушунмади. Унинг кичик душманлари бу манзарани томоша қилиш учун майдончага қайтиб чиқдилар; уларнинг иккови ҳам овози борича хўнграб дод дер эди. Бу хонадоннинг хизматкорлари ҳам шу ерда — Спитама уларнинг овозини эшитарди. Ниҳоят, майдончага Зардоза югуриб келди. Шунда Спитама ўша куни энг оғир туюлган хўрликка учради, чунки уни химоя этиш ўрнига, онаси, ҳатто воқеанинг моҳиятини тушунмай, аввал ўғлини шапалоқлади, кейин кўшинининг болаларидан дархол кечирим сўрашни талаб қилди. У эса ғазабланган ҳолда бош тортди. Зардоза ўз ўғлини силкитиб, ясениб кийинган аёл ва болалар олди-га судраб кетиб, уларга тиз чўкиб кечирим сўрашга мажбур этди. Спитама бақириб, оёқларини ерга урарди; ниҳоят, онасининг қўлидан зўрлик билан чиқиб, йиғилган хизматкорларнинг кулгилари остида қочиб кетди.

Спитама йиғисини зўрға бостириб уйлари томон югуриб кетди: ғазаб ва туширилган шапалоқлардан унинг юзи ҳамон қизир эди. У ҳеч нарса тўғрисида ўйламай, тезроқ уйга, ўз хонасига ошиқди. У ерда кераклигича ухлаб олиш мумкин. Унинг томоқлари қисар, чакақларида қон қоқиларди; яна бир дақиқа, у чидолмаяпти.

Ниҳоят, уйга, югурганича ўз хонасига кирди ва кўз ёшларидан нафаси қайтиб, ўзини тўшакка ташлади. Нима учун йиғлаётганини ўзи билмаса ҳам, кўпроқ йиғлаб олишга ҳаракат қилди. Кейин ҳадемай отаси уйга келиб қолиши эсига тушди: онаси унга бўлган воқеани айтиши муқаррар, демак азоб ҳали тамом бўлганича йўқ. У боши оққан томонга қочиб кетишга ва уйига қайтиб келмасликка аҳд қилди.

У энди зинапоядан пастга тушаётган эдики, отаси билан юзма-юз учрашиб қолди.

— Нима гап, нимага хафа кўринасан, болам? — сўради Спэнта.

Спитама индамади.

— Бирон ножўя иш қилиб қўйдингми? А? Нима қилдинг, айт? — отасининг овозида қаттиқлик оҳанги сезилди.

Спитама яна йиғлади. Зинапоядан шошилаётган оёк товушлари эшитилди. Онаси юқорига чиқмоқда. У хали ҳам нохуш бўлиб, дарҳол Спитамани карғай бошлади. Спэнта гап нимада эканлигини тушуниши билан, ўғлининг юзига мулойимгина чертди-ю, лекин шу билан бирга, бу масалада бола ҳақ, деб таъкидлади. Биз учун ҳар ишга руҳсат бор, деб ўйлайдиган одамлардан нимани ҳам кутиш мумкин!

Шу билан Спэнта ва Зардоза бир оз тинчландилар. Аммо Спитама тинчимади. Уни кўп нарсалар безовта қиларди: гўё кун бўйи содир бўлган барча нохушлик унинг бошига бирданига тўнтарилиб тушди. У қўшни болаларининг ноҳақлигини, уларнинг ясаниб кийинган онасининг ноҳақлигини, ўз ота-онасининг ноҳақлигини кўрди. У ўз онаси билан келишишни, уни кечирishi хоҳламади. Онаси учун яшаш оғирлигини, ўғлига тарбия бериш қийинлигини у билмасди; онаси ўз бағридан, кони-жонидан яралган боласини қийнаб, ўзи ундан ҳам кўпроқ азоб чекмаяпдими? Буни Спитама хали тушунмасди.

У ўз хонасида чалқанча ётиб дам оларкан, унинг кўз олдида яна ўша бояги можаро гавдаланди. Айниқса, қизчани яққол эслади. У ҳатто сесканиб кетди — қизчанинг овози тўсатдан унинг қулоғига аниқ эшитилди. Ўшанда у қизча билан лапашангларча муносабатда бўлганидан ачинди, унинг юраги ҳасрат ва қизчага нисбатан нафрат билан тўла. У ўзининг хўрлангани учун қизчани кечирмайди; уни камситишга ташна, уни йиғлатмоқчи бўлди. У буни қандай амалга оширишни ўйлади, лекин бирон-бир маъкул йўлини тополмади. Энди, улар жанжаллашганларидан кейин, эҳтимол бошқа учрашмаслар. Қизча эҳтимол уни ҳеч ҳам эсламас; у ўзининг чиройлилиги ва отасининг лавозимидан мағрурланиб шундай қилди, деб ўйлади Спитама. Унинг отаси катта қўмондон. Нима бўпти — ўйлади у; мен ҳам шухратли ва машҳур бўлман. У эса... у, албатта, мени севишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, Спитама ўзи-ўзига хаёлий бир тарихни ҳикоя қилиб, бунга ўзи ҳам ишона бошлади; у кунлар унинг учун ҳақиқий вокеликка қараганда равшанроқ бўлиб қолди.

Гўё қиз уни беқиёс севади. У эса қиздан ҳазар қилди. У от устида қизнинг уйи олдидан ўтиб бораркан, қиз

уни иссиқ қарашлари билан кузатса ҳам, ўзини билмасликка солади. У қизнинг қараётганини билади, лекин ўзини дўстлари билан шўх-шўх гаплашиб, кулиб, қизни кўрмагандек ёхуд бепарводек кўрсатади. Гўё у ўзининг она шахрини ташлаб, узок ўлкаларга жўнаб кетиб, қизни ошиқлик дардига мубтало қилмоқчи, азоб бермоқчи. Гўё у қахрамонлик кўрсатди... Шу ерда у ўз хикоясига бобосининг қахрамонлар ҳақидаги тасвирларидан айрим воқеаларни киритди. Қиз бу орада севгилисини соғинишдан азоб чеккан. Йигит ўз шахрига катта қўшинни бошлаб хурмат ва ғалаба шуҳрати билан қайтиб келганда, кўз ёшлари тўкиб, ялиниб, унинг оғушига ўзини ташлади. У эса нафрат билан, юзини қиздан ўгириб, шу билан қизнинг дардини яна чуқурлаштиради, қизни ўртайди. Бу сахна Спитамага шундай ёқдики, бу намойишни у ўз тасаввурида, факат айрим сўзларини ўзгартириб бир неча бор такрорлади.

Шу ҳаёллардан кейин ухлаб қолган Спитама уйқудан уйғонганида, кун ёришган эди.

\* \* \*

Болаларнинг ўзаро муносабатлари аллақачонлар созлашган. Улар бир-бирлари билан гаплашар, нозиклик қобилигидаги назар билан бир-бирларига қарардилар. Вақт ўтар, аммо Спитама буни сезмасди; у юнон тилини ўрганишга шўнғиб кетди, чунки Зара кўпинча ана шу тилда гаплашарди.

Дам олиш кунларидан бирида қизнинг отаси — Корун вилоят ҳокими Спэнта ва бошқа амалдор шахсларни ўз оилалари билан, шаҳардан от билан ярим соатлик йўлда жойлашган Бахштепага, ўзининг дала боғига тушлик овқатга ва дам олиш учун таклиф этди. Йўлда Спитама ва Заранинг отлари ёнма-ён борарди. Бошда йигит отларнинг бундай юришларига эътибор бермади. Лекин, Заранинг ундан кўз узмаганлигини сезиб, Спитама ҳам унга қарайверди. Улар баловатга етган эдилар. Қизнинг салгина чўзик ошноқ юзи, мағрурлик билан кўтарилган бурни, ингичка қилиб терилган қора кошлари остидаги мовий кўзлари, иккита йўғон ўриб ташлаган, қарғанинг рангидай қоп-қора сочлари, келишган бўйи, енгил шиппак кийган оёқларининг узангида қаттиқ тургани ва от

биқинига ишонарли ёндашгани Спитама­нинг эътиборини ўзига жалб этди. Зара хиёл қайрилиб, кўз қирида Спи­тамага табассум билан қаради. Спитама­нинг кўзи киз­нинг кўзига тушганда, у қулоғининг учларигача қизариб кетди. Шамол Спитама енгил чакмонининг этагини беўхшов тарзда юқорига кўтариб ташлаганида, Зара но­зик кўли билан тезда уни тўғри­лаб қўйиб, унга маккоро­на илжайиб қўйди. Спитама, бундай мулоим хатти­ҳаракатни олдин кўрмагани, бунга кўникмаганлиги учун, унга хайрон бўлиб қаради. Унинг бу қарашидан киз яна қизариб кетди-ю, юзини четга бурди. Спитама қизга қуруккина ташаккур билдириб, унинг хулқидан қувон­ган бўлса-да, ўзини аҳамият бермагандек кўрсатишга уринди.

Уялиш ва бир оз сикилишдан ўнгариб олишлари учун уларга атроф манзараси ёрдамга келди. Спитама анча вақтдан бери шаҳар ташқарисига чикмаган эди, шунинг учун у юзига ури­лаётган ёқимли шабададан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Спитама ўз қувончини очиқ, кисинмай изҳор этгани учун, унинг ҳамроҳи суҳбатга қўшилди ва улар энди навбат билан Самарқанд йўл­ларидаги қасрлар, ховли вайроналари билан алоқадор бўлган та­рихий саналар ва воқеалар ҳақида суҳбатлашдилар. Улардан айримлари яхши таъмирланган, бошқалари эса қачонлардан бери ўт-ўланлар ичида қолиб кетган ёхуд тоқларнинг навдалари билан қоплаб олинган­ди. Спитама Заранинг тарихий саналар ва воқеалар тўғрисидаги би­лими билан қизиқиб, ундан турли нарсаларни сўрай бошлади. Қиз ўз билимини мағрурлик билан намоён этарди; Спитама унинг билимдонлигидан завқланди.

Албатта, тарих суҳбат учун баҳона сифатида хизмат қиларди: уларни бошқа нарсалар қизиқтирарди, бу — уларнинг ўзлари эдилар.

Бахштепага келганда, Спитама қизга майсазорларда бирга сайр этишни таклиф этди, чунки овқат учун хали вақт бор эди. Улар далага йўл олдилар. Спитама катта қувонч­ни сезар, Зара эса олий кайфиятдан тўлиб-тошар­ди.

Спитама вақтнинг тез ўтганини сезмади. Зара, ёш кўшнисининг кўрсатаётган ишончидан фахрланиб, унга овқатга бориш вақти аллақачон ўтиб кетганини эслатиш­га ботинмади. Ниҳоят, у Спитама­ни огоҳ этиш зарурли-



гини ўз бурчи деб билиб, энди тезроқ қайтишлари кераклигини айтди. Спитама эса, ёқимли шабададан кайфи ошганлигидан, юмшок, хушбўй ўтлар устида чўзилди-да, қўлларини боши орқасига қўйиб, қувноклик билан қахқаха урди.

— Бу ер ниҳоят гўзал! — деди у. — Менинг овқатлангим келмаяпти, майли кутсинлар!

— Улар фақат кутиш эмас, балки хавотир ҳам бўляптилар-да.

— Агар шундай бўлса, майли, кетайлик.

Меҳмонликка келганлар овқатланиб, тўда-тўда бўлиб суҳбатлашиб юрардилар. Кечикканларга дастурхон янгитдан ёзилди. Атрофдаги ёши катталарнинг зимдан қарашлари ва эътиборларини сезиб, ёшлар бир оз хижолат тортдилар. Улар ҳар бир ҳаракатларида ноўнғайлик сезиб, овқатга ҳам зўрға қўл узатардилар. Дастурхон олдидаги ўтиришнинг биринчи ярим соати қийноққа ўхшаб кетди. Бахтларига, резаворлар билан мазали қилиб пиширилган гўштли овқатлар тайёрлашди. Бахштепада донги чикқан ҳаома уларни жалб этиб, хижилликдан чикарди: овқатга манзурат этиб, улар бир-бирларига бир оз ишонқираб қарашдилар. Тез орада яна Спитаманинг тили қулфи очилди ва у ҳар бир овқат турини, уни ейишдан аввал, таърифлади.

Кейинроқ, мазали овқатларни еб бўлиб, сайр қилиб юрганда, улар гўё сукунат билан осмоннинг ер билан туташиб кетган рангин кўринишларига, уфққа чўкиб кетаётган қуёш нурларида тўдалашиб учаётган майда чивинларга нигоҳ ташладилар. Шу вақт Спитама бирданига Зарани қўлидан ушлаб, тўлқинланганидан титраётган овоз билан сўради:

— Зарина, менинг севикли дўстим бўлишни истайсанми?

Зара астагина жавоб берди:

— Истайман.

Зара ўзининг кичкина ва нозик кафтчалари билан унинг кафтларини қисиб, кўзларини оҳистагина паства туширди. Икковларининг ҳам юраклари гуп-гуп урарди. Улар бир-бирларининг кўзларига қараёлмай, қўлларини бўшатиб юбордилар.

Бир дақиқадан кейин бу икки ёш хиссиёт эгалари йўлларига равона бўлишди. Улар ёнма-ён, бир-бирлари-

дан бир қадам масофада жим юриб, ўрмон этагига етдилар. Нукра рангли терак дарахтларининг зич шоҳлари орасида учиб юрган кора зогчалар баланд овоз билан кичқириб, ўз уялари атрофида учиб айланарди. Бу манзарадан сайёҳлар илҳомланиш ўрнига чўчирдилар, ўзларининг шу вақтгача содир бўлмаган ва ўзлари англамаган юрак ўйноқларидан кўркардилар. Ўрмондан кейин улар беихтиёр яна бир-бирларига яқинлашдилар ва бир-бирларининг кўлларини ушлаб, жимликда хавонинг тоза ва ёқимлилигидан, кун ботиш олдидаги табиат манзарасининг гўзаллигидан завқландилар.

Кечқурун ҳамма дам олувчилар, жумладан, иккала севишганлар отларига миниб, шаҳарга қайтдилар. Спитама Зарани уй дарвозасигача кузатиб қўйди. Машъал шуъласида улар ҳадиксираб бир-бирларига табассум билан қарадилар-да, ҳар қайсилари хаяжон билан: «кўришгунча!» деб, секин пичирладилар. Бир-бири билан хайрланиб, улар ҳатто анча енгил тортгандай бўлдилар. Уларнинг икковлари ҳам бир неча соат давом этган бугунги учрашувдан, ҳар бир сўз юкли туюлганлигидан чарчагандилар.

Спитама ёлғиз қолганда яна рухланди, юраги қувнок урар ва куйлар эди: менинг дўстим бор, сеvimли дўстим бор! У ҳеч нарсани сезмасди, ҳеч нарса ҳақида ўйламасди — у ҳаёлида фақат Зарани кўрар ва унинг тўғрисида ўйларди.

У чарчокликдан ўзини тўшакка ташлади-да, тезда ухлаб қолди. Аммо кечаси у икки ёки уч марта уйғонди, уйқусираб ўзича «Зарина» деб такрорлади ва яна уйқуга кетди.

Эрталаб, кеча ўтган воқеалар унга туш каби туюлди. Ўзини бу фикрининг аксига ишонтириш учун у дам олиш кунининг майда-чуйдаларигача эсига келтиришга уринди. Бу машғулотга у шундай шўнғиб кетдики, ҳатто таълимгоҳдаги дарс пайтида ҳам буни узмади. У жуда парижонхотир бўлиб қолди, дарсдаги гапларни эсламасди. Зара бўлмаган кунлари, уни соғинишдан изтироб чекиб юрди. Ниҳоят, бир куни Спитама ховли олдидаги майдончада Зарани кўриб қолди ва юзланиши билан унинг тилида саломлашди:

— Хайретэ. (Юнонча саломлашиш — айнан «Қувонгин»).

— Хайретэ — жавоб берди Зара ва ўзининг оппоқ тишларини кўрсатиб кулди.

Аввал уялинкираб, кейин бир оз дадиллик билан улар гаплаша бошладилар: бошда об-хаво тўғрисида, сўнг қишлоқдаги воқеалар хақида. Улар суҳбат билан банд бўлиб, Анахита ибодатхонаси олдидан ўтганларини сезмай қолдилар. Шаҳарнинг катта дарвозасидан чиқиб, Сиёб анхори бўйлаб паст томонга кетдилар. Бир оздан кейин орага сукунат чўкди, уни ҳеч қайсиси жонли сўзлар айтиб, бузишга ботинолмади. Сукунат ўрнини ёшлар табассум билан, бир-бирларига зимдан қараш билан тўлдирмоқчи бўлишди, аммо бунга ҳам ҳеч қайсиси муваффақ бўлолмади. Улар ўзларининг дўстликлари боқий эканлигига қаноат ҳосил қилмоқчи эдилар. Лекин бу вазифани ҳам бажаришга эришолмадилар. Уларнинг кўзлари ҳеч нимани ифодалай олмадилар, бу маъносиз, кулгили сахна ўринсиз чўзилди. Спитама буни сезиб ўзини камситилгандек сизди. Эҳтимол, Зара бу руҳий муҳитни аниқроқ тасаввур этиш вазифасини ўз олдига қўймагандир, чунки у кам садоқатли эди, унинг юраги ҳам кўнгилсизликни, ноумидликни ҳис этарди. Улар учрашишлари билан биринчи галда ва табиий бир ҳолда «бегоналик» юзага келди.

Кўкаламзорларни анча кезиб юрдилар. Аммо бари бир ковушмаслик ва бундан умидсизлик ҳиссиётидан қутулолмадилар. Икковлари ҳам суҳбат мавзусини ахтаришарди, аммо нима ҳақда гапиришни билмай, у буни сезиб қолмасмикан, деб қўрқарди, чунки аслида севги борасида нимани гапиришни билмасдилар! Зара мактабдаги аҳволни айтиб берди:

— Мактабимиздаги айрим юнон болалари бирам маҳмадонаки, улар шунча гапни қаердан топишларига хайронман. Шу билагонлардан бири дейдики, маҳаллий аҳолининг диний қарашлари Анахита номи билан боғлиқ экан.

— Унинг бу гаплари ҳақ. Юнонлар бизнинг худоларимиз билан танишмоқдалар. Маҳаллий аҳоли эса юнон худолари билан танишмоқда. Мен ҳам, шу кунлар якка кураш санъати ва отчопарлик билан чегараланмай, юнон тили ва динини ўрганиш учун кунт билан ишладим. Ҳозир шаҳарларимизда юнон бойлари учун ибодатхоналар сони кўпаймоқда. Юнон худолари маҳаллий аҳоли

ибораларида омухталашиб бормокда. Масалан, Афродита сиймоси бизнинг Анахита билан, Геракл сиймоси — Вэрэтрагна, Зевс — Хормуз, Аполлон — Митра билан. Мен бунга қарши эмасман, аммо шаҳардаги айрим форс, юнон ва маҳаллий кабиладан бўлган нуфузли кишилар фақат ўз манфаатларини кўзламоқдалар; уларга зарба бериш зарурга ўхшайди. Бу ҳақда ўйлаш лозим.

Киз Спитаганинг охириги сўзини эътибор билан эшитган бўлса ҳам, уни жавобсиз қолдирди. Муҳаббат бобида сўз тополмаслик уларни бир-биридан дам сайин узоқлаштираётган эди. Севишганлар энди уйга қайтмоқчи бўлганларида бир воқеа содир бўлди-ю, улар бир оз қувондилар.

Урмон ичида, улардан сал нарироқда ит вовиллади; у қуённи кўриб, орқасидан қувди. Спитама қочаётган қуённи яқиндан кўриш учун, яширинишни таклиф қилди. Қуён тўғрига қочиб келиб одамларга кўзи тушди; у аввал ўз жойида типирчилаб қолди, кейин бир сакраш билан бута устидан ўтиб, қочиб кетди; улар қилайкўз қуённинг қўрқув билан сакраганларини кўргандан кейин, думалаганча хахолаб қулдилар. Шу билан, улар Афросиёбга қайтиб уйларига тарқалдилар.

Севишганлар бир ҳафта давомида тинмай бир-бирларини ўзларича олқаш билан шуғулландилар. Улар ўзларининг дўстлик муносабатларидан фахрланишарди. Ҳатто хусусиятларининг фарқлилиги ҳам уларни яқинлаштиради. Спитама Зарадан бошқа гўзал кизни билмайди. Қизнинг бутун борлиғи уни завқлантиради.

Зара Спитаганинг тизгинсиз кучи ва мустақиллигига қойил қоларди. Спитама юз йиллар давомида барча қадриятларга нисбатан диний иззат-икромда бўлишни қувватлайдиган муҳитда ўсгани ва унга содиқлигини таъқидларди. Киз бу борада Спитагани тушунар ва унинг фикрини маъқуллаб, бу динга мойиллигини билдирарди. Лекин Спитаганинг шаҳардаги барча нуфузли кишиларни ағдариб ташлаш ҳақидаги сўзларини қўрқув билан эшитиб, унинг шаънига бирон-бир далда берувчи сўз айтишдан аввал, бошқаларнинг воқф бўлиб қолишлари мумкинлигидан қўрқиб, теварак-атрофга қарарди.

Ҳар сафар шаҳардан ташқарига чиқиб айланиб келиш чоғида Спитама атрофни ўраб олган экинзор ёхуд майдонни кўрганда, у дарҳол девордан сакраб ўтиб,

бошқаларнинг дарахтидан мева узарди. Зара кўркканидан Астарта худосига сиғинарди. Зара Спитама билан фахрланар, шу билан бирга ундан кўрқарди. Спитама, Зарани бирон дақиқа ҳам овора қилмай, ҳар ишда ўзи хоҳлаган қарорга келарди: у кун тартибини белгилар, ҳатто бутун ҳаётининг тартибини белгиларди, Заранинг ҳозирги ва келгусида яшашининг режасини тузар ва ҳеч қандай танқидни қабул қилмас эди. Зара ичида Спитаманинг бундай ўзбилармонлигидан норози бўлса ҳам, унга эътироз билдирмасди. Балки Заранинг ҳаёт йўли умуман бошқа бўлиши, ҳатто Спитаманикига нисбатан аксинча бўлиши мумкин. Шунинг учун Зара Спитамани ўзининг ҳаёт йўлидан улоқтириб ташлаши мумкин. Бу масалани чуқур ўйлашга Спитама оғизлик қиларди, аниқроғи ўйлашни хоҳламасди.

Аммо у бир нарсани аниқ ва равшан англаган эди: у Зарасиз бирон кун ҳам яшамоқчи эмас. Агар Зара буни истаса, у ўзининг бутун муҳаббати, эҳтиросини унга сарфлашга тайёр эди. У Зара учун ҳаётдаги барча бойликларни ҳадя қилишга, ҳар қандай хавфга йўлиқишга тайёр бўлиб, ниҳоят, унинг чин қалбдан садоқатли бўлишини кутарди. Сайр вақтларида бирон-бир хавфли воқеа содир бўлишини ва Зарани химоя қилиш учун олдинга ташланиб, уни ўз гавдаси билан бекитишни кутарди. У Зара учун ғурур билан ҳалок бўлишга ҳам тайёр. Аммо қулай фурсат тўғри келмасди ва Спитама ўз севгилисига учун қуйинар ва безовталанарди; ёмон йўл учраганда унга қўлини берар, у чарчамасин деб кўрқар, офтобда қолмасин, совуқ қотмасин, деб қайғурарди... У чиндан ҳам фидойи эди.

Аммо Спитама севгининг моҳиятига атрофлича тушунмасди, чунки у севги нималигини билмас эди. Айрим вақтлар, улар фақат икковлари қолганда, уларни қандайдир вазияти хиссиёт чулғарди. Спитама бетларига қон қуйилар, қизариб кетарди. Улар баъзан бир-бирларига ҳеч нарса демай, беихтиёр узоқлашардилар; уларни ни-ма безовта қилаётганини ўзлари тушунишмасди.

Шу кунларнинг бирида улар девордан ошиб, шафтоли ғарқ пишиб ётган боққа кирдилар. Спитаманинг эътиборини кип-қизил пишиб ётган шафтолилар жалб қилгани йўқ, бундай шафтолилар ўзларида ҳам бор. Бу қалтис ҳаракатга боғни ўраб олган девор жалб қилди; девор

бегоналар бокка киришига имкон бермайди, бу эса ёш Спитамага кейинчалик сабоқ бўладиган даражада таъсир қилди. Иккита шафтолини узиб олишга хали улгурмай, улар боғ қоровулига дуч келиб қолишди. Қоровул даст-аввал уларни сўкиб, кейин шармандаларни чиқариб боғдан хайдаб юборди. Ҳақоратга учраб иззат-нафси оғриган Зара гинахонлик билан Спитамага ташланди:

— Сен хамиша мени обрўсизлантирасан!

Буниси у, униси бу, деб айтишиб, орада жанжал чикди. Зара тезда уйига қайтиши мумкин эди, аммо у йўлда адашишини ўйлаб хамроҳи кетидан эргашишга мажбур бўлди; улар ўжарлик билан бир-бирларига қарамасдилар. Хатто хаво ёмонлашиб, яқинлашаётган момақалдирокни сезмай қолдилар. Шу дақиқа иссиқдан силласи қуриётган далаларда чигирткалар чириллардилар, бирданига теварак-атроф жим бўлиб қолди. Осмонни бирданига катта-катта, оғир, қоп-қора булутлар ўраб олди. Тушунтириб бўлмайдиган ваҳимадан Зара кўрқиб кетди, Спитама эса, хийлакорона табассум қилиб, дўстининг кўрқаётганини сезмаганликка олди. Улар далада фақат ўзлари эдилар. Хали ҳам аввалгидай гаплашмаётган бўлсалар-да, энди ёнма-ён борардилар. Теварак-атрофда сукунатли жимлик турарди. Фақат вақт-вақти билан айрим дарахтларнинг нозик барглари тебранарди, холос. Тўсатдан ёпирилиб келган шамол чанг-тўзон кўгариб, дарахт шохларини дахшат билан силкита бошлади. Зара хавотирланиб титраган овоз билан:

— Ҳозир момақалдирок бўлиб чакмоқ чақади, тезроқ уйга борайлик, — деди.

— Ҳозир, борамиз, — маъқуллади Спитама.

Аммо улар аллақачон кечиккан эдилар. Тўсатдан чакмоқнинг кўзни қамаштирадиган шуъласи ярқираб кетди-ю, кўкда нимадир наъра тортди, қора булутлар орасида момақалдирок гумбирлаб кетди. Бир зумда уларни бениҳоя кучли шамол гирдоби ўраб олди, осмондан шариллаб ёғаётган сел шалаббо қилиб юборди. Чопиш керак, аммо уларнинг кийимлари баданларига ёпишиб, хатто юришга ҳам халал берарди. Совуқ ва аламдан аъзои бадани қалтираётган Зара, аччиғидан ақл-хушини йўқотаёзди. У Спитамани бугунги қилгulikлари, азоблари учун ашаддий сўзлар билан ҳақорат қилди.

— Мен момақалдирик вақтида бир жойда туриш лозимлигини сенга айтдим! Сен бўлсанг, кулоқ солмас, ўжар экансан. Энди мен мана шу лойга ўтириб оламанда, ҳеч қаёққа жилмайман!

Спитама унинг сўзларига жавобан индамади; у жимгина, кучли шамолдан юзини бекитиб илдам борарди; у юзига урилаётган ёмғир, кўзларини қамаштираётган чакмоқ ва момақалдирикнинг гумбирлаши жонига тегиб, ўз ичида нимага шу куни сайрга чикдик, деб пушаймон бўларди.

Зара бутун юраги билан, шундай бўшашган эдики, Спитама орқасидан зўрға қадам ташларди. Дарахт остида улар келаётган селни ўтказишлари мумкин, аммо энди бунга зарурат қолмади — улар ёмғирдан аллақачон ҳўл бўлишган. Булутлар эса тарқалиб кетишга шошмасдилар, куёш чиқиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Спитама кизга каради-да, раҳми келиб уни юпатоқчи бўлди. Зарада аввалги эркаликлардан асар ҳам йўқ. У тамоман ҳўл, юзига ёпишган сочлари, лой сачраган кўйлак ва оёқлари бир аҳволда. Уни оз-моз рухлантириш учун Спитама ҳазиллашган эди, Зара ҳўмрайиш билан жавоб қайтарди. Спитама бирон-бир яқинроқ уйга бориб, кийимларни қуриштириш маслаҳат қилди. Унинг бу таклифини ҳам Зара инкор этиб, хаяжон билан, тезроқ уйга бориш иштиёқини билдирди. Икковлари бир-бирларидан ўпқаланган холда шаҳарга етиб келдилар.

Шу воқеадан кейин улар бир ҳафтача кўришмадилар. Бу орада аввал бир-бирларини қоралаб, кейин шундай соғиндиларки, уларнинг аразлари сўнди.

Ярашишга Спитама биринчи кадамни ташлади. У ховли олдидаги майдончада Зарани кўрди-ю, унга яқинлашиб хол-аҳвол сўради. Қиз мулоимлик билан илтифот кўрсатди; улар ярашдилар.

— Селда қолиб, мен бир оз шамолладим. Юр, бизни-кида ўтирайлик, — меҳрибонлик кўрсатди Зара.

— Майли, кирсам кирайин, — жавоб берди Спитама.

Мухаббат ва фидойиликка нисбатан эҳтиёж уларнинг қон-жонига сингиб бораётган эди! Бу уларда балоғатнинг уйғониб бораётганлигидан далолат бераётганини хали ўзлари билмасдилар.

Спитама уйга кирди, Заранинг онаси, Артемида ховлида юрарди. У маълумотли оиладан, сидонли катта

судхўрнинг кизи. У Спитагани бажону дил қаршилади, чунки унинг барча афзаллик ва камчиликларини биларди. Спитаганинг ахлоқий устунликларини баҳолаш учун, унинг тўғри сўзлиги ва жасурлигини аниқлаш учун унга кўп вақт керак эмас. Суғдий йигитининг беғараз шўхлиги Артеמידани завқлантиради. Унинг галати киликлари, тийиб бўлмайдиган ва ҳеч кимнинг гапига кулоқ солмайдиган хулқ-атвори уни шу фикрга олиб келди; у — бир хил турмайдиган хулқ эгаси; бироқ, Сиёвуш ва Спэнтадек нуфузли кишиларнинг насли, афсонавий қўмондонларнинг уруғидан келиб чиққан ёш йигитча эҳтимол шундай бўлиши керак, деб ўйлади у.

Спитага олдига дастурхон тортилди, дастурхон атрофида учовлари ва уларга қарашаётган хизматкор аёл, Парниза ўтиришди.

— Сен қандай ёкимтой, жасур сипохсан, — деди Артемида Спитагага, енгил киноя билан.

— Илтифотларингиздан миннатдорман, — жавоб берди Спитага.

— Спитага ўта қайсар. Унинг қайсарлигидан иккаламиз ёмғирда қолиб кетдик, — деди Зара.

— Шафтоли ўғирлаб, боғбон қўлига тушганимиз бундан ҳам ажойиб бўлди, — деб, хаммани кулдирди Спитага.

Уларнинг хушчақчақ суҳбатлари ниҳоясига етиб, Спитага уй эгалари билан хайрлашиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Эрта баҳор. Деразадан ташқарида кул ранг осмондан майин парга ўхшаган қор зарралари секин ёғаётгани кўринарди. Спитага ва Зара меҳмонхонада ўтирибдилар. Зара Қуёш мадҳиясидан бир парчани нотўғри ўқиб, ҳамишагидек «ана шундай ёзилган», деб баҳслашди. Унинг ноҳақлиги шубҳасиз бўлса ҳам, Спитага Авесто китобига бошини эгиб, матннинг баҳслашаётган жойини кўрмоқчи бўлди. Заранинг қўли китоб устида эди, аммо у қўлини тортмади. Спитаганинг лаблари унинг қўлларига яқинлашиб қолди. У китобга қарамоқчи бўлди, лекин қарай олмади, у ўз олдига қандайдир бошқа, нозик, сўлим, ўзидан ёкимли хид таратаётган гўё гулнинг тожбаргини кўрарди. Тўсатдан, қандай бўлганлигини ўзи



сезмай, Спитама лабларини Заранинг нозик бармоқларига каттиқ босди...

Икковлари ҳам хайратдан қотиб қолдилар. Спитама ўзини орқага ташлади, Зара қўлини тортиб олди ва икковлари ҳам кулоқларигача қизардилар. Улар бирон сўз айтиш у ёқда турсин, хатто бир-бирларига қарай олмадилар. Ноқулай жимлик дақиқалари ўтди ва Зара яна ўкиди, унинг тўлқинлангани босилмади, кўкракларини енгилгина кўтарилар ва тушар эди, гўё нафас олиш учун ҳозир унга хаво етишмаётгандай. Аммо Спитама ўзини тутиб, ҳеч нимани сезмаганликка олди, у Зарадан кўра кўпроқ хижолатда, унинг қовоғи солинган, у ҳеч нимани эшитмасди. У ўзининг ўринсиз ва кўпол ҳаракатини кўнглида қоралаб, довдираб қолди, ниманидир баҳона қилиб, меҳмонхонадан чиқди ва хайрлашишни насиё қилиб, уйига кетди. Лекин Зара Спитаманинг фаромушхотирлигини кечирди. Энди у Спитамани ёмон тарбияланган йигит деб ҳисобламайди...

Заранинг қувончи ичига сиғмас эди, у ётоқхонасига кириб, ойна олдига борди ва гўё ниманидир эсламоқчи бўлиб узоқ тикилиб қаради. У шошилмай кийимларини ечди-да, каравотда ўтириб, Спитаманинг юзи, қадам ташлашлари ва овозини ўзича тасаввур қилишга уринди. Кейин шамни ўчирди ва тезгина кўрпа ичига кирди. Унинг эсига яна бояги воқеа тушди ва каттиқ қулиб юборди. Ётоқхона эшиги охишта очилиб, онаси кўринди:

— Сенга нима бўлди? — сўради онаси. — Сени ким бунча қувонтирди?

— Ҳеч ким, — жиддий жавоб берди Зара. — Мен шунчаки ўйлаяпман.

У ҳақиқатан ҳам, ўйларди: «У мени севади. Қандай бахт! Қандай у яхши! Қандай мен уни севаман!».

— Майли, қизим, хурсандчиликка етказсин. Энди ухла.

— Яхши, ойижон, — итоаткорона жавоб берди у.

Аммо у ўзича, сеҳрлангандек пичирларди: «Кетгинчи, э, кетгин!» — Бу сўзларни у эшик ёпилиб, онаси кетганига қадар такрорлади-да, эшик ёпилганидан кейин яна ўз орзуларига чўмди. У ўзини гоҳ қизиби кетаётгандек, гоҳ совуқ қотаётгандек сезарди. Юзи ва қўллари исиб терладилар, пешонаси ва юзи ловиллаб кетаётганини сезди. У севгидан маст эди. Таажжубли ва хавасни

келтирадиган фикрлар унинг вужудини тезда камраб олди. У ўзича хавас келадиган сахнани тасаввур этди ва дархол уни ўз фикридан олиб ташлашга уринди, аммо фойдасиз: улар қайта-қайта унинг фикрини банд этдилар. Чунки у шуни хоҳларди. У пинак бузмай, ўзининг Спитама оғушида бўлишини тасаввур қилди, ва ниҳоят, каттик ухлаб қолди.

\* \* \*

Навбатдаги учрашувда Спитама Заранинг меҳрибонлигидан хайратда қолди. У биринчи бўлиб, шубҳали табассум билан Спитамага салом берди, нозик овоз билан ундан ўзини қандай сезяпти, уйига қандай борди, яхшигина юрибдими ва яна бир қанча саволлар бериб, ҳолаҳвол сўради.

Унинг аввалги ноҳўя ҳаракатлари ва инжиқликлари қаерга кетди? У иззат-икром билан Спитаманинг мулоҳаза ва истакларини тинглаб, дархол розилик билдирарди. Спитама ҳеч нарса тушунмасди. Энди Зара ўзига бошқача оро берарди ва ҳаммаси унинг учун, унинг ва Спитамага хумор билан қарарди, бу эса ёш сўғдийга умуман ёқмасди, жингига тегар ва юрагини ўртарди. Энди Зара у билан биринчи бўлиб гаплашишга ошиқарди; аммо унинг сўзларида аввалги болалик хусусиятлари йўқ, Спитама эса унинг қарашларини жўрттага жавобсиз қолдирарди; у ўзини йўкотар, аввалги қиёфасига ўхшамайдиган ҳозирги Зара унинг хайратлантирар ва безовталантирарди.

Зара Спитамага мулозамат қилишни, кўнглини олишга интилишни тарк этмасди. У аввалги ўпиш такрорланишини кутарди, унда кечалари уни ўз оғушига тортаётган орзу-хаёллар йўлидан бориш жазми пайдо бўлди... Спитама эса, гўё уни қийнаб, жўрттага ўша ўпишни эсидан чиқаргандек, ўзини билмасликка оларди. Зара бўлса нима қилишга хайрон! Бир куни улар меҳмонхонада ўтириб Авесто китобини мутолаа қилаётганларида, у ўзини тўхтатолмади: тезлик билан ҳатто ўйлашга улгуриб бўлмайдиган тезлик билан, ўз кафтларида Спитаманинг икки бетини тутиб, лабларини унинг лабларига қўйганча жўшқинлик билан, каттик ўлди. Спитама довдираб қолди, кейин уни уят босиб, қизариб

кетди. Шунга қарамай у Зарадан узоқлашишга интилмади. Энди у аввалгидек хайрлашмасдан кетолмади. Энди у Зара ихтиёрида эди. Уни ҳар хил хаёллар гирдоби ўраган эди.

Спитама ҳеч нимани тушунмай қолди. Гўё пастдан намлик ҳарорати юқорига кўтарилар, унинг юрагида ўт ёнарди. У муҳаббат туманида ҳеч нимани кўрмас ва ҳеч нимага тушунмас эди; у ноаниқ, аммо шилқим фикр атрофида тўхтовсиз айланарди. Уни ўзига жалб қилаётган бу ноаниқ, кўрқинчли ва шайдолик орзуси капалак тақдирида ўйнаши мумкин бўлган ўтга ўхшарди. Бундай орзу унда табиатнинг шафқатсиз кучи туфайли уйғонди.

Спитама тўсатдан, икки томоннинг ҳам бир-бирига интиқ яқинлашиш даври келганини тушунди. Зарани зимдан кузатиб, Зара ҳам уни кузатаётганини билди, улар бир-бирларига ҳавас билан яқинлаша бошладилар. Осойишталик уларни тарқ этди. Аввалги оддийлик ва ўзаро муносабатдаги болаларча соддадиллик йўқолди, — уларнинг икковлари ҳам энди бир-бирлари билан ортиқча гаплашмасдилар. Уларнинг ҳар қайсиси ўзича астойдил ўзининг муҳаббат қиёфасини яратарди. Ҳар қайсиси ўзича муҳаббатнинг ғалати хусусиятлари борлигини сезди, у гўё тескарига қараб ҳам ҳаракат қилиш кучига эга экан; бундай муҳаббат, иситмага ўхшаб, кучни заифлаштиради ёхуд кишига янги мислсиз куч бағишлайди. Зара бир неча марта ўзининг Спитамага бефарқ эмаслигини кўрсатган бўлса ҳам, Спитама илгаригидек чин юракдан, балки у мендан жирканяпти, деб азоб чекарди. У ҳеч қачон Заранинг ҳақиқий ички қиёфасини билган эмас, Зара ҳам Спитама моҳиятига берилгани йўқ. Энди улар тез фурсатда бир-бирларини билиш учун ҳаракат қилсалар ҳам, бир-бирлари тўғрисидаги уларнинг тасаввурлари ҳар қачонгидан ҳам мавҳумлашиб борарди, чунки уларнинг узилган занжирсимон на жилвадор тасаввурлари бир-бирига боғланмаган эди, икковлари ҳам ўзларини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа урардилар, бир-бирларига мавжуд бўлмаган камчиликлар ёхуд афзалликларни тиркаб қўярдилар: камчиликларга айрим-айрим бўлганларида йўл қўйиб, афзалликларни эса учрашув вақтида намоён этардилар.

Ховли олди майдончадаги учрашувлардан бирида қизни кўрган Спитама, унга мулоимлик билан:

— Зарина, сен кундан-кунга очилиб, гўзаллашиб боряпсан, — деди.

— Илгари хунукмидим?! — нозланиб, саволга савол билан жавоб кайтарди Зара.

На Спитама, на Зара бир-бирларидан нимани ку-таётганларини, нима хохлаётганларини билмас, Спитама наздида мухаббат нозиклик учун кондириб бўлмайдиган иштиёққа, номаълум ва кўпол орзунинг хужумига айлан-дики, бундай хиссиётни у тушунмас ва бундан чекинол-мас ҳам эди. Зарага эса шу нарса кўпроқ ёқар ва қизик туюлардики, у ўз ҳаётини ҳақиқий роман деб билар ва у, бу ишқий муносабатлардан ўзининг худбинлиги ва сез-гирлигига маънавий озиқа олишга уринарди, у ўз мухаб-батидан чин кўнгиладан адашган эди.

Шундай қилиб, бу ташки сохталикларнинг, майда худбинликларнинг ҳақиқий мухаббат олдида, унинг илоҳий шуъласи олдида йўқ бўлиб кетишининг фурсати келди. Содир бўлиши муқаррар оннинг куни ва вақт-соати етиб келди...

Шу учрашувда Спитама Зарадан сўради:

— Биз шу майдончада тураверамизми?..

— Ичкарига, меникига кирганимиз маъқул...

Улар бошқа ҳеч нима демай, Зараларниқига кирди-лар.

Зара титраётган овозида Спитамага хонанинг қорон-ғирок бурчагига ўтишни таклиф этди...

Бу ерда у Спитамага яқинлашиб унинг қўлларини си-лади ва ниҳоят, жипслашиб, назокатли овоз билан унга муружаат этди:

— Менинг ётоқхонамни, унинг чиройли безатилган-лигини кўришингни истайман.

— Бажону дил...

Спитама бошқа бирон сўз демай, Зарага уни кичкина хаворанг хонасига боришга мойиллигини билдирди. Улар, икковлари ҳам бениҳоя ҳаяжонда бўлиб, кўркинч ва шубҳалардан гапириш қобилиятини йўқотишларига сал қолди. Улар жим юрардилар ва орқаларидан эшик ёпилиши билан, бу гўзал, танноз Зара чакконлик билан орқасига бурилиб, уни кучоклади... Улар кучоклашиб, бир-бирларини ўпишар ва ҳаяжонланиб, гоҳ бир-бирла-рини кўйиб юбориб, яна ёпишардилар... Яна... Яна...

— Ойинг келиб қолса... — огоҳлантирди Спитама.

— Мени hozир, сендан бошка хеч ким кизиқтирмайди.

У нозланиб, севгилисига табассум қилди, кейин секингина ечинди ва... Спитаганинг иссиқ бағрида ҳикиллаб титрай бошлади.

## Т ў р т и н ч и б о б

### ВОРИС

Сугдиёна сатраплигининг Афросиёбдаги маҳкамаси биносига икки баланд минора орасидаги дарвозадан кирдилар. Дарвоза устида қадимий Сугдиёна давлат рамзи ифодаланган: икки томонида бир-бирига қараб турган қанотли шерлар, улар устида нур таратаётган қуёш тасвири. Миноралар тепасидаги ораликда бахт қуши — Семурғ (Хумо). Ҳар бир миноранинг деворида сугдий ёзувлари ва шохнинг тасвири. Унинг бир қўлида ойболта, иккинчисини худоларга ҳурмат рамзи сифатида, кўкрагига қўйиб турибди.

Икки томонида узун найза ушлаган соқчилар турган дарвозадан ҳовли саҳнига кирилади. Ҳовли чиройли боғчадан иборат бўлиб, унда кичик нинабарг арча ва хурмо дарахтлари, чиройли ёғоч тувакларда эса палмалар ўсарди; буларнинг ҳаммаси бир хил бўйда танланган. Йўлкаларга қизил қум сепилган.

Ҳиёбонда секин-аста юриб ёхуд ўриндиқларда ўтириб, сатрапликнинг амалдорлари паст овоз билан ўзаро гаплашардилар.

Ҳовлидан баланд эшик орқали толор(зал)га кирилади. Зални мрамор тошлар билан қоплаган устунлар, унинг баланд деворларини эса фил ва от минган аёллар, элчиларнинг шох ҳузурига келиши, ов манзараси ва бошқа расмлар безарди. Деворларга турли жониворлар тасвирланган ханжарлар ва бошқа зеб-зийнат матолари осиб қўйилган. Зал бурчагида кўп қаватли тоқчаларда олтин тахтачалар терилган бўлиб, уларда сугдийлар, сақлар, массагетлар тасвири, қоҳинларнинг олтиндан ва нукрадан ясалган ҳайкалчалари, турли жониворларнинг шакллари ва олтин аравачалар нусхаси қўйилган. Шип-

дан нозик дид билан ясалган олтин ва нукра омихта су-  
ви билан бўялган шамдонлар осилиб турибди.

Зал сахнида ўйчанлик билан Суғдиёна сатрапи, эл-  
лик ёшли, баланд бўйли, жингалак соч, буғдойранг,  
кўзлари тошқўмир каби қоп-қора, истараси иссиқ, аммо  
юзида қатъийлик сезилиб турган Спэнта юрарди. Табиат  
унга фақат баланд бўйни эмас, балки қудратли бағир,  
кенг елкаларни, қўл ва оёқларнинг кучли мушакларини  
хам инъом қилган. Кенг пешонасидан чаккалари орқали  
қаншарига тушган йўғон қон томирлари, қора кўзлари  
унинг қатъийлигини яшириб турарди, осойишта юзининг  
вақт-вақти билан пириллаб учаётгани эса эътибор бериб  
қараётган киши учун, хоким юрагининг нозиклигидан  
далолат берарди. Унинг учун кўкимтир чакмони остидан  
оқ шохи кўйлаги кўришиб турибди.

Сатрап юраётган залнинг поли қимматбаҳо нақшлар  
билан безатилган, унда катта санъат усталиги билан  
ўйнаётган парилар тасвирланган, парилар доира шакли-  
да уланиб кетган бўлиб, улар гўё, ўз шайдоларини имлаб  
чақиришдан уялмайдилар. Буларнинг хаммаси ёрик зал  
хуснига хусн кўшарди. Зал сахнининг тўрроғида, устун-  
лар орқасида катта тўғарак хонтахта қўйилган, хонтахта  
атрофида суянчикли ўриндиқлар бор.

Тўғарак хонтахта атрофидаги ўриндиқларнинг бири-  
да ўттиз беш ёшли эркак: Эрон давлати шоҳининг шах-  
сий вакили, сатрап — хоким маслаҳатчиси Виштасп,  
бошқасида олий мартабали ҳарбий бошлик, шоҳ қўшини-  
нинг қўмондонларидан бири, ҳали қирққа етмаган Ав-  
стан ўтирибди. Австан ҳарбий қўмондонликнинг Суғ-  
диёнадаги махсус вакили сифатида, яқинда ана шу лаво-  
зимдан Бахштенадаги ҳарбий истеҳкомнинг бошлиқлиги-  
га ўтказилган Корун ўрнига тайинланган эди. Виштасп  
Австан қобилиятидан рози эканлигини, Суғдиёнада иш-  
ни яхши бошлаганини, жумладан, шу кунда ўтказилган  
ҳарбий машқни уюшқоқлик билан амалга оширганини  
мамнуният билан гапирди.

Бундан илгарироқ Австан ўз дўсти, Бесс исмли ким-  
са билан, унинг тутуруксизлиги, маишатбозлиги, исроф-  
гарчилиги учун уришиб қолганди. Бесс шоҳнинг қарин-  
дошларидан бири эди. У Бессни ўз қошига чақириб ана  
шу ва бошқа бебошликлари учун, айниқса хотинбозлиги  
учун жазоламокчи бўлганди. Аммо Австан ўз дўстини

химоя этиб, у менга ўз пушаймонлигини билдирди, ўз қилгуликларини бошқа такрорламасликка ваъда берди, деб шохдан унинг гуноҳини кечиришни илтимос қилганди. Шохга ўз хулқи билан ёкиб қолган Австаннинг илтимоси қор қилди шекилли, Бесс дўстининг кафолати билан жазоланмай қўйиб юборилди. Бу воқеадан кейин Австан ўзининг беғаразлиги билан шохда ижобий таассурот қолдирганди.

Залга тўрт киши — Сурдиёна сатраплигининг бош қотиби, қўлида узун ҳасса тутган бош қози, Бахштепа ҳарбий истехкомининг бошлиғи Корун ва шаҳар хўжалик ҳакамининг раҳбари Аннугируш кириб келдилар. Улар ҳам хонтахта атрофига жойлашдилар, ҳарбий машқ яқунлари тўғрисидаги масаланинг муҳокамаси янгича тус олди.

Ўтирганларнинг юзларида таҳликалик ва маъюслик сезиларди. Виштасп ўзини босиқ тутарди, Аннугируш эса бетоқатлигини яширолмасди. Фақат Спэнта ҳар замонда суҳбатдошларнинг маъюслигини ўзининг кучли ва салобатли овози билан бузиб, диққатларини жалб этарди.

— Энди айт-чи, — Австанга мурожаат этиб сўради Спэнта, барча асосий масалалар муҳокамаси тамом бўлганидан кейин, — сен менинг ўғлимнинг ҳарбийлик қобилияти ҳақида қандай фикрдасан? Ҳарбий машқда у ўзини қандай кўрсатди? Лекин тўғрисини айт.

— Ахура Маздага касамёд қилиб айтаманки, ўғлингиз Спитама, худолар унга назар қилсинлар, буюк саркарда бўлиб етишади, — жавоб берди Австан. — У ёш бўла туриб, унга ишонилган қўшинни машққа жуда пухта тайёрлади ва ҳужумда ғалаба қозонди. Ҳатто мен унинг йўлини кесиб чиққанимда ҳам, ўзини йўқотмади, ўз аскарларини ҳужумга сафарбар этди. Ха, у яхши кўмондон бўлиб етишади.

— Сен нима дейсан, Виштасп? — сўради Спэнта.

— Австан тўғри айтди, — жавоб берди Виштасп. — Йигитда кўмондонлик қобилияти бор. Аммо, шунга қарамай, машқда у бир нечта хатоларга ҳам йўл қўйди...

— Қайси биримиз хато қилмаганмиз? — шу вақтгача жим ўтирган қози сўз ташлади.

— Спитама, — давом эттирди сўзини шох вакили, — ўз бўлинимасини усталик билан бошқарди, лекин ўрда

хакида ўйламади, натижада Австан бизнинг йўлимизни кесишга муваффақ бўлди...

— Эхтимол, Спитама сизга таянгандир, аълоҳазрат? — аниқлик киритмоқчи бўлди Австан.

— Бошқарув ишида, жангда бировга таяниш ярамайди.

— Лекин, — узиб гапирди Австан, — кимки ўз бошини сақламоқчи бўлса, у олий йўлбошчига қулоқ солсин.

— Ўғлим хақидаги сенинг охириги хулосанг нимадан иборат? — сўради Спэнта шоҳ вакилидан.

— У озгина пишиб етилсин, — жавоб берди Виштасп. — Ҳозир қўмондон қилиб тайинланганг. У бундай лавозим учун ҳали анча қизиққон ва тажрибасиз.

Спэнта бошини қўйи солди-да, залда юришни давом эттириб, деди:

— Мен ақл-идрок ва одиллик юзасидан иш тутаман. Амалдорлар ҳурмат билан бошларини эгдилар.

\* \* \*

Эшиқдан Спэнтанинг кўриниши билан сарой хизматкорларидан бири испандни тутатиб, хонага хўшбўйлик таратди ва ўғлининг келганлигидан хабар берди. Бир оздан кейин хонага Спитама кириб, отасига эгилиб салом берди. Спэнта ўғлининг маъноли қарашидан ундаги ҳаяжонли ҳолатни сезди.

— Ўғлим, — деди Спэнта, — сен оғир ҳарбий машқдан эсон-омон қайтганингдан хурсандман.

— Худоё, умрингиз узок бўлиб, икки дунёда ҳам сизга шуҳрат ёр бўлсин! — жавоб берди Спитама.

— Боягина, — сўзида давом этди ҳоким, — ҳарбий бошлиқлар сенинг машқдаги тиришқоқлигинг ва тадбиркорлигингни айтиб бердилар.

Бўзболанинг юзи сесканиб ўзгарди, унинг ранги дам ўчди, дам қизарди. У ўзининг катта кўзларини отасидан узмай, унга қулоқ соларди.

— Сенинг ғайратинг мукофотсиз қолмайди. Сенга хазинадан беш талант (қадимги Юнон ва Қадимги Шарқнинг энг катта пул бирлиги. Бир талант — тахминан 39 гр. олтинга тенг) берилади ва Тали Барзан истехкомининг ҳарбий гуруҳини оласан, машқлар ўтказасан.



Спитама довираб колди, лекин бир дакикадан кейин, маъюслик билан сўради:

— Сартепа отлик харбийлари-чи?

— Бир йилдан кейин яна машк ўтказамиз, агар ўшанда хатога йўл қўймасанг, уни қайта оласан.

— Биладан, бу Виштаспнинг иши! — мурожаат этди Спитама, ўзини зўрға тутиб.

— Сен менга нима демоқчисан?

— Факат бир нарса, дада. Виштасп — менинг душманим. У сизга бўлмагур нарсаларни айтиб, мени ёмонлабди-да!

— Виштасп — давлат маслаҳатчиси, шохнинг қариндоши. Унинг марҳамати билан сен харбий гуруҳнинг бошлиғи бўлдинг. Мен ўзини асосий қўшиндан ажратган ёш қўмондонга катта харбий бўлинмани ишонмайман.

Спитама бошини эгди.

— Спитама, — сўзини давом эттирди отаси, — сен хали давлат ишини бошқарадиган етук киши бўлиб етишганинг йўқ. Хали тез жаҳли чиқадиган гўрсан. Жаҳл эса ҳаққонийлик билан топишолмайди.

— Дада! — аччиқланди Спитама. — Агар менда жаҳл, ғазаб уйғонар экан, бу шунинг учунки, мен Виштаспнинг менга нисбатан бадхоҳлигини сезяпман... У менга ҳатто каттароқ харбий қисмни беришга ҳам рози эмас. У бир ўзи факат қўшинни бошқаришни эмас, балки бутун мамлакатни бошқаришни, шох бўлишни умид қилмоқда.

Эҳтиётсизлик билан айтган бу сўзларидан Спитама-нинг ўзи чўчиди. Лекин Спэнта унга ўзининг очик чехраси билан қаради-да, осойишталик билан деди:

— Мен факат шохнинг сатрапликдаги нойибиман. Қўшин ва давлат ишларини шох бошқаради. Барча фармонлар ва қарорларни у тасдиқлайди.

\* \* \*

Спитама жасурлик билан ҳаракат қилган бўлса ҳам, унинг орзуси амалга оширилмади. Бўйсунушга тўғри келди. Шу дамдан бошлаб Спитама кўп вақтини онаси билан ўтказишга қарор қилди. Ишларидан қўли бўшаши билан тезда онаси олдига борарди.

Кечқурунлари Спитама у билан ёнма-ён Сиёб анхори-га қараб, очилган дераза олдида ўтирарди. Далаларни

коронғилик қопламоқда. Одамлар уйларига қайтмоқдалар, узок-узокларда кучсиз чирок нури кўринмоқда. Она-бола ҳамишагидек қаттиқ қизиқиш билан деразадан кўринаётган манзарага тикилиб, сукунатга кетардилар: ёхуд Зардоза тўсатдан, сабабсиз, қандайдир бир-бирига алоқасиз тарихий воқеаларни ёки эсига келган бошқа, кундалик янгиликларни гапирарди. Энди ўша ўйлаганини сезганлиги учун, у секин-аста ўзини эркинрок сезиб, одатдагидан кўпроқ гаплашарди. Гоҳо ўзининг бир-бири билан алоқасиз сўзларидан уялар, ўғлига қараб бошлаган сўзини охирига етказмай, жим қоларди. Лекин Спитама онасининг қўлини нозиклик билан ушлаб, фикрини давом эттиришини сўрарди. Онаси эса рухланиб, ўз сўзини охирига етказарди. Ссекин-аста бу мақсадсиз сўзлар Спитамани зериктирди, у онасининг гапи чўзилиб кетгани, унга ўзининг зерикканлигини сездирмай, тингларди. Зардоза ўғлининг беозор муғомбирлигини кўриб, унга меҳрга тўла кўзлари билан тикилди.

— Ўғлим, сен бугун негадир вазати кайфиятдасан? Сенинг ниҳоят бандлигингни биламан. Аммо бугун биз анча бўшмиз. Яширма, айтадиган муҳим гапларинг бўлса айт, кўнглингни менга очмай, кимга очасан?

— Ойижон, сиз шунчалар жиддийсизки, мен ўз илтимосимниям айтишга юрагим бетламайди.

— Балки, сенга пул керакдир?

Спитама хижолат тортиб, бошини эгди.

— Кўп керакми?

— Ўн талант...

— Эй худолар! — хитоб этди Зардоза. — Ахир, яқинда сатраплик хазинасидан сенга беш талант берган эдилар-ку... яна ўн талант талаб қиласанми? (Бир оздан кейин). Сенинг сидонлик қизинг шунчалар талабчанми?

Спитама қизарди:

— Йўқ, ойижон, пул Зарина учун эмас... Сиз Заринанинг сидонлик эканлигини қасрдан биласиз? Нима учун шу вақтгача бу ҳақда мен ҳеч нимани билмайман?

— Биз бу ҳақда сенга ҳеч нима деганимиз йўқ. Унинг исми Зарина эмас, балки Зара. Унинг онаси Артемида — Бахштепа ҳарбий истеҳком бошлиғи Коруннинг иккинчи хотини бўлади. Унинг ўлган биринчи хотинидан бир ўғил қолган — Эксарт. Жанубдаги хизмати даврида у Артемидага уйланган. Бу хотин сидонлик бой судхўр-

нинг беваси бўлиб, ундан кичкина Зара ҳам қолган. Ўзинг биласан, улар Самарқандга кўчиб келиб, кўп вақт биз билан кўшни яшадилар. Сен Корун болалари билан бирга ўсдинг ва мен яқингача сенинг Зара билан муносабатинг аввалгидай, болаларча муносабат бўлса керак, деб ўйлаб юрардим. Энди бўлса бунинг мухаббатга айланишидан хавотирдаман...

— Ойижон, аскарлар, уларнинг бошлиқларига харбий машқдан кейин мукофот тарихида маблағ ваъда қилганман... энди уни тўлаёлмайдиман.

Зардоза ўғлига таънаомиз қаради.

— Яхши эмас, ўғил ўз ота-онаси билан маслаҳатлашмай, ўзича бир ишга жазм этса... Сенинг балоғатга етганини ҳисобга олиб, ўз авлодимиздан, Самарқанд ёхуд Бухородан бирон чиройли кизга уйланишингни маслаҳат бермоқчи эдим. Панжакентда ҳам қариндошларимиз бор. Менинг юрагимнинг амри — сенинг хотининг шохлар наслидан бўлиши керак! Сен бўлсанг, номаълум сулоладан уйланишни афзал кўраётганга ўхшайсан.

— У менга ёқади. Бундай гўзал киз фақат сизнинг хизматкор кизларингиз орасида эмас, ҳатто қариндошларингиз ичида ҳам топилмайди.

Зардоза табассум қилди.

— Сен қохинлар мактабининг пастки босқич талабасидек гапиряпсан, — деди у сўзларини қисиб. — Номаълум қабиладан келиб чиққан, судхўрлар оиласида тарбияланган киз Сиёвуш наслига биринчи хотинлик учун ярашмайди, деб ҳисоблайман.

— Ойижон, ишонсангиз-чи, сидонликлар, жумладан Зара ҳақидаги ёлғон-яшиқ гапларни тухматчилар ғаразлик учун тарқатадилар. Улар ҳокимият тепасига бошқа уруғдан туғилганларни, ўзларига маъқул бўлмаганларни яқинлаштирмайдилар.

Зардоза ўрнидан турди-да, қўлларини кўксига қўйиб, ўғлига таажжуб билан қаради.

— Сен ҳақиқатан ҳам Виштасига ишонмайсанми? — сўради у хайрон бўлиб.

— Ҳа, мен Виштасининг ўзбошимчалигини ёқтирмайман.

— У марказ вакили сифатида, шох номидан ҳаракат қилади.

— Мен уни четлаштираман!

Онаси елкаларини яна қисиб қўйди.

— Шу сўзларинг билан, — у таажжубланиб деди, — сен яна отлик аскарлар қисмига бошлиқ бўлиш хохишини билдирдингми? Ахир, ҳали сен, қизнинг нози билан эркаланган гўр йигитча-ку.

— Нима дедингиз? — унинг сўзини бўлди Спитама, қизишиб кетмаслик учун ўзини зўрға тутиб.

— Мен ўзимнинг ўғлимни танимаяпман... Мен сенда Суғдиёнанинг бўлажак сарқорини кўрмаяпман! Бизнинг сулоламиз сен бошчилигингда сарбонсиз карвонга ўхшаб қолади... Сен саройдан ақли кишиларни четлаштирсанг, сен билан ким қолади? Суғдиёнада, бошқа ўлкаларда сенинг кўзинг ким бўлади? Йўлбошчи Ахура Мазданинг муқаддас назари тушадиган ҳамма нарсадан хабардор бўлиши керак-ку.

— Улар менинг маслаҳатчиларим бўладилар, вазирларим эмас.

— Энг содиқ хизматкорлар ўшалар-ку. Ўшаларнинг хомийлиги билан сенинг отанг, сатрап сифатида бўлса ҳам, шоҳнинг ғазабига учрамай, йигирма йилдан кўпроқ бўлдики, Суғдиёнани бошқариб келяпти. Хазинамизнинг қандай аҳволда эканлигини биласанми? Сен ундан бир кунда беш талант оласан-да, яна ўн талант талаб қиласан, бунақасига хазинанинг холи не кечади? Сенинг отанг ҳар бир бўлмағур ишларга, сенга ўхшаб харажат қилаверганда, халқимиз бундан ҳам қашшоклашарди. Сенинг отанг шоҳнинг раҳмсиз солиқ сиёсатига қарамай, ўлкамизни обод қилиш учун, халқимиз турмушини яхшилаш учун жон куйдиради. Сен бўлсанг...

— Шоҳ Умасу ўлкамизни, халқимизни горат қилмоқда. Бизнинг қарамлигимиз бизни нобуд қилади. Биз Суғдиёнанинг эрки учун курашишимиз керак. Аввало шоҳнинг амалдорларини ўз лавозимларидан четлатишимиз лозим.

Зардоза кулимсиради.

— Йўк, — деди у, — сен, Спитама, ҳали шундай гўрсанки, майли, бу енгилтаклик билан айтаётган сўзларингни гуноҳга йўймайман. Яхшиси, сен ўз аскарларинг билан шуғулланиб, сидонлик қизингдан тезроқ узоқлашинг. Сиёсат билан эса, қўй, отанг шуғуллансин...

— Нима учун мен Зарадан узоқлашим керак?



— Чунки, агар у сандан ўғил тўғса, бизнинг сулола-мизда Суғдиёгани бошқариш учун катта муаммолар келиб чиқади, ваҳоланки бу борада ҳозирданок анча мураккабликлар мавжуд.

— Демак, мен ҳазинадан пул ололмайманми?

— Йўқ! Агар даданг Панжакентдан юборилган қирк талантни бош котибга бермаганида, у бугуноқ хизматчиларга маош беришни тўхтатишга мажбур бўларди.

— Мен аскарлар билан нима қилишим мумкин? — сўради Спитама, шошилиш суратда пешонасини уқалаб.

— Сен — ҳокимнинг вориси. Хоҳлаганингни қилишинг мумкин... Лекин шуни айтиб қўяй, сенга қарз олганинг учун баланд даражада қайтим беришга тўғри келади, сени ўзининг қарздорига айлантиран судхўр ўз қўлидан осонликча қўйиб юбормайди.

— Бундай қарзни қайтариш учун маошимнинг бир қисми ҳам етади.

— Кўраммиз... Мен чин қалбимдан сенга ёрдам берардим, аммо менда пул йўқ... — деди Зардоза, қўлларини ғамли суратда ёйиб. — Ақлингни ишлатиб йўл тут.

Зардоза унинг юзини силади, оналик юраги Спитаманинг Зара билан муносабати аллақачон жинсий алоқага бориб етганини сизди. Лекин бу масалани ҳозирча кўтармасликка қарор қилди.

Спитама таъзим ила онасининг хонасидан чиқиб, дам олиш учун ўз оромгоҳига кетди.

Ўғлининг узоқлашиши билан Зардозанинг чехраси ўзгарди. Хотиржамлик ўрнини изтироб ва ҳаяжон олди, унинг катта кўзларидан жикқа ёш чиқди. У Митра ҳайкали олдига чолиб борди, тиззаларида ўтириб, хушбўй исирикни сепди-да, дуо ўқиди.

— О Митра, Митра, Митра! Номингни уч марта такрорлайман. О Митра, илтифотли одам ифодаси, ёруғлик ва ҳақиқат худоси, хайрхоҳли оилавий муносабатлар кафили... О Митра, менинг ўғлимнинг гуноҳини кечир ва паноҳингда сақла! Худоё, сенинг номинг бу ерда ҳам... у ерда ҳам... ва ҳамиша уч қарра такрорлансин... Ҳозир ҳам, доимо ва абадул абад...

Ана шу тариқа ибодат қилиб ва йиғлаб, Зардоза эгилди-да, пешонасини полга тегизди. Шу дақиқада унинг боши устида Спэнтанинг паст овози эшитилди:

— Одил сўз ҳаммавақт худоларга бориб етади...

Зардоза ўрнидан турди, улар хол-ахвол сўрашдилар.

— Спитама дам оляптими? — сўради Спэнта. — (Бир оз жимликдан кейин). Боланг ўз аскарларига машқда ўртак кўрсатгани учун, мукофот тариқасида пул ваъда қилибди... Жанубдан қайтган харбийларга қандай маош тўлашимни билмай қолган бир вақтда, у ўйламай аскарларга мукофот ваъда қилгани жуда ноқулай. Шубхасиз, унда катта қобилият бор. Аммо биз уни тийишимиз, унга сабр суви сепмоғимиз лозим, токи болалик шўхлигини камайтирсин. Спитаманинг ногўғри ҳаракатлари айрим кохинлар ва амалдорлар учун менинг мавқеимга ва ишимга салбий таъсир этишларига баҳона бўлиши мумкин. Ўзи шундай ҳам, саройдаги вазият қизишмоқда...

— Агар сиз қарши бўлмасангиз, — Зардоза эрига таклиф киритди, — отамдан мерос бўлиб қолган ҳовли-боғларни Спитамага берайлик. Менимча, ўша боғлар ва хўжаликдан тушадиган даромадни олиб турса, у хазинадан пул сўрамас.

Спэнта ўйланиб қолди. «Буталар орасида қизалоқлар кетидан қувиб юрган бу йигитча шундай катта хўжаликни бошқара оладими? Балки, унинг елкасига юкланадиган мулкчилик ва жавобгарлик ҳисси бу беғам болани бир оз ўзига келтирар. У ердаги иш бошқарувчи ҳам ўзини босиб олган одам, у Спитаманинг касод бўлишига йўл қўймас».

— Мен сенинг таклифингга розиман, — деди у.

Шундай қилиб, Спитама раҳматли бобоси Парнундан қолган Тали Барзандаги катта мулкнинг вориси бўлди.

\* \* \*

Тали Барзандаги Спитамага таниш ҳовли. У бобосидан мерос бўлиб қолган хўжаликка келиб, унинг иш бошқарувчиси Даманбарн билан учрашди.

— Сен менга осон йўл билан маблағ топишни ўргат.

— Охо! — илжайиб деди иш бошқарувчи. — Бу шундай ҳикматки, энг олий кохинлик мактабида ҳам ўқитилмайди. Мен ана шу мактабда мударрис бўлиб ишлашим мумкин.

— Тўғри, у ерда бойиш йўллари ўқитилмайди. Мен кохинлар олийгоҳининг энг ибратли талабаси эдим. Лекин бобомнинг мулкига ворис бўлдим, ўзимнинг энг

бўлмағур хўжалик юритувчи эканлигимни билдим. Нима етиштириб чиқариб сотсак кўпроқ даромад оламиз? Бу борада аниқ тасаввурга эга бўлмаганим учун анча қийналяпман.

— Сенинг мулкинг, — деди Даманбарн, — Суғдиёнадаги энг яхши хўжалик. Бу ерлар Обирахматдан тортиб келган ариқдан сугорилади, хўжаликда бундой, арпа, зифир, кунжут, пахта, обча, ҳар хил кўкатлар ўстирилади. Бизнинг тоқларимиз серҳосил, улардан ҳар хил пирин узумлар оламиз. Қара, сенинг хўжалигингда қандай мевали дарахтлар майдонлари кўп. Яйловлар ҳам оз эмас, унда ҳозирги чорва молларнинг бошини бир неча бор кўпайтирсак ҳам, тўйдириб боқиш мумкин. Хуллас, сенинг хўжалигинг жуда бой. Буларнинг ҳаммаси мендан сен сўраган саволга жавоб, яъни маблағ топиш йўллари.

Сенинг хўжалигинг кўп даромадли бўлишини истаганг, бозор вазиятини яхши билишинг керак — қаерда ва қандай маҳсулотлар тез ва юқори нарх билан пулланади. Бизнинг Самарқанд бозорида ўсимлик мойлари юқори нархларда сотилади. Персепол ва Ўртаер денгизи соҳилидаги шаҳарлар бозорларида, айтишларига қараганда, терига нисбатан талаб катта. Демак, сенинг омборингда тўпланиб қолган териларни одамларнинг ўша томонларга олиб бориб, пуллаб келишлари керак... Сенинг хўжалигингда, ўлкамиздаги бошқа хўжаликлардагидек, ҳалигача фойдаланмаган имкониятлар жуда кўп. Мен бизда кам эътибор бераётган ипакчилик ҳақида гапиряпман. Ҳолбуки, ўзинг айтганингдек, ипак, шохи матолар соҳил шаҳарлари бозорларида олтин билан баравар туради. Пахта-чи... мен сенинг хўжалигингда мавжуд бўлган даромад манбаъларини санаб беришни яна давом эттиришим мумкин. Ана сенга пул.

— Сен айтганларинг ҳаммаси тўғри, бироқ бу келгусидаги ишлар. Менга эса пул келаси йилда эмас, ҳозир керак.

— Мен сени тушундим, пулсизлик фақат азобуқубатни орттиради. Сенинг юриш-туришингдан ва ҳаяжонли ҳаракатларингдан мен шуниси сезяпманки сен, эҳтимол пулсизликдан умидсизликка учраган кўринасан... Сен биронта судхўрдан қарз ол, — маслаҳат берди Даманбарн.



— Биронта судхўрни ўзинг топиб кел!

Дамабарн ховлига югуриб чикди-да, йўлкалардан юриб, кўздан ғойиб бўлди. Кечкурун у вориснинг уйига Самарқандда ҳаммага маълум бўлган Габер исмли судхўр билан бирга келди. Судхўр уй остонасига тиззасини қўйиб ўтирди, унинг бутун вужуди титради, томоғи қуриди, аммо тетиклик билан Спитамага мурожаат этди:

— Габердан сенга салом, эй Суғдиёнанинг янги қуёши!

Судхўрга қараб Спитаманинг юраги санчиди. «Бу иблисдан мен осонликча қутулолмайман шекилли», ўйлади у ва саломлашгандан кейин, унга:

— Габер! Менга ўн талант қарз беришингни сўраш учун сени чақирдим, — деди.

«Жуда соз!» — ўзича ўйлади судхўр. У фойдани кўзлаб, Спитаманинг барча хатти-ҳаракатларини кузатишга қарор қилди.

Габер ўзини сувга ташлаган одамга ўхшатиб, Спитамага диққат-эътибори ва сезгирлиги билан, руҳан кучсиз кишининг кучли руҳ эгасига қараётганидек тикилди. Бундай сеҳрли, ҳар қандай тўсиқни тешиб ўтадиган тикилишнинг маъноси катта, бу тикилиш Спитаманинг Габер олдида фақат ҳаёт ва ўлим сирлари билангина эмас, балки бу одамнинг оддий ҳиссиётлардан тамомилла фарқли бўлган, унинг разиллик мавқеи билан ифодаланадиган ҳиссиётга қарам бўлиб қолганини билдирди.

Габер Спитамага шундай тикилиб, шартларини айтмоқчи бўлди:

— Ижозат эт...

— Хўш, — сўради Спитама, — ҳурматли Габер, сен менга ўн талант қарз берасанми?

Жамият манфаатини кўзламай яшашга ўрганган, ёвузлик иллатлари ва бағритошлик билан ссмирган, аммо унга тинчлик бермайдиган катта рухий кучга эга бўлган, пасткаш ва олижаноб, биратўла номаълум ва машхур, яшаш учун жон талвасасида юрган Габер, Спитаменнинг юрагини овлашга ҳаракат қилди. У Спитаменни инсоният жамиятида ўзининг вакили қилиб олмоқчи бўлди. Спитамен унинг тасаввурида ўғлидан ҳам афзалроқ, ҳар қандай хотиндан ҳам зиёд, оиласидан ҳам зарур, ҳаётнинг ўзидан ҳам ширин эди, судхўрнинг режа-

си Спитамен билан бузилмас алоқада бўлишни, бу алоқа воситасини топишни мўлжаллади.

— Ўн талантга, — ҳисоблай бошлади судхўр, курсида ўтириб, — кўп нарса сотиб олиш мумкин...

Ворис кўзларини ялт этиб очди.

— Агар сенда ўн талант бўлмаса... — ворис судхўрнинг сўзини яна бўлди.

Габер чўчиганидан курсидан йиқилди.

— Йўк, йўк! — хитоб килди у. — Сен, Спэнтанинг ўғли буюрганда, бу шаҳарда ким пул тополмас экан? Мен эртагаёк, ернинг тагидан бўлса ҳам, ўн талант топаман. Сенга ўн талант қанча вақтга керак? — сўради у.

— Бир йилга...

— Яхшиси, тўғриси айтилаётгандай — уч йилга. Фақат Сугдиёна ҳокими ўн талантни бир йилда қайтаради, ёш жаноб эмас. Сен ҳар куни қувноқ зодагонларни, чиройли ойимчаларни зиёфат қилишинг керак. О, бу ойимчалар! Шу тўғрими, сендан сўрашга ижозат бергин, сен Зарани, Артемиданинг қизини ўзингга олибсан?

— Сен қарз учун неча фоиз сўрайсан? — унинг сўзини бўлиб, сўради Спитамен.

— Ҳеч гап эмас, бу ҳақда муқаддас оғиз билан гапириб ўтирмасанг ҳам бўлади. Ўн талант учун ҳар йили уч талантдан фойда бериб турсанг бўлади. Уч йилда бу пулни ундириб оламан, сен буни билмай қоласан...

— Сен менга бугун ўн талант бериб, уч йилдан кейин йигирма талант қилиб оласанми?!

— Форс қонуниятини бўйича фойда фоизи қарз суммасига тенг бўлиши лозим, — жавоб берди, довдираб қолган судхўр.

— Бу жудаям кўп эмасми?

— Қандай кўп? — кичкирди Габер. — Шу кўпми?

Спитамен асабийлашиб хона саҳнида юра бошлади.

— Демак, мен сенга йигирма талант учун тилхат беришим керакми?

— Қандай тилхат, ҳеч қандай тилхат керак эмас. Менга тилхат нима учун керак? Парнуннинг Тали Барзандаги хўжалик вориси менга ана шу хўжаликнинг Нишеб, Айсар ва Равонак манзилгохлари атрофларидаги боғларни уч йиллик муддатга ижарага берса бўлади.

— Ижарага? — такрорлаб айтишни сўради ворис. — Бу менга ёкмайди.

— Бўлмаса мен ўзимнинг пулимни — йигирма талантимни қандай қилиб қайтариб оламан?

— Тўхта. Мен хўжалигимнинг иш юритувчисидан сўраб олай-чи, бу ерлар бир йилда қанча даромад бераркан.

— Сен учун ташвишланишнинг нима хожати бор! Иш юритувчи нимани билади! У ҳеч нарсани билмайди, сидонлик ҳалол кишига ишонгин. Ерлар ҳар йили бир хил даромад бермайди, қанча ҳосил берса шунча даромад бўлади. Агар бу ерлардан мен зарар кўрсам, иш юритувчи менинг зараримни кўтарадими?

— Биласанми, Габер, менимча, бу ерлар ҳар йили ўн талантдан анча кўп даромад келтирадилар...

— Ҳокимнинг ўғли менга ишонмайдими? Яхши! Агар йўқ десанг, мен Равонакдаги ерларни ташлайман. Қандай? Ҳали ҳам сен мендан кўп сўраяпти, деб ўйлаяпсанми? Майли, Нишебдан ҳам воз кечаман. Аммо иш юритувчининг нима хожати бор. У сенга ақлу фаросат ўргатадими? Бу ерда фақат, Парнуннинг набираси менга фалон-фалон ерларни уч йилга ижарага берганлигини ёзиш учун котиб керак, яна бешта шохид ҳам менга сендек олий жанобнинг эътиборига сазовор бўлганимни тасдиқлашлари лозим... Лекин хизматчиларнинг бу ерда хожати йўқ, улар хўжайиннинг пул қарз олганлигидан воқиф бўлмасинлар.

Бу машмаша вориснинг жонига тегди. У қўлини силкитди-да, деди:

— Майли, фақат Айсардаги бир қисм ерларни ижарага беришга розиман. Эртагаёқ котиб билан бешта шохидни бирга олиб кел. Мен бу масала билан бошқа шуғулланмайман.

— Мана, бу оқилона сўзлар! — қичқирди судхўр! — Умринг узок бўлсин!

Ана шундай дақиқаларда шоирнинг илҳоми келмагани учун умидсизликдан ўзини ўзи ўлдиришга рози бўлиш даражасига етиб қолганидек, сидонли судхўр Спитаменнинг бошини гангитиб, фақат можароли романларда содир бўладигандек, унга иблисона шартномани таклиф этди ва тузди. У, Спитаменни сидонли ҳаётнинг шавқ-завқлари билан овунтириб, бўлмағур орзуларнинг амалга оширилиши осонлигига ишонтириб, тажрибасиз ёш ворисни ўз ихтиёрига бўйсундирди. Шуниси ҳам борки, ўзининг иккинчи «мен»и ҳақида сўз борганда, бу

сирли шахс ҳар қандай кулфат ва қийинчиликлар тортишга ҳам тайёр. Бу сирли шахс вақти келганда Спитаменнинг котилларидан бири бўлишини, ҳали ҳеч ким ўйламаган эди.

\* \* \*

Баҳор фасли ўтди ва ёз кириб, дрнабазиш ойн (июннинг иккинчи ярми) кечаётган эди. Спитамен кўчада икки ғилдиракли извошни кирага ёллаб, шошилич тарзда Айсар қишлоғи орқали ўзининг Тали Барзан яқинидаги шийпонига борарди. Узоқдан у, атрофда Якка уй номи билан маълум, яхши парвариш қилинган экинзорлар ўртасидаги чорбоғли ховли-жойни кўрди.

Ховли-жойнинг эгаси, зироатчи дехқон — Таҳмос, ҳамқишлоқларига тез-тез сўзланарди:

— Тенангда ҳатто бешта хўжайиннинг бўлса ҳам, қонингни бешта судхўр шимирса ҳам, устингда бешта назоратчи ўтириб олса ҳам, агар ақлинг бўлса ва билагинг бақувват бўлса, агар бўйнингни эгмасанг ва кўкнор сувини ичмасанг ёхуд чилимга бангдона тухимини солмасанг ва қўлларинг кетмонни яхши ушлаганча ишласанг, — сен қашшоққа айланмайсан, ўзингни ва оилангни боқасан, одамгарчиликдан чиқмайсан.

У узоқ йиллар ўзининг ана шу қондасига содиқ қолиб, бу сўзларнинг тўғрилигини меҳнати билан исботлади. Унинг меҳнатсевар, лекин вайсақи хотини ва иккита бўй етмаган ўғли бор эди.

Ҳаётга бўлган ташналик Таҳмосга ҳеч вақт ўзини бўш қўйиш ва халқ нақлидагидек, белбоғини ечиш имконини бермасди. Ҳалигача ҳеч ким Таҳмоснинг дам олиб ўтирганини кўрмаган. Парнун хўжалигининг экинзорларида ишдан санжоб бўлган вақтларда у ўз томорқа ерида ва ховлисида тинмай меҳнат қиларди.

Арик ёнида қад кўтарган бу ховли-жой Таҳмос қўллари билан яратилди. Ховли пешайвонли иккита торгина уйдан иборат бўлиб, бу айвонларнинг бири йўл бўйида ва иккинчиси ховли ичида эди. Ховлида отхона ва ғалла омбори, нарироқда ошхона. Якка уйнинг йўлга қараган дарвозаси ва экинзорларга чиқиш учун кичкина дарчаси ҳам бор. Уй олдида катта сада дарахтлари билан ўраб олинган ховуз бўлиб, у жазирама ёзда дам олиш ва йил бўйи сув манбаи сифатида хизмат қиларди.

Тахмос бу уйни ўзининг раҳматли отаси билан бирга, ховуз бўйидаги меҳмонхонани эса фақат ўзи курганди. Албатта, унга кишлоқдошлари ҳам ҳафтар тарикасида ёрдамлашган эдилар. Ташқаридан у ҳовли ҳашаматли кўринарди, аммо ичкаридан унинг ҳамма жиҳатдан бечорахол оиланинг кулбаси эканлиги дарров кўзга ташланарди. Кўҳна наMAT, палослар, лаблари синиқ ёхуд қадокланган қизил ва кўк пиёлалар, палов сузиш учун жимжимадор нақшлар чиқарилган, кўкимтир рангли сопол товоқ, сарик-кўкимтир гуллар чиқарилган қора мис патнис — меҳмонхона рўзғор анжомларининг бариси шу эди. Меҳмонхона деворида эскигина камон ва тирлари билан тирдон осилиб турарди — Тахмос овга боришни ёқтирарди. У инсон ҳаётини отсиэ тасаввур қилмади: бир неча йил тер тўкиб ишлаб пул тўплаган ва ниҳоят, от сотиб олганди. Бунинг учун у Парнундан миннатдор эди. Отни парвариш қилиш, чўмилтириш, баданини қашав билан тозалаш унинг учун завқли одатга айланган. Ҳеч қандай меҳмон, ҳеч қандай иш отга қараш учун унинг бундай тартибини бузолмасди. От ҳам эгасининг бир яхшилигини минг яхшилик билан қайтарарди. Айсар кишлогининг ахли Якка уйнинг ободлигини кўриб, бу йигитнинг меҳнатсеварлигидан хурсанд бўлсалар ҳам, қийналгани учун раҳмлари келарди.

— Ҳамма ҳам, — дехконлар хайрхоҳлик билан гапирардилар, — ўзига бошпана қуришни хоҳлайди.

У ўз уйи олдида ўттиэта ўрик ва учта нашивати дарахти ниҳолларини ўтказди (ўттиэз уч азалдан бахтли рақам ҳисобланган). Бу ниҳолларни унинг ўзи, каттик ерда чуқур казиб ўтказди-да, ниҳоллар атрофига гўнг ва қум аралаш тупроқ босди. Бир неча юз қадам нарида оқаётган ариқдан пақирлаб ташиган сув билан уларни тез-тез суғориб турарди. Ям-яшил боғ билан ўраб олинган бу якка уй Спитаменга узоқдан кичкина жаннатга ўхшаб кўринди. Бу боғ ичида у ғайритабиий ҳаракатни кўрди. Уша томонда, дарахтлар орасидан хотин кишининг қичқириқ овози эшитиларди.

«Балки, кимдир ўлган», — ўйлади хўжалик вориси. Боғнинг нариги четидан араваларда тўла қоп ва молларни олиб кетмоқчи бўлардилар, иш билан банд кишилар, ховуз бўйида ўтирганларни сўкиб дўқ-пўписа қилардилар. «Кўшнилар бир-бирлари билан урушаётгандир»

лар...» — хулоса қилди Спитамен. Аммо одамлар ишлаш ёхуд машмаша қилиш ўрнига, ерда жим ўтирардилар. «Ишни тамомлаб дам олмоқдалар». Қандайдир аёл арава орқасига ёпишиб, қўлларини кўтариб дўк қиларди.

«Хеч нимани тушуниб бўлмади» — хайрон бўлди Спитамен. Бу манзара, оқибат-натижада, уни хайратлантирди... Ворис қўлларини кўзи устига соябон қилиб, ерда ётган одамни кўрди, уни жоҳил одам калтак билан саваларди.

— Бу ерда нима бўляпти? — сўради Спитамен извошчидан.

— Кўрмаяпсанми? Камбағал зироатчи дехконни урмоқдалар! — жавоб берди извошчи тиржайиб. — Бирон гуноҳ қилгандир бечора, шунинг учун суякларини қирсиллатаптилар.

Спитамен извошни ховуз бўйига хайдашни буюрди. Шу вақт жоҳиллардан бири дехконни савалаётган эди.

— Тўхта! — кичкирди Спитамен, дехконни ураётган жоҳилга.

— Ишингни қилавер! — деди унинг ёнидаги чакмон қийган одам савлат билан. — Қара-я, қандай довярак йигитча топилибди!

Ўша дақиқада Спитамен бу одамнинг тумшугига боплаб мушт туширди. У мушт зарбидан ерда ўтириб қолдида, бошини қўллари билан ушлаб, хиралашиб қолган кўзлари билан хужум қилган йигитга қаради.

— Афтидан, — гапиришга уринди у, — мен атоқли аслзода билан гаплашаётганга ўхшайман... Менинг жанобим, сенга доим яхши кайфият ёр бўлсин...

— Сизлар бу ерда, бу одамни нимага қийнапсизлар, бу одам ким ва нима гуноҳ қилди? — унинг сўзини бўлиб, сўради ворис.

— Сен, жаноб йўловчи, — букилиб жавоб берди чакмон қийган одам, — муҳожирга ўхшайсан, маҳаллий шароит билан, бу ердаги одамлар билан таниш эмассан. Билгинки, бу боғнинг эгаси — Таҳмос, жиноятчи, мен — солиқчи, Самарқандда машҳур сарроф, олижаноб Габернинг хизматчиси бўламан; агар бу ҳам аралашганингдан уялишинг учун етарли бўлмаса, шуни ҳам билиб қўйки, хайр-эхсонли Габер, мана шу хўжалик эгасининг вакили, шу ерларнинг ижарачиси, — унинг умри узок бўлсин! —

сен муборак зот Спитаменнинг ерида ўзбошимчалик билан куч ишлатдинг, бунга менинг одамларим шохид бўлишлари мумкин.

— Демак, бу ерлар... — ворис унинг сўзини бўлмакчи эди-ку, аммо тўхтади. — Ворисга тааллуқли деҳқонни азоблашга, қандай журъат этдинг?

— Бу одам аблах, солиқ тўлашни хохламайди, вориснинг хазиnasi эса бўшаб қолди.

Унинг ёрдамчилари бошлиқнинг ахволи танглашганини кўриб, ўз қўлларидаги бечорани қўйиб юборишдида, нима қилишларини билмай, тек қотдилар. Жохиллар қўлидан қутилган Таҳмос ўрнидан туриб, гоҳ жохилларга, гоҳ уни қутқарган йигитга қараб жим турди; унинг хотини эса эрини қутқазган кишига мурожаат қилди:

— Сен ким бўлсанг ҳам, — Спитаменнинг қўлларини ушлаб, тортиб, дуо қилаётгандай ялинганича, — менга кулоқ сол. Биз Парнун набирасининг деҳқонларимиз, — илоҳим унинг умри узоқ бўлсин! — барча солиқларини тўлагандик. Мана бу одам эса олдимизга келиб, яна етти ўлчам буғдой беришимизни талаб қилди. «Қанақасига? — деб сўради эрим. — Биз бари солиғимизни тўлаганмиз». У бўлса эримни ерга йикитиб, тепди ва кичқирди: «Шунақасигаки, мухтарам Габер шундай буюрди». — «Бунча нарсани мен қаердан топанман? — жавоб берди эрим, — ўзимизда ҳеч қандай ғалла қолмади ва бир ойдан бери уруғлик ва тутмайизни истеъмол қилаётган бўлсак?».

Аёл йиғлаб юборди. Спитамен сабр билан, унинг тинчланишини кутди.

Шу вақт солиқ терувчиларнинг каттаси извошчи олдига келиб, ундан секингина сўради:

— Она сути оғзидан кетмаган бу йигитча ким бўлади?

— Тилинг узилсин! — жавоб берди извошчи. — Кўрмаяпсанми, нуфузли зот; яхши тўлайди ва зўр муштлашади.

Аёл йиғлаб бўлиб, яна алланима демоқчи эди, лекин эри уни тўхтатди:

— Бошимга бало бўлдинг-ку, аҳмоқ!

— Ўзинг аҳмоқ, — аёл эрининг сўзини бўлди. — Бизнинг олижаноб... Сенинг ташқи кўринишинг ҳам шахзодага ўхшайди...

— Мен осилиб ўлай! — фарёд қилди эри. — Сен ўз шикоятларинг билан ҳаммани нобуд қиласан, шайтон хотин.

Солиқчи, нуфузли киши томонидан хомийликни кўриб, олдинга чиқиб гапира бошлади:

— Эй худодлар, мўътабар вориснинг хўжалигида солиқ теришга бирон-бир кишининг қаршилик кўрсатишини ҳалигача ҳеч ким кўргани йўқ.

— Жим! — қичқирди Спитамен. — Йўқол бу ердан! — Кейин жабрланганларга қараб: — Сизларга ҳеч ким бу ерда тегинмайди.

Солиқчи ўз кишиларига ниманидир пичирлади-ю, шаҳар томонга юриб, муштлари билан пўписа қилиб қичқирди:

— Лаънат сизларга, исёнчилар! Мен ҳозир тўғри ворис олдига бориб, унинг хўжалигида қандай тартибсизликлар бўлаётганини айтаман.

— Айт, айт!

Ворис сакраб извошга чиқиб олди-да, извошчига Тали Барзанга ҳайдашни буюрди.

Хушчақчақ извошчи овунтирадиган мавзуларда гап сотар, лекин ворис уни эшитмасди. Унинг юрагида шу вақтгача унга маълум бўлмаган қийноқ масалалар борган сари баландроқ ва аниқроқ янграрди. Демак, бу ерлар бўйлаб бораётиб, кўраётган барча экинзор ва майдонлар уники экан. Ажабо, ўз тасарруфидаги хўжаликларнинг қаерда жойлашганлигини ва қандайлигини у ҳалигача билмас экан. Демак, унинг номидан Габер дехқонларга янги солиқ солибди; у ҳозир кўрган тўполон солиқ териш тўполони экан. Ўз чорбоғида саваланган дехқон Таҳмос, эҳтимол ҳеч вақоси бўлмаганлиги учун, кўшимча солиқни тўлаёлмаган.

Кейин Спитамен Таҳмоснинг хотини айтган уйларида галла йўқлиги, улар бир ойдан бери фақат тут ва мева билан кун кечираётганликлари ҳақида сўзларни эслади. У нонсиз ҳатто уч кун ҳам яшаёлмаслигини ўйлади. Эҳтимол, мартабали кишилар бугдой нон ерлар, йўлбарслар ва бургутлардек, гўштли овқатга муҳтож бўларлар, дехқонлар эса жониворлардек, тут билан кун кечирар эканлар-да?!

Солиқ тўламаганлиги учун дехқонни саваланга бало борми? Албатта, бу азоб, лекин унча қаттиқ бўлмаса ке-



рак? Эҳтимол, бу тарбия учундир? Нега салтанатда калтаклаш овқатланиш ва ухлаш каби, мунча кенг тарқалган? Катталарни, деҳқонларни, хунармандларни, аскарларни, оддий ҳарбий бошлиқларни, ҳатто ҳар ким ўзига яраша калтаклаш ҳиссасини олади, фақат қоҳинлар ва юқори мартабали амалдорлар калтакланмайдилар, чунки уларни калтаклайдиган киши йўқ.

Бундай оқилона мулоҳаза этиш, албатта, Спитамен юрагидаги тиним билмас ҳавотирларни бўғолмас эди. Унинг ижарачиси Габер деҳқонлардан ҳеч қандай қонунсиз солиқларни талаб қилмоқда, улар эса бундай солиқларни тўлашга қодир эмас.

Шу дақиқаларда ворис фикрини фақат деҳқонлар тақдири эмас, унинг онаси Зардоза ҳам банд этдилар. Унга судхўрларнинг ўзбилармонлиги, шафқатсизлиги маълум-ку. Бу борада у ўз ўғлига нима дер экан? Қандай маъноли табассум қилади! У албатта, ўғлига эслатади: «Спитама, бу судхўр сенинг хўжалигингни қорат қилади, деб мен сенга айтган эдим-ку!..» аёл бўлиб у, бу сўзларни айтмаслиги мумкин эмас.

«Эҳ, агар бу Виштасп, — яна мулоҳаза этди ворис, — отамга имкон берса эди, мен шу ўн талантни ҳазинадан олиб ўз аскарларимни муқофотлар эдим ва деҳқонларимни калтакламаслик учун Габерни эртагаёқ хайдардим, онам эса менинг устимдан кулмаган бўларди...»

## Бешинчи боб

### КЕЧИНМАЛАР

Спитамен кечанинг кўп қисмини уйқусизлик билан ўтказди. У қалби тўла ўйлар билан банд бўлиб, ўзини тўшагининг бир томонидан иккинчи томонига ташларди, ниҳоят, терга ботиб ухлаб қолди. Эрталаб ўрнидан туриб, у охириги кунларда бўлиб ўтган воқеаларнинг барчасини яна кўз олдига келтириб, ҳар томонлама ўйлаб кўрди ва ўз фикрини ўзгартирди.

Ҳозир унинг тасаввурида онасининг эҳтиёткорлиги ҳам, отасининг ўз мавқега мувофиқ ўзини тутганлиги ҳам, ҳатто давлат маслаҳатчиси Виштаспнинг қаттиққўл-

лиги ҳам бошқача туюлди. Аммо, ўзи қўйган саволларга қониқарли жавоб тополмади. «Бу кеча менинг хаёлимга келган фикрлар амалга оширилса нималар бўлиши мумкинлигини фақат худо билади» — деб ўйлади у.

Ворис ўз хизматчисини дехқонлардан қонунсиз солиқ ундирмоқчи бўлгани учун урибди, деган дув-дув гап шаҳар ва қишлоқларда тарқалган эди. Шундан кейин одамлар Спитаменга эътиборли қарайдиган бўлдилар. Аммо Спитамен кишиларнинг бу шов-шувларига унча эътибор қилмади.

У ўз дехқонлари ҳақида Габер билан умуман гаплашмади, уни ҳатто ўз олдига чақирмади ҳам; сидонлик судхўр билан жанжаллашиш унга маъқул эмас, чунки ундан ворис қарздор, эҳтимол, у қарз учун яна унга мурожаат қилар.

Лекин судхўрнинг ўзи бир кун Зара олдига борди. У Заранинг эътиборини ўзига жалб қилиш учун қимматбаҳо либосларни кийиб олганди.

— Гўзал Зара, — сўз бошлади у, — биз иккаламиз ҳам сидонлик, ватандошимиз. Мен ўзим сенга нисбатан оташин...

— Мени худо ўз паноҳида сақласин, — унинг сўзини бўлиб, сўради Зара: — Хурматли Габер, нима учун менинг ҳузуримга келдинг?

— Бизнинг жаноб менга ўз хўжалигини ижарага бериб, мени ниҳоят хурсанд қилди. Аммо кўрмайсанми, у менга ишонмайди, шунинг учун мен кечалари хафалигимдан ухлаёлмайман, фақат ох тортаман ва йиғлаб, ёстиқларимни кўз ёшим билан ҳўллайман.

— Сен бошқа нарса ҳақида гапирмоқчи эдинг... — унинг сўзини яна бўлди Зара.

— Ҳақиқатан ҳам, жанобимиз ўз хўжалигида менинг иш юритишимни текшириб, котибимни дехқонлардан солиқ тераётганида савалаганидан, у ўз саломатлигини йўқотди, шундан кейин, мен нима ҳақда гапиришимни тез эсдан чиқарадиган бўлиб қолдим. Ахир, у солиқлар мен учун эмас, Заражон, жанобимиз учун эди... Мен жанобимга пул бердим, сенга эса мана бу қимматбаҳо тухфани олиб келдим. Бу қишлоқ баттоллари бизнинг жанобимизни ва сени, Заражон, горат қиларканлар? Бу ер-мулкдан ҳеч қандай манфаатдор эмаслигимни, менга

фойда керак эмаслигини тушунишинг учун, ҳаммасини сизларга бераман. Заражон, мана шу тоза олтиндан ясалган қадахни сенга чин юрагимдан хадя этаман.

Шу сўзлар билан, хатто Спитамен олдига боришга ботинолмаган судхўр қўлидаги оқ рўмолни очиб, ичидан олтиндан ясалган қадахни олиб Зарага узатди.

Зара бойлик ҳамма нарсадан афзал деб биладиган мухитда ўсган; у бойлик билан ҳамёни тўла кишини энг олижаноб, камбағални — энг ярамас киши деб биларди. Бу ерда ақл-фаросат ҳисобга олинмасди. Аниқроғи, бойлик орттириб роҳат-фароғатга эриша оладиган шахсгина ақлли деб ҳисобланади. Зара унга тақдим этилаётган қадахнинг нархини яхши тушунади. Унинг фикрича, бу қадах ловиллаб ёнаётган ўчоқнинг рамзи, оғзигача тўла омборларнинг даракчиси, қимматбаҳо зеб-зийнатларнинг нишонаси, ҳамманинг жиғига тегадиган шухратнинг аломати ва Суғдиёнада биринчи аёлнинг белгиси.

— Мен бу олтин қадахни, Зарабону, — давом эттирди ўз сўзини Габер, — ўз уйингда сақлашни қистамайман. Майли, уни ойингга бер, мен уни ўзимнинг синглимдек биламан. Унга шу сўзларни айтгин: «Габер, сенинг ватандошинг, Спитамен ер-мулкининг бадбахт ижарачиси, хароб бўлибди. Биродаринг Габер ҳақида ўйла ва жанобимиз Спитамендан илтимос қилгинки, унинг котибларини урмасин ва ўз дехқонларини гижгижлатмасин. Сен эса, Зарахоним, шундай ҳам гўзалсанки, сени кўрганимда ақлимни йўкотаман. Мен сенга ўн беш талант берардим... Олгин шу қадахни, Зара...

Зара анча дақиқа жавоб бермади, кейин хуморли овоз билан, гўё ҳозиргина уйқудан уйғонгандек қискагина деди:

— Майли...

Орадан кўп ўтмай, Зара ўз онаси ва хизматкори Парниза билан Спитамен хўжалигини кўриш баҳонасида Габер илтимосини бажаргани Тали Барзанга келди. Улар тепанинг ёнбағрида ўзлари учун ажратилган чорбоғда тўхтадилар.

Майдон ичидаги икки қаватли уйнинг олди айвон. Уйнинг иккинчи қаватида Зара, Артемида ва Парниза, биринчи қаватида эса вориснинг хизматкори — Пиримард туради. Уй пастгина девор билан ўраб олинган, де-

вор орқасида молхона, хизматкорлар ва назоратчилар яшайдиган жой.

Кечкурун чорвоққа Габер кириб келди.

Боғбон боғдан ҳўл мевалар узиб келди, шаҳардан эса меҳмонларга нон ва парранда гўшти юборилди. Дастурхон атрофида ҳамма ўтириб, янги келган меҳмонни қутлаб, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Габер меҳмонларга нолиди:

— Бу ерга қандай келганимга ўзим хайронман! Боғлар ичидан ўғрига ўхшаб писиб юриш! Шаҳардан бошлаб, мени йўлда ким кўрса қўлини бигиз қилади, деҳқонлар эса орқамдан тупурдилар.

Габер меҳмонлар олдига Спитамен албатта келар ва биз хурсандчилик қиламиз, деган умид билан, жўртгага кетишга шошилмасди.

Осмонда юлдузлар кўриниб, ғира-шира тун бошланиши билан, Парниза ўзини уйидагидек тутиб, ошхонани безатди, кенг хонтахта устига оқ дастурхон ёзиб, ўртасига шамдон қўйди-да, ундаги еттита шамни ёқди, хонтахта атрофида олтита курсичаларни қўйгандан кейин, шанба оқшоми ноз-неъматларини тортиқ қилди. Тўртовлари ўтиришди. Габер қўлларини дуога очди:

— Эй Дионис худоси...

Шу вақт девор орқасидан овоз эшитилди:

— Муҳтарам Спитама, деҳқонларнинг содиқ дўсти ва раҳматли Парнуннинг вориси!..

— Жаноб ҳали йўқлар! — жавоб берди, хўжаликда кул сифатида ишлаб юрган Пиримард, пастки каватдан.

— Умри узок бўлсин! — боғ томонидан бир неча кишининг овози эшитилди.

— Марҳаматли жаноб, — бошқа овоз эшитилди, — гўзал хонимга мусиқали салом йўлладилар!

Бу овоз жим бўлиши билан чилтор ва най садолари янгради.

— Мусиқа! — қичқирди Парниза, чапак чалиб. — Ой кунининг оқшомини биз мусиқа билан ўтказамиз!

Зара ва унинг онаси аввалига хаяжонланиб, кейин табассум қилдилар-да, ўринларида дурустроқ ўтириб олдилар.

— Майли, ўйнасинлар, — деди Габер, — уларнинг мусиқалари иштахамизни бузмайди.

Бир неча дақиқадан кейин мусиқа тинди-ю, оломоннинг шовкини ва чопаетган товушлар эшитилди.

— Хаёсизлар! Сувдиёна душманлари! — улар кичкирдилар. — Сизлар судхўр Габерга хомийлик қиялпсизлар, у деҳқонларни талади. Габер бизнинг олдимизга чиқсин!

— Бошларингга бало ёғсин! — бошқа овоз кичкирди. — Сизлар вориснинг ховли-ерини оёкости қиялпсизлар! Худолар сизларни ва фарзандларингизни жазолайди!

— Мен қочишим керак! — ўтирган жойидан ирғиб кетди Габер.

— Сен қаёкка? — хайратланиб сўради Артемида.

— Хеч қаёкка кетмайсан! — ғазабланди Зара, унинг чиройли юзи ачиқланганидан ловиллаб, бошқа тус олди. — Мен ворис учун бегонамани, бу одамлар унинг олдига тиз чўкадилар!

Шовқин бир оз тўхтади, кейин яна даҳшатли овозлар эшитилди:

— Лаънат сизларга, келгиндилар!

Фира-шира қоронғиликда девордан ошаётган ок кўйлакли одамлар ва ҳавода бир неча тахминдан отилган тош парчаларининг келиб тушгани эшитилди. Бу ваҳимали манзарадан чўчиган Зара, югуриб айвондан ичкарига кирди.

Аёллар хаяжонландилар. Парниза ваҳимали овози билан фарёд кўтарди:

— Ёрдам беринглар!

Пастда хизматкор Пиримард қўлига ойболтасини олиб, эшик олдида турди-да, кимки уйга кирмоқчи бўлса бошини мажақлаб ташлайман, деб пўписа қилди.

Шовқинчилардан иккитаси айвонга чикиб олиб, аёллар турган уйга кирмоқчи бўлди. Улардан бири семиз, иккинчиси озғин бўлиб, фира-ширада турқларини яққол кўриш мумкин эди. Аммо ваҳимадан эсанкираган аёллар уларни танимадилар.

Артемида қўрқувни енгиб, норозилик билдирди:

— Кирманглар! Бизлар Спитаманинг меҳмонларимиз...

— Биз бундай меҳмонларни биламиз... Бизга Габер керак! — пўписа қилди, уларнинг семизи.

Аммо хонада Габер кўринмасди.

— О! — лаззатланиб, лабларини чўпиллатди уларнинг озғини, — бу ерда гўзал ойимчалардан бошқа ҳеч ким йўқ-ку.

Зара юзини кафтлари билан ёпиб йиғлади.

— Ҳечкиси йўқ, ҳечкиси йўқ, — юмшоқ товуш билан давом этди семиз эркак. — Шундай гўзал ва ёқимтой оиймчаларни хафа қилиш мумкинми? Тинчланинглр...

Артемида ўзини қўлга олиб, баланд овоз билан деди:

— Бу ерда ҳеч қандай Габер йўқ, мен Коруннинг хотини, қизим эса Спитамаинг қаллиғи бўлади. Тезроқ бу ердан кетинглр, акс холда...

— Ҳо, шундай дегин, — писханд қилиб, деди семиз эркак, — сизлар учун ўз наслу насабларингдан бўлган эрларга эга бўлиш етарли эмас, энди сугдийлар ва саклар билан никоҳга кириб, бизларни хонавайрон қилмокчи бўлдинглрми?!

— Нега сен бўлмағур гапларни айтасан? — кўзларида нам билан, аммо қатъий деди Артемида.

Кинояли сўзлардан Коронахонимнинг юраги пастга тортган эди. Лекин тезлик билан нафасини ростлаб, яна кичкирди:

— Биз устларингдан арз қиламиз!

— Ҳа, арз қиламиз! — деб жанжалга қўшилди, ранги ўчган Зара.

— Ҳо, сен ҳам арз қиласанми? Беҳаё оиймча!

Шу вақт ҳовли ташқарисида халигача шовқин қилаётган оломон тўсатдан жим бўлди. Қоронғилик ичидан елкасига коплон терисидан тикилган чакмонни ташлаган отлик киши пайдо бўлди.

— Спитама! Ёш жаноб! — нидо тарқади.

Девор устида ўтирганлар ўзларини пастга ташладилар. Уларни кўриб айвонда туриб, аёллар билан машмаша қилаётган иккала эркак ҳам кўздан ғойиб бўлишди.

— Сугдиёна фуқаролари, — Спитаменнинг мулойим охангдаги овози эшитилди, — ўзи нима гап? Сизлар нега менинг мулкимга қўл кўтарасизлар?

— Бу ерда чет эл кишилари тўпланиб, дехконларни талаган судхўр Габерни сакламоқдалар... Биз хароб бўлдик! Тали Барзан устига кашшоқлик ва очлик ёрилди.

— Қачондан бери ва қандай қилиб хотинлар халқимиз устига кашшоқлик ёғдирадиган бўлди? Қандай эркаксизларки, хотинларга тош отсангизлар?! — овозини кўтарди Спитамен.

— Жаноб тўғри гапни айтяпти!

— Бу уйда, — давом этди Спитамен, — билишимча, фақат хотинлар турардилар, ҳеч қандай Габер йўқ эди. Агар у сизларнинг олдиларингизда гуноҳкор бўлса, бизнинг давлатимизда бундай масалалар одил судланиш йўли билан ҳал этилади.

— Спитаменнинг сўзлари оқил сўзлар! — яна оломон ичидан овоз чиқди.

— Ярамас Габер биз дехқонлардан солиқ ундиравериб тинкамизни қуритди. Ўлдирамиз уни! — юнонча шевада якка овоз чиқди.

— Ким шундай деяпти, олдинга чиқсин! — хитоб қилди ворис. — Даъвогар менга Габерни кўрсатсин ва адлия идораларига ўз даъвоси билан мурожаат қилсин. Аммо мен, у шу ерда бўлган тақдирда ҳам, уни қонунсизлик билан жазолашга йўл қўймайман.

Оломон ичидан ҳеч ким олдинга чиқмади. Одамлар тарқала бошлади.

Машғаллар ёриғида, ҳаракатчан ва қувноқ Спитамен ўз дўсти Бахтвар ҳамроҳлигида ҳовлига кирди.

Ҳовли саҳнида Бахтварнинг баланд овози эшитилди:

— Салом, гўзал Зара! Ишонаманки, мен йўллаган мусиқадан бизга миннатдорлик билдириб, яхши кутиб оларсан...

Уйда Спитамен қизни юпатиб, кейин Пиримардни чақирди ва бу воқеа қандай содир бўлганини сўради.

— У бизни химоя қилди, — деди Зара хизматқорни кўрсатиб, — қўлида болта билан эшик олдида туриб олди...

— Ҳақиқатан ҳам шундайми? — сўради Спитамен Пиримардга қараб.

— Сенинг уйингга, жаноб, бегоналарнинг босиб киришларига йўл қўярмидим?

Спитамен унинг жингала сочли бошини силади.

— Бу мард йигитнинг иши, — деди у. — Сенга озодликни ҳады этаман. Эртагаёқ ҳақкингни бераман, ўзингларникига кетишинг мумкин.

Пиримард довдираб қолди. У ярқираган кўзларини ишқалади, тизза чўкиб, бошини ерга тегизиб, мурожаат этди:

— Мени олдиндан ҳайдама, жаноб!

— Яхши, — жавоб берди ворис, — мен билан қол, лекин энди қул эмас, балки озод аскар сифатида. Менга

ана шундай кишилар керак, — қўшиб қўйди Бахтварга қараб. — Бу чиройли гапиролмайди, аммо доим жангга тайёр...

Эртаси эрталаб, ховлида уч кун меҳмон бўлган хотинлар Спитаменга Габер илтимоси ҳақида оғиз очолмай, ўз уйларига, Бахштепага қайтиб кетдилар.

Бир неча кундан кейин Спитамен ўз деҳқонларининг солиқчиларни ҳақорат қилганлари ва вориснинг Тали Барзандаги ховлисига бостириб кирмокчи бўлганлари учун зиндонга солингани ҳақида хабарни эшитди. Қамалганлар ичида — Якка уйнинг эгаси Таҳмос, унинг қўшниси Билик ва бошқалар бор.

Спитаменнинг табиатида бир-бирига зид хусусиятлар бириккан. У қоплондек сапчийдиган, хўкиздеқ ўжар, аммо шунинг баробарида тиниқ ақл ва иродали ҳақиқатчи хиссиётига эга.

У камокхонага бориб гуноҳкорликда айбланган Таҳмос, Билик ва бошқа маҳбусларнинг аҳволи билан, сўроқ ҳужжатлари билан танишди, терговчининг айрим маҳбусларни сўроқ қилаётганини маҳбусларга билдирмай, кузатди:

— Айтинг-чи, Таҳмос, — унга мурожаат этди сўроқчи, — вориснинг боғига кимлар тошпарчаларни отди?

— Фақат ҳақиқатни айтаман. Сен яхши биласанки, — жавоб берди деҳқон, — мен тош отишни уқоштирганим йўқ. Тошпарчаларни ким ташлаганини кўрмадим. У одамлар деҳқонларга эмас, балки қабристон кишиларига ўхшардилар.

— Ўзинг тош отдингми, Таҳмос?

— Мен раҳматли Парнуннинг уйига, унинг ворисиникига, барча деҳқонлар ҳурмат қиладиган жанобнинг боғига нима учун тошпарча ташлар эканман? Бундай гуноҳ учун қўлларим қуриган бўларди.

Сўроқ қилинаётганларнинг гуноҳсизлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин, ворис уларни камокдан озод қилиш чораларини кўрди. Улар қирқ кишидан кўп эдилар.

— Уларни шу бугуноқ озод қилиш керак. Гуноҳсиз кишиларни камокхонада ушлаб туриш ярамайди, — деди у терговчига.

— Уларга озодликни қайтариб бериш қўлимдан келмайди, — деди сўроқчи.



— Нега?

— Мана бу сандиққа қарагин-чи, мухтарам зот. У ана шу ишнинг расмий ҳужжатлари билан тўла. Самарқанд қозиси ҳар куни ана шу ишнинг бажарилиши ҳақида мендан ахборот олиб ҳокимга юборади. Агар бу жавобгарлар озод этилса, шунча маълумотли котиблар ва амалдорларнинг меҳнати нима бўлади?

— Ахир, улар гуноҳкор эмас-ку! — хитоб қилди Спитамен.

— Аммо бостириб киришга ҳаракат бўлган экан, демак жиноят аниқ. Қаердаки жиноят бор экан, ўша жойда жиноятчи бўлиши керак. Ва кимки ҳокимият ходимлари қўлига тушибди ва уриниши расмийлаштирилган экан, у ҳеч қандай оқибатсиз кетолмайди.

— Сиз оқилона гапиряпсиз, — жавоб берди ворис. — Бироқ менга айтинг-чи: Суғдиёна ҳокими бу кишиларни озод қилиши мумкинми?

Терговчи қўлларини ковуштириб бош эгди.

Ворис терговчи билан хайрлашиб, назоратчиларнинг бирига унинг ҳисобидан бу маҳбусларни яхшироқ боқишни буюрди. Кейин тўлкинланиб у аркга, отасининг олдига, ҳоким сифатида бу можарога барҳам беришни илтимос қилиш учун кетди.

Аммо бу кун ҳокимнинг диний маросимлари ва мажлиси кўп бўлганлиги учун ворис у билан учрашолмади. Шунинг учун Спитамен бош котибга мурожаат қилмоқчи бўлди. У ҳокимнинг ўринбосаридан кейин, аркда энг ҳурматли лавозимни эгаллайди. Бу тажрибали амалдор. Анахита ибодатхонасининг қоҳини, ворисни одоб билан, аммо совуқроқ қабул қилиб, уни тинглагандан кейин деди:

— Шу масалалар билан сен бизнинг жанобимизни безовта қилмоқчи бўлганингга хайронман. Сенинг бу ҳаракатингни қишлоқ хўжалигига зарар етказадиган чигирткаларга ҳомийлик қилиш деб тушуниш мумкин.

— Булар гуноҳсиз кишилар-ку!

— Биз буни билмаймиз, чунки уларнинг гуноҳкор ёки гуноҳсиз эканликларини қонун ва ҳакам аниқлайди. Менга фақат шу нарса аниқки, давлат бировнинг боғига ёмон кўз билан қарайдиганларни ёқтирмайди.

— Сиз ҳақсиз, албатта, лекин чинакам гуноҳкорлар қани? — сўради Спитамен.

— Гуноҳкорлар бўлмаган жойда жилла курса жазоланганлар бўлиши лозим. Жиноятдан кейин эмас, балки жазодан кейин одамлар жиноят қилмасликни тушунадилар.

— Менимча, — унинг сўзини бўлди Спитамен, — сиз менинг ҳоким олдида қиладиган илтимосимни маъқулламайсиз.

— Ақлли сўзлайсан, ҳокимнинг ўғли, — жавоб берди мансабдор. — Мен шох ҳокимиятининг шухратига зарар етказадиган масалалар бўйича жанобимизга мурожаат этиш ва уни ўз ихтиёри билан ҳал қилишга рози бўлмайман, чунки мен марказнинг вакилиман.

Спитамен ўз уйига чарчаб, ҳеч нарсага тушунмайдиган аҳволда келди. Ўнлаб бегуноҳ кишиларнинг ноҳақлик қурбони бўлганларини била туриб, уларни қутқазолмаслигини сезди.

У энди шу нарсани билдики, қандайдир куч мавжуд бўлиб, унинг ихтиёрига бўйсунмас, ҳаммадан юқори турар экан: бу ҳукмрон форс шохининг манфаати экан ва бунга Суғдиёна ҳокими ҳам бўйсунаркан.

Тун кирди. Бу кечани Спитамен Афросиёбда, отонасининг уйида эмас, балки Тали Барзанда ўтказди, у хизматкорларига ҳеч кимни қабул қилмасликни буюрди, бир ўзи ҳовлисининг айвонида у ёқдан-бу ёққа юриб, ўйлади: «Бу даҳшат! Менинг олдимда енгилмас қўшин гуруҳлари эрийдилар; бу ерда эса — қамоқхона назоратчилари, суд терговчилари ва бош котиб менинг йўлимда кўндаланг бўлиб турибдилар... Улар ким ўзлари? Улар отамнинг ожиз хизматкорлари деб ўйлардим, отам уларни хоҳлаган вақтида қуллик даражасига тушириб, тоғ ишларига юбориши мумкин, деб ўйлардим. Амалда эса, отам ҳам бу бечораларнинг жазосини бекор қилолмас экан. Бу, маълум бўлишича, форс шохининг ихтиёрида экан!»

Спитамен боғнинг дарахтлари оралаб кўз тикди ва унинг кўзлари Тали Барзан устидаги икки минорага тушди. Миноралар устида соқчилик чироқлари ёнарди. У шуни фаҳмладики, бу форс шохининг соқчилиги бўлиб, токи Суғдиёна унинг кўлида экан, бу соқчилик чироқлари ўчмайди.

Ана шунда Спитамен олдида унга шу вақтгача маълум бўлмаган, аммо улкан бир қиёфа гавдаланди — дав-

лат киёфаси. Давлат — бу шоҳга нисбатан анча буюк, Афросиёб ва унинг ибодатхоналарига нисбатан анча эски, қаттиқ тоғ жисмидан ҳам кучли нарса.

Суғдиёна ҳокимининг ўғли, ҳеч вақт ўзини ҳозирги дақиқадагидек ночор одам деб ҳисобламагани, унинг қарашлари Тали Барзаннинг тун қоронғисида адашарди.

Аммо эрталабки ёруғлик Спитаменнинг қизиган қалласида айланиб юрган шарпани тарқатди. У дехқонлар устидан, хўжаликнинг иш юритувчиси ворис номидан даъво хатини ёзганини билди. Шунинг учун у ўз олдига иш юритувчи — Даманбарни чақириб, дехқонлар устидан қилган даъво хатини қайтариб олишга буйруқ берди. Спитаменнинг махбусхонага боргани ҳам эътиборсиз қолмади. Терговчи ҳужжатларни иккинчи марта кўриб чиқди, ўзи махбусларни сўроқ қилиб, бир неча кунда уларнинг кўпчилигини қўйиб юборди ва қолганларини ҳам тезроқ озод қилиш чорасини кўрди.

Хўжаликнинг иш юритувчиси судьяларнинг кўзидан ғойиб бўлди; унинг устидан вориснинг хўжалигига бос-тириб кириш тўғрисидаги сохта даъво учун, уни жавобгар қилиш мумкин бўлмади. Бу масала охири босди-босди қилиб, эсдан чиқарилди.

Шу воқеадан кейин аҳоли орасида Спитамен ҳақида — Суғдиёна сатрапининг ўғли, гуноҳлари учун тоққа, тош ишларига юборишлари мумкин бўлган ўз дехқонларининг гуноҳларини афв этибди, уларни озод этибди, деган гап тарқалиб кетди. Давлат манфаатининг барқарорлиги ҳақидаги Спитаменнинг тасавури ҳам секин-ас-та ўзгарди. У, давлатда қонун деб аталадиган тор эшик йўқ экан, ундан ўтиш учун ҳар ким ҳам, дехқонми у ёхуд амалдор, — бошини эгиб, ўтиб кетиши мумкин экан, деган хулосага келди. Бу бинода турли йўллар бор экан: торлари — кичик ва кучсизлар учун, кенглари — кучлилар учун.

Спитамен ҳақидаги довруқ ўсиб, аҳолининг барча табақаларини ишғол этди. Сухбатлардан бирида Бахтвар уни оғохлантирди:

— Аскарларинг ҳарбий машқдан кейин маишатни кучайтирворишяпти.

— Ҳа, озгина пул ишлаганди улар.

— Ичишгандан сўнг чегарани унутишади ва бағтоллар, оғзига нима келса гапиришяпти. Гўё сен Суғдиёна

ҳокими бўлармишсану урушни бошлаб ўлкамизда катта ўзгаришлар содир қилармишсан.

Бир ёкда дехконларнинг оғзи қулоғида. Сен ҳоким бўласан-у, улар солиқдан озод қилинади. Айрим кохинлар эса, Спэнтанинг ўғли ёт мамлакат ва миллатга мансуб қизга элакишиб юрибди, деб гап тарқатганлар.

Суғдиёна тарихидан сенга маълумки, ҳар гал ана шундай доврўғлардан кейин, ана шундай шароитдан фойдаланиб, сушлашган Суғдиёна давлатига четдаги душманлар ҳужум қилган ва Суғдиёна бошқа давлатга қарам бўлиб қолган, чунки фуқароларнинг бирлиги бўшапган... Ўзинг ўйла-чи, мен форсман, сен суғдийга айтаяпман, Суғдиёнада ҳеч бир кимсанинг номи Сиёвуш авлодининг номидан кўп айтилмайди. Бу бир томондан табиий. Лекин, агар сен ижозат берсанг, мен айтаман. Мана шу доврўғга кохинлар қандай қарайдилар?

— Қани, айтинг-чи...

— Кохинларнинг айримлари Зарани шунинг учун ёктирмайдиларки, ундан бўлак қиз билан алоқада эмасан. Агар сенинг бир нечта ва ҳар хил қизинг бўлганида, улар сидонлик қизга мунча эътибор бермасдилар.

— Буларнинг барчасидан мен ғаламислар ва хушомадгўйларнинг навбатдаги ифвосини кўраман, — деди Спитамен, бир оз ўйлаб туриб. — Демак, мен ўз ҳаракатим билан давлатимизнинг қудратига путур етказар эканман-да? Бундан келиб чиқадики, мен дехконларни қамокхонадан озод қилмаслигим, ижарачининг қонунсиз солиқ теришига қаршилик кўрсатмаслигим керак экан-да? Мухтарам Виштаспнинг қўшин ишини бошқаришига, барча амалдорларни танлаш ва тайинлашига, бошқа мамлакатлар амалдорлари билан ҳар хил музокара олиб боришига ҳеч ким бир нарса демайди, отамни эса фақат дуоғўйлик билан банд қилиб қўйганига бировнинг иши йўқ. Давлатни фақат шох бошқаради, ўлкамизда нимаики содир бўлса, унинг амри ва хоҳиши билан содир бўлади. Виштасп шохнинг малайи, шох нима деса, у шуни қилади. Фийбатчилар эса Виштаспга хушомад қиладилар. Ўзинг бир вақт буни яхши тушуниб оласан.

Спитаменнинг юзи шундай ўзгариб кетдики, Бахтвар у билан хайрлашишни эсидан чиқариб шошилинч кетиб қолди. Унинг қочган кишига ўхшаб, кетганидан кейин Спитамен чуқур ўйга ботди. Уни ваҳима босди.

У ўз отаси Спэнта, халқ учун Сугдиёнанинг ҳоқими, ер юзида худонинг вакили сифатида эътироф этилса ҳам, аслида у бошқалардек марказга бўйсунганини, шунинг учун коҳинлар нима десалар, ўша гапларга амал қилишини, аммо ишининг кўплигидан охириги пайтларда тез-тез маззаси қочиб турганлигини ўйлади.

У хурфикр бўлиб, ўз мамлакатининг тарихини яхши билар ва шунинг учун тушунардики, форс шоҳлигида мартабалилар ва кучлилар, уларнинг ҳар хил қилмишлари афв этиларкан. Аммо шоҳга хиёнат қилиш ҳеч кимга, ҳеч қандай шаклда ҳам кечирилмас экан. Бирон киши бу жинойтга йўл қўйса, у дарҳол ёхуд вақт ўтиши билан, қанча яқин кишилари бўлса ҳам дом-дараксиз йўқ қилинар экан. Бу одамнинг қаерга йўқолганини ва унга нима бўлганини ҳеч ким ҳатто сўролмас экан. Шунинг учун анча кунлардан бери, у огоҳ бўлиши лозимлигини, мабодо уни исёнчи, давлат хоини деб сўз тарқамаслиги кераклигини тушунаётган эди.

Спитамен ўз боғидаги мажнунтол тагида, курсиларнинг бирида ўтириб шу ҳақда яна хаёлга чўмди ва атроф манзарасига қараб бир оз тинчланди. Далаларда дехқонлар экин билан банд эдилар.

«Бу эрксизлар, — ўйлади мулк вориси, ишлаётган дехқонларга қараб, — мени хомхаёлларининг амалга оширувчисига айлантирмоқчи. Давлатдан улар қандай ўзгаришларни талаб қилмоқчилар?»

Бу кишиларга нисбатан унинг ғазаби келди: уларнинг аҳмоқона миш-мишлари учун у ишончсизликка учраятти.

Унинг ҳузурига Даманбарн келди.

— Мен, — деди унга ворис, — сени кўришни ва айрим масалалардан хабардор қилишни ўйлаб, чақиртирдим. Менинг дехқонларим орасида қандайдир бемаъни гаплар юрибди: гўё улардан оладиган солиқлар камаярмиш. Улар шуни билсинларки, мен уларни солиқдан озод қилмайман. Агар кимки, мен огоҳлантирганимдан кейин ҳам шундай миш-мишларни тарқатса, калтак билан жазоланади...

— Тушунарли, жаноб, уларни шундай жазолаймизки, ёлғон гапларни тарқатганларига пушаймонлар есинлар. Балки, айрим қашшанглари калтаклармиз...

— Майли, қашшанглари калтакласинлар, лекин унча қаттиқ эмас, — уни огоҳлантирди ворис. — Мен

деҳконларни бешафқат урар эканман, деган гап шоҳга бориб етишини хоҳламайман.

Эртаси эрталаб, Спитамен ўз хизматкорини харбий лашкаргоҳга буйруқ билан юборди ва туш пайтида ҳовли майдонига қалқонлар ва калта найзалар билан қуролланган аскарлар сафи келди. Буйруқ берилиши билан узун қалпоқ кийган ва яркираган яроқ-аслаҳали аскарлар иккитадан катор бўлиб тик турдилар. Спитамен олдига фақат харбий гуруҳнинг бошлиғи келди. Тахминан йигирма ёшли узун бўйли йигит, бошида парли дубулға, эғнида хашаматли кийим. Спитамен бу йигитни шухратли харбий бошлиқ сифатида хамиша хурмат қилса ҳам, бугун уни боғ дарвозаси олдида қабул қилди. Спитамен хамишагидек табассум қилмади, хатто унинг таъзимлаб саломлашганига ҳам жавоб бермай, совуккина бош силкиди.

— Дўстим Катан, аскарларга айт, то мени ҳоким шу иккала гуруҳга иккинчи бор бошлиқ қилиб тайинламагунча, улар билан машқ ўтказмайман. Чунки улар қахвахоналарда маст бўлиб, мен ҳақимда бўлмағур гаплар тарқатишибди. Мен буни ўзимга ҳақорат деб биламан. Сенинг жангчиларинг жамоат жойларида сиёсат ҳақида, Сугдиёна мустақиллиги учун қандайдир уруш ҳақида гап тарқатибдиларки, бу давлатимиз учун хоинликка ўхшаб кетади... Биз ва аскарларимиз олийҳазрат ҳукмдорнинг фармонларини миқ этмай бажаришга мажбурмиз. Хурматли дўстим, жангчиларга ана шу сўзларимни етказишингни сўрайман ва сенга сиҳат-саломатлик тилайман.

— Сенинг фармонинг сўзсиз бажарилади, — жавоб берди. Катан ва турган жойида орқага бурилиб, қурол-аслаҳаларини шақирлатиб, ўз жангчилари томон кетди.

Катан аскарлар олдига келиб юзини жиддийлаштириб, қўлларини жаҳл билан силкитди-да, кичқирди:

— Шоҳнинг қўрқмас жангчилари! Расво итлар! Шу дақиқадан бошлаб саклар ёхуд юнонилардан кимки қахвахоналарда бошлиғимизнинг номини тилга олса, мен унинг бошига кўзача билан тушираман. Бундай бедаво-лар кўчани шипирсинлар. Ақли паст, ўз тилини тия олмайдиган жангчиларнинг тақдири ана шундай охирига етади. Энди орқаларингга ўгирилиб, истехкомга юринглар, вабо ютқурлар! Олийҳазратнинг аскарлари аввал шоҳнинг соғлиги учун, шоҳ маслаҳатчиси, мухтарам

Вингтасп бахти учун кадах кўтарсинлар, уларнинг умрлари узоқ бўлсин!

— Умрлари узоқ бўлсин! — аскарларнинг хаммаси шу сўзларни баланд овоз билан бирданига гур этиб так-рорладилар.

Аскарларнинг барчаси хафа эди. Аммо Тали Барзан харбий истехкомига яқинлашганда, Катан пешонасидаги жиддийлик ажинлари тарқаб, аскарларга қўшиқ айтишни буюрди; қўшиқ билан қадам ташлашлар енгиллашди ва этик пошнalarининг гурсиллаб ерга урилган овози чиқди:

*Гуллаб-яшна, гўзал Сугдиёна,  
Биз шу Ватан ўғломимиз.  
Сен учун бизлар парвона,  
Сенга қурбон бўлсин жонимиз.*

Спитамен мажнунтол остидаги ўзининг севимли ўриндиғида хаёл суриб ўтирибди: «Юрагида ваҳима бўлмаган одам бормикан? У йиғлаб бу дунёга келади ва фиғон билан дунёни тарк этади. Кўрқинч билан тўла у ҳаётга қадам қўяди, калби тўла ҳасрат билан қабрга киради ва унинг қаерда қолиш истаги борлигини ҳеч ким сўрамайди. Ўзига ишонадиган, эртанги кунни қўрқувсиз кутадиган инсон борми? Далада ишлаётганларми? Ёмғирнинг келиши улар ихтиёрида эмаслигини биладиларми, чигиртка ва қуртларни йўқ қила оладиларми? Ёхуд ўз бойликларини еллар ихтиёрига берадиган савдогарларми?

Хар доим ва хамма жойда инсон юраги ҳасрат билан тўла. Болалиғида у ожиз, қариликда кучсиз, етуклик йилларида, сувдаги балиқдек, хавф-хатар билан ўраб олинган. Шунинг учун, эй Худойим, менинг яратувчим, қийналган инсон юраги сенга мурожаат этади...»

Тўсатдан мажнунтол шохларининг шитирлаган овози эпитилди-ю, кимдир ўзининг нозик қўлларини унинг елкасига қўйди.

— Ха, нима, Зара? — сўради Спитамен, бошини бурмай.

— Сен зерикяпсан, менинг севгилим. Сенга нима бўлди? Бизниқига бормай қўйдинг. Борганинда ҳам ҳеч очилмайсан.

— Мен жуда хафаман...

— Менга дардингни айтгин. Мен бу ерга кўчиб келай, сен билан бирга яшай. Зора озгина бўлса-да, кўнглингни кўтарсам.

Спитамен уни қучоқлаб ўпди ва ёнига ўтказди.

— Агар дехкон, — деди у табассум билан, — ўз далаларидан ҳосилни вақтида йиғиб олишга улгурмаса, унга хотини ёрдам беради. У сигир соғади, эрига овқатини иш бошига олиб боради.

— Мен сенга ёрдам беролмайманми?

— Менинг ташвишларимни хотин киши, хатто менинг онамдай оқила аёл ҳам енгиллаштиришга қодир эмас, деб ўйлайман.

— Эй Худо! Бу қандай ташвишлар экан, айт-чи менга, — Спитаменнинг елкасига суркаланиб, сўради Зара.

— Ҳеч кимнинг хотин туфайли ўсганини ҳозиргача эшитмадим, — ўйлаб туриб деди Спитамен. — Бундай ишларда аёллар ожиз.

— Балки, уларнинг биронтаси ҳам мен сени севганимдек севмас, — пичирлади Зара.

— Биламан, бундай севги кам учрайди... Буни таърифлашга муносиб сўз тополмайман. Аммо менинг ташвишларимни сен қандай енгиллаштирасан? Мени олийҳазрат томонидан ҳарбий бўлинманинг бошлиғи қилиб тайинлашини ёхуд лоқал биронта кичик вилоятнинг ҳокими қилиб қўйишини сен уюштира оласанми?

Зара қўлларини тиззаларига қўйиб, маъюсланди.

— Тўғри, мен бу ишнинг уддасидан чиқолмайман.

— Аммо сен мени хурсанд қила оласан, — табассум билан ўрнидан турди Спитамен. — Бу қўйлақларингни ташла, раққосаларга ўхшаб... шаффоф докага ўхшаш нозик қўйлақларни кийиб ўйна, уларга ўхшаб мени суй!

— Ўшандай хонимчалар билан алоқанг борми? — сўради нозли товушда Зара.

— Бўлди, тинчлан, — деди Спитамен, унинг сочларини ўйнаб. — Мен хонимчаларни зиёфатларда ёки тантаналарда кўраман. Лекин уларнинг ҳаммаси сенинг ҳаром тирноғингга арзимаёди... — бир оз ўйлаб: — Мен сенга хўжалигимдан ҳовли, кимматли бойлик тортиқ этаман, тўйимизни ана шу ҳовлида, шу хафтада ўтказамиз!

Икковлари юракдан хахолаб кулдилар.



Тали Барзандаги шинамгина ибодатхона. Унинг коҳини расмий кийинган, никоҳ маросимини ўтказишга тайёр. Бино ичида шамлар ёнмоқда, гулдасталари қўйилган, атрофи гулзор бинонинг йўлаклари шипирилган, ораста. Маросимни томоша қилишга келганлар бино олдидаги йўлакнинг икки томонида саф тортиб, куёв ва келинни кутмоқда.

Даманбарн чиройли кийинган Спитамадининг чап томонидан қўлини ушлаган, ёнбошида Бахтвар ва бошқа йигитлар билан ибодатхонага яқинлашмоқда.

Бошқа томондан Артемида келинчак либосини кийган Зара ва унинг дугоналари билан қувноқ сухбатлашиб келмоқда.

— Қара, — деди ёш томошабинлардан бири ёнидагисига, — Спитамадини никоҳга унинг хўжалик бошқарувчиси олиб келмоқда. Унинг ота-онаси қаерда эканлар ёки улар бу никоҳга рози эмасми?

— Ҳа, фахмладинг, улар бу никоҳга рози эмас. Лекин Спитама бу қизни севгани учун уларнинг розилигисиз ҳам ўз никоҳига олмоқчи.

— Никоҳ қайси динга мувофиқ ўтказилади? Бизнинг муқаддас китобимиз «Авесто»да: кимки била туриб, бегона дин ва ғалат эътиқодни бировга ўргатса, бу арзон ўлимга тенг гуноҳ, деб ёзилган-ку.

— Спитама ўз динига содик йигит, у юнон қизини Зардушт динини қабул қилишга кўндирган.

Даманбарн ибодатхона эшиги олдида турган коҳин хузурига Спитамен билан яқинлашиб, унга мурожаат қилди:

— Мен Спитамадини никоҳдан ўтказиш учун Спэнта хонадонининг вакили сифатида келдим. Бўлажак куёв ва келин турли қабила ва диндан бўлганликлари боис, улар ўртасидаги муносабат, мулк ва олди-сотди шартномаларини бажариш ва уларни унаштиришни, хўжалик бошқарувчиси сифатида ўз бўйнимга оламан. Спитама Заранинг хоҳиши билан уни ўз никоҳига олмоқчи.

Ундан кейин, коҳин олдида турган Артемида унга мурожаат қилди:

— Мен, қизим Зарани ўз ихтиёри билан Спитама никоҳига кирмоқчи эканлигини сизга билдириш учун уни хузурингизга олиб келдим.

Кохин уларни ибодатхона меҳробига таклиф этди: хаммалари ичкарига кирдилар, Ахура Мазда хайкали атрофида ёнаётган шамлар олдида кохин Спитамага уч марта такрорлаб савол берди:

— Спэнта ўғли Спитама! Сен Артемида кизи, Зарани ўз никоҳингга олишга ва у билан иноқликда умр кечиришга розимисан?

— Ҳа, мен Зарани севаман, уни ўз никоҳимга, хотинликка оламан, осойишта кунларимизни хурсандчилик билан, оғир дамларни матонат билан, иноқ ўтказишга сўз бераман.

Кохин (уч марта): — Артемида кизи Зара! Сен Спэнта ўғли Спитамаинг никоҳига, хотинликка чиқишга ва хамиша унга содиқ хотин бўлишга розимисан?

— Ҳа, мен Спитагани севаман, унинг никоҳига ўтишга, унинг динини қабул қилиб, эътиқодини ўз эътиқодим сифатида билишга, яхши кунларда ҳам, оғир дамларда ҳам унга вафоли хотин бўлишга сўз бераман.

— Спитама ва Зара! Мен, Тали Барзан ибодатхонасининг кохини, Ахура Мазда амри билан сизларни эру хотин ва ягона оила деб эълон қиламан, Худодан сизларга узок умр ва осойишта ҳаёт тилайман!

\* \* \*

Ўша куни кечқурун, Тали Барзандаги ҳовлида тўй маросими бошланди. Кўркам кийинган куёв ва келинни гулхан атрофида айлантириб, уларга бағишлаб «Авесто»да юлдузлар шаънига ёзилган алковлардан қўшиқ айтдилар:

*Худоё, худовандо,  
Муқаддас барча юлдуз  
Ой кетидан эргашиб,  
Эркакларга бахт берсин.  
Мен ҳам Сириус томон  
Ихлос-ла йўллаб эҳсон,  
Этай кўнглини шодон.*

Оловга сиғинтиришдан кейин куёв ва келинни ўз ўринларига олиб келиб ўтқаздилар. Ёқилган кўпсонли шамлар атрофни ёритмоқда. Меҳмонлар ўтириб, хурсандчилик қилишмоқда. Хизматкорлар тинимсиз меҳмонларга қарашардилар. Мусиқачилар чалаётган арфа,

чилтор, най, доира ва бошқа асбоблар садоси остида раққосалар ўйнамоқда, Корун ва Артемида қувноқлик билан меҳмонларга қарашмоқда. Спэнта ва Зардоза эса ўзаро суҳбатлашиб ўтирибдилар. Айрим амалдорлар Спэнтани ўғли сидонлик қизга уйланаётгани учун уни юпатмоқчи бўлар ёхуд Виштаспга хушомадгўйлик қилишарди...

\* \* \*

Спитамен тўйдан кейин вақтини кўпинча атроф қишлоқларда, айниқса Коз қишлоғида, овчилик билан ўтказарди. Бу қишлоқнинг майсазорларини ва ўтлоқларини кезиб, тир билан ўрдак ва тустовуқларни уриб туширарди. Аммо шу ерда ҳам шуҳратпарастлик хиссиёти уни тинч қўймасди. У тез-тез, ҳатто фолбинларга ўхшаб, ўз истиқболини тусмолларди. Баъзан, майсазорда тустовуқ ёхуд беданалар галасини учратса, у ўз камонини тортаётиб, ўзича ҳаёл суварди: «Агар нишонга тушсам, ҳоким бўламан...». Камон шувиллаб учиб қушга тегар, қуш эса канотларини тебратиб, шунча ваҳимали кичкирардики, майсазор устида қушлар тўполони кўтариларди. Тустовуқлар ва беданалар галаси тепага учар ва ўзларининг ўлаётган шериклари атрофида катта давра бўлиб айлангандан кейин нарироққа бориб кўнардилар. Спитамен эса, қизишиб кетиб, янги-янги тирларни паррандаларга отар, ўлдирар ёхуд уларни қўрқитиб учириб юборарди. Унинг ховлисида, агар Спитаменнинг қаердалигини билмоқчи бўлсалар, паррандалар галасининг қичқирувидан, уларнинг фазода гувиллаб учишларидан аниқлардилар.

Овдан чарчаб ўйига қайтганида, Зара уни дарвоза олдида кутиб оларди. Спитамен бугун унга табассум билан боқиб, юзини силади, аммо, унинг ювош кўзларига қараб, ўйлади: «Ох, айёр гўзал! Онам бу сидонлик санамга ишонмай ҳақ шекилли! Лекин Зара балки, бошқаларга ўхшамас!».

\* \* \*

Врқаджан ойи кирди — октябрнинг охири ва ноябрнинг боши. Дехконлар тоқларни кўмиб бўлган. Ҳосилдан бўшаган ер майдонларига қўш хўкиз кириб,

омоч тупрокни ағдармоқда. Омоч кетидан хўкизларни бош-бошлаб, юришларини тезлаштираётган қўшчи, унинг кетидан деҳқон этаги тўла уруғдан ховучлаб сепмоқда — кузги буғдой экилмоқда.

Спитамен Зарага уйланганидан кейин, хали Афросиёбга, ота-онаси олдига боргани йўқ; у ўзини уларга ёқмайдиган ихтиёрий қувғинди деб хисоблаб, зерикиб юрарди. Энди у ўз ота-онасини хақиқатан ҳам соғинганини ва эхтимол, уларни ҳам соғинтирганини ўйлади.

Бир куни у ўз уйининг кираверишдаги соябонли пиллапоясида турганида кўчадан ўтиб кетаётган извошда ўтирган онаси, сингилчаси ва шоҳ вакили Виштаспни кўрди. Спитамен ўз онасининг Виштасп билан сўзлашаётганлигини кўриб, улар мен томонга жўрттага қарамай мени менсимаяптилар, деб ўйлади.

Извошда Зардоза ва Виштасп суҳбатлашардилар.

— Спитама саройдан узоклашгандан кейин, пушаймон еб, ўз аскарлари ва деҳқонларига нисбатан анча оқилона иш тутмоқда; шунинг учун сиз, мухтарама, унинг айрим номаъқулликларини кечиринингиз мумкин, — деди Виштасп.

— Агар у сидонлик қизга уйланмаганида эди! — эътироз билдирди онаси.

— Нега? — сўради маслаҳатчи. — Спитама бизнинг такомиллашмаган конун ва одатларимизга нисбатан ўз норозилигини билдирди. Олий кохинлар ва шоҳлар авлодидан бўлган йигит учун бу — табиий. Муҳими шуки, у нозик вақтда ўзини тута олди. Ҳатто ўз хатоларини тан олди; бу эса ҳокимнинг вориси учун кам учрайдиган яхши фазилат. Ўз севгилиси билан бизнинг жигимизга тегаётганини эса кечирсак бўлади...

— Ох, бу сидонли санам! — яна эътироз билдирди Зардоза.

— У энди мени ташвишлантормайди, — сўзини давом эттирди маслаҳатчи. — Бу чиройли, аммо ақли паст санам Спитамага ўз таъсирини ўтказолмайди. У ўз кафасида ўтириб, ҳеч кимни кўролмайди. Балки, вақти келиб вориснинг маъшукиси сифатида ўз ҳуқуқини тушунар ва унинг ҳаменидан каттагина бойликни талаб қилар. Балки, у тезда Спитамага ёқмай қолар.

— Худоё, айтганинг келсин!

— Мен бунга шубхаланмайман. Спитама айрим йигитларга ўхшаб ҳаддан ошган бемаънилик қилиб, ўзини шарманда қилгани йўқ, адлия маҳкамаларига бирон-бир жиноят билан тушгани йўқ. У Зара билан етук эр-какларча овуниб юрмоқда. Заранинг хомилали бўлгани эса...

— Ҳали шундайми? — хитоб этди Зардоза. — Сен буни қаердан билдинг?

— Зара билан унинг хизматкори Парниза, ўтакетган маҳмадона хотин, доимо бирга. Ўшандан билдик. Аммо бу ҳақда ворис ҳам, ҳатто Заранинг ўзи ҳам билмайди. Парниза Зарага нисбатан вориснинг кўнгли совумаслиги учун болани нобуд қилиши мумкин. Лекин биз бунга йўл қўймаймиз. Ахир, бу шоҳлар наслидан бўлади-ку. Агар бола қиз бўлса ҳам биз уни яхши тарбиялаймиз ва келгуси наслидан фойдаланамиз. Агар ўғил туғилса, қисман сидонлик бўлганлиги учун, биз уни Персеполга шоҳ ихтиёрига, соҳил вилоятларидан бирида ҳокимлик лавозимида фойдаланиш учун юборамиз. Бундай наслининг ҳар бир томчи қони халқлар устига, юлдузлар ер устига нур сочганидай, нур таратсин, — деди Виштасп.

— Менинг бу қизга нисбатан нафратим сўнмоқда... Ўғлимга нисбатан бирон-бир нохушлик туғилмаса бўлди.

— Токи мен бор эканман, ҳеч қандай нохушлик бўлмайди, ҳурматли хоним. Лекин ворисни бу қиздан узоқлаштириш шарт.

— Буни ҳеч ким сезмасин ва бирон-бир шов-шувсиз амалга оширилсин! — илтимос тариқасида шаъма қилди она.

— Албатта, имкони борича ҳеч кимга билдирмаймиз. Ҳаммасини мен аллақачон ҳал қилиб қўйдим. — Виштасп ўйланиб қолди-да, яна деди: — Биз шоҳ марҳамати билан Спитамани бошқа вилоятга нойиб қилиб юборамиз. Анча-мунча расмиятчилигимизнинг баҳридан ўтсак ҳам, Спитамани бу қиздан узоқлаштириш учун шундай қиламиз. Шу билан ўғлингиз ундан узоқлашади.

Албатта, онасининг ва Виштаспнинг ниятларидан келин-куёв хабарсиз эдилар. Ассиядия, декабр ойи яқинлашаётган эди. Спитамен чиндан ҳам зерикарди.

Зара фаҳрланса бўларди, унки эри хамиша унинг олдида. Спитамен хотини билан бир бошпанада яшар,

боғда бирга сайр этиб, баъзан уни от чоптириш пойгасига ҳам бирга олиб борарди. Аммо у Зара билан ҳеч вақт биринчи кунлардагидек, яқинлашолмасди.

Спитамен Зара билан бирга бўлса-да, бошқа нарсалар хақида ўйларди. Зара эса у нима ҳақда ўйлаётганини ҳатто билмасди. У Зарани кучоклар ёхуд сочларини ўйнар, аммо унинг кўзи ва хаёли Афросиёб томонга ёки бошқа узоқ-узоқ масофаларга тикилганди. Баъзан у Заранинг саволларига жавоб бермас, чунки эшитмасди ёхуд унга тўсатдан, гўё ҳозиргина уйқудан уйғонгандек қараб, уни эндигина кўргандек хайратланарди.

## О л т и н ч и б о б

### НАВТОК ҲОКИМИ

Ассиядия оғи тугаб анамак оғи бошланди, январнинг иккинчи ярми. Уйлар томи, кўчалар ва дала-дашт қор билан қопланган. Совуқ...

Спитамен зерикар, ҳатто нимадандир чўчирди. Анчадан буён у арқда бўлгани йўқ, у ёқдан ҳам ворис олдига Бахтвардан бошқа ҳеч ким келгани йўқ. Кейинги вақтларда у ҳам кўринмайдиган бўлди.

Бунинг устига, Зара касалланди: ориқлади, ранги ўчди, кўзлари чўкди, баъзан эрталаб кўнглим айнийди, деб нолийди. Шунинг учун Спитамен овга чикмай қўйди, боғининг йўлкаларида у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Унинг ана шундай кайфиятдалигида извошдан тушган Бахтвар тантана билан олдига келди. Улар кучоклашдилар. Бахтвар маросимларда кийинадиган сарпода: у Спитамага нома топширди.

Спитамен хатни кўриб, юзи оқариб қизарди ва хатдаги хушxabарни билиб, тинчланди.

У ўзига келди-да, Бахтварга қараб савол берди:

— Нега келмай қўйдинг? Ёки сен ҳам ота-онам сингари мендан норизомисан?

— Йўқ, дўстим, сендан ҳеч ким хафа эмас. Аксинча, сенга нисбатан ғамхўрлик ошди. Ҳокимнинг ҳар бир чопари соғлигиндан хабардор бўлиб, унга етказиб турибди... Сенинг аскарларинг машқларда жим юрадилар,

бошқа вақтда истехкомдан ташқарига чикмайдилар. Шухратли Катан эса ҳали ҳам буғилиб аскарларни сўкиб юради.

Спитамен ўз дўстининг бу гапларидан қувониб кетди. Демак, уни ҳеч ким ёмон кўриб қолган эмас, ёқтирмаслик даври тўлибди. У тезлик билан чўмилиб чикди-ю, тоза кўйлаги устидан ҳарбий чакмонини кийди, қиличини белига тақиб, қимматбаҳо қалқонини қўлига олиб Зара олдига кирди, у билан хайрлашиб чикди-да, извошга минди.

— Эҳ, — Бахтварга мурожаат этди у, — аёллардан ҳам, уларнинг қариндошларидан ҳам чарчадим.

— Ана шундай, — маъқуллади Бахтвар, — муҳаббат асалга ўхшайди: уни тотиб туриш мумкин, аммо қумилиб бўлмайди...

— Зара жуда яхши аёл, — тўхтатди уни ворис.

Извош Афросиёб томон учиб борарди, йўл бўйлаб турган деҳқонлар Спитаменга ҳурмат билан қўлларини кўтарар ёхуд эгилиб салом беришарди.

Извош арққа кириб келиши билан сарой хизматкорлари Спитаменни сатраплик девони толорига таклиф этишди; у ўз отаси олдида тиз чўкди. Хаяжонланганидан Спитамен ҳеч нима деёлмади. У отасининг оёғи остида тиз чўкканича қотиб қолди, отаси эса уни кўтариб, бағрига босди.

Спэнта чарчок кўринарди. У юмшоқлик билан ўғлини ўз ёнига ўтқазиб, деди:

— Спитама, сен ҳақингдаги янги хабарлар менга етиб келганиданок, сени кўрмоққа ошиқдим. Энди сенинг фақат шер юракли йигитгина эмас, балки, ақли расо, ҳар бир қадамини ўлчаб босадиган, давлат манфаатини ёқлай оладиган киши бўлиб етишганингдан шодман.

Тўлқинланган Спитамен жимлигича отасининг олдида бош эгди. Ҳоким ўз сўзини давом эттирди:

— Сен талибарзанлик икки ҳарбий гуруҳдан воз кечиб тўғри қилдинг, чунки сен ҳарбий бўлинмага қўмондонлик қилишга қодирсан.

— Дада! — тўлқинланиб пичирлади Спитамен.

— Навтоқда менга ҳамма нарсани кўра оладиган, зарур бўлганда вазиятни ақл тарозуси билан ўлчаб, тез ҳаракат қиладиган довурак ва идрокли раҳбар керак. Мен сени ана шу вилоятда ўзимнинг нойибим, яъни

унинг ҳокими ва ҳарбий бўлинмасига бошлик этиб тайинлайман.

Отасини тинглаб, Спитаменнинг кўзларидан ёш келди: у шунча йил бутун юраги билан кутган дам келиб, ёшлиги билан хайрлашди ва мансабга эга бўлганлигидан гурурланди.

— Кундан-кунга, — сўзини давом эттирди ҳоким, — раҳбарлик қилиш менга оғирлашиб бораётганлиги учун, сен, Спитама, ҳозирданок мен билан ҳокимликнинг тапшиқларини бахам кўришинг керак. Мен сени вилоятни бошқариш санъатига ўргатмоқчиман.

Ўз фаолиятингда бир қатор масалаларга эътибор бергин. Булар ҳақида кейин гаплашамиз. Ҳозир эса солиқ масаласига эътиборингни қаратаман. Хазинамизнинг аҳволи оғир: жойлардан, айниқса Навтоқдан тушаётган солиқлар йилдан-йилга камаймоқда, харажатлар эса ўсмоқда...

Ҳоким ўз сўзини тамомлаб, эътиборини бошқа томонга бурди. Спитамен олдига Виштасп келди.

— Ҳурматли Спитама, ҳокимимизнинг ўғли! — мурожаат этди у ворисга. — Ижозат этгин, мен биринчи бўлиб сени юқори мартабага кўтарилишинг билан табриклайин...

Спитамен унинг қўлларини қаттиқ қисиб, деди:

— Сендан миннатдорман. Менинг мартабамни кўтаришга сен ёрдамлашгансан. Энди менинг туҳфамни олгин (унга қўлидаги қалқонини берди); бунинг кадрлилигини кейин биларсан.

Шундай қилиб, Спитамен Навтоқ вилоятининг ҳокими этиб тайинланди. Унинг олдида шундай қийинчиликлар вужудга келдики, катта сатраплик саройида туғилиб ўсганлигига қарамай, бу қийинчиликларни тасаввур этмаганди.

Ишининг биринчи кундаёқ кўп кишилар ҳоким олдида киришга ошиқишди. Маҳкама ходимлари унинг олдида аввал юқори лавозимли шахсларни, кейин пастки табақаларнинг вакилларини қўйдилар. Ундан кейин қаторлашган илтимосчилар кира бошлади.

Қабул кунларида ёш ҳокимнинг кўз олдидан вилоят аҳолисининг барча ижтимоий табақалари вакиллари ўтдилар. У эрталабдан тушгача ва тушдан кечгача уларни қабул қилиб, толиққанидан холдан кетаёзди ва мияси



фовлаб кетди. У одамларнинг дақиқалаб ўзгариб турган юзларига қараб, уларнинг илтимосларини ва қатъий талабларини тинглаб, ўйлаб қолди: «Буларнинг бундай илтимосларини бажариш учун менинг вақтим ҳам, қатъий ва туганмас талабларини қондириш учун мамлакатнинг бойликлари ҳам етишмайди-ку. Ҳокимлик енгил иш эмас экан-да...»

Спитамен ўз уйдаги тўшагида, қўлларини боши ости қўйиб ҳоким вазифасини бажаришга ожизлигидан хаяжонга тушиб, чўзилиб ётарди.

Спитамен ўз фикрлари билан бандлигидан, олдига Бахтвар кириб қолганини сезмади.

— Сени нима безовта этмоқда, жанобим? — сўради Бахтвар.

— Ишдан чарчадим.

— Нега ҳамма ишни ўзинг бажарасан? Меъмор ҳам катта бинони бир ўзи қуролмайди.

— Албатта, йўқ. Сен меъмор, буни биласан.

— Тўғри. Биров тошни силлиқлаштиради, биров тахтани рандалайди, бошқалари ғишт пиширади, яна бошқалари уларни қурилиш майдонига олиб келади ёхуд баландга кўтаради, теради ва сувайди. Меъмор факат бинонинг режасини чизади. Шунда ҳам унинг ёрдамчилари бу ишга кўмаклашадилар.

— Бу иш бошқача экан, — деди ёш ҳоким. — Худойим мени инсоф ва адолат таянчи қилиб қўйган экан, менинг олдимга келадиган адолагталаб одам арз-додини айтсин, ўз аҳволини бир-бир баён қилсин. Ҳузуримда ўтириб арз қилаётганида, мени худди ўзи каби бир одам деб тушунсин, у менинг мансабимдан хайиқмасин. Қанча хасрати бўлса, очиб ташласин, мен адолат юзасидан унинг жароҳатига малҳам бўлай дейман! Афсус, бу мақсадимни амалга оширишим осон иш эмас экан. Шунинг учун, энди мен бошқарувчи ёрдамчиларни ёллашга ҳаракат қиламан. Улар қўшинда, хўжаликларда, адлияда, туманларда ва диний ишда мавжуд аҳвол билан мени воқиф қилиб турсинлар. Аммо уларнинг ҳар бири мени хабардор қилишдан аввал жойлардаги котиблар ва бошқарувчилардан ўша соҳаларнинг аҳволи хақида маълумот йиғсинлар.

Спитамен бу тартибни синчковлик билан режалади. Аммо у ўз тасвирининг тўғрилигига хали унча ишонмас эди.

Бир неча кундан кейин Спитамен отасининг хузурига чақирилди. Спэнта мармар залда ўтирарди. Унинг таклифи билан Спитамен ўриндиққа ўтирганидан кейин, са-трап сўради:

— Хўш, қандай? Бошқаришнинг дастлабки кунлари-да ўзингни олдирганга ўхшайсан.

— Сизнинг хомийлигингизда, мен куч йиғаман.

— Хушомадгўй шайтон! — табассум қилди Спэнта. — Шуни билгингки, сенинг ниҳоятда қаттиқ толикишингни мен хоҳламайман. Вактичоғлик ҳам қилгин. Ёшлик қувноқликни талаб қилади. Аммо бу билан сенинг жиддий ишларинг бўлмайди, демоқчи эмасман...

Ўйлаб кўр, билимдон ва ишончли кишилар билан танишиб, ўшалардан ишларни текшириш ва ташкил этиш ваколат гуруҳини тузгин. Лекин жойлардан тушадиган хисоботларни эътибор билан текшир. Менга сенинг қўмондонлик қобилиятинг кучлилигини айтдилар. Агар шу гаплар тўғри бўлса, сен биринчи қарашдаёқ ваколат гуруҳларининг хисоботлари тўғри ёки нотўғрилигини аниқлайсан. Аммо хулоса чиқаришга шошилма. Энг муҳими, хулосаларингни ичингда сақла, дафтарингга ёзиб бор ва таҳлил эт. Бу сенга мулоҳаза қилишингда эҳтиёткор бўлишни ва вазиятни тўғри баҳолашни ўргатади...

Менимча, македонликларнинг Юнонистонга хужум қилганлари Эрон хавфсизлигига ҳам путур етказди. Мамлакат ичида катта тўполонлар бўлиб, катта қўшинлар хужум қилишлари ва тинч фуқароларимизни қириб ташлашлари мумкин. Шунинг учун, менинг сеvimли ўғлим, атрофга қараш ва хулоса чиқаришга ўрган, — давом этди Спэнта. — Хеч вақт ўзинг кўрган ва билганларинг билан чекланма, бошқаларнинг ҳам фикрини би-лишга ва ёрдамга чақаришга тайёр бўл...

— Македония ва Юнонистон ҳақидаги фикрларингизга қараганда, сиз юнонларга ишонмайсиз шекилли?

— Умуман, халққа ишонмаслик мумкин эмас. Айрим шахсга енгилгина ишониш ярамайди, чунки ҳар бир шахс ўз хусусиятларига эга. Бу юнонларга ҳам, форсларга ҳам, финикияликларга ҳам, суғдийларга ҳам тааллуқли. Форслар олдида юнонлар анча ёш. Аммо бу халқда, юз берган вазият туфайли, ишёкмаслар кўпайдилар...

Сухбат чўзилиб, ҳокимнинг чарчаганлиги сезилди.

Спитамен отасига бош эгиб, хайрлашди. Спэнта ўғлини бағрига босди, шундан кейин у онасининг қошига кетди.

— Ойижон, мен сизга миннатдорлик билдириш ва хайрлашиш учун келдим.

Зардоза ўрнидан туриб ўғлини бағрига босди-да, кўз ёшлари аралаш деди:

— Сен қандай ўзгарибсан! Тугал эркак киши бўлиб қолибсан! Мен сени шунча кам кўраманки, белгиларингни эсимдан чиқаришим ҳеч гап эмас, яхшиямки сенинг қиёфанг хамиша менинг қалбимда яшайди. Бераҳм... Не-ча марта мен отангнинг маслаҳатчиси билан извошда ўтириб, биздан аччиқланганингни эсингдан чиқарасанми, деб боғингга бордик, аммо сен ҳатто чақириққа жавоб бермадинг.

— Ойижон, кечиринг! Кечиринг мени! — деди Спитамен, онасини ўпиб.

Онаси уни майдонга олиб чиқди, гуллар атрофида юрдилар.

— Мен аёл бўлганлигим учун, мени хотин-она қизиктиради. Сен уни кетаётганингда бирга олиб кетасанми? Билиб қўй, йўл азоби унга ҳам, болага ҳам зарар қилиши мумкин. Хомиладорлар учун тинчлик ва осойишталик яхши.

— Сиз Зарани назарда тутаяпсизми? — хайрон бўлиб сўради Спитамен. — У хомиладорми? Бу ҳақда мен ҳеч нима билмайман-ку.

— Балки, у уялади ёхуд ўзи билмайди, — жавоб берди онаси. — Ҳар қалай, йўл юриш...

— Уни олиб боришни ўйлаганим йўқ! — сўзни бўлди Спитамен. — Қизик, нега у ўзининг хомиладорлигини мenden яширади?

— Бу одатдаги уятчанлик.

— Мен уни саройга олиб боролмайман!

— Хўп, уни таъминлаб қўйдингми? Биз ҳам ҳаракат қиламиз. Шох наслидан бўлган бола ҳеч нарсага муҳтожлик сезмаслиги керак.

— Албатта, — жавоб берди Спитамен, — менинг биринчи фарзандим, ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ҳам, шундай тарбияланиши керакки, вақти келганда мен уялмайин.

Онаси билан хайрлашгандан кейин, Спитамен Зара олдига бормокчи бўлди, лекин зарур ишлар уни Навток-

ка тезроқ боришга мажбур қилди. «Яна унинг олдига киролмадим, — деб ўйлади. — Бечора мени уч хафтадан бери кўргани йўк».

У Бахтварни чақириб, юз берган вазиятни тушунтириб, дарҳол Зара олдига боришни буюрди.

— Унга зумрад кўзли сирға, билагузук ва икки талант пул элтиб бер. Айтгинки, мендан ўзининг хомиладорлигини яширгани учун ундан хафа бўлдим, аммо агар бола соғ ва чиройли бўлса уни кечираман. Агар у ўғил тўкса, мен унга яна битта ховли-жой тухфа этаман.

— Ховли-жойингни ўраб олган қариндошларига-чи?

— Устимдан куляпсан, — табассум қилди Спитамен.

У иш жойига келди. Ҳар куни туманлар ҳокимларининг ахботларини тинглар, аввалгилардан анча оз катновчиларни қабул қилар, ҳар хил тантаналарда ва амалдорларни тақдирлаш маросимларида иштирок этарди.

Туманларнинг эпарх(бошлик)лари кечаю кундуз ҳокимни ўраб олиб, унинг ҳар бир ишорасига дарҳол жавоб берар ва барча буйруқларини бажаришга тайёр эканликларини билдиришарди.

Ворис Китоб туманининг ҳокими Боистга отаси, Спэнтанинг кўрсатмасига мувофиқ у вилоят туманларининг хўжаликлари билан яқиндан танишишни бошламокчилигини билдирди.

Унинг хошиши дарҳол бажарилди. Эпарх унга икки ғилдиракли извош тайёрлаб, яқин амалдорлари билан Китобдаги Анахита ибодатхонасига олиб борди. У Спитаменга ибодатхона минорасининг устига чиқишни таклиф этди ва ўзи ҳам унга қўшилди.

Минора устидан атроф яхши кўринади: дарёнинг кўк сув тўлқинлари билан кесилган кенг майсазорлар ёйиб қўйилгандай; шимолда Амонқўтан тоғининг чўққилари, майсазорлардан нарида, тоғ бағригача лалмикор ер майдонлари чўзилган, улардан иссиқ шамол эсар эди.

Майсазорларда саноксиз чорва моллари ўтлаб юрибди. Гоҳ бу ёқда, гоҳ у ёқда ўт босиб кетган ботқоқликлар, улар орасида ва устида учиб юрган ғозлар, ўрдаклар, каптарлар, тустовуқлар ва беданалар сайрайди.

— Ҳурматли нойиб, бу гўзалликка қара, — деди туман ҳокими. — Бутун Навток вилоятининг манзараси ана шундай. Ахура Мазда тоғ ва чўл орасидаги бу жан-

нат маконни яхши кўриб, ўсимлигу жониворларни жамлаб, фуқароларини хушнуд қилмоқчи бўлган.

Спитамен гўзал манзарадан мағрурланиб, Боистга миннатдорлик билдирди.

Спитамен Боист билан тажрибали эпархлардан бири сифатида, раҳбарлик қилиш масалалари ҳақида маслаҳатлашди. Унга вилоят ва туманлар ҳокимиятларидаги тартибсизликларни ўнглаш, ортиқча лавозимларни қисқартиш лозимлигини айтди.

Вилоят ҳокимиятининг иш бошқарувчиси Спитаменга сарой хизматчиларининг рўйхатини берди. Нойиб билдики, туманларда ва Навток шаҳрида унинг ихтиёрида: ўн бештача ҳаммол ва анчагина малайлар турар экан. Ваҳоланки, нойиб бу ҳақда ҳеч нимани билмас экан, шунинг учун хайрон бўлиб қолди ва уларни қисқартиш чорасини кўрди.

Спитамен бундай вазиятда ўзининг ожизлигидан, раҳбарлик қилолмаслигидан, умидсизликдан азоб чекарди. У раҳбарлик қилишга қобилияти бор ёки йўқлигини билолмай қолди. У айрим муаммолар бўйича яна Боистга мурожаат қилди:

— Ҳурматли эпарх, мени раҳбарлик қилиш масалалари бўйича ўзингнинг ижобий тажрибангдан вокиф этсанг. Сен менга анча нарсаларни кўрсатдинг, айрим фикрларни айтдинг, аммо мен ҳали ўзимни ожиз сезяпман. Мен ҳали ёшман, раҳбарликни энди бошлаганман, шунинг учун бу борада фикрингни билай дейман.

— Аммо сенинг фаросатингга юз ёшли қария ҳам қойил қолади! — гўлдиради Боист.

Китоб туманида бўлганида шундай ҳам толиққан эдики, барча ҳокимларга нойиб шарафига зиёфатни, унинг сафарлари пайтида фуқароларни саломга олиб чиқишни ман этишга буйруқ берди. Буйруқ тезда бажарилди ва Спитаменнинг ҳаёти бир оз осойишталанди. У аскарлар билан шуғулланиш учун вақт ажратадиган бўлди. Бу унинг энг сеvimли иши эди. Раҳбарлик масалалари ҳақида ўйлаш учун ҳам имкон вужудга келди.

Аммо отасининг кўрсатмаларидаги асосий вазифа, ҳамон бажарилмай қоларди. Спитамен шоҳ даромадининг камайиб бораётгани сабабини аниқлаш у ёқда турсин, бу муаммони вужудга келтираётган вазият, бу офатнинг илдизи нимадан иборатлигини аниқлаёлмасди.

Спитамен, бир вақтлар Суғдиёна раҳбарлари олгани каби кўп даромад олишни орзу қиларди. Аммо бу орзу-сини бажаролмаётганидан ғазабланарди. Бу лавозимда ишлаб, отасидек камбағал ёхуд ундан ҳам баттарроқ бўлиши мумкинлигидан хавфланарди.

Аҳолидан терилаётган барча солиқлар шоҳ хазинасига — форс давлатининг пойтахтига юборилиб, Суғдиёна сатраплигининг хазинасига эса бирон талант ҳам тушмасди. Аксинча, етишмайдиган маблағни қоплаш учун, марказга Суғдиёна хазинасидан юбориларди. Суғдиёна сатраплиги хазинасининг кемтиклиги узлуксиз ўсиб борарди. Шу боис ўлкани ривожлантириш учун маблағ ажратиб бўлмас эди.

Спитамен Яккабоғ туманининг эпархи — Манусерни ўз ҳузурига чақириб, ундан сўради:

— Сенинг туманинг Суғдиёнада энг бойларидан би-рими?

— Бу шундай, аммо биз бир неча оғир йилни ўз бошимиздан кечирдик, — жавоб берди Манусер ва унинг юраги шув этиб кетди, оёқлари қалтиради.

— Бу мени ҳайратлантирмоқда, — сўзида давом этди Спитамен, — чунки йилдан-йилга давлатнинг даромади камайиб бормоқда. Бунинг сабабини менга тушунтириб бермайсанми?

— Муҳтарам жаноб, — деди эпарх унга бош эгиб, — менинг душманларим сенинг юрагингга менга нисбатан ишончсизлик уруғини сепганини кўряпман. Мен нима десам ҳам, сени ишонтиролмайман. Шунинг учун мен сенга бошқа ҳеч нима демайман. Яхшиси, сен ўзинг котибларни чақиртириб, ҳужжатлар билан танишиб чиқсин.

Эпархнинг бу жавоби Спитаменни бир оз ҳайратлантирди. У котибларнинг ахборотларини эшитиб ва ҳужжатлари билан танишиб ўз саволларига жавоб топишга умид қилди.

Эртаси куни уни ҳузурига Яккабоғ туманининг катта котиби ўзининг ёрдамчилари билан, икки томонига ҳам ёзилган папируслар тўпини олиб келди. Спитамен бир туман бўйича бир йиллик ахборотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг бундай уюмини биринчи бор кўриши эди.

— Бу қандай ҳужжатлар? — сўради нойиб.

— Бу хакамлик хисоботлари.

— Буларни четга қўй. Хазина даромадлари ҳақидаги хужжатларни олиб ўқигин.

Бош котибнинг ёрдамчилари хакамлик хисоботларини четга қўйиб, бошқа хужжатларни унга бердилар. Бош котиб ўқий бошлади:

— «Гармонада ойининг ўн саккизинчи куни шох омборига тўрт юз цикл (1 цикл — 8,4 кг.) буғдой келтирилди, бу ҳақда бош назоратчи тилхат берди. Шу ойнинг йигирманчи куни... катта хазинабон бултурги хосилдан бир юзу қирк саккиз цикл буғдой кам чиққанини аниқлади. Текширув шуни билдирдики, икки ишчи ўн цикл ғаллани ўғирлаб фишлар орасида яширган экан. Бу ҳақиқат аниқлангандан кейин, иккала хизматчининг масаласи хакамликка берилди ва шох мулкига хиёнат қилганлари учун тош ишларига юборилди...»

— У бир юзу қирк саккиз цикл-чи? — сўради нойиб.

— Уларни сичқонлар еган экан, — жавоб берди котиб.

Спитамен ўйлаб қолди: «Ўн цикл буғдой учун икки ишчи тош ишларига юборилибди, бир юзу қирк саккиз цикл учун жавобгар топилмабди? Таажжуб! «Олий улувворлик билан тубанлик ўртасида катта ўхшашлик борга ўхшайди. Бу сирларнинг учи пастдагиларнинг қўлида. У энг қулай мавқени эгаллаб турибди».

Котиб яна ўқиди: «Ассиядия ойининг бешинчи куни сўйиш учун йигирма бош буқа ва саксон тўрт бош қўй юборилди, буларнинг бари молхонанинг назоратчиси томонидан тилхат орқали «Лочин» ҳарбий қисмининг ихтиёрига юборилди».

Ҳар куни шу тахлитдаги хисоботлар билан танишиб, нойиб қана арпа, буғдой, нўхат, жўхори омборга юборилганини, қанчаси тегирмонга жўнатилганини, қанчаси ўғирланганини ва қанча жиноятчи тош ишларига жўнатилганини билиб борарди.

Хисоботлар шундай зерикарли ва тартибсиз эдики, Спитамен хужжатларни ўқишни тўхтатишга буйруқ берди.

— Ўқиганлардан сен нимани тушундинг? — сўради Спитамен бош котибдан.

У ҳаммасини қайтадан такрорлай бошлади, лекин энди ёдлаганларини:

— Ойнинг бешинчи куни шох омборига...

— Бўлди, бас! — жаҳл билан қичқирди Спитамен ва котибларга кетишни буюрди.

Бош котиб ва унинг ёрдамчилари, шошиб папирусларни йиғиштирдилар, нойибга сажда қилиб эшикдан тез чиқиб кетдилар. Нойиб Манусерни чақиртирди. У қўлларини кўксига қўйиб унинг хузурига кирди. У анча хотиржам кўринарди, чунки котиблар «ахборотлардан ҳоким ҳеч нарса тушунмагани учун уларни хайдаб юборган»ини айтганди.

— Ҳурматли эпарх, менга айт-чи, сенга ҳам шу ахборотларни ўқийдиларми?

— Ҳар куни.

— Ва сен улардан бирон нарсани тушунасанми?

— Кечирасан, ҳазратим, мен буларсиз туманга раҳбарлик қилолмайман.

Спитамен хайрон бўлди. Балки, у ҳақиқатан ҳам ҳеч нимага тушунмас? Бундай бўлса, у қандай ҳоким?

— Бу ерда ўтириб менга туманни қандай бошқаришингни айтиб бергин, — деди у, Манусерга курсини кўрсатиб.

Манусер ранги ўчиб, кўзларини пастга қаратди. Спитамен буни сезиб, эпархни тинчлатишга шошилди:

— Мен сенинг ақллигингга шубҳаланмайман. Лекин сен туманни қандай бошқаришингни билмоқчиман, ана шуни менга тушинтиргин.

Манусер бир оз енгил тортиб, нойибга деди:

— Ҳар куни эрталаб, ювингандан кейин Ахура Маздага тоат-ибодат қиламан, ундан кейин хузуримга хазиначини чақиртириб давлат хазинасига тушаётган пуллар ҳисобини аниқлайман. Агар у маблағ тўғри тушмоқда, деса уни мақтайман, бордию фалон-фалонлар тўламаяптилар, деса бунақа товламачиларни хибсга олишни буюраман...

— Шундай бўлса ҳам сенинг туманинг бўйича давлатнинг даромади камайиб бормоқда, — эслатди нойиб.

— Тўғри эслатаяпсан, ҳазратим, — деди Манусер, ух тортиб.

Спитамен тушунди: котиблар ва эпарх давлат даромадининг камайиб бориш сабабларини ундан яширмоқдалар...



Шу вақт Бахтвар Самарканддан қайтиб келди. У дўстига Зарадан хушxabар олиб келди. У қиз кўрибди, соғлиги яхши экан. Ҳозир бу янгиликлар Спитаменни унча тўлқинлантормади.

Дрнабазиш (июл-август) ойининг охирида ёш хоким бу тумандан бошқасига жўнаб кетди.

Нахшоб (ҳозирги Қарши)га яқин жой... Туманлар билан танишиб юрган нойибни бу ерлик эпарх Сафо ва унинг аъёнлари тантана билан кутиб олишди. Қўлларида гул кўтарган оломон мусиқа садолари остида қувнок шовқин билан йўл бўйида турибди. Нойиб отларни гўхтатганда, оломон ичидан бир гуруҳ аёллар чиқиб извошни гулчамбарлар билан ўради.

«Хархолда улар мени ҳурмат қиларканлар!» ўйлади Спитамен.

Нойиб аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди.

Туман эпархи Спитамен ва Навтоқдан келган унинг ҳамроҳларини ишдан кейин уникида меҳмон бўлишларини сўради. Кеч яқинлашиши билан меҳмонлар зиёфат залига кирдилар. Зал катта ховли ичида жойлашган бўлиб, унинг атрофлари нақшбандликлар билан безатилган. Устунларда осиб қўйилган биринчи шамдонларда каттакатта шамлар ёнмоқда. Улар ёруғида деворлардаги ўймакорликлар ва чизилган расмлардаги ов манзараси, тоғ ва ариқларнинг оқар сувлари...

Йиғилган меҳмонлар нойибни хурсандчилик кичкирувлари билан кутиб олишди. Спитамен тўшақли кенг суянчиқли ўриндиқда ўтирди; бу ердан залда ўтирганларнинг ҳаммаси яхши кўринади. Нойибнинг яқин кишилари пастроқ суянчиқли ўриндиқларда ўрнашдилар.

Чилтор ва бошқа мусиқа асбоблари янграй бошлади. Залга қимматбаҳо ялтироқ қўйлақлар кийган, безаклар таққан ёш аёллар кириб келдилар, улар Спитамен ва унинг яқин кишилари ёнларида жойлашдилар.

Оқ, гулоб ва кўкимтир рангли матолардан тикилган қўйлақ кийган эркак ва аёл-қуллар катта патнисларда ширинликлар, қовурилган қўй гўшти, товук, ёввойи паррандалар гўшти, балиқ, хар хил май ва меваларни тоширдилар. Залнинг бўш қисмида томоша кўрсатиш бошланди. Навбат билан ўртага раққосалар чиқиб ўйнадилар. Базм анча вақтгача давом этди.

Спитаменнинг икки томонидаги ёш аёллар — Пазира ва Пайкара, кизғониб бир-бирларига кинғир қарадилар. Спитама уларнинг рашк қилишларига эътибор бермади. Ёш ҳоким уларнинг иккаласи билан ҳам хушчакчақлик билан гаплашар, ҳазиллашар ва уларга қарашарди.

Базм авжида Пайкара, ёш ҳоким унга илиқрок қарагани учун, унга қадах тўла май узатди. Майнинг ярмини Спитамен ичиб, ярмини ўзига узатиб, ичишини сўради. Пайкара қадахдаги майни ичганидан кейин ёш нойиб унинг лабидан ўпди.

Бу манзарани кўриб турган Пазира аччиқланди, ўзини ташландик, камситилган деб ҳис этди. У шу дамгача чиройлиликнинг енгиб бўлмас куч эканлигини фахмларди, лекин ўзи кўрмаганди. Бугун зал ёруғида, чилтор садолари остида бунга яққол нишонди. Пайкара мендан чиройлироқ, деб ўйлади Пазира, шунинг учун ёш ҳоким унга иссик бўса тўхфа килди. Пазира сеҳрлангандай қарахт ўтирарди. У ҳатто бу чиройли хотин-кизлар ёш ҳоким олдида уни хурсанд қилиш учун ўтқазганликларини ҳам эсидан чиқарганди. Унинг қалбида — зиёфатдан туриб кетиш нияти ҳам пайдо бўлди. Лекин у ўз ниятидан қайтди. У дунёда хўрланишдан оғир хол бўлмаса керак, деб ўйлади. Гўзаллик, қувноқлик шохлигини у каердан топсин, қандай қилсинки, у хамманинг диққат-эътиборини жалб эта олсин, шуҳратли бўлсин, эъзозли бўлсин?

Пазиранинг юраги атрофдагиларга нисбатан нафратга тўлди. У аччиқланиб, ёш ҳокимни рақибасининг ихтиёридан тортиб олмоқчи, ҳеч бўлмаса уни ёш ҳоким ихтиёридан четламоқчи бўлди.

— Улар қандай қилиб бу ишни қиладилар?! — кизишди Пазира.

— Сен нима ҳақда? — унга энгашиб сўради Спитамен.

— Шу ердаги можаролар тўғрисида. Унинг эркаликларида самимиятдан дарак ҳам йўқ. Унинг эгаси Сафо ҳам худди шундай. Бу ерда барча ишлар сохта ўйинга ўхшайди. Мана шу табассумлар ҳам, эркаликлар ҳам... Ҳатто сени кутиб олиш учун тўпланган оломоннинг олқишлари ҳам, ана шу палидлар томонидан сунъий тарзда уюштирилди.

— Аниқроқ тушунтиргин. Сен нимани кўзда тутясан? — хушёрланиб сўради Спитамен.

— Жаноблар буйруғи билан дехқонлар оломони чор-рахага чиқиб сени ёлғондан олқишладилар. Бунинг учун уларга ҳақ тўлашни ваъда қилдилар.

— Менга караб кичкирганлари учун ҳақми?

— Балли, ҳазратим... Улар ўз ҳақларини талаб қилмоқдалар. Кеча, сен ишинг билан Нахшоб саҳросига кетганингда, улар норозилик билдириб кўчага чиқдилар, эпарх уларнинг ташкилотчиларини калтаклашни буюрди.

Пазиранинг бу сўзларидан кейин Спитаменнинг мастлиги тез таркади. У ҳайратланиб умидсизлик билан ўйлади: «Бу туманларда нималар бўляпти? Бир қоп ғалла учун икки дехқонни тош ёришга юборсалар, йигирма қонни ўзлари ўзлаштириб сичқонлар еган, деб хужжатлаштирсалар. Кўп жойларда кўзбўямачилик, каззоблик... Менинг келишимга ҳам сохта олқишларни уюштирсалар... Бу зиёфат ҳам балки, менинг ҳурматим учун бўлмаса керак...»

Нойиб эпарх саройида хизмат қилувчиларнинг булутга ўхшаб ўзгариб турган юзларига очиқ нафрат билан каради-ю, Сафога жиддий тарзда мурожаат қилди:

— Мен дам олишга кетаман. Сен эса эртага эрталаб, менинг ҳузуримга мени олқишлаш учун ҳақ олиш умидида кичкирган дехқонлар гуруҳи ва ташкилотчиларини олиб келгин.

Эпарх ва сарой меҳмонларини ҳайратда қолдириб, Спитамен тезлик билан залдан чиқиб кетди.

Бечора Пазира! Ўз сўзлари билан нойиб ва бошқаларни шу даражада безовта қилишини билармиди? Аммо у Пайкарадан ўч олишга эришди — у ҳам якка ўзи қолди.

Эртаси эрталаб, нойиб кийинатуриб, Бахтвардан сўради:

— Эпарх ва унинг одамлари келдиларми?

— Ҳа, дўстим, улар кун ёришгандан бери сенинг кўрсатмаларингни қутяптилар...

— Ана у дехқонлар-чи, уларни ҳам чақирганми?

Бахтвар тиржайди-да, кейин жавоб берди:

— Улардан дарак ҳам йўқ.

— Мен уларни ахтариб топаман! — кичкирди Спитамен.

У хона бўйлаб ғазабланган йўлбарсга ўхшаб хирил-  
лаб, у ёқдан-бу ёққа юрарди. Бир оз тинчигандан кейин,  
Бахтвар унга караб деди:

— Дўстим, жиноят кўринмайдиган жойдан уни топа-  
ман деб ахтарма; бу шундай воқеаки, исботлаб бўлмай-  
ди. Чунки одамлар ҳар нарса дейишлари мумкин. Ҳатто  
тергов ҳам натижасиз тамом бўлиши мумкин, яъни  
оқибатда эпарх Сафонинг гуноҳсизлиги исботланади.

Спитамен ўйлаб қолди-ю, кўшни хонада сарой хиз-  
маткорлари турганлигини кўриб, паст овоз билан деди:

— Бахтвар, биласанми, мен мана шу сафарга  
чикқанимдан бери, Суғдиёна кўзимга бошқача кўрин-  
моқда. Гоҳо, мен бошқа мамлакатда эмасманми, деб  
ўйлайман. Гоҳо эса юрагим ғаш бўлиб, кўзларимни пар-  
да тутган деб ўйлайман: кўз олдимда жиноятлар содир  
бўлади-ю, мен эса уларни кўрмаяпман...

— Дўстим, шуни билгинки, қанча хоҳлаганинг би-  
лан, ҳаммани кўриб бўлмайди. Ҳаммани кўрайин деб  
харакат ҳам қилма, бўлмаса ҳаммамизни тоғда тош ке-  
сиш учун юборишга иштиёқманд бўлишинг мумкин, —  
кулиб жавоб берди Бахтвар.

Спитамен кийиниб қабулхонага келганида, у ерда  
унинг яқин кишилари: кохинлар ва мансабдорлар  
тўпланган эдилар. Улар билан бирга саройдан ташқари  
ҳовлига чикди. У ўз отини келтиришни буюрди ва шаҳар  
ташқарисидаги лашкаргоҳда турган аскарлар олдига кет-  
ди.

Кун бўйи у аскарларни ўқитиш билан банд бўлди.  
Туш пайтида эпарх билан бирга унинг ўнлаб хизматкор-  
лари чодир кўтариб, рўзғор буюмларию егулик ва май  
олиб келдилар. Аммо нойиб уларни Нахшобга қайтариб  
юборди. Аскарларнинг тушлик овқатланиш вақти бўл-  
ганда, у ўзига арпа нони ва улар тамадди этадиган овқат-  
дан беришни буюрди.

Ўргатилаётганлар бактрияликлар ва сакларнинг  
ёлланма бўлинмалари эдилар. Қўмондон кеч кирганда  
қурол-аслаҳаларни йиғиштиришни буюриб, улар билан  
хайрлашмоқчи бўлди. Аскарлар ва лашкарбошилар қў-  
мондонга «умринг узоқ бўлсин!» деган қичкириқлар  
билан унинг қўлларини кўпдилар, унга таъзим-эхтиром  
этиб кузатишга отландилар ва кўшиқ айтиб, саройгача  
элтиб қўйдилар.

Сафо ва бошқа туманлик мансабдорлар саклар ва бактрияликларнинг нойибга бўлган иссиқ эхтиромини кўриб, хайратда қолдилар.

— Мана буни хукмрон дейдилар! — шивирлади бош котиб Сафога.

Ўзини йўқотган эпарх оҳ тортди, хаёлан худоларга мурожаат этди ва улардан нажот тилади. Эртаси куни нойиб ғаллани йиғиш байрамида иштирок этганида, Сафо бутун фуқаролар олдида унга эхтиромлар билдириб, вилоятга раҳбарлик услубини мактади.

Бундан кейин анча вақт ўтди. Спитамен Навтоқда сал кам бир йилдан бери вилоят ҳокими бўлиб ишлаган бўлса-да, ўз фаолиятдан рози эмас ва отасининг ишончини оқлаёлмаётганидан изтироб чекарди. У коҳинлар билан ибодатхонада туриб, улардан нима учун Суғдиёна хазинаси камбағаллашиб бораётгани сабабларини ва фуқаролар саломатлиги борасидаги аҳволни билишга аҳд қилди.

\* \* \*

Самарқанднинг шинам боғларидан бирида жойлашган Анахита ибодатхонасининг билимгоҳи. Бу ернинг боғи кенг, майдонлари соя-салқин. Ховли сатҳидаги йўлакларда талабалар, мураббий коҳинлар... Уларнинг ҳар бири ўз машғулоти билан банд: айримлари ўриндикларда ўтириб муқаддас ёзувлар ва тоат-ибодат ҳақидаги оятларни ёдламоқда, нарироқда — икки-учта бўлиб баҳслашмоқда, яна нарироқда коҳин диққат билан каттароқ коҳинни тингламоқда...

Спитамен хужрасида ўтирибди. Хужранинг ери пишиқ гишт билан қопланган, бир чеккасида тўшак ўрнида пичан ташланган, сопол кўзачада сув, унинг ёнида арпа нони, нарироқда қора чирок.

Хужранинг тош деворлари унга коҳинлар мактабида ўтказилган ўспиринлик даврларини эслатди.

Бир неча ойлар давомида уни ўраб олган жўшқин ҳаётни, зиёфатларни, аёллар ва мусиқа садоларини тарқатиб, у бўм-бўш деворлар ичига ўз ихтиёри билан келди, бу яккалик ва суқунатни нойиблик саройига алмаштирди. Зулматдаги жимлик...

— Ақлдан озсам керак! Ақлдан озганман! — ўйлади Спитамен. — Ахир, мен катта вилоятда сатрапининг ноийби эдим-ку... бу ерга келмай, ўзимнинг мартабали лавозимимда ишлайвериб, саволларимга жавобни тополмасмидим?

Кеч кирди. Оч қолган бўлса ҳам, у нон емади, сув ичмади. Ўрнидан туриб, хужрадан ташқарига, ховли саҳнига чиқди. Осмонда юлдузлар чарақларди. У осмонга қараб ўйлади: «Юлдузлар оламга бахтиёрлик нурларини сочадилар. Одамлар эса бир хил эмас. Айрим инсонлар юлдузларга ўхшаб нур сочади, шум ният одамлар эса — жаҳолат. Бир онадан туғилган эгизакларнинг бири яхши-ю, иккинчиси ёмон бўлиши мумкин. Шакар майда тузга ўхшагани билан, бири тузу бири қанддир. Агар биров баланд химматли бўлса, у олам аҳли орасида азиз бўлади. Агар кишининг бир чақа пули бўлмаса ҳам, химмати бўлса, у камбағал эмас. Кимнингки химмати бўлмаса, уни камбағал деб билавер. Химмати йўқ кимсанинг ҳурмати ҳам бўлмайди. Лекин, афсуски, ўтқинчи бу дунё одамлари кимнинг давлати бўлса, ўшани ҳурмат қилишни одат қилиб олган...». Шу фикрлар билан у ўз хужрасига ҳаяжонланган ҳолда қайтиб кирди. Юраги ўйнади. Анча вақтдан бери қилмаган ишини қайта бошлашга аҳд қилди: ерга мукка тушдию раҳмшафқатсиз бўлган дамларини ва гуноҳини кечириш ҳақида сидқидилдан ибодат қилди. Шундан кейин тўшалган пичанга юзини кўйиб ухлаб қолди. Уйғонганда ўзини анча енгил сезди.

Ўшандан кейин кўп кунлар давомида Спитамен иштиёқ ва ишонч билан тоат-ибодат қилиб юрди. У сочларини олдирди, қоҳинлар уст-бошини кийди, ўз хужрасида кироатхонлик қилди ва кунига тўрт марта энг ёш қоҳинларнинг дарсида иштирок этди.

Ибодатхонада табиблар мактаби ҳам бор. Ўз навбатида у касалхона вазифасини ҳам бажаради. Унинг боғи турли гиёҳлар, хушбўй ўтлар билан бой. Касаллар гуллар орасида, очиқ хавода эрталабдан кечгача дам оладилар, картларда ётиб куёш нуридан бахраманд бўладилар. Касалларни табиблар турли йўллар билан даволайдилар. Жумладан, айримларини кўз тикилиши ва қўл ҳаракати билан ухлатадилар, чиққан оёқ суягини жойига туширадилар ва хоказо.

Ворис, Лукмон исмли катта табиб хамрохлигида до-рихонага кирди, у ерда коҳинлардан бири ўтлар, асал, зайтун ёғи, илон ва калтакесаклар териси, хар хил жониворларнинг суяги ва ёғидан дори тайёрларди.

Улар ховлига чиққанларида, Спитамен Лукмонга му-рожаат этди:

— Отахон, мен дори тайёрлаш жараёнини кўрдим... айтинг-чи, уларни даволаш учун ишлатиш усуллари қан-дай?

— Касаллик очликдан ёхуд ниҳоят тўқликдан, яъни керакли биллур моддаларнинг етишмаслигидан келиб чиқади. Аклли одамлар ҳамма нарсанинг кетини ўйлаб, хатто овқатланишда ҳам риоя-андиша билан иш тутадилар... Ёшларнинг бадани овқатни яхши хазм қилади. Улар ўрта ёшга кирганда баданларининг ўти анча совиб, хароратлари пасая бошлайди. Бу ёшдаги одамларнинг баъзилари шаробга берилиб, унинг харорати билан ўзла-рини киздирмоқчи бўладилар. Бу хато... чунки булар қариб, вужудига қувват ўрнига заифлик, дармонсизлик пайдо бўлгач, нафас олиш қийинлашиб, баданида бўлган харорат ўтини рутубат — нам, сафро ва савдо хилтлари ҳамда зардоб босиб, сўндиради. Киши шундай ҳолатга тушиб қолса, шаклнинг ҳам ўзгариб хунук бўлиб қоли-ши турган гап.

Риоя-андиша билан овқатланадиганларнинг вужуди, шубҳасиз, меҳнат ва риёзат билан чиниққан бўлиб, кўн-гиллари фақат покликдан қувват олади. Уларнинг умри қанча узун бўлса, қанча кексайса ҳам юз-кўзлари шунча-лик гўзал ва нуруний бўлаверади. Шунингдек, улар яша-ган сари ақл ва билимга тўлиб, яшариб юраверадилар.

Демак, касаллик кўп йўллар билан ва турли хиллар-да пайдо бўлади. Даволашнинг оқибат натижаси ҳам турлича бўлиши мумкин: касалларнинг бири тўла соға-йиши мумкин, бошқаси сал даволанади, учинчиси эса эски холида қолади...

Бу суҳбатдан баҳраманд бўлаётганини сезган Спита-мен ҳақимдан яна сўради:

— Хар қачон баҳор фасли бўлса, катта-кичик, ҳамма жинсдаги инсонлар шоду хуррам бўлиб, кўп касаллар ҳам шифо топиб, хар жойга боришни орзу қилиб қола-дилар. Бу фаслда одамларнинг бунчалик яшнаб, хушнуд бўлиб кетишларига сабаб нима?

Барча илм ва фанлардан хабардор ҳаким бу саволга шундай жавоб берди:

— Бу фаслда одам табиатининг очилиб кетиши фақат гулга қизиқиш, чаманзорлардан зақланиш билан чегараланмайди. Ер юзи ва ундаги одамлар табиати тўрт унсурга бўлинади: иссиқ, совуқ, ҳўл ва қурук; бу эса ўт ва сув, ҳаво ва тупроқ демақдир. Инсон мана шу унсурлардан таркиб топган бўлиб бунга дунёдаги кўп халқлар тан беришади. Бунинг бирига табиблар «қурук-иссиқ» деб ном қўйдилар, иккинчисини эса «қурук-совуқ» деб атадилар; учинчисига иссиқ-ҳўл» деб ном қўйган бўлсалар, тўртинчисини «совуқ-ҳўл» дедилар. Киши табиати ана шу тўрт унсурдан ташкил топгани каби, ер юзидаги табиат ҳам тўрт фаслга бўлинади. Баҳор фасли булардан бири бўлиб, унинг табиати «ҳўл-иссиқ»дир, чунки иссиқлик келтирувчи Рапитвин ер қаҳридан қайтиб юзага кўтарилади.

Спитамен бош табибнинг бу сўзларини тинглаб, шундай хулосага келдики, у хали кўп нарсаларни тушунмас экан.

Кохин инсон танасининг касаллиги ҳақида гапирётганида, Спитамен уни Суғдиёнанинг касал танасига, унинг хазинасининг заифлашиб боришига ўхшатди.

Сўнгра у ибодатхонага келишининг сабабини эслаб, бош табибдан сўради:

— Кохин, табиб ва бошқа муқаддас зотлар менга Суғдиёна хазинасининг одам танаси каби касалланиб бораётгани сирини очиб бермоқчи эдилар. Мен кўрган ва эшитган нарсаларнинг унга алоқаси борми?

— Ҳеч қандай, — жавоб берди кохин-табиб, — биз давлат ишларига аралашмаймиз.

Спитамен чуқур изтироб чекди. У Суғдиёнани тушкунликдан олиб чиқиш учун бошқа йўл билан боришга қарор қилди.



ЎЗГАРТИРИШ

Вилоят хокими вазифасини бажаришни давом эттириш учун Навтокка қайтмасдан Самарқандда қолганлиги боис юзага келган ноаниқлик ҳиссиёти Спитаменнинг юрагини безовта қиларди.

У эрталаб ховли олдидаги боғ ўриндиғида ўтириб, баландга кўтарилаётган қуёш нурлари остида яшнаётган гулларга эътибор билан қаради. Гулларнинг ранг-баранглиги, шонадагиларининг бири пумак, иккинчиси гунча, учинчиси очилган, бошқаси эса аллақачон сўлиб бораётганини кўриб, ўз умрини гулларнинг умрига киёслаб, хаёлга кўмилди. Бу хаёл унинг хаёт йўлидаги ўзгаришлар: гоҳ амал зинапоясида кўтарилиб хурсанд бўлгани, гоҳ режалари бажарилмай умидсизликка тушгани-ю, келажакдаги нотаниш йўллар ҳақида эди. У бутун борлиги билан олдида турган улкан ва жўшқин хаёт йўлининг ташвишларини тушунишга интиларди. «Наҳотки, менинг хаётим шу гулларникидай қисқа бўлиб, тезда сўниб кетадиган бўлса? Наҳотки, мен омадсиз бўлсам?» — ўйлади у ва ўзи кўйган бу савол мужмал туюлиб, уялганидан табассум қилди; унинг қалбида қайнаб чиққан фавворага ўхшаб яна келажакка ишонч билан қараш ҳиссиёти пайдо бўлди.

Спитамен қизил кум сепилган йўлкадан боратуриб тўхтади. Унинг хаёлига, ўз амлокидаги ишлардан бошқа, дурустроқ ишни бошлаш ҳақида хали ҳеч қандай фикр келгани йўқ. У пастки боғда ишлаётган кулларнинг нима ҳақда гаплашаётганларини тинглади. Улар баланд овоз билан кулдилар. Бу кулги унда ачиниш ҳиссиётини уйғотди.

Бу ерда бўлиши мумкин бўлмаган ёш қул, ворисни қуриши билан овози ичига тушди-да, ергача энгашиб қочиб кетди. Бошқаси эса кескинлик билан қўлига кетмонни олиб гул биқинини чопаверди.

— Кетмонингни бунча каттиқ урма, гулнинг томирини кесасан, Зафар.

Зафар пўнғиллаб, сугдий олдига чопиб келди; ерга қараб, кечирим сўрагандай, оғзини очиб жим тураверди.

«Уларнинг кулгиси тентакликми ёхуд болаларча шўхликмиди, — ўйлади Спитамен, — у ўз шўхлигини яширмоқчи бўлди, лекин ўзининг ўринсиз ҳаракатини билдириб қўйгани учун ваҳимага тушди».

У ёш кулнинг иссиқ чехрасига диққат билан қаради-да, унга хитоб этди:

— Тушки овқатдан кейин менинг ҳузуримга келгин, мен сени озодликка чиқариш учун бўйруқ бераман.

Зафарнинг ранг-рўйида пайдо бўлган ўзгаришни кўриб, ворис унга гўё ўзининг ички туйғулари ва миясига келган фикрларнинг инъикосини ўқишга интилгандай тикилди. «Куллик — жамиятнинг энг ёмон нуксони. Бу нуксонни йўқотмасдан жамиятни ривожлантириб бўлмайди, — ўйлади Спитамен. — Кул интизомлиликда ўрнак бўлиши мумкин ва эркин кишилар ҳаётини уятга қолдириши мумкин, лекин у барибир, бахтсизликдир». Спитамен кулнинг юзида миннатдорлик изҳор этиш ҳиссиётини эмас, балки бирон-бир гуноҳ қилиб қўйишдан қўрқиш ваҳимасини кўрарди. Кул ўзининг чўчишини яшириш учун вориснинг олдида тиз чўкди, оёқларини кучоқлади ва шиппагини ўпди. Кул, хўжайин ўз ваъдасини қайтиб олмасин, деб ҳаракат қиларди.

Спитамен кетиш учун бурилди, зафар эса бўлаётган ишни буздим шекилли, деб қўрқди ва ночорлик билан ўриндан турди-да, кетмонини қўлига олди ва ўзича пичирлаб, хафалашган қиёфада ишини давом эттирмоқчи бўлди.

Зафар озодликка чиқаришга арзигулик хизмат қилгани йўқ; уни эркинликка чиқариш нияти озодлик ғоясини камситгандек туюлди, аммо буни амалга ошириш учун унга қим қаршилиқ қилади? Қайси кул озод бўлишни хоҳламайди? Спитамен иккиланди. У тўсатдан яна илтифотли бўлиш нияти билан тўлиб-тошди, ўз кули Пиримард билан бўлган мулоқотни эслади...

Уйи томон йўлкалар билан боратуриб, дарахтларнинг барглари ва шохларидан ерга ва деворга тушган нақшли сояларга меҳр билан боқиб, ибодатхонадаги хужра қоронғилигида баъзан умидсизликка тушган пайтларини эслади ва эркин нафас олиб юрганидан хурсанд бўлди. Елкаларини ёзиб, чуқур тин олди. «Йўқ, мен омадсиз эмас, ўзимнинг бахтли дамларимни кечирмоқдаман».

У ўз уйининг эшиги олдида бир оз тўхтади ва балки, у билан учрашиш учун келаётган бир гуруҳ, аввалдан таниш бўлган йигитларни кўриб, уларни кутмаган бўлса ҳам, хурсанд эканлигини изҳор этди:

– Жаноблар, сизларни кўрганимдан мамнунман!

Унинг танишлари ёш суғдийни кўриб, бир оз ўнгай-сизланиб қолдилар. Спитамен бир дам қимирламай ўрнидан турди-ю, бошини енгилгина кўтарди ва мағрурлик билан қўлларини кўксига қўйиб, келаётганларга тикилиб қаради. Суғдий улар ташрифининг боисини билишни хоҳларди. Унинг сўзлари бу кишиларни уйғунлаштириши лозим. Спитамен кўзларини уларга тикиб, фикрларини ўқимокчи эмас — улар таниш кишилар. Улар — унинг эски дўстлари, ватандошлари, ҳамфикрлари. Тикилиб қарашдан мақсад — аҳд қилган ниятларини бажаришга тайёр ёхуд тайёр эмасликларини аниқлашдан иборат. Улар олти киши эди...

Келганлар билан кўришиб, хол-аҳвол сўрашганларидан кейин, ворис қўлларини яна кўксига қўйиб, «менинг кулбамга марҳамат қилинглар!» деб, уларни ўз уйига бошлаб кирди.

Зал остонасида турган Ҳафиз, тахминан йигирма беш ёшда, вижимланган узун юзли, қорачадан келган, холли, совук кўзли киши, ўртаҳол деҳқон. Унинг ёнида турган киши — Бармак, темирчи, семиз, кўзлари чўккан ва қошлари узун. Нарироқда — Лагомрез, қизил юзли шишарез, кўзлари бўртиб турган, қўллари қалта; унинг ёнида — Абқор, донгдор ёш йигит, юзи узун ва силлик, миждалари қоп-қора; кейин — Анбоз, юмалоқ, юзидан ҳаракатчан яхши кийинган, мамлакатнинг кўп шаҳарларида бўлиб, фақат савдо ишлари билан шуғулланибгина қолмай, форс ва юнон сўз усталарининг санъати билан, асарлари билан танишган киши; нарироқда, бошқалардан алоҳида турган киши — Махрур, ўзининг бефарқ кийиниши билан Анбоздан фарқ қилади. Зал бурчагида тургани, оддийгина кийинган киши, Спитаменга таниш эмас. Сўнгра яна унинг икки таниши — Сайлбор ва Тило.

– Ўтиришларингизни сўрайман, — деди Спитамен зал эшиги олдида туриб ва меҳр билан қўшиб қўйди: — Сизларга шароб ёқадими? — у қўлини Махрурнинг елкасига қўйди-да, ундан сўради: — Кўринмайсан? Сен

билан ўриқдан мураббо пишириш ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлиб юргандим. Сенга айтиш, энди мен фақат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган зироатчи бўлдим ва шундай ишларни билишга қизиқаман.

Мехмонлар ҳали ҳам ўтирган эмасдилар. Фақат Спитамен ўтириб, ёш хизматкор бола кўлидан шароб қуйилган қадахни олганидан кейин, улар ўз ўринларини эгалладилар. Спитамен давом этди:

— Хўш, жаноблар, мен об-хаво ҳақида Сайлбор билан гаплашиб ўтирмайман. Сизлар бошқа иш билан келган бўлсангизлар керак. Бошлаб кўяколайлик.

Ворис ўтирган мехмонларга кўз югуртирди. Мехмонлар йўталиб, курсиларни шиқирлатиб, кўзларини қисиб ва ниҳоят, вакиллар орасида энг бой ва ишчан киши, Анбозга тикилиб қарадилар. Анбоз йўталиб томоғини кирди-да, кўлидаги қадахга қараб бирданига гап бошлади:

— Ҳаммамизга бу учрашувнинг мақсади аён. Биз сенинг жавобингни эшитиш учун келганмиз; жавобинг ижобий бўлишига умидвормиз, жаноб. Сен бизнинг «Муштбозлар жамияти» мизнинг раҳбари эдинг, унинг ишини яна тиклашга, раҳбаримиз бўлишга розимисан?

— Сен бирданига асосий масалага ўтдинг, Анбоз, — деди Спитамен мулойимлик билан, — раҳмат сенга. Бу ердаги барча жаноблардан миннатдорман. Лекин бизнинг учрашувимиз сенинг саволингга менинг жавобим билан чекланмасин. Сувдиёнадаги аҳвол ҳақидаги янги фикрларингизни билмоқчиман. Ҳаммаларингиз биласизларки, мен Навтоқдан қайтганимдан кейин ҳам қарийб тўрт ой ўз вақтимни ибодатхонада ўтказдим. Ўлкамизнинг аҳволи менга аён, лекин аҳоли турли табақаларининг фикри менга нисбатан сизларга аёнроқ. Бу ҳақда фикр алмашсак яхши бўларди.

Тинчлик ҳукм сурди. Анбоз кўлларини тиззаларига қўйиб сукут сақларди; унинг кўриниши салобатли, таҳликали ва қайғули эди.

— Яхши, бўлмаса мен яна айтаман, — деди у, бошқаларга қарамай. — Мамлакат ёмон бошқарилмоқда, жаноб, унда интизом ўрнатилиши керак. Сувдиёна ҳокими, сенинг отанг, унинг умри узок бўлсин, яхши одам, фуқароларнинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилади, аҳолидан кўп солиқ талаб қилмайди. Аммо шох, марказдан келган амалдорлар ўлкамизнинг бойликларини йил

сайин кўпрок ташиб кетмоқдалар. Бу фикримга далиллар келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, буни ҳамма биледи. Шунинг учун, бошқа қўшимча қилмайман. Сенинг отанг бу ерда ожиз. Сатрапликда марказдан келган киши ҳукмронлик қилмоқда. Сен бу ҳақда ўйлашинг керак. — У қўлларини кўтарди, гўё Суғдиёна ишларини тарозига қўйиб ўлчаётгандек, сўнгра қўлларини муштлади. — Вазият оғирлашмоқда. Аммо биз сени биздан юз ўтирасан, деб ўйламаймиз. — У бирданига ўз ўрнидан сакради-да, жўшқинлик билан хитоб этди: — Биз жуда оғир машаққат билан юкланганмиз, халқимизнинг елкалари сийқаланиб кетди! — У бир оз ўзини тутди-да, лабларини қисиб, жойига ўтирди.

— Форс давлати ҳалокат ёқасида турибди, — деди Сайлбор мулойимлик билан. — Йўқотган бозорларимизни биз энди қайта қўлимизга ололмасмиз.

— Гап бунда эмас. Аниқроғи, фақат бунда эмас, — эътироз билдирди Анбоз, хириллаган товушда, зўрға. — Энг муҳими шундаки, биз бундай хўрликка бошқа бардош беролмаймиз. Бизнинг халқимизни икки юз йилдан кўпрок давр давомида таҳкирлаб келяптилар.

— Шундай вақтлар ҳам бўлдики, — деди Спитамен, — хўрлаш ва кеккайишга нисбатан ҳеч ким норозилик билдирмасди, савдо анча ривож топса, олтин ва нуқраларнинг анчаси ўзимизда қоларди. Аммо сен, умуман, ҳақиқий эркак, жонкуяр ватанпарвар сифатида гапирдинг.

Анбоз алланима демокчи бўлди-ю, яна жим қолиб кўзини юмди. Лагомрез унинг фикрини давом эттиргандек сўз бошлади:

— Ҳамма нарсага бардош бериш мумкин, одам чидаркан. Аммо вақт-соати келганда у бошқа бардош беролмас экан, сабр косаси синаркан; менимча, дўстим шундай демокчи бўлди.

Сўзга Махрур қўшилди:

— Менинг даромадим кўпаймоқда, шунинг учун унча нолимайман. Худолар менга боқмоқдалар. Ер менга ҳар йили кўп даромад келтирмоқда. Менинг иккита ўғлим бор, чиқимларим ҳам унча кўп эмас. Лекин биздаги умумий аҳвол билан бошқа келишиб бўлмаслигини сезяпман. Очлик ҳукм сурган вақтлар ҳам бўлди, бошқа қийинчиликлар ҳам оз эмасди. Лекин ҳозирги аҳволни

биз ниҳоят ёмон деб ҳисоблаймиз. Буни ҳар ким ўзича тушунтирмакда, чунки ҳар кимнинг ўз дарду доғи бор.

Махрурга қараб, ворис унинг сўзларини маъқулла-  
гандек бошини кимиради. Сўнгра у Абкорга қаради-  
да, уни гапиришга ундади.

Абкор ўрнидан туриб деворга суялиб, елкаларини  
ишқалаб олди-ю, баланд овоз билан гап бошлади:

— Ҳақиқатан ҳам бизнинг савдо ишларимиз тушкун-  
ликка учради. Ўртаер денгизида бизга — Суғдиёна,  
Бактрия, Хоразм учун ўрин йўқ. Айниқса бизнинг Бухоро,  
Зармаъдан ва Маржонбулоқдаги олтин конларимизни  
қўлимиздан тортиб олганларидан кейин, бизни ҳам-  
маёқдан четлаштиряптилар. Биз ёки борган сари пастга  
тушиб борамиз, ёки уларнинг зарбаларига зарба билан  
жавоб бериш воситасини топамиз. Аммо мансабдор биз-  
нинг қонимизни шимарканлар, биз курашолмаймиз. Агар  
кейин, бизга қарши юнонлар ёхуд македонликлар таш-  
лансалар, биз нима қиламиз? Биз билан бирга, бизнинг  
қонимизни шилган мансабдорларнинг ҳалок бўлиши биз  
учун фойдасиз юпатишдир. Биз Суғдиёнани ҳалокатдан  
қутқариш учун мансабдорларни жиловлаб қўйишимиз  
керак.

— Сизларга яхши уюшган давлат бошқаруви ке-  
рак, — деди Спитамен.

— Бизлар Туроннинг Эрондан қарамлигини йўқоти-  
шимиз керак, — кескинлик билан қичқирди Абкор ва  
бошқаларни тинглагандай, бирданига жим бўлди; зал-  
нинг ҳамма томонига кўз югуртирди. — Сен биласан,  
жаноб, — мурожаат этди у Спитаменга, — мен сенга  
ишонаман. Бизларга раҳбарлик қилишингни сўраймиз.

— Агар мен «хўп» демасам, сен ўз ҳаётингни хавф  
остида қўясан, демоқчимисан? Сенинг ақлинг ҳали ҳам-  
ма нарсага етмайди, сен бу ишларни анча енгил деб ту-  
шунаёпсан, шундайми, Абкор? Сен жасур йигитсан.

— Мен инсон тақдири ҳақида бахслашмоқчи эмас-  
ман, — ғазабланиб қичқирди Абкор. — Мен худоларни  
ҳурмат қиламан, улар менга хайрихоҳ деб ўйлайман. Ле-  
кин ҳар куни азонда уйғониб ўйлайман, бошқа ҳамма  
ишлар менга равшандай туюлади, кейин эса содир  
бўлаётган можаролар мени қийнайди-да, ўз фикримдан  
адашаётганимни сезаман. Ўз хатолари учун бошқаларни  
айбляпти, деб ўйлама.

Анбоз хозиргача айтолмаган фикрларини энди айтишга ошиқиб, бир оз нафратлангандай, кичкириб мурожаат қилди:

— Мен сенинг сўзларингга қўшиламан, лекин фақат шуни қўшимча қиламанки, бизга фойдали маслаҳатлар етишмайди; агар ўз ниятинг тўғрилигини ишонарли қилиб асослаёлмасанг, яхши ишга қўл уришдан не фойда? Биз ҳаммамиз ўз ватанимизни севамиз ва яқдиллик билан кимга қарши курашишимизни тушунамиз.

— Қани, фикрингни давом эттир, ўзингнинг асосланган далилларингни баён эт, — деди Спитамен.

— Мен шунчаки, бизга фойдали маслаҳатлар етишмайди, дедим, лекин бу фикрларимни асослаёлмайман, — хитоб қилди Анбоз. — Бу билан бошқалар шуғуллансин. Мен, сендек машҳур кишини ишонтаришга интилиш учун ўзимга ишаномайман. Бизлар бу ерга фақат сенинг жавобингни эшитамиз, деб келдик. Бошқа нима ҳам дея оламиз? Сен аллақачон ҳаммасини билиб олдинг ва осонгина бизнинг ташвишларимиздан хулоса чиқариб, ниятимизни ўзинг сиёсий жиҳатдан асослайсан.

Унинг чўзилиб кетган сўзини Абкор бўлмоқчи бўлиб ўрнидан турмасдан, бирданига ўтиниб қўл кўтарди. У тез ва қисқа-қисқа қилиб деди:

— Бизни Ахура Мазда кечирсин! Мен ачиниб эшитдим... Бизнинг гуноҳимиз бор... Биз гуноҳимизга тан бермасак, комил ишонч бўлмайди. Биз гуноҳқормиз, дедим мен ва агар тавба қилмасак, тузалмасак, холимиз хароб бўлади. Биз ака-укалардек, жамжиҳатлик қозони атрофида ўтирибмиз, бир жамиятнинг аъзоларимиз, аммо атрофимиздаги очкўзликни кўриб, ёлғон қах-қаҳа уришларни эшитиб жим турамиз. Бизда самимийлик етишмайди.

У бўшалиб, уялганидан қизарди.

— Ҳа, шундай бўлсин. Бошқалар каби, мен ҳам гуноҳқорман, чунки менинг аклим хиралашган. Спитамен, бизни ёритгин, бизга йўл кўрсат, биз сендан сўраймиз! — деди Хафиз.

Фақат табассум қилиб юрадиган Тилло ва зал тўрида ўтириб вазминлик билан барча сўзларни тинглаган калтарок кишидан бошқа ҳамманинг юзларидан улар хижолат тортаётганликлари билинарди. Зироатчи ўз еридан яхшигина хосил олаётганлиги учун, менинг норозилик

билдиришга асосим йўқ, деса темирчи зимдан шишапазга қарарди, шишапаз эса заҳарханда қиларди. Абкор ўзининг юнонлар маорифининг ҳимоячиси эканлигини ва Арасту ғояларини жамиятда тарғиб этиш учун тайёр эканлигини билдириб, яна ўлкадаги аҳволга қайтди:

— Бу ерда сўзга чиққанлар, — деди у, — ўзларининг моддий шароити яхшилигини кўрсатишга уриниб, асосий масаладан четлашдилар. Бизнинг ўлкамиз юқори маъқели давлат даражасидан қарамликка, қашшоқ сатрапликка тушиб қолди. Бизни қуролланиб, ўзини ҳимоя қилишимизга йўл қўймайдилар. Агар биз ўзимизни ҳимоя қилиш учун қўл кўтарсак, улар бундан фойдаланиб, бизни йўқ қилмоқчи бўладилар. Бизнинг раҳбарларимиз фақат кўпроқ бойишга, ўз қўлларидан бойлик манбаларини бермасликка ҳаракат қиладилар. Камбағаллик ўсмоқда. Шоҳ хазинаси учун солиқ кун сайин ўсмоқда, у асосан ночор, майда дехконлар, майда савдогарлар ва хунармандлар елкасига тушмоқда.

Биз бу ерга Спитамендан илтифот сўрашга келганимиз йўқ! — тўсатдан зарда билан хитоб этди у. — Биз ҳаққимиз бор нарсани талаб қилишга келдик. Биз бир неча авлодлар ҳаёти давомида форс давлатини, ахамонийлар сиёсатини қўллаб келаётган Сувдиёна фуқароларининг вакилларимиз. Биз Сиёвуш авлодининг энг кўзга кўринганларидан бирини Турон халқи талабига жавоб беришга чақирамиз!

Спитамен бош эгди. Унинг юраги қувончдан тўлқинланиб кетди, аммо маъруза учун вақт ҳали бор. Унинг сезгирлиги бу борада атрофдагилар билан қачон яқин алоқа ўрнатиши лозимлигини ўзи билдиради. Қураш ва ҳамжиҳатликни кучайтириш дамлари албатта, келади. Шошиш ярамайди, деб ўйлади Сиёвуш насли.

Анбоз норозилик билан ух тортиб, ўтирди. Тилло, унга навбат келганлигини сезиб, бепарво оҳангда сўз бошлади:

— Мен сак қабиласининг вакили сифатида гапиришга ҳақлилигимни билиб, суғдийлар, массагетлар ва бактрияликлар вакилларининг ниятларини чин қалбимдан маъқуллайман. Мен Персеполда бўлганларнинг бири сифатида гапирмоқчиман. Бу катталик қилишни севувчилар, тарбия кўрмаганлар ва судхўрларнинг бозор шаҳри. Мен — сак ва шахрингизнинг дўстиман, шунинг учун



Сугдиёна шухратини пасайтиришга каратилган ҳар қандай ҳаракатни қоралайман. Яна шуни айтмоқчиманки, ҳуқуқий тенглик учун кураш билан Сугдиёнанинг аввалги шухратини қайта тиклаш учун курашни бирлаштириш менга ёқади. Ана шу ниятларни амалга ошириш учун бизлар бир тан-бир жон бўлиб курашмоғимиз лозим.

Спитамен унга самимий имлаб қўйди ва нотаниш кишига тикилиб деди:

— Энди навбат сенга, менинг содик дўстим, исмингни билмайман.

— Унинг исми Бакир, Бактрия ҳамжихатлик жамиятининг вакили, — деди Анбоз.

Бакир ўйланиб қолди-ю, кейин ўрнидан турди.

— Бизнинг сатраплигимиздаги аҳвол Сугдиёнадаги аҳволга ўхшайди. Агар бизларнинг жамиятларимиз бир-бирлари билан алоқа боғлаб ишласалар яхши бўларди. Мен жанобимиз Спитаменни қўллайман, — деди у тўсатдан ва бехосдан жим бўлди. — Бари гапим шу, — қўшиб қўйди у, овозини пастлаб ва ўрнига ўтирди.

Спитамен ўзига навбат келганлигини ўйлади. Чиқиб сўзлаш ва меҳмонлар таклифини қабул қилишдан аввал, у бутун форс давлатидаги аҳволни ва Сугдиёна меҳнаткаш фуқаросининг аҳволини кўз олдига келтирди. У тоғларнинг поғонали ёнбағирларини, дехконлар кулбаларини, текис ва нишаб далалардаги буғдойзорларни, яқин-яқинлардаги мевали дарахтлар майдонларини, чинор ва нуқрананг баргли терак дарахтлари сояларини тасаввур этди. Гўё баландликда туриб уларнинг форум хидларини искаб, улардан тўйиб нафас олаётгандек, пастликда эса қахрабо тошлар қоялари орасидаги булоқлардан чиқаётган зилол сувлар шариллаб оқаётгандек туюларди унинг кўз наздида. Гўё, тўсатдан сохил йўлларида унинг пешқадам аскарлари пайдо бўлдилар; улар чарчаган ва чангга беланган, тердан бошига сочлари ёпишгандек кўриндилар; Спитаменнинг бу ерда турганини ва уларга тикилаётганини гўё, аскарлар сезяптилар. Лекин, аскарлардан бири уни кўриб қолиб, сафдошларига уни кўрсатиш учун қўлини юқорига кўтарди. Бу хабар барча аскарлар қаторига тарқалиб, улар қадларини ростладилар. Улар Спитаменни севадилар! «Мен уларнинг таклифларини рад қилишим, раҳбарлик қилишдан бош тортишим мумкинми? — ўйлади у. — Ал-

батта, йўқ. Демак, мен бу меҳмонларнинг ҳам таклифларига рад жавобини бериб, муштбозлар жамиятини бошқаришдан воз кечишга ҳақли эмасман. Муштбозлар жамиятининг бу вакиллари ўз олдларида хайрли вазифани қўйганлар, мен буларга ҳомийлик қилишим керак». Агар у муштбозларга раҳбарлик қилса, отаси илгари сурган Навтоқдаги иш фаолияти давомида ва ибодатхонада бўлган чоғида ўйлаган, аммо тўғри жавоб тополмаган саволларнинг тақдири нима бўлади? Уларга жавоб топа оладими? Нимайки бўлса, улар Туронзамин фуқароларининг вакиллари-ку, ҳаққоният учун, ўз она ерларининг озодлиги ва мўътадил тараққиёти учун курашмоқдалар-ку, деб ўйлади Спитамен.

— Дўстларим, — деди у, — мен сизларни мажхуликда қолдирмайман. Собиқ жамият ишини тиклаш ва унга раҳбарлик қилиш ҳақидаги таклифларингизни қабул қиламан. Аммо шуни айтишим лозимки, бу ердаги сўзларингизга қараганда, фаолиятларингизда сизларга бирлик ва интизом етишмайди. Сизлар учун муштбозлик санъатини такомиллаштириш ва чиниқшигина етарли эмас. Биз якка кураш усуллариини ўргандик, такомиллаштирдик, анча ўсдик, аммо биз фақат ўзимизни кўрдик, ўз фаолиятимиз билан чегараландик. Ҳар ким ўз манфаатини кўриш билан чекланмоқда. Бу — учрашувимизда айтган сўзларингиздан ҳам яққол билинди. Биз ўлкамиз учун, унинг фуқаролари учун ҳам қайғуришимиз керак. Менинг бу фикримга қўшилишингизни биламан. Ўлкамизнинг истиқлолга эришиши учун «Муштбозлар жамияти» ҳам курашиши лозим. Бунинг учун ўрталарингиздаги муносабатда тушунмасликни, умуман фаолиятингиздаги айрим камчиликларни йўқотиб, дадиллик билан ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашингиз керак. Бу ўлкамизнинг келажаги учун курашда, мансабдорлар бебошлигини тийишда муҳим. Мен ана шуни таклиф этаман.

Паст овоз билан, аммо хаяжонли ўзаро гаплашиб ўтирган жамият вакиллари, Спитаменнинг розилик билдирган сўздан кейин ўринларидан туриб, шовқин кўтариб, ўз хурсандчиликларини изҳор қилдилар.

Меҳмонлар тарқалиб кетдилар. Форс мансабдорларига қарши кураш энди очикдан-очик олиб борилиши керак бўлса ҳам, улар бошқаларнинг диққатини жалб қилмасликка ҳаракат қилишди. Алоҳида-алоҳида бўлиб

чикиб кетишди. Бошқа кўчага ўтгандан кейин, Абкор ва Махрур яна учрашдилар.

Улар қўшни кўчанинг охирига етганларида, Махрур сўради:

— Спитама қарорининг оқибати нима бўлади? Мен фикрингни билмоқчиман.

— Ҳеч қандай оқибати бўлмайди, — жавоб берди Абкор, чакқонлик билан. — Ҳаёт ўзгармайди. Хатто Спитамендек ҳаракатчан ва доно одам ҳам уни ўзгартиришга қодир эмас. Биз фақат санъатда янгиланишни кўрармиз. Вақти-вақти билан айрим ўзгаришлар, марказнинг ўлка фуқароларига қисман ён бериши ёки кичик имтиёзлар бериши мумкин, лекин халқнинг аҳволини яхшилайдиган туб ўзгаришлар бўлмайди. Мен шундай деб ўйлайман.

Махрур саросимага тушиб, жойида тўхтаб, паст овоз билан сўради:

— Бўлмаса нима учун бундай қарор қабул қилдик, агар ундан фойда бўлмаса? Менга энди ҳаммаси барибир, бирдан-бир менинг хоҳлайдиганим, — бу ўзгаришлар. Нима учун сен ислохот бўлмайди, деб ишонч билан айтасан?

У бир нафас оғзини очиб жим турди, кейин оҳ тортди-ю, яна хитоб қилди:

— Менимча, қандайдир ўзгариш бўлади!

Улар секин юра бошладилар, шаҳар марказига етиб келдилар. Уларни шаҳар ҳаётининг гирдоби қуршаб олди. Абкор шаҳарнинг ўз одати, одамлари серташвишлиги, ҳаёти жўшқинлиги билан кишлоқдан фарқ қилишини билса ҳам, яна шу фарқларни чуқурроқ сизди. У тоғнинг тоза ҳавосини, чўпоннинг сурнай наволарини қўмсарди, ахир, бу наволар ҳам сўпитўрғайнинг сайраши билан беллашиши мумкин-ку. Аммо у шаҳар ҳаётининг овозини ҳамиша бамисоли улкан оч махлуқнинг ялинишига ва шовқин-суронига ўхшатади. Ана у дўқондан қулоққа чалинаётган мисгар болғачасининг урилаётган тинмас овози — гўё шаҳар касал юрагининг беқарор уришига ўхшайди; арава орқасидан гурсиллаб ва тақиллаб тушиб кетган челақчанинг овози фалокат хабарига ўхшайди. Кичкина бола ўзининг лўппигина, кучсиз муштлари билан ёпиқ эшикни қоқмоқда; арава остида ит новилламоқда. Шаҳарнинг кундалик, чуқур мазмунга эга бўлма-

ган ҳаётининг икир-чикирлари, кўчаларда сайр килиб юрган шахарликларнинг гала-ғовурлари Абкор эътиборини ўзига жалб этди.

Абкор бурилиб Махрурдан сўради:

— Сен овқатланиш учун мен билан Хибрана ошхонасига кирарсан?

Махрур бир оз иккилангандай туриб деди:

— Ўша арман хотинни кимгами? Майли.

— Ҳа. У келганингдан хурсанд бўлади.

Кўча бўйидаги уйларнинг аксарияти бир қаватли, ҳар жой-ҳар жойда икки қаватли уйлар ҳам учрайди. Уларнинг деворларидан сомонли лойсувоқлар тушиб, таъмирлаш кераклиги билиниб турибди. Айрим уйларнинг томига қўнган каптарлар бир-бири билан ғовур-ғувурлаб ўйнашардилар; ана у уйнинг деразасидан ташқарига чиқариб осиб қўйилган тўр-қафаслар ичидан бедананинг сайраётган овози, бошқасидан — каклик овози эшитилмоқда. Ҳовли орқасидан бўёкчиликнинг хиди келмоқда. Эшиги устида оқ матодан соябон кўтарилган мана бу уйнинг олдидаги кўкракларни жун билан қопланган одам: «Ажойиб шароб ва Зарнуматининг қовурилган балиғи! Марҳамат килинг!», деб кичқирмоқда. Ҳовли бурумида сочлари ипак тасмача билан ўралган ва қўлида шишадан ясалган билагузукли кизча ўйнаб турибди.

— Марҳаматли жаноб, — шивирлади қандайдир киши Абкорга зимдан қараб, — менинг хотиним уйимда туюлмай азоб чекмоқда. Ўтинаман, менга биш дирхам пул бер.

Уйдан нотаниш одам, лабларини артиб, ташқарига чиқди, у секингина аввал кўчанинг юқорисига, кейин пастига қаради-да, уйлар орасидаги тангкўчага бурилиб кетди. Кимдир унинг кетидан «Спитамага ўхшайди», деб суғдийнинг номини айтди. Абкор дарҳол бурилиб қаради, лекин бу сўзни ким айтганини билолмади. У яна Спитамен номини аниқ эшитди. Бел ва ўроқ сотилаётган дўкон ёнидан югуриб кўчани кесиб ўтган аёл, аравага сопол идишларни ортаётган эркак билан гаплашди. Аёл ва эркакнинг бошлари яқинлашдилар, улар бир-бирларига пичирладилар. Патнисда ширин кулчалар кўтариб бораётган қора кўзли қиз йўлда ўз танишини учратиб тўхтади-ю, сўз бошлади:

— Ҳа, бу тўғри гап, Спитама шундай қилибди.

Абкор ўз қулоқларига ишонмасди. Нахотки, уларнинг бари Спитамен ҳақида гапирётган бўлсалар? Ҳаёт ҳарҳолда, ўзгарадимикан? Ёки у хато қиялпими? Йўқ. У Спитамен номини бир неча бор баралла эшитди. Шаҳар бўйлаб Спитамен ҳақида дув-дув гап юрибди.

Абкор ва Махрур ёнбошдаги кўчага бурилиб, ошхонага йўл олдилар.

Ошхона остонасида Махрур ва Абкорни баланд бўйли, нозик матодан тикилган белбурма хитон кийган ёш аёл кутиб олди, аёл уларни ичкарига киритиб, дам олиш хонасида ўтирган ошхона эгаси ва чўзилиб ётган икки меҳмон билан учраштирди.

— Сизларни келишларингизни мен гўё билгандек...

Хибрана баланд бўйли ва тўлароқ, очсарик сочли чиройли аёл, ўрнидан туриб янги келганларни қаршилаб олди.

— Махрурни бирга олиб келганингдан хурсандман. У охирги вақтлар мени назари олмайдиган бўлган. Биз охирги марта қачон учрашувдик, эй бераҳм? — оддий сўзларни ҳам у димоғдорлик билан гапирди.

— Икки ойча бўлди, — жавоб берди Махрур.

— Биласизларми, — давом этди Хибрана ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин, — менинг кизларимдан бири шундай хабарни келтирди. Гўё Спитамен Навтоқдаги нойиблик лавозимидан воз кечиб, оддий фуқаролар ичида ишлашга аҳд килибди. Шу тўғрими?

— Мен хайрон бўлмасдим, — деди Абкор, бошқа меҳмонларга қараб: — О, Холифар! — хитоб этди у, меҳрибонлик билан. — Сен янги хосилдан тайёрланган ўсимлик мойидан олдингми?

Холифар финикиялик, ўрта ёшли, кўзга яққол ташланадиган юз бичимли киши, қўлидаги қадахдан шароб хўплаб, деди:

— Сен, Абкор, — мулойимлик билан эътироз билдирмоқчи бўлди у, — хали ҳам бошқаларнинг ишига аралашадиган одатингни ташламадингми? Сенинг ҳақингда мен баъзи гапларни эшитдим.

— Бир оз кайфинг ошгандан кейин бу ҳақда менга айтасан, финикиялик дўстим, — деди Абкор. — Бу жуда қизик.

У Махрурга қараб кўзини қисди-ю, ўрнидан турди. Махрур эса орқасига бурилиб, овқатланаётган Барзуф исмли яқин дўстини кўрди.

— Кечирасан, мен сени кўрмапман! — хитоб этди у ўзига келиб ва унинг қўлларини ушлади. — Сен аллақачон амлокингдан келганингни билмапман.

— Келганимга бир неча кун бўлди, — деди Барзуф. Кенг елкали бу йигитнинг табассуми унинг чиройига чирой кўшарди. — Лекин кўчага фақат шу бугун чиқдим. Ҳисоб-китоб ишлари шунча йиғилибдики, уйда ўтириб уларни чиқаришим керак.

— Аммо бугун мен билан бу гўзал опанинг ошхонасига келишга рози бўлди, — деди Холифар, зимдан Хибранага қараб. — Абкорнинг ўсимлик мойи ҳақидаги гаплари ҳозирча гаплигича қолиб келмоқда. Бозорларимизда унинг жуда камлигини билатуриб, бу йил зироатчилар бу ўсимликни кам экканлар. Агар зиғир ва кунжутни бемалол эксалар, бир-икки йилда кўпайиб қолар. Сизгир Спитамен ўз амлокида бу ўсимликларни кўпроқ экишни буюрибди.

— Оҳ, бу Спитама, — яна гапирди Хибрана, — ҳамма ишга улгуради.

Махрур танаввул вақтида хаёлига келган фикрлар ҳақида Абкорга ҳеч нима демади. У бошини куйи солиб, зиддиятли фикрларини бир-бирига солиштириб, ўзини кийнади. Абкорга бу ердан чиқиб кетишларини таклиф этиб, у ўрнидан турди-да, ошхонадан чиқиш йўлагига борди. Йўлакка кимдир яқинлашарди. Махрур ташқарига чиқди, чакмонига ўралган ва унинг ёқасига бириктириб тикилган қалпоқни кийган бу номаълум шахс эса унга йўл бериш учун ўзини четга олди. Махрурда бу сирли шахснинг кимлигини аниқлаш иштиёқи пайдо бўлди, чунки бу одам балки давлат жосуси бўлиб, Спитамен ҳақида маълумот тўплайдиганлардан бўлиши мумкин, деб гумонсиради; унинг юрагини нафрат кийнай бошлади. Аммо у, бу сирли шахс билан учрашмади; у менинг орқамдан келар, деган ўйда йўлакдан бораверди, лекин оёқ товушлари эшитилмади. У Спитаменни эслаб, жуда хурсанд бўлди ва шу таассурот билан кетди.

\* \* \*

Кўчаларда оғиздан-оғизга кўчиб юрган Спитамен ҳақидаги маълумот турли айланма йўллар билан Суғдиёна арбобларининг уйларигача бориб етди. Бозор-



да озик-овқат масаллиқларини харид қилиб юрган кул бу хабарни ошхонага қўтариб келди, майда ошпаздан у бош ошпаз қулоғига етди, ундан эса хўжалик бошлиғи эшитди. Хўжалик бошлиғи ҳам тегишли пухтакорлик билан бу дахшатли хабарни аниқлаб олгандан кейин ҳокима Зардозага етказди, у эса ўз навбатида, эрига — Спэнтага айтди. Давлат маслаҳатчиси Виштаспнинг эса бу хабар жосуслари ва амалдорлари орқали ҳаммадан илгарироқ қулоғига чалинди.

Виштасп бу хабарни Спэнтага шахсан ўзи етказиб, бу ҳақда батафсил гаплашмоқчи бўлди.

Сатрплик маҳкамасидаги ораста зал. Спэнта ҳузурида Виштасп ўтириб, Спитамен ҳаракатларидан хасратлашмоқда:

— Спитама бизнинг хурлигимизга шукр қилмай, хар хил номаъқул ишлар билан шуғулланиб юрибди.

— У ёшлик қилмоқда, — деди Спэнта.

Виштасп ёш суғдийнинг ниятлари ҳақида хабар бериши билан, Спэнта дарҳол бу воқеанинг оқибатини ўйлаб кўрди: бу янгилик Персеполда қандай таассурот қолдиради ва нималарга олиб келиши мумкин?

— Буларнинг ҳаммаси тақводорлик ва диёнатлилигининг пасайиб борганидан, — тантана билан огоҳ этди давлат маслаҳатчиси, қўлларини силкитиб. — Фуқаролар қурбонлик қилишнинг қимматлашганлигидан нолимоқдалар, улар борган сари бағритош, бераҳм бўлмоқдалар... Агар Ахура Мазданинг сизга ўхшаган жонқуяр ўғлонлари бўлмаганида, мухтарам жаноб, олам ағдаргўнтар бўлур эди...

Спэнта аллақачон фикран ўзининг биринчи қадамини белгилаган эди: у Виштаспга ўз ўрталарида мавжуд бўлган айрим келишмовчиликларни унутишни таклиф этди. Суғдийнинг иккала, энг нуфузли кишилари фуқаролар ғалаёнининг умумий хавфи олдида бирлашишлари, бу ҳаракатдан Спитамани узоқлаштиришлари лозим.

Спэнта ўз ўғлининг тақдиридан кўрқарди. «Виштасп уни обрўсизлантириши мумкин, — ўйлади у, — бу хавфдан уни қутқариш лозим...»

— Янги чора ва тадбирлар зарур бўлмоқда, — деди Спэнта.

— Тўғри, уни Самарканддан узоққа, бирон-бир вазифани бажариш учун жўнатиш керак.



Бу борада Виштасп олдида янги муаммолар вужудга келди. У аввал Спитаменни ўз томонига ағдариб олиш, бунинг учун унга ўз қизини хотинликка беришни умид қилган эди. Бироқ Спитамен Зарага уйланди, лекин ундан ўғил эмас, қиз туғилди. Демак, хали ҳамма ниятлар пучга чиққани йўқ, ҳисоблади у.

\* \* \*

Спитамен кечки овқатни хотини билан танаввул қилиб бўлганидан кейин қўлини ювмоқчи бўлди. Пиримард дастшўяни ушлаб, унинг қўлига сув қуярди.

— Пиримард, — деди у бошини кўтармай, — мен Зафарга, уни эркинликка чиқармоқчи бўлганимни айтдим. Уни топиб менинг хузурумга юбор.

Пиримард букилиб таъзим қилганча, кўздан ғойиб бўлди; бир неча дақиқатан кейин такаббурлик билан Зафар кирди; унинг сурбетлиги тўсатдан хушомадгўйликка айланди. У қалин гилам устига мукка тушди.

— Мен ўз сўзимда турибман, Зафар, — деди Спитамен мулойимлик билан, — бошқалардан фарк қилмасанг ҳам, сени озодликка чиқараман. Эркинликка чиқиб нима қилмоқчисан?

Зафар бошини кўтарди — у қайтадан ўзига ишониш хиссиётини сизди.

— Жанобимнинг ёрдамлари билан мен кандолатчи ёки новвой бўлай деяпман.

— Кичкина ер майдонини олиб зироатчилик қилсанг бўлмайдами? Сен доим боғдорчилик билан шуғулланардинг-ку.

— Йўқ, жаноб, мен зироатчиликни ёқтирмайман, менинг юракдаги хавасим, — деди Зафар, шилкимлик билан тиржайиб, — агар менга озроқ маблағ берсанг, новвойхона очардим у бахтли новвой бўлардим. Сендек бадавлат ва худолар назар қилган жаноб учун битта новвойхона нима деган гап! — У тупурди. — Кечирасан, жаноб, мен сенинг олдингда тупурдим, буни мен сенга кўз тегмасин учун қилдим. Сенинг олдингда одобсизлик қилмадимми, хўжайин?

— Ҳа, сен одобсиз сўзларни гапира олар экансан, шунинг учун сендан олижаноб дўкондор чиқиши мумкин, — деди Спитамен табассум билан. — Сен ажойиб

кулчалар ва ширинликлар пишириб, ҳар куни улардан истеъмол қилиб, ҳўкиздай семириб кетишинг мумкин.

— Э, йўғ-е, жаноб! — кичқирди Зафар гердайиб. — Мен ҳар куни ширин кулчалар ва обинон юбориб, жанобимнинг дастурхонини безатардим. Лекин менга маблағ керак...

— Сен маблағ оласан, — унинг сўзини бўлди Спитамен, кетишига ишора қилиб. — Эртага эрталаб бу ишни албатта, бажарамиз.

Зафар яна ўзини ожизона кўрсатиб, залдан букилиб чикиб кетди.

«Бу қандай эркинликки, уни кул тушмагур мақсад учун фойдаланмоқчи бўлса? — ўйлади Спитамен. — Қуллар орасида мен яхши фазилатли одамларни топа оламанми? Фақат муштбозлар жамиятида ва аскарлар орасида яхши фазилатлиларни учратдим». Унинг бу фикрларида мантиқсизлик бор эди, аммо у, бу мантиқсизликни бошда сезмади. У Зафарга эркинликни ўзини-ўзи синаш учун ваъда қилдими, нафратланишини ёхуд ишончини фуқаролар қандай тушунишлари мумкинлигини билиш учун қилдими? «Мен эгалламоқчи бўлган кадриятлар нимадан иборат? — ўйлади у. — Тинчлик жангу жадал йўли билан юзага келадими? Эҳтимол, бундай хулосага келиш мантиқсизликдир». Бу зўрлик, фақат куч ишлатиш моҳиятидан иборат бўлиб, ана шу йўл орқали ҳаёт қайта тикланиши, яшнаши ва тинчлик қарор топиши мумкинми? Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳаёт йўли фақат зўрлик ишлатишдан иборат бўлмаслиги керак. Донолик қани? У турли фалсафий ғуруҳларнинг донолик саройларида бўлиб, уларнинг бу боладаги бахсларини тинглагани; бу бахслардан у заруриятнинг эркинлик иродаси тўқнашувга олиб келади, деб тушунди. Донолик саройи қулаб, ҳаётнинг ўзгариши ҳам мумкин, деб ўйлади Спитамен.

Демак, Суғдиёна фақат ўз мустақиллигига эришганидагина ривожланади, деган хулосага кела бошлади ёш суғдий аҳолининг турли табақалари ичидаги фикрларни эшитиб. «Биз истиқлол учун курашмоғимиз керак, бўлмаса эркин бўлолмаймиз», деб ўйлади Спитамен. Ва гўё васвасадан ҳамда қандайдир алданишдан қутилгандек бўлиб, у ўзида янги куч уйғонаётганини сизди. Бу куч кўшиқнинг қолибона парвози — минглаб тинг-

лаётганларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётгандек, хаммани махлиё қилаётгандек туюларди. Ана шундай хиссиёт унда жўшқин ураётган дамлар, унинг фикрида пайдо бўлган ёлқинлик, фаолиятида туғилган янги йўналишнинг, туб ўзгаришнинг бошланганидан далолат берарди. Бу фақат отасининг саволларига жавоб бериш эмас, балки Суғдиёна фуқаролари томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга ҳам қаратилган. Спитамен ўз ётоқхонасида дам олаётган бўлса ҳам, бу фикрлар унга тинчлик бермасдилар.

У ўрнидан туриб, енгил ва тез қадам ташлаб ёнбошдаги кичикроқ залга ўтди. Устига Ахура Мазданинг ҳайкали турган жовон олдида доим ёнаётган шам ёхуд чирокча турарди. Спитамен худо ҳайкалига сажда қилиб, ўз фикрлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди. «Истиклол учун курашиш керак», — деди у секин овоз билан ва қўлларини ибодат қилишга очиб қўтарди. Спитаменнинг хиссиёт ва ақлини забт этган ғулғула ва ташвиш шу дақиқаларда дахшатли тус олиб, осмондаги момақалдиروқ вақтидаги чакмоқнинг дам чақиб, дам ўчганидек, мингларча тахлитда чатишиб чақнаб кетганидек, унинг юзида бўронга ўхшаб ифодаланди. Унинг кўзлари ярқирар, баъзан юзида заъфаронлик ранги пайдо бўлар, гоҳида қизарар, териси остида мускулларининг шишлари кимирилди. Аммо барибир, унинг юраги текис урарди.

## С а к к и з и н ч и б о б

### РАҚОБАТ

Спитамен ўлка аҳолиси турмуш даражаси пасайиб, зиддиятларнинг кучайиб бораётганига бефарқ эмас. У катгароқ муддатда Самарканд аҳолисидан анча узоқлашганидан шаҳарнинг жўшқин ҳаётини бошқача ҳис этарди. Бу ҳаёт унга ҳаракатга келтирувчи довулдек таъсир қиларди. У воқеалар гирдобига чуқурроқ шўнғиб кетишга, оддий фуқаролар фикрига жавоб беришга интиларди. У Афросиёбдаги Расад маҳалласининг бозорида ва катор дўконлари бўйлаб юрадиган бўлди, сотувчи зироатчиларнинг харидорлар билан баҳсларини, харидорлар ўртасида бўладиган ҳасратли гапларни эшитди.

— Шаҳар мансабдорлар томонидан хўрланди! — деди харидор ёнидасига бурилиб.

— Шаҳардагина эмас, туманларда ҳам аҳолининг ғазаби шунча ошганки, каззоб мансабдорларга қарши кучли тўполон кўтарилиши мумкин, — жавоб берди иккинчиси.

Бу сўзларни эшитган Спитамен ўйлади: «Сугдиёна ўз эркинлигига эришмас экан, фуқаро тинч бўлмайдиганга ўхшайди. Шунинг учун биз истиқлол учун кураш йўллари ҳақида ўйламоғимиз керак...»

Шу фикрлар билан у уйига қайтди. Лекин тинчланмади, Туроннинг Эрон сатраплигига айлантирилган йилларида маҳаллий қабилаларнинг зодагонларга қарши бирлашиб курашганларини эслади.

Бирлашиб курашиш узок ўтмишда уруғ, авлод, сулолалар иттифоқи сифатида юзага чиққан эди. Аввал уруғлик иттифоқи ҳокимият ташкилотларига хизмат қилардилар. Мансабдорлар уларнинг итоаткорликлари эвазига вақти-вақти билан хайр-садқа бериб турганлар. Сулолалар иттифоқи сайловларда зодагонларга овоз бериб, уларнинг мансабдорлик муддатини чўзишга ёрдам берганлар. Лекин секин-аста фуқароларнинг мансабдорлардан норозилиги ошиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этадиган ғалаёнлар кучаяверди. Шунинг учун шохлик фармони билан сулолалар иттифоқининг мажлисларини ўтказиш умуман тақиқ этилди. Аммо бу ғалаёнлар Сиёвуш авлодларининг давлат ташкилотларидаги мавқеи кучли бўлганлиги учун, Сугдиёнадаги аҳволни нисбатан яхшилашга сабаб бўлардилар. Сиёвуш авлодлари иштирокидаги фуқаролар ғалаёни шох ҳокимиятини чўчитиб шаҳар учун анча енгилликларга эришди. Сугдиёнанинг ички ва ташқи савдоси анча ривожланди, меҳнатга қобилиятли ва иштиёқи бўлган ҳар бир киши ўзига яраша иш топа олишига ишонадиган бўлди. Узок давом этган иқтисодий турғунликдан кейин Сугдиёна кўтарилди, ишчанлик яна жонланди. Аммо Умасу шохлигининг бошланиши билан Сугдиёнанинг социал-иқтисодий аҳволи ёмонлашди, Спэнта ҳокимияти сусая бошлади. Меҳнаткаш оммасининг турмуши оғирлашди. Агар Спитамен оддий фуқаролар манфаатини ҳимоя этадиган жамиятга раҳбарлик қилса, балки аҳвол яхшиланади, ўлканинг ўтмишдаги шухрати маълум даражада қайтиб келади,

деб ўйладилар «Муштбозлар жамияти»нинг аъзолари. Шунинг учун Спитамен ўз дўстларининг таклифларини қабул қилди. У аҳоли орасида юриб, фуқаролар фикрини эшитар ва ўйга ботарди.

Катан «Муштбозлар жамияти»ни қайта тиклаш ваколат гуруҳининг ҳарбий ишлар бўйича ташкилотчиси, шаҳар сиёсий ҳаётидаги аҳволни яхши тушунтирди:

— Шаҳар Умасунинг мансабдорлари томонидан хўрланди! Яқинда шаҳарнинг марказий Мажлис майдонида кўп халойик тўпланди, фуқаролар олдида сўзга чиққан нотиклар Бағабигга ўхшаган форс мансабдорларининг оддий фуқароларни алдаганларини фош қилдилар: зироатчиларнинг ўз ерларидан махрум бўлганликларини, майда савдогарнинг бсва хотини ўзини-ўзи ўлдирганини, дўкондордан икки марта солиқ олганларини айтиб бердилар. Бундай хўрланишларнинг охири йўқ. Фуқароларнинг ғазаби шунча ошдики, тўполон кўтаришларига оз қолди.

Бундай хабарларни эшитган Спитамен ўз мақсадини амалга ошириш учун катъийлик билан бел боғлади, ўз фикридан қайтмасликка аҳд қилди, ўсиб бораётган зиддиятларга дадиллик билан аралашаверди.

Спитаменни Ўртаер денгизи сохилларидаги шаҳарларга сатраплик вакили сифатида топшириқли сафарга юбориш кечиктирилиши сабабли, унга бошқа вазифаларни бажаришга тўғри келди. Моҳияти Спитамендан яширинган бу майда топшириқлар унинг меъдасига тегди. Шундай бўлса ҳам ёш суғдий, хокимликнинг вориси сифатида ўзи учун керакли тажрибани орғириб юрди. Албатта, Спэнта, ишнинг кўзини биладиган, чаққон, молмулкни сақлай оладиган, кўпайтиришга қодир ворисга эга бўлишни хоҳларди, лекин шу билан бирга, Спитамени ўз ишлари сир-асроридан воқиф бўлишга ботинмасди. Спэнта аро йўлда қолган бўлиб, бир томондан у Спитаманинг фаолиятли бўлишини хоҳласа, иккинчи томондан унинг фаолияти ўсишига монелик қиларди. Спитамен бу борада нима учун отасининг хайрхоҳлигини қозонолмаслигидан хайрон. Баъзан мавжуд камчиликларда ўзини айблаб, тўлиб-тошар ва ғазабланарди.

Спитаменнинг майда ишлар билан шуғулланиш кунлари ўтди: у энди қарзларни ундирар, савдо ишлари билан шуғулланар, ҳужжатларни текширар, қарздорлар ўз

вақтида қарзларини узмасалар, жарима тўлашларини огоҳлантирар ёхуд койирди. Бу вазифани у жуда койилмақомлик билан бажарарди, аммо барибир, ота билан ўғил ўртасида ҳақиқий ишонч ҳали йўқ. Отасининг молиявий ишларини тушунишга уриниш, мураккаб рақобатлар қандай ҳал қилинишини аниқлаш, айниқса жанубий вилоятлар билан ва қўшни мамлакатлар билан бўладиган савдо ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш ишларига яқиндан ёндашиш учун кўп ҳаракатлари қаршилиққа учрарди.

Унинг қатнаб кўрадиган қизиқарли, ишлаб чиқариш сирларини билишига имкон берадиган топшириқлар ҳам бўлиб турарди. У Афросиёб ёнбошидаги кулолчилик устахоналарида бўлиб, тажрибали усталар билан суҳбатлашди, жумладан уста Умид унга лойдан сопол кўза, хурма, хурмача, шокоса, товоқ, тувак, чойнак, пиёла, қувур, хумча ва кошин сингари нарсалар ишлаб чиқариш санъати ҳақида, бу нарсаларга нисбатан қасрларда эҳтиёж катталиги ҳақида кўп маълумотлар берди. Суҳбатдан завқланган Спитамен бир оз катта кетиб, кулолга ёрдам кўрсатишни ваъда берди, аммо ишлар билан ниҳоят «банд»лигини рўқачлаб қўйди. Кулол уни хурматлаб, ваъдаси учун эҳтиром билдирди.

— Бизнинг хом ашё манбаимиз, табиий лой оладиган жойимиз Кониғил, шаҳарнинг ёнбошида жойлашган, — деди уста. У Спитаменни ўз лойиҳаси билан таништириб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, сатрап вориси сифатида қўллашга ундади. — Бизга катта кулолчилик устахонаси керак, бу бизнинг талабимизга мутлақо жавоб бермайди.

Устахона тўғрисида турган устун кўра устидаги учмауч қилиб бириктирилган ёпиқни ушлаб турарди; ёпиқ ораларидан чиқадиган қувурлар кулох (цилиндр) шаклида икки қават бўлиб, бориб кўрага такаларди. Кўранинг юқори қаватидаги тўйнуқдан иссиқ газлар ҳавога чиқиб кетадилар. Қуллар пишириш учун ҳар хил идишларни ясардилар. Бу идишларнинг катта ва кўполлари кўранинг биринчи қаватида, нозикларини эса, уларга аланга тегмаслиги учун, юқори қаватида тутардилар. Устахона ерида пиширилмаган идишлар, эшик олдидаги айвон остида эса пиширилган, тайёр идишлар қўйиларди; эшик олдида лой учун тупроқ тепаси уюлган, устахо-

нада синган хурма, мундиларнинг парчалари сочилиб ётарди.

— Менинг хизматкорларим орасида яхши бўёқчилар оз, — куюнди уста. У бармоқларини бигиз қилиб, қизил ва кул ранг лойдан ясаиб, оқ ёхуд оч-сарик рах чизиб пиширилган хурмачаларни кўрсатди. — Кўпол, мўрт мол, ёмон пиширилган. Айтганинг тўғри. Аммо бизнинг бозоримиз доим чаққон.

— Яхши, биз айтганларингизни инобатга оламиз, — деди Спитамен, суҳбат бошида ваъда берилганидан чекинмай.

Спитамен, кекса кулолни катта ва гўзал кулолчилик устахонасини қуриш, унда пишириладиган идишлар гарб бозорларидан Киликия кулолларининг молларини сиқиб чиқариб, кўп даромад олиш ҳақидаги орзулари билан қолдириб, тушкунлик кайфияти билан уйига қайтди.

Ўзининг навбатдаги текширувини Спитамен шиша пиширадиган устахона иши билан танишишга бағишлади. Шишапазлик устахонасининг эшиги олдида туриб, унинг эгаси билан суҳбатлашар экан, у халфаларнинг тутун билан тўла, деворлари ёрилган бинода, ерда ўрнатилган кўралар атрофида ўралиб ишлаётганларини кузатди. Кўралардан кўзни камаштирадиган, турли рангларда товланаётган аланга чиқмоқда.

Халфалар аланга ичига қалинроқ сим хивичларини тикиб, кўра ичидан бел ёрдамида эриган қумдан ҳосил бўлган хом шишани ташқарига олиб, хивич учидаги шишага юмалоқ шакл берардилар.

— Сен шишага қандай қилиб бўёқ берасан? — сўради Спитамен, қизикаётганини билдириб.

— Буёқлар кўрада эриётган қумга қуйилиб аралаштирилади. Мана, бу ерга кара. Хой, сен, шишага бўёқни аралаштираётганингни жанобга тезроқ кўрсатгин! Мана бу қозонга қарагин, жаноб. Ана, қозонсимон тахта, унинг устида эриётган — хом шиша!

Шишапаз Спитаменга совутиш учун патнисларда тегиб қўйган ҳалка, чамбар ва билагузукларни кўрсатди, ворис эса унинг хунаридан кизикқан нарсаларини билиб олишга ҳаракат қилди.

— Нима учун сизлар, шишапазлар, мисрликларга ўхшаб ажойиб шиша молларини пиширолмайсизлар?

Ёки бизнинг қум сифатли эмасми, ишкорда гапми? Агар шу сабаблардан бўлса, хом ашёни бошқа жойдан келтириш мумкин. Ёхуд яхши усталар йўқми? Уларни ўқитиш мумкин. Менимча, сизлар бизнинг бозорларимизда савдо чаконлигидан ишларингиз сифатига яхши эътибор бермайсизлар. Кейинги ўн йилликларда бизнинг уста ва халфалар ялковлашганлар.

Шишапазларнинг бошлиғи уни устахонадан олиб чиқишга ҳаракат қилди, бу ерда уларнинг сўзларини куллар эшитишлари мумкин.

— Менга ишонгин, жаноб! Ҳа, бизлар гунохкор. Бизлар бўлмағур хунармандлармиз. Бизни худолар ҳам қарғайдилар. Лекин бизлар ўз махсулотимизнинг сифатини яхшилашга ҳаракат қиламиз.

Спитаменда шахсий шухратпарастлик режалари пайдо бўлди. У Суғдиёнада бадий устахоналар қуриб, сифатли моллар ишлаб чиқаришни, бу моллар билан Байрут, Сидон ва Шарқдаги катта марказий бозорларда донг чиқаришни орзу қилди. У отаси ҳақида киноя билан ўйлади. Бундай ишлар учун ҳозирги вақтда ким керак? Албатта, бундай одам — у, Спитамен — кенг маълумотли, Суғдиёна учун, унинг Фарбдаги устунлигини қайта тиклаш учун нималар кераклигини аниқ биладиган одам. «Биз катта савдо йўлини, аввалгидай, ўз даврини ўтаб бўлган савдо чекланишларини ишлатиш усули билан назорат қилолмаймиз, — фикран отасига тушунтирарди у, — бунинг учун бозорларга олий сифатли молларни чиқариш лозим».

У отаси олдида туриб, унинг ҳокимлик салобатини, ўз кучига ишонишда унга сингиб кетган баркарорликни сезарди. Спитаменнинг иккиланиб айтган таклифларини отаси совуқ жимлик билан қарши оларди; бу ҳар қандай қаршилиқдан ҳам ёмон эди. Отаси табиийки, Спитаменнинг фаолиятида ишчанлик қобилиятининг ўсишини хоҳлайди, лекин унинг шахсий ташаббускорлигини ёқтирмайди.

Спитамен, саросимага тушиб қолган бўлса ҳам, Суғдиёнанинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилишни нимадан бошлашни биларди. Унинг бўйсунмаслик режалари унга тинчлик бермасди. Шунинг учун у отасининг Спитаменни мамлакатнинг жанубий-шарқий шаҳарларига иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун сатрапликнинг



вакили сифатида юбориш хақидаги таклифини хурсандчилик билан қабул қилди.

Ана шу узок муддатли сафарга жўнаш пайти келди. Бу сафарга Спитамен ўз дўсти Бахтварни бирга олиб кетишни маъқул топди.

\* \* \*

Ҳовли олдидаги майдончада Спэнта, Зардоза, Корун, Артемида, Зара қўлида чақалоғи билан, Эрзиф, Багиз ва бошқалар хизмат сафарига кетаётган ёшларни кузатиб, қўл кўтариб оқ йўл тиладилар. Чопқир отларга минган Спитама ва Бахтвар кузатувчилар билан хайрлашиб, жўнадилар.

Баҳор фаслининг охири кунларида ёккан қаттиқ ёмғирлар эгри-бугри зовурларни тўлдириб, сел сувлари қатта ариқларга бориб қўшиларди. Ёмғирдан кейинги шамол далаларни силаб ўтиб қояларга уриларди. Пасткам уйлар қорайиб турибди. Баҳайбат заранг дарахтининг шохлари кўкка сачраган. Дарахт остидан тепага қараган киши осмон гумбазининг мовийлигини кўриб баҳри очилади. Дарахтлар устида каптарлар шитоб билан учардилар. Далаларда қуллар қатори кўринди, улар қўлларида кетмон ёхуд ўроқ билан, фами ашулаларини айтиб ишламоқдалар. Йўллар... йўллар... тоғларнинг ён бағирлари... доvonлар... Спитамен ва Бахтвар жанубга кетмоқда.

Бу йўллардан бораркан, Спитамен сафар хусусиятлари ва аҳамияти хақида ўйларди: олам ажойиб нарсалару воқеаларга бой. Буларни жаҳон кезмай, машаққат захрини тотмай кўриш мумкин эмас. Бунинг учун одам ҳаракатда бўлиши лозим. Дарё суви ҳам оққанда оҳангли овоз чиқариб гўё куйлайди, туриб қолдими — куйлашдан тўхтайди. Сафар қилмаган одам хом бўлиб, у оромда сукун топиб яшаганидан, озгина совуқ ҳам унга таъсир қилади. Буюк ишлар борасидаги маълумотлар ичида энг асосийси инсоннинг ер юзини айланиб чиқиб, кўрган-билганларини йиққан маълумотлари ҳисобланади. Олам сайридан киши баланд мартаба топади. Ҳаракат қилмай қўйдими — тупроқдан хўрлик топади, ҳар нарсадан огоҳсиз бўлади. Уйдан қадам қўйиб кўчага чиқмаган одам нимадан воқиф бўларди? Сафарга чиққан

одам эса бошдан-оёк шавк ўтига фарк бўлиб янгиликлардан воқиф бўлади ва дўст орттиради. Одамзод нимага одатланган бўлса, бу одат унинг табиати амридан бўлади. Киши табиати — янгиликка мойил.

Йўловчилар Ўртаер денгизи сохилларидаги шаҳарларнинг иқтисодий, савдо ва маданий юксалиши ҳақида тасаввурга эга. Улар бу шаҳарларнинг фукарolari, айниқса юнонларнинг маънавий ҳаётда бекиёс ютуқларга эришганлигини, бу ютуқлар асрлар давомида умуминсоний қадриятларнинг ўсишига таъсир этганини билдилар. Юнонлар инсоният тарихида биринчилар қаторида дунёвий фанлар билан узвий алоқадор бўлган фалсафа фанини яратдилар. Юнонлар театр санъатининг асосий шакллари: драма, трагедия ва комедияни яратдилар. Спитамен ва Бахтвар юнонларнинг ибодатхоналар, театрлар, бозор бинолари, спорт иншоотлари, мусиқа залларини қуришда ўз ифодасини топган архитектура фанининг ютуқларини эшитган.

Спитамен ва Бахтвар, Суғдиёнанинг ёш ватанпарварлари сифатида ана шундай билимларни эгаллашни анча вақтлардан бери орзу қилиб юрардилар, аммо ўқиш учун бу узок ўлкаларга бориш имкониятига эга бўлмагандилар. Бу қобилиятли халқ мамлақати билан чегарадош Форс давлатининг жанубий-ғарбидаги нотаниш шаҳарларга боратуриб, ўқиш имкониятига, бунинг учун старли вақтга эга бўлмасалар ҳам, улар ўзларини бу эзгуликларнинг оғушида хис этардилар.

Аммо Спитаменнинг фикри ҳозир бошқа, ўқишдан ҳам жиддийроқ масалалар билан банд.

Отларнинг туёқлари остида тошлар тақиллар, тўхтаган селнинг йўлларидаги лойлар чапиллар, сув ўтказгичлари устида қурилган кўприклар гулдирар, тоғ бағирлари ясси жойлардаги сийрак ўтлар шитирлар, қуруқ тепаликларнинг қумлари ёғирларди. Спитаменнинг юраги сиқиларди. Бахтварга дўстининг нима учун жим кетаётгани тушунарли. Спитамен унинг саволларига жавоб бермас, ҳайкалга ўхшаб, от устида жим ўтирар эди.

Бистун тоғлари довоидан ўтадиган «Шох йўли» Эгей денгизи сохилларидан бошланиб Форс кўрфазидаги шаҳарларни бир-бирига боғлайди. Бу ерда Бобилдан бошланиб Бактриягача, кейин Ҳиндистон чегараларигача етиб борадиган йўллар ҳам бир-бири билан туташадилар.

Бу довоннинг оркасида Суз шахри жойлашган, уни сатрапликлар билан улайдиган бу йўл ҳарбий аҳамиятга ҳам молик, керак бўлган вақтда форс аскарлари бир сатрапликдан тезда бошқа вилоятларига жўнатилади. Йўлларда ҳарбий сокчилик постлари қўйилган. Сокчилик постлари ва карвонсаройлар йўловчиларга ва савдо карвонларига кераклича хизмат кўрсатишади, чопарлар почтаҳоналари ишлайди. Бу довондан кейин Дажла ва Фурот (Тигр ва Ефрат) дарёларининг яшил сохиллари бошланади, кейин Бобил шахри. Спитамен бир оз жонланди:

— Яхши!

У ковокларини кўтариб ўнг томонидаги Бистун тоғининг учли чўққиларига қаради. Чўққининг ёнбағирлари туман пардаси билан ўраб олинган.

— Бу Бистун тоғлари, — тўнғиллади Спитамен. — Улар булутлардан ҳам баланд.

— Э! — илжайиб деди Бахтвар. — Булутларни нима қиласан? Ерга қара Персеполдан аскарлар келмоқда. Улар қурол-аслаҳалар олиб келмоқдалар. Энди у томонга қара, Персепол томонига карвонлар кетмоқда. Улар пойтахтга олтин, ғалла, ёғ, шароб, мато, кўн, ҳар хил мевалар ташиб бормоқдалар, қулларни, филларни, чорва молларини хайдамоқдалар. Ана бизнинг куч-қудратимиз! Пойтахтдан аскарлар, пойтахтга карвон. Тушунарлими?

Спитамен елкаларини қисди-да, ташвишланиб ох тортди.

«Менга шохнинг омборларига тушаётган олтин, май ва бошқа бойликлардан не фойда? — ғазабланиб ўйлади у. — Шохга яхши, Спитамагачи? Спитама кўр эмас, у кўряпти. Бундай карвонларни Умасу Самарқанддан ҳам, бутун Турондан ҳам ҳайдайди. Бўлмаса, суғдийлар, саклар, массагетлар ва бошқа қабилалар қўзғалармиди? Отам ўз фуқароларини химоя қилмоқчи бўлганлиги учун Умасуга ёқмай қолди! Э!.. Майли, хайданглар. Спитама тушкунликка тушмайди. Мен билан суғдийлар, саклар, бактрияликлар... Улар мингларча бўлиб қўзғаладилар».

Йўловчилар Суз шахрига кириб бордилар. Отлардан тушиб, жуда кўп йўл юрганликлари ва анчагина толиққанлари учун дам олдилар, сўнгра шахарнинг кўркам жойларини томоша қилишга кетдилар.

Ҳашаматли саройлардан бирини кўраётганда, улар сарой деворида бириктирилган тахтада аккад тилида ёзилган маттни ўқидилар:

«14-йилда Артахшас деб аталмиш Умасу, ташриту ойида Сидондан асирга олинганларни Бобил ва Сузга жўнатди. Шу ойнинг 13-кунида бир неча гуруҳ аскарлар Бобилга кирдилар. 16-куни... шох томонидан Бобилга юборилган сидонли махбус аёллар шох саройига кирдилар».

— Ҳм... — Спитамен саросимага тушиб Бахтварга қаради. — Мен бундай воқеаларни билмасдим. Аммо... менимча сен ҳақ эмассан. Ерда фақат эзгулик борми? Бу матнда баён этилган ёвузлик кучлари ҳақида нима дейсан? Агар сен ёвузлик кучларига қарши курашувчи эзгулик ва ёруғлик худоси Ахура Маздани улугламасанг, қанақасига сени Зардуштнинг ихлосманди дейиш мумкин?

— Ёвузлик? — Бахтвар кулимсиради. — Бу матндаги сўзларга сен фақат юзаки қараганга ўхшайсан, унинг моҳиятига чуқурроқ эътибор қилгин. Соф эзгулик ёхуд ёвузлик бўлмайди. Ҳаракатни ким бошлаганига қараб хулоса чиқариш лозим. Тушунасанми?

— Йўқ, — очик тан олди Спитамен. — Шох, бу аёлларни Сидондан Бобил ва Сузга жўнатиб, яхшилик қилибдими? Нима, бу аёллар шохга хавф солдиларми?

— Ҳа, тўғри, сидонли аёллар гуноҳкор эмас. Аммо инсоният жамиятида ҳайвонот оламидагидек қоида амал қилади. Ўтмиш сабоқларини эсла. Финикияликларни мисрликлар махв этдилар, мисрликларни эса осурийлар, осурийларни мидияликлар, мидияликларни эса форслар махв этдилар. Шундай эмасми? Бой камбағални талайди, камбағал эса бойни ўлдиради. Эр хотинни эзади, хотин эса эрининг жонига тегизади. Ҳар ким ўз мартабасини ошириш учун бошқани оёқости қилишга ҳаракат қилади.

— Форслар ҳам шунақа эканми, — ўйланиб деди суғдий, — девлар ҳаққи, тушуниб бўлмайди.

У ҳақиқатан ҳам форснинг ноаниқ сўзларидан ҳеч нарсани тушунмасди, аммо таваккал қиларди: балки унинг фикрлаш қобилятига бир гап бўлгандир?

«Бу форслар ғалати халқ, — ачиғиб ўйлади у. — Бутун дунёда ўзларининг куч, ақл, қобилятлари билан шуҳрат олдилар. Эндиликда уларга нима бўлди?».

Самарқандлик ёшлар саройдан кўчага чиқдилар.

Кўчада, шохнинг чопарлари араб бедовларини раҳмсизлик билан шимол томон чоптирардилар.

Шох ўз қароргоҳида борарди. Унинг орқасида ва ёнида «ўлмас» соқчилари боришарди.

— Фуқароларнинг ва кунчиқардан кунботаргача чўзилган мамлакатларнинг соҳибқирони олийҳазрат Артахшас! — тантана билан эълон қилди жарчи. Яқин кишилар мукка тушар ва сажда қилардилар. Умасу гўё тошдан тарашлаб ясалган ҳайкалга ўхшарди. Дунё соҳибқиронининг юзида ҳозир на ғамгинлик, на қувонч, на ғазаб, на меҳрибонлик, на иштиёқ, на мириқиш, на жасурлик, на ҳайиқиш — ифода кўринмасди. Шох пирамидалар ўлкасидаги хашаматли сфинкста айнан ўхшаб сирли, баҳайбат эди.

— Ана, шохни кўр, — ўз суҳбатдошини ундади Бахтвар. — Анча вақтлардан бери уни кўришни орзу қилиб юрдинг.

— Ҳа, у ўзини қандай тутаётганини кўряпман! — жавоб берди Спитамен. — Бу одам кўринишидан Эрон давлатининг тахтига лойиқ. Қандай ирода!

Кўча бўйлаб ўз ер ва мол-мулкларидан маҳрум бўлиб, шаҳарга иш қидириб келган қашшоқ ва камбағаллар ҳам оломон ичида ўралашиб юрардилар.

Минглаб кишиларнинг ҳар хил овозлари қўшилиб ваҳимали шовқин-суронни ташкил қиларди.

— Не шох ўзининг ойболталилари билан уч кундан бери Суз шаҳрида оралаб юрибди? — сўради кўчада турган томошабинлардан бири ўз ёнидагисидан.

— Халқ кўп вақтдан бери соқин эди. Энди у гоҳ бу ер, гоҳ у ерда бош кўтармоқда. Неча кундан буён шаҳар аҳолиси ғалаён кўтаришга интилмоқда.

Спитамен ва Бахтвар гоҳ бир-бирларига, гоҳ қўлларини юқори кўтариб алланималар ўқиётган кишиларга қарардилар. Ана шу дақиқаларда Спитамен хаёлида бундай фикр туғилди: инсон нима учун тўймас махлуқ? Бу унинг табиий хусусиятими ёхуд бирон-бир бошқа, жамият билан алоқадор хусусиятми? Нима учун одамлар амал учун талашадилар? Амал курсисида ўтирганларидан кейин эса бошқаларнинг манфаатини поймол қилдилар, уларни камситадилар, фақат ўзларини ўйлайдилар?

«Мана, Умасу, Виштаспнинг насли, — ўйлади Спитамен. — Унга нима етишмайди? Унинг саноксиз бойликлари Персеполда, Сузда, Акбатанда ва бошқа шаҳарларда жойлашган. Дунёнинг турли бурчакларидан талаб келган олтинлар сопол хумларда, Умасунинг тошдан қурилган ертўлаларида фойдаланмай, ўлик юк бўлиб ётибди; ваҳоланки, бўйсундирилган мамлакатларнинг фуқаролари қашшокликда ҳаёт кечирмоқда.

Фуқаролар Умасудан рози эмас. У ёки фуқароларни бошқаришга қодир эмас, ёки оғизда халқ манфаати учун гапирса ҳам, амалда фақат ўзи учун қайғуради».

— Спитама! Сен ўз фикрингга чўмиб кетдинг! Биз жўнашимиз керак, — гўлдурлади Бахтвар.

— Ҳа, биз жўнашимиз керак...

\* \* \*

Ибодатхона орқасидан бозорнинг ғовур-ғувури эшитиларди. Бозорда қамиш палма билан томлари ёпилган дўконлар, капаларнинг ости соя ва салқин. Сотувчилар ўз молларини тинимсиз мактамоқдалар. Этикдўзлар қувноқлик билан хайкирардилар: бизнинг этигимиз эскирмайди, кўп хизмат қилади ва арзонлиги учун тез харид қиляптилар, кепқолинг! Тўқувчилар нозиклик билан харидорларни ёнларига чакирардилар; кулоллар ўз капаларида кунботаргача ўтириб, паст овоз билан ўз идишларини мактамоқчи бўлиб чертиб қўядилар, уларнинг елкалари толиқишдан доим муккайган. Темирчиларнинг овози катта болғанинг тақиллаган товушига ўхшайди.

Шошмасдан савдолашмоқдалар. Қўйни қозонга, ғаллани туяга, гиламни қулга алмаштирмоқдалар. Олтин камдан-кам ялтирарди.

Спитамен ва Бахтвар бозорни анча вақт айланиб юрдилар.

Бозорнинг жанубий дарвозасидан узок бўлмаган ошхона олдида узун яқтак кийган бактрияли эркак ичида кўр тўла ўчоқ устида сихларни қўйиб, қўй гўштидан қабоб пиширмоқда. Ошхона ичидаги хонтахталар олдида қўйилган курсичаларда ўтирган хўранда мижозлар гўшт еб, май ичардилар.

Хаво ранг яқтак кийиб хонтахталар атрофида хизмат қилиб юрган қуллар бино ичига кириб-чиқиб, мижозлар

истагини ўз вақтида бажаришга тайёр. Бу хона ошхонанинг олдинги қисми, ичкарироқдаги хонаси эса ҳовли билан тутшиб кетганди; умуман, уларнинг ҳаммаси битта ҳовли бўлиб, ўз орасталиги билан ўша вақтдаги энг донгдор кишилар ҳовлиларидан қолишмайди. Ҳовлининг эгаси — форс Вахаук ва унинг дўстлари Суз шаҳрида, кўп соҳаларда донг чиқазган кишилар ҳисобланадилар.

Спитамен ва Бахтвар овқатланиш учун ана шу ошхонага кириб, унинг олдинги хонасида жойлашдилар.

Жанубий дарвозанинг равоқи остидан ошхонага баланд бўйли ва паҳлўли ҳарбийлар гуруҳи кириб келди.

— Менга гирканли майдан куй, — кичқирди хириллаган овози билан гуруҳ бошлиғи, қўлидаги қадахни шароб қуювчига узатиб. — Гирканлигидан куй. Вахаукнинг дабдабаси ва саховати билан мақтанмоқчиман... Мана, у юнон савдогари, ўз бойликлари билан бу ердан туёғини шиқиллатсин!

Бир қадахдан май ичиб, устидан бир парчадан гўшт еб ҳарбийлар ошхонадан чиқиб кетишди.

Шу маҳал ошхонага кирган хизматкор-кул ички залга ўтганича, ошхона эгасига яқинлашиб унинг қулоғига пичирлаб алланима деди; ошхона эгаси — Вахаук қувониб:

— Воҳ, Ахура Маздага қасамёд этаман! — баланд овоз билан хитоб қилди. — Уни олиб кир, ўз дўстини олиб кирсин. Уларни яхшилаб кутиб олинглар. Қўлларига сув қуйинглар, яхши хидли исрик тутатинглар, — деб, ўзи ҳам унинг орқасидан ташқаридаги залга шошиб чиқди.

Кул оғаси букилиб ташқарига чиқиб кетаётганда, Вахаук уни тўхтатиб, деди:

— Аппатр, айтгин, ичкариги залнинг хонтахтасини тозалаб, тақягичлар ёнида яна яхши ўриндиклар қўйсин; залда суҳбат ўтказиш учун барча шароит яратиш ғамини кўр.

Кул оғаси Аппатр, яна ичкарига кириб хўжайинидан ашитган буйруқларни тез фурсатда бажарди.

Ичкарида ўтирган меҳмонлар нуқра қадахларга солинган гиркан шаробидан ичиб, сабрсизлик ва қизиқиш билан, уларга айтилган меҳмонларни кутардилар.

Кул оғаси бир неча дақиқадан сўнг, меҳмонларни ташқаридан биринчи залга олиб кирди; улар оқ ва тоза кийимларда. Булар Мариакарш ва Аннугируш.

Мариакарш — қирқ ёшли, бугдойранг, баланд бўйли, мўйловли, қоракўз форс; у Суз шаҳрининг хўжалик хизмати бошқарувчиси бўлиб ишлайди. Унинг хамхизмат дўсти — Самарқанд шаҳрининг хўжалик хизмати бошқарувчиси; у ҳам тахминан қирқ ёшда, баланд бўйли, мўйловли, ёруғ юзли, қоракўз сугдий.

— Бу даргоҳ эгасини худолар ўз паноҳларида сакласинлар! — деди Мариакарш.

— Сенга ва сенинг дўстингга шон ва шарафлар бўлсин, жасур ва олижаноб Мариакарш! — жавоб берди ошхона эгаси, меҳмонга яқинлашаркан.

— Э-хе, кимларни кўряпман! Спитама! — хайрон бўлди Аннугируш, бу ерда ўтирган хамшаҳрларига кўзи тушиб.

Аннугируш Спэнта хонадонига тез-тез кириб турар, уни фақат Сугдиёнанинг сатрапи сифатида эмас, балки олий химматли шахс сифатида ҳам хурмат қилар ва унинг дунёқарашига қойил қоларди. Спитаменни у болалигидан билиб, жозибали йигит сифатида яхши кўрарди.

Самарқандликлар билан ошхона эгаси ҳам танишди. У Мариакаршни кўлидан ушлаб, унинг дўсти — Аннугируш ва у билан сўзлашиб қолган Спитамен ва Бахтварни, меҳмонлар сифатида ичкариги залга таклиф этди; уларни аввал ўтирган хурматли киши қаршисидаги ўриндикларга ўтқазди ва ўзи ҳам ёнбошларидаги ўриндикка ўтирди.

Қимматбаҳо жиҳозлар залга оро берарди.

Спитамен Вахаукнинг залда ўтирган меҳмонларига эътибор билан қаради. Ошхона эгаси ва энди кириб келган тўрттала меҳмонлардан бошқа залда ўн бир нафар турли ёшдаги мансабдор ёхуд ўз мансабидан маҳрум бўлгану, аммо ўзини доно ва тавоно ҳисоблаб, баланд мартабаларга сохиб бўлишни орзу қилиб юрган аслзодалар ўтирардилар: улардан бири — Багабиг, юқорида айтганимиздек, ўз ихтиёри билан эмас, балки фуқаро норозилигидан яқинда Самарқанддан марказга кочиб келган аччиқмижоз аслзода; у давлат тўнтарилиши, шонининг алмаштирилиши ва яқин кишилари ёрдами билан



шоҳлик саройида бирон нуфузли мансабга эга бўлишни орзу қиларди. Ўтирганларнинг ўртасидаги ҳурматли жой саналадиган ўриндикда сал кам ўттиз ёшли эркак ёнбошлаб ётарди. Бу одам семиз бўлгани учун ўз ёшига нисбатан анча катта кўринарди, унинг кўзалари гўё бир нуқтага тикилар, юзи пўкка, овози майзадалигидан хирилларди. Бу одам шоҳ Умасунинг қариндоши (асарнинг дастлабки бобларидан бирида тасвирлаганимиздек, хулқи ёмонлиги ва исрофгарлиги сабабли шоҳ ундан ғазабланган эди; шунинг учун бу одам ўз қариндошига нисбатан хусумати бор, унинг қўлидан шоҳлик тахтини тортиб олмоқчи бўлиб юрар эди). Бу одам бошда ошхона эгасининг яқин дўсти, кейин унинг ашаддий душмани бўлди; уни Бесс дердилар. Форс аслзодаларидан бири — Маздаясн ёш амалдор, шалпайган, у шоҳга қарши суиқасдда иштирок қилган эди. Унинг ёнбошида Фрада — ҳаракатчан йигит, кейин майзада бўлган. Бу ерда Азакка — ёмон хулқли амалдор, қарзга ботган бу дағал одам шахватпараст ва жоҳил эди. Ўриндиклардан бирида ёнбошлаб ётганлардан — Митранк иззатталаб жоҳил ва ҳасис эди; у ҳам исён ва давлат тўнтарилишини орзу қиларди. Ундан ўнгротда, ўриндикда ёнбошлаб ётган чиройли йигит Мидия вилояти сатрапининг ўғли, бошқаларга нисбатан яна ёмонроқ хулқли ва исрофгар, жасур ва тавоно, уни Мард дер эдилар, у ҳам шоҳга қарши исёнда иштирок этган, қамалган, кейин Бесс ёрдами билан қамоқдан озодликка чиққан эди.

Залда йиғилганлар яхши, ораста кийимларда. Вахаукнинг уларга бераётган зиёфати охирлашарди. Ошхонада ўтирган бу ўн бир, ўзича ҳурматли зотларнинг хушчақчақ йиғини, жиддийлик ва ҳазиллар, қадахларнинг жиринглаши ва эркин суҳбатлар, шубҳасиз, ошпазнинг мохирлигидан, ундан ҳам кўпроқ Вахаук шаробкашининг усталигидан, унинг меҳмоннавозлигидан далолат берарди.

— Нега сен, Мариакарш, кеча менинг таклифимни қабул қилиб дўстларим билан хушчақчақлик қилишни лозим кўрмадинг? — мурожаат этди ошхона эгаси Вахаук, ўз меҳмондўстлигини ўтирганларга кўрсатмоқчи бўлиб.

— Лозим кўрмадим? Келолмадим, дўстим. Мен сени огоҳлантиргандим-ку...

— Ҳа, сени келолмаслигингни айтишувди.

Ошхона эгаси кулга янги келганлар учун қадахларга гиркан шаробидан қуйишни буюрди-да, ўрнидан туриб, деди:

— Турли қабилаларнинг хурматли вакиллари! Шафқатсиз тақдир сизларни чин қалбдан хоҳлайдиган бахт-саодатдан маҳрум этди. Сизлар эркинликдан, хокимиятдан, бойликдан баҳраманд бўлишларингиз керак. Сизларнинг фазилатларингиз ва жасурлигингиз менга аён, менинг содиқ ва ҳалол дўстларим. Мен сизларга жасур ва шижоатли форс дўстим Мариакарш тўғрисида шунини айтмоқчиман. Бу киши ўзининг жисмоний кучи ва рухий саботлилиги билан маълум, фуқароларнинг сардори бўлишга арзийди. Аскарларимиз каторида жанг қилиб, у буюк жасорат кўрсатди...

— Аммо бу жасорат унинг қўшинимиз сафидан пайт топиб қочишига ҳалакит бермади, — сўзни бўлди Митранк.

— Ҳўп, нима бўпти? — яна кўпроқ тўлқинланиб хитоб этди Вахаук. — Наҳотки, сиз уни Умасунинг сидонлик кўзғолончиларга қарши урушган аскарлари сафини ташлаб кетганлиги учун айбласангиз? Бу қўшин сафларидан кетиб, у ўз ватанини, қавм-қариндошларини шармандаликдан ҳимоя қилмадими? Бу қўшин сафларида туриб, сизлардан қайси бирингиз сидонликларни ўтга ташлашга, шаҳар ёнғинига, қирқ минг аҳолиси ўлдирилишига иштирок этардингиз? Ёхуд ана шу жохилликларни амалга оширган қўшин сафини, қулай фурсат бўлганда, ташлаб кетмасмидиларингиз? Ана шундай вазиятда ким ўз фуқароларининг байроғи остига қайтмайди, агар у ўз халқини ва ватанини севса?

Ошхона эгасининг сўзлари ўтирганларнинг маъқуллаган шов-шувини уйғотди. Эшитувчиларнинг шов-шувидан тўлқинланиб, у сўзини давом эттирди:

— Бу киши ўз мавқеидан ва бахтсиз тақдиридан устун туради. Қўлчилигимизга ўхшаган собиқ кул, ўзимиздек жабрланган бўлиб, у бир неча йилдан бери ўзининг куч-қудратини турмушимизни яхшилашга, сатрапликлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, шахримизнинг хўжалигини йўлга қўйишга сарфламоқда... у кулларга озодлик бериб, ўз ватанларига қайтаришни хоҳлайди.

Спитамен Вахаукнинг сўзларидан хаяжонланди.

«Бу ким экан, — ўйлади у. — Форс, лекин форс истибдодига қарши чиқмоқда, ошхона эгаси, аммо оддий кишилар, бошқа миллатлар қулларининг манфаатини химоя этаётганга ўхшайди?».

Вахаук бир оз жим туриб, яна давом этди:

— Бу нимани талаб этмоқда? Фақат озодликни! Биз нимани талаб этмоқдамиз? Биз ҳам ана шу киши ўйлаётган масалалар устида бош қотирмаяпмизми? Биз ҳам ана шу истибдодга қарши кўзгалмоқчи эмасми? Мамлакатда озчиликнинг бебошликлари ҳукм суришидан бошлаб, сатрапликлар, фуқаролар ва миллатлар фақат ана шундай кишиларга бож тўлайдилар; бошқа, ҳурматга лойиқ ва ҳалол кишилар эса чиқиндиларнинг чиқиндиси, бахтиқаро мазлумларга, кишилар ҳазар қиладиган махлуқларга айландилар.

Шов-шув ва тўлкинланиш фақат Спитамен ва Бахтварни эмас, балки бошқа ёшларни ҳам ишғол этди; уларнинг кўзлари нафратдан, газабланишдан ва ўч олиш жазмидан чақнади.

Вахаук ўтирган эшитувчиларга бирма-бир қараб, қадахдаги майдан бир неча култ ичди ва сўзини давом эттирди:

— Шундай қилиб, менинг шонли дўстларим, сизларни чақиришимнинг боиси, ташкилотимизга шонли Мариакаршни ва унинг бир гуруҳ дўстларини қабул қилиш масаласини маслаҳатлашишдан иборат. Бу бизнинг ишимизга янги куч бағишлайди, деб ўйлайман. Агар биз шохга қарши чиқиш, уни ўз йўлимиздан олиб ташлашга аҳд қилган эканмиз, бу эса, сизларга маълумки, осон иш эмас, биз ўз сафимизга жасур ва чаққон кишиларни тортишимиз керак. Бундай кишилар биз учун келажакда ҳам, сатрапликларни бошқариш учун керак бўладилар. Демак, шохни тахтдан олиб ташлаш вазифасини, унинг қўлида олий ҳокимият, давлат хазинаси ва даҳшатли қўшин тўпланганлиги учун, фақат ўзимиз бажаролмаймиз. Бунинг учун биз ўз ҳуқуқини химоя эта оладиганлар, уни амалга оширишни хоҳлайдиганлар, хафаликлар учун ўч олишга қодирлар ёрдамга муҳтожмиз, уларни ўз сафимизга тортишимиз жоиз.

Шунда Спитаменга аниқ бўлдики, у шохдан ранжиганлар даврасида, асосан амал курсисига интилаётган,

бойликдан эркаланган нуфузли шахслар ўтиришида иштирок этаётган экан. «Бу кишилар фитначилар, — ўйлади Спитамен. — Улар шохни ўлдиришни, ҳокимиятни истило қилишни ва нуфузли мансаб ўринларини ўз кишилари билан алмаштиришни орзу қилмоқдалар. Аммо улар сон жиҳатидан жуда озчиликни ташкил этганлари учун ўз сафларига янги ҳамфикрларни жалб этишга уринмоқдалар».

— Камбағалларнинг, — давом этди Вахаук, — давлатмандларга қарши уруши, қулларнинг ҳукмдорларга қарши уруши, мазлумларнинг эзувчиларга қарши кураши бизнинг ҳам ишимиз бўлмоғи лозим. Нима учун биз бу курашга бу ерда ўтирган ўзимизнинг янги дўстларимизни жалб этмас эканмиз? Агар буларни ўз сафимизга жалб этсак, буларга раҳбарлик қилардик, булар сатрапликларда бизнинг вакилларимиз бўлардилар. Мен ўзимизнинг раҳбаримиз ҳурмати билан (у ташкилот раҳбари кимлигини билмайдиганлар билсинлар деб, Бессга қараб кўйди) нуфузли меҳмонимиз Мариакарш бу ерда сўзга чиқиб, бу борадаги ўз фикрини бизларга айтишини хоҳлардим.

Вахаукнинг нутқи тартибсиз шовқин билан ниҳоясига етди — у кўпчиликка ёқмади. Вахаукни эътибор билан тинглаган Мариакарш, ёш аслзодаларнинг кайфиятига, айниқса унга нотаниш бўлган самарқандлик ёш меҳмонларга разм солиб каради-да, сўз бошлади:

— Бизнинг бу ерга келишимиз сенга, Вахаук, маъқул бўлганини кўриб турибман. Сен менинг дўстларим орасида нуфузли, мен учун энг ҳурматли кишилардан ҳисобланасан. Мен сизларга ўзимнинг эски қадрдоним, Самарқанддан келган дўстим Аннугирушни ва унинг ҳамшаҳарлари — Спитама ва Бахтварни таништирмакчиман. Улар ҳам ўзимиздек, ҳурматли кишилар, аммо бахтсизлар, эзилганлар ва шунинг учун шохдан норозилар. Мисол, Спитаманинг падари узок йиллардан бери Суғдиёнанинг сатрапи бўлиб ишлайди. У ердаги аҳвол эса шох Умасу гумашталарининг зўравонлиги сабабли оғирлашиб бормоқда. Спитаманинг ўзи вилоятларнинг бирида нойиблик қилиб, буни яхши билади. Спитама шохга қарши курашда бизнинг фикримиз билан келишса керак.

Энди сенинг нутқинг хақида, — давом этди ўз сўзида Мариакарш. — Сенинг сўзларинг бу олийҳиммат кишиларни ишонтирса керак, деб ўйлагандим. Сен ўзинг айтган сўзларга ишонмоқчисан, аммо юрагингнинг тубидан буларга чуқур ишонмайсан. Мен сизларга ўз юрагимни очиб, рўйирост гапирмоқчиман. Бунинг учун сендан ва сенинг дўстларингдан ижозат сўрайман. Сиз, озоод кишиларни, аслзода фуқароларни давлат ишларида раҳбарликдан четда тутадилар, сизларни бойлик ва амалдан маҳрум этганлар — бунга шох Умасу ва унинг яқин кишилари, халқ манфаатини билмайдиганлар айбдор. Улар жасур кишиларни, янгилик тарафдорларини ёқтирмайдиганлар, шох хонадони; уларнинг ҳукмронлиги икки асрдан бери Эронни жанжаллар гирдобига солиб келмоқда; эндиликда шох Умасу ҳокимиятни ҳар қачонгидан ҳам қўлида қаттиқ ушлаб, ўзбошимчалик билан ҳукмронлик қилмоқда ва сизларнинг тақдирларингизни ўзи хоҳлаганича ҳал қилмоқда. У ниҳоят айёр, ҳаммадан хавфланади, биринчи галда ўз қариндошларининг унга содиқлигига шубҳаланади ва уларни ўз йўлидан олиб ташламоқда; уларни шафқатсизлик билан ўлдирмоқда.

Ана шундай шароитда, менга ишонсангизлар, шохга қарши курашиш ниҳоят чушқул. Бу ҳаммамиз учун хурматли Бесснинг елкасига алоҳида жавобгарликни юклайди. Менинг фикримча, бу жаноб, шохни тахтдан ағдариш учун сизларни юборишдан аввал ўзи қўядиган ҳар бир қадамни чуқур ўйлайди, ўзига бўйсунадиганларнинг бу борадаги фикрини билади. Сизларга бу борада у қандай ваъдалар беради, унинг бош мақсади амалга оширилгандан кейин ўз маслақдошларига бўладиган муносабати қандай бўлади — буларнинг ҳаммаси аниқланиши лозим. Хозирча унинг учун бошқаларнинг фикрини, бу ерда ўтирган хурматли дўстларининг мулоҳазаларини билмоғи жоиз.

Даврада ўтирганларнинг айримлари сўзлагандан кейин, ёш суғдий сўзга чиқди.

— Мен, — ўз нутқини бошлади Спитамен, — бизнинг Суғдиёнадан узоқда, менга ҳамдардлик билдирадиганлар бор эканлигидан ниҳоят хурсанд бўлдим; бизнинг қийинчиликларимизни тушунадиганлардан, менинг отамни хурмат қиладиган яхши кишилардан бениҳоят миннатдорман. Менинг отамнинг дўстлари — менинг дўстла-

рим. Агар менинг отам ўз дўстлари олдида қарздор бўлса, агар у яхшилик қилганларга яхшилик билан жавоб беришга улгурмаган бўлса, мен бундай яхшиликни қайтаришга тайёрман.

Бу сўзларни Спитамен тўлқинланиб айтди. У озгина нафасини ростлаб, пастроқ овозда деди:

— Энди бу ерда муҳокама этилаётган масала ҳақида: сизлар учун кўзғолон — ҳозирги шохни ағдариш, ҳаракатдаги қонунларни бошқа, бойликларни текисроқ тақсимлашни кўзда тутадиган, фуқаролар учун одилроқ қонунлар билан алмаштиришни, ҳозирги вазирлар ва сатрапларни ўзларингизнинг дўстларингиз билан алмаштиришни кўзда тутати. Аммо сизлар учун, ҳозирги ҳукмронлар учун ҳам, Персидадан нарироқда ёхуд денгизлар ва дарёлардан нарида яшайдиган фуқаролар абадий ўзгармасдан қоладилар; сизлар уларнинг илгаригидек ўз ҳокимиятингизга бўйсунадиган ва сизларга божу хирож тўлайдиган бўлиб қолишларини истайсизлар; сизлар уйлариңиз ҳашаматли, қуллар билан тўла бўлишни хоҳлайсизлар; сизлар учун бир нарса муҳими: ҳозирги мансабдорлар ўрнини эгаллаш, бошқа барча қоидаларни эса эскичасига қолдириш, оғир меҳнатларни бошқа халқлар елкаларига юклаб, ўзларингиз роҳат-фароватда яшаш.

Сизлар бизни ҳам тинглашингиз лозим. Биз, мазлум фуқароларни тамомила бошқа гаплар ташвишлантиради. Биз — ҳамма ҳазар қиладиган «паст кишилар», озодликдан, ҳар қандай ҳуқуқ ва имтиёزلардан, ҳатто гоҳида инсонлик хислатларидан маҳрум бўлганлар тўла ва ҳар томонлама озод бўлиш учун курашамиз; биз ўз ватанимизни, уйимизни қайта қўлга олишни истаймиз. Бизнинг халқимиз икки юз йилдан бери Эрон давлатининг ихтиёрида қолиб келмоқда; ўтган шохлар салтанатида бизнинг халқимиз, қийинчиликда бўлса ҳам, осойишта яшаб келди. Аммо кейинги ўн йилликларда халқимизнинг аҳволи ниҳоят ёмонлашди; йнгирма йилдан бери уни Умасу эзиб, талаб келмоқда. Шунинг учун бизнинг кўзғолонимизнинг мақсади фақатгина ҳозирги ҳукмронларни ҳайдаш эмас, балки улар ўрнига келишни орзу қиладиганларга ҳам қарши курашишдан иборат. Улар, ким бўлишларидан қатъи назар, шох Эронники бўладими ёхуд бошқа мамлакатники бўладими, барибир! Ик-

кинчи томондан, биз оддий фуқаролар, агар ўзимиз чиқиб қўшниларимизнинг ёрдамсиз, даҳшатли ва енгилмас форс ҳукмронлигига қарши курашсак, ғалаба қилишимиз мумкинми? Йўқ, ғалаба қилиб бўлмайди, демасизлар режалаштирган иш ҳам бемаъниликдир. Бу ерда ўтириб, хурматли Вахаукнинг нутки муқаддима қисмини эшитиб, у ва унинг дўстлари бизнинг раҳбарларимиз бўлишлари мумкин, деб ишонгим келган эди. Бунда мен Эроннинг нуфузли кишилари фуқароларимизга раҳбарлик қилиб, уларнинг озодлик ҳаракатига ўзларининг беғараз маслаҳатлари билан ёрдамлашадилар, деган умидда эдим. Ватандошларимнинг орзуларини ўз орзуларимнинг оташинлиги билан боғламоқчи, уларнинг руҳларини қутқармоқчи бўлгандим. Аммо энди, менгача сўзга чиққан нотикларнинг сўзларини таққослаб ўйлаганимдан кейин, сизларнинг узок йиллар давомида тарбияланиб шаклланган одатларингиз бизга раҳбарлик қилишга йўл қўймаслигини кўрдим ва тушундим. Ачинарлиси шуки, менинг умидларим, юрагимнинг тўрида сақлаб, рағбатлантириб, хатто тушларимга кирган армонларим пучга чиқиб қолди... Сизлар шохга қарши суиқасдга тайёргарлик кўряпсизлар, балки бу мақсадларингиз амалга ошар. Аммо бизнинг мақсадимиз, ҳозир айтганимдек, бошқа. Шунинг учун, чексиз афсусланиб, очик айтаманки, бизнинг йўлимиз сизларнинг йўлингиз билан бир эмас. Сизларнинг йўлингиз билан бориш биз учун тасаввур этиб бўлмайдиган хатолик бўлур эди. Фараз қилинг: борди-ю беш, ўн минг кишини биз қўзғолон қилишга жалб этдик, улар жангга отландилар ҳам, дейлик. Кейин-чи? Уларни жангга чақирган киши — мен ёки менга ўхшаган биров бундан нима обрў топади? Бир шохни бошқаси билан алмаштириш бизнинг халқимизга нима бериши мумкин? Мен ёки менга ўхшаган киши, фараз қилайликки, янги шох тахтга келгандан кейин у билан яқинлашди ва фуқароларни талаш учун шохга ёрдамлаша бошлади. Бундан фуқароларга нима фойдада? Фуқаролар қўзғолон раҳбарларини қандай тушунади? Токи фуқаролар бизни тушунмас экан, токи у бирлашиб ўз миллий истиқлоли учун курашмас экан, тарқок қўзғолонлар Сидондаги ҳаракатга ўхшаб конга беланиши ва оқибатсиз, бутун халқ учун фожиа билан тугаши мумкин...

Спитамен нутқининг эшитувчиларда қандай таассурот қолдирганини тасвирлаш учун қалам ожизлик қилди. Форс давлати марказининг «танланган» ёш аслзодаларига чет ўлкадан келган бундай разил ёш йигит наҳотки шунчалар таъсир кўрсатса? Бировни суғдийнинг чиройли сўзлиги хайратда қолдирган бўлса, бошқаларни — унинг ақли теранлиги ва эркинлиги қойил қолдирди, учинчиларни эса — сиёсий ғояларининг аниқлиги. Спитаменнинг камтарлиги эса ҳаммага бир хил маъқул бўлди. Ёш суғдий марказ зодагонларининг манманлигини сунъий тарзда мактаб кўйди ва улар бу мактовдан эриб кетдилар. Барча тингловчилар — айниқса Бесс — унга ўз хомийлигини ва дўстликларини таклиф этдилар. Учрашувнинг бошида Спитаменни писанд қилмаган Бесс, охирда ёш суғдийнинг қобилияти олдида фикран бош эғди ва маълум даражада, билдирмасдан, хасад қилди...

Кўтарилган масаланинг муҳокамаси яна узоқ давом этди, анчагина, ҳар хил, ҳатто бири-бирига зид фикрлар илгари сурилди; ва ният қилинган ишни амалга оширишни яхши кунларгача қолдиришга қарор қилдилар; вақтдан яхши маслаҳатчилик, Ахура Маздадан эса — мақсадни амалга ошириш учун қулай фурсат ва гуруҳ аъзолари учун жасурлик тиладилар.

Спитамен Бессга, Вахаукга ва уларнинг дўстларига ўзи, ишончли дўсти ва юртдошининг хизматларини аямасликларини айтди. Спитамен, ундан кейин Бахтвар даврада айланаётган дўстлик қадахидан май ичганларидан кейин, самарқандликлар ошхона эгаси ва унинг дўстлари билан хайрлашиб, кетмоқчи бўлдилар. Тайёргарлик кўрилаётган байрамни унинг уйида ўтказиш учун яна икки кун қолиш илтимосига рози бўлмай, Спитамен ва Бахтвар Вахаукнинг ҳовлисидан чиқиб кетдилар.

Уйдан чиқиб улар чамаси уч юз қадам жим юрдилар. Бахтвар биринчи бўлиб сукунатни бузди:

— Сен менга тутган йўлингни ўзгартирганинг сабабини айтасанми?

— У ерда ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам биз томонда эмас. Айниқса ёшларининг ақл-фаросатсизлигидан уларга ишониб бўлмайди. Ҳақиқатга хушёрлик кўзи билан қараш керак. Ўз хатосига, ожизлигига тан бериб, ўз тажрибаси заминида ўқиб, хатосини тузатишга қодир бўлма-



ган кишиларнинг келажаги йўқ. Бундай кишиларни тирик мурдалар дейиш мумкин. Ўз тарихига ва давлатига нисбатан ўзида нафрат туйғуларини ўйотиш учун алқ-фаросат ҳам, жасурлик ҳам керак эмас. Мардлик ва фаросат бизга ўзимизни қандай бўлсак, ана шундай кўриш ва хулоса чиқариш учун керак.

## Т ў қ қ и з и н ч и б о б

### ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САФАР

Спитамен ва Бахтвар чопкир тулпорларига миниб, Суз шаҳридан Ўртаер денгизи сохиллари томон жўнадилар. Ёш суғдий атрофдаги манзараларга назар ташларкан, «мен ҳаёт денгизининг тагида ўтириб қолдим, мазмунсиз вақт ўтказмоқдаман», деб ачинарди. Чунки у Суз шаҳридаги ҳунармандлар фаолияти билан танишиш вазифасини бажарган бўлса ҳам, давлат бошқаруви ва солиқ сиёсати масалалари билан танишиш учун шаҳар амалдорларининг жиддий қаршилигига учради. У қандай ҳужжатни сўрамасин, улардан бундай ҳужжат йўқолган, йўқ қилинган ёхуд умуман бўлмаган, деган жавоб оларди. Ҳар бир лавозимдаги шахс, хоҳ шох саройининг катта амалдори бўлсин, хоҳ божхона, муҳр пули ва бошқа йиғим олувчи идоранинг кичик ходими бўлсин, барибир, қарам ўлка вакилининг марказ тажрибасини ўрганишига ҳалакит бериш учун қўлидан келган чорани кўрарди.

Аммо ҳар қандай тўсқинликка қарамай, Спитамен бошқарув ташкилотларининг фаолиятини ўрганишга ҳаракат қилди; давлат маҳкамасининг ҳукмрон оилалар қўлида эканлиги ва бойлик орттириш қуроли сифатида хизмат қилиши ҳақида тасаввурга эга бўлиб, хайратда қолди.

Хаёлга чўмган Спитамен бошини тўсатдан кўтариб, эътибор билан кулоқ солди. Узокларда флейта, най ва бурғу садолари янграмоқда.

— Бу нима экан? — сўради у Бахтвардан.

— Мўътабар зиёратчи Бобилдан Персеполга кетяпти.

— Бобилдан? Ким экан у?

— Уни Гонсар деб атайдилар... Бу мансабдор хақида мен Суз шаҳрида эшитгандим.

— Ким экан у? — сўради яна Спитамен.

— Сатрап Арассанинг маҳкамасида ишлайдиган муҳим мансабдор дедилар. У шох Умасунинг қариндоши экан, шунинг учун...

— Бўлди, бўлди. Бошқа маълумотга хожат йўк! — Бахтвар сўзини бўлган Спитаменнинг кошлари тугилиб, юзи дахшатли тус олди.

— Сенга нима бўлди, Спитама?

— Ана каромату — мана каромат! — деди ворис. — Бунақа маълумотни Суздаги ташкилотларда мен танишмоқчи бўлган биронта хужжатда учратмадим. Гонсар — диёнатли зиёратчи! Ажабо!

— Тушунмадим, — ажабланиб тўнғиллади Бахтвар.

— Нимаси тушунарли эмас, қара!

Гонсар кўчада чиройли тулпори устида кетидан юк ортилган ўнта туяни, чўлларда ўсган чиройли йилқилар подасини, хизматкорлар ва махбуслар гуруҳини эргаштириб борарди.

— Буларнинг ҳаммаси кимларнинг мулки ва каерданлигини биласанми? Булар Суғдиёна меҳнаткаш фуқароларининг қўлларидан тортиб олинган, ноинсофлик билан тўпланган бойликлар. Ҳолбуки, у бир вақт Самарқандда юқори лавозимли мансабдорлардан бири сифатида ишлаганида инсоний фазилатлар хақида вазғўйлик қиларди! Ана шу палид энди зиёратга кетмоқда!

Спитамен Бахтварнинг елкасига қўлини қўйди.

Йўл узок. Теварак-атроф манзараси ниҳоят гўзал, лекин йўловчилар чарагандан чуқур хаёлга чўмгандилар. Спитамен яна Суз шаҳрида, унинг оқсуяклари билан яқинда учрашгани хақида ўйлади:

Маишатчи зодагонларнинг бошқа дард-доғлари йўк, маълум халқ аҳволидан беҳабар, Вахаук меҳмонларига ўхшаган маишатбозлар ховлиларга кириб уйкуда ётганларни уйғотиб, уларни уйқу аралаш кўчаларга олиб чиқарканлар...

«Биз бошқача йўл тутишимиз керак, пухта ва усталлик билан ҳаракат қилиб, омма фикрини жиддий даражага олиб бориб, бундай амалдорларга нисбатан халқ газабини уйғотишимиз лозим. Шундагина ҳукмдор оилаларнинг хийла-найранги барбод бўлади, озодлик кураши бошланиб кетади...»

Бундай ўйлар Бобил шахридан кейин ҳам Спитаменни тарк этмади.

Улар кун бўйи чанг йўллар билан от чоптирдилар; отлар биқинидан дув-дув тер оқарди, уларнинг туёклари остида қуриган ўтлар ва сўлгин тиканли буталар чирсилдиларди. Улар, чарчаган белларини тикламай, кетмонсимон мотигалар билан ер чопаётган қулларга яқин даладан ўтдилар; кейин қишлоқ кўчалари бўйларидаги қулбалар олдидан ўтдилар; қишлоқ аёллари ўз қулбалари эшиги олдида туриб, гўнгқарга товушига ўхшаган овозлари билан баланд қичқириб, ўз болаларини чақирардилар; тиканли эман дарахтзорлари ичида дайдиб юрган чиябўрилар гоҳ-гоҳ йўлга чиқиб йўловчиларни кўрганлари захоти чўчиб, яна ўрмон ичига кириб кетишарди. Ниҳоят, йўловчилар чорраҳада жойлашган катта чорвоққа кириб келдилар; чорбоғ ичида ҳовли-жой бўлиб, унда дам олишни мўлжалладилар; отларни ҳам эски қудуқ бўйида жойлашган тошдан ясалган охур олдида боғлаб, уларга беда ва ем бердилар. Бу чорбоғ қарвонсарой бўлиб, узок йўл олдидан дам олиш учун барча қулайликларга эга.

— Денгиз бўйига тезроқ бориб етиш учун қайси йўл қулай? — сўради Бахтвар саройбондан.

— Библ шаҳри йўли билан.

Шунинг учун ёш йўловчилар Библ шаҳрига жўнайдиغان савдо қарвонини кутдилар. Қарвон ҳам келди. Улар Фурот дарёси бўйлаб, Аполло шаҳри орқали кетадиган узок йўл эмас, балки қарвонга қўшилиб, Шом чўллари ни кесиб тўппа-тўғри денгиз бўйига чиқадиган йўл билан бордилар.

Қарвон ва самарқандлик йўловчилар чўл-сахрога етдилар. Тепадан қуёшнинг чидаб бўлмайдиган харорати баданини қиздирарди; сахро қумининг ёпиб ётган майда, аччиқ зарралари уларнинг оғиз, бурун ва кўзларини тўлдирарди, отларнинг оёқлари қизиган қумга ботиб, уларнинг юришига халал берарди. Атроф ва фазода сукунат ҳукм суларди.

— Доимо бундай бўлмаслиги керак, — деди Спитамен.

— Бундан баттар бўлиши мумкин! — жавоб берди Бахтвар. — Қара, — у олдинда кетаётганларни кўрсатди, — уларнинг отлари тиззаларигача қумга кириб кетган.

Спитамен кулди. Шу вақт улар бир оз каттиқрок йўлдан юриб, чамаси юз қадам йўртиб кетдилар, аммо яна кум денгизига кириб, юришлари кийинлашди ва қадам-бақадам судрала бошладилар.

Одамларни тер босиб кетди, отлар кўпикладилар.

— Иссиқ! — шивирлади Спитамен.

Савдогарлар жавраб сўкинардилар. Спитамен тишини-тишига босарди.

Туялар кийинчиликсиз, бепарво юрардилар. Аммо отлар ҳамон тизза бўйи кумга чўқар ва ҳаракат қилишлари яна кийинлашарди. Одамлар машаққат билан қадам ташлаётган бўлсалар ҳам, кумдан оёқларини тортишга қийналган отларни тиришиб йўлга солардилар.

Саҳронинг ловиллаган даҳшатли қуёшни сочаётган ёғдулар фақат куйдириб, кўзни қамаштирибгина қолмай, балки ачитар ҳам эди. Энг чидамдилар ҳам чарчоқдан йиқилардилар. Агар шу пайт уларнинг биронтасидан иссиқми, деб сўраганда, у жавоб беролмасди.

Спитамен бошқаларга нисбатан ўзини тетик сақлаган бўлиб, у отлар кишнашини эшитиб, ўша томонга ўтди ва қоя орқасидаги сояда ўтирган одамлар, туран от ва туялар тўдасини кўрди. Бу улардан илгари кетаётган қарвон бўлиб, дам олаётганди. Савдогарлар орасида Спитаменга таниш кишилар ҳам бўлиб, улар билан ёш суғдий қуюқ сўрашди. Улар ёнида ўтириб Спитамен анча қарахтлашди, аниқроғи, ухлаб қолди.

У чорак соатдан кейин уйғонди, сахрога қаради ва хурсандчилигидан қичқириб юборди. Уфқда яшиллик, сув, пальма дарахтлари, бир оз баландликда эса — қишлоқ ва ибодатхоналар кўринарди.

Унинг атрофидагилар — бактрияликлар, форслар, араблар, юнонлар, турклар ва бошқа миллат вакиллари ухлаб ётардилар. Фақат юнонистонлик ҳунарманд, Спитаменнинг таниши, Паллант, қоянинг лабида туриб, қафтларини қошига қўйиб узоқларга тикиларди.

— Паллант!.. Паллант! — қичқирди Спитамен. — Сен ана у воҳани кўряпсанми?

У ўрnidан сакраб юнон томонга чопди.

— Сен воҳани кўряпсанми?

— Бу воҳа эмас, — жавоб берди Паллант, — бу сахрода дайдиб юрган, аммо ҳаётда мавжуд бўлмаган қандайдир мамлакатнинг шарпаси. Ҳу ана у... нари-

роқда! — жануб томонга бармоқларини узатиб, тушунтирди...

— Тоғларми? — сўради Спитамен.

— Яхшироқ кара.

Спитамен диққат билан тикилди-да, бирданига кичкирди:

— Менимча, қандайдир қорамтир уюм юқорига кўтарилмоқда. Балки, менинг кўзларим чарчагандир...

— Бу тўфон, — деди уйқусидан турган Демерел исмли турк.

— Бизни фақат худолар қутқарадилар, агар раҳм этсалар, — қўшиб қўйди, шомлик араб Асад ҳам ўрнидан туриб.

Ҳақиқатан ҳам, Спитамен юзида шундай қизиган хилнинг эсаётганини сездики, саҳронинг иссиқлиги унинг олдида ҳеч нима эмасди. Бу иссиқлик аввал секинроқ эсиб, кейин кучайди ва тафти ошиб, қорамтир қатлам бўлиб, катта тезлик билан осмонга кўтарилди.

— Биз нима қилишимиз керак? — сўради хайратда қолиб, ўрнидан турган Бахтвар.

— Бу қоялар, — жавоб берди Асад, — бизни қумдан ҳимоя этади, лекин кучайиб бораётган чанг ва иссиқликнинг олдини ололмайди. Бир ёки икки кундан кейин...

— Нахотки, тўфон шунча узок давом этса? — унинг сўзини бўлди Спитамен.

— Айрим вақтлар уч-тўрт кун. Фақат гоҳо у бир неча соат кўтарилиб, тезда, қирғий каби тезликда пастга, ўзининг ўткир қиличи билан тушиб кетади. Лекин бу жуда камдан-кам бўлади.

Спитамен маъюсланди, аммо қўрқмади. Юнон Паллант эса яктагининг ҳамёнидан яшил шиша идишчасини олиб, унга инъом этмокчи бўлди:

— Мана бунда ал-иксир номли обиҳаёт дориси... Бу сенга бир неча кунга етиши керак. Уйқусираш ёхуд қўрқинчни сезишинг билан, бундан бир неча томчисини ич. Шунда тетикланиб бардамлашасан.

— Сен-чи? Бошқалар-чи?

— Менинг тақдирим Аполлон қўлида. Бошқалар... Улар Сиёвуш наслидан эмас, ворислар ҳам эмас!

— Бу ичимликни мен олмайман, — деди Спитамен, идишчани нари суриб.

— Сен буни олишинг шарт, Спитамен! — кистади Паллант. — Сугдиёна халқи ўз орзуларини сенинг елканга юклаганини эсла... Сенинг устингда унинг бахти, хузуур-халовати ва дуоси учиб юрганини эсла.

Кора булут аллақачон осмоннинг ярмига кўтарилган, иссиқ гирдоб шундай хил тарқатаётган эдики, Спитамен ва унинг хамрохлари қоянинг пастлигига тушишга мажбур бўлдилар.

«Сугдиёна халқи? Дуоси...» — ўз ичида такрорлади Спитамен ва тўсатдан сўради:

— Уч йил бурун, кечаси боғда мен билан гаплашган киши сенминг? Ҳарбий машқдан кейинги биринчи кунларда?

— Ха, саваланган дехконга раҳминг келиб, солиқчиларни хайдаб юборган кунлари, — жавоб берди Паллант, — сен кейин гуноҳсиз дехконларни қамоқдан озод этдинг; уларни Габер томонидан талашга йўл қўймадинг. Ана шу халқ учун, — сўзини давом эттирди юнон, — унга ғамхўрлик қилганинг учун мен ҳозир ҳам сенинг ҳаққинга дуолар айтаман... Эҳтимол, бу тўфондан бир ўзинг омон қоларсан, мазлум сугдий халқи сени ўз халоскори сифатида асраб-авайлаб, унинг орзу-умидлари сени ҳар хил бало-қазолардан қутқаради.

Табиат қутурди. Ерга қоронғилик тушди, кўзида эса даҳшатли тезлик билан сарик ва қоп-қора кум булутлари учиб юрардилар. Гўёки бутун кум саҳросининг жони кириб фазога чиқиш учун ҳаракат қилар, палаҳмондан отилган тош тезлигида номаълум томонга учардилар.

Ҳаммом буғхонасидаги каби иссиқ... Паллант зўрлик билан Спитамен оғзига идишчани тутиб, ал-иксир оби-хаётидан бир неча чакра томизди. Ворис уни ютиши билан анча енгил тортди: оғриқ ва иссиқлик азоби камайди, ақлу ҳуши унга қайтди.

— Бу ҳол нахотки, бир неча кун давом этса? — сўради Спитамен.

— Тўрт кун, дейди шомлик, — жавоб берди Паллант.

Тўфон даҳшат билан эсмоқда. Атроф қоронғилашди. Шамол сусайиб, қора кумнинг буркираган пағалари пастга тушишлари билан осмонда ўзининг даҳшатли, занг тусидаги нурларини тарқатаётган қип-қизил қуёш кўрина бошлади. Лекин тез орада иссиқлик, нафас қайтарадиган довул янги куч билан фазога кўтарилди; кум

пағалари қалынлашиб, хира ёриқ хам йўқолиб, хавога ташвишли товуш ва инсон қулоғига нотаниш садо кўтарилди. Вақти-вақти билан уфқда бекиёс катта, қон рангли доғлар пайдо бўлдики, гўё ер юзи ёнғин билан қоплаб олинган.

Бирданига саҳронинг шимол томонида момақалди-роқнинг гумбурлаши эшитилди. Спитамен чўчиб кетди. У момақалди-роқнинг гумбурлаб келган товуши томонга қараб, қўл кўтарган қорамтир одам шарпасини кўрди. Бу шарпанинг бошидан, бармоқларидан, ҳатто кийимларидан узлуксиз, тез-тез ёруғ-яшил учкунлар тарқаларди...

— Анахита! Анахита!

Момақалди-роқнинг даҳшатли овози борган сари яқинлашиб, қум булутлар орасидан саҳрони кизил шуъла билан ёритадиган чакмоқ чақди. Яна момақалди-роқнинг гумбурлаши, яна чакмоқ.

Спитамен довул кучининг сусаяётганини ва иссиқликнинг пасая боришини сизди. Фазода бурқираб юрган қум пағалари пастга туша бошладиар, осмон эса кул ранг, кейин занг-яшил, кейин сутсимон турга кирди. Ниҳоят, атроф тинч бўлиб, бир неча дақиқадан кейин яна момақалди-роқ гумбурлади ва совуқ шамол эса бошлади.

Иссиқликдан ҳолсизланган йўловчилар кўзларини очдилар.

— Сизлар саҳро шовқинини эшитяпсизларми? — тўсатдан сўради шомлик қария.

— Яна шамолми?

— Йўқ, бу ёмғир.

Ҳақиқатан ҳам, осмондан ёмғирнинг бир неча совуқ томчилари ерга тушди, кейин ёғин кучайди ва, ниҳоят, момақалди-роқ ва чакмоқ аралаш сел келди.

Йўловчиларни хурсандчилик оёққа турғизди. Чакмоқ ва момақалди-роққа эътибор бермай, бир неча дақиқа бурун иссиқлик ва чақоқдан толиққан одамлар болаларга ўхшаб ёғаетган ёмғир остида чопардилар. Улар ўзлари чўмилардилар ва отларни чўмилтирардилар, ёмғир остига бош кийимларини, чарм халталарни тутардилар ва ҳеч тўймай ёмғир сувини ичардилар...

— Бу мўъжиза эмасми? — қичқирди Спитамен. — Агар бундай жонга малҳам ёмғир ёрмаганда, биз иссиқ тўфонда ҳалок бўлардик.

Ёмғир тинди. Карвон ғарбга қараб ҳаракат қилди.

Куёш шафаққа ботаётганда, йўловчилар тоғ этагига яқинлашдилар ва орқаларида ўзларининг узун сояларини, пастликда эса кичик кўрфазда жойлашган денгиз бандаргоҳини кўрдилар.

Тоғ орқасида яширинаётган куёш нури кемалар мачталарининг учини ёритарди.

Йўловчилар қоронғида Ўртаер денгизи соҳилидаги Библ шаҳрига кириб келдилар. Библ — Финикиянинг қадимий порт шаҳри, Тир ва Сидон шаҳарларининг рақобатчиси; айрим мухторият (автоном) ҳуқуқига эга, шунинг учун яшнаётган шаҳар.

Келганлар карвонсаройга ўрнашдилар ва дам олганларидан кейин, эртасига ҳар ким ўз иши билан шуғулланди. Спитамен ва Бахтвар отларини бозорга чиқариб сотдилар.

Уч кундан кейин, сахар чоғи кема Милет томон, денгизга чиқиш учун ўз лангар (якор)ларини тортди. Спитамен, Бахтвар ва улар билан бирга Шом саҳросини кезиб келган айрим йўловчилар ана шу кеманинг мусофир (пассажир)лари эдилар.

Кема ўз манзилидан чангак (багра)лар билан денгиз томон сурилгандан кейин, эшқаклар ёрдамида кўрфазнинг тор сув йўли орқали гаван (бандаргоҳ)дан очик денгизга чиқарилди.

Тез алмашиниб турган манзаралар таассуротида Библ шаҳри Спитамен кўзларидан узоқлашаверди: денгизда юзлаб кема ва қайиқлар фалак денгизидаги янги ойдек суръат билан сузардилар, кемалар устида учиб юрган чайкалар, делфинларнинг сув устига кўтарилиб, яна сувга шўнғиб кетишлари унга ажойиб таассурот бахш этарди. Кемаларнинг сувда чайкалиб денгиз бўйидаги қалин деворлардан узоқлашиши, сув бўйидаги пальма дарахтлари остидаги кулбалар, хашаматли бинолар, боғлар, шаҳар қабристонни, нотекис қоялар, қизил сопол билан ёпилган томлар ва экинзор ер майдонлари, денгиз шамоли билан қалқиётган сув кўпикларининг камайиб бориши унга нотаниш. Аммо бу янгиликлар уни завқлантирди. Спитамен ҳаёти тўлқинли ахлоқий покланиш алангаси билан ёнмоқда. У сукунат хиссиёти ва бефарқлик билан шимолий-шарқда кўздан узоқлашаётган шаҳарга назар ташларди.



Спитамен кеманинг юқори сахнида туриб денгиз сатхига қараётган кунларнинг бирида юнон Паллант пастки палубадан зина орқали юқорига кўтарилиб, унинг олдига келди ва елкасига қўлларини қўйди. Улар газакхона (буфет) столи этагидан жой олиб сухбатлашдилар.

Бировларнинг сўзи қора чақалик кадрга эга бўлмагани холда, баъзи бировларники хазина қадар бебаҳо кийматга эга бўлиши мумкин. Бу сухбатдошлар ҳозир шу ҳолатни сезишаётган эди.

— Менга Сугдиёна, унинг одамдўст, меҳнатсевар фуқаролари, маданияти, удумлари жуда маъқул бўлди, — сўз бошлади Паллант. — Аммо афсуски, улар азоб чекмоқдалар.

Спитамен ўз сухбатдошига назар ташларкан, стол устига энгашиб жавоб берди:

— Бу масала, сени ўзига жалб этганидек, мени ҳам каттиқ ҳаяжонлантиради. Мен одатда ўзим ҳақимда оз гапирсам ҳам, шу масала ҳақида гапираётганимда ўз мулоҳазаларимга ўзимни қўшиб гапирсам, мени кечирасан.

Равшанки, ҳар қандай инсоний фаолият, жумладан уруш ҳам, оқибат натижада сиёсатга бўйсунди. Назарий жиҳатдан мен сугдийларнинг ҳам, форсларнинг ҳам ўз олдиларига қўйган максадларига хайрхоҳман. Менинг фикримча, ҳеч қайси бир жамият, агар унда ўзаро келишилган эркинлик қарор топмаса, тўла соғлом бўлолмайди; мен табиат қонуниятларига тан бераман; ҳаққониятга ишонаман... — У ўз қўлидаги қадахни каттиқ қисди. — Мен сени зериктирмадимми?

Юноний ҳеч нима демади, у Спитамен кўзларига тикилди. Сугдий сўзини давом эттирди:

— Агар болалар суяги бир ойлигидаёқ пайдо бўлишига оналар кўникмаганларида, ҳаётда гўдақлар кам туғиларди.

Паллант мижджа қоқмай, жавоб берди:

— Оналар тўққизинчи ойда ўз оёқларини боғлаган тақдирда ҳам, ҳаётда болалар кам туғиларди.

— Бу ҳам тўғри. Вақт билан ҳисоблашиш керак. У муҳим омил; қачон суяк пайдо бўлиши ва қачон бола туғилиши оғриғи бошланишини билгандагина киши бошлиқ бўла олади. Бу омил билан у ҳисоблашмаса, янги ҳаёт туғилишининг оғриқларини тушунолмайди ва юзага келаётган ўзгаришга тўғри баҳо беролмайди.

— Ва тезлик билан хулоса чиқармоқчи бўлганда...

— Шундай. Мен ўз халким учун ҳеч нарсага улгурганим йўқ. Эрон Туронни босиб олди, чунки у менинг авлодларим ўйлаганча бўлмай, томирлари анча чуқурга кетган ва мустаҳкамлашган экан. Энди эса сенинг юнониларинг ва уларнинг қўшниси, македонияликлар бизга кўз олайтирмоқда.

— Эҳтимол. Агар Юнонистон ёхуд Македония Эронга хужум қилса, сен унга раҳм қиласанми?

Суғдий яна столга энгашиди:

— Перикл байроғи остида курашиб, сен тўғри йўл тутгансан. Бу Юнонистон барча ўлкаларининг байроғи...

Перикл байроғи ҳақида гапирганда Спитамен нимани кўзда тутганиди?

У бир дам ўйга ботди.

Бу даврда қадимий юнон маданияти чуқур тангликни ўз бошидан кечираётган бўлса-да, тамомила инкирозга етиб бормаган, Перикл бошқарган давр таъсирида яшаётган эди.

Перикл замони (милоддан аввалги 444—429 йиллар) Юнонистон гуллашининг юқори чўққиси бўлган. Унинг даврида Юнонистонга Афина, Спарта, Фива, Саламан ва бошқа ўлкалар кирардилар. Перикл ўз фаолиятида ўрта табақадаги фуқароларга таянарди. Аммо давлат энг камбағаллар ҳақида ҳам ғамхўрлик қиларди: у қайик ҳайдайдиган эшкакчиларга ва аскарларга ҳам маош тўлар, ишсизларни иш билан таъминлар, очларга бепул нон берар ва ерсиз дехқонларга ер берарди. Ҳамма жойда — устахоналарда, қурилишларда ва экин майдонларида — куллар ишлардилар, шу боис эркин киши учун кўп бўш вақт қоларди: у ўқир эди, табиат ва жамият сирларини тушунишга интилар, сайёралар ҳаракатини кузатар, қуёш куйишини башорат этар, фазони ўлчар, ибодатхоналар ва қасрларни безатарди; Юнонистон Эгей денгиздаги барча савдо ишларини ўз қўлига олган эди.

Гўёки роҳат-фароватдаги турмушнинг охири йўқ эди. Аммо Афина ва Спарта ўртасидаги Юнонистонда ҳукмронлик учун кураш ва Афина билан Коринф ўртасидаги савдо йўллари учун кураш Пелопонес урушига (милоддан аввалги 431—404 йиллар) олиб келиб, бу кураш Афина мағлубияти билан тугалланди.

Мазкур урушдан сўнг ҳам, шахарлар бир-бирларига қарши ўн йилликлар давомида курашдилар.

Уруш ва бу зиддиятлар фақат Афина ва Спартани эмас, балки бутун Юнонистонни минглаб мисли йўқ офатларга дучор этди. Бундан аввал, ҳеч қачон юнонлар бу қадар кўп уйларни бузмаган, бунча кўп одамларни ўлдирмаган эдилар. Бунинг устига, даҳшатли ер қимирлаш юз берди. Экинзор ерларда душман жангчиларининг юришидан қолган ҳосилни қурғоқчилик қуйдириб юборди. Мамлакатни очлик бўм-бўш қилиб қўйди, вабо касали одамларни қириб ташлади. Перикл замонидаги ҳаётдан фақат яхши хотираларгина ва қайта эришиш орзуси қолди.

Бу вазият бир-бирлари билан урушиб чарчаган, лекин сакрашга тайёргарлик кўраётган йўлбарсни эсларидан чиқарган буқаларни эслатарди. Йўлбарс эса дарахт япроқлари орасидан ўз ўлжасига разм соларди. Юнонларга уларнинг қўшнилари, македонияликлар ана шундай разм солардилар.

— Аммо, мен сугдийман, — сўзини давом эттирди Спитамен. — Мен, мамлакатимда юзага келган вазият билан ҳисоблашим керак. Мен ўзимга ёқадиган жойда эмас, балки замини юмшоқ бўлмаган жойда ўзим ўйлаган иморатни қуришим лозим. Тўсиқларни бузиб, ҳаёт булогининг жўш уришига имконият яратишим лозим.

— Агар янги тўсиқлар вужудга келса-чи?

— Агар улар менинг ҳаётим давомида вужудга келса, мен уларни йўқотиш учун курашувчиларни бошқараман. Бунинг сенга тушунтирмакчиман. Бордию халқимизнинг орзуси бўлган, Сугдиёна озодлигини қўлга олиш учун нақт етилса. Шунда унинг фаолияти бўронни чорлайди ва бу умумий окимга бошқа давлатлар ҳам тортилади. Бундай тақдирда Сугдиёна барча ҳозирги тўсиқларни ўз йўлидан улоқтириб ташлаб, илғор кучлар билан иттифок тузиш учун биринчи зарур кадамларини ташлайди. Аммо сен менинг фикримни тушунишинг керак: сиз юнонлар, ўтакетган худбинсизлар. Мен кўп юнонлар билан учрашдим ва улардан кўп нарсаларни ўргандим; мен Сугдиёна фуқароси сифатида, халқ Мажлиси аъзоси сифатида, Шарқ халқлари фикрини ва Шарқ давлатлари муаммоларини ўзимча талқин этаман. Менинг мулоҳаза-

ларим атрофлича бўлиши лозим. Менинг иккита мақсадим бор: озод ва кучли Суғдиёна давлатини тузиш ва унинг мустақиллигига хавф туғдирадиган ҳар қандай давлатга кучли қаршилик кўрсатиш.

Юнонлик илжайиб, деди:

— Сен ўзингнинг кучли Суғдиёнангни Эрон ўрнида қўймоқчисан — бир империя ўрнида бошқасини тикламоқчисан.

— Йўқ мен хали ўйламасдан гапирганим йўқ, бундай бўлмайди. Кураш янги босқичга кўтарилди; буни тушуниш ҳам янгилик. Мен ўзимнинг аскарларим орасида узоқ вақт яшадим ва биламан: шундай кадрият ҳурматга лойиқки, агар у тенг ҳуқуқли фуқаролар муносабатидан келиб чиқса. Биргаликда ҳамкорлик қилиш ришталари, ҳулқ-атвор ва раҳбарлик қилишнинг шахсий меъёрларини вужудга келтириб, ўзи ҳам мустаҳкамлашаверади.

— У мағрурлик билан бошини кўтарди. — Ўйлаб кўр, мен турли қабилалар ва унволлилардан иборат бўлган ҳарбий бўлинмаларга кўмондонлик қилдим, ҳар бир бута орақасидан хавфни кутиш мумкин бўлган томонларда раҳбарлик лавозимида ишладим, аммо ҳеч қайси жойда суикасд ҳақида сўз эшитмадим! Чунки бир миллатни бошқасидан баланд қўймадим.

Паллант қўлини кўтарди.

— Сени шарафлайман, Спитамен! Қандай бахтки, Худо Суғдиёна учун сендек узоқни башорат қила оладиган ўғилни берган.

— Инсоният урушлари уларнинг ўз мустақиллигини қўлга олишлари билан тугаллансин, — деди Спитамен паст, лекин кескин овоз билан. — Қулларни ҳам озод этиш даври келсин. Қулларни шиор остига чақирганда, улар қулликда қололмайдилар.

Паллант қўлидаги қадаҳ устига бошини эгиб, чуқур оҳ тортди.

— Машаққатли дунё, уқубатли йўл, — деди у ва кўзини четга олди. — Қанча ўлим, қанча қон, қанча азоб...

— Ҳа, — охиста деди Спитамен, — ёмонликдан яхшилик туғилиши мумкин, агар ёмонликни яхшилик деб, сохталик қилмасанг. Фақат ўзингдаги ана шу ёмонликни сезганингдагина, ундан яхшилик туғилиши мумкин. Ҳаётда ёмонлик кўп, — сўзини давом эттирди у. — Ин-

сонда яхшилик фараз қилганингдан ҳам кўл... Қолгани вақт ихтиёрига ҳавола. — Шу билан у Эллада фуқаросининг қўлини қисди.

Паллант бошини эгди.

Бу иккала суҳбатдошларнинг столи ёнига чамаси ўттиз беш ёшли, баланд бўйли, мўйлов қўйган, юнонча чакмон кийган ёш йигит келди. У Паллант билан иссиқ саломлашди. Паллант уни Спитаменга таништирди:

— Таниш, бу менинг оғайним Лаэрт.

Лаэрт Спитамен билан танишиб, хол-аҳвол сўрашди; унинг юнон тилини яхши билганига қойил қолди ва ундан бу тилда бундай эркин гапиришни қандай ўрганганлигини сўради. Финикия шаҳарлари бўйлаб қилган сафарлари ва уларда савдонинг бориши ҳақида гапириб берди.

Кейин суҳбатда Эллададаги аҳвол, унинг Македония томонидан босиб олинганлиги, шох Филипп II сиёсати, унинг ўғли, ёш ва довиюрак Искандар ҳақида сўз борди.

Аввало Элладанинг Македония томонидан қандай қилиб босиб олинганлиги ҳақида гаплашишди.

Македонияда фуқаролар асосан овчилик, чорвачилик орқасидан ҳаёт кечирардилар, баъзи жойда ғалла экиларди.

Македония Филипп II подшоҳлиги даврида (милоддан аввалги 359—336 йиллар) юксалиб, Элладага нисбатан кўз олайтира бошлади.

Юнонлар македонликлар ҳокимиятига бўйсунмасликлари мумкин эди, аммо Эллада ичида бирликнинг йўқлиги мустақилликни қўлдан беришга сабабчи бўлди. Эллинлар ўзаро баҳслашаётган вазиятда Филипп Беотияга қўшин тортди; Херонея шаҳри постида катта жанг бўлиб, македонияликлар бирлашган юнон қўшинига қақшатғич зарба бердилар ва Эллада македониялик шох ҳукмронлигига кирди.

Суҳбатдошлар бутун Эллада бўйлаб доврўғи кетган ёш шахзода Искандар ҳақида ҳам анча сўзлашдилар.

— Бу шахзода, — деди Лаэрт, — шундай ҳам худбин ва эпчил дейдиларки, у ҳалиданок давлат ишларини яхши тушунармиш. У яқинда ҳокимиятни отасининг қўлидан тортиб олса, ажаб эмас.

— Эҳтимол, унга яхши таълим бергандирлар? — сўради Паллант.

— Шубҳасиз, Александр (Искандар) тарбияси билан кўпсонли мураббийлар, устоз ва ўқитувчилар шуғулланганлар, — жавоб берди Лаэрт. — Филипп ўз ўғлининг тарбиясини умумий таълим доирасига кирадиган мусиқа ва бошқа фан ўқитувчиларига ишонишни хохламади. У таълим ва тарбия ишининг ниҳоят мураккаблигини билди. Шунинг учун шох бу ишга юнон файласуфлари ичида энг машҳур бўлган олим, Аристотель (Арасту)ни даъват этди.

— Эшитишимча, — унинг сўзини бўлди Паллант, — у Аристотелдан «Илиада»ни бекиёс дурдона асар сифатида кадрлашни ўрганиб, ундан ажралмас экан. Аммо у ўзининг сўнмас хирсини тиймас эмиш.

— Ха, — сўзини давом эттирди Лаэрт, — ёш Александрдаги худбинлик ва шухратпарастлик каби ёмон хислатларга, менимча, Аристотел барҳам беролмаган. Лекин ўз талабасини бўлажак шох сифатида тарбиялашда бу олимнинг хизмати, шубҳасиз катта.

Филиппнинг саройда бўлмаган кунлари Македонияга форс шохининг элчилари келган экан; шунда Александр ўзини йўқотмай, уларни қабул қилган экан, у элчиларни ўз эҳтиромлилиги билан, катталарга хос салобатли саволлари билан лол қолдирибди; у Форс давлатидаги йўлларнинг узунлиги, мамлакат ичкарисига қандай ва қайси йўллар билан кириб бориш мумкинлиги ҳақида, шохнинг шахсияти ҳақида — у душманга қарши қандай кураша олиши мумкинлиги, яна форсларнинг куч ва қудрати нимадан иборатлигини — сўрабди. Шахзодаларнинг бу саволларидан ҳайратда қолган элчилар, бу боланинг буюк ниятлари ва интилиши олдидан Филиппнинг донғи кетган қобилияти сўниб кетиши ҳеч гап эмас, деган хулосага келган эканлар.

Хар сафар Филиппнинг бирон-бир катта шахарни босиб олганлиги ёхуд жангда ғалабага эришганлиги бобида хабар келса, Искандар бу хабарни эшитиб таъби хиралашар ва ўз тенгқурларига: «Болалар, отам ҳамма ерларни босиб олишга улгуради, мен билан сизларга ҳеч қандай катта ва ажойиб иш қилишга имкон қолмайди», деб мурожаат этаркан. Искандар, отамдан қанча кўп олсам, шунча оз, деб ҳисобларкан.

Жасурлик ва эпчиллик Искандарнинг қонида бор.

Фессалиялик Филоник бир куни Филиппга Буцефал лақабли жийран отни келтириб, уни ўн уч талантга сотиб олишни таклиф этади. Бу ёш отни синовдан ўтказиш учун майдонга олиб чиқадилар. Буцефал ўргатилмаган ва ром бўлмас экан, Филиппнинг яқин кишиларидан ҳеч қайси бири уни ўзига итоат этгиролмабди, от ҳеч кимнинг минишига имкон бермай, ҳар гал орқа оёғида туриб, ўжарлик қиларкан. Филипп аччиқланиб Буцефални ром этиб бўлмайди, деб олиб кетишни буюради. Шунда, бу воқеа шохиди бўлган Искандар дебди:

— Шундай ажойиб отни бу кишилар ўз қўрқокликлари ва ношудликлари туфайли ром қилолмай йўкотадилар...

Филипп аввал Искандарнинг бу сўзига эътибор бермади, аммо бу сўзини у бир неча бор аччиқланиб айтганидан кейин, шох деди:

— Сен ўзингдан қатталарни, гўёки улардан ақлироқдек ёхуд отни ром қила оладигандек таъна қилясан..

— Бу отни, ҳеч бўлмаса, бошқалардан кўра мен ром қила оламан, — жавоб берди Искандар.

— Агар уддалай олмасанг ўзингнинг ўжарлигинг учун қандай жазога рози бўласан? — сўради Филипп.

— Зевс ҳаққи қасам ичаманки, мен от нархини тўлайман! — деди Искандар.

Атрофдагилар кулиб юбордилар, ота-бола эса от нархига гаров боғладилар, Искандар тезда от томон югуриб, унинг жиловини ушлади-да, юзини куёш томонига бурди: у от ўз соясидан қўрқаётганини сезган эди, шекилли. Бир неча дақиқа Искандар отни кўли билан силаб, ёнмаён югурди. Буцефалнинг тинчиганига ва текис нафас олаётганига ишонч ҳосил қилиб, Искандар ўз яқтагини улоқтириб ташлади-да, бир сакраш билан отга миниб олди. Аввал жиловни енгилгина тортиб, Буцефални урмай ва туртмай чопишдан тўхтатди, отнинг ўжарлиги бошқа хавф туғдирмаслигини сезгандан кейин, унинг илгарига интилишини кўриб, эркинлик берди, ҳатто қаттиқ овоз билан тезлатиб, оёғи билан тепиб қистади. Филипп ва унинг яқин кишилари хавфланиб, жим турдилар, лекин Искандар отни барча қоидалар билан йўлидан қайтариб, уларнинг олдига кеккайиб ва хурсанд бўлиб келганидан кейин, ҳамма қичқириб юборди. Отаси эса, айтишларига

караганда, хатто хурсандчилигидан кўзларидан ёш чикиб, отдан тушаётган ўғлини ўпиб, унга айтган экан:

— Ўғлим, сен ўзингга мос подшоликни изла, чунки Македония сенга торлик қилади!

Филипп византияликларга қарши юришга кетганда, энди ўн олти ёшга кирган Искандар Македонияда шох сифатида қолган ва унга давлат муҳри ишонилган. Бу вақт давомида шахзода кўзқолган медаларни маҳв этган, уларнинг шаҳрини ишғол этиб, маҳаллий аҳолини ҳайдаб, у ерга турли ўлкаларнинг аҳолиларини кўчириб келтириб, «Александропол» номини берган. Ана шулар учун Филипп, табиийки, ўз ўғлини жуда севарди, македонияликлар Искандарни ўзларининг шоҳи, Филиппни эса лашкарбоши деб атаганларида, у хатто хурсанд бўлган.

Аммо Филиппнинг қайта уйланганлиги ва ишқий кечирмалари натижасида бир пайт шох хонадониди кўнгилсизлик юзага келди. Ғазабланган Олимпиада, ўғли Искандарни отасига қарши қайради. Ота ва ўғил ўртасида Аттал айби билан Клеопатра тўйида жанжал чиқди. Сабаб — Филипп ўз ёшининг катталигига қарамай, ёш қизга севги изҳор этиб, унга уйланди. Келиннинг амакиси — Аттал зиёфатда маст бўлиб, Филипп ва Клеопатрадан тахтнинг қонуний вориси туғилиши учун худога сажда қилишларини талаб этди. Бундан ғазабланган Искандар Атталга қараб қичқирди:

— Аблах, сенингча мен қонунсиз туғилганманми? — ва Атталга кўлидаги қадахни отиб юборди.

Филипп қиличини қинидан чиқариб ўғлига ҳамла қилди, аммо уларнинг бахтларига ғазаб ва шароб ўз ишини қилганди: шох қоқилиб, йиқилди. Искандар эса, отаси устидан кулиб деди:

— Ҳой халойиқ, қаранглар! Овруподан Осиёга сакрашга тайёргарлик кўраётган бу одам, суянчикли ўриндикдан турасолиб балчиққа йиқилди.

Ана шу мастликдаги жанжалдан кейин Искандар онаси Олимпиадани олиб, яшаш учун уни Эпирга юбориб, ўзи Иллирияга кўчиб кетди. Шу вақт шох хонадони билан яқин меҳмондорчилик муносабатида бўлган ва унинг учун шох билан эркин гаплаша оладиган кимса, коринфиялик Демарат Филипп хузурига келди. Биринчи саломлашиш ва ҳол-аҳвол сўрашдан кейин, Филипп ундан



юнонлар бир-бирлари билан келишиб кетдиларми, деб сўраганида, Демарат дарров ўтган жанжални шаъма қилиб, унга деди:

— Нима ҳам дейиш мумкин, Филипп, Юнонистон ҳақида сендан бошқа ким ғамхўрлик қилиши мумкин, ҳолбуки сен ўз уйингда жанжал ва фалокатга йўл қўйибсан!

Бу сўзлар Филиппни ўйлашга мажбур этди ва у Искандарга одам юбориб, Демарат воситасида уни уйига қайтиб келишига кўндирди...

Нима бўлса ҳам, Искандар шахсининг шаклланишида унинг онаси Олимпиада ва ўқитувчиси Арасту турлича роль ўйнаган. Агар Арасту ниҳоят ҳақиқий мураббийга айланган бўлса, Олимпиада бундай ролни бажаролмасди, кўпинча у Искандарга она сифатида, ўзининг салбий томонлари билан таъсир кўрсатган. Иккала тарбиячилар ўртасида қолиб, Искандар табиийки, онасининг тарбиясига кўпроқ берилган. У аввал Арастудан фахрланган. Унинг ўзи айтишича, ўқитувчисини отасидай севган. Мен Филиппдан яшаганим учун миннатдор бўлсам, Аристотелдан лойиқ даражада яшаётганим учун миннатдорман, деб қайта-қайта таъкидлаган. Унинг ёшлигиданок фалсафага бўлган иштиёқи ва хирси ҳеч вақт сўнмади.

Юнонлик суҳбатдошларининг хикояларидан Спитаменда Македония ва Юнонистондаги аҳвол ҳақида ва тез фурсатда ҳокимият тепасига келган, Осиёга қарши ўн йил давом этган юришни бошлаган македонлик Искандар фазилатлари ҳақида батафсил таассурот ҳосил бўлди.

\* \* \*

Эгей денгизи бўйидаги Милет шахрининг сув бандаргоҳи. Лангарини ташлаган кема нарвонидан порт майдонига тушган Спитамен, Бахтвар, Паллант ва Лаэрт бошқа мусофирлар қаторида, порт оломони билан аралашиб кетдилар.

Шаҳарнинг кенг ва текис кўчаларида юрарканлар, самарқандлик ёш сайёҳлар, шаҳарликлар билан гавжум хиёбонлар, дўконлар расталари, шаҳарнинг батартиб ва озодалигига хавас қилдилар. Улар харидорларнинг

дўконларга кириб, турли молларни харид қилаётганлари, дўкондорларнинг чакқонлик билан ўз молларини харидорларга кўз-кўз қилишларини диққат билан кузатдилар. Паллант ва Лаэрт бу шаҳар билан кўпдан бери таниш бўлганликлари учун, самарқандликларга йўл бошловчилик қилиб, шаҳар тарихи ва диққатга сазовор хусусиятлари ҳақида маълумот бердилар.

— Милет, — деди Лаэрт, — Иония вилоятининг қадимий савдо, хунармандчилик соҳасида алоҳида ўринни эгаллаган. Шаҳар денгизчилари, аскарлари ва тадбиркорлари дунёнинг саксонга яқин орол ва туманларини очиб, Юнистоннинг мустамлакаларига айлантирган. Шаҳарни меъморчилик талаби асосида қайта режа-лаб, кўча ва уй-жойлар қурилиши ва обод этиш бир юзу эллик йил бурун бошланган. Бу шаҳарнинг тузилиши шаҳарсозликнинг чўққиси ҳисобланади.

Сўзга Паллант қўшилди:

— Иониянинг Галикарнас, Колофон, Эфес, Теос шаҳарлари ҳам ёмон эмас. Улар ҳам обод, лекин бунчалик эмас. Бу шаҳарлар гоҳ юнонлар қўлида, гоҳ форслар қўлида бўлиб келганлиги учун тез ривожланмаган. Айниқса, Афина ва Спарта ўртасидаги урушлар даврида бу шаҳарлар ҳам харобага айланган. Ўшандан бери бу шаҳар ва ороллар Форс давлатининг ихтиёрида.

Томоша ва катта хиёбондаги ошхоналардан бирида тамадди қилиб дам олганларидан кейин, юнон йигитлари Спитамен ва Бахтварни шаҳар марказидаги меҳмонхоналардан бирига сафар муддати тамом бўлгунга қадар яшаш учун жойлаштирдилар.

Ўзининг Кичик Осиёда тахминан саккиз ой чўзилган хизмат сафари давомида Спитамен денгиз бўйларидаги Милет, Геликарнас, Сард, Эфес, Колофон, Лефкия, Митилен, Абидос ва бошқа шаҳарлар фуқароларининг ҳаёти билан танишди. Бу сафар давомида қилган ишлари кўп...

Спитамен ўзининг бош эътиборини аҳолининг қандай молларга эҳтиёжи борлигини ва Ўртаер денгизи ҳавзасидаги бошқа мамлакатлар билан тижорат муомалаларини, нарх, бож-хирож, товарларни сақлаш ва ўз вақтида юклаш, жўнатиш ва сотиш масалаларини ҳамда савдо-сотиқнинг бошқа жиҳатларини ўрганишга ажратди. Бу масалалар борасидаги ўзининг муҳим хулоса, мулоҳаза ва

таклифларини ўз хатларида тасвирлаб, почта оркали Суғдиёнага, отасига юбориб турди.

Давлатни бошқариш муаммоларини ўрганишга у алоҳида эътибор берди. У давлат ҳақидаги билимини, бу ташкилот вазифалари ва фаолияти ҳақидаги билимини маҳаллий далиллар асосида бойитишга интилди. Бунинг учун у мавжуд қонун ва тартиб-қоидалар билан, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан, солиқ ва бож-хирожни ундириш аҳволи билан танишди. Давлат барча жамиятни бошқариш воситаси ва шакли эканлигига Спитамен яна ишонч ҳосил қилди.

Давлат ҳақидаги ўз билимларини бойитиш мақсадида, Спитамен Афлотун (Платон)нинг «Давлат» ва «Адолат ҳақида» номли асарларини ўрганди, Афлотуннинг Сукрот (Сократ), Кефал, Главкон, Адимант ва Полемарх ўрталарида бу борадаги баҳсларинининг моҳиятига кизиқиб, кўп билимларга эга бўлди.

Кундузлари Спитамен ташкилий масалалар билан банд бўлиб, турли ташкилотлар фаолияти билан танишиб юрганида, Бахтвар халфалик қилиб архитектура соҳасидаги билимларини бойитарди. Кечалари эса у ҳам, ўз дўсти билан биргаликда, Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту ва бошқа юнон олимларининг асарларини ўрганишга тиришарди.

Афлотуннинг бошқа мутафаккирлар билан баҳсларини ўрганар экан, улардаги айниқса ҳаммани тўлқинлантирадиган адолат, ҳаққонийлик масаласи суғдийни кизиқтирди. Сукрогни чалғитиш учун, Главкон шундай мулоҳазани илгари суради: адолат — шартлилик бўлиб, адолатсизлик қилиш кучига эга бўлмаган ва уни амалга оширолмай мавжуд вазият билан ҳисоблашадиган, бировларнинг адолатсизлигига дучор бўлмаслик орзусидаги кишининг ҳаракатидир; агар одиллар ва адолатсизларга тўла эркинлик берилса, улар бир хил адолатсизлик қиладилар. Адолатсизлик қилаётган шахс эса ўзининг энг одил шахс сифатида шуҳрат қозонишини орзу қилади, у ана шу шуҳратга эришиш учун барча чораларни кўради, бошқа, фақат адолат йўлидан борадиган шахс эса, ҳамма нарсадан, ҳатто одиллик шуҳратидан ҳам маҳрум бўлади. Главконнинг тасаввурини унинг туғишган укаси, Адимант давом эттиради: одил бўлиш — оғир ва мушкул, адолатсизлик эса — енгил ва ёқимли, ҳатто

одилликни тан олмайдиганлар ҳам фойда кўриш мақсадида уни маъқуллайдилар, ўз ҳаётларида ва ҳаётдан кўз юмганларида ҳам шухратларини йўқотмаслик йўлини тутдилар, қалбаки хушфеълликни, одобни саклаб, дейди у, биз фақат одамларни эмас, балки худоларни ҳам алдаймиз, шунинг учун одилликнинг инсон қалбига қай даражада таъсир қилишини аниқлашимиз лозим...

— Бу файласуфлар адолат ҳақида турлича тасаввурга эга бўлсалар ҳам, — Бахтварга мурожаат этди Спитамен, — уни одамлар қандай тушунмасалар, ундан айрим кишилар ўзларининг ғаразли мақсадлари учун фойдаланмасалар, у барибир, адолат сифатида қолаверади. У букилиши мумкин, лекин синмайди. Унинг учун ҳамма нарсага бориш мумкин.

— Ҳа, — деди Бахтвар ва секин сўзини давом эттирди, — айрим вақтлар, гуноҳсиз кишиларни обрўсизлантириш учун, адолат шиори остида уларнинг бўйнига адолатсизлик тамғасини осадилар. Амалда эса одилликни машаққат деб биладиган айрим кимсалар ноҳақликни адолат деб тушунтиришга уринадилар ва ўзларининг шахсий манфаатларини бошқаларнинг манфаатидан устун қўядилар.

— Суғдиёнага келишимиз билан, — деди Спитамен, — биз шундай молиявий ислохотлар ўтказишга ҳаракат қиламизки, улар Туронни Эрон томонидан босиб олинганидан кейин уруш харажатларини ундириш баҳонаси билан шоҳ хазинасини бойитиб бораётган ортиқча солиқларни бекор қилиш имконини берсин. Порахўрликдан ҳам қутилиш лозим. «Авесто»да таъкидланган «палид ва қаззобликка барҳам бериш» ҳам адолат юзасидан бўлади.

— Ҳа, сен ҳақсан. Сени халқ қўллайди.

Шундай қилиб, давлат назарияси бўйича кенг ва чуқур билимга чанқоқ бўлган Спитамен, юнон алломаларининг асарларидан кўп фикрларни ўрганди ва уни ҳаётга татбиқ этиш устида фикр юритди.

— Юнонлар пул муомаласида биздан ўзиб кетганлар, — деди у Бахтварга. — Бизнинг мустақил пул тизимимиз анча содда.

Спитамен Юнонистон тарихини, унинг маданиятини кунт билан ўрганди, бу мамлакатдаги воқеалар йўналишини кузатиб борди. Македониянинг Форс давлатига

хужумининг хавфи ошиб бораётганини сезди. У кўпрок нарсаларни билиши, ўзлаштириши мумкин эди, аммо бир куни отасидан мактуб олиб, Суғдиёнага қайтишга тайёргарлик кўрди.

У Бахтвар бу ерда яна бир неча вақт қолиб, усталарнинг меъморлик соҳасидаги сирларини ўрганиш ва бир оз пул ишлаб қолиш мақсадини билдиргани учун, дўстига қолиш розилигини билдирди. Ўзи эса келаси куннинг эрта тонгида Суғдиёнага кетадиган савдо карвони билан Милетдан чиқиб, Самаркандга жўнади.

## Ў н и н ч и б о б

### АДОЛАТСИЗЛИК БИЛАН ОЛИШУВ

Спэнта хонадонида оилавий суҳбат кечаси алламахалгача чўзилди. Бу ерда иштирок этаётган ёши катталар атрофида кичкина Апама — Спитаменнинг қизчаси ҳам ўйнаб юрарди.

Ҳамманинг диққат-эътибори Спитамада.

Спэнта ўғлидан хурсанд: Спитама камолотга эришган, тажрибали эркак бўлиб етишди. Ўз амлокида хўжалик ишларини тартибга солди, Навток вилоятида дурустгина нойиб бўлиб ишлади, Суғдиёна вакили сифатида Кичик Осиёда унга топширилган вазифаларни уддалади, Халқ Мажлисининг сайланган аъзоси, аскарларнинг севимлиси ва истеъдодли саркарда. У хотини билан аҳлликда яшамокда. Энди ғамхўр ота, қизчаси Апама ўсмоқда. Спитама эл ҳурматини қозонгани учун ҳам Спэнта ундан рози.

Зардоза ҳам ўғлининг бошқа қабила ва табақадан бўлган қизга уйланганига кўникиб қолди. Аммо у гоҳида келини ўзини бегоналардек тутгани ва худбинлигидан нолийди.

— Зара, бизникига тез-тез келиб туринглар, неварани соғиниб юриш биби учун оғир. Менга сизларнинг меҳрларингиз етишмайди, — деди Зардоза.

— Биламан, аммо бизнинг ташвишимиз ҳам кўп, — деб, қуруқкина жавоб берди Зара.

Спитамен хурсанд, унинг билими, ҳаётини тушуниши айниқса, Ўртаер денгизи соҳилларидаги шаҳарларда

бўлган хизмат сафариди анча кенгайди, ўсди. Унинг бу сафар ҳақидаги таассуротлари отаси ва бошқа суҳбатдошларини жуда қизиқтирди, қувонтирди.

— Мен ўз жиянимдан фахрланаман! — деди Эрзиф.

Спэнта оила аъзолари билан назокатли суҳбат қилиб, тарбиявий масалаларга, ўғли ўз ўрнига ўтиши лозимлиги ҳақидаги гапга кўпроқ эътибор берди. У ўғлига қараб:

— Спитама, ҳар гал сенинг ҳақингда хабарлар эшитар эканман, ниҳоят хурсанд бўламан. Энди сен мулоҳазали ота бўлганингга ҳам, ҳар қандай вазиятга тўғри баҳо берадиган, ўзини вазмин тута оладиган, башорат қила оладиган раҳбар ходим бўлиб етишганингга ҳам ишонч ҳосил қилдим. Сенинг довюрак ва андишалилигинг менга ёқади, сен энди ўлкамиз раҳбари сифатида халқимизга хизмат қилишга қодирсан. Шунинг учун, менимча, сен энди менинг ҳақиқий ворисим сифатида, ўрнимни эгаллай оласан.

Бизлар, Ахура Мазда мухлислари, — сўзини давом эттирди Спэнта, — табиат ва ҳаёт тариқат (қонун)и мавжудлигини биламиз. Бу тариқатга мувофиқ йилнинг фасллари алмашиб туради, бутун оламдаги мавжудот тартиби шундай. Жамиятдаги тартиб ҳам шу таҳлитда ўзгариб туришини биламиз. Бу тариқат «Авесто» тилида «Аша» деб аталади. Шунга мувофиқ сен, муносиб, арзигулик ворис сифатида, менинг ўрнимга ўтишинг, Сугдиёна ҳокими бўлиб Сиёвушнинг ўз халқига хизмат қилиш анъанасини давом эттиришинг лозим.

Аша инсон фаолиятини бошқаради, деб тўғри ҳисоблайдилар. Ҳақиқат, инсоф, тўғрилиқ ва иқтидорлик — инсон учун, халқ раҳбари учун зарур, яхши сифатлар. Яхшилик — табиий фазилят бўлмоғи лозим, жоҳиллик ва бошқа нуқсонларга берилмаслик керак. Ашага қарама-қарши бўлган хусусиятлар — каззоблик ва ҳақиқатни бузиш, адолатсизлик ҳеч кимга ёқмайди.

Биз инсоннинг фақат сўзига қараб эмас, балки фаолиятига ҳам қараб унга баҳо берамиз. «Авесто» алқовларидан маълумки, айтган сўз, лафз қасамёд қилиш билан тенг. Бу ҳол илоҳий куч сифатида уни айтган, ўз сўзига содиқ, лафзи ҳалол бўлган кишига янги куч бағишлайди, ўз сўзига содиқ бўлмаган каззоблар ишига шикаст еткази.

Бу ҳақдаги тасаввур шунча кенгайиб кетмоқдаки, у ўз ишига содик, одил ва ҳар бир ғамхўр инсоннинг олий сифати бўлиб бормоқда. Биз буларга ҳамиша риоя қиламиз.

Одамлар худоларга ишонишлари керак, — деди оила бошлиғи, сўзининг охирида. — Инсон бир нарсага ишонмай, мазҳабсиз, эътиқодсиз яшаши хато, акс ҳолда у ўз ҳаракатини назорат қилиш, хусусиятини такомиллаштириш қобилиятини йўқотиб қўяди. Худолар амри ва уларга риоя қилиб яшашнинг тўғри йўл эканлиги турмушда исботланган. Демак, ишониш — инсоннинг ўз устидан назорати бўлиб, Худога сифиниш, ибодат қилиш маросимлари уни ҳар қандай бало-казолардан тозалайди ва асрайди.

Ўз ворисига насиҳатлар бериб, Спэнта унинг ноҳақликка шафқатсиз бўлишини таъкидлади, ҳар қандай ёвузликка қарши курашишини, ҳақиқатни ҳимоя этишини, адолат посбони бўлишини маслаҳат берди.

Сухбат чўзилиб, кичкина Апаманинг уйқусираётгани ва бошқа оила аъзоларининг чарчаганлари биллиди. Шу билан оилавий суҳбат якунланди. Бу суҳбатда Спэнтанинг ўз жигарбандларига айтган сўзлари унинг охириги насиҳати бўлди. Буни сезган оила бошлиғи — хаётнинг ҳар лаҳзаси лаззатли, вақтнинг ҳар дами ғаниматлигини эсдан чиқармаслик керак, деб қўл кўтариб, ҳаммага сиҳат-саломатлик ва омад тилаб, дуо қилди. Бир неча кундан кейин у Персеполга чакирилди, лекин бу сафардан қайтиб келмади.

\* \* \*

Спитамен сатраплик Халқ Мажлиси аъзолари ичида фуқаролар манфаатини ҳимоя этиш учун ҳаққоний талаблар билан, жасурлик кўрсатиб сўзлайдиган унинг кам учрайдиган нуфузли аъзоси эди. Хукмрон оилалар ва амалдорлар Спитамен бизнинг тинчлигимизга раҳна солмоқда, деб миш-миш гаплар тарқатдилар. Улар ёлланма безорилар тўдасини қуёш чикмай шаҳристоннинг Мажлис майдонига фуқароларга қаршилик кўрсатиш ва тартибсизлик қилиш учун жўнатдилар. Майдонда молиявий ислохотни талаб этиш учун фуқаролар йиғилишини ўтказиш мўлжалланган эди. Спитамен ҳам уларни ҳимоя

қилиш учун тайёр эди, у муштбозлар жамияти аъзоларига чакқон ва дадил бўлишни маслаҳат берди.

Майдон устида кун энди ёришган бўлса ҳам, у аллақачон фукаролар билан тўла. Омма тўлқинланарди. Ибодатхона зинапояси олдида одамлар тўпланган, майдонда нима бўлишини кўришга умид боғлаб, кечикиб келган томошабинлар ҳам ўтирибди.

Муштбозлар жамиятининг майдон марказидаги ўринларни эгаллаган аъзолари минбарга чиқиб сўзлашга тайёр. Улар Спитаменнинг келишини кутардилар, унинг химояси улар учун зарур.

Кўча бўйлаб секин-аста ўсиб бораётган говур-ғувур Спитаменнинг яқинлашиб келаётганлигидан далолат берарди.

Хизматчилардан бири сатраплик раҳбарияти олдига чопиб бориб, Спитамен оломон орасида ва у ҳаммани тартибсизликка даъват этмоқда, деб хабар қилди. Бир неча дақиқадан кейин арк дарвозасидан Виштасп, Австан, хукмрон оилалар вакиллари, амалдорлар, асосан шох Умасунинг қариндошлари чиқиб келдилар. Улар ўртасида Спэнта кўринмасди. У уч ҳафтадан бери Суғдиёнада йўқ. Спэнта бўлмаганлигидан сатраплик лавозимини унинг ўринбосари Австан олиб борарди. Лекин сатрапликни бошқаришнинг барча соҳаларида асосий ролни давлат маслаҳатчиси, шохнинг вакили ва қариндоши Виштасп ўйнарди.

Ғазабланган оломон орасида шовур-шувур кўтарилди. Баландликда сўзга чиқувчилар учун минбар сифатида ўрнатилган сўри устига Анбоз чиқди. Дарҳол жимлик чўкди.

— Фукаро! — ўзининг ёктирган сўзини такрорлаб, таъсирли қилиб сўз бошлади у. — Мамлакат ёмон бошқарилмоқда, тартиб ўрнатиш керак. Хокимимиз Спэнта, илоҳо унинг умри узок бўлсин, яхши одам. Суғдиёна фукароларининг осойишталиги учун ғамхўрлик қилади, аҳолидан ортиқча солиқ талаб қилмайди. У ўлкамизнинг ривожланишини хоҳлайди, аммо унга ўз ҳуқуқидан фойдаланишга имкон бермайдилар. Марказдаги бошлиқлар йил сайин бизнинг бойлигимизни кўпдан-кўп ташиб кетмоқдалар. Биз оғир вазифалардан машаққат чекмоқдамиз, кишиларнинг елкалари кон би-



лан сийқаланиб кетган! — У қўлларини маҳкам қисиб минбардан тushди.

Оломон ичида қичкирувлар эшитилди:

— У тўғри айтади!

— Биз солиқларни қисқартишни талаб қиламиз!

Спитамен ўгирилишга шошилмай, унинг орқасида турган Виштаспнинг аччиғини келтирди. Бир оз жим тургандан кейин, у оломонга қаради-да, қўлини кўтариб, тинчлик ўрнатди ва унга мурожаат этди:

— Суғдиёна фуқаролари! Бу майдонда йиғилишдан мақсадингиз келишмовчилик туғунини ечишга аҳд этганларингиздир. Сизларнинг фикрингиз билан сатраплигимизнинг кўпчилик бошлиқлари фикри ўртасида тўла ихтилоф юзага келди. Бизнинг аждодларимиз жамият бирлигини таъминлаш учун диёнатли доноликдан фойдаланганлар, бундай бирликни таъмин этиш учун давлат тарикат (конун)ларини қабул этганлар. Агар ҳокимият нақиллари ўртасида жанжал ва баҳс пайдо бўлиб, кучлар тенглиги бузилса, мамлакат тараққиётидаги уйғунлик бузилади, натижада ҳеч қайси бир кучнинг ҳокимият тепасига келиши учун унинг ҳуқуқи қолмайди, чунки давлатнинг фуқарони ўзига бўйсундириш қобилияти йўқолади.

Спитамен бир оз тўхтади, Виштасп эса ўзини эслатиш учун ғазаб билан йўталди ва ўз устунлигини ақалли юзак сақлашга интилиб, қаддини ростлади. Оломон ичида у тайинлаб қўйган амалдор Багавар орқага сурилиб, сатраплиқдан келган ва савдо саройи девори остида турган мулозимлар қаторида туришга интилди, аммо буни сезган Виштасп унинг йўлини ўз ишораси билан тўсди. Багавар ўз ўрнига қайтди. Оломон эса Спитамен томони-га қаради.

— Аммо Суғдиёна ўз ҳаётини тўхтатмайди. Бизда вакиллик ҳуқуқи поймол этилган, ҳар қандай имтиёз, ҳуқуқ ва мартаба йўқ қилинган, улар ўзларининг дастлабки манбаларига қайтарилиши, янги эҳтиёжларни қондириш учун қайтадан амал қилиши керак. Мен Суғдиёна халқини ўз бирлигини ва анъаналарини сақлайдиган куч деб ҳисоблайман. Халқнинг иродаси билан янги муносабатлар юзага келади, ҳуқуқлар, имтиёзлар ва бурчлар қайта тикланади.

Халқ солиқларни қисқартиришни талаб қилмоқда. У ҳақ. Солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқиб лозим, давлат хазинасидан ортиқча харажатларни қисқартириш керак.

Оломон томонидан чуқур, гулдурос янграб тарқалган «тўғри!» деган овоз Спитаменни қуршади. Спитамен тез қўл ҳаракати билан оломонни тинчланишга чақириб, яна сўзини давом эттирди:

— Ҳокимият вакилларининг кўпчилиги билан ана шу ҳокимият аъзоси бўлган мен ва мени қўллайдиган шерикларим ўртасида ҳам бошқаришнинг муҳим масалалари тўғрисида тортишув келиб чиқди. Сизлар иккала томонни ҳам тинглаб баҳо берасизлар. Келишмовчиликнинг моҳияти — мен амалдор шахсларнинг сотқинлиги ва улар томонидан фуқаролар ҳуқуқини паймол қилаётган разилликларга аралашиб, уларнинг олдини олишга ҳаққим борми ёки уларни яшириб юрган давлат маслаҳатчиси ва унинг хоинликка алоқадор бўлган, қонунни бузувчилардан иборат ёрдамчилари назоратидан бошқа ҳеч ким аралашishi мумкин эмасми?

Оломоннинг шовқин-сурони бу сўзга ва қўйилган саволга яққол жавоб эди. Мансабдор оилалар томонидан ёлланган безорилар ва амалдорларнинг ожиз қисми эса оломонни қўпол сўқдилар. Аммо Спитамен ишора қилмаганлиги учун оломон тўполон қилмади, фақат одамларнинг кўп қисми баланд овоз билан ўз фикрини баён этди. Виштасп эса хириллаганича бақириб, Спитаменни масала моҳиятини бузди, деб айблади. Шундан кейин Спитамен Виштасп томонга бурилиб, деди:

— Ҳозир давлат маслаҳатчиси чиқиб ўз далилларини гапириб беради.

У минбардан тушиб, Виштаспга сўзга чиқишни ишора қилди. Виштасп ўз кийимининг бурмаларини эътибор билан тахлаб, олдинга ўтди ва такаббурлик билан минбарга кўтарилди. У қаттиқ йўталди ва қошларини кериб, деди:

— Суғдиёна фуқаролари! Жаноб Спитама ўз маърузасида бизнинг давлатимиздаги мунозаралар моҳиятини нотўғри тушунтирди. У безорилар тўдасининг хазина ходими Багаварга нисбатан қилган тухматини ёқлаб, бу ходимни жиноятчи сифатида баҳолади. Бу борада у бизнинг фикримизни билишни ҳам хоҳламади. Бу ярамайди. Унинг бундан ҳам ёмон ҳаракати шундан иборатки,

давлатимизнинг нуфузли оилаларини обрўсизлантиришга уринди. Холбуки, бу оилалар рахбарлигида Суғдиёна, мамлакатимиз фуқаролари сафида юз йиллар давомида жаҳондаги кучли ўлка даражасига етди. Хеч қандай далилсиз, хеч қандай исботсиз, ўзининг фанатик (мутаассиблик) жаҳолатига берилиб, у уялмай давлатимиз шаънига путур етказди! Бундай қилгилик ноҳақликдир, бу — уятсизликдир! У шахримизнинг золими бўлишга интилиб, ўзининг шухратпарастлик хаёлларини амалга ошириш йўлида гов бўлган барча рахбар ташкилотларни йўқ қилишга уринмоқда.

Форс давлати асрлар давомида сизларни золимлардан химоя этиб келди. Эллин шаҳарлари бир-бирларига қарши чикиб, ўзларини хароб қилаётган бир пайтда, Суғдиёна кучли ва уюшқоқ бўлиб турибди. Нима учун? Чунки форснинг беғараз ғамхўрлиги сизларни ҳар қандай бебурдликлардан сақлади. Бугунги халқчилик эртанги золимликдир. Фақат Форснинг рахбарлиги сизларни кўр-кўрона жаҳаннам томон ҳаракатдан сақлайди. Эҳтиёт бўлинглар, Суғдиёна инсонлари!

Виштаспнинг жозибали овози майдон узра тарқалиб, дарҳол оломон эътиборини жалб этди. Буни сезиб, у ўзини анча ўнгариб олди ва Спитаменга бармоқларини ўқтаб каттик қичқирди:

— Бўлажак золимга қаранглар!

Хукмрон оилалар томонидан ёлланган безорилар гуруҳи гўё буйруқ билан, бирданига «Йўқолсин золим!» деб қичқирдилар. Бунга қараганда Спитаменни қўллаб халқ ичида кўтарилган шовқин ва шов-шув мазмунсиз бебошликка ўхшаб қолди. Аммо Спитамен Виштаспни минбардан ҳайдаш ўрнига, уни сал нарироққа суриб ёнида турди. Энди улар минбарда икковлашиб турардилар. Спитамен қўлини кўтариб, тинчликни талаб қилди:

— Суғдиёна фуқаролари! Сиз бу мунозарада иккала томоннинг шафқатсиз ўзаро қоралашувини тингладингиз. Сўзларга қараб эмас, ҳаётимиз тажрибасига қараб, азоб ва маҳрумликка қараб, ҳақорат ва хўрлашларга қараб, ўзларингизни бошқа кечирмаларингизга қараб хулоса чиқаринглар, қани, бизнинг қайсимиз золим ва қайсимиз озодлик посбони эканмиз!

Виштасп Спитамен овозини бўғишга ҳаракат қилди:

— Безорилар тўдаси, қандайдир муштбозлар бирли-

ги деб аталмиш жамиятга бирлашиб ҳокимлар ишига аралашганларига қадар, Суғдиёнада ҳамма ишлар яхши кетаётган эди. Энди бу безорилар ҳокимиятнинг халқ билан муносабатини буздилар. Шундай эмасми? Ким Суғдиёнани ҳалокат йўлига бошламоқда? Ким халқимиз бошига кулфат келтирмоқда?

Минбарга биров тош отди.

— Ғаламисларни тутинглар! — қичқирди Спитамен. — Лекин тартибни сақланглар!

Виштасп ўнг қўлини кўтариб, ўз югурдақларига ишора қилди. Улар бақириб тош ота бошладилар. Саросималик, ваҳима хавфи юзага келди. Кимдир томдан йиқилди. Хотинлар вижилладилар. Ғазабланган Спитамен Виштаспнинг ёқасидан ушлади.

— Агар сенинг каллақесарларинг мажлисни бузсалар, — қичқирди Спитамен, — мен сени қора халқнинг ихтиёрига ташлаб тилка-пора қилдираман!

Виштасп оқариб кетган бўлса ҳам оғзини очишни тўхтатмади. У Австанга, менга мадад кўрсатса керак, деган умид билан қаради. Лекин ҳайрон бўлиб қолган Австан, воқеанинг ривожига аралашмади. Шунинг учун миришаблар ҳам бефарқ, у ёқдан-бу ёққа юравердилар. Виштаспнинг югурдақлари оз бўлган минбарнинг чап томонида тартиб тез фурсатда ўрнатилди. Лекин унинг тўполончилари кўпчиликни ташкил этган ўнг томонда, Анахита ибодатхонаси орқасидан келган, таёқчалар билан қуролланган югурдақлари кўшилиб тўполонни кўчайтириш хавфини туғдирдилар. Шунда ибодатхона девори яқинида турган Катан аскарлари чакқонлик билан ҳаракат қилиб, уларга ён томондан зарба бердилар. Бир неча бузғунчилар ушландилар, қолганлари қочдилар. Спитамен ушланган безориларнинг қаттиқ боғланганлигини билиш учун ўз ёрдамчиларини юбориб, яна халққа мурожаат қилди:

— Улар мажлисни бузишга муваффақ бўлмоқдалар! — қичқирди у. — Энди сизлар ким кимлигини билишларингиз керак. Ана шу соатда сизларга ким ўз золимлигини кўрсатмоқда? Энди сизлар уларнинг кимлигини тушунгандирсизлар?

— Виштасп ва унинг югурдақлари — золимлар!

Виштасп минбардан қочмоқчи бўлди, лекин Спитамен уни қўлидан ушлади.

— Фукаро сенга қарши гапирдими? — сўради у. Виштасп норозилик билан пўнғиллади:

— Бу авом, қора халқ. Марҳаматли инсонларни хайдадилар, алдадилар...

Спитамен унинг қўлини қўйиб юборди. Виштасп минбар пиллапоясидан тушди ва арққа қараб чопиб кетди.

— Суғдиёна фукарolari, — сўзини давом эттирди Спитамен, — сизларнинг Виштаспга нисбатан ишончсизлик билдирганингиз уни ва унинг гумашталарини ўз ҳуқуқларидан махрум этади. Шунинг учун мен сизларни сатранлик қошидаги ҳозирги оксоколлар Кенгашини тарқатишга чақираман. Мен бу Кенгашни қайтадан тузишни таклиф этаман. Унинг аъзолари бутун фукарolar томонидан сурункасига эмас, маълум муддатга — бир ёки икки йилга сайланиши керак, халқ манфаати йўлида фидойилик кўрсатган кишини такроран сайлашни халқнинг ўзи ҳал қилиши керак.

Спитаменнинг сўзлари олқишли қичқирувлар билан маъқулланди. У «Муштбозлар жамияти» аъзоларига айтган халққа мурожаат қилиш лозимлиги ҳақидаги сўзи амалга оширилди, деб ўйлади. Халқ тарқалди. Энди яна ҳаракат қилиш лозим.

\* \* \*

Мана, Спэнтанинг Персеполга кетганига уч ойдан ошди, лекин ҳамон ундан дарак йўқ. Мажлис майдонидаги ўз маълубиятидан кейин давлат маслаҳатчиси Виштасп ҳам кўздан ғойиб бўлди. У шох қошига борибди, ўзига қарши чиққан мухолиф гуруҳини тор-мор қилиш тадбирини кўраётган экан, деган миш-миш гаплар тарқалди.

Зардозанинг қўрқинчли тушлари унинг эри тўғрисида хавотирни кучайтирди. У Афросиёб арки ёнидаги уйида, олд эшик ўриндиғида ўтириб, анча ёқимли енгиллик сездди — эрталабки салқин шабада кўп ва узок тунларни уйқусиз, паришонлик билан ўтказганидан кейин, унга енгиллик олиб келди; бундан унинг юзида ором белгилари мухрланган эди.

— Ох, эрталабки шабада қандай тиниқ ва ёқимли! Кун ёришини мен қандай узок кутдим... Райҳона!.. — ҳамиша унинг елкаларини уқалайдиган ёш хизматкор

кул-аёлга мурожаат қилди у. — Менинг оғрик елкаларимни укала. Уйқусиз тундан аъзои баданим зиркирамоқда. Чидаб бўлмайдиган оғрик!

Райхона унинг қошига келиб, секин елка ва қўлларини укалади. Юзи уйқусизликдан сўлган Зардоза бош оғригидан койир, одатдан ташқари содир бўлаётган холатни кечирмоқда. Райхона укалашни тамомлаб, ошхонага наҳори-ноништа тайёрлашга кетди.

Шу пайт Зардоза бир оз мудради-да, бошини айвон зинасининг панжарасига қўйиб ухлагандай бўлди. Райхона ошхонадан қайтаётиб, уни уйғотмаслик учун ёнидан оёқ учида юриб ўтди. Бир неча дақиқадан кейин ховлига Эрзиф кириб келди. Унинг овозидан Зардоза уйғонди ва у томонга қаради.

— Сенга нима бўлди, сингилжон? — сўради у хайрон бўлиб Зардозанинг қўлларини ушларкан.

— Ўзим шундай... қандайдир уйқусизлик, энди эса уйку босмоқда... Хозиргина туш кўрдим...

— Тушингда нималарни кўрдинг?

— Спэнта билан унинг мархум онасини, қайнонам мени чақириб ўғлига қарашиб юборишимни буюрди. Кўнгилсиз воқеа содир бўлса керак...

— Эътибор қилма, Зардоза. Булар хаммаси мавхумот.

— Мавхумот? Қачондан бери сен туш кўриш хақида бундай фикрдасан? Мен доим тушимда кўрганларимга ишонаман ва хамиша унда худоларнинг менга берган кўрсатмаларига амал қиламан. Мен ҳеч вақт бундан афсусланганим йўқ.

— Сен доимо тушингда кўрган нарсаларга ишонингдан эмас, балки ўзингнинг ақлу фаросатингдан яхши кунларга эришиб юрибсан.

— Ақлимдан ҳам кўпроқ менга менинг тақдирим ёрдам қилди, Эрзиф. Хозиргача тақдир менга меҳрибонлик билан бокмоқда ва мен кўпинча унга ишонаман. Менинг ҳаётимдаги яхши кунлар — ташвишсиз ва бахтиёр, ўй-хаёлларга берилмай кечирган ёшлик дамларим бўлди. Ўз ҳаётимда анча қийинчиликларни бошдан кечирган бўлсам ҳам, Спэнтага турмушга чиққандан кейин хақиқий қувонарли дамларни кўрдим. Бизлар икки фарзанднинг ота-онаси бўлдик. Спитама шухратли ўғил бўлиб ўсди, ўз отасидай чиройли ва довурак бўлиб

етишди. Мен энди келинли, набирали катта она ҳам бўлдим. Спэнта Суғдиёна хокими лавозимини олганидан кейин, бизларнинг ташвишимиз кўпайди.

Ўтказган хаёт йўлларини эслаш Зардоза кўнглига анча енгиллик берди, унинг юзига бир оз қон югурди ва кайфияти ёруғлашди.

— Кўрган тушим менинг таъбимни бузмоқда. Спэнтага нима бўлди экан? Тезлик билан Персеполга жўнаш керак, — деди у укасига.

— Тушингда кўрганинг асоссиз демоқчи эмасман, опагон. Тинчлан. Хали бир нарса дейиш қийин. Мен эртагаёқ Спитама билан йўлга чиқаман.

\* \* \*

Милоддан аввалги 339 йил, дрнабазиш ойининг охирларида Самарқанд Чакардиза маҳалласининг карвонсаройидан чиққан карвон вақт ярим кечадан ўткандан кейин, йўлга тушди.

Дарвозабонлар ёр билан кирланган иккита қора чирокнинг липиллаган ёруғида, гижиллаб очилган сарой дарвозаларини очик ушлаб туриб, юк ортилган туяларнинг кўчага чиқишини бирма-бир кузатдилар. Туялар гох хавотирли тарзда бир-бирларига суркаланиб, гох гердайгандек силкиниб, жануб томон қоронғиликда гоёйиб бўлишди.

Эшак минган карвон қоровулларининг охиргиси ҳам туя орқасидан дарвозадан чиқди. Қоровуллар қўлларидаги узун найзаларни каттиқ ушлаб узоқлашганларидан кейин дарвоза ёпилди ва карвонсаройда яна жимлик ҳукм сурди.

Кўпни кўрган сарбон эшагида карвон олдида борарди. Ундан орқарокда унинг қоровулларидан тўрттаси кетмоқда. Яна иккита қоровул ўнинчи туядан кейин бормоқда. Охирги тўртталаси — ҳаммадан кейинги туя кетида. Барча қоровуллар ёнида тепага қаратилган найзалар, олдинда эса сарбоннинг белида узун қилич осилиб турарди. Карвон илгарилаб кетиб, анча довлонлардан ошиб ўтди.

Ҳамишагидай, тонг отмасдан аввал осмон қоронғилашди. Лекин бу йўлларни сарбон бошдан охиригача кўп кезиб ўтган. Шунинг учун у йўл танлашда қийналмайди.

Сахар чоғи, коронғи ва салқин. Қоронғиликда Бактриянинг охирги довоидаги йўл бетида қандайдир одамлар шарпаси кўринди.

Осмон ерга нисбатан ёруғроқ кўриниб, баланд тепаликлар ортида турган отликларни яхши фарқ этиш анча қийин; отлар кишнаб, дебсиниб бошладилар, суворилар отларининг қоринбоғларини яна бир бор тортдилар, узангиларини тўғриладилар, баъзилари эса эгарларга миндилар. Суворилардан бири, уларнинг бошлиғи бўлса керак, қарвон охиридаги туя бўйнидаги қўнғироқ овози яқинлашганда ўз отига минди-да, сарбонни ўз олдидан ўтказиб, тўсатдан сўради:

— Хой, қарвон қимники?

Шунда бошқа отликлар ҳам яқинлашдилар, улар отдан тушмай ўз найзаларини қўлларига олдилар.

— Қоронғиликда юришга қим ижозат берди?

Сарбон ўзини йўқотмади, у отликларнинг барчасини кўрмаса ҳам, ўз тажрибасидан хавф яқинлашганини сезиб, деди:

— Соқчими сизлар?

— Сен аввал жавоб бер!

— Нима? Азалдан кечаси юрамиз. Қачон юриш керак? Қундузи иссиқ бўлса.

— Неча киши сизлар?

— Ўнта қоровул, мен бир ўзим ва яна иккала йўловчилар.

— Ўнгга бур. Қоровуллар, эшаклардан тушинглар. Қарвонни ўзимиз қўриқлаймиз. Найзаларни топширинглар. Қимирланглар!

Эшагидан тушмай сарбон ён йўлакка бурилди. Олдинги туя гердайиб унинг кетидан ўнгга бурилди.

Қоровуллар ўз найзаларини аскарларга топширмоқчи бўлдилар.

— Ўзи нима гап?! — сўради Эрзиф.

— Сени нима ишинг бор, агар сизлар йўловчилар бўлсанглар! — қичқирди йўлтўсарлар бошлиғи.

Қоровуллар жим турардилар. Нима ҳақида ҳам гапириш мумкин? Мана, қанча вақтдан бери улар бутун тўдалари билан қарвонларни қўриқлаб, у ёқдан-бу ёққа юрадилар. Бир савдогарни кузатиб, бошқасига ёлланадилар. Шоҳлик марказида қоровулларга хавф йўқ, қоровул қўрқмай ишлайди. Узок жойларда эса юриш хавфли,



шунинг учун қоровуллар ёлланмайдилар. Мана, ҳозир ҳам улар найзаларини топширишни буюришганда, нима қилишни билмай, қараб турибдилар.

— Қарвон қаерда бўлса, найзалар ҳам ўша ерда! — деди Эрзиф ва қиличини қинидан тортди. Эрзифга тақлид қилиб, Спитамен ҳам олишувга тайёрланди.

Уларнинг ҳар бир ҳаракатига қарвон ва қоровуллар қараб, ҳаммалари уларни маъқуллаб, овоз чиқардилар:

— Шундай, ҳа, шундай.

Фақат шундан кейин қоровуллар қарвон қутилганини тушундилар.

Ана шу тўқнашувдан кейин қарвон тинч ҳаракат қилди. Йўлда унга яна бошқа қарвон қўшилди.

Салқин тушгандан тонготаргача қарвонлар ўн-ўн икки фарсангдан йўл босиб, ниҳоят Персеполга яқинлашдилар. Эрталаб Спитамен тоғ тепалигидан узок пастликда, Бахтеган кўли устидаги осмонни қоплаб олган туман пардалари ораларидан Персепол манзарасини кўрди. Уч соатдан кейин қарвон пойтахтнинг катта дарвозалари олдига етиб келди. Йўловчилар шаҳарга кирдилар.

Ахамонийлар сулоласидан бўлган буюк давлат ҳукмронининг бир неча шоҳона саройлари бор. Саройлардан бири эски Мидия шаҳри бўлган Эқбатанда (Ҳамадон). Доро эса Суз шаҳрида, Эламнинг эски пойтахтида янги ҳашаматли қаср қурдирди. У Персеполда ҳам янги, беқиёс ҳашаматли қаср қурдирдики, бу сарой, эҳтимол, шоҳ сулоласининг уйи ва давлатининг пойтахти ҳисобланади.

Тошлик баланд майдонда кат қўтарган қаср кенг текислик устида савлат тўкиб турибди. У кейинги қатор шоҳликлар давомида қуриб битказилди ва жиҳозланганди. Унинг дабдабали зеб-зийнатлари ўртасида олижаноб тошда бўрттириб ишланган расмлар, кенг зинапоялар четидаги нақшларда аскарларнинг юриш маросимлари-ю, сарой ахллари ва империянинг, форслардан бошлаб мидияликлар ва эронлик фуқаролар, ҳатто узокдаги ҳиндулар, мисрликлар, бобилликлар ва юнонлар маросимлари тасвирланган. Бу халқларнинг вакиллари пойтахтга, Наврўз байрами муносабати билан шоҳлар шоҳига инъомлар келтирмоқда. Сарой деворларида бошқа бурма нақшлар ҳам, жумладан йўлбарс ва унинг ўлжалари тасвири мавжуд бўлиб, унинг моҳияти

хакида кўп бахслашардилар. Улкан равоқ олдида қанотли, оғзи очик муқаддас буқаларнинг даҳшатли ҳайкаллари турибди. Қасрни мисрликлар, бобилликлар ва мидияликлар қурган. Шунинг учун бу бинонинг устунлари Миср фиръавни қасрининг галереяларини эслатади.

Арк дарвозаси олдида, дарахтлар соясида, оёқларни устма-уст қўйиб шоҳ Умасунинг дасталари узун ойболталар билан қуролланган соқчилари ўтиришибди. Зинапоялардан кўтарилаётган чўл чангларида сарғайган Эрзиф ва Спитаменни кўрган бу полвонлар жирканиб, лабларини қийшайтиришди.

— Шоҳаншоҳимиз бугун қабул қиладиларми? — хириллаган овоз билан сўради Эрзиф.

— Жаноби олийлари бугун қабул қилмайдилар, у киши бугун саройда йўқлар, сен ва сенинг ҳамроҳингнинг умрларингни Ахура Мазда узайтирсин!

Афсусланган Эрзиф ва Спитамен тарих музейига — шоҳ Доро I саройига кириб, тош деворларда ўйиб ёзилган Рустам Нақшида қуйидаги матнни ўқидилар: «...Мен — Доро, буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи... Виштаси ўғли, Ахамоний авлодидан... Мана, Форсдан ташқари мен босиб олган, улар устидан мен ҳукмронлик қиладиган, менга бож-хирож тўлайдиган, менинг қонунларимга риоя қиладиган мамлакатлар: Мидия, Элам, Парфия, Арейя, Бактрия, Суғдиёна, Хоразм, Дрангиана, Арахозия, Саттигидия, Гандара, Ҳиндистон, Хаумаварганинг саклари, Тиграхауда саклари, Бобил, Осурня, Арабистон, Миср, Арманистон, Каппадокция, Лидия, Иония денгиздан нариги саклар, фракийлар, темир қалпоқ кийган ионийлар, Ливия, Хабашистон, Магия, Кария... Мен уларга... фармон берганимда, улар менинг хоҳишимга мувофиқ уни бажарадилар... Форс аскарининг найзалари узоқларга етиб борди... Мен нимаики қилган бўлсам, ҳаммасини Ахура Мазда тақозоси билан амалга оширдим...»

— Бу қасрнинг ҳашаматлилиги мени койил қолдирди. Аммо мени бундан ҳам кучлироқ ҳайратда қолдирадиган нарса шуки, бу мрамор тошларда номлари аталган мамлакатлар битта шоҳга бир хил итоат этадилар-у, лекин бу мамлакатларнинг халқлари бир хил яшамайдилар, — таъкидлади Спитамен.

— Ажойблиги яна шундаки, бу гўзал санъатнинг барчаси турли мамлакатларнинг моҳир усталари томони-



дан яратилган, бизнинг Суғдиёна усталарининг ҳиссаси ҳам бор, — қўшиб қўйди Эрзиф.

Кейин улар тош деворларда Доро I нинг ўзи ҳақидаги фикрлар баён этилган ўйма ёзувларни ўқидилар: «... Менинг хоҳишим шуки, кучсиз киши кучли кишининг манфаати учун адолатсизликка учрамасин, мен шуни ҳам хоҳлайманки, кучли киши кучсиз кишига адолатсизлик кўрсатмасин. Менинг истагим — ҳаққонийлик. Ёлгончи одамга мен дўст эмасман. Мен сержаҳл эмасман. Мен аччиғланганимда, жаҳлимни ичимда сақлайман, мен ўзимни қатъий тута биламан... Менда хоҳиш йўқки, инсон хиёнат қилсин ва хоҳишим йўқки, у агар хоинлик қилса, жазоланмай қолсин. Агар киши бошқа бировга қарши чакимчилик қилса, токи у исботланмас экан, мен ишонмайман. Агар биров, ўз кадрю ҳолича менга хайрихоҳлик қилса, мен унга мурувват кўрсатаман ва бениҳоят хурсанд бўламан... Ахура Мазда ихтиёри билан мен нимаики қилган бўлсам, уни Ахура Мазда томонидан менга инъом этилган қобилият билан амалга оширдим...»

Нақши Рустамда ёзилган бу сўзларнинг моҳияти ҳақида ўйлаб қоларкан, Спитамен Эрзифга мурожаат қилиб, деди:

— Шубҳасиз, Форс давлати Осиё халқлари тарихида, айниқса Доро шоҳлиги даврида, Перикл замонида инсониятнинг маданий тараққиётида Эллада сингари ўзгартирувчилик вазифасини ўтади. Бу ерда Доро марказлашган давлатнинг тузувчиси ролини бажарди. Унинг қаттиққўллиги, уюшқоқлиги ва маълум тарздаги одиллиги, сохталikka қарши кураши аҳоли турмушини яхшилашга хизмат қилди. Тош устида ўйилган бу хатлар фақат бизнинг халқларимиз авлодлари томонидан эмас, балки бошқа миллатларнинг бўлажак авлодлари томонидан ҳам ўрганилади.

— Тўғри айтасан, ўғлим! — деди Эрзиф.

— Лекин мен бу ёзувлар муаллифларининг раҳбарлик қилиш услуби билан, айниқса кейинги шоҳларнинг иш услуби билан келишолмайман. Ана ҳозирги шоҳ — Умасу, бутун мамлакат бўйлаб бўҳтон ва тухматни ривожлантирди. Ҳозир ҳамма жойда қонунсизлик авж олди, шоҳ эса ҳатто ўз қариндошларини ҳам бирин-кетин қатл этмоқда.

— Ҳа, шоҳ бўлиш давлат бошида турган ҳар қандай киши ҳам ҳурматга молик деган гап эмас. Шоҳ ҳаммадан аввал мамлакат халқларининг бахт-саодатини кўзламоғи, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ғамига ва хурсандчилигига шерик бўлмоғи лозим.

Қасрларни томоша қилгандан кейин Эрзиф ва Спитамен яна шоҳ саройига Спэнта тақдирини билиш учун бордилар ва нохуш хабардан воқиф бўлдилар... Спэнта оламдан ўтибди, унинг жасади шаҳар ташқарисидаги қабристонда дафн этилган экан. Ўқсиганлар қабрни топишга отландилар.

Қабристонда кимнидир дафн этишмоқда, — кўк як-такли, эркакларнинг айримлари мовий осмонга қараб, айримлари ерга қараб турардилар. Улардан нарироқда бошларига чойшаб ташлаган хотинлар қаторлашган. Улар қабр устига эркаклар томонидан тупроқ тортилганидан кейин қабрга яқинлашиб, кўмилган марҳумни эслаб йирлар эдилар.

Спитамен маросимини ёқтирмасди, у бурилиб, устига сўзани ташланган бўш тобут ёнидан ўтди. Бурчақда рам-моллик билан шуғулланувчи, ўрта ёшли мунажжим ўтирарди. Нарироқда кохин марҳум ҳақиқа дуо ўқимоқда. Дуо тамом бўлиши билан, мунажжим эҳтиром билан ўз ёнида ўтирган савдогарга деди:

— Ҳурматли зот, сизнинг юлдузингиз Сомон йўли юлдузлари туркумида нотинчга ўхшайди, йўқотган юкингиз топилмаса керак. Ҳаёт йўлида сиз бохабар иш тутишингиз керак, токи юлдузингиз Сомон йўлида тинчлансин.

Савдогар мунажжим яна бирон нарса дермикан, деб кутарди. У бошқа ҳеч нима демаганидан кейин, умидсизланганича бош эгди.

Эрзиф ва Спитамен мунажжим ва гўрқовдан Спэнтанинг қабри қаерда жойлашганини аниқлаш учун анча кутдилар. Бу орада улар мунажжим ва савдогар ўртасидаги гаплардан билдиларки, кеча Бактрадан Персеполга келиш йўлида юк ортилган қарвон йўқолган экан.

Анча вақт ўтгандан кейин улар Спэнта қабрини аниқлаб, қабр устида йиғлаб, марҳумнинг ёрқин хотирасига дуолар ўқидилар.

Кечроқ Эрзиф, Спитамен ва йўқолган қарвонни қидираётган савдогар бошишгоҳга қайтдилар. Спитамен умидсизликдан ғазаби тошиб, отасининг охириги учрашув

чоғида тақдим этган ханжарини қинидан чиқармоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди. У ўрнидан туриб шох саройига йўл олди. Саройда шох йўқлиги учун, олий суд маҳкамасига кириб, унга қараб мурожаат қилди:

— Ер юзининг барча музофотларида Персеполни мактайдилар. Гўё бу ерда кучсиз инсон кучлисининг манфаати учун хўрланишига йўл қўйилмас экан, бу ҳақда жар соладилар ва ёзадилар. Мен бунга ишонардим. Кучли инсоннинг кучсиз шахс томонидан хафа қилишга ҳам йўл қўйилмайди, деб айтадилар ва ёзадилар. Мен бунга ҳам ишонардим. Шоҳларнинг истаги — ҳаққоният, деб айтадилар ва ёзадилар. Ёлғончи одам билан шох дўстлашмайди, деб айтадилар ва ёзадилар. Шоҳ чакимчиларга, тухматга ишонмайди, ҳар кимни айблаш ва жазолашдан аввал у ишнинг моҳиятини текширади, дейдилар ва ёзадилар. Бу сўзлар Нақши Рустамда ҳам бор. Буларнинг барчасига мен ишонардим. Қани, шохингизнинг ҳаққониятлилиги? У адолатли Доронинг ўғитларига риоя қймайдими? Нега менинг отамнинг нима сабабдан ўлганлиги ҳақида маҳкамаларингизда аниқ жавоб бермайдилар? Бу шубҳали ўлим эмасми? Отамнинг касалликдан ўлганига мен шубҳаланаман!

Буюк шох савдогарларни қўриқлайди, дейдилар. Мен бунга ҳам ишонардим. Ўнлаб йўлларни босиб ўтдим, ўнлаб шаҳарларда карвонлар билан бўлдим, уларни ҳеч каерда ўғирламаган эдилар, бу ерда эса карвон йўқолибди! Менинг шикоятимни ўринсиз дейишингиз мумкин, лекин арз этаман, шохнинг шухрати бутун дунёга ёйилган. Ким томонидан? Савдо аҳли томонидан! Энди бошқа доврўф тарқалади: шох Умасу тухматчиларга ишонади, ҳаммадан гумонсирайди ва ҳеч қандай гуноҳсиз кишиларни катл этади. Савдогар Персеполга хурсандчилик билан келиб, уйига ян-ялонғоч қайтади. Энди фуқаролар ана шундай дейдилар!

Ўзининг подшоҳлик шухрати йўлидан Артахшас III Ох Умасунинг каттик назорат қилишини Олий суд яхши билади.

Ҳазабланган ёш суғдийнинг фиғонлари Олий суд раисини ташвишлантирди: баджаҳл шохни ҳазаблантирмаслик учун барчанинг қулоғи остида, ҳамманинг кўз олдида бу ёш суғдий сўзларининг доврўфи ёйилмасдан бурун, бу ишни шохлик шухрати манфаатига ҳал қилиш лозим.

Атрофда эса эшиклардан, деворлардан, барча тешиклардан йиғилган томошабинлар, шикоятчилар, даъвогарлар, жавобгарлар, котиблар, текширувчилар ва бошқа суд ходимлари, ҳатто шохидликка биров ёллайдими, деб дайдиб юрганлар қулоқ солардилар. Бу одамларнинг барчаси вайсайдиган, олғир, бекарор, толмас, уларнинг кўплари бу ерга келиб, ҳар хил миш-миш гапларни те-риб, устига яна кўпроқ ёлғонни қўшиб, ўз фойдалари учун тўрт томонга тарқатадилар.

Ана шу мулоҳазалар билан, Олий суд раиси деди:

— Бизда қароқчилар йўқ. Бирон киши уларнинг қорасини кўрганми? Бунақа одам йўқ, чунки бизда қароқчилар ўзи йўқ, бизнинг шохлар шох қадими теккан барча савдо йўллари ҳамма ўлкаларда хавотирсиз ва омадли. Бордию жиноятчи пайдо бўлса, уни топамиз ва жазолаймиз.

Сенинг отанг ҳақида, ёш йигит, шуни билки, унинг жонини Ахура Мазда ўз паноҳига олди. Отанг шохнинг ҳурматли кишиларидан эди. У бу ерга келиб, ўлат касалига дучор бўлди. Биз уни ўзимизнинг анъаналаримизга мувофиқ, ҳурмат билан дафн этдик. Унинг руҳини Ахура Мазда мадҳ қилсин! Агар сенинг отанг ҳақида биров ноҳақ, нотўғри миш-миш гап тарқатса, шох уни каттик жазолайди, сен бунга амин бўл! Тинчланинглар. Тинчлик билан тарқалинглар.

Суд сўзларидан ҳайратда қолган Спитамен қарвонсаройга қайтди. Бу ердаги меҳмонлар Спитамен ҳузурига келиб уни ва Эрзифни юпатардилар.

Эрталаб қарвонсаройга Олий суднинг котиби келиб хабар берди:

— Жиноятчилар ушландилар. Жазолашга ҳукм чиқарилди, энди улар қилмишларига яраша жазоландилар. Бизнинг одил судимиз шуни айтишни буюрдилар: агар ҳурматли савдогар жазоланаётганларни кўришни истаса, марҳамат қилсин!

Бактралик савдогар Масаддик шундай ҳам тата-пата бўлиб қолдики, гўё у шошилмаса жиноятчилар қочишга улгурадилар. Томошани бошқалар ҳам кўрмоқчи бўлдилар.

Бактраликни котиб айвоннинг бир четига олиб бориб, тозаланган майдоннинг яхши кўриб бўладиган бурчаги-

даги ўриндикка ўтқазди. Бу жойдан савдогар ҳамма воқеаларни кафтдагидек кузатиб, юкларни бир қарашда танигандек, хулоса чиқариши мумкин.

Айвон олдида ялтирок, учи узун бош кийими кийган, қўлларида найзалар билан отлик аскарлар қатор саф тортган.

Сарой олдидаги майдон яхши қуролланган, елкама-елка зич турган пиёда соқчилар билан ўраб олинган. Соқчилар қатори олдида уларнинг дахшатли бошлиқлари от устида айланиб юрибди.

Аскарлар орқасидан майдон ҳар томондан томошабинлар билан ўраб олинган. Савдогар оломоннинг бундай кўп тўпланганидан хайратда.

Сарой дарвозаларидан олтин иплар билан тикилган ялтирок яктак кийган, бели олтин хошияли камар билан боғланган, бошида узун телпак шаҳар миршабларининг бошлиғи чиқди. Қорача от ўз эгаси остида гоҳ тиз букиб, гоҳ дик-дик ўйнарди, эгаси эса, пиёда соқчилар орқада қолмай унинг кетидан боришлари учун, отнинг чонишига йўл қўймасди.

Энларида кул ранг яктак устидан зангори темир ранг ёхуд сарик биринжили совут, бошларига биринжи дубулға кийган, қўлларида узун найзаларни ушлаган соқчилар учта-учта бўлиб, қаторлашиб борардилар.

Соқчилар ортида қўллари орқаларига боғланган икки маҳбус. Уларни бир жиноят бирлаштиргани учун, бир арқон туташтирган.

Савдогар хайрон бўлди: ажабо, булар унинг сарбони ва қоровулбошиси-ку!

Шаҳар миршабларининг бошлиғи маҳбуслар олдига келиб тўхтади ва найга ўхшатиб буралаган папирусга лабини текизди-да, ҳукми ёйди. Ҳукми ўқиётган пайтида, унинг овози, қўрққанидан гоҳ хайкирар, гоҳ бўкирарди.

У ҳукми зўрға ўқиб бўлиши билан, дарвозадан ўрта бўйли, кул ранг калта чакмон кийган, енглари шимарилган, чап қўлларида қийшиқ қиличлар ва ўнг томонларида осилган қора қамчилар билан иккита чаққон йигит чиқди — жаллодлар.

Улар эпчиллик билан ўлимга маҳкум этилганларни тиз чўқтирдилар.



— Ибодат қилинглар! — кичқирди олдиндаги сувори ва баланд овоз билан жимлик ҳукм сурган майдон узра дуо ўқиди. Ва яқунлади:

— Ҳақиқат олий шарофатдир...

Жаъми майдондагилар паст овоз билан такрорлади-лар: «Ҳақиқат олий шарофатдир!».

Шаҳар миршабларининг бошлиғи олдиға унинг муовини от чоптириб келди-да, ҳукми ижро этиш учун унинг қўлидан ёзувли папирусни олди. Миршаблар бошлиғи типирчилаётган от устида узун ойнабанд айвон су-пасида ўтирган Бесс ва шохнинг бошқа амалдорлари ол-дига борди.

Жаллодларнинг бири қиличини қинидан тортиб ол-ди-да, ўзини бир қадам орқага ташлаб, олдинга ташлан-гандек, бирдан ирғиди, лекин жойида турди, шу дам сар-боннинг калласи четга думалаб кетди, танаси важиллаб чиқаётган қонга беланиб, аввал тиззасида тургандек бўлди, кейин иккинчи жиноятчининг унга боғланган арқонини тортиб, ёнбошига ағдарилди.

— Ёмон чопди, — деди Бесс, — пастки жағини кес-ди.

— Ҳа, юқорирок урди, — унинг фикрини маъқулла-ди, миршабларнинг бошлиғи.

Иккинчи жаллод бошқа жиноятчининг калласини ке-сиб, қиличини авайлаб ўлдирилган ёвузнинг чопонига артиб олди. Иккала жаллод бурилиб соқчилар орқаси-дан, соқчилар эса ялтироқ отлик орқасидан юриб, бино-га кириб кетдилар.

Бу томошадан таъблари хира бўлган Спитамен ва Эр-зиф шошилмай сарой ичкарисига кетаётган шохнинг амалдорлари орқаларидан қараб қолдилар.

Савдогар эса бу орада соқчиларнинг кичик бошлиғи хузурига келди. У соқчининг томошабинларни жасадлар атрофидан ҳайдаётганини шошмай, тик туриб кузатарди.

Бактралик савдогар ниҳоят, ишчанлик билан оқиш-дан тўхтаб қотаётган қон устидан сакраб ўтиб, сўради:

— Мухтарам бошлиқ! Менинг кўнларим қани?

— Қанақа? — ҳайрон бўлди бошлиқ.

— Ёвузлар ўғирлаган кўнларим.

— Шуларми? — унинг оёқлари остида думалаб ётган каллаларнинг бирини тепиб, сўради бошлиқ.

— Шулар!

Бошлиқ кулимсираб каллаларнинг бирини оёғининг учи билан яна туртди-да, унинг мўйловидан ушлаб юзини юқорига қаратди. Ўлик юзи ҳали титраётган сарбоннинг овзи очилди, савдогарга хаёлида, унинг лаблари кимирлаб алланимани айтмоқчи бўлаётгандек туюлди.

— Мана, сўра: «Қаерда яширдинг?». Мен қаердан билай? У бўйнига олмади.

Савдогар кесиб ташланган каллаларга, гўё улар «Карвонни нима қилдингизлар?» деган саволга жавоб беришлари мумкиндек узоқ тикилди.

\* \* \*

Эрзиф ва Спитамен яна Спэнта қабри устига бордилар.

Инсоннинг бош мусибати — ўлим. Спэнта ҳаётдан кўз юмган, аммо унинг руҳи, тириклигида айтганидек, янги мархум бўлган ҳар қандай киши каби ҳали ўлганлар руҳи дунёсига тўла қабул қилинмаган. Унинг руҳи ерда яшашни давом эттираётган авлодларидан умидвор. Шунинг учун Эрзиф ва Спитамен бир неча кун Персеполда қолишга қарор қилдилар.

Зардуштлиқ одатига мувофиқ ўлган кишининг авлодлари бир неча йил давомида мархум хотирасига қурбонлик беришлари лозим. Қурбонлик бериш ва хотирлаш мархумнинг одатда унинг бош фарзандига, катта ўғлига юклатилади, бу одатни у ўттиз йил, яъни бир кишининг камолотга етганига қадар бажармоғи лозим.

Ҳамиша Персепол ва Самарқанд оралиғида катнаб, бу одатга риоя қилишнинг иложи йўқ. Шунинг учун мархум жасадини Самарқандга олиб бориб, у ердаги қабристонда кўмишлари керак. Марказ қабристонининг маъмурияти эса, Спэнта вабо касалидан ўлган, деб унинг жасадини олиб кетишга ижозат бермоқчи эмас.

Эрзиф ва Спитамен қабристон маъмуриятига мурожаат этиб, қабрни очиш ва жасадни Самарқандга олиб боришга ижозат беришни қаттиқ талаб қилдилар. Улар қабрни очиб, Спэнта жасадини олиб чиқишга муваффақ бўлдилар.

Спитамен мангу уйкуда ётган отасига қараб, абадият касб этиш кайғуси оғушига шўнғиб кетди. У Спэнтанинг нозикдиллиги ва хушфёъллигининг барча аломатларини, майда сифатларигача кўз олдига келтирди. У ўз оиласи-

ни севарди, бекиёс ҳалол инсон эди. Унда Сиёвуш наслларининг букилмас виждонлик хусусиятлари мавжуд эди. У ниҳоят жасур ва ҳар қандай хавфни вазминлик билан кутиб оларди. У жуда очикқўл инсон бўлиб, бу борада бошқалар учун ибрат эди: у ғамгин чехраларни кўрганда хафа бўларди ва сахий қўллари билан бахтсизларга барча керакли нарсалар ва маблагни ўзида борица беришдан аямасди. Спитамен ўз отасининг барча яхши фазилатларини билмаслигига энди ишонди. У ўз отасини етарли даражада севмаганига ачинди. У энди отаси ҳаётнинг оғирликларидан ва ёвузликдан енгилганига кўзи етди.

Спэнтанинг жасадини катта сопол хумга солиб, уни асал билан тўлдирдилар ва шу тарзда Суғдиёнага, қайта кўмдириш учун олиб кетдилар.

Самарқандга келишлари билан, уни кўмиш олдидан барча оила аъзолари, қариндошлари ва Суғдиёнанинг кўпминглик фуқаролари тўпландилар.

Отасининг қабри ёнида туриб, Спитамен унинг бир вақт меҳрга тўла янғрок товушда айтган: «Ўзингни ноҳақликка қарши кураш ва ўз халқингга хизмат қилишга бағишла» деган ўғитини эслади.

У ўзича, ҳаёт — тинимсиз ва шафқатсиз курашдан иборат, кимки инсондек улуғ номга эга бўлишни истар экан, у кўзга кўринган ва кўринмайдиган ёвузликларга, инсоннинг очик рақибларига, табиатнинг хавф-хатарларига қарши курашмоғи лозим эканлигини ўйлади. Чунки булар инсонни емиради, ўлим хавфини тугдиради.

Спэнта қабрининг устида кохин «Авесто» алковларининг бандларини, Зардушт таълимотининг муҳим қоидаларини ўқиди. Суғдиёна фуқароларининг вакиллари сўзладилар.

Спэнта жасади кўмилганидан кейин, унинг қабри ёнида туриб, Эрзиф Спитаменга мурожаат қилди:

— Отангнинг жасади бу дунёни тарк этди, аммо унинг руҳи биз билан ва бизга унинг ишларини давом эттиришга кўмаклашади. Ахура Mazda унга ёр бўлсин! Ҳақиқат олий шарофатдир. Мушарраф бўлғай шарофатга ул.

— Ахура Mazda номи билан қасамёд этаманки, — деди йнғи аралаш Спитамен, — мен отамнинг ишларини давом эттираман ва Амеша-Спэнтанинг шарафли номини баланд кўтаришга ҳаракат қиламан.

## БАХШТЕПАНИНГ ТОНГИ. НАВРЎЗ

Бахштепа манзилгоҳининг одамлари уйқудан шаҳарликларга нисбатан эртароқ уйғонадилар. Бунинг сабаби тоза ҳаво, бу мавзе ўртасидан ўтиб шаҳристон томонга оқадиган анҳор сувидан салқин шабаданинг эсишидир. Бу мавзедаги ҳарбий қалъа бошлиғи Корун тонг ёришмай уйғониб, нукраранг чакмонини яланғоч елкасига ташлади-да, боққа чикди. Унинг калласи қум тўла қозондек зирқирамоқда. У ўз итоатидаги кишилар ва қуллар билан ишлашга, зерикиб майхўрлик қилишга, ўйнашлари атрофида ўралашиб буларнинг кўнглини овлашга кўп вақт сарфлашдан толиққан.

«Жин урсин! Сен қобилиятли ҳарбий қўмондон, учқур отчопар ва найза учратгич бўлиб, шоҳ қўшинида шуҳрат қозонганлигингдан не фойда? Бошқаларга нисбатан бирон-бир ишни яхшироқ бажардингми — сен дархол бировнинг душманига айланасан. Кел, дўстим, назокатли Корун, ҳаммасига қўл силтаб, эркин бактриялик элатларимизни кўзғатамиз, сатрапликнинг бу лаънати «муқаддас» қалъаси баҳридан ўтамиз ва жанубга, Окс томон кетамиз...» — гўлдиради Корун.

Боши устидаги дарахт шоҳлари орасидан: «ёлғон!» деган кескин товуш эшитилди-ю, сурнайнинг оҳангига сал ўхшаган, аммо қалинроқ хуштакка айланди — «Фир-пир! Култ-култ! Култ-култ!».

Бу — зарғалдок! Унинг жарангдор овози кимнидир чакираётганга ўхшайди. Корун сайраётган қушни кўр-қитмаслик учун жим турди. Эҳтиёткор, пишиқ қуш. Чумчук, ҳаққа ёхуд майнага ўхшаб шилкимлик билан одамга яқинлашмайди, ўзини алоҳида тутади.

— Ёлғон айтаётганим йўқ, дўстим! Эҳтимол, мен ҳақ эмасман. Ўзимга-ўзим гапиряман. «Фир-пир» ҳақиқатан, бизда ҳар оқшом. «Култ-култ» ичиш ҳам ҳар оқшом. Нима қила оламан? Бошқа иложим йўқ. Биз ўтмишдаги шоҳга берилган Афросиёб номи билан маълум, дахлсиз шаҳристонни, унинг аркини кўриқлашимиз керак.

Гуллар туплари орасидаги тор йўлкалардан ховуз томон аста-секин юриб, у мажнунтол остидаги супага

чикди. Боғ бўйлаб чўзилган икки ҳовуз қалъанинг сал кам ярмини ўраб олган бўлиб, — улар бўйида Бахштепа қалъасининг деворлари қад кўтарган. Қалъа Самарқандни шарқдан туғилиши мумкин бўлган хавфдан қўриқлайди. Шаҳар атрофида, уни қўриқлаш учун қурилган бошқа қалъалар ҳам бор, улар — Сартела, Жартепа, Найзатепа ва бошқалар.

Бахштепа қалъасининг деворлари ҳовуз сувини куёшнинг эрталабки нуридан бекитади. Атрофи мрамр тошлар билан қопланган ҳовуз суви қоп-қора кўринади. Сув бу ҳовузга Обираҳмат анхоридан сопол қувурлар орқали тушади.

Конун анча вақт сув бўйида иккиланиб турди. Баланд бўйли, типпа-тик, ҳаракатсиз, ғира-шира қоронғиликда у хайкалга ўхшайди.

Боғ саҳни ёришиб, сув усти хира ялтиради. Корун елкасидаги чакмонни ерга ташлади-да, мрамр зинапоялардан пастга тушиб, яланг оёқларини сувга текизиб кўрди. Ах! У торганиш билан ўзини совуқ сувга ташлади. Яхши! Ҳамиша шундай бўлади: бошда совуқ сувдан чўчийсан, кейин ундан чиққинг келмайди.

Буғдойранг сермукул баданини оқ дағал сочиқ билан артиб, уни бошига ўради. Оёқларини хом теридан тикилган шиппақларга тикиб, чакмонини кийди. Илик чакмон совуган териларни иситар ва симарди.

Истеҳкомда ҳали жимжит. Корун шошилмай қалъанинг жанубий-шарқий деворлари бўйлаб юриб, Чўпона то устида осилиб турган зангори туман пардасига қаради-да, ўз истеҳкомини шаҳристон атрофидаги бошқа истеҳкомлар билан фикран қиёслади.

Бахштепа қалъаси бешбурчак тусда, узунрок шаклда қурилган, жануб томонидан кенг, шимол томонга қараб торайиб боради ва тирлар ғилофига ўхшайди. Тепаликнинг майдони сал кам ўн гектарга тенг келади, Тали Барзан ҳам шунга ўхшайди.

Агар ўйлаб қараса, бу қалъалар биринчи суғдий шоҳларининг муқаддас шаҳарлари, уларнинг дахмалари жойлашган мақбаралари, ибодатхоналари, оташпарастилик ва суғдийларнинг жанговар руҳини сақлайдиган масканлари бўлган. Бу жойлар секин-аста қадим замонлардаги «шаҳарликлар» ҳаётининг моҳиятига эга яшаш марказларига айланган.

Истехкомлар тўғрисидаги фикр билан банд Корун қалъа ичига кирди. У пиёда ва отлик аскарлар ахволидан хабар олмоқчи.

Совук сувга кириб чикиб у биров тетиклашган, аммо унинг руҳи ҳали ланж.

Унинг ҳузурида жимгина, қўлида найзаси билан соқчи аскар пайдо бўлди.

— Калон, сенми? — қаради Корун.

— Ҳа, мен.

— Ҳаммаёқ тинчми?

— Тинчлик, жаноб, тинчлик.

Агар тинчлик бўлмаса, қалъани аллақачон шовқин ва тўполон қўзғаган бўларди. Шунинг учун кечаси билан соқчилик қилиб чикқан Калон — отликлар гуруҳининг бошлиғи, Корундан нотўғри саволи учун сал аразлагандек бўлди.

Баҳор. Чўлларда ҳозир ўт-майсалар ўсмоқда. Зангори кенглик. Калоннинг ўз уйига, Навток диёрига, соғинган жигарбандлари оғушига, кўчманчилар манзилгоҳига, отлар подаси ўтлаб юрган сахроларга кетгиси келади. Аммо бошлиқ Корун ижозат бермайди.

Коруннинг Суғдиёна сатраплиги билан муносабати ёмонлашганга ўхшайди. Марказдан ҳар хил хабарлар келмоқда. У харбий вазирликдан янги хабарни кутмоқда.

Корун қалъадан хабар олиш учун яна юрди, Калон ҳам миқ этмай бошлиқ кетидан борди.

Қалъа деворлар билан ўраб олинган, иккита дарвозаси бор. У мустаҳкам, уни олиш қийин. Унинг баландлиги ўн тирсак ва ундан ҳам баландроқ чўзимдаги тепаликда қурилган бўлиб, деворларнинг баландлиги ҳам беш тирсакка тўғри келади. Шунинг учун бу баландликка қўлда қурол билан чиқиш у ёқда турсин, юқорига қараш ҳам ваҳимали.

Эрталабки хавонинг секин исиши билан Корун чакмонининг енгини ечди. Агар бирон-бир бегона киши унга қараса, бу баланд бўйли «барбар» Суғдиёна сатраплигидаги катта амалдорлардан бири эканлигига ишонмаган бўларди. Чўл кишиси. Ёш — у ҳали қирққа ҳам қирган эмас, аммо ўзининг ақл-фаросати билан Аҳамонийлар қўшинида унга тенг келадигани кам. Аммо унинг нуқсонлари ҳам оз эмас: у ҳар қандай бақувват кишилардек,

гоҳида ишонувчан ва содда, гоҳида эса — лақма... Унда очкўзлик ва ғаразгўйлик хусусиятлари ҳам етарли. У ўз мавқеини йўлга қўйилмаган, беқарор деб билади.

Ғап шундаки, форслар у ёки бу сатрапликларда жойлашган шох аскарлари фақат маҳаллий фуқароларнинг ёшларидан иборат бўлмаслигига ҳаракат қилардилар. Бахштепа ҳарбий истехкомида ҳам аҳвол шундай, бу ердаги аскарларнинг асосий қисми Ахамонийларга содик бўлган форслардан иборат. Албатта, истехком жангчилари орасида Суғдиёна вилоятлари ёшларидан таркиб топган қушин гуруҳлари ҳам бор, лекин улар озчиликни ташкил қилади.

Қалъадаги форс қисмлари орасида қўмондонга нисбатан ишончсизлик белгилари мавжуд. Бунинг боиси — Корун дастлаб, ҳарбий назоратда хизмат қилганида, шох уни ҳурмат қиларди. Аммо шох ўзининг яқин кишилари бўхтонлари билан, унинг лавозимини пасайтириб, Бактрияда туғилиб ўсганлиги учун, Суғдиёнага жўнатди. Суғдиёнадаги хизмати вақтида Корун сатрап Спэнта билан ўз муносабатини яхшилаб олди. Аммо мана, бир неча ой бўлдики, Спэнта шох ҳузурига чақирилиб, бедарак бўлиб кетди. Бу ҳол Корунни безовта қилмоқда.

Яқинда Афросиёбда содир бўлган воқеа унинг мавқеига қаттиқ таъсир этди. Халқ вакилларининг мажлиси фуқаролар ғалаёнига айланди. Корун у ерда иштирок этгани йўқ, унинг истехкомидан биронта аскар ҳам йўқ эди. Фуқаролар ғалаёни, Спитамен бошчилигида давлат маслаҳатчиси Виштаспни шарманда қилди. Спитамен эса Коруннинг куёви. Виштасп Суғдиёнани тарқ этиб, шохга арз қилишга кетди. Бу ҳол Корун учун оқибатсиз қолмаса керак.

Қалъадан хабар олишни давом эттириб, Корун ва Калон тик ва узун шарқий девор бўйлаб, истехкомни мудофаа қилиш иншоотининг шимолий қисмига чикдилар. Пастда, калъа ичида тўрт бурчакли иншоот, бу — турли қимматбаҳо нарсаларни сақлайдиган омборхона, бу ерда илк суғдий шохларининг охиратга ўзлари билан бирга олиб бормаган буюмлари бор, жумладан, худолар ва илоҳаларнинг мармар тошлардан ясалган ҳайкаллари ҳам сақланган. Бу ҳайкалларда ифода этилган одамлар юзининг белгилари шарқ кишиларига хос, маҳаллий кишилар сохт-сумбати юнон ҳайкалларидан фарқ қилади.

Демак, улар шу ерда ясалган. Гўё улар яқингача яшагандай, атрофда юрган одамларга қараб: «Хой, одамлар, чидамли бўлинглар! Адолатли суратда яшанглар!» — деб, муурожаат қилаётгандай.

Корун яна ўз хаёлларига чўмиб кетди. Спэнтанинг ўлими сатрапликдаги раҳбарликда ўзгаришлар юз беришига сабабчи бўлди, бу эса Коруннинг истикболини нонаниқ қилиб қўйди. Яқинда шох ўз фармони билан икки сатрапликни — Бактрия ва Суғдиёни, бир сатрапликка бирлаштириб, унинг ҳокими этиб ўз қариндоши, Бессни тайинлади. Янги сатрап Корунни истехком ҳарбий қўмондони лавозимидан четлаштиради, аммо мансабдорлар даврасидан, ўзининг яқин кишиларидан узоқлаштирадиганга ўхшайди.

Шунинг учун Корун хафа. Маҳаллий бўлмаган суғдийлик — у Бахштепанинг табаррук авлиё жойларига нисбатан юрак ҳаяжонларини сезмасди.

Корун яна хаёлга ботди... У тарихдан даҳшатли жангларда мағлубиятга учраган сакларнинг ўз ерларини ташлаб жанубий ўлкаларга — Бактрия ва Парфияга қараб интилганларини эслади.

Ўз халқининг тарихини Корун яхши билади. У маълумотли киши, эски авесто ва юнон тилларини ўзлаштирган.

Корун ва Калон айланиб юришни тамомлаб, истехком охиридаги дарвозасига бориб етдилар.

— Энди мен нонушта қилишга бораман. Агар бирон гап бўлса, дархол уйга, хузуримга кирасан, — деди бошлик Калонга.

— Хўп.

Корун қалъа бурчагида жойлашган ҳовлисига кирди.

Ҳовли Бахштепадаги, ҳатто Самарқанддаги энг гўзал бинолардан бири ҳисобланади. Айвонда жунли адиёлга ўраниб ўтирган Артемида ўрнидан туриб, Корунни кутиб олди.

Айвоннинг чап томонидаги хона бурчагида турган катта тошойна олдида Зара сочларини тарамоқда. Унинг кўзлари қалин ва узун мишгонлари остидан бир нуқтага, улар бирон нарсага хумор қилаётгандек, тикилмоқда. Бундай хуморий қарашлар унинг оппок, тўлин ойдек чиройли юзига бировга киноя қилаётгандек тус берган. У ўзини мағрур тутарди. Оппок қўли билан юқори лаби-



нинг четидаги қора холини ушлаб кўрди-ю, бошини силкитиши билан ипакдай майин ва жингала сочлари унинг юзига тушди. Шу ҳолатда бир неча дақиқа қимирламай турди. Кейин ховли юзига чиқди. У Парниза иситиб қўйган илиқ сув билан кўл-юзини ювди-да, ўзига оро берганча, айвонга чиқиб ҳамма билан саломлашди ва ўгай отаси олдига бориб ўтирди. Хол-аҳвол сўрашгандан сўнг унинг Спитамен билан жанжали сабабли юзага келган ўзаро муносабатлар ҳақида гап кетди. Коруннинг — «Нима учун жанжаллашиб келдинг?», деган саволига Зара жавоб берди:

— Энди у ким бўлдики, мен уникида қолсам?

— Ким бўлса ҳам, у сенинг эринг ва Апаманинг отаси. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсан. Сен уни руҳан кўллаб-қувватлашинг керак.

Бугун Наврўз байрами бўлса ҳам Корун учун, унинг паришонлигига қараганда, оғир кун. Шунинг учун Артемида ҳар хил сўзлар билан уни юпатарди.

Эрталабки нонушта тамом бўлди. Конун фотиҳа ўқиб ўрнидан турди.

Ўзининг ёмон кайфиятига қарамай, Корун оила аъзолари билан бирга Чўпонотада бўладиган янги йил сайрига боришга розилик берди.

Ховлига Калон кириб келди ва хаяжон билан:

— Ҳарбий вазоратдан чопар келди! — деди.

Корун чопар билан учрашгани ховлидан чиқди. Ундан мактубни кўлига олиб, тез кўз югуртирди ва сесканиб кетди: шох Умасу ўлдирилибди! Сарой тўнтариши!

Ҳарбий вазир бу хабарни етказиб, истехком бошлиғига ўлкада осойишталикни сақлаш учун чора кўриш ва қўшимча фармойишни кутишни буюрибди.

Коруннинг Афросиёб аркига, сатрап хузурига бориши лозим. У оила аъзолари билан отларга миниб Самарқандга жўнади.

\* \* \*

Бобил йил жадвалининг 201 йил, нисан (март) ойининг 21 куни, милоддан аввалги 338 йил. Бугун самарқандликлар жуда эрта уйғондилар. Эрталабдан кўчага барча йўналдилар. Бу — кам бўладиган хол. Бир ярим ой бурун шох Умасу икки сатрапликни бирлаштириб, Бессни бу ўлкаларнинг сатрапи этиб тайинлаш учун

ўзининг яқин кишилари билан келиб кетган эди. Ўшанда ҳам шаҳар фуқаролари бугунгидек кўтаринкилик билан кўчаларга чиқмагандилар. Бугун одамлар орасида шох Умасу ўлдирилибди, деган миш-миш гаплар ҳам тарқалган. Аммо бунга аҳоли жиддийроқ эътибор қилмади.

Ҳаммани хаяжонга келтирган воқеа — қадим замонлардан бери биргаликда ўтказадиган байрам — Янги йилнинг кириши ва Олов байрамини нишонлаш.

Бу кун шаҳарнинг марказий майдонида томоша учун рангли чироқлар ёқилиб, гулханлар атрофида фуқаролар йиғилмоқдалар. Наврўз байрами ҳақида шаҳарнинг кўча ва чорраҳаларида жарчилар сурнай садолари билан фуқароларга хабар бермоқда.

Оломоннинг катта қисми гулханлар атрофида йиғилдилар, бошқалари хунар ва савдо саройининг залига томоша учун кирмоқда, ниҳол ўтказишга кўпинча қариялар ва қисман ёш эркаклар бормоқда.

Оломон ҳаммадан кўпроқ хунар ва савдо саройи эшигига қараб интилди, залга кириш эса осон эмас. Зал ўша кезларда Афросиёбдаги усти ёпиқ биноларнинг энг каттаси эди. Тепада икки қаватли, чўққили қилиб қурилган гумбаз, у ёғоч ва ганчдан кесилган, уларда олтин ва нукрадан лолагуллар нақши чиқарилган, оёқ остида — оқ ва кул ранг силлиқ мрамор тошлар ётқизилган. Бир неча қадам нарида катта устун, кейин иккинчиси, учинчиси — бутун зал давомида саккизта шундай устунлар бўлиб, улар гумбазларни кўтариб турибдилар. Биринчи қатордаги тўрттала устунлар атрофида атторлик пештахталари — улар устида турли мамлакатлардан келтирилган ҳар хил кийимлар, пойабзал ва бошқа моллар териб қўйилган, бошқа тўрттала устунлар атрофида — турли рангли ойна буюмлар, ўймакорлик билан нақш чиқарилган эшиклар.

Янги йил байрами Олов байрами билан узвий боғлиқ. Зардушт бу байрамни баҳорги кеча-кундуз бараварлашадиган вақтда ўтказиш лозимлигини уқтирганига сабаб, қадим замонлардан баҳорнинг киришини Аша ва Оловга бағишлаганлар. Етти байрамдан бири бўлган бу маросим Ашанинг узил-кесил ғалабасидан далолат бериб, шу билан бирга, у умрбод ҳаётнинг янги куни ҳисобланади.

Наврўзни байрам сифатида нишонлаш учун бу куни одамлар янги кийимлар кийган, байрам таомларини тайёрлаган. Хар хил таомлар орасида бундай кунларда янги совилган сут ичиш, бир бурда янги тайёрланган пишлоқ истеъмол қилиш, бир тилим, қиш бўйи сақланган қовун ейиш одат тусига кирган, эрталаб шакар билан ёнғоқ ҳам истеъмол қилинган. Туш пайтида ҳамма шаҳар четига чиққанлар. Теварак-атрофда янграган мусика садолари, қўшиқлар фуқароларни хушнуд этади.

Мана, бугун ҳам фуқаролар аста-секин шаҳар четига қараб қатор-қатор бўлиб ҳаракат қилардилар.

Чўпонато тоғ-тепалигининг бағирларида йиғилган бу мингларча ранг-баранг оломоннинг шов-шувини асалариларнинг майсазордаги қутиларидан чиқиб, сувиллашаётганига ўхшатиш мумкин.

Одамлар шовқинлаб еб-ичардилар. Очиқ осмон остида ўрнатилган қозонларда пиширилаётган қабоб, сумалак ва ҳадиса, сихларда қовурилаётган гўштдан чиқаётган тутун ва ёқимли ҳидлар киши димоғига уриб, руҳини кўтаришади. Харидорларга олий, лаззатли таомлар, хуштаъм шароблар ва хаома тортиқ қилинмоқда.

Сайлга яхши тайёргарлик қўрилганлиги ҳақида ошпазлар ўзаро гаплашардилар.

Эшитишимча, янги сатрап Бесс самарқандликларга ўзини яхши кўрсатиш учун, бу байрам ва ўйинларни ташкил этишга анча маблағ сарфлаган, — деди қабобпаз шеригига қараб.

— Бесс ўнг қўли билан ўғирлаган бойликларнинг озгина қисмини чап қўли билан бизга ҳадя этибди-да. Бу борада у жуда айёр, дейдилар. Аммо у, барибир, бизнинг Спэнта амакидай, фуқароларнинг гамхўри бўлолмайди, — деди ошпаз.

Кун пешинга яқинлашди. Қуёшнинг ҳаётбахш нури Чўпонато чўққиларини олтин рангга бўяб, атрофни иситди; майсалар устида тўшалган палослар ва қўйилган курсиларда ўтирган томошабинлар унинг ҳароратидан роҳатланмоқда.

Майсазорда ўнг мингдан ортиқ киши йиғилиб, фуқароларнинг яхши кўрган томошаларини: масхарабозлар, хуккабозлар, полвонлар, найза ирғитувчилар, отчопарлар, шоирлар ва бошқа ўз санъатининг моҳирлари чиқишларини кутмоқда.

Ҳозир эса мусикачилар най, новора, чилтор, камончали мусика асбоби, бурғу ва бошқа асбобларини чалишарди. Хушоҳанг садолар Зарафшон водийсига тарқалиб, Чўпонатодан анча узок жойларгача эшитиларди.

Томоша майдонидаги яхши ўринларни савдогарлар, саррофлар ва бошқа казо-казолар эгаллаган. Томошабинлар орасидаги камбағал-қашшоқлар ҳам бу оммавий томоша сахнига бошқалардан илгарироқ келиб, яхшироқ ўринларда жойлашган.

Турли рангдаги кийимлар — узун чакмон, кенг яктак, калта камзул, пўстин, енгсиз кенг кийим, совут, хитон, панцир ва мис қалпоқ, дубулғаларнинг қуёш нури-ни акс эттириб, товланаётгани ва оломоннинг ғовур-ғувури...

Хамма ёқда чакқон савдо бўлмоқда: осийе нон, обинон ҳамда турли хил ширинликлар — наввот, халбои лавз, қандалот, қурсипечак, кунжути ва бошқа хиллари сотилмоқда.

Майдон сахни яхши кўринадиган, мусикачилар ёнидаги жойда Коруннинг ўғли Эксарт ўтирибди, унинг ранги ўчган, аррик, нозик ва ясанган бармоқларига қимматбаҳо тош кўзли олтин узуклар тақилган. Унинг юзидаги зиклик ва бефарқлик белгилари яққол кўзга ташланади. У фақат чиройли хотинларга, гўзал кизларга ва ўзига ўхшаган олифта йигитларга қарарди, ўнг қўли билан бўйнида осилиб турган тилло занжирчани ўйнади. Унинг ёнида ўғай онаси, Артемида ва ўғай синглиси — Зара ўтирибдилар.

Зара, турли рангли либосларнинг товланишига ҳавас билан қараб, бир оз узоқда бўлса ҳам, аммо қарама-қаршида ўтирган Спитаменни кўриб қолди. «Ўзимнинг қилғилигимни унга қандай тушунтираман? — ўйлади Зара. — Мен қайнонам билан жанжаллашиб, қизчам билан онамникига кўчиб келдим. Унинг ўзи ҳам ғалати. Онаси билан жанжалимиздан батафсил хабари бўлса керак. Барибир, у менинг ҳузуримга келиши керак эди. У мени севади-ку...»

Спитамен ҳам томошабинлар орасида Заранинг ўз қариндошлари ва яқин кишилари билан ўтирганини тезда кўриб қолди. Аммо Спитамен хотинининг ҳузурига бормади, у Зарадан аразлаган. Зара ҳатто бошига кулфат тушган қайнонасининг қошига бориб, унга ҳамдард-

лик билдирмади. Бунинг устига, у Спэнтанинг омади келмаганлигига ва ўлимига, гўё Зардозанинг ўзи сабабчи, деб унга қичкирибди. Заранинг кирдикорлари Спитаменни кийнар эди. Бугун ҳам у Янги йил байрамида ҳамма қувноклик билан сайр этаётганда, отасини, қизчаси Апамани қўмсар ва хотинининг хулқ-атворидан хайратланарди. Балки, хозир Зара унинг хузурига келадими-ю, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади? Ахир, Наврўз ҳамиша бирлаштириш, жанжалларни бартараф этиш, жумладан оилавий аразланишларни эсдан чиқариш, турли қабилаларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш рамзи-ку... Спитамен ҳеч ким билан гаплашмасди.

Корун оиласининг ўнг томонида Спитаменнинг эски таниши — отлик гуруҳлардан бирининг бошлиғи Оронтобат ўтирибди. Спитаменнинг дўсти — Катан бу киши билан анчадан бери учрашмай, бугун кўришганидан хурсанд бўлиб, харбий хизмат ҳақида суҳбатлашмоқда.

Оронтобатнинг ўнг томонида кўзга кўринган беклардан бири Вахшунвар (Оксиарт) ўтирибди. У билан хотини Дилорой ва иккала қизи — ўн саккиз ёшар Райхона ва саккиз-ўн ёшар Рахшона ўтирибдилар. (Бу — асар персонажларидан бирига айланган кичкина Рахшона хусусида кейинроқ сўз юритамиз).

Райхонанинг келишган, тўлиқ ойдек юзи, чиройли бурни, кичик оғзи, гўё ўпишни қўмсаётган лаблари ва катта-катта қора кўзларини — тасвирлаш қийин, гўзалликнинг барча белгилари бу қизда мужассам.

Райхона ўз ёнидаги чиройли, кўзлари қора қарға қанотларидек қоп-қора, қалин ва мулойим сочлари елкаларига тушиб турган ва пешонасига гулоб рангли ипак тасма боғлаган, кулоқларида қимматбаҳо халқалар осилиб турган, қўллари узук ва билагузуклар билан безалган дугонаси билан қизгин суҳбатлашарди. Нозик оқ жун матодан тикилиб, пастида олтинранг тасма қадаган ридо унинг кўркам қадду қоматини яна жозибали қилиб кўрсатарди.

Бу чиройли аёллар, айтишларича Бесс харамига тортилган.

Райхона ва Робия суҳбатлашаётган жойдан сал нарироқда калта пўстин кийган иккита ёш йигитлар турардилар, уларни тарбиячилари кузатарди. Ёш йигитчалардан бири ўн тўрт ёшли, бошқаси ўн икки ёшли бўлиб, улар-

нинг юз тузилишлари самарқандликларга хос — кенг пешонали, кўзга яққол ташланадиган юз бичимли, озгин. Кейинроқ Спитаменнинг сафдошларига айланган бу ўспиринларнинг каттасини Мередит, кичигини Муродот деб атардилар. Улар самарқандлик ўймакорлар авлодидан.

Муродот сергапрок бўлганлигидан, ёнида ўтирган ўз тенгқурлари билан ҳар замон гаплашиб турарди, Мередит эса хомуш ва ҳўшшайган, у ўз ёшига ҳеч ҳам мувофик келмайдиган даражада жиддий. Унда қалб қатъийлигининг туғмалиги кўринарди. Унинг катта ва қоп-қора кўзлари мавжланиб, уларда ақл ва матонат ифодаланарди.

Йиғилганларнинг диққати асосан, майдон ўртасига тортилган.

Найрангбоз томошабинларни овунтирарди:

— Энди, марҳамат килиб, бу ёкка қаранглар!

Кўрсатув ниҳоясига етаётганга ўхшарди. У ўз олдига узун хонтахтани қўйиб олган. Варфоломей исмли кекса томошабин, (эхтимол, Якин шарқдан) хайрон бўлиб қошларини қимирлатди. У кўрсатув бераётган найрангбозни Финикиядаги ҳарбий хизмати даврида кўрганини эслади. Найрангбоз Қашқардан бўлиб, у ўз найранглари билан Тир шаҳрининг томошабинлари олдида тез-тез чиқиб турарди.

Хамма найрангбознинг санъатидан хайратда.

— Тўхтаңглар, шошманглар! Ҳеч нарсадан бирон нарса яратиш мумкин эмас ва аксинча, бор нарсанинг йўқолиши мумкин эмас. Улар ўз ўринларини ўзгартиришлари мумкин! — Найрангбоз хонтахта устида турган косалар ва тошлар билан ўйнаб, уларнинг ўрин алмашишини кўрсатарди: уччала тошлар гоҳ бир тўп бўлиб, гоҳ алоҳида бўлиб косалар остида пайдо бўлардилар. — Мана улар, бир жойда тўпланибдилар. Улар, маълум бўлишича, алоҳида-алоҳида турганда тухумга айланмасликларини билишади!

Умумий оғир ох тортиш.

— Балки, уларни тухумларга айланганларигача еб қўярмиз? — У тезлик билан бир жойда, коса остида турган тошларни оғзига солиб, бошини қимирлатди, — бе-маза! — деди ғудурлаб оғзи тўла тошлар билан, хонтахта устидаги косага уларни тупуриб ташлади. — Туф, иф-

лос нарса! Тишни синдириш мумкин... Улар тухумга айланмай, унинг мазасига эга бўлолмас эканлар! Сабр қилинглар! Сабр қилсанг ғўрадан халво пишар!

Найрангбознинг намоёиши тугаб-тугамай Афросиёбдан бу ерга Бесс, Австан, Корун ва бошқа юқори амалдорлар келдилар. Томошабинлар орасида улар шаънига олқишлар ва саломлар эшитилди.

Бесс ва унинг ҳамроҳлари уларга ажратилган, Корун оиласи ёнидаги жойларга йўналдилар. Бесс фуқароларнинг саломларига жавобан назокат билан бош қимирлатди. Австан ва Корун ўз ўринларига ўтдилар, улардан кейин ўрнидан турган барча томошабинлар ҳам ўтирдилар.

Бесс Оксиарт билан саломлашди, у ҳам илтифот билан, ҳатто мулозамат қилиб жавоб қайтарди, аммо Бесс унинг ёнида ўтирган қизи Райҳонани кўриши билан, шайдоланган кўзларини ундан узолмади.

Райҳона Бесснинг оташин қарашларини сезиб, унга хурмат-эҳтиром билан бош эгди. Бесс эса унинг таъзим қилганини ўзича тушуниб, узоқни кўзлаган режасини белгилаб олди. У ёшликдаги ишқ-мухаббатга тўла саргузаштларини эслаб, ўша даврларнинг қайтиб келишини ҳавас қиларди.

Томошабинларга янги намоёиш тавсия этилди.

Удайчи қичқирди:

— Курашга қўркмасдан марҳамат қилинглар, дадил бўлинглар!

Чакқон полвонлар кенг даврага чиқдилар. Улар майдоннинг турли томонида бир неча кишидан иборат гуруҳ бўлиб турдилар.

— Бошланглар! Бошланглар! — қичқирди удайчи. — Сатрап сизларни кузатмоқда! У киши ғолиб чиққан полвонга яхши мукофот беради! Мусобақанинг ҳар бир иштирокчиси уч марта пойгага қатнашиши, учта қаттиқ олишувда ўзини кўрсатиши лозим! Кимнингки бирон марта елкаси ерга тегмаса, ўша ғолиб деб эълон қилинади.

Дастлаб олдинга ўн икки аскар ва оддий фуқаролардан истақ билдирган полвонлар чиқдилар. Гуруҳлар ўз ораларида довюракларини сараладилар. Қолган рақиблар, навбат кутиб, майдон четларида чўкқайиб ўтирдилар.

Олти жуфт полвон бирданига бир-бирларининг кучли кучоқларига ташландилар. Улар ҳар қайсиларининг елкаларидан, қўлларидан, оёқларидан, бўйларидан каттик ушлаб, бир-бирларини улоқтириб ёхуд айлантириб, ердан кўтариб ва оёқларига илмоқ ташлаб, ўз рақибларини йиқитишга ҳаракат қилдилар. Ҳар бир жуфт курашчининг атрофида уларнинг дўстлари айланиб, уларни руҳлантириш учун қичқирардилар.

Қайси бир курашчи йиқилиб елкаси ерга тегса, мусобақадан чиқарди. У хафа бўлиб, ўз дўстлари билан майдондан чиқиб кетарди. Курашда ютган полвон эса аввалгидай сакраб, ҳакамлар ўтирган жойга борарди. У ерда ширинликлар тўла қоплар турарди. Ғолиб чиққан полвон қопдан бир ҳовуч қандолат олиб, бир-иккитасини еб, бошқаларини дўстларининг этагига ташлар, бир-икки донасини унга ғалаба келтирган худолар шарафига ҳавога отарди.

Табар исмли энг ғолиб чиққан полвон, бўйи баланд, гавдали, кўриниши ваҳимали сак бўлиб, у ҳамма рақибларини йиқитди. Охириги полвонни у баланд кўтариб, ваҳимали овоз чиқариб, виқор билан ерга ташлаб юборди. Йиқилган полвон ерда ётиб, йиғларди — у бундан олдин ҳамма полвонларни йиқитганди. Табар унинг устида, оёқларини букиб, ундан сўради:

— Нега хафа бўлдинг?

— Ўлсам майли эди, хафа бўлмасдим! Энди мен қандай бош кўтариб юраман, шарманда бўлдим-ку.

Табар уни оҳиста кўтариб, деди:

— Форс давлатининг шарафли қондасини бажарамиз!

Улар икковлари кучоқлашиб, майдондан оға-ини сифатида четга чиқдилар. Уларга яқинлашган аскар икковларига мурожаат қилди:

— Жаноб Бесс мени сизларнинг ҳузурингизга юбориб макташни ва икковингизни ҳам ўз соқчилари гуруҳига олмоқчилигини айтди.

Кўп жуфтли курашдан кейин удайчи эндиги навбат якка курашга, деб эълон қилди. Кимки ўзини кучли ва чакқон деб билса, мана шу майдондаги якка курашда ўзини синаб кўрсин! Анча вақт ҳеч ким майдонга чиқишга ботинолмади.



Бесснинг яқин кишилари ичидан унинг шахсий соқчилари гуруҳининг бошлиғи, мидияли Фарнак, байрамда ичган шароб кайфи билан олдинга чиқди. У томошабинларга қараб, гердайиб мурожаат қилди:

— Бу ерда Спитамен иштирок қилмоқда. Эшитишимча, у мохир курашчи, самарқандликлар ўртасида маълум муштбозлар саркори ва отчопар экан. Шу одам билан курашмоқчиман.

Баджаҳл ҳасадчи ярим ҳазил, ярим жиддийлик билан аскарлар ичида фидойилар йўқ, ҳамма ўз манфаатини кўриб, ҳарбий кийимда катталик қилиб юради, баъзилар эса фақат чекка-чеккаларда юрадилар, деб Спитаменга таъна қилди. Маҳаллий аҳолининг севимлиси, Суғдиёна аскарлари эса нимагадир уни эъзозлайдилар, агар у ҳақиқий эркак бўлса, мана бу майдонда ўз кучини ва чакконлигини кўрсатсин, деб мидиялик полвон катталик қилиб қўйди. Жаноб Бесс, янги сатрап сифатида, ёки унинг сўзларини нотўғрилигини айтсин, ёки Спитаменнинг кўрқоқлигини тан олсин, деб пўписа қилди Фарнак.

Спитамен мидияликнинг кизикқонлиги устидан кулиб, унинг таклифини қабул қилди.

Суғдий аскарлари мусобақани жиддийроқ баҳолашни талаб қилдилар ва Бесс уларни бу йўлдан қайтаришни лозим кўрмай, уларнинг шартларини қабул қилишга рози бўлди.

Спитаменга хайрихоҳ бўлганлар Фарнакнинг суғдий аскарлари ва ёшлари устидан кулгани ва писанд қилмаганидан ранжиб, бир томондан кураш майдонига яқинлашиб келдилар. Мидияликка, унинг ғалабасига умид боғлаб, Бесс ва унинг яқин кишилари тикилиб қарадилар.

Фарнак тўлалигича қуролланди: чап қўлида мис қалкон, ўнг қўлида калта найза, белида қилич, гўё у бирданига бир неча киши билан урушадигандек бўлиб ўртага чиқди. Спитамен чап қўлида қип-қизил енгсиз кенг кийим ташлаган, ўнг қўлида катта калтакни ушларди. Бундай ҳол ҳаммани кизиктирди, чунки қуролсиз кишининг батамом қуролланган рақибга қарши чиқиши тентакликгина эмас, балки тўла ақлсизлик ҳам эди.

Рақиблар ўртага чиқдилар. Фарнакнинг Спитаменга нисбатан муҳаббат туйғусини эмас, балки қора ният ва

жаҳолатни ифодаловчи юзида тиржайиш. Спитамен эса, ўз рақибининг барча ҳаракатларини кузатиб, синчиклаб ўрганарди. У ўлим билан олишиш курашига эмас, байрам саёҳатига чиққан олифта йигитга ўхшарди.

Шундай қилиб, улар бир-бирларининг ҳаракатларини кузатиб, томошабинлар ўраб олган пойганинг атрофини бир бор айланиб чиқдилар. Шундан кейин, Фарнак тўсатдан ўзини олдинга ташлади-да, найзаси билан Спитаменга хужум қилди. Унинг бу ҳаракатига жавобан, Спитамен ўзини четга олиб, чап кўлидаги кийимнинг этаги билан юзига урди. Бу ҳаракат томошабинларни завқлантирди, улар баб-бараварига хахолаб кулдилар, Фарнакнинг тарафдорларида эса алам ҳиссиётини уйғотди.

Барча томошабинларнинг диққат-эътибори курашаётганларда эди, улар рақибларнинг ҳар бир ҳаракатига, ҳатто майда имою ишораларига диққат билан тикилардилар. Эрзиф, хаяжондан сиқилиб, ёнида турган юнон меҳмонлари — Ургос ва Пулосни ҳам эсдан чиқарди, у зўрға нафас олар, олишувдан бошқа ҳеч нимани кўрмас эди, унинг кўзлари Спитамен кўлидаги калтакда эди, гўё унинг ҳаёт-мамоти ана шу калтакка боғлангандай.

Корун, Артемида, Эксарт ва Зара турлича ҳар қайсилари ўзларича хаяжонланишарди.

Артемида ўз куёвига нисбатан ҳурматли муносабатда эди. У ўз қизининг жанжалини маъқулламасди. Агар бу жанг мидияликнинг ғалабаси билан тугаса, у ўзининг кўркем куёвини йўқотади, Зара эса — бева қолади. Корун Спитаменни ҳурмат қилар ва у учун — аввало қайнотаси сифатида хаяжонланарди. Эксарт Спитаменни ёқтирмасди, лекин унга нисбатан ўзининг совуқ муносабатда экани сабабини ўзи ҳам билмасди. Мана, бу ерда ҳам, негадир унинг юраги Спитамен томонида эмас, балки бу жангда сатрап шахсий соқчилари бошлиғининг ғалаба қозонишини орзу қиларди. Зара эса ўзининг мустақил фикрига, аниқ истагига эга эмас эди, шунинг учун у ҳатто четлик, қизиқувчи томошабин қабилида ҳам хаяжонланмасди. Шу дақиқаларда унинг тафаккурида бифарқлик ҳиссиёти ҳукм сурарди.

Бесс кўринишда бепарво, гўё бетарафлик мавқеини эгаллагандек, аммо ичида хаяжонланарди. У бутун юра-

ги билан Фарнак ғалабасининг орзусида, чунки у фақат сатрап шахсий соқчиларининг бошлиғигина эмас, шу билан бирга, унинг энг яқин кишиси. Мидияликнинг мағлубияти янги сатрапнинг хурматига салбий таъсир этиши шубҳасиз.

Фарнак жангнинг бошланишидаги ўзининг янглишганидан ғазабланиб, урушни тезда тамомламоқчи бўлди, у Спитаменни найза билан нишонга олди ва унинг бошига қараб оғиб юборди. Спитамен енгил ҳаракат билан ўзини четга олди ва рақибининг саросимага тушиб қолганлигидан фойдаланиб, унга ташланди ва калтак билан қаттиқ куч ишлатиб, унинг елкасини силтаб юборди. Фарнак тажрибали жангчилигини кўрсатиб, бир тиззасида ўтириб олди-да, ўз қалқонини калтак зарбасини қайтаришга ушлади. Бу зарбадан қалқон пачақланиб, мажағланган тухумга ўхшаб қолди.

Майсазор узра оломоннинг хаяжонли, ваҳший хайвоннинг бўкиришига ўхшаган хайкируви кўтарилди, кейин шундай жимлик қарор топдики, ҳатто жангчиларнинг оғир нафас олаётганларини эшитиш мумкин эди. Томошабинлар асабларининг таранглиги шу даражага етдики, эҳтимол Сугдиёна тақдири хал бўладиган курашда ҳам бу жангдагидек, бунчалик хаяжонланиш бўлмаган бўларди.

Муваффақиятсиз зарбадан кейин, Спитамен сал узоқлашиб Фарнакга ўзини ўнглаб олиш ва қиличини кинидан суғуриб олиб, яна урушишга тайёрланиш имконини берди.

Фарнак яна бир неча бор ўз рақибини қилич билан уриб йикитишга уриниб кўрди, аммо унинг уринишлари фойдасиз. Спитамен, тажрибали муштбоз бўлганлигидан, гоҳ рақибининг зарбасидан ўзини четга олар, гоҳ унинг зарбасини ўз калтаги билан қайтарарди.

Жанг ярим соатдан бери давом этмоқда, лекин унинг ниҳояси хали аниқ эмас. Спитамен уни охирига етказмоқчи бўлди. У пайт топиб яшин тезлиги билан, қоплон сакрашига ўхшаб, рақиб юзига ўз қўлидаги кийим билан урди, душман ўз рақибини кўролмай қолганидан фойдаланиб, Фарнак томон сакради ва калтак зарби билан уни оёғига уриб, ерга қулатди. Бир оёғи билан у Фарнакнинг қилич ушлаган қўлини босди, иккинчи оёғи билан унинг бўйинини ерга қисди. Сўнгра калтагини кўтариб унинг бо-

шига уриб мажақламоқчи бўлди. Шу пайт Бесс кўлини кўтариб, уни тўхтатди.

Оломон бахор чоғидаги селга ўхшаб гувилларди.

— Қотилга ўлим! — кичкирардилар томошабинлар, уларнинг кўпчилиги Спитамен билан бирга ҳақоратланган аскарлар.

Агар Бесс аралашмаса, Фарнак майдонда мажақланган қалласи билан ётиши мумкин эди. Буни сезган сатрап, ўз ўрнидан ирғиб туриб, қўлларини яна кўтарди ва бор овози билан оломоннинг шовқин-суронини тўхтатишга уринди:

— Мен Спитаменни довурак, чакқон ва сатраплигимизнинг кучли ҳарбий қўмондони деб ҳисоблайман, у самарқандликларнинг хурматига арзийди. Сувдий жангчилари ундан барча соҳаларда ўрناк олишлари лозим! Спитамен сувдий жангчиларининг қўмондони бўлишга қодир!

Унга удайчи жўр бўлди. У Фарнак номидан самарқандликлар ва Спитаменни ҳақорат қилганлиги учун кечирим сўради. Фарнакнинг айтган гаплари олдиндан ўйланмаган, балки Наврўз байрамида майхўрлик қилиш натижаси бу, деб томошабинларни огохлантирди.

Шу гаплардан кейин Спитамен ўз оёғини чўзилиб ётган рақибининг бўйнидан олишга рози бўлди. Уни ўша захоти оломон ўз қўлларига кўтариб, кий-чувлашиб яшил майсазор узра олиб кетди.

— Азамат Спитамен!

— Спитамен — бизнинг қахрамонимиз!

— Спитаменга шарафлар! — кичкиришди улар.

— Қандай жасур ва олижаноб одам! — деди Австан ёнида ўтирган македонлик элчи. — Бундай кучли одам македонлик бўлиб туғилиши керак эди.

— Уни аўр ҳарбий мутахассислар чиниктирган. Ҳозир у шаҳримиздаги муштбозлар мактабида мураббийлик қилади.

Спитаменнинг ғалабаси шаънига фуқароларнинг шовқин ва кичкируви, қўл силкитишлари, қарсақ чалиб олқишлаганлари давом этаркан, Бесс ўзининг бу ёш сувдий йигити билан Суз шаҳрида, Вахаук ҳовлисида учрашганини, унинг сўзларидан лол қолганини эслаб, ўзича ўйлади: «Ҳа, бу самарқандлик йигит менинг келажак-

гим учун хавфли. Мен уни ўз томонимга ағдариб олмоғим лозим, акс ҳолда...»

Заранинг ички туйғуси ва ҳаракат режасида ҳам катта бурилиш юз берди. Спитаменнинг ғалабасидан кейин, ёш суғдий шаънига томошабинлар олқиши, Бесснинг уни суғдий жангчиларининг қўмондонлик лавозимига тайинлаш ҳақидаги ваъдасидан кейин, у аввал ўзини йўқотиб қўйди. «Мен энди қандай ҳаракат қилишим керак? — ўйлади Зара. — Спэнта ўлимидан кейин, мен Спитаменнинг келажаги йўқ, биз хўрланишимиз мумкин, деб ҳисоблагандим. Шунинг учун мен уни ташлаб кетдим. Энди маълум бўлдики, у аллақачон ҳурматга сазовор бўлди, энди эса амал пиллапояси билан юқори кўтарилиб, Суғдиёнадаги бадавлат ва мўътабар одам бўлади. Мен бекорга уни кўришим биланоқ олдига бормадим. Томошалар тамом бўлиши билан унинг олдига бораман... балки ўзаро муносабатимиз яхши бўлиб кетар».

Курашдан кейин удайчи томошабинлар олдига Афросиёбнинг коҳини чиқишини эълон қилди.

Коҳин томошабинларни Наврўз байрами билан табриклади, Ахура Мазда, Митра ва Рапитвин шаънларига ибодат қилиш маросимини амалга оширди. Бу маросим бир неча дақиқа давом этди. Сўнгра у халойикка мурожат этиб, — Наврўз, бу баҳор байрами, дўстлик ва раҳм-шафқат намойишидир, деди.

— Халойик, бир-бирингизни кучоклаб байрам билан табрик этинглар! Ҳурматини йўқотганларни, қонунни паймол қилганларни кечиринглар, касал ва бева-бечораларнинг холидан хабар олинглар! Бир-бирларингга ён беринглар, умидсиз бўлманглар ва ёвузлик ниятига берилманглар! Аламни эсдан чиқаринглар, тинчлик ва дўстликда яшанглар!

Кейин удайчининг таклифи билан майдонга чиққан йигит ва қизлар жуфт-жуфт бўлиб, Ахура Мазда, Куёш, Митра, Вэрэтрагна, Аша ва бошқа муқаддаслар шаънига ёзилган алқовлардан ўқидилар. Мавзуларни танлаш ва уларни жонли қилиб ўқишларига қараб, мусобақада эришган ўринлари белгиланди. Биринчи ўринлар ватанга ва ватанпарварликка бағишланган нақллардан ўқиганларга берилди.

Ёнбошдаги майдонда бўлаётган чавандозлик мусобақаси алоҳида ўринни эгаллади. Буни отчопарлар мусо-

бақасининг кўп хиллигидан билиш мумкин: жийранни минадиган қилиш; ғовни енгиш; кўпқари; сакраш ва бошқалар.

Шаҳар ташқарисидаги байрам ниҳоясига етиб, томошабинлар секин-аста Чўпонатодан кета бошладилар. Жонкуярлар ғолиблар ҳузурига келиб ўз курашчиларини, чавандозларини, сўз санъаткорларини, янги йилнинг бошқа мусобақа иштирокчиларини табрикладилар.

Спитамен ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган бу дақиқалардаги унинг ички кечинмаларини тасвирлаш қийин, отасининг ўлими ва хотинининг кетганидан кейин ҳаётини ташкил этиш ташвиши уни азоблаган эди. Бу унинг юзи оқарганида, мушаклари типирчилашида ва кўзларининг ўйнаётганлигида ифодаланарди. Булар ундаги умидсизлик ва умид ўртасидаги курашнинг рамзи эди.

— Баракалла, Спитама! — деди биринчи бўлиб унинг ҳузурига келган Корун, — мен сени табриклайман!

— Мен ҳам сени табриклайман, — деди Зара, ийма-ниб эрига қўл узатаркан. — Нега кўринмайсан? Мендан хафамисан?

— Мен банд эдим. Апама яхшими?

Улар олдига Эрзиф юнон меҳмонлари билан келди.

— Сен учун хурсандман, Спитама! Сени ғалабанг билан қутлайман. Зара билан яна биргалигиндан ҳам хурсандман. Иноқликда яшанглар!

Спитамен ўз дўстлари билан Чўпонатодаги байрам майдонини тарк этди.

## Ў н и к к и н ч и б о б

### БАЛО БЎРОНИ

Милоддан аввалги 334 йилнинг боши. Уч йилдирки, Юнонистон Македония зулми остида изтироб чекмоқда. Филипп ўлдирилганидан кейин юнонлар исён кўтардилар, лекин ёш шох Искандар уни бостирди, муқаддас Фива деворларини бузиб ташлади, македонликлар билан хайрхоҳликда бўлган эллинларни афв этиб, бошқа барча махбусларни кул бозорларида сотдирди; улар ўттиз мингдан кўп эдилар, ўлдирилганлар эса олти мингдан ошар эди.

Искандар афиналиклар билан, улар фиваликларнинг машаққатига раҳм қилган бўлсалар ҳам, сулх тузди. Бўйсундирилган юнонлар Искандарни ўзларининг олий ҳукмдори деб эълон қилдилар ва у билан бирга форсларга қарши урушга отланмоқчи бўлдилар. Эрон мамлакати меҳнаткаш халқининг бошига ҳам бало бўрони яқинлашди.

Урушга тайёргарлик кўриш муносабати билан, Македония пойтахти Пелла шаҳридаги шох саройига кўп давлат арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, адиблар, файласуфлар, тарихчилар ва бошқа олимлар келиб, шохдан хурсанд эканликларини билдиришди. Улар қаторида тарихчилар Аристокл, Птолемей Лаг ва бошқалар бор. Машварат иштирокчиларининг кўпчилиги ёш Искандарнинг тенгқурлари ва дўстлари, ёш саркардалар эдилар: Гестеион, Лаомедонт, унинг ака ва укаси Эригий ва Гарпал, критлик Неарх, кекса ва тажрибали қўмондон Парменионнинг уччала ўғли — Филот, Никанор ва навқирон Гектор, давлат арбоби ва саркарда Антипатрнинг ўғиллари ва бошқалар, булар ёш шохга эҳтиром билдиришарди.

— Мен, — деди Искандар, уларга мурожаат қилиб, — ўз режаларимни амалга ошириш учун дўстларимга таяниб иш тутаман. Узок муддатли ва оғир сафарни бошлашдан аввал, биз ўз аскарларимизнинг сафини кенгайтиришимиз лозим. Ҳозирдан, мен узок сафарда бўлганимда ҳам, менинг нойибим Антипатр аскарликка ёллаш ва уларни жангга сафарбар қилиш билан шуғулланади. Бизнинг ҳозирги имкониятимиз чегараланган. Форс шоҳи кўшинининг саноксиз аскарлари олдида бизнинг ўттиз икки минг пиёда ва беш минг отлик аскарларимиз тезда бошланадиган катта жангда нима бўлади? Ҳозир аскарларга таъминот қиймати етмиш талантдан ошмайди. Озиқ-овқат фақат бир ойга етади. Сафарга отланмоқчи бўлган дўстларим буни билсинлар.

Искандар гўё залда ўтирганлар нима ҳақда гап бо-раётганини яхши биладигандек, уларнинг руҳини кўтариш учун деди:

— Форсларга ҳайронман. Дўстлар, қаранг, улар қандай аҳмоқликка йўл қўйибдилар. Геллеспонт бўғозини химоясиз қолдирибдилар. Бу биз учун яхши...

— Қўмондон Парменион вазиятни ҳисобга олиб, бир гарнизон аскарларимизни Абидос оролида сақлагани

окилона иш бўлди, — деди паст овоз билан Филот, Парменионнинг ўғли.

Искандар уни эшитди.

— Қўмондон Парменион тўғри қилди. Форслар ўз сохилларини кўриқлашлари керак эди. Охир, уларнинг тўрт юз харбий кемалари бор! Бизнинг йўлимизни тўсиш улар учун қийин эмас-ку?

Крит оролидаги денгизчи оиласида туғилиб ўстан, кемаларни севадиган ва кемалар иши кўзини яхши биладиган Неарх гапга аралашди:

— Тўрт юз! Финикиялик кемалар! Бизнинг эса фақат бир юз олтмиш кемамиз бор.

— Финикиялик ҳам эмас, — қайд этди Искандар.

— Хазинамиз ҳам, фикримча, у қадар дуруст эмас, — фиринглади Клит, қўмондонлардан бири, — эшитдимки, хазинамизда фақат етмиш талант маблағимиз бор экан.

Клит Искандарга нисбатан ёши анча катта эди, у Искандарни болалигидан биларди. Ёши катталар учун навқирон йигитлар ҳаммавақт ҳимоя ва хирадмандлик маслаҳатига мухтождек туюлади.

— Тўғри, — тасдиқлади Искандар, Клит иловасига жавобан, — ундан ташқари, бизнинг бир мингу уч юз талант қарзимиз бор.

— Шунга қарамай сен, шох, ғалабани орзу қиласанми? — сўради Филот.

— Искандар билан биргаликда Херонеа остидаги жангда (милоддан аввалги 338 йил 2 августида) иштирок этган қўмондоннинг бундай саволни бериши лозим эмас эди, — деди Гестеион, Клитга ғазаб билан қараб.

Филотнинг саволи Искандарга ҳам маъқул бўлмади.

— Биз жангга мағлуб бўлиш учун бормаймиз, Зевс номи билан қасамёд этаманки, акс холда мен Геллеспонддан ўтиш вазифасини ўз олдимга қўймас эдим. Хавотир бўлманлар — деди у илгаригидек ишонч билан ва хаяжонланиб. — Мен вазиятни енгиллаштириш учун меҳнат мажбуриятлари ҳақидаги олдинги қоидаларни бекор қилдим, савдогарларга кўп эркинликлар бердим, улар қулай харид қиладилар, фойдаси билан сотиб кўп пул ишлаб қоладилар. Мен хусусий мулк эгаларининг мулкани дахлсиз деб эълон қилдим...

— Ҳа, — деди кекса қўмондон Парменион, — сен дўстларингнинг бирига ховли-жой, бошқасига — қиш-



лок, учинчисига — денгиз бандаргохидан тушадиган дармадни ваъда қилдинг. Албатта, мен бунга қарши эмасман. Бу сенинг сахийлигингни кўрсатади...

— Шохим, — сўради Пердикка, — сен ўзингга нимани қолдирдинг?

— Умидларни! — жавоб берди Искандар.

— Ундай бўлса, мен ҳам ўз мол-мулкимдан воз кечаман, — деди Пердикка.

Искандарнинг бошқа дўстлари ҳам Пердикка мисолдан ўрнак олиб, ўз мол-мулкларидан воз кечмоқчи бўлишди. Искандардан хайру эҳсон сўраганларга у бундай эҳсонни ўз розилиги билан инъом этди ва шундай қилиб, Македониядаги барча молу мулкани тақсимлаб берди.

Маслаҳат йиғилишидан кейин, Искандар файласуф Диоген ҳам бизга хайрихоҳ бўлса керак, деб фараз қилди. Аммо Диоген Искандар ҳақида ҳеч куйинмай, Кранияда яшаб юрганди, шунинг учун шохнинг ўзи унинг хузурига борди. Диоген чўзилиб куёш нурида исинарди. Унга яқинлашаётган кўп сонли одамларни кўрган файласуф бошини охиста кўтариб, Искандарга эътибор бериб қаради. У билан саломлашган шох, Диогендан — менга ҳеч қандай илтимосинг йўқми, деб сўраганида, у:

— Сал нарироқ тургин, куёш нурини тўсайсан, — деб жавоб берди.

Диогеннинг сўзи Искандарга қаттиқ таъсир қилиб, бу одам унга шу даражада бепарволик билан жавоб бергани, унинг мағрурлиги ва довюраклигидан хайратланди. Қайтиб келишда шохнинг файласуф билан суҳбати устидан кулиб уни мазахлаган ҳамроҳларига:

— Агар мен Искандар бўлмаганимда, Диоген бўлишни истардим, — деди.

Форсга ҳужум бошлаш олдидан Искандарнинг кўп кийинчиликлари бўлишига қарамай, у ўз ислохотларини ўтказиб, мулк эгаларини химоя этди.

Аммо, оддий фуқаро учун яшаш оғир бўлди. Илгарилар у оч бўлса, халқ мажлиси бойлардан олган ғалладан қисман тортиб, камбағалга берарди. Агар камбағал судхўр жабридан азоб чекса, мажлис бу қарзни бекор қиларди. Қандай бўлса ҳам, яшаш мумкин эди. Энди-чи? Ислохотлар аслзодалар, савдогарларга қўл келди. Фуқарони ночор холга солди. Тор-мор қилинган шаҳар-

ларнинг вайрона кўчаларида сон-саноксиз, кундалик овқати учун пули бўлмаган кишилар санғиб юрардилар. Аскарликка хизмат қилишга қобилиятли эркаклар македониялик Искандарнинг кўшинига ёлланиш учун хавас билан ўзларини ёздирардилар.

\* \* \*

Зироатчи дехқон Варреснинг омади келмади, қисмат бешафқат. Уч йил бурун унинг афиналиклар бир вақтлар форс аскарлари устидан ғалаба қилган шаҳар — Марафондан унча узоқ бўлмаган жойда уйи ва ери бор эди. Бир йили унинг экинларига чигирткалар, кейин катта дўл тушиб, Варрес ҳосил ололмади ва хонавайронликка учради. Жаҳли чиққан марафонлик зироатчи ўз ерини сотди, судхўрдан олган қарзларини узди ва иш топиш учун Пирейга жўнади.

Мана, бир йил бўлдики, Варрес ишсиз юрибди. Унинг ақалли арпа нон ёхуд тузланган бир бурда балик сотиб олишга етадиган чакаси ҳам йўқ. Иш! Лекин уни қаердан топиш мумкин? Бу ерда, Пирейда, Варресга ўхшаганлар сон-саноксиз. Ана, ҳамиша оч гадолар оломони, факат иш орзусида.

Варрес айрим вақтлар бор кучи билан ҳар томонга, лекин айнан қаерга бориши кераклигини билмай, чопарди. Иш топиш орзусида чоррахалар ва тор кўчаларда адашиб юрарди. У тўсатдан тўхтади.

«Менимча, хурматли Варрес, — деди у ўзига, қўллар билан пепионасини ушлаб, — сен ақлдан озганга ўхшайсан. Қаерга чопяпсан? Нима учун ўзингнинг бир парча ерингни сотдинг? Ахир, ер одамларни боқади-ку. Нима учун ўз ҳўкизингни сотдинг? У ерингни парвариш қилишда сенинг асосий ёрдамчинг эди-ку. Нимага сен ўз хотинингни хафа қилдинг? Нимага у, сендан ранжиб, бир ўзингни ташлаб, ёшгина ўғилчаси билан ота-онасиникига кетди? Хуллас, сен ҳозир кидириб юрган тинч ҳаёт кечиришдан ўзингни маҳрум этдинг, сен ўтакетган аҳмоқ экансан!».

У орқасига бурилиб, у ёқ-бу ёқка қараганча шароитга мослашмоқчи бўлиб, қулоғини укалаб, бирон жойдан ётиш учун тўшак ахтаришга тушди. Аммо унинг бутун уриниши бефойда эди.

Варрес кўчаларда юриб, кашшоқларга дуч келди. Улар нолиш оҳангида, нотаниш тилда унга мурожаат килардилар:

— Ёрдам беринг, жаноб! Хайр қилинг!

— Сизларни мен билан бирга ер ютсин, агар сўзларингдан мен бирон нарсани тушунсам! — деди Варрес ва йўлида кетаверди.

Бошқа кашшоқнинг ёнидан ўтаётганида, у марафонликка баланд овоз билан, нотаниш тилда қичқирди:

— Кадрли инсон, бир бурда нон учун ёрдам бер!

«Буниси ҳам гапирганга ўхшайди, аммо қандайдир ажойиб лаҳзада».

У тезроқ қадам ташлади, лекин кашшоқлар унинг йўлини тўсар, ундан хайр қилишни, ёрдам беришни сўрардилар.

— Хайр қилинг! Ёрдам беринг!

— Худого шукр! — ўзича қайд этди Варрес. — Менинг бўм-бўш хамёнимга қарамай, бу кашшоқларнинг мендан ёрдам сўрашларига қараганда, мен бахтли ва саний эканман.

Варрес кўчанинг охирига бориб етди. Кўча катта майдонга, кемалар қароргоҳига чиқади. Кемалар бекатида одам гавжум: шовкин, гижирлаш ва жаранглаган овозлар ҳукм сурмоқда. Денгизчилар ғўла устунлардан кема ён деворчалари орқали биринжи занжирларни бўшатардилар. Кемалар Пирей бандаргоҳидан чикиб Митрой денгизининг кенг сатҳларига қараб сузмоқда.

Денгизчилар тўрт бурчаклик елканларни титиб ташламоқдалар. Таранг қилиб тортилган ипак матолари физиллаб сиқиб келаётган шамол билан тўлмоқда. Кемаларнинг эшаклари тебраниб, ёнбошларига эгиладилар, паст ён деворлари билан совук сувни олиб ташлайдилар, кейин, яна ўзларини ростлаб олиб, кўм-кўк сув тўлкинларини кесиб учадилар.

Ҳозир ишсизлар сон-саноксиз, мол эса юк ташувчиларга нисбатан оз. Шунга қарамай, омадга бўлган аянчли умид марафонлик бечорани илгарига қараб сурарди.

Варрес мол омборхоналарига яқинлашди. Улар олдида савдогарлар, савдо хизматчилари, мардикорлар, денгизчилар шовкинлаб юришарди. Улар пештахталарга хужум килар, очкўзлик билан молларга қарар, дудланган, тузланган қуритилган ва сиркаланган балиқлар, ғал-

ла солинган хумларга қўлларини тикардилар, тери, жун, мўйналарни титар, оёк кийими ва биринжиларни, Мисрдан келтирилган папирус ва зиғир, зиғирпоя, форсларнинг гилам ва хушбўйликлари, африкаликлар ва хиндуларнинг фил суяклари, хитойликларнинг ҳар хил нафис идишлари ва суғдийларнинг сопол идишлари, мрамар, олтин, кумуш, асал ва курук меваларни кўрардилар. Иштиёқмандларга зайтун ёғи, турли мамлакатлардан келтирилган матолар, мебел, нақшли вазалар ва хайкалчаларни таклиф этардилар.

Молларнинг кўп турлилигига қараб, савдогарлар ҳам бу ерда турли тилларда гаплашар, бундан ҳеч ким ажабланмас эди. Яхудийларнинг илмоксимон бурни кўккўз фракияликнинг қулоғи устида қимирлар, гердайдан мисрлик қора кўз бактриялик ва суғдийлар билан сухбатлашар ва сўкинар, қуёшда қорайган скиф эса қандайдир мол учун массагетга қичқирарди.

Аммо Варресни ҳеч ким тушунмас ва тушунишни хоҳламасди. У очлик ва совуқдан эсини йўқотиб, йўл юриб мудрарди.

Уни ўраб олган шовкин-суронда Варреснинг бармоқлари қаттиқ ҳаяжон билан дўкон пештахтаси устидан бир бурда ёғли нонни илиб олдилар. Дўкон эгаси қичқирди. Унинг назоратчиси келди ва қўлидаги камчини ёйиб, хайқирди:

— Ўғирладингми? Итдан таркаган!

Марафонлик ўзига келди ва хайратланди. Бу нон унинг қўлига қандай тушди? Варрес ҳасрат билан пўнгиллади:

— Ўғирламоқчи эмасдим...

— Ўғирламоқчи эмасдинг?! Аммо ўғирладинг!

Назоратчи камчисини айлантириб, бечорани шундай қаттиқ урдик, унинг қўлларидан нон учиб кетиб, ўзи пештахта олдида шалпиллаб йиқилди.

— Хоҳламасдим!

— Ўғри!

Назоратчи скиф очликдан ҳолсизланган марафонликнинг ёқасидан олди ва омборхона шийпони остида кўча томонга улоқтириб ташлади.

— Йўқол бу ердан!

Кўчага улоқтириб ташланган Варрес анча вақт нафасини ростлай олмади. Ниҳоят, у қаддини ростлади ва

зўрға дарвоза томон судралиб борди. Варрес учун Пирейда нон йўк. Яхшиси Афинага, бозор майдонига бориш керак, балки у ерда бирон кишининг бечорага раҳми келар. Тўғри, Афинагача етмиш стадия (бир стадия — 150—190 м.) йўл юриш керак, лекин начора. Марафонликнинг бунча йўл юришга кучи етадими ёки очликдан йўлда ўладими?

Варрес атрофга қараб, кўча бўйлаб судралиб юраверди. Кўчадан кулларнинг зич оломони ўта бошлади. Улар жим, атрофга карамай, тез қадам ташлардилар. Эркаклар ва аёллар, ҳар хил ёшдаги, турли қабилаларнинг вакиллари — афиналиклар, коринфликлар, сирияликлар, лидияликлар, мисрликлар, яхудийлар, фракцияликлар, скифлар — бу оломон ичида ҳаммалари бир хил. Соқчи аскарлар қичкириб, уларни юришга қистарди:

— Тезроқ! Тезроқ!

Кулларни бозорга элтишмоқда. Эртага Афинанинг бозор майдонида катта савдо бўлади.

Варрес ёнидан ўтаётган «тили бор мол»ни сотиб олгандан кейин, ишга белгилайдилар. Устахона бошқарувчиси, хўжайиннинг савдо вакили, ишбоши, ҳисобчи, омборчи, ошпаз, сурнайчи ёхуд раққоса этиб тайинланган кулларнинг улушига ҳавас қилса бўлади. Лекин тошкесар, ер ковлоччи ёхуд эшкакчига-чи? Уларни тўксон тирсак чуқурликдаги конларга тушириб, кунига ўн икки соат ишлашга мажбур этадилар.

Марафонлик ўйлаб қолди: бундай яшаш керакми? Чапга бурилиб, зайтунзор майдонига кириб ётса ва ҳаётдан кўз юмса бўлмасми? У иккиланди. Худо кўрсатмасин, ношукурлик бўлади! Яшаш керак! Инсон дунёга ўлиш учун келмайди! Яшаш учун курашиш керак! Яхши ният ҳолдан кетиб, руҳий тушкунликка тушган бечорани бир бурда нон топиш учун яна илгарига ундади. У яна Афина томон қараб сўлжайиб кетаверди.

Ёмғирнинг совук томчилари гоҳ олдиндан, гоҳ орқадан, гоҳ чапдан, гоҳ ўнгдан келиб уриларди. Марафонлик совукдан шундай калтирардики, тишларининг вижирлашини тўхтатолмасди. Ёмғир эса ҳамон ёғар, хатто кучайиб борарди.

Варрес совуққотган кишлоклилар ва савдогарлар гуруҳи билан бирга шаҳар дарвозасидан ўтиб, Афина марказига қараб жўнади. Қайси томон билан борса экан?

Мухташам саройлар, баланд бинолар, театрлар, ипподромлар, колоннадалар ичиданми ёхуд хунармандлар корхоналари тикилиб ётган чап томонданми? Варрес, йўлни кискартириш учун чапга бурилди.

Бу йўлда Варреснинг кулоқларини дурадгорлар, кулоллар, темирчилар, кўнчилар, кавушдўзлар, чеканчилар, мисгарлар, арқончилар ва тикувчилар дўконларидан чиқаётган тақа-туқлар, гажир-ғужирлар ва жаранг-журунлар батанг қилар эди. Марафонлик эътибор билан уларга қаради ва шовқинларига диққат билан кулоқ солди — балки уни ишлашга чақирадиган овозни, кўпол бўлса ҳам майлига, лекин унинг учун ёкимли товушни эшитар! Йўқ, маълум бўлдики, у ҳеч кимга керак эмас экан.

Варрес Агора майдонигача борди-ю, ёмғир тўхтади. Майдон дўкондорлар, юк ташувчилар, чайковчилар, кишлоқликлар ва ширакайф фоҳишалар оломони билан тўла. Аммо уларнинг ҳеч қайсиси оч марафонликка қарамасди...

— Хой, Варрес! — кимдир марафонликни чақирди.

У бундай кутилмаган чақирикдан сесканди — анча вақтдан бери ҳеч ким уни исмини эслаб чақирмаганди, балки ҳамма уни «дайди» деб чақирарди. Варрес бурилиб ўз юртдошини — Бефни кўрди. У ярим йўл бурун судхўрдан қарзини уза олмай хонавайрон бўлган экан. Беф майда дўкондор бўлиб, Варресга нисбатан анча ҳаракатчан, қувноқ ва ҳазилкаш эди.

— Нима билан зиёфатланамиз, сенда нима бор? — ҳазиломуз сўради у Варресдан, унинг ёнига ўтириб.

— Ҳеч нима билан, менда ҳеч нарса йўқ, — қуруқ жавоб берди Варрес.

— Сен шу ерда кутиб тур. Мен ҳозир... — у ўз қалпоғини кўлига олиб, савдо пештахталари бўйлаб айланиб чиқмоқчи бўлди.

— Илтифотли жаноблар! — гап бошлади Беф (унинг овозида жиддийлик сезиларди). — Мен, хонавайрон бўлган майда дўкончи, Беф, ўз истасьододим билан шоир, бугун эрталаб майдонда намоён этилган мистериянинг муаллифи...

— А! Бу сенмидинг? — хитоб этди дўкондорлардан бири. — Мен ҳам ўша ерда эдим, худо ҳаққи! Хўш, дўстим, агар сен бугун эрталаб бизни зериктирган бўл-

санг, бу хали сени кечкурунга келиб кечириш учун асос эмас!

— Тушунмадим, нимага, — деди Беф, — шоирларни қашшоқлар қаторига қўшмайдилар. Гомер ҳам дайди ва камбағал эди...

— Нимага сен ўзингнинг бўлар-бўлмас гапларинг билан бошимизни қотирасан? — кичкирди бошқа дўкондор. — Яхшиси, тўғриси айт — сенга нима керак? Агар сен, эрталабгидек, тиламчилик қилмоқчи бўлсанг, мана бу озиқ-овқатларни ол-да, дўстинг билан еб ол. Лекин агар ишламоқчи бўлсанг — ёлланма аскарликка бор. Ана у ерда ёлламоқдалар, — маслахат берди дўкондор.

Варрес ва Беф овқатланиб олдилар. Варрес мизғиди. Беф ҳам унга киёслаб, кўзларини юмди. Кечкурун кимнингдир овозидан улар уйғондилар. Улардан сал нарироқда уч киши, соқол-мўйловли, бошларида қимматбаҳо телпак, эгниларида иссиқ чакмон ва оёқларида сара чармдан тикилган этикда афиналиклар турардилар.

— Шу тўғрими, Александр Геллеспонтдан ўтишга шай экан? — сўради улардан бири.

— Ҳа, — жавоб берди бошқаси. — Аввал Пеллада, яқинда Халкидада македон ва юнон бошлиқларининг мажлиси бўлибди. Аллақачон ҳаммаёқда аскарликка ёллап давом этмоқда.

— Нахотки, катта урушга тайёрланаётган бўлсалар? Шу керакми?

— Ажиб савол! — кулимсиради учинчиси. — Юнонларнинг ибодатхоналарини хўрлаганлари учун форслардан ўч олиш керак экан.

— Э! У Хишарша даврида эди. Бу ибодатхоналар кимга керак? Эллинларнинг ўзлари ҳам бу ибодатхоналарнинг устидан куладилар. Ибодатхона учун ўч олиш — бу фақат баҳона, буни ҳамма биледи. Бошланган урушнинг асосий сабаби ҳам, мақсади ҳам — македонликлар томонидан Форс шоҳининг бойликларини талашдан иборат.

— Нима сабаб бўлса ҳам, уруш биз учун фойдали.

— Қандай?

— «Қандай»ни қўй! Биз ҳам бахтимизни топамиз. Сенга форс олтинлари ёкмайдами? Менга жуда ёқади.

— Улар бизга тегадими?

— Нимага тегмас экан? Улар ҳаммага етади, Александрга ҳам, бизга ҳам, бошқаларга ҳам. Мен Тир шахрида бир мақолни эшитгандим: «Қаерда йўлбарс овқатланаётган бўлса, у ерда чиябўри ҳам тўк». Форслар билан уруш ишбилармонлар учун имкон яратади ва Элладани ишсизликдан озод этади. Шунинг учун мен Александр ниятини маъқуллайман.

— Тўғри. Уруш канча тез авж олиб кетса, дайдилар шунча тез йўқоладилар.

Афиналик бойлар кетдилар. Беф бўйинини қашиб қўйди, лабларини тишлади, кейин иккиланиб Варресдан сўради:

— Эшитдингми, бу «оқсуяк оталар» нима ҳақда гапирдилар?

Варрес индамади. Албатта, у ҳаммасини эшитди! Лекин — уруш! Ҳар бир виждонли «ер кишиси» учун бу сўз қандай нафратли бўлса, Варрес учун у айниқса жирканчли эди. Урушнинг оилаларни бузишини, болаларни отасиз қолдиришини, кўпчиликни уйсиз ва қашшоқ қилишини у биледи. У шуни ҳам биледики, юнонларни найза суқишга, отишга, қалқон билан ўзини химоя этишга яхши ўргатдилар, аммо ўз уйини химоя қилиш бошқа-ю, ўзга халқни талаш, форс тиллоси учун урушиш бошқа. «Аммо, — ўйлади Варрес, — мен нима қилишим керак? Очликдан ўлишим керакми ёхуд аскарликка ёлланишим керакми? Эҳ, Варрес... Варрес!».

— Ҳа, эҳтимол, биз учун ягона йўл ёлланма аскарлик... — қайғули пичирлади марафонлик.

Дунёда яшаши учун нажот топмаган бу икки қашшоқ юнон, ярим соатдан кейин, Эрон шоҳи Доро Кодоманга қарши урушиш учун кўнгилли аскарларни ёллаётган юнон ҳарбий бошлиғининг уйи олдида турардилар.

Қисқа муддатда бундай кўнгиллиллар ўн минглаб йиғилдилар ва македонлик Искандарни ўзларининг бошлиқлари деб, у билан бирга форсларга қарши урушга отландилар.

\* \* \*

Спитамен Суғдиёнага қайтиб кетганидан кейин, Бахтвар ҳар куни кўпроқ ишлар, яхшироқ кун кечириш учун хатто муаллақ тушиб ўйнаш намоишларини берар, ке-



чалари эса меъморлик санъати хақидаги маълумотларни кунт билан ўрганарди, фақатгина ўрганиш эмас, шу билан бирга улардан, айниқса тоштарошлик бўйича ўзи учун изоҳлар ҳам тузарди. Бундай машғулот унинг меъморчиликка қизиқишини орттирди. Секин-аста юрагида тоштарошликка нисбатан герменевтика (ёдгорликларни ўрганиш)га ҳаваси устунлик қилди.

Кунлардан бирида у Милет шаҳридаги ибодатхона олдида туриб, бинонинг бурчагини томоша қиларди. Бу жуда гўзал бино. Бахтвар бу ибодатхонанинг ташқарисидаги хайкал шаклидаги тасвирларни марок билан ўрганарди. У бу томошага шундай махлиё эдики, ёнида ўтаётганларни кўрмас, бутун вужуди билан, рассом каби фақат санъатни кўрар ва у гўё — санъатдан иборат, деб тасаввур этар эди. Тўсатдан елкасига кимдир оғир қўлини қўйганини хис этди. У орқасига қаради. Бу унинг милетлик дўсти, юнон Пулос эди.

Бахтвар таажжубланганидан котиб қолди. Анча вақтдан бери ўз дўстини кўрмаганди. Сукунатни биринчи бўлиб Пулос бузди:

— Соғлигинг қандай, меъмор Бахтвар? — хотиржам, лекин иссиқ сўрашди у.

— Менинг соғлигим? — жавоб берди Бахтвар, — на у, на бу, шундай бўлса ҳам, ёмон эмас! Мен ҳаммасининг ўлчовини биламан, ҳаддан ошмайман. Эсингдами? Лукмони ҳақимнинг айтишича, саломатликнинг сири: овқатланишда, ичишда, уйқуда, севишда — ҳаммасида киши ўзини тийиши керак.

— Демак, сени ҳеч нима безовта қилмас экан-да, меъмор? — юнон яна сўради Бахтварга тикилиб.

— Худо ҳаққи, йўк!

— Ҳозир нима билан шуғулланысан?

— Кўриб турибсан. Бу тош тахталари қандай силлиқланганига ва тошдан чиқарилган нақшларга қараяпман.

Пулос илжайиб, дўстига зимдан разм солди.

— Шулар сенинг диққатингни жалб қиладими?

— Бу жаннат-ку! — хитоб этди Бахтвар ва хайкалларга тикилиб, яна деди: — Бу хайкаллар бениҳоят мохирлик билан ясалган нодир санъат эканлигини тушунасанми? Мана бу устунчаларга қара. Ўймакор бу даражада мохирлик ва муҳаббат билан ишланган устунчалар-

нинг шипга туташган қопларини қаерда кўргансан? Мана улар устанинг медальёнлари. Булар ҳам устанинг унча олий заковати эмас. Булардан ҳам зўрлари бор. Сенингча булар киши диққатини жалб этмайдиларми?

— Албатта, жалб этадилар! — жавоб берди Пулос.

— Сен ибодатхонанинг ичида бўлганингда эди! — давом этди Бахтвар ўзига хос кўпгапли, тўлқинланган кўйда. — Ҳаммаёқда ўймакорлик! Улар шунча кўпки, худди карам бошидаги баргларга ўхшайдилар!..

Пулос унинг сўзини бўлди:

— Демак, сен бахтлисан?

Бахтвар кизишиб жавоб берди:

— Худолар ҳаққи, ҳа! Мен аввал қизларни севардим, кейин жониворларни. Ҳозир эса тошлардаги бу ўймакорликларни севаман. Улар ҳам хотин-қизлар ва жониворлардек кишини завқлантиради, лекин маккор эмас.

Юнон пешонасини ушлади. Бу унинг одатланган ҳаракати эди.

— Нахотки?

— Ҳа, шундай! — деди Бахтвар. — Улар кишини роҳатлантиради!

У Пулоснинг кўлидан ушлаб, ибодатхона минорасининг зинаси томон олиб борди.

— Мана сенга зинапоя! Ҳар сафар, буни кўрганамда, мен ўзимни бахтли деб ҳисоблайман. Милетнинг энг оддий ва кам учрайдиган зинапояларидан бири бу. Бу санъат Кичик Осиё меъморларининг усталигидан, юнон усталаридан қолишмаслигидан далолат беради. Бу ноёб санъат умуминсоний қадрият...

Шу маҳал отларнинг туёқ товушлари эшитилди. Сухбатдошлар кўча бошидан келаётган отлиқ шох жангчиларини кўрдилар. Уларнинг хаяжонли ҳаракати, қуролланганлиги одатдагидек эмас.

— Нега сен бу камончиларга бунчалик диққат билан қарайсан? — сўради Бахтвар юнондан.

— Шунчаки, — деди Пулос ўз дўстига. — Менимча, бу икки қитъа Овруро ва Осиёга яқинлашаётган кучли бало бўронининг белгиларига ўхшайди.

Камончилар гуруҳининг яқинлашуви билан юноннинг ҳамиша хомуш бўлган юзида хаяжон пайдо бўлди. У секин-аста юрарди. Бахтвар унинг юзидаги хаяжондан хайратланиб, орқасидан эргашарди. Сухбат давом этди.

— Меъморчиликка махлиё бўлиб, кейинги вақтларда мен сиёсий воқеалардан анча узоқлашибман. Оламда нималар бўлаяпти? Мени воқиф эт! — ўз дўстига мурожаат қилди самарқандлик форс.

— Биз ҳозир кўрган отлиқларнинг кийим-бошлари, — ўйланиб гапирди юнон, — мен ва сенинг кийимларимиздан яхшилигини сезгандирсан?

Бахтвар салбий маънода бош қимирлатди.

— Худо ҳаққи, мен ўзимнинг оддийгина тикилган чакмонимни уларнинг ваҳимали кийим-бошларидан афзал биламан.

— Бахтвар, сен бундай олифта камончилар ва уларнинг яроқ-аслаҳаларига ҳеч ҳавас қилмаганмисан?

— Ҳавас! Нима учун, дўстим? Уларнинг кучигами, қурол-аслаҳаларигами, интизомларигами? Мен арслоннинг думи бўлишдан, пашшанинг боши бўлишни яхшироқ деб биламан! Жангда кийимнинг ўзига ҳос моҳияти катта.

— Ажойиб! — юнон яна ўйланиб гапирди. — Ҳар холда, ясанган мундир чиройли-да.

Бахтвар Пулоснинг ўйланиб қолганини сезиб, кўшни бино пештоқини кўришга борди. Қайтиб келиб, у қўлларини силкитиб деди:

— Сен ҳарбийларнинг чиройли мундирларига махлиё бўлмаганингда, мана у ховлининг эшигини томоша қилишга даъват этардим. Мен доим жаноб Ирбо уйига кириш эшигига тенг келадиган эшикни ҳеч қайси мамлакатдан топиб бўлмайди, деб таъидлаганман.

— Бахтвар! Энди мен шунга ишондимки, сен ўз меъморчилигинг билан қизиқиб, мамлакат аҳволи билан қизиқмай қолибсан, ҳаттоки ҳозиргина мендан сўраганигни ҳам эсингдан чиқардинг.

— Ҳа, жин урсин, бу тўғри! Қандай янгиликлар?

— Шох Доро Кодоманнинг қўмондонлари кўп аскарларни тўплаб, Геллеспонт яқинидаги, Граниқдан ўтадиган жойда саф тортдирган. Форс аскарлари бутун мамлакатдан Эллада чегарасига тортилмоқда.

— Нима деяпсан? Наҳотки, уруш?!

— Шох камончиларини кўрдинг-ку, — деди юнон.

— Ким кимга ҳужум қилмоқда? Аввалгидек форс аскарлари Элладагами ёки аксинчами? — сўради Бахтвар.

— Бу сафар, менимча, аксинча, — аввалгидай ўйла-  
ниб гапирди Пулос. — Филиппнинг ўрли, Македония ва  
Элладанинг ёш шохи Искандар, гўё форслар юнон ибод-  
датхоналарини бузганлари учун, ўч олиш мақсадида  
Форс давлатига хужум қилибди. Менинг кашшоқ юрт-  
дошларим унинг аскарлигига ёлланибдилар. Уларнинг  
фикрича, бу ерда уларни бойлик, бахт, тўқлик ва до-  
риломонлик кутмоқда.

— Ўзинг қандай ўйлайсан? — сўради Бахтвар. —  
Агар улар бу ерга келсалар...

— Сен юнон-ку.

— Сен эса форс. Демак, агар улар бу ерга келсалар,  
сенингча, бизлар бир-биримизга қарши урушишимиз ке-  
ракми?!

— Асло!

— Шох камончиларининг кўринишлари билан мен  
сенга савол бердим...

— Мен форс аскарлигига ёлланишни хоҳлайманми?

— Ҳа, шунга ўхшаш. Чунки аниқ савол беришни  
ўзимга эп кўрмадим. Лекин бу борада сенинг фикрингни  
билмоқчи бўлдим, — тушунтирди юнон.

— Агар бу уруш авж олиб кетса, у албатта биродар-  
қушлик уруши бўлади!

— Сен тўғриси айтдинг. Мана, сен форс, лекин  
Форсдан эмас. Сен Суғдиёгани ўзининг ватанинг деб  
биласан. Мен у ерда бўлдим. У ерда анчагина милетлик-  
лар, лаконлик юнонлар ва Кичик Осиёнинг бошқа қаби-  
лалар вакиллари. Улар маҳаллий аҳоли билан дўстлик-  
да яшарканлар, ҳатто Элладага ёхуд Кичик Осиёга қай-  
тишни хоҳламайдилар.

— Ҳа, мен форсман, лекин ўзимни маҳаллий суғдий  
деб биламан. Бу ҳақда сенга бир неча бор айтганман. У  
ерда менинг қариндошларим, бошқа қабила ва мил-  
латлардан бўлган дўстларим бор. Спитаменни эса, у  
билан сен танишгансан, мен ўзимнинг акам деб била-  
ман. Агар юнон-македон аскарлари Суғдиёнага хужум  
қилсалар, мен бир катра қоним борица унинг учун кура-  
шаман.

— Мен ҳам Кичик Осиёни ўзимнинг ватаним деб би-  
ламан: туркларни, форсларни, лидияликларни, кили-  
кияликларни ва бу ерда яшаётган бошқа халқларни ўз  
биродарларим деб биламан.

— Сенинг фикрингча, Искандар ўз аскарлари билан бу ерга, сенинг ватанингга келадими? Агар келса, сен нима қиласан?

— Унинг аскарларининг асосий қисми яхши ўргатилган. Яхши ўрганишга улгурмаган аскарлари ҳам ўз манфаатлари учун тиришадилар. Форс аскарлари эса кўп вақтдан бери урушмаганлар ва тажрибасиз бўлиб қолганлар. Шунинг учун юнон-македон аскарлари бу ерга, бизнинг вилоятимизга тез фурсатда босиб келишлари мумкин. Энди, менинг муносабатимга келганда, мен Искандар аскарлари сафига ёлланмайман. Аммо уларга қаршилик кўрсатишга қодир эмасман...

— Демак, сен бетараф бўлиб қолар экансан-да?

— Бефарқ бўлиб қолар экансан, демокчимисан? Йўқ, бефарқ бўлмайман. Мен Кичик осиеликлар томонида бўламан, чунки шу заминда, хамишагидек яшайвераман. Сўзсиз, уруш шароитида яшаш қийин бўлади, лекин...

— Сен савдогарнинг ўғли, майда дўкондорсан. Уруш шароитида ҳам тижоратчилик ишингни давом эттиравасан. Бизга қийин бўлади.

— Сен энди нима қилмоқчисан?

— Энди мен бу ерда қололмайман. Қандай бўлса ҳам, Суғдиёнага қайтишим керак. Суғдиёна тақдири — менинг тақдирим! — хитоб этди Бахтвар.

\* \* \*

Яркирок куз фасли. Олма ва нок дарахтларининг шохлари мевалар оғирлигидан кийшайганлар. Қипқизил олмалар барглар орасидан милтиллайдилар. Гоҳ бу, гоҳ у ерда дарахтлар ва полиздаги мевалар кузнинг зеб-зийнатли кийимини кийиб, унинг хуснига хусн қўшган, пишган қовун, тарвуз, апельсин, лимонларнинг оч-сарик, алангали-қизил, тўқ-қизил, қора ва бошқа ранглари дала ва дарахтларга оро беради. Ўрмон йўлбарс терисига ўхшаб, ола-чипор товланади.

Атрофдаги тепаликлар, узумзорлар, ёнғоқзорлар, ўрикзорлар ва боқа мевали дарахт майдонларини, қўй ва қорамол подалари ўтлаб юрган майсазорларни кўз олдига келтира оладиган сайёҳ Оке дарёсининг қуёш нури билан порлаб турган водийларини, унинг барча гўзалликларини тасаввур қилса эди! Бу дарё Ҳиндистон чега-

раларидаги Қорақурум тоғлари чўққиларидан ва Хитой чегарасидаги Тош қалъасидан бошлаб Окс денгизигача оқади.

Бу дарёнинг гўзал соҳилларида гўё қандайдир сирли куч томонидан бир-биридан узок бўлмаган масофада Кай-Кобод-шоҳ, Қалъаи-Мир, Ҳисор, Халчаян, Термиз ёхуд Калиф, Зартепа, Дальварзин, Ланши, Кангх, Паркан, Кабодиён, Хутталон ва бошқа шаҳарчалар, улар атрофида эса кичик ибодатхоналар, ҳашаматли ҳовли-боғлар ва кўп сонли манзилгоҳлар пайдо бўлган. Буларнинг барчаси дарё соҳилларини ягона катта шаҳарга ўхшатган. Бу бойликларнинг барчаси, табиатнинг гўзалликлари ернинг гуллаб-яшнаган бурчагида жойлашган бўлиб, гўё иллоҳлар ва инсонлар келишиб, бундай жаннат макон, қуёш нурларидан доим тўйиб, майин, илик шамолнинг ёқимтойлигидан баҳра оладиган ўлкани яратган.

Бу манзара қойилмақом! Аммо агар бизнинг сайёҳ бу ўлканинг пойтахти — Бактра (ҳозирги Балх) шаҳрини кўрганда, у яна кўпроқ қойил қоларди. Бактрага келиб, у гўзал, бой, аҳолиси зич, бир томони тоғ этагида, бир томони шу ном билан аталадиган дарё соҳилида жойлашган шаҳарни кўрарди. Бактрия (илгарилар уни Тохаристон деб ҳам аташган) — Форс давлатининг катта ва бой сатраплиқларидан бири.

Биз тасвирлаётган воқеалар даврида (бу ҳақда олдинги бобларда айтганимиздек), Бактрия сатраплиги Суғдиёна сатраплиги билан қўшилиб, Бактра унинг пойтахти этиб эълон қилинди, Бесс эса унинг сатрапи этиб тайинланди. Бактрада туриб, у одамлар тақдирини ҳал этарди.

Бактрада барча шароит, зеб-зийнат ва қулайликлар ўша давр бой ва зодагонларининг шоҳона кун кечеришлари учун муҳайё эди. Бактра яқинида, дарё қирғоғида, унинг соҳили ва бўғознинг гўзал манзарасини яққол кўриб бўладиган Зартепа устида Бесснинг ҳашаматли қасри жойлашган. Бу қасрда шухратпараст ва қайсар Бесснинг чегарасиз хаёлот фарқи билан ўйланган барча қулайлик ва зеб-зийнат яратилганди, қаср атрофидаги боғлар дарё соҳилигача чўзилиб, боғ ичида сатрапнинг буйруғи билан кўлда ўргатилган балиқлар учун махсус ховузлар яратилган бўлиб, уларни диққат билан парвариш қилинарди.

Бесснинг қасри зеб-зийнатлилиги билан персеполлик қасрлардан қолишмасди. У ерда нукул мармар тошларидан қурилган ҳаммом, иссик ва совук сув учун бўлимлари қурилган бўлиб, улар учун Бесс маблағни аямади. Қасрда кам учрайдиган гуллар учун иссиқхоналар ва қушлар учун темир панжара билан ўраб олинган майдончалар қурилган, махсус ажратилган ва қўриқланадиган жойларда буғулар, тулкилар ва ҳар хил ёввойи қушлар сақланарди.

Қудратли сатрап икки йилдан бери, навбат билан, ана шу гўзал, хавоси юмшоқ ва соғлиқ учун фойдали гўшада ҳуррамлик билан яшамоқда. У ўз кулларига Зартепадан Бактрагача йўл қуришни буюрди ва қурдирди.

Бесс Зартепада ўз кунларини маъноли ўтказишни хоҳларди. Аммо кўп вақтини у шовкинли маишатлар билан ўтказди, кўпинча кечалари базмларда ўтириб, маст-аластлик билан тонгни кутиб олар, кайфи таранг масхарабоз ва кизикчилар билан дастурхон устида учиб қоларди.

Вақт-вақти билан у Хисорга, баъзан Халчаянга, Ланшига ёхуд Навтоқга сафар қиларди. Ҳамма жойда аҳолининг ҳар хил табақалари унга иззат-икром кўрсатишарди. Бундай эҳтиром унинг фаолиятидаги ишлари учун эмас, балки лавозими ва номи олдида кўрқисдан кўрсатиларди.

Бир ҳафта бурун Бесс икки гилдиракли извошида Далварзиндан қайтиб келди. У ерда шаҳар ҳокими билан туман беклари ўрталаридаги жанжалли масалани барта-раф қилди. Ўшандан бери у ўз қасрида, вақтини зиёфатларда, Оксиартнинг каттакон қизи Райҳона ва унинг дугонаси Робия билан вақтичоғлик қилиб ўтказмоқда.

Қасрнинг ҳамма бурчакларидаги машъаллар шуъласида, хушбўй гуллар орасида, деворлар бурчакларидаги миноралар остида, жозибали табассум ва кулгилар, ярим яланғоч раққосалар, сурнай, чилтор ва бошқа мусиқа ас-бобларининг ёкимли садолари остидаги зиёфатлар ҳар кунини, танаффуссиз ўтади.

Мана, бугун ҳам кенг зал ичидаги учта катта дастурхон безатилган бўлиб, унинг атрофида меҳмонлар гавжум: дастурхон атрофидаги суянчикли ўриндикларда Бессдан ташқари йигирма беш меҳмон ёзилиб ўтирибдилар.

Сатрап оппоқ зиёфат либосида, ўртадаги дастурхон бошида қўйилган суянчиқли ўриндикда, эски дўсти, яқинда Персеполдан келган Мариакарш билан ёнма-ён ўтирибди. Таклиф этилган меҳмонлар орасида Австан ва Спитамен ҳам бор.

Бесснинг баланд кулгилари, нутқлари ва ичкиликбозликларига қараганда, сатрап чин юрагидан хурсандчилик қилмоқда ва ҳеч қандай хафалик, ҳеч қандай ташвиш уни безовта қилаётгани йўқ. Аммо эътиборли кузатувчи унинг қувноқлиги ва муздек бепарволик никоби остида, кейинги беш ой давомида кечираётган хаяжонланишини тезда сезади. Унинг юзи ориқланган, сочлари оқарган, унинг бутун қиёфасида чарчочлик, сустлик ва қийналиш белгилари яққол кўзга ташланади. Узлуксиз уйқусизлик, майхўрлик ва македониялик Искандар қўшинининг Коджабош (Граник) дарёси бўйида форслар устидан ғалаба қилиб, Форс мамлақати ичкарисига ҳужуми давом этаётганлигидан хафаланишнинг ифодаси бўлса керак. Лекин сатрап мамлакат тақдиридан кўра ўзининг шахсий тақдири учун кўпроқ қайғуради.

Сатрап бугунги меҳмондорликни мамлакат учун оғир бўлган вазиятда ўтказмоқда. У шох Доро Кодоман ўз сатрапидан вақтни беғамликда ўтказаетгани учун ғазабланганидан ташвишда. Дарҳақиқат, Бесс душман аскарлари мамлакат ичкарисига бостириб келаётган шароитда ҳам, ҳеч қандай тадбирий чора кўрмаганди. Яқинда у Бактрия ва Суғдиёнада аскарликка умумий сафарбарлик эълон қилди. Шунинг учун сатрап, энди хурсандчилик қилиш мумкин деб ҳисоблади.

Бу ерга келган шох вакили — Мариакаршдан мамлакатдаги умумий ҳарбий вазиятни билиш учун, Австан сўради:

— Бошқа вилоятлардаги муҳит ва урушдаги аҳвол қандай?

— Уруш жиддийлашиб бормоқда. Қирк уч минг пиёда ва беш минг отликлардан иборат юнон-македон аскарлари Геллеспонт бўғози орқали ўтиб, енгиллик билан Фригияни, Мизияни, Лидияни, Карияни, Писидияни ва Туркияни ишғол қилдилар. Форс аскарларининг қўмондонлари ўз кучларини душманга қарши сафарбар этишга, унинг ҳужумини тўхтатишга қодир эмасликларини кўрсатдилар. Жангларда қўшинимизнинг қўмондонла-



ри — Нифат, Петин, Реомифр, Ресак ва унинг акаси, Иония вилоятининг сатрапи Спифридат, Каппадокия сатрапи Мифробузан, йигирма минг пиёда аскар ва икки ярим минг отлик аскарларимиз ўлдирилди. Бу жангларда Доронинг куёви Мифридат, унинг ўғли Арбупал, кайниси Фарнак ҳам ўлдирилди. Айтишларига қараганда, бу жангларда фақат йигирма беш нафар македонлик маҳв этилибди.

Шундан кейин, тез орада Пафлагония ва Каппадокияни ишғол этиб, Искандар кўнгилли юнонлик аскарлар қисмининг кўмондони Мемноннинг тасодифий касалликдан ўлганини билибди. Бу хабар Искандарни қувонтириб, у мамлакатимизнинг ички ҳудудларига хужум қилиш ниятини кучайтирган.

Мемнондек кўмондонимиздан шохимизнинг денгиз соҳилларидаги вилоятларда аскарларимизга бошчилик қилишда умиди катта эди. Аммо бошқа кўмондонларимиз шохимизнинг ишончини оқламадилар. Энди Искандар ўз хужумини яна тезлаштироқда.

Яқинда шохимиз ўз аскарларига шахсан ўзи бошчилик қилишга ва Искандарга зарба беришга аҳд қилди. У ҳозир қўшинимизни Суз шаҳридан денгиз томонга сафарбар этмоқда. Мен Бактра — Суғдиёна сатраплигидаги суғдий, сак, бактралик ва бошқа қабилалардан бўлган Бесс аскарларини жангга тезроқ сафарбар қилиш учун ёрдамлашиш ва уларнинг шох қўшинига бориб қўшилишини шахсан ташкил этишим керак.

Бесс бошқаларга навбат бермай, сўзга қўшилиб, мақтанчоқлик қилди:

— Давлат ишлари хусусида ва жангда мусобақа қилишда, дўстим Мариакарш, жисмоний тарбия ўйинларидагидек чаққонлик керак. Ресак, Реомифр ва Нифат каби ҳарбий бошлиқларнинг қанчалик гаранг ва лапашанг эканликлари маълум бўлди. Холбуки, улар ҳурмат-эҳтиром билан ўраб олинганди.

Ўз саволига Мариакаршнинг, қисман бўлса ҳам, жавобини эшитган Австан бошқа ҳеч нима демай жим ўтирди. У умумий ҳарбий вазият билан таниш эди.

Мариакарш сўзини давом эттириб, Доро Кодоман ўз аъёнларига кўмондонларини ҳурмат қилишини, аммо уларнинг урушдаги ҳаракатларини қоралаб, уларда тиришқоқлик ва омад йўқлигини таъкидлади, деди.

Шоҳ ҳозир Бобил шаҳри ёнидаги саҳроларда истеҳкомлар қурдириб, аскарларини санаб чиқиш ва урушга тайёрлаш билан шахсан ўзи шуғулланаётган экан. У ўз аскарларининг сонидан фахрланибди (у бошчилигида олти юз минг аскар бор). Урушга шошилиш тайёргарлик кўриш сабабли у бактрияликлардан, суғдийлардан, хиндулардан ва Қизил денгиз соҳилларида яшайдиган, номларини шоҳнинг ўзи ҳам билмайдиган қабилалардан аскарликка чақиришга улгурмабди.

Бесс шоҳнинг ғазабланганидан ташвишланарди. Лекин ҳозирга қадар урушга тайёргарлик кўриш учун ҳеч қандай тадбири чора кўрмаган бўлса ҳам, унинг сезгир қўй кўзларида ҳар қачонгидан кўпроқ ҳаёт, куч ва итоат эттирувчи ирода сезиларди.

Залда кулги ва нолалар. Найнинг мунгли садоси. Қаердадир, узоқроқда — мухтожлик ва қайғули тирикчилик, бу ерда эса унинг адабсиз бузилиши. Зиёфатбозлик — ҳаётнинг бемаъни инъикоси. Зартепа ва атроф манзилгоҳлари аҳолисининг айримлари муфта ўз қоринларини тўйдириб, улар учун уруш — мўлчилик ва фаровонлик экан, деб яна бир бор хулоса қилдилар. Граник дарёсининг соҳилларида, Сард, Милет, Галикарнас шаҳарлари кўчаларида, Киликия тоғлари дараларида ёхуд Исс шаҳри ёнида қурбон бўлганлар ҳақида улар ўйлашни ҳам истамайдилар.

Бесснинг туни бўйи маст бўлиб сайр этишлари, қўшиқ ва рақслар билан, бошқа кўнгилхушликлар билан вақт ўтказиши ҳақида бутун сатрапликда миш-миш гаплар юради. Аммо унинг яқин кишилари, ўз қоринларини муфта тўйдириб, унинг ташвишлари ҳақида ўзларича ўйлайдилар.

«Мўътабар кишилар ҳақида кимлар ёмон сўзларни тарқатмайди? — елкаларини қисиб, айтардилар унинг яқин кишилари. — Унинг уйи ноёб хайкаллар билан безатилган, уларни сотиб олиш учун Бесс маблағни аямасди. У боғлар яратди, йўллар қурдирди. Унинг пули билан қурилган шинам пешайвонларда у маълумотли кишилар билан оқилона, суҳбатлар ўтказди. Бесснинг ҳаммага маълум меҳмондўстлиги ҳақида нима дейсиз?».

Ҳа, у мисли йўқ даражадаги, назокатли зиб-зийнат билан зиёфатлар беради.

Унинг дўстлари ёнбошладилар. Лекин Спитамен, ўртача иштахали бўлиб, ҳатто усталик билан пиширилган турли хил мазали таомларга ва дастурхон устидаги ширинликларга ҳам унчалик эътибор бермади. Спитамен бу ерга тўйиб тамадди қилишга келгани йўқ. У эътирозсизлик билан зал устунларига, ерга ётқизилган мраммар тошларга, деворлардаги рангли нақшларга назар ташларди. Ганчлар билан геометрик гулдор нақшлар чиқарилган баланд шип. Деразалар ганчлардан ясалган, панжарали. Ҳаммаси шарқона, маҳаллий услубда. Қанча нозик ва кўп турли, бошқа мамлакатларда, ҳатто Юнонистонда ҳам йўқ рангуворлар, қанчалик ёруғлик ва тоза ҳаво.

Бир оз шароб ичгандан кейин, Спитамен Бессдан сўради:

— Катта жангда нима зарур?

— Ҳаммадан яхшиси, — лабларини артиб жавоб берди Бесс, — уни бошламаслик керак.

— Агар у давом этаётган бўлса-чи? — яна сўради меҳмон.

Бесс чап тирсаги билан ёнбошлаганича деди:

— Агар давом этаётган бўлса, унинг мамлакат ичкарисига кириб келишига йўл қўймаслик керак.

— Агар кириб келган бўлса-чи?

— Туёқни шиқиллата олиш керак! — тўсатдан кулиб юборди Бесс.

— Сени беҳудага «Амалдаги Хшаярша» демас эканлар, — захарханда билан деди Мариакарш (Хшаяршанинг форс шоҳлари ичида энг бой ва исрофгар эканлиги кўзда тутилади). — Катта жангда ҳар ким ҳам енгиллик билан хийла ишлатиб, чап беролмайди.

— Мен биламан, — Мариакаршнинг кўзларига тикилиб, сўзини давом эттирди Бесс, — сен ва бошқа айрим кимсалар менинг маишатпарастлигим ва исрофгарчилигим устидан куласизлар. Лекин ҳаётнинг ўзи менинг ёшимда катта йиғилишлар ва юришлардаги шовқин-суронлик баҳслардан кўра осойишталикда умр ўтказишни тақозо этмайdimи?

Бесснинг кайфи ошди. Чунки у майни меъёрсиз ичарди. Шунинг учун у яна қўполлик қилишга ўтди.

— Бу бадбашаралар, каппадокяликлар, писидлар... ўзларини ҳимоя этолмадилар! Менга марказ ва ҳарбий

вазирлигининг сиёсати ҳам тушунарли эмас! Кўп кишилар эрмак учун қўмондонликни хавас қилишади, шунинг учун Искандарнинг аскарлари бизни енгиллик билан тор-мор қилишмоқда. Сенчи, — сўради у Спитамендан, — сен нимани мўлжаллаяпсан?

— Мен ҳалол хизмат қилмоқчиман, — жавоб берди суғдий.

Спитамен зерикарди. Тунаш учун ажратилган жойига бориб дам олишни хоҳлади у. Бесс суҳбатнинг бошидан охиригача одобли бўлганда эди, Спитамен балки, бу ерда яна бир оз қолишни арзигулик деб ўйларди. Аммо Бесснинг мағрурлик билан айтаётган сўзлари уни зериктириб юборди.

— Қани, Мариакарш, айтгин-чи, — деди Бесс чўзилиб ётган шоҳ вакилига қараб, — Доро Кодоман менинг ҳақимда нималар деди, уни билмоқчиман.

— Мен унинг «барча сатраплар муфхўр» деганини эшитганим йўқ, аммо... — деди Мариакарш, ўзини йўқотган ҳолда.

Шу сўзлар айтилганда ва Бесснинг юзида ўзгаришлар намоён бўлганида, унинг барча дўстлари ҳам ҳалак-сираб бир-бирларига қарай бошладилар, мусиқа ҳам тинди, рақслар ҳам тўхтади, шовкин-суронли хушчакчаклик хомушлик билан алмашинди.

Меҳмонларга қараб Бесс қўлидаги шароб тўла қадахни кўтарди ва жиддийлик билан хитоб қилди:

— Сизларга нима бўлди? Ўзи нима гап? Гўё ҳаммаларинг гунг ва ақлдан озганга ўхшайсизлар! Худоларга қасамёд қилиб айтаманки, сизлар, қўрқоқ қўйлар, гўё менинг хотира йиғилишимда ўтирибсизлар!

— Худо сени бундай фикрдан асрасин!

— Ахура Мазда сенга хотиржамлик юборсин, Вэрэтрагна ёринг бўлсин!

— Қудратли Бесснинг умри узок бўлсин! — бир овозда, кўпчилик меҳмонлар қўлларидаги шароб тўла қадахларини кўтариб, қичқирдилар.

— Бахтли Бесснинг соғлиги ва шуҳрати учун охиригача ичайлик! — қўлидаги қадахни кўтариб, жарангли овози билан хитоб этди Мариакарш.

Кўпчилик тост айтди, ҳамма ичди, Бесс ҳам, ўзини қувонгандай юзаки тутиб, ўйнашларини қучоқлаб-ўпиб, мусикачилар ва масхарабозларга қичқирди:

— Хой, сизлар, ахмоқлар, нима қияпсизлар? Сизлар фақат менинг шаробимни ичиб, мени талашга қодир-сизлар, лаънати бекорчилар! Мозор ютсин сизларни!

Бесснинг сўкинишлари бир оз узилиши билан му-сикачилар яна ўз асбобларини чалдирар ва раққосалар ўйинга тушиб зални шовкин-сурон билан бошларига кўтардилар.

Спитамен зиёфат эгаси ва меҳмонлар олдида кечирим сўраб, унга ажратилган қароргоҳга, дам олиш учун кетди. У эрта эрталаб, ўз аскарларини жангга сафарбар этиши лозим.

## Ў н у ч и н ч и б о б

### ГАВГАМЕЛА ЁНИДАГИ ЖАНГ

Милоддан аввалги 331 йил багандиш ойининг ўртаси (сентябрнинг охири — октябрнинг боши). Македониялик Искандар кўшинининг бир юзу эллик харбий кемаларда Геллеспонт бўғозидан ўтиб, форсларга қарши жанг бошлаганидан бери уч ярим йил ўтди. Бу муддатда у Кичик Осиёни, Сурияни, Финикияни, Мисрни бўйсундириб, яна шимолий-шарққа қараб ҳаракат қилди, қаршиликсиз Фурот дарёсидан ўтди ва Дажла дарёсига етмай, Осурия саҳроларида тўхтади. Юнон-македон жангчилари тезлик билан бу ерда чодирлардан шаҳар қурдилар ва хўжалик ишлари билан шуғуллана бошладилар. Баъзилари мис қозонларда ёвғон шўрва пишириш билан, бошқалари кир ювиш, учинчилари соқол олиш билан банд бўлдилар, гулханлар олдида чўзилиб ёхуд ўтириб дам олардилар.

Искандар ўз фикри билан банд: «Форс шоҳи қаерда яширинган бўлиши мумкин, уни қандай қилиб ушлаш керак». Барча уринишлардан қатъи назар, Искандар Доронинг қаерга кетганини, қандай яширинганини аниқлай олмади, чунки форслар ўз шоҳларининг сирларини ниҳоят содиқлик билан сақлардилар. На қўрқитиш, на ваъдалар билан уларни бирон-бир сирни очишга мажбур қилиб бўлмасди. Асрлар давомида шоҳларга содиқ қолиш ва уларнинг сирларини сақлаш ўлим жазоси хавфи билан муқаддас одатга айлантирилган. Тилини тиймаслик форсларда ҳар қандай бошқа гуноҳдан ҳам қат-

тик жазоланган. Ўз тилини тиёлмайдиган кишига бирон мухим ишни ишонмаганлар.

Бу соҳада, форслардан фаркли, македон-юнон аскарлари орасида Искандар ҳақида гап-сўзлар эркин таркалиб юрарди.

Варрес ўз хизматининг бир неча ҳафтасидан кейин ўрта пиедалар майда гуруҳининг бошлиғи этиб тайинланди. У ўз аскарлари билан гулхан олдида чўзилиб, оловга тикилар ва Искандар аскари сифатидаги фаолиятини фикран талқин этарди. Бу даврда у минглаб чақирим бошқа ўлка йўлларини босиб ўтди, бировларнинг нонини еди, сувини ичди, кўприклар қурди, чуқурлар қазди, деворларга тирмашиб чиқди ва одам ўлдирди, аммо аввалгидек, қашшоқлигича қоланерди. Унинг бақувват қўллари рақиб аскарларини найза билан тешди, лекин улар ҳамёнини бўшатишга қўллари ожизлик қилди. У ҳалол меҳнат билан зироатчилик қилиб пул топишга ўрганган. Аммо ўз фикри билан, қилган жиноятлари ҳақида ва бунга яраша қандай жазоланиши кераклиги ҳақида, ўлдириш ва ўликлар ҳақида тинимсиз ўйлар эди.

«Хўш, нима қилмоқ керак? — ўйлади Варрес. — Худодан кўркишим, ундан кечирим сўрашим жон!».

Қўли қисқалашган майда дўкондор, оддий аскар Беф эса бошқача ўйлар ва бошқача иш тутарди. У ўз ханжарини кўпинча кинидан тортмасди, лекин ҳар бир жанг сўнгида белидаги халтасини очиб, унга мурдалар ҳамёнида ёки босиб кирган уйлардан териб чиққан бойликларни соларди. Варресга ўхшаб, у ҳам хаёл суриб, гулханга тикиларди. У уруш йиллари давомида бойлик йиғиш учун фурсатни қўлдан бой бермасди, уларни териб, белгиланган жойларда яшириш учун бор кучини сарфлашга интиларди. «Қандай одам экан бу, Варрес? — ўйлади Беф, — ўзи ҳам термайди, бошқаларга ҳам ижозат бермайди».

Гулхан олдида эндигина ёлланган ёш аскарлар ҳам ўтиришарди. Улар яқиндагина Македония пойтахтидан нойиб Антипатр томонидан юборилган. Бу ёш аскарлар ҳали варварлар тирларининг овозини эшитганлари йўқ, Байрутни ишғол қилишда иштирок қилмаган, Тир қалъасининг деворлари остини қовламаган ёки Газа шаҳрини босиб олишда қатнашмаган. Янги ёлланганлар яқиндагина қуллолик дастгоҳи ёки темирчилик сандони

устидан туриб урушга келганлар. Улар Искандарнинг кай тарзда Форс давлатининг узоқ ўлкаларигача бунчалик тезлик билан босиб келганлиги сирлари ҳақида кекса аскарлар фикрини билишга кизикардилар. Лекин Варрес ва Беф бу ҳақда оғиз очмаганликлари учун, Дракил исмли ёш аскар, Фер шахридан келган фессалиялик озғин йигит, ўзи гап бошлади:

— Биз томонларда, шох Искандар овқатдан ўзини тийиши билан бошкалардан фарк қилади, деган гаплар тарқалган, у Ада исмли аёлга, уни онам деб, мурожаат этар ва мазали таомлар билан мени эркалагма, деб огоҳлантираркан.

— Балки, унга хавас қилиб юргансан, озғин бўз бола! — меҳрибонлик қилди Беф.

— Унинг ҳақида жуда кўп ғалати гапларни айтадилар. Гўё у худонинг ўғли экан, шу тўғрими?

— Бу ҳақда бизнинг аскарларимиз орасида ҳам гап тарқалган, — жавоб берди Беф.

Фессалиялик йигит Бефга яқинлашиб, қўллари билан унга тегиниб сўроқ ишораси билан қаради:

— Бу жуда қизик! Айтгин!

— Айтиб бераман. Лекин сўзимни бўлмаглар, — Беф Варресдан юзини ўгириб, гулхан олдида тўшалган чакмон устида ўнғайроқ ўтириб олди. — Хўш, кулоқ солинглар. Искандар — бизнинг ёлқин шохимиз, доимо хотиржам бўлсин, йигирма беш йил мукаддам Пелла шахрида туғилди. Унинг онасини Олимпиада деб атайдилар, бу аёл бадавлат ва мўътабар авлоддан. Аммо унинг отаси ким?

Беф кўрсаткич бармоғини юқорига кўтарди. Аскарлар унинг қўлига қараб, кўзларини ва оғизларини катта очдилар, гўё улар олдида башоратчи ўтирибди-ю, ҳозир у Искандарнинг осмондан тушганлиги ҳақидаги сир у асрорни очиб беради. Лекин бундан олдинроқ Варрес аччиқланиб деди:

— Олимпиаданинг эри, демак, Искандарнинг отаси мен деб ҳисоблаган киши — Македония шохи Филипп. Нахотки, у адашган бўлса? Нахотки, бизнинг шохимиз сенга ўхшаган шоввоз йигитдан онасининг бўйида пайдо бўлган?

Дўкандор бошини ушлади. Ёш аскарлар кўрқинчдан довираб қолдилар. Беф қичқирди:

— О муртад! Ўттиз йил Марафон деворлари қавагидан чиқмаган кўрсичқон, гўё ҳамма нарсани биладигандек гапиради! Ха, Филипп адашган. — Беф овозини бир оз пасайтириб сўзини давом эттирди. — Искандар момақалдиروق сочувчи Зевснинг зурриятидан пайдо бўлган дейдилар! Яқинда, Тир шаҳрини муҳосара этаётганимизда осмонда пайдо бўлган қиличсимон кушлар ўз оғизларидан олов чиқариб шаҳар деворини бузиб ташладилар ва биз шаҳарни осонгина эгаллаб олдик, улар эса бизни кузатиб турдилар. Бу Зевснинг мўъжизаси эканлигини ўзинг ҳам кўрдинг. Искандар Зевс туфайли шунчалик муваффақиятли урушади. Агар билсанг, мисрликлар бизнинг Зевсни Амон-Ра дейдилар.

Беф ўзини орқага ташлади ва атрофдагиларга мағрурлик билан қараб чиқди. Хайратда қолган аскарлар бирон сўз демадилар. Варрес бошини қимирлатди ва хитоб қилди:

— Мени кўрсичқон деб ҳақорат қилма! Сен биладиган сафсата гапларнинг кўпини мен ҳам биламан. Искандарни Доро зурриятидан бўлган, деб айтганлар ҳам бор. Гўё Кичик Осиё шоҳларидан бири, асалари ўз уясини ясагандек, қизини зеб-зийнат билан безаб, Дорога берган эмиш. Аммо орадан ўтган бир иш сабабли уларнинг муросалари бузилиб, Доро у қизни отасиникига жўнатиб юборган эмиш. Бирок тўй бўлган кечаси булут садафга дур қатрасини тўккан экан. Ой-қуни тўлиб, у садаф дурни юзага чиқазибдики, ундан жаҳон шараф топган эмиш, яъни бизнинг Искандар Доронинг зурриятидан оламга келган эмиш.

Аслида эса у ҳақиқатан Филиппнинг ўғли бўлиб, сафсатабозларнинг бу ҳақдаги ихтиёрлари тўғри эмас. Худди шунингдек, Искандар Зевснинг зурриятидан бўлган, деган гаплар ҳам тўғри эмас.

Биз Миср саҳросининг ўртасидаги кўкаламзор ва у ердаги Амон ибодатхонасида бўлганимизда, — давом этди Варрес, — у ибодатхонанинг коҳини Искандарни яхши кутиб олмоқчи бўлиб, унга юнон тилида «О пайдион!» («О, болагинам!») деб, мурожаат қилди, лекин араб тили шеvasида гапиргани учун «н» ўрнида тилидан «с» чиқди ва бу сўз «О пай Диос!» (Дионис — Зевснинг боласи) деган маънони берди. Бундай талаффуз Искан-



дарга маъкул бўлди ва шундан бошлаб коҳин уни Зевснинг боласи деб айтди, деган афсона тарқалиб кетди.

— Лекин, Искандарни Худонинг қўли асрамоқда, — Беф чекинишни истамади.

— Амон ибодатхонаси коҳинининг айтган барча сўзларида унга энг маъқули шу бўлдики, у барча инсонларни Худо бошқаради, ҳар бир инсоннинг келиб чиқиши Худо иродаси билан бўлади, деган фикрни таъкидлади. Искандарнинг ўзи бу борада донороқ фикр юритиб, Худо — жаъми кишиларнинг умумий отаси, лекин у энг яхши кишиларни ўзига яқинроқ тутди, деб айтган.

— О аҳмоқ! — хитоб этди Беф. — Сен нимани тушунасан?! Сенинг фикрингча, Искандар Худонинг ўғли эмасми?!

— Сен-чи? Нимани тушунасан?! — Варрес ўзини туптолмади. — Агар билмоқчи бўлсанг, Искандар шахсан ўзининг илоҳий келиб чиқишига ишонмаган ва у билан кеккаймаган, лекин бошқаларни бўйсундириш учун бу афсоналардан у фойдаланган.

Мен, сен ўйлаганча, онгсиз эмасман, шу уч йил давомида анча нарсаларни кўрдим ва эшитдим, — аччиқланди Варрес. — Шуни ҳам айтишим керакки, бунча кичкирма ва менинг юзимга сўлақларингни сачратма, балки сени чакмоқ урмас, лекин сийқа бошингда қолган сочингни узиб ташлашим мумкин. Тентак, мен сенинг бошлигинг эканлигимни унутдингми?

Беф тезда жим бўлди. Варрес ғазаб билан гулханга тупурди.

— Қароқчи, сенинг Искандаринг Худонинг ўғли эмас, — қўшиб қўйди у яна аччиқланиб. — Бизни талади, энди форсларни таламоқда. Кейин кимни талар экан? Бунинг устига, у ичкиликбоз, маҳмадона ва мактанчоқ, хушомадгўйликка ишқивоз.

— Ҳм... — Беф айёрлик билан кўзларини қисиб қўйди. Мана сенга индамас Варрес! Агар бу гапларни Беф бировга айтиб қўйса борми... У ўз устунлигини сезиб, ўрнидан ирғиб турди ва сурбетларча кулиб юборди. — Сен бизнинг шохимизни ҳақорат қилма, Варрес! Мени чакмоқ урсин, агар сен ҳақ бўлсанг!

— Хўп, майли. — Варрес чарчоқлик билан қўл силкитди ва сўради: — ёвгон шўрва пишгандир?

У бугун хаддан ташқари кўп, кераксияз гапларни ай-тиб қўйганини ўзи ҳам сезди.

\* \* \*

Искандарнинг ҳарбий қисмлари навбатдаги жангга тайёргарлик кўришарди.

Шу вақт Доро ўз дўстлари орқали македонлик шоҳга мактуб йўллаб, у билан сулҳ тузиш ниятида эканлигини билдирди.

Искандар ўз чодирда, суянчикли ўриндикда ўтириб, Доро Кодоманнинг унга юборган мактуби мазмунини ўз кўмондонлари билан муҳокама қилмоқда. Улар шоҳни диққат билан тинглайдилар.

— Доро ўз мактубида маҳбуслар эвазига менга ўн минг талант пул, Фурот дарёсининг бу томонидаги барча ерларни, хотинлик учун ўз кизларидан бирини ҳамда дўстлигини таклиф этиб, мен билан сулҳ тузмоқчи бўлибди. Бу ҳақда фикрларингизни билмоқчиман, — деди Искандар.

— Мен Искандар бўлганимда, бу шартларни қабул қилардим, — деди Парменион.

— Зевсга қасамёд қилиб айтаманки, — деди Искандар, — мен Парменион бўлганимда, шундай қилган бўлардим!

Искандар ўз этарлари (ўртоқлари)га — мен Форснинг бир қисмини эмас, Кодоман мамлакатынинг ҳаммасини забт этаман, Доронинг бир қизига эмас, иккаласига ҳам унинг розилигисиз уйлана оламан, деди.

Бир оздан кейин у жиддийлик билан, ўз дўсти, сарой тарихчиси ва ҳарбий саркардага қараб мурожаат қилди:

— Птолемайос! Доронинг мактубига жавоб ёзамиз, ёзув анжоминг тахтми? Бошладик: «... Доро ўзи йўқотганларни мен билан тақсимлашни хоҳлабди, сеп (қизни эрга беришда қилинган мол-ашё) сифатида Лидия, Иония, Эолид ва Геллеспонт соҳилларини, мен ғолиб томон ҳуқуқи билан ўзимга тегишли деб билган ерларни, менга тухфа этмоқчи. Аммо шартни ғалаба қилган томон мажбур этади, мағлуб бўлган томон эса уни қабул қилади. Агар Доро томонлар шароитини яхши билса, майли, у тезроқ қуроллансин... Шоҳликнинг пойтахти Персеполни, кейин Экбатана ва Бактрияни, узоқдаги шарқий

ўлкаларни ишғол этиш — менинг мақсадим. Доро қаерга қоча олса, Искандар уни қувиб боради...»

Шу вақт айғокчилар бошлиғи шохга мурожаат қилди:

— Биз Доро қўшинининг hozирги сонини тахминан аниқладик. Жанглардаги кўп талофатларига қарамай, у янги, кўпсонли қўшин тузган. Буни ҳисобга олишимиз керак, шохим.

(Искандар юришлари давомидаги Форс қўшинининг сони ва таркиби ҳақида фақат Гавгамела ёнидаги жанг тафсилотларини тасвирлаш муносабати билан маълумотлар берилган. Маълумотлар Клитарх, Птолемей ва Аристокл тафсилотларида ифодаланган. Уларнинг бири-биридан фарқи бор. Хужжатларнинг бирида форслар қўшинининг умумий сони 1000000 нафар пиеда аскарлардан ва 40000 нафар отликлардан иборат, деб маълумот берилган бўлса, Аристокл уни 200000 пиеда аскарлари ва 45000 отликлардан иборат, деб маълумот берган. Клитарх эса уни 800000 пиеда 200000 отликлардан иборат эди, деган. Бу маълумотни у Птолемей ҳисоботлари асосида ёзган.

Аристокл ва Арриан тафсилотларида Форс қўшини таркибида кабилаларнинг иштироки қуйидагича баён этилган: бактрияликлар — қарийб 1000 нафар пиеда аскарлар ва 1000 нафар отликлар, дахлар — 1000 пиеда аскарлар, отлик массагетлар — 2000, отлик сугдийлар, саклар ва бактрияликлар Бесс қўмондонлиги ва Спитамен бошлиқ қўшин қисмида — 8000 нафар иштирок этганлар).

Искандар хавф ва рақиб аскарларининг кўп сонлигини писанд қилмас эди.

— Жанг тақдирини қўшиннинг сони эмас, унинг уюшқоклиги ва маҳорати ҳал қилади... — жавоб берди Искандар, айғокчилар бошлиғига.

У чодирдан чиқиб, ўз аскарларининг навбатдаги жангга тайёргарлигини аниқлаш учун қўшин сафларини айланиб чиқмоқчи бўлди. Сурнайчилар сурнай чалиб, айланиб чиқиб ҳақидаги ахборотни аскарларга билдирдилар.

Гулханлар атрофида чўзилиб ётган аскарлар бирданга саросимага тушдилар: чакмонларини шошилинч тарзда қоқиб, камар ва елка қайишларини тузатдилар. Бетайин гаплар тўхтатилди.

Чодирлар оралаб македонлик аскарларнинг олий қўмондонлар тўдаси юра бошлади. Шох онда-сонда гулханлар атрофида тўхтаганча, диққат билан аскарларга назар ташлади — мастлар, касаллар, руҳан тушқунликка тушганлар йўқми, ҳамма урушга шайми, у инжиқлик билан палахмончилар халтасини ва ёйчилар тирдонларини текширди — уларда қўрғошин зўлдирлар ва тирлар етарлими, қалконлар бақувватми, совутлар яроқлими, у ёвғон шўрваларни татиб кўрди, саволлар берди, лоқайд кўринган аскарлардан юзини ўгириб, гапирмай бошқалар каторига кетди. Баъзиларнинг исмини тилга олиб, уларга қўл узатди, бу билан у ўз аскарларининг кайфиятини кўтарди.

Хукмдор орқасидан унинг шахсий соқчилари ва совут, кул ранг чакмон, бошларида биринчи қалпоқ кийган қўмондонлар ва бошқа мулозимлар эргашдилар. Хамманинг белида энли қилич. Жун босган оёқлари шиппак тасмалари билан ўралган.

Улар Варрес гуруҳи жойлашган чодир ёнига келдилар. Хукмдорни эски аскарлар, бугунгидек яқиндан бўлмаса ҳам, бир неа бор кўрган, аммо яқинда ёлланган Дракил учун бундай фурсат айниқса қизиқарли. Саркор (бошлиқ) ва эски аскар ўртасида яқинда бўлган мунозарадан кейин дракил шохга алоҳида эътибор билан қаради. У Варрес сўзларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Бу кучли қахрамон эмас, балки, ҳамма жойда учрайдиган энг оддий одам экан.

Шох ва унинг яқин кишилари гумбазсимон сариқ тепалик устида тўхтадилар, улар олдида, ҳар жой-ҳар жойда кипарис ва бошқа нинабарг сарв дарахтларининг сийрак майдонлари жойлашган кенг сариқ текислик кўринарди. Далалардан ғалла аллақачон, ёзнинг ўртасида ўриб олинган. Ҳозир эса — куз. Боғларда хурмо пишган.

Кечқурунги қискача ҳарбий кенгашда шох эртага бўладиган қўзғалиш ҳақида буйруқ бергандан кейин, чодирда Искандарнинг бир ўзи қолди. У Гордия аҳолиси инъом этган калин гилам устида чўзилиб, дам олар ва фригияликларнинг қадимги шоҳи томонидан икки ғилдиракли араванинг эшигига боғланган тугунни ўз қиличи билан кесиб ташлаганини эсларди. Кимки шу тугунни ечса, нақл этарди ривоят, бутун Осиёни эгаллайди.

Хукмдор шунинг учун бу тугунни килич билан кесиб ташлаганди. Бу фурсатни эслаш шоҳни завқлантирди. Ха, килич — варварлар мамлакатининг калити! Искандар бақувват қафтларини елкаларига кўйиб табассум килди.

Чодирга унинг шахсий соқчиси Дикфер кирди.

— Хузурингга ўрта пиёда гурухидан бир юнон ташриф этмокчи, — маълум килди соқчи.

— Нима учун?

— Махфий хабар.

— О? — Искандар тирсагида бир оз кўтарилиб, елкасига чойшабни ташлади. — Чақир!

Беф кўринди. Унинг юмалок, ёғли ва маккорона юзи кишида нафрат туйғусини қўзғатди. У олдинга қараб уч қадам ташлади ва шоҳнинг оёғи остига икки букилиб, шу вақтгача ҳеч қайси юнон ёхуд македонлик қилмаган пасткашликка борди. Бу шоҳга маъқул тушди. У савлат билан Бефдан сўради:

— Хўш, нима дейсан?

— Юнонлар ўрта пиёда киркинчи майда гурух бошлиғи Варрес ёш аскарлар ўртасида сен ҳақингда нотўғри гаплар тарқатиб юрибди. У сени (айтишга тилим бормайди) Аллоҳ Амон ўғли эмас, балки қароқчи, ўғри, маҳмадона ва мактанчок, деди.

Беф жим бўлди ва соқсиз бошини қуйи эгди.

— Сен эшитдингми, Дикфер?

— Ҳа.

— Ўша Варресни менинг хузуримга олиб кел. Сен эса, исминг... Беф? Мен чақирмагунча, ана у пашшахонанинг орқасида бекиниб ўтир.

Беф итоат билан бекинди. Искандар беғамлик билан табассум килди. Аскарнинг чақимчилик билан келтирган хабари унинг кайфиятига ҳечам таъсир қилмади. Бунақаларни у биринчи марта эшитаётгани йўқ...

Дикфер ранги ўчган Варресни чодирга олиб келганида, шоҳ аввалги тарзда чўзилиб дам олаётганди.

— Искандарга салом, — деди Варрес, пастгина овоз билан, бошидаги темир қалпоғини кўлига олиб ва остона олдида бошини эгиб тураверди.

— Варресга салом, — мулойимгина жавоб берди Искандар. — Мендан хурсанд эмассан, дейдилар. Шу тўғрими?

Унинг устидан Бефнинг чақимчилик қилганини Варрес фаҳмлади.

— Ҳа, бу ҳақ гап, — тан олди Варрес.

— Нега хурсанд эмассан? — Шоҳ салгина кўтарилиб, Варресга тикилиб қаради. — Мен сени бирон ишда хафа қилдимми?

— Ҳа, хафа қилдинг.

— Хўш, нима билан? — жиддийроқ сўради Искандар. — Урушда сенга ёмонми?

— Ёмон. Сенинг аскарларнинг ҳаммани таламоқдалар.

— Аммо ҳеч ким даъво қилгани йўқ. Осиёга кўйлак-сиз келиб, кейин ҳамма нарсали бўлган аскарлар ҳам.

— Мен бундай қилолмайман.

— Нега?

— Ўғирлик қилолмайман.

— Ўғирлик қилолмайсан? — Искандарнинг қошлари эгилиб кетди. — Нимага бундай?

— Менинг ўзимни судхўр талаганди. Мен азоб чекдим, хонавайрон бўлдим ва аскарликка келдим. Бировни таласам — у ҳам азоб чекади. Яхши эмас.

— Аммо бу ер Осиё-ку. — Шоҳ ғазабланганлигини билдирмаслик учун лабини тишлади. — Варварни талаш увол эмас.

— Барибир инсон.

— Сен қип-қизил тентак экансан, кўриб турибман! — пўнғиллади Искандар аччиқланиб. — Балки, Шарқнинг иссиғи сенинг бошингга ёмон таъсир қилгандир. Устингдаги совут ҳам сенга оғирлик қилмоқда. Ечишингга ижозат бераман. Енгил пиёдага ўтишингни маслаҳат берман. Эртага ҳаммадан олдинда юриб урушни бошлайсан. Саҳронинг салқин шабадаси миянгни тозалайди, шохинг ҳақида ҳар хил ўйдирма гапларни тарқатиб юрмайсан. Мени тушундингми?

— Ҳа, — маънос жавоб берди Варрес.

— Бўлди, бўшсан, — пўнғиллади шох.

Бу унинг Варресни ўлим жазосига қилган ҳукми эди. Кимки аскарларнинг олдида борса ва урушни бошласа, камдан-кам ўлмай қолади.

— Аттикалилар қайсар бўладилар, — деди шох Дикферга қараб, марафонликка тушунарли бўлмаган тилда. — Зевс ҳам уларни тузатолмайди. Бу муртадни Полиперхонтнинг ёйчилари гуруҳига юбор. Яқинда бўлади-

ган жангда биронта варвар уни ўз тири билан тешишини фахмлайди.

— Агар фахламаса-чи?

— Унда бу юнон бахтли экан, — эснади ҳукмдор. — Демак, яшайди. Мени ундан кўрқди, деб ўйлаяпсанми? Суикасдчига ўхшамайди. У шунчаки тентак.

Дикфер марафонликни ёқасидан ушлаб чодирдан итариб ташлади. Шоҳ пашшахона орқасида писиниб ўтирган Бефни чақирди. Чақимчи яна тиз чўқди.

— Сен яхши қилдинг, — Шоҳ ўз бармоғидан тилло узукни олиб, Бефга ташлади. — Аскарлар нима ҳақда гапиришларини тинглаб юр ва келиб менга айт. Сени Варрес ўрнида гуруҳ бошлиғи этиб тайинлайман, энди кетгин, мен ухлайман...

\* \* \*

Бобил шахри четидаги саҳрода катта қўшин йиғилган. Сахро чодирлар шахрига айланган. Шоҳ Доро Кодоман ўз чодирда. У урушни осонлик билан тугатишга эришаман, деган умиди пучга чиққандан кейин, ўз аскарларини қайта урушишга сафарбар қилмоқда. Қўшин қўмондонлари — Артобаз, Орксин, Сатропат, Мазей, Ариобарзан, Оронтобат, Виштасп, Набарзан, Бесс ва бошқалар шоҳни диққат билан тингламоқда.

— Искандар урушни тўхтатиш ва давлатларимиз ўртасида сулҳ тузиш борасидаги менинг таклифимни қабул қилмади. Душман ҳозирги вақтда Осурия саҳросида туриб, янги ҳужумга тайёрланмоқда. Биз ҳам узок ўлкаларимиздан аскарликка янги кучларни чақириб, Бобил саҳросида тўпладик. Қўшинимиз душманга зарба бериш учун, сон жихатидан етарли, аммо пухта қуролланмаган. Бунинг учун вақт керак. Душман эса кутмайди. Шу боисдан, биз Месопотамияда қолиб, душман билан жангга киришимиз керакми ёки мамлакатнинг ички ўлкаларига жўнашимиз маъқулми, деган муаммони ҳал қилишимиз лозим. Бу борада фикрларингизни билмоқчиман, — деди шоҳ.

Йиғилишда сўзга чиққан қўмондонлар ва юкори лавозимдаги арбоблар, биз душман билан урушишга тайёرمىз, деб мақтанадилар ва шоҳни ғалабага ишонтиришга уриндилар.

— Мен, — деди Бесс, — бактрияликлар, суғдийлар, саклар, турли қабилалардан аскарлар йиғиб, бу ерга олиб келдим. Мен қўшинимизни қуроллантириш учун барча темирчи, чеканчи ва бошқа усталаримга топширик бердим. Улар бизни қурол-аслаҳа билан таъминлаб турадилар. Биз қўркмасдан душман билан урушамиз.

— Биз, — деди Сатропат, — суворийларимизни кийинтириш ва отлар устини ёпиш учун темир совутлар ясадик.

— Биз авваллари найзадан бўлак нарсаси бўлмаган аскарларга қилич ва қалконлар бердик, — деди Оронтобат.

— Биз отлик аскарлар сонини кўпайтириш учун, ўргатилмаган жийранларни ўргатиб, пиёдаларга бердик, — мактанди Мазей.

Ариобарзан ва Виштасп форс қўшинида кейинги вақтда ясалган янги қуролларнинг кўпайтирилганлиги хақида гапирдилар.

Душманни қўрқитиш учун форс аскарларининг кучли қуроли бўлган, қўшимча тарзда, икки юзта икки филдиракли аравачалар ясалди. Аравачаларнинг шотирларида найзалар, бўйинтуруқларнинг икки томонида учтадан қилич боғланган, чархларнинг кегайларида ўткир пичоқлар боғланган, чархларнинг хошияларида ёхуд аравачанинг остида ҳам пичоқ боғланган бўлиб, арава остига тушиб қолган душманни ёриб ташлашга мўлжалланган.

Ўз қўшинини шу тариқа қайта ташкил этган ва қуроллантирган Доро уларни Бобилдан шимолга, Арбела шахрига қараб сафарбар этишга тайёрланди. Унинг ўнг томонини Дажла дарёси, чап томонини эса Фурот дарёси пана қилган; аскарлар Месопотамия текислигини тўлдирган.

Спитамен қўмондонлиги остидаги бактрия-суғдийларнинг отлик бўлинмаси мамлакатнинг шимолий-шаркидан пастга — Бобилгача қилган узок ва зерикарли ҳаракатидан кейин, форс аскарларининг асосий гуруҳларига келиб қўшилди.

Кечқурун унинг аскарлари сийрак буталар ўсиб ётган сахрога ва соҳиллари самбиттол дарахтлари билан қопланган кичкина дарё бўйларига келиб тўхтадилар. Лашкаргоҳ узок масофадаги икки соҳилга чўзилди. Минглаб гулханлар ёнмоқда, гўё бутун чўлни олов қуршаб олган.



Аскарлар хайкирмоқда, кўшик айтмоқда, от ва туяларни яйловда ўтлатиш учун нарирокка олиб бормоқда. Майин шабада лашкаргоҳ устидаги қалин чангни учирмоқда. Ниҳоят, чўлнинг эрман хиди эса бошлади. Жангчилар ўз чакмонларини ерга тўшаб, ёнларида ёнаётган гулхандан ва олов устида осилган мис қозонларга қараб завқланардилар, ерда чўзилиб хордиқ чиқаришмоқда.

Хўжалик ишларидан доим хабардор Спитамен ошпаз хузурига бориб, у билан хол-ахвол сўрашиб, одобли сўзлар билан унинг руҳини кўтарарди, гуруч ва гўштли шўрва ҳаммага етадимни ёки етмасмикан, деб сўрарди, жангчиларнинг кайфиятини текширарди. Шу билан бирга, у узлуксиз тарзда жангчиларга ҳар хил ривоятлар ёхуд хиргойи кўшик айтарди.

Спитамен билан кўпинча қоҳин Рахик бирга юради. У кўрган ва эшитганларини, бошлиқлар ёки аскарлар билан суҳбатлар мазмунини қисқача ёзиб боришга ҳаракат қилади. Баъзан суғдийларнинг кўмондони, бош кўмондон — сатрап Бесс билан бирга соатлаб йўқолиб кетардилар. Кечкурун улар тўсатдан, олдиндан белгиланган дам олиш жойида пайдо бўладилар. Шунда Рахик уларнинг олдига бориб, айтганларини ёзарди.

Аскарлар Бессга нисбатан қувноқ Спитамен олдида кўпроқ калтирайдилар. Спитамен хамиша тартибсизликни сезади, мулоимгина бир неча сўз айтади, шундан кейин бошқа гуруҳлар томонига от суради.

\* \* \*

Фурот дарёси бўйлаб уст-боши йиртик, чўлга илинган юк халтасини елкасига ташлаб бораётган якка-мусофир йигит, кўп кунлардан бери Бобил саҳроси томон ҳаракат қилмоқда. Дарёдан анча узоқлашиб, сувсиз саҳрода кетаётганида, у чарчоқдан елкасида оғир тош кўтаргандек, қўллари қақшаб, холдан тойди. Очиқдан унинг боши айланарди. Мусофир бир оз нафасини ростлади-да, қуриётган қўлнинг остидаги сувга кўзи тушиб, унга интилди. У сув устига эгилиб, ўзини орқага ташлади — уни ўз акси кўрқитди. Нахотки бу ифлос, ҳаммаёғи йиртик, соч-соқоли ўсган, қуёш иссиғида қорайган оррик махлук мен бўлсам, деб ўйлади. У бошини кўтариб атрофга қаради. Тоғлар ва чўл устидаги сукунатни гўё ҳеч ким бузмасди.

Товлардан пастга тушадиган ва охири текисликка бориб уланадиган кенг эгри-бугри жарликларда котган қум тўдалари кўринарди. Унг томонда чўл ёйилиб кетган. Куз фасли қуриган ўтларининг хиди эсарди. Унга ҳеч ким хавф солмаслигига ишонч ҳосил қилган бу йўловчи йигит кўқарган ва қуриётган лабларини сувга текизди. У узоқ ва очкўзлик билан кўлмак сувидан ичди. Кейин, зўрға ўрнидан туриб халтасига яқинлашди ва ундан котган бир бурда нонни олиб оғзига солди-да, жағларини секин-аста қимирлатиб кавшади. Халтасини ўзига яқинроқ қўйиб ох тортди-ю, бошини қўйиши билан ухлаб қолди.

Йигит шовқиндан кўзини очиб, тепасида турган тўрттала отликни кўрди.

— Бу ерда ким ётибди? Тур ўрнингдан! — кичкирди улардан бири.

— Мен беозор йўловчиман, — гапирди ўрнидан тураётган йигит.

— Айғоқчига ўхшайди. Демак, бошлиқ хузурига олиб бориш лозим, — деди улардан бири. — Майли, сен олиб боргин, Бахруз. Бохабар бўл, олдинга солиб, бор. Чунки айғоқчилар...

— Қани, юр!

— Қочмоқчи бўлса, найзангни тик, — деди бошқаси.

Маҳбус пиёда, аскар от устида, тепалик ёнидаги шўр босган ердан юриб кетдилар. Чодирлар шаҳрининг манзараси ажойиб: гулханлар олдида ўтирган аскарларнинг наматдан тикилган қалпоқлари ва мис дубулғалари чангдан ва қуёш нуридан сарғайган. Аскарлар дам олардилар. Улар ҳисобсиз.

Маҳбусни олиб келаётган, Бахруз исмли аскар, орас-таланган чодирга кириб чиқди-ю, дархол уни ичкарига олиб кирди.

Ичкарига кириб у намат устида ўтирган икки кишини кўрди, чодир эшигига қараб ўтирган уларнинг бирини у танимади. Яхши кийинган бу одам виқор билан ўз суҳбатдошининг сўзларига қулоқ соларди. Жиддийлик билан қўлларини силкитиб ўз суҳбатдошига алланимани тушунтираётган иккинчи кишининг юзини кўришга интилди, аммо кўролмади.

— Хўш, кўрайлик-чи, сизлар кимни ушлабсизлар, — у ахборот берган Бахрузга қараб, орқасига бурилди. Шунда асирга олинган йигит дархол ўз дўстини таниди.

— Сенинг олдинга мени чўл париси олиб келди ше-  
килли?! — қувониб-гўлжинганиб хириллаган овозида де-  
ди махбус.

Бошлиқ аввал бу йигитни танимади.

— Спитама! — хитоб этди махбус йигит ва қўллари-  
ни кўтарди. — Сен мени танимадингми? — унга яқинла-  
шиб, табассум қилди.

— Бахтвар! — жонланиб кетди қоплон терисидан ти-  
килган чакмонли бошлиқ ва ўрнидан туриб, уни  
кучоклади. — Сен бу ерга қандай тушиб қолдинг? Сен  
Милетда эдинг-ку.

— Бутун жанг йиллари мен Милетда ва Кичик  
Осиёнинг бошқа шаҳарларида эдим. Энди ҳеч қачон  
Сугдиёгани ва кекса отам Багизни кўролмайман, деб  
ўйлагандим.

Спитамен ёнида ўтирган Бесс бу йигитга хайратланиб  
каради.

— Ким сен? — сўради Бесс, сипоҳлик билан.

— Бу Бахтвар, мисгар-чеканчи Багизнинг ўғли,  
Сугдиёнадан, — Спитамен ўз дўстини Бессга таништир-  
ди. — Ўтир ва ҳаммасини батафсил айтиб бер.

— Сен аввал мени овқатлантиришни буюр. Мен бўри  
каби очман!

— Ҳа, кечирасан, мен фаххламаман. Ҳой, ким бор,  
бу ерга тамадди учун бирон нарса келтиринглар!

Бахтварга шўрва, нон ва қувачада май бердилар.

Бахтвар наमतда, Спитамен ёнида ўтириб иштаха би-  
лан овқатланди. Спитамен ўз дўстидан кўзларини узмай,  
унинг ҳар бир ҳаракатини кузатар ва юраги эриб, меҳри  
ошарди.

— Искандар Кичик Осиёни босиб олганда, — бир оз  
ўзига келиб сўз бошлади Бахтвар, — унинг шаҳарлари-  
дан фақат Милет ва Галикарнас душманга қаттиқ қарши-  
лик кўрсатишди. Аммо форсларнинг кемалари, айтиш  
мумкин, бу жангда иштирок этмадилар. Никанор бошчи-  
лигидаги македонликларнинг бир юзу эллик кемалари  
Лад оролчаси бўғозини эгаллаб, денгиздан Милет шаҳри  
портига қирадиган сув йўлини кесиб қўйдилар. Форс-  
ларнинг уч юз ҳарбий кемалари эса Микал бўғозига ке-  
либ тўхтадилар, улар Милет портига яқинлаша олмади-  
лар, македонликлар кемалари билан жанг ҳам қилмади-  
лар. Ва бир неча кундан кейин кўздан ғойиб бўлдилар.

Форсларнинг ҳарбий-денгиз қуроли кучлари бошлиғи Фарнабаз ўз қисмларини Хиос шахрига киритиб, Андрос, Сифи оролларига хужум қилибди. Милет уч марта қўлдан-қўлга ўтди. Ахийри, македонликларнинг ҳарбий бошлиғи Балакр Доронинг Гидарн бошчилигидаги кучлари устидан ғалаба қилиб, Милетни таслим этди. Бизнинг юнон дўстларимиз, Ургос ва Пулос душманга қарши мардонавор урушиб ҳалок бўлдилар. Тартибсизликда мен бу шаҳарни ташлаб чиқдим. Эндиликда менинг қандайлигимни кўряпсан. Балки, энди мен ҳеч қачон аввалги, сен билган қувноқ Бахтвар бўлолмайман. Тоғлар ва чўлларни ошадиган йўллар менинг охириги кучимни ҳам қуритдилар. Очлик мени кийнади. Агар сен бечора Бахтварни ўз қўлинг остига олмасанг, мен тамом бўламан.

— Нима деяпсан! Аксинча, сени топганимдан мен ниҳоят хурсандман. Сен доим мен билан бўласан. Менинг иккинчи отимда юрасан. Искандар билан урушишга борамиз. Худо хоҳласа, биз ҳали Самарқандимизни кўрамиз ва отангнинг мохир қўллари билан ясалган қадахлардан, тоғам Эрзиф пиширган майни ичамиз.

— Илоҳим сени ва авлодларингни бахтли қилсин! Ахура Мазда қўлласин! Сенга...

— Бўлди, бўлди, — тўхтатди уни Спитамен, — менга кўп бахт тиладинг. Шунчалик кўп тилайсанки, менга оғирлик қилади. Ҳозир сени олиб келган аскар билан бирга Катан хузурига боргин, ўзингни тартибга келтир ва яхшилаб дам ол.

\* \* \*

Дажла дарёсини кечиб ўтиб, душманнинг яқин масофадалигини билган Доро сараланган минг отликни Сатропат бошчилигида олдинга жўнатди. Қўмондон Мазейга эса олти минг аскар бериб душманга дарёдан ўтишга монелик қилиш ва унга ҳеч нима тегмасин деб, вилоятларни ёндириб, у ерларга Искандарнинг кириб келишига йўл қўймаслик буйруғини берди. Доро, агар душман фақат форатчилик билан йиққан нарсалар ҳисобида кун кечирадиган бўлса, у ёнғин сабабли урушни тўхтатишга мажбур бўлса керак, деб умид қилди. Шу хаёллар билан Доро ўзининг асосий қўшини билан Гавгамела қишлоғига яқинлашди.

Олти минглик аскар билан Лику ва Бумод дарёлари сохилларига етиб келган Мазей, бу дарёлардан Искандар жангчиларининг кечиб ўтишларига йўл қўймаслик учун жангга киришга журъат этмади. Унинг аскарлари қишлоқлар ва ўрмонларга ўт қўйиш билан овора бўлдилар. Искандар эса аскарларини Дажла дарёсидан кечиб ўтишга юборди.

Дарёдан ўтиш мушукул, сув оқизиб кетаётган юклар кишиларни йиқитарди, ҳамма ваҳимада қолганди. Мазей шу ҳолатда аскарларини душманга қарши жанг қилишга буйруқ берганида, душманнинг барча аскарларини тор-мор қилиши мумкин эди. Мазей эса уларнинг дарёдан кечиб ўтишларини кутиб турди ва сохилга чиқиб саф тортганларидан кейин урушни бошлади. Қисқа муддатли, аммо шиддатли жангда душман форс аскарларини тор-мор этди. Қишлоқларни ёндирган Мазей, жангда омон қолганидан хурсанд бўлиб, душманнинг яқинлашганлиги ҳақидаги хабар билан Доро хузурига борди. Шу куни бўлган бошқа жанг ҳам Сатронат бошчилигидаги форс аскарларининг мағлубияти билан тугади.

Очик саҳрода жанг қилиш иштиёкида бўлган Доро ўз аскарларини Гавгамела қишлоғи ёнидаги кенг жойда, сафга тортди. Умумий аскар сони тўксон икки минг, Искандар аскарлари қирк минг эди.

Форс аскарларининг чап қанотида мингта бактриялик отлиқлар ва тахминан шунча дағлар бор эдилар, арахоэлар ва сузликлар тўрт минг кишидан иборат эдилар. Уларнинг орқаларидан юзта қуролланган икки гилдиракли аравачалар, сал нарироқда Бесс бошчилигидаги саккиз минг отлиқлар ва бактриялик пиёда аскарлар борардилар. Кейин отлиқ форслар, мардлар, массагетлар ва Спитамен бошчилигидаги суғдийларнинг отлиқ қисмлари.

Спитамен ва унинг яқин йигитларига охири лавозимлар берилганди. Улар нотаниш қабилаларнинг ҳарбийларига, ҳатто ўз иттифоқчиларига номаълум бўлган аскарларга раҳбарлик қилардилар. Хиндулар ва бошқа халқларнинг аскарлари аравачалар орқасидан номига, ҳақиқий ёрдам кўрсатиш учун эмас, балки қуролли кучлар сонини кўпроқ қилиб кўрсатиш мақсади учун фойдаланиларди. Бу ҳол Спитамен, Катан ва бошқа ҳарбий бошлиқларни ғазаблантирди.

Ўнг қанотда Буюк Арманистон, Кадузия ва Каппадокиядан бўлган арманлар, сурияликлар ва мидияликлар борардилар, уларда элликта қуролланган аравачалар бор эди.

Шу тартибда саф тартиб анча йўл юрдилар ва тўхташ ҳақида буйруқ бўлиб, рақибнинг пайдо бўлишини кутдилар.

Эртасига ўз аскарлари билан душман истехкоми яхши кўринадиган тепалик устида турган Мазей, бу яхши стратегик жойни ташлаб, Доро хузурига келди. Улар бўшатган тепаликни дарҳол македонликлар эгаллаб олишди, чунки текисликка нисбатан бу ер улар учун хавфсиз, бундан ташқари, бу тепаликдан душман ҳаракатлари жуда яхши кўринарди. Бир оздан кейин бу тепаликка Искандарнинг ўзи чиқди. Энди унинг қўшини сон жиҳатидан ўсиб, қирк етти мингга етган эди.

Унинг кўз олдида бўлажак жанг майдони гавдаланди: форслар пиёда ва отликларининг қурол-аслаҳалари яркираб кўринарди, бу текисликда сафлашган форс аскарларининг сони тахмин икки юз-икки юз эллик мингдан иборат эди, ҳарбий бошлиқлар аскарлар сафини айланарди. Рақиб жангга жиддий тайёрланаётганга ўхшарди.

Шу вақт Доро яна сулҳ тузиш таклифини Искандарга юборди. Энди форслар сулҳ учун 30000 талант олтин (900 млн. \$), шохликнинг ярими ва шох қизига уйланишни таклиф қилдилар. Лекин Искандар бу таклифни ҳам рад этди.

Ўз этарларининг жангга тайёргарлигини билиш учун Искандар мажлис чақириб, улардан қандай яхши ҳаракат қилишни сўради.

Ҳарбий санъатда тажрибали Парменион душманни алдаш ва унга кечаси хужум қилишни маслаҳат берди. Ўз фикрини асослаш учун у турли қабилалардан тузилган ва турли тиллик қўшин учун нотаниш шароитдаги жангда ўзаро келишиш қийин бўлади, деб айтди. Бундан ташқари, бундай катта қўшин кундузги урушда қийинчиликсиз, унга нисбатан икки ярим маротаба кам бўлган Искандар аскарларини ўраб олиши мумкин, чунки жанг Киликиянинг тор дараларида ва йўлсиз бутазорларда эмас, балки очик ва текисликда кутилмоқда. Парменионнинг фикри деярли ҳаммага маъқул келди.



Искандар эса Парменионни ранжитмаслик учун, уларга муружаат этди:

— Сизлар менга кароқчилар ва ўғрилар каби ҳаракат қилиш кераклигини маслаҳат беряпсизлар, уларнинг каллаларида — фақат алдамчилик. Аммо мен шаънимга урушларда Доронинг йўқлиги ёки жанг майдонининг торлиги, ёки кечаси ўғриларча ҳаракат қилиш ҳақидаги гаплар доғ туширишини хоҳламайман. Мен бундай ғалабага эришиб уялишдан муваффақиятсизликка учраб пуншаймон қилишни афзал кўраман. Хужумни кундузги ёруғликда бошлаш керак! Бунинг устига, мен билдимки, варварлар ғафлатда қолмаслик учун кечаси билан қоровуллик қилиб чиқмоқчи эканлар. — Кейин, табассум қилиб қўшиб қўйди, — майли, бу яхши, айти муддао, улар бизни кечаси билан кутиб чиқсинлар.

Доро душман Парменион берган маслаҳатдагидек, хужум қилса керак, деб отларни аравадан чиқармасдан, қоринбоғларини бўшатмасдан, аскарларга қуролларини қўлдан қўймай кечаси билан қоровуллик қилиб чиқишни буюрди. Унинг ўзи ҳам бошлиқлар ва яқин кишилари билан тун бўйи қўлларидан қуролларини туширмай ва миҳжа қоқмай, қўшин гуруҳларини айланиб чиқди.

Искандар эса тезлик билан маслаҳат мажлисини тамомлаб, одамларини дам олишга жўнатди ва аскарларга ҳам дам беришларини буюрди.

Дейдиларки, Искандар кечанинг қолган қисмида шундай қаттиқ ухлаган эканки, ҳатто эрталаб ҳам ўзи уйғонмабди. Бу ҳолдан таажжубланган қўмондонлар аскарларга ўзлари буйруқ бериб, нонушта қилдирибдилар. Вақт ўтиб, бошқа кутиш мумкин бўлмаганлигидан, Парменион чодирга кириб Искандарнинг тўшаги ёнида тик туриб, икки-уч бор унга овоз чиқарибди. Унинг овозидан Искандар уйғонганда, Парменион дебди:

— Тонг аллақачон ёришди, душман сафлари ҳаракат бошлади, сенинг аскарларинг эса қуролланмай буйруғингни қутмоқда. Қани, сенинг тетиклик руҳинг, соқчиларни биринчи бўлиб сен уйғотмасмидинг?

Искандар унга жавоб берибди:

— Нахотки, сен менга тинчлик бермайдиган ташвишлардан кўнглимни бўшатмай, тинмаслигимни ва уҳлаёлмаслигимни билмасанг?

У жангни бошлаш ҳақида қарнай чалишни буюрди.



Гавгамел қишлоғи ёнидаги текислик. Милоддан аввалги 331 йилнинг 1 октябри. Қишлоқ номи билан тарихда машҳур бўлган бу жанг иккала томон отлиқларининг бир-бирига қарши ҳужуми билан бошланди ва тезда пиёда аскарларни ҳам ўз гирдобига тортди.

Исс шаҳри пойидаги жангда форсларнинг яхши қуролланган пиёда аскарлари нобуд бўлганлиги учун, энди — бу жангда Доро отлиқ аскарларга, ҳарбий аравачаларга ва филларга умид боғлади. Форсларнинг отлиқ аскарлари қуш қанотига ўхшаган икки узун қатор бўлиб сафландилар. Бу қаторлар марказида ўтган жангда омон қолган кўнгилли юнонлар ва форс шоҳи отлиқ гвардияси йиғилди. Доро ўз аравачасида, яқин одамлари билан қаторлар марказида турди.

Кўшинининг жангга шай эканлигини кўрган Искандар, чаққонлик билан отига миниб қўл силкитди ва кўшин шу заҳоти ўзини майдонга ташлади. Отлиқлар қичқириб ҳужумни бошладилар. Фаланга гўё ерни ларзага келтириб, форсларга қараб чопди. Македонликларнинг рақибга қарши бу ҳужуми бўронга, тўфонга ўхшаган. Сақлаб бўлмайдиган гирдоб довулига ҳам ўхшарди. Форсларнинг яхши қуролланган кучларининг биринчи қатори бирданига катта зарбага учради ва қатор бузилди. Искандар тезда ўз ётерларининг отлиқлар гуруҳини понага ўхшатиб саф торттирди ва шахсан ўзи шиддатли, ғазаб билан қичқирганча, форс аскарлари тўдасини кесиб, ўз гуруҳини ўртага киритди. Худди шу фурсатда унинг ўзи Дорога ҳамла қилди.

Доро македонликларга қарши филлар ҳужумини уюштирди. Филлар хартумларини кўтариб, ваҳимали наъра билан олдинга чопар ва йўлларида учраган душман аскарларини уриб йиқитар ва мажаклардилар. Филлар устидаги буржларда ўтирган форс аскарлари душманни тирборон қилардилар. Лекин македонликларнинг енгил пиёда аскарлари бу ҳужумни тезда тўхтатдилар. Улар филларнинг кўзларини чўтлаб найза ва палаҳмонлардан зўлдур отардилар. Кўп жароҳатланган филлар эгаларини писанд қилмай, наъра тортиб қочдилар.

Шундан кейин македонликларга қарши ҳарбий аравачалар сафарбар қилинди, уларнинг ханжар ва узун

ўткир қиличлари, баланд чархлари душманга ўлим келтирувчи хавфни туғдирдилар. Македонликлар ўз найзаларини аравакашлар ва аравачалар отларини нишонга олиб отар ва йқитардилар. Уларнинг тирларидан ярадор бўлган аравакашлар, аравачалари билан ерга йқиқилардилар.

Йиқилмай, хужумни давом эттираётган аравачаларнинг қутирган отлари македонликлар сафини ёриб, душманнинг орқасига ўтиб олар, улар қаторини сийраклаштириб айланарди. Аравачалар ҳаракатидан кўп одамлар ўлар, ярадор ва мажруҳ бўлиб ерда ётардилар. Аравачалар македонликларни ҳаяжонга солди, улар довираб қолдилар. Лекин Искандар жанг давомида анча отларни алмаштириб, саросимага тушган аскарларини таъналаб, улар руҳини кўтарди. Жанг тўпаланги қаторлар марказидаги қисмларда борган сари шиддатлашаверди.

Жангда македонлик отлик аскарларнинг Парменион қўмондонлиги остидаги чап қаноти Спитамен бошчилигидаги бактрия-сугдий отликлари зарбасидан довираб қолди ва тартибсизлик билан чекина бошлади. Спитамен бутун вужуди билан юнон-македонликлар ўртасига тушиб, уларни чопарди. Унинг кетидан Анбоз, Абкор, Сайлбор, Катан, Лагомрез ва бошқа яқин дўстлари жонбозлик кўрсатдилар. Чекинаётган душманга унинг янги гуруҳлари ёрдамга келди.

Сал нарироқда урушаётган Мазей отликлари душманнинг кўпайиб келишига эътибор бермай, фалангани айланиб ўтиб, македонликларнинг юк араваларига ташландилар. Бу гуруҳнинг енгил тарафни таялагани саклар ва сугдийларни анча қийин вазиятда қолдирди. Шу сабабдан, Спитамен ва унинг дўстлари душман қуршовида қолган бўлсалар ҳам, ўзларини йўқотмай, матонат билан олишдилар. Фазабланган сугдий жангчилари мислсиз қахрамонлик кўрсатдилар. Айниқса, македонликлар қуршовида қолиб олишаётган Спитамен, бир ўзи ўнларча душман билан олишарди. Уруш санъатида Катан, Бахтвар ва уларнинг дўстлари ҳам ундан қолишмасдилар.

Жанг давомида Спитамен гуруҳи Виштасп бошчилигидаги форсларнинг отлик бўлинмасига яқинлашиб қолди.

Виштасп ўзини душман хужумидан Спитамен инъом этган қалқон билан ҳимоя этиб, қилич ўйнатарди. У бир

неча ҳамла этаётган македонлик аскарларни улоқтириб ташлади-да, қиличини баланд кўтариб, кичқирди:

— Олга! Биз...

Кўкрагига урилган кучли зарба унинг қудратли овозини ўчирди. У қонга беланиб, от устидан йиқилди. Шу пайт Спитамен яқинлашиб, Виштаспни ҳалокатли ярадор қилган чавандоз бошини қиличининг бир зарби билан танасидан жудо қилди, кейин отдан сакраб тушди-да, ярадор бўлган форс қўмондонининг бошини кўтарди.

— Виштасп, омонмисан? Гапир, дўстим!

— Спитама, бу сенми? Сенинг қалқонинг мени доим ракибларнинг қиличидан химоя қиларди. Лекин бу сафар душманнинг қиличи... Ўзим бепарволик қилдим. Мени кечир... Мен сенинг отанга ва ўзингга нисбатан ноҳақлик қилган эканман. Кечир...

Спитамен ўз қулоғини унинг кўксига қўйди... ва ўзи-ча унга хитоб этди:

— Тамом! Қилувдингми, қилмовдингми... Энди айтганингнинг нима аҳамияти бор? Энди биз Форс давлати учун биргаликда жанг қилмаймиз.

У бошини кўтариб атрофга қаради. Катан, Лагомрез, Махрур ва Бахтвар душман ҳужумини қайтарардилар. Душман спитаменчилар зарбасидан довдираб, чекинишга мажбур бўлди. Парменион чопар орқали Искандарга ёрдам учун мурожаат қилди:

— Шохим! Агар дархол олдинги жанговар қаторлардан бир қисм аскарни олиб, каттик зарбага учраётган Парменион қисмига ёрдамга юбормасанг, бу гуруҳ ва аравалардаги юклар нобуд бўлади.

Айни шу пайтда Искандар ўз атрофидаги аскарларга ҳужумга ўтишни буюрган эди. Ёрдам хақидаги илтимосни эшитиб, у чопарга кичқирди:

— Бориб Парменионга айт: агар биз ғалаба қилсак, фақат ўзимизникини қайтариб олиш эмас, балки душман қўлидан ҳам барча бойликларни тортиб оламиз... Филота! — кичқирди у, ўзидан унча узок бўлмаган Парменион ўғлига. — Ўнгроққа ол!

Парменион ўғли отлиқларни ўнгроққа олди. Форслар душман сафларидаги қайта қуришни кўрдилар. Доро Кодоман душманга қақшатқич зарба бериш фурсати келди, деб фараз қилди. Қуролланган аравачаларни бошқараётган аскарлар отларини қамчиладилар. Қий-

шиқ ханжарлар ва қиличлар боғланган икки юз ажал со-  
чунчи аравачалар олдинга қараб шиддат билан интилди-  
лар. Улар орқасидан оғир ва гувиллаб, филлар чопди-  
лар.

Юзи қорайиб кетган, македон аскарларининг олдин-  
ги қаторида бораётган Варрес, қўлидаги палахмонни қат-  
тик ушлаб кутмоқда. Унинг орқасидан юраётган Поли-  
перхонт ёйчилари ҳам қотиб қолдилар. Варрес хозир  
хамма воқеаларни эсидан чиқарди — марафонлик аскар  
душманнинг ҳужумга ўтганини кўриши билан, Беф,  
чақимчилик, Искандарнинг унга берган саволлари  
дархол ёдидан қўтарилди. У яшашни хоҳлайди. Арава-  
чалар устидаги форслар ўз камонлари билан душманни  
нишонга олиб тирборон қилардилар. Юнонлар камончи-  
ларнинг тирларидан қутилиш учун ҳаммалари бирдани-  
га ерга ташландилар. Биринчи қуролланган аравача  
тўппа-тўғри Варресга қараб келди. У аскарлар ва отлар-  
нинг тиржайган тишларини кўрди. Ҳозир!.. Варрес сак-  
ради ва ўз палахмони билан аравакашнинг пешонасини  
чўтлаб қўрғошин зўлдирни отди. Аравакаш боши ёрилиб  
йиқилди. Полиперхонтнинг найзачилари ҳар томондан  
аравачаларга ташландилар. Филларнинг хужуми ҳам  
муваффақиятли бўлмади. Филларнинг оёғи остига мих  
қоқилган тахтачаларни ташладилар. Палахмончилар  
филларнинг кўзини чўтлаб отардилар, филлар устида  
ўтирган аскарларни уриб туширардилар.

Шу вақтда форс гуруҳлари душман араваларини та-  
лаб, коровулларини тор-мор қилдилар ва асирга тушган  
ўз аскарларини бўшатиб, гуруҳларига янги куч қўшди-  
лар ва фалокатга тушган македонликларга икки томон-  
дан ҳужум қилдилар. Доронинг онаси, Сисигамбис ва  
унинг атрофидагилар форсларнинг ғалабасидан қувониб,  
душман тор-мор этилди ва мол-мулк ортилган аравалар-  
дан маҳрум бўлди, леб фараз қилдилар, улар жанг ҳара-  
кати хамма қисмларда бир хил бўлса керак, деб ўйлади-  
лар.

Шу орада Искандар отликларининг бошлиғи Менид  
ўз ташаббуси биланми ёки шохнинг буйруғи биланми,  
бир неча отлик гуруҳлар билан юк араваларини  
қутқариш учун ёрдамга келди, лекин кавказликлар ва  
гирканлар тазйиқига бардош беролмай, шох ҳузурига  
қайтди ва унга йўқотилган қарвон учун жанг ҳақида

эмас, балки содир бўлган вокелик хакида хабар берди. Бундай мудҳиш хабар Искандар режаларини бузди, у талланган бойликлар ортилган карвонни қутқариш учун янги кучларни сафарбар этди. Гирканларга қарши Арета бошчилигидаги найзачиларни юборди.

Шу пайт македонликларнинг байроқ кўтариб бо-раётган олдинги қисмларини маълум этган форсларнинг қуролланган аравачалари душман фалангасини ёриб, уларга зарба бера бошлади, македонликлар эса, жипс-лашган сафлари билан аравачаларга ташландилар. Юнон-македонликларнинг қаторлари қалъа деворига ўхшарди: улар ўз найзаларини бир-бирига жипслатиб икки қанотдан қарши томоннинг уларга бостириб кел-лаётган отлари қоринларини теша бошладилар, кейин аравачаларини ўраб олдилар ва устидан аравакашларни улоқтиравердилар. Ерда йиқилган отлар ва аравакашлар йўлни тўсардилар, чўчиган отларни бошқариб бўлмас эди, улар жиловларини узиб, аравакашларни улоқтириб ташладилар. Қутирганларни тўхтатиб бўлмас эди, кучдан тойганлар — ҳаракатсиз ётардилар. Бир қисм арава-чалар душманнинг охириги қаторларига зарба етказарди-лар: ёриб ташланган кишиларнинг ўлиги ерда ётарди, енгил яраланганлар эса қўлларидан қуролларини ташла-май, қонга беланган бўлсалар ҳам, жонларини сақлаш учун тиришардилар. Шу вақт Арета, гирканлар бош-лигини ўлдириб, карвонни ишғол қилганларни ваҳимага солди. Лекин уларга бактрия-сугдийларнинг отлиқлари ёрдамга келиб, бу қисмдаги жанг тақдирини ўзгартирди-лар: биринчи ҳужумданок кўп юнонлар ва македонлик-лар мажакландилар, кўпчиликлари Искандар томонига қараб қочдилар. Шунда форслар ғалаба қилганлар ода-тига кўра қий-чув кўтариб, душманга қарши яна дахшат-лироқ ташландилар. Искандар ҳам ўз аскарларининг руҳини кўтарди ва қайтадан ҳужумга сафарбар этди. Ас-карлар бир-бирларини руҳлантирдилар ва фаланга от-лиқлар орқасидан урушга кирди. Форсларнинг олдинги қисми жангга кириши билан, орқадагилари қоча бошла-дилар. Тор-мор этилган форсларнинг орқаларидан қувиб, Искандар уларнинг Доро атрофидаги қисмларига яқинлашиб борди. Искандар Дорони узоқдан, форс ас-карларининг олдинги қисмлари ичида эканлигини кўрди; Доро баланд аравачада, ўз гуруҳи ўртасида эди, у ба-

ланд бўйли, чиройли, ялтироқ куруллари билан душманнинг яқинлашувини кутарди. Аммо Искандарнинг яқинлашуви билан, улар борган сари чўчийвердилар: Искандар қочаётганларни қувиб, ҳали қочишни ўйламаганларни қўрқитиб, Доронинг шахсий соқчиларини ҳар томонга тарқалиб кетишга мажбур қилди. Фақат энг жасурлари ва шохга содиқлари ҳукмдорни ҳимоя этиш учун охиригача жон фидо қилдилар, улар бир-бирларининг устига йиқилиб йўлни тўсдилар, душман отларига ва от устидаги аскарларга осилдилар. Бу дахшатли манзара Доронинг кўзи олдида содир бўлиб, унинг оёқлари остида форс аскарлари жон берардилар. На форслар, на македонликлар шохнинг бу тўполонда ҳалок бўлишига шубҳаланмасди. Доронинг қариндошлари ва курулбардорлари йиғи ва қий-чув билан шохнинг аравабини ташлаб қочдилар. Жанг қирғин майдонига айланди, шу пайт Доро ҳам ўз аравачасида қоча бошлади. Ғолиблар қочаётганларнинг елкаларига осилишарди. Балки, Парменионнинг чопарлари келиб Искандарга македонликлар фалангасига суғдийларнинг Спитамен бошчилигидаги отлиқлари хужумидан омон қолиш учун ёрдам сўраб, унинг диққатини паришон қилмаганида, Доро кочолмас ва ундан қутулолмасди. Гап шундаки, Парменион бошчилик қилаётган қўшин қисмида анча мураккаб вазият вужудга келди: Спитаменнинг отлиқлари хужумга ўтиб, Парменионни доводиратиб қўйдилар. Македонлик номдор кўмондон, унинг шахсий соқчилари Спитамен ва унинг муштбоз-киличбозлари зарбаларига учраб, сиқувда қолдилар.

— Шох! Парменион ёрдам сўрамоқда!

От чоптираётган Искандар ғазаб билан чопарга қараб, сўради:

— Яна нима бўлди?

— Чап қанот бузилди, у чекинмоқда. Парменион икки томондан исканжада қолди, лашкарбоши ёрдам сўрамоқда!

Искандар лаънатлади.

— Маълум бўлдики, бу мўйсафид калласини йўқотибди ва энди миясини ишлатиш қобилятига эга эмас!

У яна Доро томон шошилди. Лекин шу вақт Парменионнинг отлиқ чопарлари унинг олдига келиб ёрдам

сўрадилар. Искандар тишларини гижирлатиб, ғазабидан юраги бетоқат бўлди. Аммо у ўзини тутиб, отини бурди. Ичида сўкиниб, отлик этерлари билан Парменионга ёрдам кўрсатиш учун шошилди. У парфиялик, бактриялик аскарларга ва суғдий отлиқларига хужум қилиб, у ердаги хавфли вазиятни ўзгартирди.

Отлиқларнинг бу олишуви икки томондан ҳам, бугунги жангдаги бошқа жойлардагига нисбатан даҳшатли бўлди. Отлар йиқилиб, суворийларни мажақлардилар... Қон жуда кўп тўқилди. Бу тўполонда Спитамен ва унинг шериклари қилич жанги санъатини намойиш қилдилар. Аррианнинг ёзишича, Гестеион ярадор бўлиб, қонга беланиб ерда кулаб ётарди. Қўмондонлар Кен ва Менид ҳам ярадор бўлдилар. Қарийб олтимиш нафар этарлар жанг майдонида ўлиб ётардилар... Ана шундай қийинчиликка учраб, Искандар ўз гуруҳи билан Парменионни халос этди. Спитамен бошчилигидаги қиличбозлар эса македонликлар қаторини ёриб, ўз шерикларини ва форс кўшинининг оғир аҳволда қолган қисмини қуршовдан қутқазиб, орқага чекиндилар.

Умуман, бу жангда Парменион ўзини сусткаш ва фаолиятсиз кўрсатган, деб уни айблайдилар, балки, қариганлиги учун у аввалгидек довжораклик қилолмаган ёки Каллисфен (Арасту жиёни)нинг таъкидлашича, у Искандар ҳукмронлигининг ва қудратининг ўсиб бораётганлигига бахиллик қилиб, ўзини жўттага орқага ташлаган. Парменионнинг ёрдам талаб қилганлигидан таъби хиралашгани учун, Искандар бошлиқларга ҳақиқий вазиятни тўғри тушунтирмай, қоронғи тушганлигини баҳона қилиб, хунрезликни ва душманни таъқиб этишни тўхтатиш ҳақида буйруқ берди. Аскарларининг хавфли вазиятда бўлган маррага бориб, бу ерда жанг македонликлар фойдасига хал бўлганлигини билиб, у тинчланди.

Лику дарёси томон бораётганида, Искандар Пармениондан сўради:

— Сенинг қанотингда хавф туғдирган, қоплон терисидаги одам ким эди?

— Ҳа, менинг шахсий соқчиларим бўлмаганда, сен ёрдамга келишингдан аввал, ўша тўполонда қоплон терисидаги у ботир йигит менинг бошимни танамдан жудо қилиши мумкин эди. Суғдийларнинг аслзодаларидан.

Уни ўз сафдошлари Спелт... Спелт..., ха, эсладим, Спитамен дер эканлар.

— Спитамен? У ким экан?

— Суғдиёнанинг собиқ, мархум хокимининг ўғли, дейдилар. Вилоятларининг бирида сатрап нойиби ва харбийлар бошлиғи бўлиб ишлаган экан.

— Жасур ва чаккон...

— Ха, маълум. Гўё у суғдийларнинг қадимги шохи, исми муқаддас бўлган Сиёвушнинг наслидан экан.

— Қани-қани, сўзлагин!

— Сиёвушни куёшнинг улуғлигига боғлайдилар. Спитаменнинг авлоди Суғдиёнада машхур экан.

— Ҳм... бу қизиқ. У ёшми, кексами?

— Тахминан сенинг ёшингда.

— Шундайми? Яхши. Уни эслаб қўйгин. Балки, у бизга керак бўлар.

Лику дарёсидан ўтиб, у тўхтади ва чодир тортишни буюрди — одамлар ва отларнинг дам олиши лозим. Варварларнинг ойболталари билан кесилган, қонга беланган совут ва чакмонларини ечиб ташлаб, шох чўмилди. Унинг кўзлари чакнар, юзи ва пешонаси хаяжондан тиришган.

— Птолемайос! — имлади у. — Ўз папирусингда ёз: «Гавгамела ёнида қирқ минг осиёликлар ҳалок бўлдилар. Форс қўшини тугатилди. Дарейос Қодоманнинг салтанати емирилди...».

Доро Кодоман катта масофани қочиб ўтиб, туннинг ярмида Арбелага етиб келди. Тақдирнинг бунчалик бевафолигини, маълубиятга учраганларнинг қочишини, айрим шахсларнинг ва бутун давлат қўшинининг тор-мор бўлганлигини ким ўз онгида тасаввур этиши ёхуд ифода этиши мумкин? Тақдир бир кунда улар ҳаётининг асрлар давомида нима бўлишини, киморда ганақ қўйгандек, очиб ташлади.

Гавгамела ёнидаги жанг Спитамен тақдирида ҳам алоҳида ўринни эгаллади. Бу ерда у ўзини фақат чаккон ва жасур жангчи сифатида эмас, балки урушаётган қўшиннинг моҳир бошлиғи, қўмондонларидан бири сифатида ҳам кўрсата олди. У ҳаммага, ҳатто душманга ҳам маълум шахс бўлди.



ИСЁН. МАКР. ЖАЗО

Қочишга мажбур бўлган Доро, шохликнинг узок ўлкаларида хали имкониятлар кўп, у ерларда Искандарга қарши урушиш учун куч тўплаш осон, деб ўйлади. У ўз аъёнларини: аждодларимиз ҳам жангларда аввал мағлубиятга учраб, кейин тезда аввалги қудратларини тиклаганлар, деб ишонтирди. Шундай умид билан у Мидия худудига кирди.

Гавгамела ёнидаги жангнинг эртасига Искандар қўшини Арбелага етиб келди. Ўнларча бошқа шаҳарлар каби, бу шаҳар ҳам қисқа вақтда уларга таслим бўлди. Бобилга йўл очилди ва тезда у ҳам забт этилди.

Бу ерда Искандар тантана билан «Бобил ва оламнинг тўрттала қисмининг шоҳи» деган унвонни олди ва биринкетин форсларнинг яна иккита пойтахтини — Суз ва Персеполини эгалади. Искандар қўшинига ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатилмади. Доронинг анчагина ҳарбий бошлиқлари Искандар томонига ўтишди. Қочоқ Мазей Бобилистон сатрапи этиб тайинланди. Сард вилоятини македонликларга топширган Мифрент Арманистонни бошқарадиган бўлди.

Искандар Суз шарига яқинлашганини билиб вилоят ҳокими, Абулитнинг ўзи уни шоҳона кутиб олди. Суз вилоятининг сатраплигини шох Абулитга қайтариб берди.

Сузда Искандар Доронинг қизи Статирага уйланди ва айни бир вақтда ўз аскарларига энг чиройли форс қизларини инъом этди. Доронинг онасини шох шу шаҳарда қолдирди. Искандар шохлик саройидан қирк минг талантлик олтин тангаларни ва ҳар хил қимматли зеб-зийнатлар ва бошқа бойликларни ташиб кетди.

Кейин Искандар Форс вилоятини талаб, Персеполдаги шох хазинасини кўриб чиқиш ва уни ташиб кетишни буюрди (Плутархнинг маълумотига кўра, у ердаги қимматбаҳо нарсалар ўн минг аравага ва беш минг туяларга ортиб, Македонияга юборилган).

Шох саройида тартибсиз дайдиб юрган оломон томондан ағдариб ташланган Хшаяршанинг катта ҳайкалини кўрган Искандар, ҳайкал олдида тўхтаб, жонли одамга мурожаат қилгандек, деди:

— Юнонларга қарши жанг қилганинг учун сени шу ётган ҳолатингда қолдирайми ёки ҳар хил ишларда жасурлик қилганинг учун кўтариб қўяйми?

Хаёл суриб анча тик турганидан кейин, Искандар индамасдан кетди. Аскарларига дам беришни майл этиб — вақт эса куз фаслининг охири ва қишнинг боши эди, — у Персеполда тўрт ой қолди.

Шоҳ бу ерда мусодара этган кўп бойликларни ўзининг яқин кишиларига тарқатди. Парменионга бойликлар тўпланган Багоя саройини инъом қилди. У ўз одамларининг ҳаддан кўп бойиб ва эрқаланиб кетганларини билса ҳам, бу ҳолнинг олдини олишга парво қилмас эди: теослик Гагион нуқра михлар қоқилган шиппақлар қия бошлади; Леоннатнинг жисмоний тарбия машқлари учун Мисрдан туяларга қум ортиб келтирдилар; Филотнинг балиқ овлаш учун тўплаган тўрлари юз стадия масофага етадиган бўлди; чўмилиш ва суртиш учун шоҳнинг дўстлари зайтун ёғини эмас, балки қимматбаҳо малҳам дориларни ишлатдилар, ўзлари билан ҳаммомчилар ва ходимларни олиб юрдилар.

Хайрон бўлиш мумкин эдики, улар ўз турмуш тарзларини меҳнаткаш форс халқининг турмуш тарзи билан солиштирмас эдилар ва қиёслашни истамас эдилар. Шунинг учун улар ҳисобсиз бойлик ва фароғат қулликдан ҳам ёмонлигини ва меҳнатдан салтанатлироқ фаолият йўқлигини билмас эдилар. Улар ҳар қандай камбағаллик зеб-зийнатга хирс қўйишдан паст эмас ва ҳар қандай фароғат меҳнатнинг роҳатбахшлигидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслигини билишга қизиқмас эдилар. Шунинг учун юнон-македон кўмондонлари ва аскарлари орасида бекорчилик, рақобат ва ахлоқсизлик кучайиб кетди. Искандар салтанатининг рақиблари унинг ҳукмронлик янги усулига ҳурматсизлик билан қараётган бир вақтда, у субҳидамдан бошлаб базмларда ўтирадиган бўлди.

Ўз ишларини саранжомаб, у форс шоҳи тахтининг саройида катта базм уюштирди. Тахтнинг залида ўриндиклар ва базмда ёнбошлаб дам оладиган картлар қўйилган бўлиб, улар қимматбаҳо қирмизи рангли матолар билан ўралганди. Оддий ва эскирган сарполар қийган македонликлар бу ўриндикларга ярашмасдилар, ораста қийинган форслар эса, байрамона кўринадилар.

Ха, шухратли форслар аллақачон Искандар шохлигининг даврасига кириб олган эдилар. Шох шуни хоҳларди. Чунки у барча халқларнинг шоҳи бўлишни орзу қиларди. Ёши анчага бориб қолган македонлик хизматчилар ватанларига қайтиб, қолган умрларини у ерда ўтказадилар. Бундан келиб чиқадики, улар шохнинг истаклари ва кейинги кирдикорларига ҳам тоқат қилсинлар.

Базм эрталабдан бошланди. Олийсифат узумлардан пиширилган шаробларни ичиб тезда ширакайф бўлиш ва турли фикрларга берилиш ҳаммани қайғулардан узоқлаштирди. Хурсанд қилувчи гап-сўзлар, кулги ва шовшув атрофни ўз оғушига олди, чилтор садоси эшитилди.

Шох бугун кўп ичди. Охирги пайтларда ўзи сезмай, ўзига тасалли бериш учун, у ичкиликбозликка берилган эди. У ўз македонликларининг шоҳ билан яқин алоқада бўлган форсларга қийшиқ қарайдиган бўлганларини билди; агар бирон форс шоҳга Зевснинг ўғли деб мурожаат қилса, унга кулардилар... Агар бирон юқори мартабали форс шоҳ хузурига кириб, унга таъзим қилса ва шоҳ махаллий одатга мувофиқ уни ўпса, македонлик кўмондонларнинг аксарияти унга қийшиқ қарардилар. Нима учун? Форслар ўз шоҳларига ергача бош эгиб, таъзим қиладилар, чунки шоҳ улар учун — қарийб Худо ҳисобланади. Улар Искандарга ўз одатлари бўйича таъзим қилардилар, чунки у ҳам Худонинг ўғли.

Шу хаёллар билан шоҳ қадах тўла майни охиригача ичди ва қадахни яна май билан тўлдиришни буюрди. Гавгамел ёнидаги жангда ярадор бўлиб, ҳали ўзини ўнглаб олмаган Гефестион шоҳнинг кўп май ичганини маъқулламагандек, унга тикилиб қаради. Унинг ўзи хушёр эди.

Базм яна шавқлироқ бўлди. Кексалар македонлик кўшиқларни хиргойи қилдилар. Ҳазиллар, латифагўйлик, қаҳқаҳа...

Шу вақт базм шов-шувига сиринг (най турларидан бири) садоси қўшилди. Сиринг чалувчи келишган, ярим яланғоч ёш аёллар пайдо бўлдилар. Улар бошларига гулчамбарлар кийган, сирингларини чалиб ширакайф меҳмонлар ўртасида айланиб юрардилар. Меҳмонлар сиринг чалувчиларни хурсандлик шовқини билан қарши

олдилар. Шох уларга туман қоплаган кўзлари билан қаради... Бир вақтлар у бундай базмларни ёмон кўрарди. Аммо бугун у базм ва унинг иштирокчиларини тахкирламади.

Базм кечгача, танаффус ва дам олиш билан давом этди. Такъягичларда ухладилар, боққа чиқиб тароват (шодоба) олдилар. Ва яна едилар, ичдилар, хурсандчилик қилдилар.

Қуёш ботиши билан, тезда қоронғи тушди. Зал устунларининг орқасидан, қоронғида машъаллар қизил тилларини кўрсатдилар.

Искандар ҳали ҳам хавфланмай ўтириб, суюқоёқ хотинлар билан чақчақлашарди. Улардан бири Таис, кайф устида, агар шох форслар пойтахтидаги саройга ўт қўйса, барча юнонлар ҳурматига сазовор бўлиши мумкин, деб ишонтирди, буни гўё уйларини форслар бузган барча кишилар кутаётган эмиш. Маст фоҳишанинг бундай жиддий масалада шунчаки енгилтаклик билан айтган сўзига базмдаги кайфи баланд икки-уч киши ҳам қўшилди, шох бу борада вазмин бўлиш ўрнига, енгиллик қилди:

— Нима учун биз, ҳақиқатан ҳам, Юнонистон учун ўч олмас эканмиз ва қасрга ўт қўймас эканмиз?

Шохнинг бу сўзидан ва майхўрликдан қизишган базм иштирокчилари, жанг вақтида вайрон этилмаган қасрни ёндириб ташлашга шошилдилар. Саройга биринчи бўлиб шохнинг ўзи ўт қўйди, ундан кейин меҳмонлар, хизматкорлар, фоҳишалар. Кенг сарой жалғўза (кедр) дарахти ёғочидан қурилганлиги учун, тез ёниб кетди. Буни кўрган, шаҳардан узоқ бўлмаган истехкомдаги аскарлар, қасрга тасодифан ўт тушгандир, деб оловни ўчириш учун шошилиб келдилар. Лекин сарой остонасига келиб, улар шохнинг ўзи биринчи бўлиб ўт қўйганини билдилар. Пақирларда олиб келган сувни тўкиб ташлаб, аскарлар ҳам оловга ёнилги ташладилар. Бутун Шарқ шохлигининг пойтахти ана шундай тақдирга дучор бўлди. Ундан нишона қолди, холос.

Эртасига Искандар форс вилоятдан Мидияга бориб кирди ва Киликиядан келган янги ёлланган аскарлар билан учрашди. Келиб қўшилган янги аскарларни қабул қилиб, у яна Доро орқасидан қувишни давом эттирди.

Шу орада Доро Экбатанга бориб етди. Бу Мидия вилоятининг пойтахти ва форс шоҳларининг ёзги турар жойи. Бу ердан кейин Доро Бактрияга ўтмоқчи эди, лекин Искандарнинг тез ҳаракат қилаётганидан, унинг қўлига тушмаслик учун ўз режасини ва йўлини ўзгартирди. Искандар унда бир мингу беш юз стадия (тахминан 270 км) орқада эди, аммо бу масофани босиб ўтиш унинг тез ҳаракат қилаётгани учун ҳеч гап эмас эди. Доро билан ўтгиз минг пиёдалар, жумладан шоҳга содик қолган тўрт минг форслик (маҳаллий) юнонлар борардилар. Палахмончилар ва тир отувчилар тўрт минг киши эди, бундан ташқари, унинг уч мингу уч юз бактриялик ва суғдий отлиқ аскарлари бор эди. Уларга Бесс бошчилик қиларди. Бу қисм билан Доро катта ҳарбий йўлдан сал четга чиқиб, маркитантларнинг олдинга боришларини буюрди. Кейин бошлиқларни тўплаб, уларга деди:

— Менинг қўмондонлигим остидаги, мағлубиятимиздан аввалги саноксиз кўп ҳарбий кучлардан ҳозир фақат сизлар қолиб, мени кузатяпсизлар. Сизларнинг содиқлигингиз ва чидамли эканингиз менга ҳали ҳам шоҳ эканлигимга ишонч ҳосил қилдиради. Мазей ва Мифренга ўхшаган хоинлар ва қочоқлар менинг шаҳарларимда ҳукм сурмоқдалар. Лекин сизлар, қолиб чиққан душман билан эмас, балки мен билан тақдир тақсимлашни афзал кўрдингизлар. Сизларнинг жасоратларингизга таяниб, мен душманга қарши чиқмоқчиман. Менинг тақдирим бахтнинг бебаҳолигини кўрсатди, тириклайин мен ҳокимиятдан воз кечмайман, унинг охири менинг ҳаётимнинг охири бўлади. Ўзларингизнинг ва қабилаларингизнинг шуҳратига арзигулик жасур бўлинглар. Мени асрлар оша машҳур этадиган ғалаба ёки шавкатли ўлим кутмоқда.

Бу сўзларни Доро айтар экан, уни тинглаётган аскарларнинг юрақлари уруш хавфининг яқинлигини сезиб сиқиларди. Йиғилишда ҳамма жим ўтирди. Ниҳоят, шоҳнинг эски дўсти Артобаз сўзга чиқди:

— Албатта, биз қимматбаҳо кийимларни кийиб, қурол-аслаҳалар билан қуролланиб, шоҳимизни кузатиб, ғалабага ишонч билан жангга боряпмиз, аммо ўлимдан ҳам тоймаймиз.

Бошқалар жим турдилар. Бу ерда иштирок этаётган Набарзан ва Бесс ўзаро яширинча тил бириктириб, ўз ихтиёрларида бўлган аскарлар ёрдами билан шохни ўлдириш ва тахтни эгаллашга қарор қилдилар.

Ўнгилишдан кейин, қуриган паттизорлар ва лой босган ғадур-будур дўнгликларда ўтириб олганлар қозонларда қанаётган ёвғон шўрвани кутиб, Доро қўшинининг мағлубияти сабаблари ҳақида фикр юритдилар. Аскарлар ўз тақдирлари ҳақида ҳам фикрлашар ва гапирардилар.

Гулхан олдида ўтирган ўртача аралаш бўлинманинг кичик гуруҳи бошлиғи Калон оловга тинимсиз тикиларди. У уч-тўрт йилдан бери босқинчиларга қарши урушда иштирок этмоқда. Бу орада у бир неча минг чакирим йўлни сувора ва пиёда босиб ўтди. Бу лаънати урушининг яна қанча давом этишини худонинг ўзи билади. «Бу қандай ҳаёт!» — ўйлади Калон. — Умримда, на ёшлиқда, на ҳозир, тинчлик қўрмадим, ахир, ҳаётдан менга қўй нарса керак эмас-ку...».

Калоннинг ҳаёлини аскар-афғон Жиён ўз саволи билан бўлди:

— Нахотки, форс аскарлари шунчалик ношуд бўлсалар, ҳатто ўзларини химоя қилолмайдилар.

— Сен нимага бундай дейсан?

— Ҳа, қўриб юрибман-ку, бир юнон ёки македонлик ҳатто тўрт-бешта форсни бирёклама қилмоқда.

— Менимча, уларнинг қуроллари ҳам ҳеч нарсага ярамайди, — қўшиб қўйди бактриялик Бабрак. — Жанг усулига ҳам уларни ўргатмаганлар, ким қандай уддаласа, шундай олишади.

— Қуролдан яхши фойдаланиш керак, — деди Калон. — Менимча, уларнинг ҳарбий бошлиқлари ўз аскарларининг моҳирлигини ошириш устида умуман ишламаганлар. Форснинг ўзи ҳам заифлашиб қолибди. Бу нима деган гап, худонинг куни йўқки, сатраплар ўртасида зиддият ёки хиёнат бўлмаса. Мамлакат камситилган. Ниҳоят, шох Умасуга захар ичириб ўлдирган қотил аниқланибди. Бу хўжасарой Багой экан, у ҳозирги шох — Доро Кодоман жонига ҳам қасд қилган экан, лекин шох бундан воқиф бўлиб, захарни қотилнинг ўзига ичирибди. Форс касал одамга ўхшайди. Касалнинг кучи бўладими?

Сизларга тушунарлими? Форсларнинг аскарларига келганда, хаммалари эмас, уларнинг кўпчилиги эркаланган, тарбияни тўхтатиб қўйганлар, ҳатто қуролдан фойдаланишни унутганлар. Бизлар эса ўзимизни авайлашимиз керак, биз хали ўз қабилаларимизга керак бўламиз... Ҳа, ёвғон шўрва пишдимиз?

Навтоклик бошлик, гулхан атрофига ўз гуруҳини йиғиб, уларнинг кечки овқатини ташкил этиш билан шуғулланди.

Шу орада Набарзан, Бесс билан келишган режаларини амалга ошириш учун шоҳ чодирига кирди ва уни алдамочки бўлиб, деди:

— Мен биламан, биринчи қарашда сенга номақбул, аммо фойдали гапни айтишим керак. Табиблар ҳам кўпинча касалларни қаттиққўллик билан даволайдилар. Мен сенга зарарли маслаҳат эмас, балки шоҳликни ва ўзингни оқиллик усули билан қутқариш йўлини кўрсатмоқчиман. Биз худоларнинг розилигисиз урушга кирдик, шафқатсиз тақдир форсларга раҳм қилмаяпти. Ҳаммасини янгитдан, янги тартиб билан бошлаш керак. Вақтинча ҳокимиятни ва қўмондонликни бошқа бировга бергин, душман Осиёдан кетганича у шоҳликни бажариб турсин. Кейин у қолиб сифатида сенинг шоҳлигингни ўзингга қайтариб беради. Ақл бундай ғалаба тез келишлигини кўрсатади. Бактрия хали тегинмаган, суғдийлар, саклар, массагетлар ва хиндулар сенинг қўлингда, кўп халқлар, кўпминглик пиёда ва суворийлар янги урушга тайёрланмоқдалар, олдинда турган жанг ўтган жанглардан кучли бўлади. Нимага биз, ваҳший ҳайвонлар каби, заруратсиз ўз ажалимизни яқинлаштирамыз? Ишончли бошпанага, Бактрияга жўнаймиз ва вақтинча унинг ҳокими Бессни шоҳ этиб тайинлаймиз. Барча ишларни саранжом этгандан кейин, у ўзининг шартли ҳокимиятини сенга, қонуний шоҳга топширади.

Табиийки, Набарзаннинг номуссиз сўзлари хали уларнинг жинойи режаларини тўлалигича очиб бермаса ҳам, Доро ўзини тўхтатолмади. Шоҳ ғазабланиб қичқирди:

— Разил кул, сен ўзингнинг жирканч жиноятинг учун айни вақтни топибсан!

Шоҳ ўз ханжарини кинидан тортиб олиб, унга ҳамла қилди, агар уни ўраб олган, ҳатто куч ишлатишга ҳам

тайёр бўлган Бесс бошчилигидаги бактрияликлар тўхтатмаганда, у Набарзанни чопиб ташларди. Шу пайт Набарзан қочди, унинг орқасидан Бесс ҳам ғойиб бўлди, ўз режаларини яширинча амалга ошириш учун улар ўз аскарларига бошқа қисмлардан ажралишни буюрдилар.

Артобаз вазиятга мослашмоқчи бўлиб, Дорони бу тушунмовчиликка ёки ўз кишиларининг адашиб гапирганига диққат бўлмагин, деб тинчитди ва ўзлари билан қолишга кўндирди. Доро истар-истамас Артобазга кулок солди ва олдин бу истехкомдан кетмоқчи бўлса, энди умумий саросималикни кўриб, шу жойда қолди. Ғамгинлик ва умидсизликка учраб, у ўз чодирда якка ўзи ётаверди. Ҳеч қандай раҳбарлик бўлмаган, тартибсиз истехкомда турли кайфиятлар тарқалдилар, лекин ишлар аввалгидек, мажлисда эмас, ўзаро муҳокама этиларди. Кўнгилли юнонларнинг бошлиғи Патрон ўз кишиларига қўлга қурол олиб тайёр бўлишни буюрди. Форслар ажралишдилар, Бесс бактрияликлар ичида бўлиб, форсларни ҳам ўз орқасидан эргаштиришга интилди, уларга Бактрияга қочмаган, унга эргашмаганларга хавfli бўлади, деб кўрқитди. Аммо барча форслар бир овозда шохни ташлаб кетиш ярамайди, дедилар. Шу вақт бош қўмондонлик вазифасини Артобаз ижро этди: у форслар чодирларини айланиб чиқиб, гоҳ алоҳида аскарларни, гоҳ ҳаммаларини руҳлантириб, ўз вазифасини бажариб юрди. Дорони эса у зўрға оқатланишга рози қилиб, шохлик руҳига қайтишини сўради.

Бесс ва Набарзан эса, тахт хирсига мубтало бўлиб, анчадан бери режалаштирилган жиноятни бажаришга қарор қилдилар, Доро тириклигида шохнинг ҳурмати юксак эканлигидан улар керакли кучни тўплашга ишонмасдилар. Бесс ва Набарзан барча томонларни муҳокама этиб, бактриялик аскарлар ёрдамида шохни хибсга олиб, Искандарга хабарчи юбормоқчи бўлдилар. Агар Искандар уларнинг хоинликларини рад этса, улар Дорони ўлдириб, Бактрия, Суғдиёна ва бошқа вилоятларни эгаллашни мўлжалладилар. Аммо Дорони очикдан-очик хибс этиб бўлмасди: унга кўп минглик форслар ёрдам беришлари мумкин. Бесс ва Набарзаннинг режалари Спитамен ва бошқа ватанпарварларга маълум эмас. Шунинг уун суиқасдчилар куч билан амалга ошириб бўлмайдиган мақсадларини маккорлик билан бажаришни кўзладилар.



Шу пайт Артобаз хоинлар олдига келиб, шох буйруғи биланми ёки ўз ташаббуси биланми, шох анча юмшади ва аввалгидай сизларга хайрихоҳлик кўрсатмоқчи, деди. Кўз ёшларини тўкиб, улар гоҳ ўзларини оқлаб, гоҳ Артобазни дуо қилиб, у орқали шохга кечирим сўраганларини етказишни илтимос қилдилар. Шу билан тун ўтди, эрталаб Набарзан бактрияликлар билан шох қароргоҳига етиб келди, ўзининг разиллигини хаспўшламоқчи бўлди. Доро ташқарига чиқиб, одат бўйича, аравачага ўтира бошлади. Набарзан ва бошқа разиллар эса сурбетлик билан ўзларини ерга ташлаб, яқинда ушлаб қўл-оёқларига кишан урмоқчи бўлган одамнинг оёқлари остига кўз ёшларини тўкдилар. Шох ўзини кучайиб бораётган хавфдан холи бўлдим деб, Искандарнинг кўлига тушмаслик учун йўлга шошилди.

Юнонлар бошлиғи Патрон, Бесс ва Набарзаннинг маккорлигидан хавотирланиб, бу ҳақда шохни огоҳлантирди ва уни ўз ҳимоясига олмоқчи эканлигини айтди. Доро эса, юнонларнинг содиқлигига ишонаман, лекин ўз сафдошларимдан ажрашолмайман, деб жавоб берди. Умидсизланган Патрон, ўзи бошчилик қилаётган қисмига кетди.

Бесс эса, Патроннинг шохни хавфдан қутқармоқчи бўлганидан хабар топиб, шохни дарҳол ўлдиришни мақсад қилди, шохнинг боши учун қатта мукофот олишни мўлжаллади.

Мухит шу даражага бориб етдики, шохнинг ўз кишиларига ишонмаслиги ҳам, алданиши ҳам бир хил хавфли эди. Шохга қарши жинойт қилишга тайёрланаётганларнинг сони кўп бўлиб, Патроннинг одамлари эса — жами тўрт минг, агар шох ўз кабиладошларини ёмонлаб, шахсий хавфсизлигини юнонларга топширса, унинг фикрича, у ўз ўлимини маъқуллаган бўларди. У конуний ўлимдан кўра, конунсиз зўрликни бошдан кечиришни афзал кўрди. У, мен Искандарнинг фақат жасурлигини эмас, балки одиллигини ҳам биламан, хоинлик учун ундан тухфа кутадиганлар янглишадилар. Содиқликни бузиб, сотқинлик қиладиганларни ҳеч ким у каби қаттиқ жазоламайди, деб ҳисоблади.

Тун яқинлашди ва форслар одатдагича, қуролларини қўйиб, атроф кишлокларидан ўзларига керакли маҳсулот йиғиш учун тарқалиб кетдилар, бактрияликлар

эса, Бесснинг буйруғига мувофик, қуролларини қўйдилар.

Шу пайт Доро ўз ҳузурига Артобазни чақириб, ягона таянчи сифатида унга видолашадигандек қаради. Шох ўзини якка қўйиб кетишини буюрганда, икковлари ҳам йиғладилар.

Шахсий соқчилар шохни хавфли вақтда ҳам химоя этишлари лозимлигига қарамай, кочиб кетдилар, чунки қуролланган кишиларнинг келишини билиб, улар билан тенглашолмасликдан қўрқдилар. Шундай қилиб, шох чодирида сукут вужудга келиб, у билан бирон томонга борадиган жойлари бўлмаган бир неча хўжасаройлар қолгандилар. Шох эса бирон-бир қарорга келиш учун узок ўйлади. Ниҳоят, аввал яккаликни афзал қўрган бўлсада, энди яккалик ҳам уни эзаётганлигидан, у ўз ҳузурига хўжасарой Бубакни чақириб, унга деди:

– Энди кетинглар ва ўз ҳолингни ўзларинг кўринглар, шохларинг олдида доим ўз бурчларингни бажардинглар. Мен эса ўз тақдиримни шу ерда кутаман.

Бу сўзлардан кейин хўжасарой ваҳимали фарёд қўтариб, фақат шох қароргоҳини эмас, бутун истехкомни бу фожиадан хабардор қилди. Ҳар томондан йиғи билан чоғиб келаётганлар, ўз устларидаги кийимларини йиртиб, шох ўлибди, деб фарёд қўтардилар. Бу шовқин-сурон форслар қулоғига етгач, ваҳимадан, бактрияликлардан қўрқиб, қўлларига қурол ҳам олмадилар. Қий-чув ва сурон бошлиқсиз қолган бетартиб истехкомни ўз оғушига олди.

Бесс ва Набарзанга уларнинг одамлари: шох ўзини ўзи ўлдирибди, деган хабарни етказдилар, улар йиғи-сурондан янглишгандилар. Шундай қилиб, улар от чопдириб келдилар, орқаларидан уларнинг хоинликка шериклик учун ёлланган ёрдамчилари ҳам чопдилар. Шох чодирига кириб ва хўжасаройлардан шохнинг тириклигини билиб, уни ушлаб кишанладилар. Хоинлар шохни ҳамма томони терилар билан ўраб беркитилган, ифлос аравага миндирдилар, унинг пул, бойликлари ва шохона кийим-бошларини талаб, олиб кетдилар.

Артобаз ва шохга содиқ кишилар юнон аскарлари билан бирга, котиллар кўзида кўриниб юргандан кўра, ҳар қайси жойда ҳам хавфсиз юришимиз мумкин, деб Парфияга жўнашди.

Форслар Бесснинг ваъдаларига ишониб, айниқса кимнинг ҳам орқасидан эргашишларини билмай, бактрияликларга қўшилдилар ва уч кундан кейин уларнинг бошқа гуруҳларига, жумладан Спитамен ва бошқа суғдийларнинг аскарларига яқинлашдилар. Хоинлар-йўлда Доронинг қўл-оёқларидаги кишанларни олтин кишанлар билан алмаштирдилар. Тасодифан биров уни сезиб колмасин, деб аравани яхшироқ бекитдилар, сокчиларни нотаниш кишилар билан алмаштирдилар, улар йўлда бировнинг ҳеч қандай саволига жавоб беришлари мумкин эмасди. Аравани қўриқлайдиган кишилар ундан анча масофада юрардилар. Қочоклар Рагос шаҳрини орқада колдириб, Гиркан тоғлари ва Каспий дарвозасидан ошиб ўтдилар.

Тонг ёришди. Милоддан аввалги 330 йил ёз фаслининг эрталабки салқин чоғи. Ариқ бўйида қисқа муддатда дам олиш учун улар ўз қуролларини бир жойда тўплаб қўйиб, ҳар ким ҳар ерда ўтириб, нонушта қила бошладилар. Спитамен, Катан ва Бахтвар Бесс ўтирган жойнинг яқинида ўтириб қолган эдилар. Бесс арава ёнида эди ва ундан кўз узмасди. Спитамен ва унинг дўстлари Бесснинг нима учун бу аравага бунчалик диққат билан қарашининг сабабини билмасдилар. Улар Бесснинг макри ва жинойтидан хабарсиз, бу аравада ким ўтирганлигини ҳам билмасдилар. Шу пайт Бахтвар сўз бошлади:

— Мен, бу жангда сон жихатидан кўп бўлатуриб, мағлубиятга учраган ўзимга миллатдош форслар учун уяламан.

— Форс халқи бунинг учун айбдор эмас, — дўстини огоҳлади Спитамен. — Форслар, жасур ва меҳнаткаш халқ. Мана, сенинг отанг Багиз, меҳнатсевар ва беғараз киши бўлганлиги учун, уни ҳамма севади. Сени эса, форсни, отанг сингари ҳалол, меҳнатсевар, беғараз ва жасурлигинг учун ўзимнинг яқин дўстим деб биламан.

Каспий дарвозаси томонидан эсаётган шабада Спитамен кайфиятини кўтарди. У анчадан бери ҳозиргидек яхши кайфиятни сезгани йўқ. Агар ёмон руҳият чоғида унинг афти кишини чўчитса, ҳозир табассум қилиб, у анча ёш ва чиройли кўринарди. Шундай ёқимли кайфиятда, Спитамен ўз дўстларининг ғамгинлигини таркатмоқчи ва Бахтварнинг нотўғри тасавбури туфайли афсус-

ланганлиги учун бу масалага аниқлик киритмоқчи бўлди:

— Узоқ жанубий ўлкаларда, илик денгиз бўйларида, кўк тоғлар водийларида, ҳам нималигини билмай, форс халқи истикомат қиларкан. Бу халқ худолар билан баҳслашмасдан, от ва қўйларни кенг далаларда ўтлатиб ҳаёт кечирар, Ахамонийлар эса уларни бошқарарканлар. Бу, шуҳратли уруғ ва қабила экан. Ахамонийлар уруғидан бўлган Кайхисрав (Куруш) исмли киши форсларнинг биринчи шоҳи бўлибди.

Спитамен қўлига қалқонни олиб, доирага ўхшатиб уни баъзан чертиб, яна ҳикоясини давом эттирди:

— У ўз қиличини узоқларга чўзди. Кўп турли мамлакатларни босиб олди. Ҳеч қачон мағлубиятни билмади. Камбужия ботирни хотирларингиздан чиқарганингиз йўқми, менинг дўстларим? У ўз отасининг изини босди. Мисрликларни ўзига бўйсундирди. Унинг авлодидан, Виштаспнинг ўғли Доро душманларга қаттиқ зарба берди ва форслар мамлақати шундай қудратли бўлдики, дунёда унинг тенги йўқ эди. Ер юзида, Юнонистондан ташқари, форслар босиб олмаган давлат қолмади. Ер юзида, юнонларнинг олтинидан бошқа, форслар тўплаб олмаган олтин қолмади. Ер юзида юнон йигитларидан бўлак, форсларга хизмат қилмайдиган эркак қолмади. Хўш, бунга қандай чидаш мумкин? Ана, ўша Буюк Доро, Виштаспнинг ўғли, юнонларга қарши уруш бошлади.

Спитамен кулимсираб, бошини қалқон устига эгиб, бармоқлари билан уни яна чертиб, овозини жўрттага чўзиб ҳикоясини давом эттирди:

— Вой дод! Юнонларни қилич билан чопай деса, уларни қилич кесмади. Найза отса, уларни найза олмади, тир отса, уларни тир тешмади. Юнонлар форс жангчиларини мағлуб этдилар. Бу қандай бебахтлик?

Юнонларга қарши урушиш учун Доронинг ўғли Хшарша борди. Кемаларда сузди, кемаларни чўктирдилар. Қурукликдан борди, уриб хайдадилар. Фазода учиб борай, деса, қаноти йўқ. Бу қандай бебахтлик?

На Артахшас I, на Доро II, на Артахшас II, на учинчиси — улар қанча бўлмасалар, Доролар ва Артахшаслар — юнон ёнғоғига тишлари ўтмади. Бу қандай бедодлик? Сен қандай ўйлайсан, Бахтвар, аламлими?

Спитаменнинг кўзлари қисилди, у форсларга зимдан қараб, тишларининг оқини кўрсатар, улар эса хўмраярдилар, ҳатто, яқиндагина беғамлик билан хаҳолаб кулаётган Бесс ҳам ҳозир бошини эгиб, хўкизга ўхшаб хўмрайиб, ўз жағларини қимирлатди.

— Бўлди, Спитамен! — чидаёлмай кичқирди Бесс. — Эсингдан чиқардингми, мен, сенинг дўстинг ҳам Ахамонийлар авлодидан-ку?!

— Оҳо, энди сен ҳам хафа бўлдингми? Агар сен менинг дўстим бўлсанг, кулоқ сол. Кўпми, озми вақт ўтгандан кейин форсларнинг кучи заифлаша борди. Агар бир вақтлар форс аскарлари юнонларнинг далаларини оёк-ости қилган бўлсалар, кейин шундай давр келдики, энди ҳаммаси аксинча бўлди. Икки шоҳлик Искандар шарққа қараб ҳаракат қилмоқда. Доро Учинчи эса қочиб кетмоқда, лекин у қаергача ҳам қоча олади?!

Спитамен достонини аравадан чиққан овоз узди. Унинг ичидан кимдир кичқирди:

— Хой, мени аравадан туширишга ёрдам беринглар!

Ҳеч ким ўз ўрнидан қимирламади. Шунда Спитамен, ўрнидан ирғиб туриб арава ёнига борди-да, ёрдам сўраган кишига қўлини чўзди. Шақирлаган кишанлари билан, маҳбус ерга тушди ва инграб тиззаларини ушлади.

Яхши кийинган маҳбусни кўриб Спитамен ҳайрон бўлди, чунки бу оадми у биринчи кўрипти эди. Ундан сўради:

— Сен ким бўласан, маҳбус?

— Мен Дориёвуш Кодоман, — жавоб берди маҳбус.

— А-ҳа, мана қандай экансан. Агар шундай бўлса, сен менинг сўзларимни албатта тинглаб ўтирган эдинг, айтгин-чи, нега шундай бўлди? — Суғдийнинг кошлари қаншарига яқинлашди, юзи жиддийлашиб кетди. — Мен сендан сўраяпман, Дориёвуш Кодоман? — У маҳбуснинг елкасидан ушлади. — Чунки сизларнинг ҳаммаларингиз фақат оласизлар, оласизлару бировга бермайсизлар! Бизлардан ва бошқа халқлардан олтин оласизлар. Молларни оласизлар. Одамларни оласизлар. Лекин эвазига бизларга ҳеч нима бермайсизлар! Қаерда, қачон ва ким бунга тоқат қилган? Мана нимага сени ҳамма оғир кунингда ташлаб кетди, Дориёвуш Кодоман, энди, кунинг охирлашаётган пайтда, ҳеч ким сенга, бир култ сув ҳам

бермайди. Аҳамонийлар авлодининг гуноҳи учун худо шундай жазоламоқда!

Бесс тутокиб кетди, маҳбус эса чидаёлмай, тишларини фижирлатиб, кичкирди:

— Гўнг қуртларидан таркаганлар, сизларни Ахриман жазоласин!

Буни эшитган Бесс, ханжарини қўлига олиб маҳбусга ташланди:

— Жим бўл, чиябўри, ёки сенинг сассиқ тилингни кесиб ташлайман!

Маҳбус чўчиб, кафтларини олдига қўйиб оркага сурилди. Спитамен Бесснинг қўлидан ушлади:

— Тинчлан, Бесс!

— Менга далда берма! — Бесс Спитаменни четга итарди. — Нега у ўзини эмас, бизни қарғайди? Унинг учун мен шу ахволга тушмадимми? Унинг айби билан мен икки ярим йилдан бери ёввойиларга ўхшаб, дайдиб юрибман ва бу юришларнинг охири борми? Бунинг устига, у яна менга худолар қаҳрини ёғдирмоқда! Сенга уч ўлим ҳам кам, қўрқоқ сиртлон.

У яна ханжарини кўтарди, лекин Спитамен яна уни ушлади.

— Сен ҳақ гапни айтяпсан, Бесс, — у мулойимлик билан деди. — У, балки, олий жазога арзийди. Лекин бундай кишиларни суд қилмай ўлдириш яхши эмас. Унинг тақдирини давлат оқсоқолларининг Мажлиси ва мамлакатнинг Олий суди ҳал қилиши керак.

Бесс қалин қошларини чимириб маҳбус томонига тупурди ва норозилик билан пўнғиллаб ханжарини қинига тикди.

— Сен ёмон одам бўлсанг ҳам, барибир одамсан, — маҳбусга қараб, деди Спитамен. — Гулхан олдида ўтириб дам олгин. Ҳозир шўрва пишади, сихларда гўшт ҳам пишади. Овқатланамиз-да, яна жўнаймиз.

Маҳбус оқсаб, судралиб гулханга яқинлашди, Спитамен авайлаб унинг қўлидан ушлади.

— Эй марҳаматли Ахура Мазда! — маҳбус, тиконли ўтлар устида ўтириб, йиғларди. — Эй олам худоси, мен нима билан сени ғазаблантирдим? Ёки энди сенинг қўлларинг мадорсиз қолдими ва ҳамманинг тақдирини ҳал этиш кучини сенинг жоҳил ининг Ахриман ўз қўлларига олдими?

У тишларини гижирлатиб, муштлири билан бошига урарди, лекин ҳеч ким уни юпатиш учун бирон сўз айтмади.

Спитамен унинг ёнида ўтириб хитоб қилди:

— Хой косаларни тайёрланглар! Шўрванинг мазасини кўрайлик!

Аммо Спитамен ва унинг ҳамроҳлари шўрванинг мазасини татишга улгурмадилар. Тепалик орқасидан от чопдириб ўтаётган форс кўринди. Ваҳимадан унинг оғзи қийшайган эди. Дам олувчиларнинг ёнидан от чопдириб ўтаётганида, у фақат бир сўз айтди:

— Искандар!..

Ҳамма бирданига гулхан атрофидан сакраб турди. Аскарлар отларини шошлинч ушлаб олиб, қалтираётган қўллари билан уларнинг боғламларини ечардилар. Қочоқларни ваҳима босиб, бармоқлари калтирар ва отларининг коринбоғларини тортолмасдилар, жониворлар ўз эгаларининг кўркаётганини сезиб, депсинар ва сакрардилар. Аскарлар гўё уларни Зулкарнайн эшитиши мумкин бўлгандек, пичирлаб сўкинардилар.

Спитамен ўз отига миниши билан, тишларини ярқиратиб ўз аскарларига буйруқ берди:

— Тезроқ тайёрланинглар ва менинг орқамдан эргашинглар!

Йўлга равона бўлаётганда Спитамен кўрдики, Бесс ва унинг шериклари гулхан атрофида ўтирган Дорони ўраб олиб, уни отга миниб душмандан қочишга мажбур қилмоқдалар.

Доро эса ўч олувчи худоларга ишониб ва Искандарнинг мардлигига умид боғлаб, қотиллар орқасидан боришдан бош тортди. Шунда улар ғазабланиб, унга найзалар отиб ярадор қилдилар ва ташлаб кетдилар. Улар юк ташувчи жониворларни ҳам, юролмасинлар, деб уриб ярадор қилдилар, шохни кузатаётган икки нафар хизматкорни ўлдирдилар. Бу жиноятларни содир этиб, қочиш йўлларини адаштириш учун, Набарзан Гирканинга йўл олди, Бесс эса бир қисм отлиқлар билан Бактрияга жўнади.

Спитамен бир оз от чоптиргандан кейин, Бесс, Набарзан ва уларнинг шериклари орқада қолганларини сизди. Қочоқлар ичида шох ва унинг хизматкорларини ҳам

кўрмади. «Уни ўлдирадилар!» — ўйлади суғдий ва отини орқага бурди.

Бир оздан кейин у от чоптириб келаётган Бессни кўрди.

— Сен кечикдинг! — унга илжайиб деди Бесс, ёнидан ўтаётиб. — Хаммаси тамом бўлди.

Спитамен унинг орқасидан от чопдирди, кичкириб нимадир демокчи бўлди, лекин дархол бу фикридан қайтиб, кулимсиради ва қўл силтади.

Қочоқлар бошлиқсиз қолиб, бировлари омадга умид боғлаб, бошқалари душманнинг хавфидан кўркиб ҳар томонга тарқалиб кетдилар.

\* \* \*

Искандар душманнинг парокандалигини сезиб, Птолемей Лагни бир қисм отликлар билан унинг қочиш йўлларини тўсиш учун олдинга жўнатди, ўзи эса бошқаларни бошлаб орқадан ҳаракат қилди, йўлларда қаршилиқ кўрсатган уч мингтача қочоқлар ўлдирилди, асирга олинганларни эса мол каби хайдадилар. Қочоқларнинг ҳеч бири Доро аравасини кўрсатолмасди. Буцефалини чоптириб кетаётган Искандар орқасидан уч минг отликлар зўрға улгурардилар. Қочиб кетаётган форслар йўлларнинг ҳар жой-ҳар жойида учрар ва асирга олинадди. Маҳбусларнинг сони уларни асирга олганлардан кўп эканлигига ишониш қийин: улар шунчалик ваҳимага тушган эдиларки, уларнинг қанчалик кўп эканликларини ва душманнинг озлигини ҳам фаҳмламасдилар.

Этарлар гуруҳи — шохнинг яқин кишилари сариқ тепалик орқасига ўтиб, қочоқлар дам олган ариқ бўйидаги жойга етиб келдилар. Бу ерда улар ярим жонли нотаниш киши устида йиғлаб ўтирган кичкина форс ва эгаси олдида, унга содиқлик билан қараб турган итни учратдилар. Уларнинг ёнларидаги гулхан устида, қозонда шўрва қайнаётиб, унга ҳали ҳеч ким қўл текизмаган.

Птолемей ўлаётган киши форсларнинг шоҳи Доро эканлигини аниқлади, ярадор маҳбус унга узок сўзлаб, кейин жон берди.

Искандар жасад олдига етиб келди ва Доронинг ўлдирилиши тафсилотини аниқлади.

— Ким... уни ким ўлдирди? — сўради у, ўз хўжайини бошида йиғлаб ўтирган кичкина форсдан.



— Мингбоши Набарзан ва Дрангиана сатрапи Барзант. Улар Бактрия ва Суғдиёна сатрапи Бесснинг қабихлиги ва иштироки билан иш тутдилар.

— Бесс? О малъун! Улар билан яна ким бор эди? — сўради Искандар Птолемейдан.

— Суғдий Спитамен ва унинг дўстлари.

— Хм... Бу ерда ҳам Спитамен, қизиқ. Нима, Спитамен ҳам қотилликка иштирок этдими?

— Йўқ. У ўз дўстлари билан Доро ўлдирилганидан аввал, шох тақдирини давлатнинг оқсоқоллар Мажлисида ва мамлакатнинг Олий судида муҳокама этиш лозим, деб кетиб қолган экан. Аммо қулнинг сўзига қараганда, Кодоманнинг ағдарилганлигидан бошқалар йиғласалар, Спитамен хурсанд бўлган экан.

— Қизиқ бу одам. Аммо Бесс! О ярамас! У менинг қўлимдан, тўрт йилдан бери қувлаб юрган ўлжамни тортиб олди! Тўрт йилдан бери мен Кодоманни кузатиб юрдим. «Илиада» эсингдами? Тўрт йилдирки, Дорейос менинг қўл остимдан чиқиб қочади, мана энди қўлимга тushаётганда... о, ер ютсин бу ярамас Бессни! Менинг бошимга Кодоман ўзининг шохлик тожини кийдиришини хоҳлардим. Ўшанда бутун Осиё мени ўзининг ҳақиқий ҳукмдори, деб тан оларди. Варварлар эса ҳозиргина қараганда озрок шовқин кўтарган бўлардилар. Шундайми?

— Шундай.

— Лекин Бесс менга халақит берди, уни ер ютсин! У нима учун шохни ўлдирди, сенинг фикринг қандай?

— Балки, унинг ўзи Форс давлатининг ҳукмдори бўлмоқчи. Чунки у ҳам Ахамонийлар наслидан-ку, Дорейоснинг қариндоши-ку.

— Яхши қариндош! Лекин, отам Филиппнинг руҳи билан қасам ичаманки, у Осиёни эгаллай олмайди. Дорейос ўлган экан, бундан буён Шарқнинг ҳукмдори ўзим бўламан! Ҳа, Доро жасадини унинг онасига, Суз шахрига жўнат!

\* \* \*

Искандар Шарқ ҳукмдорини ҳокимиятдан четлатиш ташвишидан холи бўлиб маишатбозликка берилди. Бефурсат, туни билан ўтадиган базмлар, майхўрлик ва

фоҳишалар билан кайфичоғликлар ажнабий одатлар билан ўтказиларди. Уларни ўзлариникига караганда олийсифатли, деб шох томонидан қабул қилиниши юртдошларининг ҳис-туйғуларини камситди, аввалги анчагина дўстлари ўзларини ҳақорат қилинган ҳисоблаб, шохга душманлик кўзи билан қарайдиган бўлишди. Чунки туғишган одатларига содиқ македонликлар, табиий очликни енгиллик билан озиқ-овқат топиб кун кечиришга ўрганганлар, мағлуб бўлган қабилаларнинг нуқсонларига йўлиқдилар. Шунинг учун шохга қарши исён, аскарларнинг норозилиги, ўзаро шикоятлар ҳар қачонгидан очикроқ ва тез-тез юз бера бошлади. Искандар эса вақтни узлуксиз базмлар билан ўтказиб, мириқишни бошқа хил кўнгил очишлар билан алмаштириб турарди. Юнонистондан олиб келган мохир санъаткорлар билан қоникмай, у асирга тушган хотинларни ашула айтиш ва рақсга тушишга мажбур қиларди. Бу эса кўп юнонлар ва македонликларга ёкмас эди.

Шох этарларнинг катта мажлисини чақирди. Улар Филипп ўғлини Эрон давлатининг ҳукмдори деб эълон қилиш учун йиғилдилар. Тантана муносабати билан айрим этарлар ўз миллий кийимларини маҳаллий кийимлар билан алмаштирдилар, лекин бундан улар чиройли бўлмадилар — куёшда ва шамолда қорайган юзлари ва қалин ўсган соқоллари уларни тоғ қароқчиларига ўхшатиб қўйди.

Бугун македонликларни ҳамма нарса, жумладан Искандарнинг ташқи қиёфаси ҳам хайратлангирмоқда, чунки у шарқона, форс шоҳи либосларини кийган. Шох саҳнадаги пашшахона остида, шарқона одат бўйича оёқларини букиб ўтирибди. Унинг пойида оғир форс гилами тўшалган, олдида биринчи идишларда исрик тутатилмоқда. Унинг атрофида осиеликлар ўралашиб, у билан форс тилида гаплашиб, хушомадгўйлик қилардилар: тўксон беш ёшли Артобаз, македонликлар томонига ўтган Доронинг сатрапи, унинг тўққизта ўғли: Атропат — Гавгамела ёнида Искандарга қарши урушда асирга тушган, кейин македонликлар шоҳининг хизматига ўтиб, Мидия сатрапи этиб тайинланган; Абулит Сузиана ҳокими; ликиялик Фарнук; Мазей Бобилни жангсиз македонликларга топширган, унинг ўғиллари Гидарн ва Артибол ва форс Певкест. Искандар уларни мароқ билан тингларди.

Форслар билдирмай шохдан унинг македонлик сафдошларини узоклаштирдилар, хатто Искандарнинг сутхўра иниси Клит ҳам четроқда маъюсгина ўтирибди. Бу хол македонликларни хайратга солди. Мажлисни очиш пайтида Птолемей Лагнинг айтган сўзлари уларни айниқса ажаблантирди:

— Дорейос Кодоман ўз қариндоши Бесс томонидан ўлдирилганлиги учун, Осиё ўз шохидан махрум бўлди, шунинг учун хозирдан бошлаб бу мамлакат ҳукмдори конуний тарзда Искандар, Худо Амоннинг ўғли бўлганлиги эълон қилинади. Шарқ шохига арзигулик ҳурматни ундан аямайлик! Бундан кейин ҳеч ким унга хабарсиз мурожаат қилмасин. Бундан кейин ҳеч ким олам ҳукмдoriga ўзи билан тенг сифатда мурожаат этмаслиги керак. Кунчиқардан кунботаргача чўзилган мамлакат ҳукмдори олдида тиз чўкайлик!

Птолемей биринчи бўлиб тиз чўкди ва Элладада эшитилмаган одатни амалга оширди.

Этарлар қотиб қолдилар. Ёш сариксоч, кўккўз Клит, узун ва ранги ўчган Койнос, Парменионнинг куёви, оқсоч Парменион, унинг кайфи ўчган ўғли Филот ва Пэон Аминта, Араббайянинг ўғли, Птолемей харакатидан хайратланган бошқа македонликлар ўринларидан кимирламадилар.

Бироқ бошқалар Птолемейга бажонидил кўшилдилар, шохнинг шахсий соқчиси эса икки қўллаб экбатандан талаб олинган Доронинг уч қаватлик тожини Искандар боши устида кўтариб турди. Тожнинг кўп рангли қиммабаҳо тошлари тарқатаётган шуълалари шахсий соқчининг юзларига тушиб, гўё у порлаб турган оппок, катта тошни ушлаб тургандек кўрсатарди. Шахсий соқчи кўзларини камаштириб этарларга мурожаат қилди:

— Искандарга шон-шарафлар бўлсин!

Бурғулар ваҳимали чалинди. Занг, қўшноғора ва сурнайларнинг садоари чиқди. Искандар бошини елкасига эгиб турар ва жимлик билан шарққа қарарди. У энди Шарққа юриш бошлаган, аввалги ёш йигитча эмас. Агар этарлар, Птолемей талаб қилганидек, шох олдида тиз чўкмасалар, уларга яхши бўлмайди. Лекин улар пешоналарини ерга текизиб, шохга таъзим қилдилар. Шу тарика шохга тож кийгизишнинг шарқона расмияти ўтка-

зилди. Кейин одатдагидек, майхўрлик ва вақтичорлик қилиш бошланди.

Этарлар норози эдилар. Бутун истехкомда: улар биз бу жангларда кўп ўлкаларни босиб олган бўлсак ҳам, ғалабамизга кўра кўлроқ йўқотдик, деган миш-миш гапларни тарқатдилар, ажнабий одатларга бўйсуниб, ўзимиз енгилган бўлиб чиқдик, демоқдалар. Улар энди уйимизга, маҳбуслар кийимида қайси юзимиз билан кириб борамиз, деб уяладилар, шоҳ эса, ғолибга эмас, балки мағлубиятга учраганга ўхшайди, у гўё ўзини македонлик хукмрондан Доронинг сатрапига айлантириб қўйди.

Ўз дўстларини ва аскарларини хафа қилганлигини сезган шоҳ хотамтойлик билан инъомлар қилиб, уларнинг содиқлигини ўзига қайтармокчи бўлди. Кескинлашиб бораётган муносабатлар исёнга айланмаслиги учун, аскарларнинг бекорчиликда ўтаётган вақтини жанг билан банд қилиш керак. Бунинг бахонаси ҳам етарли. Бесс шоҳона кийиниб, ўзини Артахшас деб аташларини буюрди ва Окс дарёси бўйида яшайдиган бактрияликлар ва бошқа қабилалардан куч йиға бошлади.

Искандар ўз аскарларини шунга ишонтирдик, гўё улар энди охири ғалабанинг остонасида турибдилар, бунинг учун улар Доро Кодоманни ўлдирган бир неча жиноятчиларни ушлаб, жазоласалар бас. Ўз шоҳларига ишонган юнон-македон аскарлари хужумни давом эттирдилар. Улар Гиркания ва Парфияни қаршиликсиз эгаллаб, Афғонистонга яқинлашдилар. Бу орада этарларнинг янги тартиблардан норозиликлари сўнмади, аксинча уларнинг айримлари ўртасида ниҳоят кескинлашиб кетди. Улар — шоҳнинг яқин кишиларидан бири Димн, ўртача мавқени эгаллаган Деметрий, шахсий соқчилардан Певколай ва Никанор, лавозимлари баландроқ Афобат, Иолай, Диоксан, Археполис ва Аминта. Булар ўртасида Парменионнинг ўғли Филот ҳам бор. Нима учун у Искандарга нисбатан яхшироқ шоҳ бўлолмас экан, у эса, варварга ўхшаб, бировларнинг оёғини ялаши керак экан? Дахшат! Унинг болалик тентакликлари нималарга олиб келмади. Ҳаммани оёқости қилди-ку! Искандар яқинда осиеликка айланиб, форслар ичидан ўзига яқин кишиларни кўпайтиради, Парменион, Филот ва бошқа олий мартабалиларни нима қилади? Ахлатхонага ташлайдими? Бунга йўл қўймаслик керак.

Исёнчилар ёввойи жийда дарахтлари остидаги паттизорларда ўтириб ва атрофда ишонарли кишилардан назоратчилар қўйиб, маслаҳатлашдилар: Искандардан қандай қутилиш керак?! Бахиллик ва ғазабдан қизишган Филот шаробни кўпроқ ичиб, тезда кайфи ошиб қолди. Филот ва Димн бошқалардан анча баланд гапириб, муштарини кўкракларига урар, гоҳида жаҳл билан қичкирадилар.

Улар жийда патилари остида қўйган назоратчи маст бўлиб, учиб қолган жойдан уч қалам нарироқда писиниб ётиб, уларни диққат билан тинглаётган марафонлик Беф ва Никомах исмли саёк йигитчадан беҳабар эдилар.

\* \* \*

Шоҳ тўққиз кундан бери истехкомда турибди. Енгилмас. Тўсатдан у ички душманларнинг хавфига йўлиқди. Марафонлик келтирган хабар Искандарни доводиратиб қўйди. У ўз чодирда тиззаларини қўлтиқлаб, бошини эгиб ўтирибди. У ҳозир ўзининг омадсиз тақдири ҳақида ўйлаётган хотинга ўхшарди. Филот ва айрим этарлар уни ўлдиришга қарор қилибдилар! У умрида биринчи бор, ўзи тан бермаса ҳам, чиндан қўрқди. Бу қўрқув суиқасд ечилмаганда, жанг майдонларида мингларча каллаларнинг таналаридан жудо бўлганлари каби, унинг бошини ҳам қилич билан кесиб ташлаш хавфи эмас. Бу қўрқув бошқа каллалардан фарқли, ушбу каллада айланаб юрган хаёллар учун эди. Бу хаёллар мислсиз кенгликларга чўзиладилар — Хиндистон, Хитой, кейин Хинд ва Ўртаер денгизлари соҳиллари мамлакатларига интилишни кўзлайдилар. Оламга эгалик қилиш!

Ҳа, Филипп ўғлининг калласида оламга ҳукмронлик қилиш хаёли айланиб юрарди! Нима учун? Олтин ва бошқа бойликлар учунми? Йўқ. Энди Искандарнинг бойликлари кўп. Бошқа биров унинг ўрнида аллақачон юришларни тўхтатиб, осойишта ҳаёт кечиришга бериларди. Бошқа биров, лекин Искандар эмас. Бутун инсониятни лол этиш, ўзи ҳақида асрлар давомида ном қолдириш, токи минг йилдан кейин, ўн минг йилдан кейин, одам жинси бор бўлгунча, македонлик Искандар ҳақида улар гапирсинлар, ёзсинлар, ўқисинлар ва бахслашсинлар — мана, эр кишига арзигулик хаёл.

Бундай хаёллар билан бир замонлар мисрлик фиръавнлар, Форс давлатининг шоҳлари ва бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорлари яшаганлар. Аммо улар ўз мақсадларини охирига етказолмадилар.

Искандар бошқа шоҳлар хатоларига йўл қўймасликни режалаштирди. Унга Искандар Зулқарнайн — Икки шоҳли Искандар лақабини берган варварларга ўзини уларнинг дўсти ва халоскори, Осиёни Аҳамонийлар авлодидан бўлган нафратли шоҳнинг азобидан қутқарувчи киши деб тушуштиришга ҳаракат қилди. Бундай хийла ишлатиш ҳаво ва ёруғлик каби зарур, чунки Македония узок. Фақат Пелланинг бекалла оқсоқолларига таяниб Осиёни бошқариш мумкинми? Осиёни жиловлаб олиш фақат Искандарнинг икки оёғи билан мустаҳкам туриши натижасида, бир оёғини Фарбга, иккинчисини Шаркка тираши натижасида амалга ошириш мумкин. Эллиндар ва осиеликларни аралаштириш керак. Шундай қилиш керакки, афиналик Персеполда, персеполлик эса Афинада ўзини ўз ватанидагидек ҳис этсин. Чўзилувчан мис билан мулойим қалайини аралаштириб эритиш натижасида каттик биринчи ҳосил бўлади. Фарб ва Шарқнинг қотишмасини ҳосил этиш, томирларида донишманд эллиндар ва осиелик орзунараст хирадмандларнинг қўшилган қони оқадиган кучли халқни яратиш жоиз. Фақат шу тақдирда Искандар ўз қиличининг зарби билан уюштирган улкан давлатни кулаб кетишдан асраши мумкин. Ма-на шунинг учун Искандар варварларни ўзига яқинлаштириб, уларнинг одатларини қабул қилмоқда.

Искандар мулоҳазаларининг буичалик чуқурлигини Филотга ўхшаган ожиз махлукларнинг аҳмоқ миялари тушунардиларми? О бадбахт қаланги-салангилар! У ўз бурнидан узокни кўришга қодир эмас! Одам фақат ейиш, ичиш, ётиш ва ўзига ўхшаган бола туғдириш учун яшайдими? Одам шон-шухрат учун, буюк ишларни амалга ошириш учун туғилиб, яшаш учун курашмай-дими?

Шу мулоҳазаларидан кейин, шоҳ этарларнинг мажлисига Никомахни олиб келишни буюрди, йигитча Бефнинг бундан олдин шоҳга етказган маълумотларини бирма-бир такрорлади. Шундан кейин Искандар йиғилганлар олдига чиқиб, номуссиз одамларнинг суикасдини очмоқчи эканлигини айтди.

— Парменион, — деди у, — мендан ва менинг отамдан жуда кўи яхшилиқ кўрган бизнинг кекса дўстларимиздан бири, бу жиноятнинг бошида турибди. Унинг курули — Филот менинг хаётимга қарши Певколай ва Деметрийни ва ўз кўзларингиз билан жасадини кўраётган ўша Димни ва бошқа шундай телбалиқ билан ўзларини шарманда қилганларни тўплаган. Мен Филотни қўшинимнинг яхши қисми ҳисобланган, энг яхши ёшлардан иборат бўлган отликларга бошлиқ қилиб қўйгандим, мен унга ўз хаётимни, яхши умидларимни, галабани ишонгандим. Сизлар мени кўтарганларингиздек, мен унинг отасини ана шундай чўққиларга кўтардим. Мен унинг ихтиёрига энг бой мамлакат бўлган Мидия ҳокимиятини бериб қўйдим. Аммо мен ёрдам излаган жойдан хавф туғилди.

Кейин Искандар буйруғи билан, қўллари орқасига боғланган, устига эски кийим ташланган Филотни олиб чиқдилар. Аммо Филот унга гапиришни буюрганларида ёки ўз жиноятининг моҳиятини сезиб тушқунликка тушганиданми, ёки хаёти учун туғилган хавфданми на бошини кўтарди, на оғзини очди. Кейин кўз ёшларини тўкиб, хушини йўқотди ва уни ушлаб турган аскар қўлига йиқилди, кўз ёшларини эски кийими билан артганларидан кейин, у яна хушга келди ва овози чиқди, у гамгинлик билан узок сўзлаб, ўзини оклашга уринди. лекин ёвуз тақдир аччиқ экан, ўзлари учун жон қуйдираётганлар, бошқаларнинг азобига бефарқ бўлдилар. Филотга қоровуллик қилаётганлар уни олиб кетдилар.

Шу орада Парменионнинг яқин қариндошлари, Филотни ва унинг сафдошларини қийнаш ҳақидаги довуғдан саросимага тушдилар. Улар эски македон қонунига мувофиқ, шохга суикасд қилганлар билан бир қаторда уларнинг қариндошлари ҳам қатл этилиши муқаррарлигини билиб, кўплари ўзларини ўзлари ўлдирдилар, кўплари тоғ ва чўлларга қочиб кетдилар. Бутун ўрда ваҳимада эди. Фақат бу қонунни бекор қилганини шох эълон қилганидан кейин, бир оз тинчидилар. Аммо жиноятчиларни чангақлар билан жаҳаннам лабига олиб келиб, жарликка қулатдилар. Жазолаш пайтида иштирок этган Искандар, ўзининг катта хавфдан қутилгани учун қувониб, рақибларининг жаҳаннам қаърига ташаётганини кўрганда, ҳатто қимирламади.

Ўн бир кундан кейин шохнинг элчилари Эқбатанга бориб, кекса Парменионни сўйиб ташладилар, бошини эса Искандарга юбордилар. Урушда ҳам, осойишта кунларда ҳам донғи чиққан Парменионнинг куни шундай тугади. Шохсиз ҳам у кўп муваффақиятларга эришган эди, аммо шох усиз бирон-бир катта ишни амалга оширгани йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, Парменионнинг қатл этилганлигидан ёш шох роҳатланди.

Аммо Искандар баъзиларни унутмади. Жиноятчиларни жазолаганидан кейин у Птолемейни ўз хузурига чақиртириб, унга деди:

— Птолемейос! Бефни отлик шахсий соқчилар гуруҳига кўчир. Бу одам менга иккинчи марта муҳим хизмат кўрсатди.

## Ў н б е ш и н ч и б о б

### МУРУВВАТЛИЛАР ЎЛКАСИ ОРҚАЛИ ЮРИШ

Милоддан аввалги 329 йилнинг эрта баҳори. Гавгамела ёнидаги жангдан қарийб бир ярим йил ва Доро Кодоман ўлдирилиб, Искандар ўзини Осиёнинг ҳукмдори деб эълон қилганидан кейин ярим йил ўтди. Шох ўз душманларини жазолаб, босиб олинган вилоятлар устида сатрапларни тайинлаб, аримасплар ўлкасига кириб борди.

Бу ўлка халқи эскидан юнонлар томонидан эвергетлар мурувватлилар деб аталган. Совуқ ва очликдан азоб чеккан Кайковус кўшинига улар бошпана ва озиқ-овқат берганларини юнон-македон жангчилари билишарди. Ҳа, улар ўз диёрига яхши ният билан келадиغانларга нисбатан меҳмондўст, аммо уларнинг тинч ҳаётига ёмон кўз билан қарайдиغانларга нисбатан шафқатсиз.

Искандар ўз қуролли қучларини Пелладан келган янги пиёда ва отликлар билан қўпайтириб, бу ўлкага кирганида, эвергетларни ўз томонига ўгириш учун, Кайхисравга яхшилик қилганликлари учун, уларга инъом тариқасида катта пул маблағларини берди. Кейин Доро Кодоманнинг собиқ котиби Амединни уларнинг бошлиғи этиб тайинлади-да, ҳозирги Афғонистоннинг жанубий вилоятидаги арахозларни ўзига бўйсундирди. У ерда аввал Парменион бошчилигида бўлган кўшинни ўзига



кўшиб олди. Улар 6000 македонликлардан 200 зодагонлардан ва 5000, жумладан 600 отликлардан иборат бўлиб, шох қуролли кучларининг сараси эди. Арахозияда нойиб этиб Менонни тайинлади. Ҳимоя учун бу ерда 4000 пиёда аскарлар ва 600 отликларни қолдирди.

Искандар ўзидан мамнун. Этагида Кандафор шаҳри жойлашган тоғ қоясининг тепасида ўтириб, у оламга назар ташлаб хаёл сурмоқда.

Ғарбда, кўм-кўк булутлар орасида македонлик отлар туёғи остида чанги чиққан, македонлик ҳарбий постлари билан қўриқланаётган Эрон кўринади. У йўллардан Искандар хузурига Пелладан янги кучлар келиб қўшилмоқда. Шарқда эса, туман пардалари орасидан кўринаётган қорли чўққиларнинг орқасида сирли, борса келмас, тоғ мамлакатлари жойлашган. Шимолда оғир қора булутлар тўдалари зичлашмоқда. Жанубда иссиқ олтин ранг чанг оралиғида Белужистон, унинг шарқроғида сирли Ҳиндистон жойлашган.

Оллоҳ Амон ўғли ўзининг сезгир юраги билан Осиёнинг, унинг кенглиklarининг беқиёслигини фаҳмлайди. Узоқ Ўртаер денгизининг ярим оролида жойлашган Эллада унинг кўзида бу ердаги улкан, ёрқин, доимо хаёт қайнаётган кенгликка нисбатан жуда кичик, ачинарли ва кулгилидек кўринди.

Искандарнинг орқасидаги тош устида ўтириб олган гандҳара қабиласидан бўлган моҳир мусиқачи чилторнинг сим танобларини торта бошлади. Кейин паст, зўрға эшитиладиган мусиқа садолари янгради. Бошқа мусиқачилар бармоқлари билан аста-секин мис зангларини ура бошладилар. Улардан бири қўлларига чилдирмани олиб, таранг тортилган терини черта бошлади. Доиранинг акс-садоси узоқ тоғ қояларидан қайтиб келмоқда...

Осмонўпар тоғ қояларида янграётган мусиқа садолари Искандарни тинчлантирди. Унинг хаёлида гуё у ухлаб, ердан узилди; секин-аста унинг миясини гуё туман пардаси ўраб олди. Мусиқа садоси эса ҳамон янграмоқда — мулойим, оғир ва мазмундор; гоҳида у нафас олгандек узилиб, шамолнинг дам олишини эслатади. Шох хаёл денгизига ботиб, секин-аста фазога кўтарилиб дунёни айланиб юрибди; олам эса эриб, оппоқ бўшлиққа айланди. Искандар борган сари ўзини ҳам ҳис этмайдиган бўлди, гуё у илиқ бўшлиққа тарқалиб кетди. Унинг

юраги хаддан ташқари суюниб, бахтлилигидан йиғлаб юборди.

Эрталаб Кандағорда бир ўрда аскарларни қолдириб, Искандар парапамисадлар қабиласининг диёрига юриш бошлади.

Аввал йўл унча кенг бўлмаган водийдан, ёкимтой сув шилдираб оқаётган Этимандрос анхори бўйидан борарди. Куёш ёруғ нур сочмоқда. Ариқ бўйларида ўсадиган наъматак, жийда ва юлғун буталари ичида хар хил кушлар сайрамоқда; узокдан, гуё қаерладир халталардан мис идишларига нукра тангаларини тўқаётгандек туюлади. Ўнг ва чап томонда чиройли гуллаб ётган хар хил ўсимликлар қуршаб олган тепаликлар. Оёқостида қалин себаргалар шитирлайди. Хаво ниҳоятда тоза ва соғлом, гуё ундан нафас олмайсан киши, балки совуқ сутни тўйиб ичаётгандай.

Аскарлар тинч ва хуш хидли эрталабки хаводан қувонишарди. У Элладани эслатади; шунинг учун юнонлар бахтли ва шу билан бирга ғамгин нафас олишарди. Варрес кўзларидан ҳатто ёш келди. Баҳор фасли унинг хўкизларга, омов билан хайдаб қуйилган олтин ранг юнон ерларига нисбатан соғинч хиссини кўзғатди. Марафонликнинг кафтлари деҳқон меҳнатини соғинди. У атрофга қараб, ўз ватанидан узок, гуллаб ётган бегона ерларда қўлида қурол билан дайдиб юрганидан афсусланди. Варрес ўзидан-ўзи уялиб кетди. У қўлидаги найзани синдириб сув тўла оқаётган анхорга улоктиргиси келди.

Олдинда енгил отликлардан иборат айғоқчи аскарлар беғамлик билан кетмоқда. Чаққон ва кучли отлар устида ўтирган этарлар чор-атрофга диққат билан қарадилар. Орқадан сочлари пахмоқ фракцияликларнинг пиёда тўдалари шовкин кўтариб бормоқда. Аста-секин водий торайиб, хиралаша бошлади. Қоялардан тушаётган соя аскарлар юзларидаги ва кўзларидаги қувончни сўндирди. Анхор суви қаттиқроқ хайкираб, унинг овозидаги форамлик нофорам шовкин билан алмашгандек туюлди.

Аскарлар паранамисадлар қабиласининг ери билан шимолга қараб ҳаракат қилдилар. Гоҳ у, гоҳ бу ерда кулбалар кўринади. Кулбаларнинг пойдеворини паранамисадлар тошдан кўтарган ва уларнинг ерларида, ҳатто

тоғларда ҳам ўрмон бўлмаганлиги учун, уй деворларини тепагача шу тошлардан териб чиққан. Ости кенг бўлган қурилиш секин-аста торайиб, тепасида, уй ичига ёруғлик тушиши учун туйнук қўйилганди. Узум тоқлари ва анор дарахтларини кузда кўмадилар, кеч баҳорда эса уларни очадилар, чунки қалин қор ва қаттиқ совуқ кўп чўзилади; совуқнинг кучлилигидан қушлар ва бошқа жониворлар баҳоргача бу ерларда қолишмайди.

Бу ерларга келган Искандар аскарлари барча кийинчиликларга учрадилар: очлик, совуқ, зерикиш, умидсизлик. Маҳаллий аҳоли қулбаларига кирганлар тезда ўзларига келдилар. Аммо ғира-ширлик шунча қалинки, қулбаларни улар фақат туйнуклардан чиқаётган тутундан билишади. Бундан аввал ажнабийларни кўрмаган маҳаллий аҳоли, қуролланган кишиларни кўриб, кўрққандан уларга бирон нарсани беришдан бош тортмасдилар, фақат уларни тирик қолдиришга ёлворишарди. Искандар ўз аскарларини айланиб чиқар, ерда йиқилиб қолганларни кўтарар ва кимга жуда оғир бўлса, уларни руҳлантирарди. Ўз кучини аямай, у гоҳ олдинда, гоҳ орқада, гоҳ ўрталикда юради.

Одамлар Беш йўлбарс дарёси бўйлаб, шимолий-шаркка қараб борардилар ва қанча юқорига кўтарилсалар, табиат шунча аянчли бўларди. Қияли буртмалар ўрнига энди атрофда қора қоятошлар пайдо бўлди. Аскарлар кирган қоронғи ёрдан совуқ захнинг ҳиди келарди. Қуёш ҳам кўринмайди. Қалтираётган одамлар, ваҳимадан қўлларига найзаларни қаттиқроқ ушладилар. Тошлар оёқ остидан учиб кетар, аскарлар йиқилардилар. Баъзан юқоридан қатта тош силжиб тушиб, ҳаммани ваҳимага соларди; баровни жаҳаннамга олиб кетарди. Буларнинг ҳаммаси етмагандай, бирданига қатта дўл ёғиб, уларни палахмонлардан отадиган қўрғошин зўлдирларга ўхшаб йиқитар ва ярадор қиларди. Кўп аскарлар оёқларини музлатдилар, анча кишилар кўз касалига йўлиқди. Совуқдан қотиб қолганларни шериклари мажбуран ҳаракатга келтирардилар ва шундан кейин уларнинг баданларига иссиқ қон югурарди.

Гуруҳлар секин ўрмалаб юқори қояларга чиқдилар. Юришга бошқа мадорлари қолмади; йиқилиб кетмаслик учун аскарлар қирраларнинг музлаб ётган қатта тошларига ёпишиб, эрталабгача титраб, кутиб чиқдилар.

— Аттика, Марафон! — вайсарди, киррали тошлар орасида чўзилиб ётган Варрес.

Кеча эрталабки кўтаринкилик ва тўлқинланиш кайфиятидан унда асар ҳам қолмади. Бечоранинг аъзои бадани қотиб, қалтирар, фақат унинг юрагида жонли учқун ёнарди. «Кандай жиноят қилдимки, эндиликда азобини чекапман?» — ғазаб билан ўзидан сўрарди марафонлик.

Варрес барча қилғиликларини эслаб чиқди, аммо биронта ёмон иш жиноят қилганини эсига келтиролмади. Нима учун у қийналди, оиласи уни ташлаб кетди, энди изтироб чекмоқда.

Кун ёришмаяпти. Совқотаётган одамлар кутишдан толиқдилар. Эрталаб ҳаммаёқни туман қоплаб олди. Улар захдан қалтирадилар. Ниҳоят, тоғли чўккилардан эсаётган совуқ шамол қалин туман пардаларини тарқатиб юборди ва аскарлар бир оз ҳаракатга кирдилар. Йўл кўрсатиб борувчилар ва айғоқчилар йўлаклар билан юқорига кетдилар ва мастика дарахтлари патиларига дуч келдилар. Ойболталарни ишга солдилар. Аскарлар бахтига мастика патилари яхши ёниб, унинг тутунидан ёқимли ҳид таралди. Одамлар катта гулханлар атрофида исиниб, кийим-бошларини қуритдилар, хўкизлар гўшtidан ковуриб едилар.

Яна юриш. Олдинда тоғнинг энг баланд чўққиси. Унга чиқиш учун ўнлаб бурилишлардан ўтиш керак. Олдинга кетаётган аскарлар пастликка қараб, кул ранг ипга ўхшаган пастки йўлкалардан ўз хамроҳларининг чумолилар каби юқорига ҳаракат қилаётганларини бир-бирларига кўрсатиб, ваҳимада қолардилар. Улар тоғлар улканлиги олдида лол қолардилар.

Юнон-македонлик гуруҳлар тоғлардан ошиб, бу куллага етиб келиш учун ўн беш кун вақт сарфладилар. Бу баландликдан узок пастликда яшил водий кўринди; унинг ўртасида капиствлар қабиласининг катта манзилгоҳи у вақтлар Кабура деб аталадиган шаҳарча турарди. Бу водийни кўриб, Искандарнинг аскарлари енгил нафас ола бошладилар...

\* \* \*

Капис ёхуд Кабура, кейинроқ Кобул, тасаввур этишларига қараганда, маҳаллий аҳоли томонидан биз тас-

вирлаётган воқеалардан уч юз йил муқаддам шу ном билан аталадиган дарё бўйида барпо этила бошлаган. Дарё ва шаҳарча, эҳтимол, шу водийда яшайдиган қабила бошлиғи номи билан зикр этилган.

Бу водийнинг юмшоқ иқлими, табиатининг сахийлиги сабабли бу ер учун Ҳиндикуш тоғининг яқин этакларида яшовчи қабилалар билан тез-тез урушлар бўлиб турган. Юз йилдан кейин эса, бундан аввал Туроннинг кўп қисмини бўйсундириб бу ерга Доронинг енгилмас кўшини келди. Унинг бир қисм аскарлари бу гўзал водийда қолиб кетдилар; водий номига мустақил ҳисобланиб, ўз бошқармасига эга бўлса ҳам, амалда Эрон давлатига бўйсунарди. Бу ерда фақат Эроннинг кўп сонли кишилари ва оилалари учрашибгина қолмай, бошқа мамлакатлардан бўлган кишилар ҳам шу шаҳар орқали кўшни шаҳарларга ўтиб кетардилар. Уларни бу ерга иқлимнинг ёқимлилиги ва қиш фаслининг илиқлиги жалб этарди. Шунинг учун Кабура номини олган бу манзилгоҳ қисқа вақтда қад кўтариб, аҳолиси кўпайиб, гўзал шаҳарга айланди. Мамлакатлар орасидаги савдо муносабатларининг ривожланиши билан, у Буюк Ипак Йўлидаги катта савдо маркази даражасига кўтарилди. Кабура мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган; шаҳарда чиройли кўчалар, ибодатхоналар, саройлар, ҳаммомлар бор.

Шундай қилиб, милоддан аввалги 329 йил баҳор кунларининг бирида, кечқурун, ғарб томонга пасайиб, пушти ранг, қор билан қопланган тоғ чўққилари орқасига, фосфорсимон ярқираётган тўқ қизил ранг булутлар билан ўраб олинган қуёш секин-аста ботаётганда, шаҳар кўчаларида ҳамишагидек гавжумлик ва оворагарчилик ҳукм сурарди. Ҳунармандлар бугунги ишни тугаллаган, дўконлар ёпилмоқда, шаҳарликлар уйларида чикар, бошқалари эса уйларига қайтардилар; ташвишлар билан тўла кундузги фаолият ўрнига туннинг осойишта ва жимлиги яқинлашаётган эди.

Шаҳарни деярли иккига бўлиб ўртасидан оқадиган дарёнинг ўнг қирғоғидаги кенг кўчадан ўтаётган эркак ва аёллар тўхтаб, бошлиқ раҳбарлигида ўнтача суворининг шаҳар жанубига қараб от чоптириб, учиб кетганларига хайратландилар. Отлар ифлос ва чанг босган, бурунларидан буғ отилиб чиқмоқда, юганлари кўпикланган —

буларнинг бари отликларнинг бекорга от чоптирмасликларини кўрсатарди.

— Эҳтимол, Искандар Зулқарнайн билан бўлаётган уруш жойларидан келаётгандирлар, — деди ўз тахминини кекса темирчи, ҳамма темирчилар каби теридан тикилган фартугини ечатуриб.

— Тўғри, қандайдир янгиликни олиб келганга ўхшайдилар.

— Балки, биз учун хавфли янгиликдир? Искандар ғалаба қилибди, жангда Доро ўлдирилибди, юнонлар бизнинг ўлкаларимизга қараб келмоқда, деб айтадилар.

Шу пайт, узоқ йўл чопдиришдан чарчаган отликлар кўп дўконлар жойлашган кўчага бурилдилар. Бу кўчанинг ўртасида форс давлатининг шу ўлкадаги ҳокими Кармалнинг уйи жойлашган. Отликлар бу уй олдида тўхтадилар, бошига узун наMAT калпок кийган бошлиқ дарвозахонага кириб уларнинг келганликларини дарҳол ҳокимга хабар беришларини талаб қилди. У ҳокимга Бактрия ва Суғдиёна сатрапининг шошилинич буйруғини етказиши лозим.

Атрофда синчковлар тўпландилар. Бировларини чопишдан мадорсизланган суворилар ва отларнинг аянчли кўриниши хайратлантирар, бошқалари гуруҳнинг нима учун келганлиги ва нега шошилгани ҳақида тахминлардидар; учинчилари аскарлар билан гаплашишга ва уларни бирон хабарни айтдиришга интилардилар.

Бекорчи шахарликларнинг барча уринишлари ва тахминлари бирон натижа бермади. Шилким бекорчилар аскарларнинг оғзидан бўлиниб-бўлиниб чиққан қуримсоқ сўзларидан фақат шуни билдиларки, гуруҳ Ария сатраплигининг пойтахти Артаксандан келибди; бу хабар оломоннинг синчковлигини бир оз қондирди, лекин сирли воқеани ҳеч қанча очиб бермади.

Ҳокимнинг уйдан тўсатдап чиққан бир неча қуллар, кўчанинг ҳар томонига қараб югуриб кетишди.

— Қара, ҳокимнинг қуллари қандай қочмоқда! — кимдир оломон ичидан баён этди. — Иш ҳазилакам эмасга ухшайди!

— Демак, қандайдир муҳим иш содир бўлган.

— Тушунарли. Қуллар қаерга қочдилар экан?

— Сенингча, бирон хил хавф таҳдид қилмоқдами?

— Бўлмаса-чи! Бир балоси бўлмаса, сатрап бекордан-бекорга бутун бир отликлар гуруҳини юборармиди; отларни бунчалик чоптирардиларми?

Бутун кўча оломон билан тўла. Шу пайт дарё бўйлаб уч отлик шахар томон келишарди; суворилар баланд бўйли ва гавдали, аммо уларнинг ранглари ўчган, кир ва чангда булганган.

Булар Спитамен, Катан ва Бахтвар эдилар; улар Рагесдан чиқиб, Капатоғдан ошдилар ва Парфия текисликларига чиқдилар. Уларнинг Абкор бошлиқ хамроҳлари анча орқада. Спитаменнинг кичик гуруҳи душманга қарши халк лашкарларини тўплашни кўзлаб, Ария худудидан, Ариус дарёси бўйлаб Кабура шахрига қараб ҳаракат қилди. Бу ерда Бесснинг ўнта отлик чопарлари суғдий гуруҳидан ўтиб кетиб, шахар ҳокимини форсларга қарши, мамлакат мустақиллиги учун халк кўзғолони хавфи ўсаётганлигидан огохлантириш ҳақидаги буйруғини олиб келдилар.

Кабурадан тахминан бир фарсанг масофада, Спитаменнинг оти, толиққанлигидан йиқилганида, суғдийнинг ўзи ҳам йиқилиб, чап елкаси билан отнинг остида қолди. Суғдийнинг чап қўли, елкасидан қаттиқ лат еганга ўхшайди.

Қаттиқ оғриққа қарамай, Спитамен уни сездирмади, фақат диққат билан караганда, унинг изтироб чекаётганини билиш мумкин. Аммо жисмоний азоб руҳий қийналиш олдида бундай темир иродали киши учун ҳеч гап эмас эди.

Сакраб оёкка туриб, Спитамен қўлининг майиблигини ўйламай, ҳалокатли яраланган йўлбарсга ўхшаб, ўкрадию маъюслик билан деди:

— Нахотки, бизлардан Ахура Мазда рози бўлмаса?

Бахтвар ва Катан отларидан тушиб Спитаменга яқинлашдилар ва ғамхўрлик билан йиқилганлигининг безаррлигига кўз тикиб, унинг елкасини сийпалаб кўрдилар.

— Нима?! Нима дейсан?! Ноҳотки, отларимизнинг чарчоқлиги Мазданинг биздан норози эканлигининг белгиси бўлса? — Спитаменни юпатмоқчи бўлди Бахтвар.

Спитамен жим турди; кейин, отларни қараб чиқиб, дўстларига мурожаат қилди:

— Кабурагача яна бир фарсанг йўл бор. Қолган ма-софага биз пиёда тез етиб боришимиз мумкин.

— Отларга дам беришимиз лозим, — эътироз бил-дирди Катан. — Агар Кабурада дам олиш учун шароит бўлмаса, кейин Бактрагача қийналамиз.

Йўловчилар отларининг ахволи ниҳоят аянчли экан-лигига ишонч ҳосил қилдилар. Жониворлар биқинлари-ни титратиб, оғир нафас олишарди; улардан буғ чиқиб, тер оқарди. Аниқ эдики, шу ахволда уларни миниб хай-даш хавфли, фақат қўлни эмас, балки оёқларини ҳам, хатто бошларини ҳам майиб қилишлари мумкин. Йўлов-чилар отларга қисқача дам бермоқчи бўлдилар.

Бир оздан кейин Абкор бошчилигида бошқа аскарлар ҳам етиб келдилар ва шаҳарга киришдан аввал озроқ дам олдилар.

Коронғи тушиши билан аскарлар шаҳар дарвозаси-нинг равоқлари остидан ўтдилар. Миршаблар турган ва занжирлар тортилган равоқни орқада қолдирганларида, улар шаҳар марказидан келаётган ўн уч кишидан иборат дубулға кийган, қўлларида найза, қилич, қалқон ва бошқа аслаҳалар билан қуроқланган миршаблар гу-руҳига дуч келдилар. Олдинда келаётган миршаблар-нинг бошлиғи ҳам қуроқланган бўлиб, унинг қўлида ла-возимининг рамзи бўлган асо ҳам бор.

Спитамен шаҳар миршаблари бошлиғи олдида тўх-таб, ўзини таништирди ва уларнинг хаяжонли ахволда эканликлари боиси нимадан иборатлигини сўради.

— Мен бу дарвозани қўриклашни кучайтириш учун миршаблар гуруҳини олиб келдим, — деди миршаблар бошлиғи ва бир оз жим тургандан кейин, давом этди. — Қуллар кўзғолон кўтармоқчилар. Янги шохимизнинг чо-парлари вазият ниҳоят оғир эканлиги ҳақида хабар кел-тирдилар. Шунинг учун кўтарма говни тушириб, дарво-зани ёпиб занжирлаш керак, уруш шароитида хушёр бўлиш, миршабларни жой-жойига қўйиш ва шароит хавфли бўлганлиги учун чакқон бўлиш керак.

— Қайси хавф шаҳарга кўпроқ таҳдид этмоқда? — ундан сўради Спитамен. — Шаҳарга ҳужум этаётган юнон-македон аскарлариданми ёки ҳоким ва шаҳар амал-дорларининг қуллари тарафиданми?

— Мен ҳокимимизнинг буйруғини бажармоқдаман.

Спитамен фаҳмладики, шаҳар ҳокими душман аскар-ларининг ҳужумини қайтариш учун қаршилик кўрсатиш



гурухларини тузиш ўрнига, ўз манфаатини химоя этиш учун, миршаблар турадиган жойларни кучайтириш ва қуллар кўзғолонининг олдини олиш тўғрисидаги Бесснинг буйруғини бажараётган экан. Спитамен юнон-македон аскарларига қарши халк гурухларини бу шаҳарда тузишга мўлжаллаган режаси натижасиз бўлиши мумкинлигини пайқади.

Ёш суғдий урушдан аввал «Муштбозлар жамияти»га Кабура шаҳрининг ватанпарварлари сифатида кўринган бир неча йигитларни жалб этган эди. У қуллар мазлумлигини кўролмайдиган Лутфи ва Бакир исмли, гавдали афғон йигитларини яхши биларди. Улар ҳозир қаерда бўлишлари мумкин? «Ҳозир улар шу ерда бўлганларида эди...», ўйлади Спитамен.

Яна сукунат. Жимликни Спитаменга савол бериб, яна миршаблар бошлиғи бузди:

— Сизларнинг кўзғолондан, Бакир мактабидаги қиличбозлар ниятидан хабарларингиз йўқми?

— Биз нимани билишимиз мумкин? — жавоб берди Спитамен, гуё унинг учун тушунарли бўлмаган саволдек.

Шу суҳбатдан кейин Спитамен ва унинг дўстлари дўконлари кўп кўчадан кетатуриб, шаҳардаги шовқин, қий-чув ва кишиларнинг ҳар томонга югураётганларига дуч келдилар. Энди улар тушундиларки, Бакир мактабининг талабалари форс қўшинининг мағлубияти ва юнон-македон гурухларининг хужумини эшитиб, душманга қарши қуролли гурухлар тузмокчи бўлган эканлар.

Бакир ўз мактабини отаси вафотидан кейин меросликка олиб, қичкина мактабни қиличбозлар ва курашга иштиёқманд ёшларнинг каттагина ўқув юртига айлантирган эди. У анча вақтдан бери ана шу касб-кор билан шуғулланиб, ўзини яхшигина тутиб олган эди.

Бу мактаб талабаларининг бугунги ғалаёни шаҳар ҳокимиятининг уларга қурол бермасликларидан норозилиги эди. Улар шаҳар ҳокимияти биноси олдида ва чорраҳаларда йиғилганларида, уларга шу мактабни олдин тамомлаганлар ва бошқа ёшлар келиб қўшилар, ўз ўрталарида баланд овоз билан гаплашардилар.

— Қурол омборларини ёпдилар!

— Улар шаҳарни химоя этишни хоҳламайдилар!

— Биз юнонлардан ўзимизни қандай химоя этамиз!

— Курол!.. Курол!..

Уларнинг лаънати ва сўкинишлари кучайиб, шовкин-сурони денгиз наърасига ўхшаб кетди.

Бу ердан нарирокка бориб, Спитамен ва унинг дўстлари чапга, хашаматли саройлар жойлашган, кенг ва чиройли кўчага бурилдилар. Бу кўчадан бир оз юриб, яна ўнгга, жим ва торроқ кўчага, кейин — коронги ва ифлос тангкўчага бурилдилар. Машъал ёруғлигини кўриб улар тўхтадилар, чунки машъал кўтарган мактаб талабаларига қараб найза, қилич ва қалқон кўтарган, бошларига дубулға кийган шаҳар соқчилари яқинлашдилар.

— Булар ўрда аскарлари, — деди Бахтвар, паст овоз билан Спитаменга.

— Ҳа, — жавоб берди, бундай манзарани кўриб, юраги безовталанган суғдий.

— Демак, махаллий ҳокимият ўз халқига қарши аскар юбормоқда. Биз нима қилмоғимиз керак?

— Шошманглар! Биз озмиз. Очиқ жангга кириб душманга қаршилиқ кўрсатувчи жангчиларга ёрдам кўрсатолмаймиз. Ўрда аскарлари билан олишишнинг фойдаси йўқ.

Отдан тушиб, Спитамен ниҳоят эҳтиёткорлик билан, овоз чиқармай, тангкўчанинг чети билан ҳозиргина ўрда аскарлари ўтган жойга яқинлашиб борди. Олти-етти кадам ташлагандан кейин, у тўхтади ва диққат билан қараб, бир оздан кейин кўчанинг охирида ҳаракат қилаётган қора шарпани кўрди. Шундан кейин у енгил нафас олиб, яна эҳтиёткорлик билан Бахтвар ва Катан ҳузурига қайтиб келди ва уларни қўлларидан ушлаб, улар билан бирга шу торкўчанинг пастига қараб бир оз юрди-да, тор йўлак билан тахминан ўн беш кадам юргандан кейин, тўхтади ва паст овоз билан уларга деди:

— Аскарлар мактабни энди ўраб олмоқчилар. Ҳозир улар ўз гуруҳларини барча чорраҳаларда қўйиб чиқмоқдалар.

Ана шундай, хатто энг жасурларда ҳам оз учрайдиган матонат билан, хаммани хайратда қолдирадиган бу одам тақдирнинг бевафолиги билан олишиб, Афғонистон ҳаётига хавф туғдираётган вазият олдини олиш учун, унинг озодлигини сақлаш учун ҳар дақиқа ўз акли ва ҳаракатида янгича куч топарди.

— Бизлар энди мактаб ховлиси дарвоза ва эшикларининг қаерларда жойлашганлигини яхши биламиз ва унинг ичига кира оламиз, — деди суғдий. — Мана бу томондан унинг девори бир оз йиқилганга ўхшайди. Биз девордан сакраб ўтамиз.

— Аммо сен майиб қўлингни эсингдан чиқаргансан... — суғдий фикрига эътироз билдирди Бахтвар. — Бу ишни биз бажарамиз.

— Мен ва Бахтвар бузилган девордан ошиб, мактаб ховлисига кирамиз ва Бакир билан учрашиб, вазиятга қараб иш тутамиз. Сен ўзингни асрашинг керак. Сенинг бу ердалигингни биз мактабдагиларга айтиб, сизларга қўшилиш чорасини кўрамиз.

Спитамен белгиланган жойда туриб, ўз гуруҳининг орқадан келаётган жангчиларини кутишга мажбур бўлди.

Воқеалар худди улар келишгандек содир бўлди. Бахтвар ва Катан девор устига чиқиб кўздан гойиб бўлдилар.

\* \* \*

Девордан сакраб ўтган Катан ва Бахтвар тез фурсатда ховли саҳнида пайдо бўлдилар. У ерда гуруҳларга бўлинган қиличбоз-муштбозлар жим турардилар; уларнинг айримлари, Самарқанддаги ўқиш давридан билган сафдошларини дарров таниб, хурсандчилик ва яхши умид овозини чиқардилар.

— Жим! Жим! — кичкирдилар Бахтвар ва Катан.

Жимлик қарор топиши билан, Катан сўради:

— Мактаб бошлиғи ва мураббийлар қаерда?

— Ёнбошдаги қиличбозлар залида, нима қилмоқ кераклиги хақида кенгашмоқдалар, — жавоб берди уларнинг раҳбари Лутфи, қатордан олдинга чиқиб. — Мактаб ўрда аскарлари томонидан ўраб олинган, улар қурол омборларини қўриқляптилар.

— Биламан, — жавоб берди Катанан, Бахтвар томонига бурилиб, деди: — Улар олдига борамиз..

Залда икки юзга яқин қиличбозлар ва муштбозлар йиғилган. Озгина машғаллар ёруғида улар шахарни юнон-македон аскарларидан мудофаа этиш режасини маслаҳат қилардилар.

— Катан! — унинг пайдо бўлиши билан бир неча киши бирданига кичкирди.

— Биз нима қилишни билмай турибмиз. Вазият мураккаб, — деди мажлисга раислик қилаётган Бакир.

— Ноумид бўлманглар, — жавоб берди Катан, — Спитамен ҳам биз билан бирга; агар бир омбор қуролни қўлга олсангизлар...

— Қўлга олиб бўларканми? Янги шоҳ шаҳарда оёйишталикни саклаш керак, деб буйруқ берибди, шаҳар ҳокими эса ўзидан қўрқади.

— Бизда қурол йўқ.

— Агар қурол омборига ҳужум қилсак, ўрда аскарлари бизни бурдалаб ташлайдилар!

Катан уларга мурожаат қилди:

— Шаҳардаги аҳоли ўртасида сизлар ва сизларнинг мактабларингизни тугатганлар, шубҳасиз, энг жасур, чаккон, душман ҳужумини қайтаришга қодир жангчилар. Агар маҳаллий ҳокимият ватанни мудофаа қилишга манфаатдор бўлмаса, сизлар уни мудофаа этишларингиз лозим. Бугун сизлар буни ўз мардликларингиз ва жасоратингиз билан исботлашингиз лозим. Бунга сизлар тайёрми?

— Биз ҳаммасига тайёрмиз, — бир овоздан жавоб бердилар қиличбозлар ва муштбозлар.

— Бўлмаса, тезроқ... ҳамма машғалларни олиб келинглар. Уларни ёқиб қуролланамиз. Биз яқиндаги қурол омборини қўриқлаётган аскарларга ташланамиз, уларни қочирамиз, омбор эшигини ёқамиз ва керакли қуролларга эга бўламиз. Агар имкони бўлса, барча аҳолини қуроллантириш ва халкни шаҳар мудофаасига отлантириш керак.

Бир зумда ҳаммалари машғалларни йиғиб келдилар; машғаллар ёқилиб, талабалар шиддат билан қурол омбори томон ташландилар.

Шу орада миршаблар бошлиғи шаҳар дарвозаларини қўриқлашни кучайтириш чораларини амалга ошириб, қиличбозлар мактабига уч юз миршабни олиб келди. Айни бир вақтда шаҳарнинг муҳим жойларига ҳоким Кармалга бўйсунувчи ҳарбий ўрдадан аскар гуруҳлари юборилди.

Кармал эллик ёшга кирган баланд бўйли, ранги тоза, юз кўриниши соғлом киши. У анча йиллардан бери шаҳар ҳокими бўлиб, кўп имтиёзлардан фойдаланиб келарди. Тинч вақтларда унинг бажарадиган вазифалари

анча енгил бўлиб, фароғатда кун кечирарди. Ҳозирги тўполонга у тайёр эмас, шунинг учун бу кунлар у ўзини ҳали фароғатли уйқудан уйғонмагандек сезарди; ўзини йўқотган амалдор, кичик боланинг ўйинчоклар ичида ўйинни нимадан бошлашни билмаганидек, довдираб қолди.

Кармал ўз ҳокимлик фаолиятида тез-тез, нима бўлаётганлигини тушунолмай, қандайдир тадбирий чора кўрмоқчи, қандайдир буйруқ бермоқчи бўларди, аммо ўз чоралари нима билан тугалланишини билмасди. Вазиятнинг кескинлиги, унинг хавфлилиги, бунинг учун тез ва кескин ҳал этиладиган қарорга келиш зарурлигининг у учун аҳамияти йўқ эди. Мана, ҳозир ҳам, мамлакатнинг беш йилдан бери уруш шароитида яшаётганлиги, душман шаҳарнинг остонасига етиб келганлигига қарамай, у ҳали ҳам бирон тадбирий чора кўриш кераклиги ҳақида ўйламай, юкоридан буйруқ кутарди. Ўзини янги шох деб эълон қилган Бесснинг осойишталикни сақлаш керак, деган буйруғини эса ўз табиатиға мувофиқ тарзда тушунди.

Бошда шўрлик ваҳимадан изтиробга тушиб, гуруҳнинг илтимосини қондиришни, ҳар хил афв сўраш вазжларини келтириб, чакқонлик билан рад этди: у ўзининг қилич кўтарадиган эмас, мартабали одам эканлигини, ёшлиқдан у қурол ушлаш, ҳарбий иш билан шуғулланишга ўрганмаганлигини таъкидлади; у ҳоким саройида қолиши ҳамма ишларни олдиндан кўрабилиш учун, ҳамма учун ғамхўрлик қилиш ва буйруқ бериш учун зарур деб ишонтиришга уринди; лекин шаҳар зодагонлари тазйиқи остида, аскарларнинг талаби ва хотинининг таъналари билан, шўрлик бўйсунлишга ва дубулға, совут кийишга, белига қайиш боғлаб, қилич осилшга мажбур бўлди. Ниҳоят, у аскарлар билан биргаликда қиличбозлар мактабига жўнади, лекин аскарларга бошчилик қилиш ва рақиб билан олишиш учун эмас, балки ўлжа сифатида борди.

Шаҳар соқчиларининг гуруҳи шимолий дарвоза олдиға келиши билан, миршаблар бошлиғи ҳокимни кутиб олди ва мажлис чақириб, мумкин қадар тезроқ ҳаракат режасини муҳокама қилиш лозимлигини айтди.

— Ҳа... мажлис, мажлис... Айтишға осон, мажлис... аввалдан ҳамманинг билиш-билмаслиғига, кела олиши

мумкинлигига ишонч хосил қилиш лозим, — тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзлади, ўзини йўқотиб қўйган Кармал; ваҳима босганлигини яшириш иштиёқи ундаги хаяжонланишни кучайтирди.

— Чунки... бориб-бориб... — давом этди у гўё ўзини алланималар ҳақида ўйлаётгандек кўрсатиб. — Мен давлатнинг барча қонунларини биламан ва вақти келганда қуролини ҳам ишлата оламан... агар ватан учун керак бўлса... керак бўлганда... ўз жонимни ҳам аямайман... аммо аскарларга бошчилик қилиш... мана шундай... жойда туриб... кимга қаршилигини билмай... ҳали Искандарнинг қаердалиги аниқ бўлмасдан... кўриниб турган душман ҳақида гап кетса эди... очик майдонда... мен нима қилиш кераклигини билардим... лекин...

Шундай қилиб, бечора ҳоким нима қилишини билмай ўз сўзини тамомлади. Ўз ҳокимининг хусусиятини билган шаҳар миршабларининг бошлиғи, унинг ҳожатини енгиллаштириш ва шу билан бирга ўзи белгилаб қўйган режани маъқуллашиб олиш учун, деди:

— Менимча, бу қора оломоннинг тартибсизлигидан қутилишнинг бирдан-бир йўли қурол омборларини қўриқлашдан иборат; мактабнинг барча дарвозаларини ёпиш ва уларни қўриқлаш, қулларнинг қочибларига йўл қўймаслик керак; барча кўчаларни қўриқлаш ва шаҳар дарвозаларини ёпиш лозим. Шуларнинг барчаси ҳақида мен ғамхўрлик қилмоқдаман.

Кармал ўз итоатидаги бошлиқнинг режалари ва ҳаракатини маъқуллади, унинг қўлини қисиб, буюрди:

— Бориб исёнчиларни тарқат, мен эса мартабали киши... аммо мен ёшлигимдаги ҳарбий шижоатларимни ҳали эслайман... бу бадбахтларнинг ҳолига вой... агар...

Шу вақт қиличбозлар ва жанговар муштбозлар қурол омборларини мудофаа этаётган аскарларга ҳужум қилиб, уларни омбор эшикларидан улоқтириб ташладилар.

Миршаблар ва ўрда аскарлари эса, икки гуруҳга бўлиниб, бир вақтда омбор эшиклари томон ҳужум қилдилар. Бу даҳшатли дақиқалар эди. Қуролсиз жанговарлар қаттиқ қичқириб, лаънатлар айтиб, ховли дарвозаси томон чекиниб, бир овозда фарёд кўтардилар:

— Қурол!.. Қурол!.. Қурол!..

Тезда жанговарларнинг чекиниши ваҳимали қочишга айланди. Йўлакларда суро-сур, эшик ва дарвозалар ол-

дида тикилинч, ур-йиқит бошланди; жанговар талабалар ўз хужраларига чопар, йиқилар, бир-бирларини босардилар; Бакир мактабининг ҳамма томонидан сўкиниш, кичкириш, фарёд, илтимослар, ялинишлар, ярадорлар ва ўлаётганларнинг инграётган овозлари эшитиларди.

Бахтвар ва Катан бошқа иккала қиличбозлар билан ёнма-ён, йўлбарслардек олишардилар. Қисқа вақт ичида улар аскарларни эшик олдидан улоқтириб ташладилар. Бир хил аскарларни улар ўраб, қуролсизлантирдилар ва ўлдирдилар, бошқалари эса, куйган юзлари билан, кўр-кўрона, ҳар томонга қочдилар; йўлакка кирган жанговарлар қўлларидаги машъалларни қурол омборининг эшиги олдига ташлаб, уни ёқмоқчи ва шундай қилиб унга йўл очмоқчи бўлдилар.

Шу вақт шаҳар миршабларининг бошлиғи, қиличлар билан машъалларга қарши курашиб бўлмаслигини сезиб, қиличбозларга найза отишни буюрди. Бу қурол бу ерда қирғин воситаси сифатида иш бериб, мард исёнчилар устидан миршаблар ва аскарларнинг тезда ғалаба қилишларини таъминлади.

Бахтвар гуруҳи чекинди. Улар энг жасур ва кучли қиличбозлар ва муштбозлар бўлганлиги учун, тўлалигича чекинди. Жанговарлар дарча олдини бўшатдилар, уни синдирдилар ва қоронғи кўчага чиқиб, ошхона томонга қараб кетдилар; бу ерда улар, аввалдан келишганларига мувофиқ, Спитамен бошчилигида йиғилиб, келаси ҳаракат режасини муҳокама этишлари лозим.

Спитамен мактаб ҳовлисидан эсон-омон чиқиб келган Бахтвар ва Катанни кутиб олиб, уларга мурожаат этди:

— Биз афғон зодагонларининг хоинлиги туфайли бу ерда ўз режамизни амалга оширолмадик. Искандар кўшинига қарши кўнгилдилар гуруҳини тузолмадик; афғонлар ўлкасини ҳимоя этиш учун дўстларимизга ёрдам қўлимизни чўзган бўлсак ҳам, уларга ёрдам беришга ожизлик қилдик. Аммо бу вазифа кун тартибидан олиб кўйилмайди. Бизларнинг бир қисмимиз шу ерда қолиб, бизни қувиб келаётганларни лоақал ярим соатга чалғитиб туришимиз керак, токи бошқа шерикларимиз шаҳар дарвозасидан чиқа олсинлар. Шаҳар дарвозасидан чиққанлар тўғри Бактрага борадилар ва душманга қаршилиқ кўрсатадиган гуруҳларни тузадилар. Бошқа

жангчилар ҳам, бу ерга келишлари билан, ўша жойга кетишлари лозим.

— Мен бошқаларни кутаман, — деди Бахтвар.

— Йўқ, сен Катан билан бирга бу жангчиларни олиб борасан, мен эса қоламанн, — деди Спитамен.

— Йўқ, йўқ, нима бўлса ҳам, мен Катан билан қоламан! Агар биз нобуд бўлсак, сен Бактрия халқини юнонларга қарши жангга кўтарасан, агар сен бу ерда халок бўлсанг — вассалом.

— Жўна, жўна, Спитамен, — мурожаат этдилар барча жангчилар, — бизлар Катантан, Бахтвар ва Сайлбор билан қоламиз. Кейин сенинг орқангдан борамиз.

Бундай яхши ниятлар билан, жонбозлик кўрсатиш ва бир-бирларига мухаббат изҳор қилиш учун баҳс этганларида, Спитаменнинг кўзларида ёш кўринди. У Сайлбор, Бахтвар, Катан ва бошқа жанговар шерикларининг қўлларини қисиб, деди:

— Кўришгунча хайр!.. Мен сизларни Бактра яқинида кутаман!

Спитамен жанговарлар гуруҳи ва уларни бу ерда кутган Абкор бошчилигидаги аскарлар билан шаҳар девори томон кетди, Бахтвар, Катан ва қолган жангчилар ўзларининг мактаб худудида қолган дўстларини кутдилар.

\* \* \*

Қиличбозлар мактабидаги ғалаёндан икки соат ўтгандан кейин Кабурага Бесс етиб келди ва маҳаллий қабилалар одатига мувофиқ ўз худоларига қон чиқариб, қурбонлик берди-ю, кейин ўз соқчилари ва ҳарбий бошлиқлари билан, унинг шарафига Кармал уюштирган зиёфатда иштирок этди, улар билан уруш ҳақида маслаҳатлашди.

Майхўрлик авж олиб, улар ўз кучларини мактаб бошладилар, душманинг фаросатсизлиги ва сонининг озлиги устидан кулдилар. Айниқса, жиноят йўли билан шохликга эришиб эсанкираган Бесс мастликдан ўзини зўрға тутиб, душман ўз шухрати ва Доронинг аҳмоқлиги сабаби билан вақтинчалик ғалабага эришди, деб ўзини макташга уринди.

— Доро Искандар билан Киликиянинг тор дараларида жанг қилди. У бир оз чекинганда эди, — мактанди



Бесс, — беғам душманни шундай ўтиб бўлмайдиган, кўпсонли дарёлар ва тоғ дараларига олиб борардики, у жойларда душман қопқонга тушиб, қаршилиқ кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто қочолмас эди. Ўшанда у ерда мен бўлсам эди...

— О, улуг шох, Искандар устидан, сен албатта ғалаба қилган бўлардинг! — қайси бир маст бақирди.

Мулозимлар кўзачаларда кетма-кет шароб келтирар, косагуллар эса уларни қимматбаҳо қадахларга қуйиб меҳмонларга узатардилар.

— Қани, менинг лашкарбошиларим, эртага сафар, ғалаба учун ичайлик! — Бесс ўрнидан туриб, улардан бирининг елкасига қўлини ташлаб, гапира кетди. — Мен сизларга, ҳа, энди бутун Осиёга шохман!.. Искандар буни... билиб қўйсин. Ахамонийлар сулоласи ҳали ўлмайдди... Саккиз минглик лашкарим, пахлавонларим шай туришибди. Дориёвуш қалтабинлик қилди, қўшинни бошқаролмади, натижада Искандар ғолиб чиқди.

Мақтанишларидан қатъи назар, у суғдийлар диёрига боришни ва душмандан яшириниш учун Окс дарёсидан ўтиб, қўшни қабилалардан кучли ёрдам келмагунча кутишни кўзларди.

— Менга ёрдам бериш учун, — деди Бесс, — хоразмийлар ва дағлар, суғдийлар ва саклар ҳамда Яксартнинг нариги томонларида яшовчи қабилалардан елкалари македонликлар бошларидан баланд бўлган пахлавонлар келадилар.

Зиёфатда ўтирганларнинг кўпи, бу бирдан-бир оқилона йўл тутиш, деб қичқирарди. Май ва мактов сўзларидан кизишиб кетган Бесс ҳамманинг қадахларига тўлдириб май қуйишни буюрди. У Искандар устидан дастурхон атрофида ўтириб ғалаба қилиш мумкин, деб тасаввур этарди.

Базмда иштироқ этаётган, қохинликни билмаса ҳам унинг санъатига ишқивоз, аммо айёр мидиялик Кобар, Бессга қараб босиқлик билан, лекин икки маъноли қулимсираб, деди:

— Улуг шох, менинг таъбиримча, пайт келганда маслаҳатдан кўра буйруққа итоат этиш афзалдир. Итоат этувчиларни бошқаларнинг қисмати кутади, маслаҳат берувчилар эса, ўзларини ортиқча хавф остида қолдирадилар.

Кобарнинг бу сўзлари Бесснинг диққатини ўзига тортди, шунинг учун у қўлидаги қадахни унга узатиб, сўради:

— Илтифотли дўстим, айтган сўзингни дурустроқ тушунтирсанг-чи!

— Инсон табиатини, — Кобар давом этди, Бессдан қадахни олиб, — ўз ишини бошқаларга нисбатан ёмон тасаввур этадиганлиги учун беқарор, деб айтиш мумкин. Сен кучли душманнинг панохидан жой топиб, унинг ҳокимиятида ишласанг бўлмайдими? Нима содир бўлса ҳам, таслим бўлган инсон душмандан кўра, ўзи учун яхшироқ тақдирга эга бўлади.

— Фазаби келган Бесс нимадир демоқчи бўлди, аммо уни ўзиб кетиб, ёнида ўтирган кабуралик ҳоким Кармал пўнғиллади:

— О... бу ерда Бесс ўтирганда... жасур одам, урушларда чиниккан... мен унинг доно буйруғини бажардим... Ҳеч вақт бўлмайдики, мен...

— Ўзига ҳаддан ташқари ишонувчи кишининг, — ҳокимнинг маст ҳолдаги сўзини бўлиб, Кобар давом этди, — буйруқлари шубхали бўлади: бировга ваҳима халал беради, бошқаларга — завқ, учинчиларга — ўз ғояларига беҳад берилганлик. Ҳеч ким ўзини-ўзи нафратламайди.

— Йўғе... йўқ... — пўнғиллади ўзини довуракрок сезган Кармал. — Бизнинг ҳозирги шоҳимиз Бесс жасур на фаросатли... агар юнонлар менга хужум қилсалар... агар... кўрасизлар... улар кўрадилар. Уларга ёмон бўлади... балки... бориб-бориб... мен мартабали одам... лекин хали ҳам ёшлигимдаги ҳарбий жасоратларимни... бу шўрли юнонларга ёмон бўлади... агар...

— Мидиялик эса ўз фикрини маъқулларди; яна Бессга мурожаат этиб, у баланд овоз билан деди:

— Ҳар ким қилмишидан топади. Лекин ҳеч ким ўзидан жирканмайди. Буни ўзинг ҳам синаб кўрдинг. Минг афсуски, ҳар ким ўз йўлини ягона йўл деб билади. Сенинг бошингда ҳозир ғоят оғир юк — шоҳлик тожи турибди. Уни фақат ақл-идрок билан кўтармоқ керак. Акс ҳолда сени янчиб ташлайдилар. Ҳаётда фақат интилиб яшашнинг ўзи етмайди, ақл-идрок, фикр-мулоҳаза билан иш тутмоқ ҳам лозим. Бизда: «Кўрқоқ ит қопағон итдан кўра кўпроқ хуради» деган мақол бор. Бу гаплар-

ни сенга, душман ғоят кучли ва ақлли эканлигини эслатиб қўйиш учун айтдим.

Кобарнинг сўзи базм иштирокчиларининг диққатини жалб этди. Шунинг учун баҳсни диққат билан тинглаётган форс ҳарбий бошлиқларидан бири Артобул, қўшиб қўйди:

— Бизда «Энг чуқур дарёлар жим оқадилар» деган мақол бор. Мен буни халкимизда доно сўзлар кўплигини, улардан ҳам фойдалансак ёмон бўлмас эди, деб эслатдим.

Кобар атрофда ўтирганлар эътиборининг унга ошганлигини сезиб, Бессга караб сўзини давом эттирди:

— Искандар Зулқарнайн сенинг саройингнинг остонасида турибди, унинг ҳаракати тез. Сен бу дастурхон устидан тургунингача, у ўз қароргоҳидан чиқиб, юришни бошлайди. Сен эса Яксарт сохилларидан аскарлар чақириб, дарёлар билан ўзингни бекитмоқчисан. Гуё душман, сен қаерга қочсанг, оркангдан қуволмайдигандек.

— Йўл икковимиз учун ҳам бир, лекин ғолиб учун ишончлироқ. Мен куч йиғиб Искандардан кучлироқ бўламан, — баланд овоз билан деди Бесс.

— Сенинг фикрингча, ваҳима кишини чаккон қилдими? — яна қизишди Кобар. — Сен бировнинг шоҳлигини тортиб олдинг, енгиллик билан ундан воз кечишинг ҳам мумкин. Сен қонуний шоҳ бўлишинг ҳам мумкин, агар буни сенга тўғри маслаҳат берадиган киши хоҳласа. Яхши от учун хипчиннинг сояси ҳам етарли, дангасаси учун темир тепки ҳам оз.

Табиатан шафқатсиз Бесснинг май таъсири билан шундай жаҳли чиқдики, ханжарини ушлаган унинг қўлларини дўстлари зўрға кайтардилар, бўлмаса у Кобарни чопиб ташларди. Ўзини базўр тутган Бесс базм залидан ташқарига югуриб чиқди, Кобар эса тўполонда қўздан ғойиб бўлди ва тезда Искандар томонига қочиб ўтди.

\* \* \*

Юнон-македон аскарларининг довондан ўтиш ўн олтинчи кунининг кечроқ пайтида йўлакнинг устидаги тоғ тепасидан, момақалдироққа ўхшаб гумбурлаб, катта тош тушди. У ҳаракатдаги гуруҳ олдидаги аскарларни уриб, йўлидаги барча жонлиларни олиб, чакмоқ чакканига

Ўхшаб жаҳаннамга тушиб кетди. Юқоридан тантанали шовқин эшитилди. Куёш нуридан ва шамолдан юзлари қорайган, хайвонлар терисини кийган одамлар кувноклик билан кўлларини силкитиб, хаяжон билан дик-дик ўйнашди.

Македонликлар жойларида қотиб қолишди. Урушиш тажрибасига эга бўлмаган тоғ одамлари иккинчи тошга ёпишдилар.

Искандар сакраб олдинга чиқди. Унинг юзи оқариб, кўзлари чакнаб кетди, ғазабидан оғзи очилди. Шох, ваҳимадан қотиб қолган енгил пиёда аскарининг кўлидан палахмонни тортиб олиб, кичкирди:

— Зўлдир!

Искандар аскар кўлидан кўрғошин зўлдирни тортиб олди ва ғазабланиб, палахмон билан уни тепага нишонлаб отди. Тоғликлардан бири боши билан пастга қулаб тушди. Шундан кейин пиёдалар ўзларини тутиб олдилар ва тоғликларга қараб найзаларни отдилар. Икки-уч тоғлик пастга қулаб тушди ва ўша заҳоти жон беришди. Тоғликлар қочдилар. Этарлар от чолтириб олдинга ўтдилар ва икки тоғликни найза билан уриб йикитдилар. Биттасини тириклайин ушлаб, шох хузурига етаклаб келдилар.

Бу баланд бўйли, қорачадан келган, қора сочлари узун йигит эди. Елкасига ташлаган қор қоплонининг териси уни ажиброк кўрсатарди.

— Кобар, ундан сўра-чи, — буюрди Искандар, — нима учун у менга тош отди?

Кеча Искандар томонига ўтган мидиялик бир қадам олдинга чиқди ва мулойим оҳанг билан маҳаллий тилда сўзлай бошлади.

Тоғлик йигит тезда жавоб бермади. Македонликлар бу болакай ёввойи ва ақлдан озган бўлса керак, ўз қилғилигининг сабабини ҳам билмаса керак, деб ўйлашди. Аммо тоғлик йигит шохга тикилиб, сўради:

— Бу Зулқарнайнми?

— Ҳа, бу Искандар Зулқарнайн, — пўнғиллади Кобар. Бу сўзни эшитиб тоғлик шох оёқлари остига ўзини ташласа керак, деб ўйлади у. Лекин тоғлик йигит мижжасини ҳам қоқмади, балки сўради:

— Нима учун сенинг Зулқарнайнинг бизнинг мамлакатимизга келди?

Искандар тушундики, унинг олдида турган тоғлик йигит асло ёввойи ёки ақлдан озган эмас экан.

— Мана қанака экан у! — жиддий кулди шоҳ. — У менинг бу ерга нима учун келганлигимни билиш иштиёкидами? Яхши. Мен унга кўрсатаман. Унга кўрсатсинлар!..

Икки македонлик тоғлик йигитни белигача ечдилар, қояга боғладилар ва елкасининг терисини кесиб арчдилар. Йигит улар нима қилмоқчи эканликларини сезиб, тўрға тушган бургутга ўхшаб, ўзини хар томонга ота бошлади. Узоқ азоб чекиб, тоғлик йигит ҳовлиқиб кетди ва ниҳоят, жим бўлди.

Искандар тоғликдан юз ўгирди ва шимол томонга назар ташлади. Унинг қаршисида оч-сарик туман пардалари билан қопланган бепоён водий кўринарди. Яқинда Бесс билан жанжаллашиб Искандар томонига ўтган Кобар, македонликларни яқин йўллар билан Кабурага бошқариб борди.

Македонликларнинг тўсатдан қилган хужуми Кармални доводиратди ва у яширинишга шошилди. Уни Искандар ҳузурига чақирганларини эшитгандан кейин, ҳоким нима деяётганини ўзи билмай, кичкира бошлади:

— Албатта... шубҳасиз... Мен мартабали одам... мен ҳеч нима қилганим йўқ... ҳеч қандай ёмонлик... Шафқат... Шафқат... О жасурлар!.. Шафқат!.. Раҳм қилинлар!

## Ў н о л т и н ч и б о б

### «БИЗ ЎЗИМИЗНИКИГА, СУҒДИЁНАГА КЕТАМИЗ!»

Ҳамма муқаддас Бактра томон шошиларди.

Кабурада македонлик истилочиларга қаршилик кўрсатувчи халқ кўнгилли гуруҳларини ташкил этиш учун уриниш муваффақиятсизликка учрагандан кейин, Спитамен Гавгамела ёнидаги жангдан омон қайтган ўз гуруҳи ва Бакир мактабидан қочган етмиш беш талаба-жангчилари билан Бактра томон жўнади ва Искандар қўшини хужумидан Суғдиёнани мудофаа этиш чораларини кўрди.

Искандарнинг Кабура дарвозаси олдига келган куни, Бесс ўзининг саккиз минглик аскарлари билан, хавфли македонлик йўлбарсдан жонини сақлаш учун бу шаҳарни мудофаа қилмай, Бактрияга қараб қочди. Йўлда, Искандарнинг яқинлашганини билиб, унинг беш мингдан кўпроқ бактриялик аскарлари ўз бошлиқларидан норози бўлиб, қишлоқларига қочиб кетдилар. Қолган аскарлари дахлар (Гиркан денгизининг шарқий ўлкаларида яшайдиган кўчманчилар)нинг отлиқларидан иборат эди. Бесс уларнинг овулларида, аскарликка одам тўплаш мақсадида кўп айланиб юрганидан кейин, алдамчилик билан уч ёки тўрт уруғчилик жамоалари бошлиқларини ўзига жалб қилди. Арияда эса бир амаллаб тўрт юзга яқин аскар тўплади. Унинг кетидан ўз жамоалари билан бирга эргашиб бораётган аскарлари, бошларидаги қора пахмок телпақлари билан далаларда ишлаётган дехконларни қўрқитардилар. Уларни қўрган Бактрия шаҳар ва қишлоқларининг аҳли, далаларида ишлаётган дехконлари елкаларига кетмонларини ташлаб қочар ва ўз кулбаларига беркинардилар.

Искандар эса, Кабурани эгаллаб, аммо халқнинг хавфидан қўриқиб, бу ерда қолмасликка қарор қилди. Ўз қисмлари билан у Бактрияга қараб жўнади ва Ҳиндиқуш тоғлари дараларида аскарларига дам бериш учун қулай жойни танлади ва бой Бактрияни босиб олишдан олдин Пелладан янги кучлар келишини кутди. Бу ерда у харбий истехком қурдириб, унга Кавказ Александрияси номини берди.

Нима учун қалъани бундай атаганлар? Шунинг учунки, Искандарнинг жуғрофия мутахассислари ва ер ўлчовчиларнинг маълумотларига мувофиқ Геллеспонт бўғози сохилларидаги тавр тоғи Арманистонгача чўзилади; Арманистондан у парфияликлар ва хоразмийлар ерларидан Мидиягача чўзилиб, Бактрияда Парапамиз тоғи билан туташади. Шунинг учун Ҳиндиқуш тоғларини македонликлар Кавказ тоғлари деб фараз қилганлар. Бу хато маълумотлар асосида тарихчи Арриан ҳам Ҳиндиқушни Кавказ тоғи деб атаб, уни Тавр тоғининг даври деб билган. Аристубулнинг айтишига мувофиқ, Кавказ тоғи Осиё тоғларидан баланд бўлиб, ундан кўп дарёларнинг, жумладан Танаис (бу Дон дарёси бўлиб, бу ҳақда Искандарнинг мутахассислари хато қилганлар) ва

Окс дарёларининг сувлари окқан. Бу дарёларнинг сохилларида яшайдиган турли қабилалар, жумладан дайлар, абийлар ва бошқа, Окс сохилларида яшайдиган кўчманчиларни европаликлар, деб ҳисоблаганлар.

Шу тарика «Кавказ тоғи» этақларидаги серхосил ерлардан фойдаланиш учун Искандар ҳарбий қалъа қурдириб, бу ерларда македонлик мустамлакачиларни жойлаштирмоқчи бўлди. Қалъани «Кавказ Искандарияси» деб аташдан шохнинг яна бошқа мақсади — бу ерларнинг истилоси учун Танаис дарёси бўйларида яшовчи қабилалар ёрдамига таянишни ҳам орзу қиларди.

\* \* \*

Кабурада қолган Катан, Сайлбор ва Бахтвар кўчалардаги ғовлар орқасида яшириниб, миршаблар ва аскарлар хужумини қайтараётган бир пайтда, Спитамен ва унинг шериклари катта қийинчиликлар билан, хавфни писанд қилмай, тўппа-тўғри тепаликлардан ошиб, Бактрага жўнадилар. Тепаликлардан бирининг устида тўхтаб, Спитамен ўз сафдошларини кўздан кечирди: гуруҳда жами, унинг ўзи билан, тўксон етти нафар одам бор эди.

Сугдий бир дақиқа ўйланиб бошини эгди, кейин нафасини ростлаб, ёнида турган баланд бўйли, қорачадан келган, қора кўзлари жасурлик ва қатъият билан ёнаётган ёш афғон йигитига қараб, деди:

— Ҳа, Атаулло... Агар бизнинг матонатимизга бахт ёр бўлса, ана шу тўксон етти кишидан иборат кичик гуруҳимиз катта жангга ва мамлакатларимиз эркини ва истиқлолиятини қўлга киритишдек бахтли курашга халқларимизни чорлаш учун замин яратади!

У ўз хузурига гуруҳнинг хўжалик бошқарувчиси Абкорни чақирди ва яқин қишлоқлар аҳолисидан пиёда аскарлар учун от, озик-овқат маҳсулотлари, турли керакли нарсалар ва агар топилса қурол сотиб олишни буюрди. Спитамен хўжалик бошқарувчисини оғохлантириб, гуруҳ учун керакли барча нарсаларни сотиб олиш лозим, аммо ўғирликка, талашга асло йўл қўймасликни таъкидлади.

Шундай қилиб, жангчилар ўз кучларини тиклаб олиш учун озик-овқат, пиёдалари эса от олдилар; Спита-

мен буйруғи билан уч кунлик озик-овқатни жамладилар. Унинг ўзи эса бир неча кундан бери дам олмаган бўлса ҳам, овқатга қўл текизгани йўк. Аммо афғонлик катта заминдор Жиён хўжалигида ишлаб юрган кўп сонли куллар орасида, тасодифан, ўзи учун керакли Раззок исмли табибга дуч келди. Бу кул ҳар хил бетоб кулларни ва уй эгасини турли касалликлардан даволаб юарди. Табиб катта иштиёқ билан Спитаменнинг қўлини даволашга киришди. У суғдийнинг елка бўғини чикқанлигини аниқлади ва жойига киритди; қўлига тахтача қўйиб, каттиқ боғлади ва бўйнига осилтириб қўйди. Бу ишни тугаллаб, касалга ўз кучини йиғиш учун ухлаши ва дам олиши лозимлигини таъкидлади. Бу ҳақда у суғдийни огоҳлантириб айтдики, ақс холда иситма касаллигига йўликиши мумкин, чунки кейинги етти-саккиз кун давомида у дам олмаган эди. Абкорга батафсил ва аниқ кўрсатмалар бериб, Спитамен кулай тўшалган кўрпаёстикқа ўзини ташлаб, каттиқ ухлади. Хўжалик бошқарувчисидан сахар чоғида уйғотишни илтимос қилган бўлса ҳам, у тонг ёришгунча ухлади, чунки табиб маслаҳати билан, ўзи уйқудан тўйиб ўрнидан турганига қадар уни уйғотмадилар.

Уйку суғдийнинг кучини анча тиклади; у ўз ўрнидан тўла тетиклик, ишонч ва умид билан турди. Куёш уч соатдан бери атроф тепаликларига нур сочмоқда.

Спитамен дарҳол хўжалик бошқарувчиси орқали ўз хузурига Жиённи чақиртирди. Маълум бўлдики, у ваҳимадан уй-жойларини ташлаб, Искандар томонига қочиб кетган экан. Шунда суғдий ховли олдидаги майдонда бу хўжаликда ишлайдиган ҳамма кулларни тўплашни буюрди ва уларни кулликдан озод бўлдингизлар, деб эълон қилди. Озод этилганлар эса ўйланиб ўтирмасдан майдонда турган Спитамен гуруҳига қўшилдилар.

Жўшқин, аммо ҳамма учун тушунарли бўлган сўзида, суғдий кулларга жангчиларнинг Кабурадан қочиш сабабларини ва ўз ҳаётини бағишлаган мақсадининг моҳиятини айтиб берди. Бу мақсадни амалга ошириш учун исён кўтариб қурашаётганларнинг қалбидаги эзгу ниятларни у энг ёркин рангларда бўягандек, мохирлик билан тасвирлаб берди: золим-эзувчилар қўлидан эзилувчиларнинг ҳуқуқини тортиб олиш, кулликни йўқ қилиш, мамлакатнинг чет элликлардан ҳар қандай



карамлигига бархам бериш — форс рахмсизлариданми, македонлик истилочиларданми, барибир, бутун инсониятни озод этишдан иборат.

Спитаменнинг барча ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилганларга қарата «куллик бекор қилинди» деб айтган самимий сўзини эшитиб тўлкинланган бўлсалар ҳам, улар хали рухан мажруҳ бўлиб, озодликка чиққанларига ишонгилари келмасди. Куллар ўртасидан хаяжонли муурожаатлар эшитилди, уларнинг кўзларида қувонч ёшлари милтирарди; исёнчилар томонига ўтган Жиён куллари сони юздан охиб кетди. Улар ойболта, ўрок, уч айрили найзалар билан қуролланиб, ўша захоти қасамёд этиб, мазлумлар иттифоқига аъзо бўлдилар.

Спитамен куллари тadbиркорлик билан ўзининг тажрибали сафдошлари каторига қўшди, токи эскилар янгилар руҳини кўтариб юрсинлар. Гуруҳда аскарларнинг сони икки юз кишидан ошди. Пешинга яқин у Жиён ховлисини қолдириб пасткам йўлақлардан, дала ва токзорларни оралаб, Самангон томонига жўнади.

Қандайдир муҳим воқеалар билан ажралиб турмайдиган тез ўтиб кетишдан кейин, Спитамен гуруҳи кечки гира-шира пайтида Самангонга етиб келди ва суғдий буйруғи билан шаҳарчадан бир неча фарсанг берирокда, бир бойнинг уйи олдида тўхташди. Атрофда кафтдагидек Бактрия далалари кўринарди.

Бактриянинг табиати бой ва кўп қиррали. Баъзи жойларда кўп сонли дарахт ва токзорлар жуда мўл ширали мевалар беради; хосилдор ерлар кўп сонли сув манбаларидан суғорилади; ерлари юмшоқ, ғалла экилади, кўп ерлар яйлов учун қолдирилган.

Жангчиларига келаси уч кунликка озиқ-овқат жамғаришни буюриб, суғдий катъийлик билан куч ишлатмаслик ва ўғирламасликни яна тайинлади. Икки-уч соатдан кейин гуруҳ, Спитамен чақириғига мувофиқ ўз кишанларини бугун ташлаган самангонлик элликтача қулни ўзига қўшиб олиб, у ердан жўнади.

Спитамен ўз юришини кечаси билан давом эттирди. Мохир кўмондон чакконлик ва эҳтиёткорлик билан ўз гуруҳини Парапансид тоғлари этагида жойлашган Бактрагача қўзилган эгри-бугри йўллар билан, муаттар хидли майсазорлар ва хушманзара тепаликлар орқали олиб борди. Нарироқдан Бактра дарёси оқади. Шаҳар ва ви-

лоятнинг номлари ундан олинган. Бактрага тахминан икки фарсанг йўл қолганда Спитамен йўл бўйида жойлашган бир неча боғларни эгаллаб, уларнинг дарахтлари остида ўз одамларини жойлаштирди; уларнинг сони бир кеча-кундузда минг кишига етди; суғдий уларга Катан, Бахтвар, Сайлбор ва Бакир мактабининг жанговарлари бу ерга келгунларигача шу ерда кутиш лозим, деб буюрди.

Атроф-муҳит билан қисқача танишгандан кейин, суғдий Абкор ва ўнтача чаққонроқ шерикларини кўчани анча масофагача текширишга юбормоқчи бўлди, ўзи эса бир неча жангчилар билан гуруҳга қўшилишни хоҳловчи қуллар ва зироатчиларни топиш учун қишлоқни айланиб чиқмоқчи бўлди. Гуруҳнинг асосий қисми аввалги жойда, боғларда қолиши лозим; Абкор ва Спитамен ўз вазифаларини бажарганларидан кейин шу ерда учрашиш ҳақида келишдилар.

Ҳамма ишлар Спитамен буюргандек бажарилди. Абкор икки соатдан кейин қайтиб келди. Суғдий аллақачон жойида эди; у яна, қўлларига нима тушса ўша билан қуролланган анчагина қулларни бошлаб келди ва гуруҳини кучайтирди; гуруҳга атроф қишлоқлардан озод бўлган уч юз жанговарлар ва қуллар қўшилдилар. Спитамен ўз жангчиларидан юз кишидан иборат бўлган бўлинмалар тузди. Юзталиклардан бирининг тепасига Абкорни бошқаларида Анбоз, Лагомрез, Махрур ва бошқа тажрибали жангчиларни қўйди; бўлинмаларга ёш ва жасур қиличбозлар кирдилар. Спитамен уларни найзалар билан қуроллантирди ва найзачилар деб атади. Қолган тўққизта юзталиклар нималар билан қуролланганликларига қараб аталдилар: ўроқчилар, уч айрили найзачилар, сихчилар, ойболтачилар ва хоказо; биринчи ва иккинчи бактриялик юзталиклар — қилич, ханжар ва бошқа қалта қуроллар билан қуролланган жангчилар. Ҳар бир ўн кишининг бошига ўнбоши, юз кишининг бошига — иккита бошлиқ, қичик ва қатта юзбоши. Буларнинг икковлари ҳам Кабурадан қочган жангчилардан тайинланди, чунки уларнинг мардлик ва жасурликларини яхши биларди, уларга тўдалигича ишонарди.

Тезда, охириги кунларнинг ташвиш ва меҳнатларидан толиққан жангчилар ухладилар ва биринчи машғаллар ёқилиши вақтида қароргоҳда тинчлик ва осойишталик



хукм сурди. Ёнаётган гулханлар ухлаётганларнинг харакатсиз гавдаларини ёритарди. Тез орада тонг ота бошлади; куёш нурлари атрофдаги бепоён сахроларни секин-аста ёритдилар, яшил майсалар ва гуллардан тикилган табиатнинг кўп рангли гўзал гиламлари мавжлана бошлади.

Тонг ёриши билан жангчилар катта йўлдан ўтаётган зироатчиларни кўрдилар; улар саватларга солинган мах-сулотларни слкаларига кўтариб, пиёда ёки эшакларига ортилган пиёз, сабзи ёки сутлик масалликларни сотиш учун Бактра бозорига борардилар. Қуролланган кишилар гуруҳларига улар таажжубланиб ва кўркиб қарадилар.

Ҳаммадан олдин уйғонган Спитамен анча вақт ўз ўрнида харакатсиз ўтириб, боғланган ва елкасига осиб кўйилган чап кўли остига ўнг кўлини кўйиб йўлга қаради ва хаёл суриб, узок ўтмиш дамларини эслади. Унинг фикри Суғдиёна тоғлари устида айланиб юрар, нозик ва илиқ шабаданнинг тез ўтиб кетганидек, беғам болалик ва ўспиринлик йилларини, Зара ва қизчаси Апама билан қувнок сайрларини ёдига соларди. Бу хаёллар билан банд бўлган чоғда осойишта ва тиник бўлган юзини тўсатдан ғам босди: у юнон-македон аскарларининг хужумларини, қонли жанглари, форслар мағлубиятини, йўқотилган чорва молларни, ёнган уйларни, суғдийларнинг кулликка тушганларини хаёлидан кечирди.

Бу хаёлларга бир соатдан кўпроқ шўнғиган Спитамен, тўсатдан сесканди ва бошини Кабура томонидан унинг гуруҳи келган йўлга буриб, кулоқ солди. Унга қандайдир шовкин бўлаётгандек туюлди.

Шу вақт йўл четида турган соқчи, унга яқинлашиб келган одамдан шартли махфий сўз айтганини эшитди: «Бизлар, ҳаммамиз — инилармиз». Ўнбошининг ўз жангчилари билан чопиб бориб, ким келаётганлигини аниқлагунича, бутун қароргоҳ ўрнидан турди. Бир неча дақиқада, шовқинсиз, югур-югурсиз барча жангчилар ва куллар қуролландилар; уларнинг ҳар бири юзлик ичидаги ўз ўрнида турди ва гуруҳ, гуё тажрибали аскарлардан иборат бўлгандек саф тортиб, ҳар қандай хужумни мардонавор қайтариш учун тайёр бўлди.

Ўнбоши эҳтиёткорлик билан қароргоҳга яқинлашиб келаётган одамларнинг кимлар ва мақсади нима эканини

аниқлаганича, Спитамен соқчилар гуруҳининг ярми билан буталар орасида яшириниб, йўл томонга қарарди; улар хушёрлик билан қулоқ солиб, йўлда нима содир бўлаётганлигини диққат билан кузатдилар. Тўсатдан ўнбошининг қувноқ овози эшитилди:

— Бу Бахтвар!

Ўша захотиёк унинг орқасидан бораётган барча жангчилар такрорладилар:

— Бахтварр, Сайлбор ва Катан!

Бир дақиқадан кейин уларнинг қувноқ овозлари эшитилди:

— Бизлар, ҳаммамиз — инилармиз! Ҳа, бу бизлармиз, бизлар билан яна етмиш бешта, Кабурадан қочган бизнинг сафдошларимиз.

Спитаменнинг қувонганини тасаввур этиш қийин эмасди. У буталар орасидан сакраб дўстлар қаршисига чиқди. Улар иссиқ кучоқлашдилар.

— О, менинг қадрдонларим! — ҳаяжонланиб мурожаат этди суғдий. — Тезда сизларни кўраман, деб ишонмагандим!

— Бизлар ҳам, — жавоб беришди улар; улар биринкетин Спитамен бошини, унинг майиб бўлган қўлини силардилар.

Саломлашишлар ниҳоясига етгач, Бахтвар бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир Спитаменга хикоя қилди. Катан, Сайлбор гуруҳи бир соатдан кўп Кабуранинг миршаблар тўдаси билан олишдилар; таҳқирчилар икки қисмга бўлиндилар; бири найзабозлик жангига кирди, бошқаси Кабура кўчаларини айланиб, исёнчиларни орқа томондан урмоқчи бўлди. Бахтвар уларнинг режаларини фаҳмлади; кўчаларни тўсиш учун ташлаган тўсикларни четлаб, Спитаменнинг ўз дўстлари билан шаҳар чегарасидан ўтиб кетишлари учун бир соат вақт етарли бўлишини билиб, у чекинишга қарор қилди ва жангчиларга тарқалиб, ҳар жойда яширинишни, эртага эса, битта-битта бўлиб шаҳардан чиқишни буюрди. Учрашув Бактра йўлининг учинчи фарсангида белгиланди; Бахтвар ўз сафдошларини кечқурунгача кутиши, кейин йўлга чиқиши керак эди. Катан ўз таассуроти ҳақида гапириб, у билан Бакир мактаби олдида ёнма-ён олишаётган жангчилардан йигирма киши ҳалок бўлганини ачиниб гапирди; бир юзу ўн қиличбозлардан, шартлашган жойга

уларнинг фақат етмиш бештаси етиб келдилар, деди у; мактабнинг бошлиқлари, Бакир ва Лутфи шаҳарда қолибдилар.

Янги гуруҳнинг келиб қўшилганлиги қароргоҳда катта хурсандчилик уйғотди. Гулханларга ўтин ташладилар, янги келганларни оддийгина меҳмон қилдилар: нон, пишлоқ, қуритилган мева ва ёнғоқ. Умумий шовқинда ким кутганини ва кимларни кутганларини билиб бўлмасди. Ҳаммаси аралашиб кетди: мурожаат, саволлар, жавоблар, ҳикоялар...

Хол-аҳвол сўрашлар ва шовқинлашиб суҳбат қуришдан кейин Катан, Сайлбор ва Бахтвар Кабурага Бесснинг келганлиги ҳақида, унинг дўстларидан бир қисми Искандар томонига ўтганлиги ҳақида, маҳаллий қабила-лардан бўлган кўпчилик аскарларнинг ўз уйларига тарқалиб кетганлиги ҳақида ва бошқа янгиликлар борасида Спитаменга маълумот бердилар. Улар Бесснинг қолган аскарлари билан Кабурадан чиққанлиги ва балки тезда Спитамен ва унинг дўстлари тўхтаган жойга етиб келиши мумкинлигини айтдилар. Улар шундай хулосага келдилар — Бесснинг келишини кутиш.

\* \* \*

Бесс ўз гуруҳи билан Кабурани ташлаб, шимолга қараб жўнади. Бактрагача яна икки манзил орасидаги масофани босиб ўтиш керак. Йўловчилар бирон жойда тунаб, эрта эрталаб йўлга чиқиш ва кечқурун шаҳарга етиб боришга қарор қилдилар. Кун ботиши билан, улар қишлоққа етиб келдилар ва баланд деворлар билан ўраб олинган ҳовли олдида тўхтадилар. Бесс роҳатлангандек керишди. У қалин гилам устида чўзилиб, тўйиб овқатланиш ва дам олиш роҳатини олдиндан тасаввур этмоқда.

Бесснинг кўнгли тинч. Қишлоқ аҳолиси, уларникига Бактра ва Суғдиёна сатрапининг ўзи қадам ранжида қилганини билиб, ўз ҳовлиларининг дарвозаларини катта очиб, олий мартабали меҳмоннинг оёқлари остига ўзларини ташлайдилар, деб уйлади у. Ахир у ўн йилдан бери уларнинг сатрапи, иззат-эҳтиромларини бепарволик билан қабул қилишга ўрганган.

Ўз суворилар гуруҳи олдида, отини аста-секин хайдаб, баланд деворлар билан ўраб олинган ҳовлининг дар-

возасига камчи дастасини уриб, Бесс эйтиборли овоз чиқарди:

— Ҳой, очинглар! — Унинг чақирганига ҳеч ким жавоб бермади. — Очинглар, сизларнинг кўзларингиз қаерда? Ким келганини кўрмаяпсизларми?

Ҳеч ким жавоб бермади, дарвоза очилмади. Бессга алам килди.

— Тезроқ очинглар! Нимага имиллайсизлар? — кичкирди у бесаранжомлик билан.

Девор устида қўлида камон ушлаган бактриялик кекса одам кўринди.

— Ким сизлар? — сўради у жаҳл билан.

Бесс довдиради. Унинг кимлигини ҳеч вақт ва ҳеч ким сўрамасди. Саройда, у олтин ўриндикда ўтирганида, хизматкорлар унинг олдида тиз чўқардилар, аммо ҳеч ким ундан унинг кимлигини сўрамаганди. У кўчаларда, атрофида шахсий соқчилар оломони билан от чоптириб юрганида фукаролар ергача эгилардилар, лекин ҳеч ким унинг кимлигини сўрамасди. У бирон вилоятга бормоқчи бўлса, у ерда икки ой сатрапни кутиб олишга тайёргарлик кўриларди, лекин унинг кимлигини ҳеч ким сўрамас эди. Қандайдир ақлдан озган бактриялик чол энди сен ким, деб сўраяпти. Бесс, бу — Бесс-да, падарингга лаънат... Бесс чолга нима дейишини билмай, саросималик билан Артобулга қаради. У юзини жиддийлаштириб, қовоғини солди-да, газаб билан кичкирди:

— Тезроқ оч, аҳмоқ! Кўрмаяпсанми, итдан таркаган, сенинг олдингда — форсларнинг энг мартабалиси, ахамоний Бесс, сенинг ҳукмдоринг?!

Артобулнинг бу сўзлари чолга ҳеч қанча таъсир қилмади.

— Нега улар мени қўймадилар? — таажжубланди Бесс. — Нахотки, мени юнон деб билган бўлсалар?

Тоғлар ва чўлларда юриш уни чарчатганди. Гулхан олдида тунаш, чўғда ковурилган гўшт ейиш унинг меъдасига текканди. У дам олмоқчи ва аччиқроқ, зираворли таом истеъмол қилмоқчи... Бу лаънати чол эса унга ҳатто ўз дарвозасини ҳам очмайди.

— Бесс? — ажабланиб сўради бактриялик. — Бунақа одамни эшитганим ҳам йўқ.

Бактрияликнинг қайсарлиги бутун Осиёнинг шоҳи бўлишни орзу қилаётган сатрапни янада газаблантирди.

У оғзини очиб, қари аҳмоқни барча терма ҳақорат сўзлари билан сўқмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутиб, кўзларини катта очди. У тушунди. Чол ўзини гўлликка солмоқда. Чол Бессни, албатта, таниди. Уни уйга қўймаслигининг боиси шундаки, бактрияликлар ундан жирканадилар.

— А!.. Сизлар мен билан шундайми? Ҳаммангни сўйиб ташлайман! Қишлоқни ёндираман!..

— Қишлоқни ёндирасан? — бактриялик қовоғини солди. — Эҳтиёт бўл, аҳмоқ, биронтаси бошингни кесиб ташламасин. Лаънат сенга, очкўз чиябўри! Худоларнинг қарғишига гирифтор бўлгин!

Бесс, камчи билан урилгандек, кийшайиб кетди. Унинг кўзлари олди қоронғилашди. У ханжарини кинидан тортди ва отнинг жиловини қаттиқ силкитди. От орқа оёқларида тик туриб, ўзини отиб ташлади. Форснинг жаҳли чиқиб, безбет бактрияликни ханжар билан уриб туширишни кўзлади ва тиғни юқори кўтариб, силкитди. Лекин деворнинг баландлиги йигирма тирсак. Чопкир от сакраб, устидаги чавандоз билан физиллаб, дарвозадан узоқлашиб кетди. Бесснинг ҳамроҳлари ҳам отларини буриб, раҳбар кетидан югуртирдилар. Шундай қилиб, бошлиқ бу кеча қалин гилам устида дам олиш ва базм қуришдан махрум бўлди.

Бактрияликларни Бессга қарши ҳеч ким гижгижлатгани йўқ; дехконлар урушдан олдин ҳам ундан жирканардилар. Энди эса бадтарроқ ёмон кўрадилар.

— Бесс дайва балосига йўликсин! — дедилар бир қишлоқнинг фуқаролари. — Эроний ўз ватанига кетсин.

Дайва — ёвуз арвоҳ, рух; унинг мавжудлигига ҳар қайси форс ишонади. Сатрап бундай ҳақоратдан йиғлашига сал қолди.

— Бесс ўз қариндоши Доро билан нариги дунёга кетсин! — айтдилар бошқа қишлоқнинг фуқаролари.

— Бунақа ҳокимларга биз тупурдик, — дедилар учинчи қишлоқнинг фуқаролари.

— Биз, бактрияликлар, Бактриана ишини ўзимиз удалаймиз...

Тўртинчи қишлоқ фуқароларининг айтишларига караганда, улар келгиндиларни тирлар отиш билан кутиб олиб саккиз нафар даҳни уриб йиқитганлар.

Бу ҳақоратларни кўрган ва эшитган Бесснинг шериклари, ундан ихлослари қайтиб, ҳар томонга тарқалиб кетдилар.



Ўз кучсизлигини сезган Бесс рухан эзилди. Зиддиятли хиссиётлардан кўнгли гаши бўлган сатрап ўзини зурға тутиб, бор кучи билан Бактра томон от чоштириб кетди. У Спитамен қароргоҳига етиб келганида, ихтиёрида ёш суғдийнинг кўнгиллиларига нисбатан анча оз аскар қолган эди.

Бахорги кучли ёмғирдан кейин жангчилар исиниш ва кийим-бошларини қуритиш учун гулхан ёкдилар. Спитамен олов олдида, қоплон терисидан тикилган пўстини устида чўзилиб, майиб қўлини иситарди. Бесс бошини қуйи солиб, гулханнинг нариги томонида, ҳаракатсиз ўтирарди. У Спитамен гуруҳида кўнгиллиларнинг кўпайиб кетганлигини кўриб, суғдийга нисбатан нафрати ошди. Суғдийнинг ўзини мустақил тутиб қилаётган ҳаракати билан, Бессга нисбатан ўтган куни содир бўлган воқеа — фуқароларнинг уни менсимаганликлари ўртасида, унинг фикрича, бевосита алоқа борга ўхшарди. Бактрияликларни Бессга қарши гижгижлатган киши Спитамен эмасми, нега унинг одамлари кўпайиб, меники эса ҳар томонга қочиб кеттишмоқда? — ўйлади форс. Спитамен атрофида унинг сафдошлари бўлмаганда, ахамоний зудлик билан қўлига қилич олиб Сиёвушнинг бу айёр наслига ташланар ва уни чошиб ташларди. Бесс нимага ўз амакиваччаси Дорони ўлдирди, мана шу суғдий болакай аскарлар ичида шухрат қозониб унга халал бериши учунми? Бесснинг обрў, эътиборини барбод қилишга Спитаменни нима мажбур этяпти? Балки шоҳлар наслидан бўлган бу болакай уни йўқ қилмоқчи? Дахларни бу нияти бузук суғдийни ўлдиришга кўндирсинми? Жуда ажойиб бўларди-да! Аммо Қаро Қум дайдиларига бундай ишни топшириб бўладими? Уларнинг кўпи қочиб кетди-ку. Қолганлари эса бундан кейин ҳам Бессга қулоқ соладиларми ёки лаънати Спитаменга хизмат қилдиларми? Улар учун Спитамен бегона эмас, мен эса — бегона, форс. Дахлар форс истилочиларидан озмунча изтироб чеқдиларми? Энди, Искандар аскарлари яқинлашиб келаётган бир пайтда, бактрияликлар форсларга нисбатан қандай муносабатда бўларканлар? Бактра аҳолиси ўз ҳокимини қандай қабул қиларкан?

Ана шу мулоҳазалар билан Бесс Бактрага ўз чопарини жўнатди ва барча аскарларга йўлга чиқишни буюрди. Кучли ёмғирдан кейин кийим-бошларини қуритишга

хали улгурмаган форслар, афғонлар, суғдийлар, бактрияликлар ва дахлар ўшшайиб ва истамасдан қурол-аслаҳаларини тердилар, отлар устига наमत ёпикларини ташлаб қоринбоғларини тортдилар.

Аскарларнинг Бактрага яқинлашиши билан, йўл гавжумлаша борди. Йўл бўйларида, ҳидларига қараганда, чармгарлар, совунгарлар, кулоллар ва темирчиларнинг уйлари қад кўтарган. Дехконлар беда ортилган эшакларини хих-хихлаб бозорга борардилар. Буғдой тўла қоплар ортилган катта араваларнинг баланд чархлари гижирларди. Кўчманчиларнинг икки ўрқачли туялари сипоҳлик билан қадам ташларди. Одамлар ҳар томонга шошардилар, аммо икки минг кишидан иборат, қуролланган жангчилар яқинлашганда, бозорчилар беихтиёр тўхтаб, уларни узоқ муддат давомида диққат билан кузатдилар.

— Ким булар?

— Шох чекинмоқда.

— Нодон, шохни жангда ўлдирганлар-ку.

— Янги шох Бесс ўз аскарларининг қолдиғи билан чекинмоқда.

— Ох, энди бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Жангчилар гуруҳи шаҳарнинг ғарб дарвозасига яқинлашди. Шаҳар катта хом гиштлардан терилган баланд деворлар билан ўраб олинган. Дарвозанинг ўнг ва чап томонидаги тўғри бурчакли миноралар устида соқчилар туришарди.

Бессни кутардилар. Гуруҳнинг тор кўчада кўриниши билан, уни кутиб олиш учун икки товоқи ҳам ланг очилган дарвозадан эгниларига кенг гулдор чакмон ва бошларига тарғил қалпоқ кийган, соқолли човандозлар гуруҳи кўчага чиқди. Ноғоралар гумбирлади, мисдан ясалган катта трубалар, хўкизларга ўхшаб, бўкирдилар. Спитамен лабларини тишлади. Аммо хурсандчилигидан Бесснинг юзи порлади. Кутиб олувчилар оломони ичида биронта ҳам бактриялик йўқ. Шаҳарда македонликлар хужумидан шарққа қочган беш мингга яқин форслар тўплангандилар. Улар чопардан Бесснинг келиши ҳақидаги хабарни эшитиб хурсанд бўлдилар ва ўз бошлиқларини кутиб олиш учун шошилдилар; бошлиқ олдида тиз чўкаётган форсларни кўрган Бесс, ўзини яна сатрап сифатида сизди. Энди уни ҳеч ким сен кимсан, демасди.

Форслар ўз бошлиқларига ва унинг форс сафдошларига йўл бериш учун икки томонга сурилдилар. Устида виқор билан Бесс ўтирган сатрап отини жиловидан ушлаган кекса форс уни етаклади. Кутаётган найзабардорлар унинг кетидан хокимият саройига қараб жўнадилар.

Спитамен ўрнидан кимирамлади. Суғдийлар, саклар, афғонлар, бактрияликлар ва қисман дахлар Сиёвуш насли, суғдий хузурида қолдилар. Бесс ўз сафдошини гўё эсидан чиқарган. Аммо, унинг маъносини Спитамен яхши тушунарди. Бесснинг юрагида нимадир бор, ундан эҳтиёт бўлиш керак.

Хайрон бўлиб, лекин ўзини йўқотмай, Спитамен аскарлар томонига ўгирилиб, улардан сўради:

— Кўрдингизларми? Чангалзорга ўт тушиб, ёввойи хайвонлар оловдан қутилиш учун қочганларида, бўри ва кийик ёнма-ён, бир-бирларига индамасдан, чопадилар. Аммо оловнинг ўчиши билан бўри тишини қайраб, кийикка қараб ҳамла қилади. Мени тушундингларми?

— Ҳа, тушундик.

— Сизлар, дахлар, қаерга борасизлар?

Барча дахлар бир овозда, иккиланмай жавоб бердилар:

— Биз сен билан, Спитамен!

Дахлар, ҳатто ўз ихтиёридаги жангчиларига тунаш учун жой бермаган Бесснинг қўли остида хизмат қилишдан ҳеч қандай яхшилик чиқмаслигини тушуниб, Спитаменнинг фармойишини қутдилар. Суғдий мамнунлик билан бош кимирамлатди ва улар билан дарвоза олдида қолган, ранги ўчган, ориқ форсга зимдан қаради. Бу Доронинг ўлдирилиши пайтида иштирок этган, аммо Бессни ҳам ёмон кўрадиган ўша форс эди.

— Сен-чи, Датаферн? — сўради Спитамен. У жавоб бермади. — Сен ҳам форс-ку, нимага бу ерда қолдинг?

— Қаерга борай? — Датаферн ғамгин кулимсиради.

— Бессникига хоҳламайсанми?

— Сен билан бормоқчиман, — бошини қуйи солиб, деди у.

Спитамен форсга тикилиб қаради. Балки, Бесс уни жўрттага юбордимми? Йўқ, бундай бўлмаса керак. Спитамен бу боёқиш Датафернни биринчи марта кўраётгани йўқ-ку.

— Яхши, — имлади Спитамен, софдиллик билан. — Мен билан қолмоқчи бўлганингдан хурсандман.

Кейин Спитамен барчага мурожаат қилди:

— Форслар чапга, қасрга кетдилар. Биз ўнгга, қарвонсаройга борамиз.

Бир ярим минг кишилик гуруҳни шаҳарнинг ҳеч қайси бир фукароси, ҳатто бой бўлса ҳам, қабул қилолмайди. Шунинг учун улар бактралик савдогарлардан бирининг боғи ёнидаги катта қарвонсаройга ўрнашдилар. Бу ҳар хил хизматхоналар билан тўла бино бўлиб, атрофи ҳар жойида шинакли, баланд пахса деворлар билан ўраб олинган. Бу бинонинг эгаси Спитаменга таниш одам, бир вақтлар Персеполда ўзининг тери ортилган қарвонини ўғирлатган савдогар, Масаддик.

Масаддик — энди ёши олтмишдан ошган, ақллилигидан далолат берувчи пешонаси кенг, юзи озғин, аммо ҳозир ҳам кўриниши жиддий, бир оз ориклангани учун бурнининг кўриниши тик ва узун, соқоллари оқарган — меҳмонларни ростакам самимият билан кутиб олди:

— Салом сенга, Спэнтазода! Мен ўз уйимга Сиёвуш наслини қабул қилишдан беҳад хурсандман! Сен шуҳратли отангнинг арзигулик ўғлисан!

Мезбон дастурхон устида Спитаменга Искандар билан бўлаётган уруш ҳақида, унинг қайси жангларда иштирок этганлиги ҳақида саволлар берди. Спитамен тановвул қиларкан, ҳар замон бир қултлаб ичаётган чучук май тўла қадахни дастурхон устига куйиб, ёстикни ўнг тирсаги остига олиб, ёнбошлади.

— Сизга якунини айтаман, — очилиб гапирди у. — Форс салтанатининг куни битди!

— Сен бунга хурсандми?

— Қайси бактриялик ёки суғдий бундан хурсанд бўлмайди? — саволга савол билан жавоб берди ёш суғдий.

У кўзларини қисиб, бармоқларини шиқирлатди ва кулимсиради. Масаддик, Спэнтанинг ўғли кейин нима дер экан, деб жим кутарди.

— Сиз мендан сўраяпсиз: Кодоманнинг ағдарилганлигидан хурсандманми? Ҳа, беҳад хурсандман! Нима учун? Нима учунлигини сизга айтаман. Суғдиёнада Сиёвуш авлодидан бўлган шоҳларнинг энг мартабали ва бой бўлганларини сиз яхши биласиз. Аммо Кайхисрав (Куруш)нинг келиши билан...

Масаддик ёш суғдийнинг кўзларидан ёниб чикқан ваҳимали учкунни кўриб, кўркув билан нарирокқа силжиди.

— Форсларнинг шоҳи Кайхисрав, — давом этди Спитамен, — менинг катта бобомни ўзига бўйсундириб хўрлади. Доро одил шоҳ бўлса ҳам, менинг бобомни Бухородан хайдаб юборди. Бизнинг авлодимиз шаркка, Панжакентга қочиб кетди. Аммо у ерда ҳам менинг аждодларимни тинч қўймадилар. Нима учун? Чунки бизнинг авлодимиз муқаддас, Доронинг ўғли Хшайарша эса, шаркда Ахамон авлодидан бошқа шухратли авлод қолмаслигини хоҳлади.

Эй тақдир! Агар бир вақтлар Суғдиёнанинг бойлиги бизга тегишли бўлса, форслар ҳукмронлигининг кейинги йилларида бу бойликлар шоҳ Умасунинг ўлжаларига айланди. Суғдиёнани Форс давлатининг сатраплигига айлантirdилар. Менинг отамни расмиятчилик юзасидан сатрап этиб тайинладилар. Суғдийлар хоразмлик, парфиялик ва бактриялик қабилалар билан биргаликда қанча бож-хирож тўлаганларини биласизми? Ҳар йили уч юз олтин талант миқдорида. Оғир солиқлардан бизнинг сулоламиз, Суғдиёнанинг барча фуқаролари каби, қашшоқлашди. Менга ишонинг, ҳар ўнта қўйдан, ярмини бизлар Умасуга берардик. Ўн қоп ғалладан ярмини унинг омборига юборардик. Ҳар ўн ёш йигитдан ярмини каерга юбордик? Умасу қўшинига, гуё давлатнинг химояси учун, ер ютсин бундай давлатни. Бизнинг йигитларимиз бошқаларнинг бахт-саодати учун ўз кулбаларидан узоқдаги ўлкаларда йўқолиб кетдилар. Ҳар ўн аёлдан ярмини Умасу югурдақларига бердик, қизларимиз унинг шалпангқулоқ қарияларига кўнгилчоғлик учун хизмат қилганлар, ўзимизнинг йигитларимиз эса умр бўйи уйланмай, ер юзида насл қолдирмай ўлиб кетишди... Шоҳ Умасу менинг отамни Персеполга чақиртириб, бўйсунмаганлиги учун жазолади. Буздан сизнинг хабарингиз бор. Тоғам Эрзиф билан отамнинг тақдирини билиш учун Персеполга борганимизда бизни қандай хўрлаганларидан, бир илож қилиб отамнинг фоний жасадини олиб кетганимиздан хабарингиз бор.

Суғдиёнада менинг шухратли бўлганимдан ҳалқим учун енгил бўлгани йўқ. Мен фақат ўз эпчиллигимдан юқори мартабага эришдим. Энди мен, Ахамон наслдан

бўлган қандайдир Бессга ишонмасдан, Сугдиёнани ўзим бошқаришим керак! Мен умр бўйи бу Умасуни жоҳиллиги учун ёмон кўрардим ва унинг қулашини орзу қилардим. Уни ўзлари ўлдирдилар. Ўрнига Кодоман келган бўлса ҳам шароит ўзгармади. Унга қарши курашиш учун менинг кучим етмас эди. Буни мен учун бошқа биров — буюк инсон, ғарбий мамлакатларнинг шоҳи — Искандар Зулқарнайн бажарди. Сиз, Масаддик ота, мендан Доро Кодоманнинг қулаганлигидан хурсандмисан, деб сўрадингиз. Мен бундан қувонмоқдаман!

Спитамен гоҳ тўлқинланар, гоҳ чучук май таъсирида каттик қуларди. Масаддик, Спэнта ўғлининг бундай очиқ сўзларидан хайратланиб, ҳамон жим ўтирарди. Спитамен лабларида ажойиб табассум ўйнар эди. Масаддик эса, бу ёш сугдий ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳеч қандай балодан кўркмайди, деб ўйлади.

— Сен ҳақ гапни айтдинг, Спитамен, авлодингнинг тарихи менга маълум, — деди ниҳоят Масаддик. — Мен сенинг ички туйғуларингни яхши тушинаман. Умасунинг ўлдирилиши ва Кодоман давлатининг қулаганлиги учун кўп халқларнинг хурсанд бўлишини ҳам биламан. Лекин... — Масаддик оҳ тортди, — биз хўрозга кирғийни алмаштириб пушаймон бўлмаймизми, а?

— Сиз нима ҳақда, ота? — сўради Спитамен, табассум билан.

— Мен Искандар ҳақида деяпман, бактриялик фуқароларимизнинг анча қисми унда гуё ўз оталарини кўраётгандай. Шаҳримизнинг кўп чорраҳаларида Искандарни бизнинг халоскоримиз деб, кўкларга кўтариб гапирардилар. Сен ҳам шундай фикрдасан. Мен эса бошқача фикрда...

— Сизни қандай тушуниш керак, ота? — унинг сўзини бўлиб, сўради Спитамен. — Улар сизни ҳам алдаганларини нахотки эсингиздан чиқарган бўлсангиз?! Улар, имконияти бўлса, ҳар қандай кишини ҳам хўрлайдилар!

— Сен ҳақ гапни айтяпсан, ёш дўстим. Македонликлар ғарбда урушаётганида мен Зулқарнайннинг ғалабаси учун Ахура Маздага сажда қилдим. Персеполга ўт кўйганларида, мен Митра худосига чўқиндим. Лекин... Доро Кодоман ўлдирилди, форслар қочдилар, Искандар эса ҳали ҳам шарққа қараб ҳаракат қилмоқда. У аллақачон Кабурани босиб олиб, Бактрага қараб келмоқда.

Биттаси йўқ — иккинчисининг нима кераклиги бор? Ни-  
мага Исқандар бу томонларга келмоқда?

— Бесс устидан ғалаба қилиш ва форслар қолдиғини  
йўқотиш учун, — хитоб этди Спитамен.

— Менимча, Исқандар бизни озод этиш учун кела-  
ётгани йўқ. Бу ерларга унинг келиши билан бизга яна  
ёмонроқ бўлиши мумкин. Шундай бўлмасмикан: агар  
Умасу солиқчилари сенинг ўнта қўйингдан бештасини  
еган бўлсалар, юнон ва македонлар қўйларингни ҳамма-  
сини ўзинг билан бирга, мени ҳам қўнларимга аралашти-  
риб эмасмиканлар? Сен бу ҳақда ўйладингми, а?

Спитаменнинг табассуми ўчди. У қўзларини ерга қа-  
ратиб паст овоз билан жавоб берди:

— Мен ҳам шу ҳақда ўйладим.

— Яхши. Мен Исқандардан қўрқаман. Уни алдамчи  
дейдилар. Ким билади унинг қалласида қандай фикрлар  
бор? Сен унинг қалбини биласанми? Йўқ. Мен ҳам.  
Ўйлаб кўр-чи, биз учун у ўз одамларини қурбон қилади-  
ми? Йўқ, мен ва сен учун у ўз бошини хавфга қолдир-  
майди. Мана шунинг учун мен унга ишонмайман.

— Сиз Исқандардан қўрқасиз, холос. Менинг фик-  
римча, майли у Бесс ва унинг аъёнларини жазоласин,  
кейин эса худолар биладилар!

— Билмайман, — бошини қимирлатиб ишончсизлик  
билан деди Масаддик. — Балки, сен ҳақдирсен. Лекин  
мен барибир Зулкарнайнга ишонмайман. Мен кўп ўй-  
ладим, бир ой ўйладим. Хуллас... хуллас, кеч бўлмай  
Бактрадан қочиш керак, деган хулосага келдим.

— Қочиш? — Спитамен қошларини бирданига қўтар-  
ди. — Қаерга?

— Шимолга. Суғдиёнага.

— Бактрия нима бўлади? Унинг фуқаролари-чи? Ҳа,  
бактрияликлар Исқандарни ўзларининг халоскорлари  
деб билишларини айтдингиз.

— Мен ўзимни ва авлодимни македонлардан қутқаз-  
моқчиман. Мен жўнашга тайёрландим. Биз уч кундан  
кейин йўлга чиқамиз. Агар хоҳласанг, биз билан бирга юр.

— Мен бу ерга ўз одамларим билан сизникида доимо  
яшаш учун келганим йўқ. Мен Суғдиёнани форсларнинг  
инсофсизларидан озод қилиш ва бизнинг ерларимизга  
юнон-македонликлар истилосини қайтариш учун халқ  
қўшинини тузишга тайёрланмоқдаман.

— Бу олижаноблик. Бундай бўлса, мен ўз одамларим билан сенга қўшилиб кетаман. Бессни нима қилмоқчисан?

— Бесс ўз форслари билан сатраплик қасрига кетди. У hozir қаср саройида. Ўз режалари хақида у менга ҳеч нима дегани йўқ. Майли, билганини қилсин.

— Агар у бизлар билан бўлишни истаса-чи? Ахир, у бу ерда кўп қололмайд-ку. Бу ерга, ҳадемай македонлар келадилар, маҳаллийлар ҳам уни қувадилар.

— Агар хоҳласа, майли бизлар билан кетсин. Лекин ҳеч ким унга тиз чўкиб, уни боқмайди... — Спитаменнинг кўзлари бир нуктага тикилди. Сўнгра у бирданига бошини қимирлатди. — Хўп, яхши! Биз ўзимизникига, Сурдиёнага кетамиз. Кейин нима бўлишини худо кўрса-тади.

Белгиланган вақтда турли қабилалардан ва ўлкалардан бўлган жангчилар йўлга отландилар. Улар кетидан афғон жангчилари, дахлар, кулликдан озод бўлган турли қабилаларнинг вакиллари саф тортдилар.

Бактрияликлар алоҳида сафландилар. Мана, бактриялик эпчил Хориен ҳам ўзининг яқин сувори одамлари ичида, нима қилишини билмай, мўйловини тишлаб ё силаб, оти устида ўтирибди. Савдогар Масаддикнинг кўп сонли уруғ-аймоқлари, унинг қуролланган хизматкорлари, хотин ва болалари ҳамда у билан бирга қочмоққа аҳд қилган бошқа бактрияликлар: кохинлар ва уруғ жамоаларининг бошлиқлари, бола-чақалари ўз келажакларини ўйлаб, хўшшайиб турардилар. Келажак эса уларга ҳеч қандай истиқболни ваъда қилмас эди.

Бундай қайғули юришга қўшилиш учун уч марта маъюс кўринаётган форслар ҳам шошилиб келдилар. Уларнинг бошлиғи Бесс ҳаммадан ҳам ғамгин кўринарди. Сатрап найза учидай ўткир қараши билан оломонга тикиларди. Унинг нигоҳи Спитаменни ахтарарди, кутарди, талаб этарди. Спитамен сатрапни кўрди, лекин ўрnidан қимирламади, парво ҳам қилмади. Сатрап катта кўзларини Оксиартга бурди. Оксиарт сесканди. У янги шох ҳузурига шошқалоқлик билан бориб, бесўнақай таъзим қилди ва уялганидан қизариб хижолатлигича одамлар оломони ичига аралашиб кетди.

Ниҳоят, Бесснинг ўзи Спитамен ва Масаддик ҳузурларига келиб уларни Бактриядан кетмасликка кўндириш



учун кўп уринди, лекин унга кулоқ солмадилар. Уларсиз Бесс фақат Искандардан эмас, балки бактрияликларнинг қасосидан ҳам кўрқиб, Бактрада қолишга ботинолмади. Сатрап икки олов орасида қолди. Ҳозир ҳам ҳеч ким ундан — сен ким бўласан, деб сўрамасди.

## Ў н е т т и н ч и б о б

### ИККИ ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ. СУҒДИЁНА ЧЕГАРАСИДА БИРИНЧИ ЖАНГ

Термиз қаршисида жангчилар катта қайиқларга ўтириб Оксинг нариги қирғоғига сузиб ўтдилар ва қайиқларни юнон-македонликлар кўлига тушмаслиги учун ёқиб ташладилар. Дарёдан ўтгандан кейин Спитамен ўз дўстлари билан маслаҳатлашиб, душманни Суғдиёна худудига қўймаслик учун, чегарада жанг қилишга қарор қилди.

Жангчилар Кўхитангтоғ ва Бойсунтоғ оралигида жойлашган Сайроб водийсига бориб, анҳор бўйида ўзларига чодирлардан қароргоҳ туздилар; атрофга қоровуллар қўйдилар.

Қароргоҳда жангчилар суҳбати ярим тунгача давом этди. Уларнинг қалбларида йиғилган орзу ва умидлар изхорининг охири йўқ эди. Фақат ярим тунда улар ухлаб, қароргоҳда осойишталик қарор топди.

Туннинг ярми ўтиб, қароргоҳ қоровуллари алмаштирилгандан кейин, Хориен пайдо бўлди. Спитамен ҳали ўйроқ бўлганлиги учун унинг келганидан ҳайрон бўлмади.

Мен сени тушундим, — деди Хориен хирллаб, шамоллаган овози билан.

Спитамен унга қўл узатди.

— Менинг хузуримга келганлигинг учун, мен ҳам сени тушундим, Хориен.

Улар гутаб ёнаётган гулхан олдида ўтирдилар.

— Сен нима қилишни ўйламоқдасан, Спитамен?

— Илгари ўйлаганимни. Жанг қилишни.

— Шох Артахшас байоғи остидами?

— Мен бундай сохта шоҳни билмайман ва хоҳламайман, Хориен. Мен бундай виждонсиз Аҳамонийнинг шоҳлик ҳукуки учун урушмоқчи эмасман.

Хориен хайрон бўлиб мўйлов ва соколларини панжалари билан силади.

— Сен, Спитамен, бизнинг еримизда македонликнинг юрганини эсингдан чиқарганга ўхшайсан. Биз бир ўзимиз унга қарши туrolмаймиз.

— Бесс македонликнинг марҳаматини сотиб олиш учун бизни унга топширмаслигига сен ишонасанми, Хориен? Бизнинг Бессга бўйин эгишимизнинг маъноси борми, агар у Дорога ўхшаб чекинаётган бўлса, Искандардан қочаётган бўлса? Ҳозир, душман бизнинг еримизда дайдиб юрган бир вақтда, бизнинг чекинишимиз тўғри бўладими?

— Сен ҳақлига ўхшайсан, — ғамгинлик билан жавоб берди Хориен. — Бесс бизга фақат халақит бериши мумкин. Ундан қутилиш керак.

Шу вақт қароргоҳда отлар туёқларининг товуши ва бошқа овозлар эшитилди. Ўз отряди билан Оксарт келди. Гулханлар ёруғида унинг чакмонида порлаган қизил доғлар кўринди. Спитамен гулхан олдида ўтирган Оксарт ҳали исинмай, бу ерга бошқа маслақдош қабилаларнинг ҳарбий бошлиқлари ўз гуруҳлари билан шошилиб келдилар.

Эрталаб Спитамен маслаҳати билан жангчилар раҳбарлари йиғилиши бўлиб, унда ҳаракатнинг навбатдаги дастури муҳокама этилди.

— Менинг дўстларим! — Спитаменнинг хаяжонли сўзларида қалтираш сезиларди. — Атрофга қаранглар — биз кўпайдик! Биз Задракартадан Арахозиягача бўлган катта ҳудудда яшайдиган барча қабилаларни кўтарамиз. Бизнинг еримиз жуда кенг, кучими ҳам катта. Агар ҳаммамиз шамширларимизни кўтарсак, ҳеч қайси душман бизнинг зарбамизга чидаёлмайди!

Йиғилиш иштирокчилари душманни Суғдиёна чегарасидан унинг ички ҳудудларига қўймасликка қарор қилдилар. Жангга тайёрланиш чораларини белгилдилар: бактриялик аёллар, ёш болалар ва қарияларни Навтокка юбориш, душманга қарши чиқадиған янги кўнгилдиларни жалб этиш, озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиб захиралаш учун атроф манзилгоҳларига одам юбориш ва ҳоказо.

Маслаҳат мажлисидан кейин жангчилар ўзларининг яшаш жойлари учун чодир (хайма)лар тортдилар, ис-

техком атрофида соқчилик қилиш постларини туздилар ва навбатчилик тартибини белгиладилар.

Янги кўнгилли жангчиларни ёллаш ва озиқ-овқат тайёрлаш учун Хатан, Зарбоғ, Октош, Дарбанд ва бошқа қишлоқларга ўн кишидан одам юбориладиган бўлди. Бу ишларни ташкил этиш Абкор ва Анбоз ва муштбозлар жамиятининг бошқа аъзоларига топширилди. Жангчиларнинг бир қисми Лагомрез бошчилигида ўтин тайёрлаш учун атроф жойларга юборилди. Истехкомда қолган жангчилар Спитамен ва Бахтварга эргашлаб қўлларига болта ва бошқа асбобларни олиб, тоғ қояларидан тош териб, бир жойда тўплашга киришдилар. Тошларни палахмонлардан душманга қараб отишга мўлжаллаб майдаладилар. Жангчилар ва собиқ қуллар бу тошларни тарошлаб қирралаштирдилар ва бутун истехком бўйлаб ҳар жойда тўпландилар. Айниқса, истехкомнинг Термиз томонига қарайдиган қисмида кўп тош тўпланди, чунки ўша томондан душман ҳужуми кутилди.

Бу ишлар учун жангчилар бир неча кун ва тун сарфладилар. Тош тўплаш ишлари тамом бўлгандан кейин, Спитамен ҳар куни ва давомли тарзда ўз гуруҳларига урушиш услубини ўқитиш ва юнон-македон жангчиларининг тактик усулларини ўзлаштириш билан шуғулланди.

Спитамен юнон-македон фалангаларининг жанг қоидаларини яхши билса ҳам, скифларнинг, маҳаллий жанговар фуқароларнинг оқилона уруш усулларини афзал деб, ҳисоблади.

Ўтган жанглар давомида душманлардан тортиб олган қарнайларни тўплаб, Спитамен қарнайчилар жамоасини тузди ва уларга эрталаб кунчиқарда жангчиларни тўплашни, ҳужумга чақиришни ва бошқа оҳангларни ўргатди.

Шундай қилиб, ҳақиқий қўмондон зийраклиги билан вақтдан унумли фойдаланиб, душман ҳали яқинлашмасданок, жангчиларнинг моҳирлигини ошириш учун, жангда чаққон бўлиш, ҳар хил кураш усулларида фойдаланишга ўргатди; у ўз жангчиларини душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатиш, ҳужумга ўтиш санъатини оширди; душман ҳужуми эса кундан-кунга яқинлашмоқда.

Искандар ўз хужумини кечиктирмади. Кавказ Александрияси қалъасидан чиқиб, юнон-македон аскарлари Парпансид тоғларидан ошдилар ва Бактра йўлидаги кичик шаҳарча — Драпсакни ишғол этдилар. Тоғ оркали юришлардан жангчилар толиққанликлари учун, Искандар Драпсакда тўхташга қарор қилди. Бу ерда туриб, у сатрап Бесс, нуфузли бактралик бой Масаддик ва суғдий Спитамен Бактра шахрини ташлаб чиққанларини, Окс дарёсидан ўтиб, шимолга жўнаганларини билди.

Драпсакда дам олиб, Искандар тўсатдан Бактрага хужум қилди ва узоқ давом этмаган камалдан кейин уни эгаллади. Фуқаролар шаҳар дарвозасини очиб, македонликларни ўз халоскорлари сифатида кутиб олдилар. Маҳаллий аҳолини ўз томонига кўпроқ жалб қилиш учун, Искандар Бактрия вилоятининг ҳокими қилиб кекса чол Артобазни тайинлади ва ўз жангчиларига ҳозирча маҳаллий аҳолини ранжитмасликни буюрди. Ўзи эса ҳаракатдаги қўшини билан шимолга жўнади ва ўша куни кечкурун Окс дарёсининг бўйларига келиб тўхтади.

Маҳаллий жангчилар дарёдан ўтиб кемаларни ёққанларини билиб, ўша кечани шоҳ оғир рухий қийналишда ўтказди. Эртаси куни ҳам унга енгил бўлмади: унинг қайиқлари йўқ эди, дарё устидан кўприк қуриб бўлмас эди, чунки дарё бўйларида дарахтлар йўқ, атроф факат кумлик эди, холос. У вазиятга қараб аскарларига бор бўлган барча мўйна ва териларни бериб, улардан қоплар тикдирди ва ичига сомон тиқтирди; аскарлар ана шу қоплар устида писиниб ётиб, дарёнинг у томонига сузиб ўтдилар; дарёдан ўтганларнинг биринчи гуруҳи соқчилик қилдилар, бошқалари ҳам шу тариқа сувдан ўтдилар. Қўмондон шундай қилиб, ўз жангчиларини олти кунда дарёнинг нариги қирғоғига ўтказишни таъминлади.

Искандар Бессни яна қувиб бормоқчи бўлганда, ўз айғоқчиларидан македонликларга қарши қандайдир янги кучлар томонидан зарба беришга тайёргарлик кўрилаётганини, Суғдиёнага хужум йўлини тўсаётганларини эшитди. Шоҳ учун бу хабар қутилмаган янгилик бўлди. У дастлаб ўз айғоқчиларига ишонмади, чунки македонликларнинг Турон худудига кириши халқ-озодлик ҳара-

катининг бошланишига олиб келиши мумкинлигини тасаввур ҳам этмаган эди. Бу заминнинг фуқаролари македонликларнинг жаҳон империясини вужудга келтириш йўлида асосий ғов бўлишлари мумкин эканлигини ҳисобга олмаган эди. Шунинг учун айғоқчиларнинг Бесс ҳақидаги янги хабарлари ҳам Искандарни безовта қилмади. У барча қочоқ форслар, жуда кўп бактрияликлар ва бошқа қабилаларнинг юнон ва македонликлар томонига ўтганлигидан хурсанд. Аммо айғоқчиларнинг эндиги маълумотлари уни анча ташвишлантирди. Янги хабарни эшитган Искандар ўзининг ҳарбий гуруҳларини ҳаракатдан тўхтатиб, Термиз яқинида Александрия-Оксиана қалъасини курдирди.

Искандар Суғдиёнага ҳужум қилишга шошмаслик керак, деб келгуси ҳаракат режалари ҳақида кўп ўйлади: Бесс билан қўшилиб менга зарба беришни кўзлаган Сатибарзан тор-мор этилди. Бесснинг аскарлари эса ҳар томонга тарқалиб кетмоқда... Суғдиёнага киришим учун менга яна ким қаршилик кўрсатмоқчи экан? Наҳотки, бу Спитамен бўлса? Янги хабарлар эса буни тасдиқламоқда...

Искандар бу масалани муҳокама этиш учун ўз ҳузурига кўмондонларини чақиртирди.

— Айғоқчиларимизнинг маълумотларидан келиб чиқадик, қочоқлар гуруҳларига маҳаллий аҳоли ҳам қўшилмоқда. Уларга Спитамен бошчилик қилиб, суғдий қабилаларидан куч йиғмоқда. У биз учун Бессдан ҳам хавфли кучга айланмоқда. Биз уларни бир-бирларидан ажратиб, алоҳида-алоҳида тор-мор этиш режасини ўйлашимиз керак, — ўз фикрини тушунтирди Искандар.

— Суғдийларни бошқа қабилалардан ажратиш керак, — таклиф киритди Кратер.

— Қандай қилиб?

— Бесс ва Спитаменни бир-бири билан уриштириш керак, — аниқлик киритди Пердикка.

— Шундай қилиш керакки, улар Бессни ушлаб, бизга келтириб топширсинлар, — қўшимча қилди Мелеагр.

— Агар Бессни бизга Спитаменнинг ўзи олиб келса... — аниқламоқчи бўлди Менедем.

— ... уларнинг икковлари ҳам қопқонга тушадилар, — ҳаммалари бирданига нидо бердилар.

— Птолемайос! — кичкирди Искандар қадаҳдаги майни ичиб. — Ўрама қоғозинг қани? Ёз! — У ёздирди бошлади: «Искандар Зулқарнайн буюк Сиёвушнинг наслига салом йўллайди. Хурсанд бўл! Сенинг фазилатларинг ҳақида мен кўп эшитиб юраман ва сени Суғдиёна мардларининг энг олижаноби деб ҳисоблайман. Шунинг учун мен сенинг бахтли мамлакатингнинг бошқа арбобларига эмас, балки сенга мурожаат этмоқдаман. Сен Аллоҳ Амон ўғлининг сўзларини эшитгин...»

Сўнгра Искандар ўз мактубида айтдики, гўё халқ фаровонлиги борасидаги ташвишлар уни оталар мамлакатини ташлаб кетишга ва Дорога қарши уруш йўллариغا олиб келди, гўё форслар юнонларга катта зарар етказганлар, македонликлар ва юнонлар худоларининг ибодатхоналарини ҳақорат қилганлар. Искандар шуни қайта-қайта таъкидламоқчи бўлдики, Ахамонийлар токи ҳокимият тепасида бўлар экан, дунё халқлари тинч яшаёлмайдилар. Гўё худолар Искандарга бу сулолани йўқ қилиш ва барча уйларга хурсандчилик ва фароғатни жорий этишни буюрганлар. Искандар форслар тўдасини, шамол қора кулни шипириб ташлаганидек, супуриб ташлаган эмиш ва кўп қабилаларни форслар зулмидан озод қилган эмиш. Аммо душман ҳали мажакланган эмас. Оғасини ўлдирган сатрап Бесс хали ҳаёт ва Искандардан яшириниб юрибди...

Шоҳ ўрнидан туриб мағрурлик билан олтин қадахни майга тўлдирди ва уч қултум билан уни бўшатгандан кейин яна ёздирди:

«... Мен билдимки, Бесс сенга таянар экан, шунинг учун менинг ғамимнинг чеки йўқ. Эй Сиёвушнинг насли! Бесс сенинг ҳам душманинг эмасми?! Ахамонийлар Суғдиёна тахтини сенинг ота-боболаринг қўлидан тортиб олган эмасми?! Нима учун сен қўйнингда заҳарли илонни солиб, иситиб юрибсан, ахир у эртами, кечми сенга заҳар солади-ку! Наинки сен қонхўр Бесс билан бирга сенинг ҳузурингга лабларида оғайнилик табассуми билан бораётган кишига қарши чиқсанг? Наинки сен иккаламизнинг ҳам душманимиз бўлган бу ярамаснинг кирдикорлари олдини олиш учун менга ёрдам бермасанг?...»

Сўнгра Искандар Спитаменни ишонтирмоқчи бўлдики, унинг жангчилари чексиз юришлардан тинкаси қуриган. У сохталик билан таъкидладики, агар жохил Бесс

қилич билан орқадан туриб унга хавф солмаганда, гўё у аллақачон ўз ватанига қайтиб кетган бўларди. «Менинг юрагимда душманлик йўқ, — Спитаменни ишонтирмоқчи бўлди шох, — калламда суғдийларга қарши ғаразлик йўқ. Бессни жазолаб, мен йўлимга қайтаман, чунки мени она юртим чорламоқда. Суғдиёна эса сеники бўлади. Менинг бу сўзларимни яхшилаб ўйлаб кўр, менинг оғам Спитамен...». Шундай ваъдалар ва илтимослар билан у суғдийга юборадиган ўз мактубини тугатди.

Мактуб дархол форс тилига ўгирилди ва ўрама папирус матодан тикилган халтачага солиниб оғзи беркитилди, кейин махсус шахс орқали уни олувчига жўнатилди.

• • •

Бесс энди аввалгидек қудратли сатрап эмас, лекин хали ҳам истехкомдаги биринчи шахс хисобланади. Ўз чодиридан чикмай, у куни билан, шахсий соқчилар химоясида чўзилиб ётарди. Энди унинг олдига одамлар жуда кам кирадилар, лекин ҳеч ким аввалгидек букилмайди. Бесснинг дўстлари кундан-кунга камайиб, душманлари эса кўпаярди. Уларнинг энг хавфлиси Спитамен. Бактрадан жўнагандан кейин унда сезиларли ўзгаришлар пайдо бўлди. Суғдий энди ўзини аввалгидек тутмайди, буни Бесс ҳам сезди. Илгарилар у кадамда қахқах кулар ва хазиллашарди. Энди, ўз одатини ўзгартириб, ашула айтмайди, кулмайди, хатто кам гапирадиган бўлиб қолганди. Бу кунлар у ташвишли хуштак чалиб, диққат билан ўйларди. Нима ҳақда? Буни ҳеч ким билмасди. Номаълумлик эса Бесс диққатини оширар, хатто уни кўрkitарди.

Истехкомда Спитаменнинг кўзига Датаферн исмли ранги ўчган форс тез-тез кўриниб турарди. Бу таажжубли одам доим хўмрайган, ҳеч кимга савол бермас, ҳеч кимга жавоб бермас, ҳаммадан четда юрар ва фақат Спитаменга баъзан ўзининг ғамгин табассуми билан илжайиб кўярди.

— Нега сен доим хафа? — сўради ундан Спитамен, бир куни.

— Нимадан қувонай?

— Ҳаётдан... мана, кўр: қуёш, баҳор, атроф майсазор, қушлар сайраб учмоқда, ҳамма қувонади, сен бўлсанг қарахт. Нима учун?

— Мен учун ҳаёт, олам доим аччиқ ва қоронғи...

— Нима дединг? Ҳаёт доим аччиқ ва қоронғи?

— Шундай! Ҳаётни разиллик бошқармоқда.

— Менимча, ноҳақсан. Ерда фақат разилликми? Яхшилик қучлари-чи? Заратуштранинг қанака мухлисисан, агар Ахура Маздага, яхшилик ва ёруғлик худосига сиғинмасанг?

— Менинг фикримча... Ҳаётимда мен яхшиликни кўрмадим. Мен фақат азоб-уқубат ва ҳижронни биламан, бунинг охири бўлмаса керак.

— А! — Спитамен қизишди. — Мана қаердан сенинг қайғу-ҳасратларинг. Шундай экан, нима учун сен ўч олмайсан?

— Ўч... — Датаферн оҳ тортди. — Биттасидан ўч оламан, иккитасидан, учтасидан, ёмонлик эса қандай бўлса, шундайлигича қолмоқда.

— Кейин-чи?

— Кейин? — Форс лабларини қийшайтирди. — Биронта форга қираман-да, ўламан.

«Тамом бўлган одам», — ўйлади Спитамен.

— Йўқ, мен бундай эмас. Мен туғилипманми, ҳаётдан ўзимга тааллуқлисининг барини, инсон ҳуқуқига мувофиқ, оламан! Аммо аввал бошқага бахт тилайман, албатта агар у бунга арзийдиган одам бўлса.

— Сен форсларни, айниқса Бессни, ёмон кўрадиганга ўхшайсан, — шивирлади Датаферн. — Нимага сен мен учун қайғураяпсан?

— Мен Бессга ўхшаган форсларни ёмон кўраман. Мен билан дўстликда яшашни хоҳлайдиган форсларни эса яхши кўраман.

— Бессни ҳамма ёмон кўради. Мен уни кўролмайман. Сенинг ўрнингда бўлсам, мен уни аллақачон..., — ўз юрагини очди Датаферн.

— Худо биледи, — совуқкина айтди Спитамен.

Истеҳкомда айланиб юриб, Спитамен форсларга диққат билан эътибор берарди; улар Бесс чодирини атрофида ўралашиб, у билан узок суҳбатлашардилар.

У Бесснинг ҳар қадамини кузатарди, сатрап эса асабийлашар, ҳатто кечалари тушида қичқирарди. Қунлар-



нинг бирида у чидаёлмай, ўз хузурига иккита ўзига содиқ ва жасур жангчиларини чакириб, Спитаменни ўлдиришни буюрди. Ёлланган қотиллар қоронғиликда, билдирмай, қоплонларга ўхшаб, писиниб, ёш суғдий беғам ётган чодир ёнига бордилар... Бесс эрталаб уларнинг каллаларини ўз чодирининг эшиги олдида кўрди. У каллаларни кўмдирди ва ҳеч кимга бирон нарса демади.

Спитамен нима қилишини билмади. У оч бўрилар хужумидан бор кучи билан қочаётган кишига ва йўлда, олдидан чиққан бўрилардан бешбаттар жаҳлли йўлбарсга дуч келган одамга ўхшарди.

У ўз мамлакатини ўзи бошқаришни хоҳлайди! Аммо худоларгагина маълум эдики, Спитамен ҳозир иккала ёвуз куч орасида қолиб, уларнинг қайси бири томонига ўтишни билмас эди.

Бесс томонида турса-чи? Бесс ўзини Шарқ ҳукмдори деб эълон қилди. Янги шоҳ учун, Суғдиёнада таяниб бўладиган, содиқ одам керак. У Спитаменни бу мамлакатнинг сатраплигига тайинлаши мумкин. Аммо... унда Спитамен ўз мамлакатининг ярим ҳуқуқли ёхуд ҳуқуқсиз ҳокими бўлади, у эса ўзининг тўла ҳуқуқли бўлишини хоҳлайди! Бундан ташқари, бу янгигина пайдо бўлган Артахшас тахтда қанча ўтира олади? Искандар олдида Доро дош бермаганда, Бессга йўл бўлсин. Эртами-кечми, уни ер юзидан супуриб ташлайдилар, у билан бирга, тунга ўхшаб Сиёвуш насли ҳам йўқ бўлиши мумкин. Демак, Бессга қўшилишнинг фойдаси йўқ. Бунга ёрқин далил — отаси Спэнтанинги фожиаси.

Агар форслар бўлмаса, демак, македонликларми? Искандар томонига ўтиш керакми? Аммо ким унинг ниятини билади? Форс қўшинининг қолган қисмини ҳам йўқ қилиб, у қайтиб ватанига кетадимми? Ёки македонлар шоҳи, Ахамонийлардек, Самарқандда ва бошқа шаҳарларда аскарлар гуруҳларини қолдирадими? Унда нима бўлади? Искандар, албагта, Спитаменни Суғдиёнанинги ҳокими этиб тайинлайди. Спитамен яна давлатнинг ярим ҳуқуқли ҳокими бўлади. Форслар ва македонликлар ўртасидаги фарқ қани?

Тахминлар доираси торайиб бормоқда. Бу хиссиёт унда форсларга ҳам, македонликларга ҳам нафрат туйғусини оширди.

Спитамен бу ахволдан чиқиш йўлини кўрмас эди. Бесс Спитаменнинг жонига қасд қилмоқчи бўлди. Аммо сугдий ўзини вазмин тутди. Спитамен қатор майда камчиликларга эга бўлса ҳам, муҳим ва катта масалаларга келганда, ишни матонат билан ўйлаб, шошмасдан, окилона хулоса чиқаришга уринарди. У ўз сабрсизлигидан зўр чиқиб, бардошли бўлишга ҳаракат қилди: кўкрагида барқ ураётган ҳиссиёт гирдобини жиловлаб, бу ахволдан чиқиш йўлини топишга интилди; у бундай вақтларда фақат бир сўз — худо билади, деб кўяқоларди.

Спитамен кутмоқчи бўлди, чунки Бесс қочолмайди ва яширинолмайди. Ҳозир бирлашган кучларнинг бўлинишига йўл қўйиш керак эмас. Вақти келадик, воқеаларнинг ўзи қандай тadbир кўришни кўрсатади. Ана шу соат келганда, ҳамма Спитамен қандай қобилиятга эга эканлигини билиб олади. Шундай хулосага келиб, у чўзилиб ётган жойида ухлаб қолди.

Бу кеча ноҳуш фикрлар фақат Сиёвуш наслини безовта қилгани йўқ. Кекса Масадлик ҳам ухламай, ўйлаб чиқди; у ҳам воқеалар тизимида ўзгариш бўлишини кутарди. У ҳам Спитаменга ўхшаб, форсларни ҳам, македонликларни ҳам хоҳламасди. Аммо, агар ёш ва жўшқин сугдий жангга тайёргарлик кўраётган бўлса, жангда бурилиш яшаш йўллари, раҳбарлик масалалари устида бош қотираётган бўлса, кекса ва эҳтиёткор бактралли савдогар ўзини сақлаш йўлларини, қариндошлари ва бойликларини форслардан ва юнонлардан қутқариш чораларини ўйларди. У тезрок Навтокка, ўз дўсти Сисимифр хузурига бориб, уруғ-аймоқларини олиб, Ҳисор тоғларига жўнашни, тоғларда яшириниб яхши кунларгача кутишни хаёл қилди.

Датаферн эса Спитамен билан яқинлашиб, илгаригидан бир оз яхши ният билан келажакка қарамоқчи бўлди. У ҳозирча ўз тақдирини Сиёвуш насли билан боғлаш ҳақида хаёл сурарди. Кечаси билан қандай қилиб Бессни ўлдиришни, уни Спитамен йўлидан олиб ташлаб, демак, ўзининг келажак ҳаётини яхшилашни орзу қилиб чиқди.

Бесс бўлса, бу кеча эрталабгача ўз тўшагида ағанаб, ухлай олмагандан кейин ўрнидан туриб, чодир саҳнида айланса ҳам, гўё ўзига жой тополмасди. Спитаменни ўлдиришга қилинган уриниши натижа бермади. У юбо-

рилган котилларнинг ўзлари ўлдирилган бўлса ҳам, ни-магадир истехкомда бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нимани билма-гандек жимжитлик. Бу ҳақда Спитамен ҳам хабардор эмасми? Қандай бўлса ҳам менинг ақлу ҳушим ўзимда-ку... Менинг ихтиёримда қўшин бор. Аммо Искандарга қарши чиқиш учун ботинолмаяпман. Нима қилмоқ ке-рак?..

Катан ҳам алламаҳалгача ухлай олмади. Унинг фикрлари анча оддий. У ўз дўсти ва бошлиғи — Спита-менга содиқ. Аммо, нима учун Спитамен Бессни жазо-лашни кечиктирмоқда, ахир у сугдийни ўлдиришга қасд қилди-ку? Спитамен жасур ва тадбиркор. Эҳтимол, у Катанга маълум бўлмаган, алоҳида кураш усулини қўл-ламоқчидир?

Шундай қилиб, турли фикрдаги бу кишилар эртан-ги кунни, ўзларича кутиб олдилар.

Эрталаб Спитамен чодирининг эшиги олдида говур-ғувур эшитилди. «Спитамен! Спитамен!» — кичкирарди оломон. Чодирга чўчиган шахсий соқчилар кирдилар. Уларнинг бошлиғи, Бахтвар, ахборот бердики, минг ёки икки минг тоғликлар, калтак ва ойболталар билан қуролланиб, истехком чегарасидан соқчиларни четлаш-тириб, Спитамен чодир томонга ҳаракат қилганлар. Улар шахсан Спитамен билан учрашмоқчи эканлар.

— Нима учун? — сўради сугдий.

— Билмайман.

— Спитамен! Спитамен! — кичкирди оломон.

Спитамен чаққонлик билан ўрнидан турди ва тезлик билан чодирдан чиқди.

Унинг кўриниши билан, оломон ўша заҳоти жим бўлди. Фақат кора сочли, мошбиринж ва оқсоч каллалар йиғини устида гурзилар, найзалар ва ойболталар бир-бирига урилиб, жаранглаб тўлганарди.

— Шу ерда мен! — кичкирди Спитамен жаранглаган овозда. — Мендан нима истайсизлар?

— Истехком аскарларидан ҳимоя этишингни истай-миз! — яна безовталанди оломон.

— Нима бўлди? Кимдан норозисизлар?

— Форслардан! Улар бизга жабр қилмоқдалар!

— Таламоқдалар!

— Молларимизни тортиб олмоқдалар!

— Хотинларимизни шарманда қилмоқдалар!

— Нима учун сизлар менга мурожаат қияпсизлар? — аччиқланиб қичқирди суғдий. — Сизларнинг ҳокимларингиз бор. У шу ерда турибди, Бактрия ва Суғдиёнанинг сатрапи, унинг исми Бесс, — Спитамен Бесснинг чодирини кўрсатди. — Сизларни ана шу одам талончилардан химоя қилиши керак!

Оломон ичида яна тўполок кўтарилди:

— Биз бунақа сатрапни билишни хохламаймиз!

— Унинг ўзи талончи!

Оломон ичидан қуёш нуридан қорайиб кетган, яктагининг олди очилган кекса киши олдинга чиқди.

— Биз сенинг олдинга келдик! — деди у баланд овоз билан. — Сен бўлсанг, бизга Бессни кўрсатасан! У ярамас! Фақат сен бизни форслар тажовузидан қутқара оласан ва қутқаришинг керак. Биз сендан илтимос қилаётганимиз йўқ, сен бизни унинг аскарларидан химоя қилишинг керак, деб талаб қияпмиз! Бу сенинг бурчинг!

— Бурчим? Талаб қиласизлар? — Спитамен кулиб юборди. — Нима учун мендан талаб қилар экансизлар?

— Чунки, сен бизнинг ҳурматли сатрапимиз бўлган, раҳматли Спэнтанинг ўғлисан! — аччиқланиб қичқирди чол. — Чунки, сен Суғдиёнанинг собиқ шоҳлари авлодидан! Чунки, менинг аждодларим сенинг аждодларингни боққан! Чунки фуқаролар фақат сенга ишонадилар! Чунки, бизлар ҳаммамиз бир мамлакат, Суғдиёна фуқаролари! Сен бизга, биз сенга муҳтожмиз. Биз ўзимизни-ўзимиз химоя қилишимиз керак. Буни яхшигина тушуниб олишинг керак!

Спитамен кекса тоғликнинг сўзларидан хайратда қолиб, унинг юзига тикилиб қаради. Шу вақтгача у фақат ўзи ҳақида ўйларди, бу кишилар ҳақида ҳеч вақт ўйламаган эди. Энди маълум бўлдики, фуқаро унга катта мажбуриятни юқлар экан.

— Спитамен сизларни эшитади! — қичқирди у қалтираб кетиб. — Айтинглар, мен нима қилишим керак!

— Бизни қутурган аскарларнинг зўравонлигидан халос қил! — йиғлаб илтимос қилди тоғлик мўйсафид ва қандайдир аёлни қўлидан ушлаб, Спитаменга яқинроқ олиб келди-да, унинг бошидан кўпол чойшабни олиб букилди ва сўзини давом эттирди. — Форс аскарлари бизларни хўрламоқдалар. Бизнинг хотинларимизни ўлди-

риб, наслимизни йўкотадилар. Бу аёлга қара! Бу менинг ўғлим Фаррухнинг хотини, менинг келиним. Тўрт кун илгари бу аёл ариқ бўйига сув олиш учун борган эди, аммо қайтиб келмади. Келиним ва яна беш аёлни форслар ушлаб кетганларини қўшнимиз кўрган. Уларнинг ўнбошиси ўз аскарларига буюрган: «Уларни ушланглар ва маишат қилинглар!». Фаррух ва бошқа аёлларнинг эрлари Бесс ҳузурига кириб, оёғи остига ўзларини ташлаб, ундан ёрдам сўраганлар. Аммо Бесс уларни ҳатто эътибор билан тингламапти. Бугун эрталаб менинг келиним уйига ўзи кириб келди. Бошқа аёллар қайтмадилар. Аскарларнинг тажовузига чидаёлмай ўлибдилар. Улар менинг келинимнинг кўкракларини ҳавас учун кесиб ташлабдилар!

Аёлнинг кўкраклари ўрнида икки қонга беланган жарохатли яраларни кўрганидан кейин, Спитаменнинг боши айланди. У ғазабланиб ўз жангчиларига буюрди:

— Гунохкор форсларни ушланглар ва ўзларининг бошлиқлари олдига олиб келинглар! Агар қаршилик кўрсатсалар, ўша жойда ўлдириглар!

Майсазорда беғам ўтирган дахлар ва суғдийлар гуруҳи, бирданига ўринларидан турдилар; юзлаб қиличлар ярқирадилар. Спитамен жангчилари ва тоғликлар тарқоқликда қўмондон буйруғини бажаролмасдилар, чунки Бесснинг гердайган кўп сонли жангчилари ҳам ўз ўринларидан турдилар. Биргаликда улар дахшатли куч бўлардилар. Форслар бошда қотил оғайниларини излашга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Аммо қонли урушни қўмсаётган суғдийлар ва саклар оломони билан тенг келолмасликларини кўриб, форслар жим бўлдилар ва уларни топиш учун ёрдамлашишга ваъда бердилар.

Жангчилар жиноятчиларни излаётганларида Бесс дам олиб ётган эди. Уни шахсий соқчилар шов-шуви уйғотди. Сатрап нима содир бўлганини сизди. У ўзини хавфдан қутқариш чоралари ҳақида ўйлади.

Шу вақт Спитамен чодирда унинг яқин кишилари йиғилиб, содир бўлган воқеани муҳокама этиб, унинг якуни бўйича чора белгиламоқчи бўлдилар.

Айнан шу пайтда кичкина шахарча (ҳозирги Шеробод)нинг бозорида бошқа воқеа содир бўлди. Бозорда бугун эрталабдан гавжум. Оломон орасида икки бактралик одам сайр қилиб юрарди; бу сайёҳларни маҳаллий

аходидан ҳеч ким танимасди. Илгари вақтлар буларнинг ким эканликларини сўрашлари мумкин эди, лекин ҳозирги уруш шароитида, бу ерда Бактриядан қочиб келганлар сон-саноксиз, ҳеч кимнинг ҳеч кимга иши йўқ, хатто шубҳали савдогарларга ҳам ҳеч ким эътибор бермайди.

Улар бозорда ҳеч нима сотмай, сотиб олмай, сандироклаб жим юришарди. Уларнинг бири баланд бўйли, қотма, катта бурунли ва сочли; иккинчиси паст бўйли, боши ялтироқ ва йуғон. Улар, эҳтимол, кимнидир излар ва бир-бирлари билан паст овозда, ҳеч ким тушунмайдиган тилда гаплашардилар. Улар фақат у ёқ-бу ёққа қараб, ҳеч кимдан ҳеч нима сўрамасдилар.

Бозорни айланиб чиқиб, ҳеч ким билмас савдогарлар ошхонага кирдилар ва унинг қоронғирок, хилват бурчагида ўтирдилар. Ошхонада, ҳамма жойда ҳам ўн кишидан кўпроқ одам йиғилганда ғовур-ғувур бўлганидек, гавжум. Қишлоқлардан келган деҳқонлар, майда савдогарлар ва хунармандлар ўз ишлари хақида сўзлашардилар. Одамлар форсларнинг хулқ-атворидан нолисалар ҳам, юнон ва македонликларнинг яқинлашаётганидан ваҳимада.

Ошхона остонасида турган суғдий жангчиларидан бири оғзи очик қишлоқиларга Гавгамела ёнидаги жанг хақида мақтаниб сўйларди.

— Демак, сизлар яхши жанг қилибсизларда? — сўради суҳбатга қўшилиб қандайдир одам, қўлларининг куйгани ва қорайганлигига қараганда, темирчи.

— Албатта! — фахрланиб жавоб берди жангчи. — Биз у безори юнонларнинг додини бердик.

— Ҳо, шунинг учун улар Оксгача орқаларингиздан «қочиб» келибдилар ва дарёдан ҳам ўтибдиларда, — пичинг билан аниқлади темирчи.

Жангчи уялганидан кизарди.

— Ҳой, сен, — хўмрайиб пўнғиллади у. — Бу сенинг ақлинг етадиган иш эмас.

— Албатта, менинг ишим эмас, — маъқуллади темирчи. — Нима учун қочмаслик керак, агар қочишни хоҳласалар? Дунё катта. Ернинг охирига бориб етгунча қочиш мумкин. Яқинда Искандар бу ерларга келади, деб айтяптилар. Энди сизлар қаерга қочмоқчисизлар, шонли жангчилар?

Қишлокилар кулиб юбордилар. Жангчи хижолат тортиб, қўлларини мушт қилди.

— Хеч қаёққа бормаймиз, — деди у ковоғини солиб. — Биз Эрондан чикиб кетдик, чунки форсларни химоя қилишни хохламадик. Бу жойлар ўзимизнинг еримиз-ку, агар юнонлар бизга қарши урушмоқчи бўлсалар, биз ўзимизни химоя қила оламиз, буни билиб қўй. Бизга Спитамен буюрса бас.

— Сен Спитаменнинг гурухиданми? — сўради темирчи кизиққан бўлиб, унинг юзида ҳурмат ифодаси пайдо бўлди. Бу сўзларни эшитган «бактриялик савдогарлар» бир-бирларига қараб қўйдилар.

— Ҳа, — жавоб берди жангчи. — Хайр, омон бўлинглар, мен қароргоҳга боришим керак.

Жангчи ошхонадан узоқлашмай, унинг орқасидан секингина, ҳеч кимга билдирмай, иккала «савдогарлар» ҳам чикиб, унга яқинлашдилар. Уларнинг бири жангчи ёнига бориб, унинг қўлини туртди-да, мулозамат билан муурожаат қилди:

— Безовта қилганим учун узр. Кўриб турибман, сен яхши одам экансан. Менга, Спитамен дўстига, ёрдамнинг аямасанг-чи! — мана шу мактубни ўз бошлигинг, Спитаменга элтиб берасанми? У мактубдан менинг келганимни билади ва қабул қилади. Мен савдогарман, сизларга ёрдам бермоқчиман.

— Хўш? Агар сен Спитаменнинг дўсти бўлсанг, мен сени унинг ҳузурига олиб борайин.

— Ҳозир сен билан бориш учун имкониятим йўқ. Менинг молларим қаровсиз. Кейин бораман. У ҳозир менинг келганимдан хабардор бўлсин.

— Яхши, Спитаменнинг дўсти учун ҳамма нарсага тайёрман! — У «савдогар» қўлидан таранг қилиб тортилган халтачани олиб қўлтиғига яширди ва «дўст»дан сўради: — агар Спитамен сени олиб келиш учун юборса, қаердан топиш мумкин?

— Ҳозиргина сен чиққан ошхонадан.

Жангчи узоқлашди. «Савдогарлар» ҳам Искандар топшириғини бажарганликларидан ҳрсанд бўлиб, бир-бирлари билан юнон тилида гаплашиб, бозордаги оломон ичида араллашиб кетдилар.

Суғдий жангчиси мактубни олиб келганида, Спитамен ўз чодирда дўстлари билан эрталабки воқеани

мухокама этаётган эди. Мактубни олиб, у хайрон бўлди ва «дўст» хақида батафсил сўраб олди. Сўнгра уни қўйиб юборди ва халтачани очиб, ўралган папирусни очди. У мактубни тез ўқиб чиқаркан, уйлади: «Зулкарнайнинг мактубида муғамбирлик яширинган эмасми? Наинки Аллох Амон ўғли ўз оғзини ёлгон сўзлар билан булғаса? Шундай бўлса-чи? Агар у Бессни жазолаб, қайтиб ўз мамлакатига кетмоқчи экан, биз унинг чин сўзлилигини текширишимиз мумкин!».

Македонликнинг таклифига жавоб лойиҳаси Спитамен калласида тайёр бўлган бўлса-да, у, мабодо нотўғри қадам ташламайин, деб мактубни яна, баланд овоз билан ўқиб, унинг мазмуни билан чодирда ўтирганларни таништирди ва уларнинг фикрини ҳам билмоқчи бўлди. Искандарнинг мактуби уларни ҳам хайратда қолдирди. Ҳаммани бир нарса ташвишлантирарди: Зулкарнайнинг мактубида фириб йўқмикан? Балки у форсларни суғдийлар ва бактрияликлардан ажратиб, сўнгра уларни алоҳида-алоҳида тор-мор этмоқчидир?

— Ҳар қандай тадбир белгилаш ҳам ҳозир хавфли, — минғиллади Масаддик. — Мен нима қилишни билмайман.

— Ҳарҳолда, йўл танлаш керак-ку! — хитоб этди Абкор. — Бессни ушлаш керак, вассалом!

— Биз уни уч кун бурун ушлашимиз мумкин эди, — аниқлади Спитамен, — лекин бизнинг бу тадбиримиз форслар билан муносабатимизни ёмонлаштириши мумкин, деб ўйладим.

— Аммо энди вазият ўзгарди, — таклиф киритди Катан, — Бесс чодирингга ўз қотилларини юбордирди; уни ушлаш керак, бўлмаса қочиши мумкин.

— Катан ҳақ, — минғиллади Датаферн, — Бессни ушлаб Искандарга топширинглар.

Спитамен бирданига юзини буриб Датафернга зимдан қаради. «Оҳо! — ўзича жилмайди у — Сен ўткур тишлига ўхшайсан».

— Сиз қандай маслаҳат берасиз, Масаддик ота? — жиддийлик билан сўради суғдий.

— Ўзинг ҳал қил, — мужмал гапирди Масаддик, кўзларини яшириб. — Мен қарши эмасман, кўпчиликнинг таклифига қўшиламан.

Шундай қилиб, фуқаро қонини тўкиш олдини олиш



учун, Бессни ушлаб Искандарга топширишга қарор қилдилар.

Шу вақт чодирга Бахтвар кириб келди ва ахборот берди:

— Ушланган олтита жиноятчини олиб келдилар.

Спитамен ўзининг яқин кишилари билан ва жасур жангчилардан яна ўнтачасини олиб, Бесс хузурига борди; унинг олдидаги шоҳидларни ташқарига чиқариб, унга олтита жиноятчи форс аскарларини олиб келганлиги, бу жиноятчиларнинг маҳаллий аҳолини хўрлаганликларини айтди. Бесс ҳеч нимадан хабари бўлмагандек, Спитаменга бу хизмати учун миннатдорлик билдириб, уларни ўзим жазолайман, уларни олдимга олиб келинглар, деб буюрди. Бесс сезмаслиги учун, ушланган жиноятчиларни бошқа жойда тутиб туриб, улар ўрнига бошқа одамлардан олтитасини олиб келдилар. Бесс уларга ғазаб билан қараб, ўрnidан туриб хужум қилмоқчи бўлди. Аммо Спитамен ва унинг яқин кишилари, сохталикни йиғиштириб, Бессни қуршаб олдилар ва, қаршилигига қарамай, қўлларини боғладилар, бошидан шоҳлик тожини олдилар ва эндидаги шоҳ кийимларини йиртиб ташладилар.

Катан ва Датаферн қўли боғланган Бессни отга миндириб, Искандарга топшириш учун, белгиланган жойга олиб бордилар. Бу манзарани кўриб турган тоғликлар ва истехкомдаги жангчилар бундай ажойиб ва пухта тайёрланиб ўтказилаётган Спитамен тадбиридан мамнун эканликларини билдирдилар. Олти нафар жиноятчилар маҳаллий аҳоли судига ҳавола этилди. Тоғликлар яқдиллик билан қотилларни ўлимга маҳкум этиб, ўша захоти ҳукми ижро этдилар.

Кечкурун Спитамен хузурига баланд бўйли, ёш сайробли йигит кириб келди. Унинг кийими фақат йиртилган тери шалвардан иборат. Чалкашиб кетган сочлари ғамгин кўзлари устига тушган. Энди ўсиб чиққан мўйлови устидаги жикка тер милтиллайди. Қалин лабларини у қаттиқ тишлаб, мускулли қўлларини кучли елкасига кўйди.

— Менинг исмим Фаррух, — ғамгинлик билан деди у. Бу йигит форслар хўрлаган аёлнинг эри эди.

— Сени эшитаман, иним, — деди Спитамен мулоқимлик билан. — Ҳаммасини биламан.

— Ҳаётдаги барча нарсалардан кўнглим қолди, — пичирлади Фаррух. — Мен ўз хотинимни севаман. Аммо унинг яраланган баданларини кўриб, унга пичок ургим келади, холбуки бечоранинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Яхшиси мен Сайробдан кетаман. Мени ўзинг билан олгин. Сен Бессни жазоладинг, ҳалиги ваҳший кишилар қилмишларига яраша ўлдирилдилар. Буларнинг ҳаммаси учун халқимиз сендан миннатдор. Сен одил одам экансан. Энди мен ўзимни сенга бағишлайман, токи сен ҳаёт экансан, мен ҳам ҳаёт бўламан, сенинг ўлимнинг менинг учун ҳам ҳаётнинг охири бўлади.

— Мен сени ўзим билан оламан, Фаррух. Сен тезлик билан рўзгорингдаги ишларни саранжом қилгин, кейин жангчилар қаторига қўшилсан.

Фаррух билан бўлган суҳбатдан кейин Спитамен хузурига беш-олтита кексалар, маҳаллий аҳолининг вакиллари кирдилар ва ёш суғдийга қўйидаги мулоҳазаларни баён этдилар: Агар Искандар Зулқарнайн Бессни қўлга олгандан кейин ўз мамлакатига қайтиб кетса, бизнинг фуқароларимиз ўзининг тинч меҳнати билан шуғулланади. Борди-ю, у муғамбирлик қилаётган бўлса ва ўз ваъдасини бажармай тинч аҳолига ҳужум қилса, бизни таласа, унда Сайроб ва атроф қишлоқларининг аҳолиси, бир тан, бир жон бўлиб, ўзини химоя этади ва душманга қарши кўтарилади.

— Шунинг учун, Спитамен, биз сендан илтимос қиламиз, — қатъийлик билан деди, ўз тенгқурлари орасидан олдинга чиққан муйсафид, — ҳозирча Самарқандга кетмай тур. Искандарга ишониб бўлмайди, у жуда айёр, пайт пойламоқда.

— Яхши, ота. Биз кетмаймиз, аммо сизлар ҳам ҳушёр бўлиб туринглар, ғафлатда қолмайлик...

\* \* \*

Александрия-Оксиана қалъаси. Чодирда, Искандар хузурида Птолемей ўтирибди. У ўз хужайинини қалъадаги ва ўлкадаги янгиликлардан хабардор қилмоқда.

— Ҳа, шохим... сенинг мактубингни Спитаменга унинг жангчиси орқали жўнатгандан кейин, у форсларни жазолади ва Бессни ҳибс қилди.

— Спитамен бизга ишондими? Мен уни ақлли деб ўйлагандим. Кейин нима бўлди?

— Спитамен, Катан ва яна бир форс Бессни келишилган жойга олиб келиб, Эригий ва Бефга топширмоқчи бўлганларини айтибдилар. Лекин, биз келишилган жойга борганимизда Спитамен келмади.

— Биз эса, у ҳам қопқонга илинади, деб ўйлагандик.

— Махаллий аҳоли ичида, Искандар ўз ваъдасини бажармагунча Спитамен ҳеч қаерга кетмас экан, деган миш-миш гап тарқалган.

— Ҳм... майли, у ўзича ўйласин, суғдийлар эса бизларни ўзларининг форслар зулмидан халоскорлари, деб мактаб юрсинлар. Биз эса ҳозирча Бессни жазосини бериб турамиз.

— Ҳа, шундай.

— Бесс кани?

— Ташқарида турибди.

— Олиб кир-чи...

Икки аскар шоҳ қароргоҳига Бессни олиб киришди. Холдан тойган, ўлимига аллақачон рози бўлган Бесс, кўзларини юмиб, унга бериладиган жазони кутгандай, бошини қуйи солиб, тик турарди. Суянчикли ўриндиғида ўтирган Искандар мағрурлик билан унга қараб, сўради:

— Қайси йиртқич хайвон сенинг қалбингни ўз ғазоби билан уйғотдики, сен ўзингнинг яқин қариндошингни, шохингни ва валинеъматинг Дориёвушни бундай қабихлик билан кишанладинг, кейин ўлдирдинг? Бундай қа-бихлик билан сен қалбаки шоҳ унвонига эга бўлдинг.

— ...

— Ҳа, тилинг кесилганми?

— Мен шоҳ унвонини шунинг учун олдимки, халқимни Искандарга топширмоқчи эдим; агар мен бундай қилмасам шоҳ салтанатини бошқа биров қўлга оларди. Дориёвушни ўлдирган биргина мен эмас, — дудуқланди Бесс. — Шохнинг атрофидагилар...

— Улар бегона, сен бўлсанг қариндоши бўлатуриб, қандай қўлинг борди, аблах? Сен биласанми, шохни факат менга ўхшаган шохлар шоҳи сўроқ қилиши ва ўлдириши мумкин! Сен энг олий жинойат қилдинг ва қаттиқ жазоланасан. — Кейин мулозимларига қараб ҳукмини эълон қилди. — Уни олиб бориб, бурун ва қулоқла-

рини кесинглар, кейин Экбатанга олиб бориб, форс ва мидиялик аҳоли олдида қатл этинглар!

Птолемайос! Саховатли Бефни гетайрларга таъминот бошлиғи қилиб тайинла. Дикфер! Жангчиларни маҳаллий аҳолидан озик-овқат ва отларга ем йиғиш учун сафарбар қилинглар. Марокандга юриш қиламиз.

\* \* \*

Кўхитангтоғнинг кир-адирларида ўтлар қизарган. Қўй-эчкиларини ўтлатиб юрган чўпон Фаррух қоятош устида ўтириб, бургутнинг фазода учиб юганини кузатарди. Унинг гуё рангли металлдан қуйилган елкаси ва кучли бўйинини шамол кўрқиб-писиб, силаб ўтарди. Унинг кенг кафтлари катта ойболтанинг дастасини ушлардилар.

Фаррух йигирма йилдан бери — туғилган кунидан бери Кўхитангтоғ водийсида яшайди. Ўшандан бери у ана шу даранинг бўлоқларидан сув ичади. Ёзнинг иссиқ шамоллари, кишнинг изғирин хавоси, пастликда қўйлар, осмонда бургутлар — Фаррухнинг ҳаёти шунақака; бу ҳаёт қувончни билмасди. Жиноятчи аскарлар унинг хотинини олиб кетиб, шарманда қилдилар ва хўрладилар. «Шундай вазиятда мен бошқача йўл тутишим мумкинмиди, — ўйлади ёш чўпон, — ўзимнинг келгуси ҳаётимни бундай зўрликларга қарши курашишга бағишламасдан кун кечира оламанми? Яхшиям Спитамен мени ўз жангчилари сафига олмоқчи бўлди. Унинг аскарлари сафига кириб, мен душманларга қарши курашишни ўрганаман, қариндошларим ва қишлоқ ахлини ҳимоя этаман. Қишлоғимизда тартиб ва адолат ўрнатган унинг жасур жангчилари қаторида хизмат қилишга менинг шавқим жўш урмоқда».

Фаррух тоғ ёнбағирлари ўтларининг шитирлашига, сойдаги подаларнинг маърашига, узоқдаги қишлоқ одамларининг ноаниқ қий-чувларига қулоқ солди; пастдаги, водийдаги бу товушларни эшитиб, у уйқусирагандек хамёза тортиди.

— Пастда яна бирон гап бўлганга ўхшайди; нега у ерда одам кўп? — ўзича ўйлади Фаррух.

Қишлоқ одамлари ҳар томонга чопардилар, отликлар пайдо бўлдилар. Юнон-македон аскарлари уларни талаётганга ўхшайди. Фаррух ўша томонга шошилди; у тўруф

отини миниб, пастга караб чоптириб, қишлоқда македонлик жангчиларнинг маҳаллий аҳоли билан олишаётган гуруҳига дуч келди. Уларнинг пиёдалари молларни ҳайдаб, ғалла, ем-хашак ва бошқа озик-овқат жойланган қоп ва қанорларни араваларга ортардилар.

Тоғликларнинг ғазаби тўлиб-тошган. Улар жаҳл билан юнон-македонликлар билан олишардилар. Тўқнашув хунрезликка айланди. Ҳўлаётганлар хирилларди, урушаётганларнинг оёқлари қон устида тойиб кетарди.

Фаррух келиши билан онасининг ўлиб ётган, ойболталар билан бурдаланган жасадига кўзи тушди-ю, ғазабидан юраги ўйнаб кетди. Унинг кекса отаси Фаррухнинг хузурига келиб, ўғлининг бошига оғир қўлини қўйди ва йиғлаб унга мурожаат қилди:

— Болагинам... шунга ҳам чидашинг керак...

— Қонга қон, босқинчиликка қарши хужум... йиғлаб жавоб берди Фаррух.

Чўпон Фаррухнинг уйқули юраги охириги тўрт кун давомида икки кучли зарбага учради; бу унинг учун биринчи имтиҳон бўлиб, шундай қилиб Фаррух кураш учун уйғонди.

Тоғ йигити, халигача бирон марта бировга қўл кўтармаган бўлса ҳам, энди ўч олиш ғазаби билан, ойболтани кўтариб бор кучини душманни хатосиз чопиб ташлашга сафарбар этди.

Маҳаллий аҳолининг зарбалари ва кучли қаршиликларидан македонлик аскарлар чекиндилар. Аммо вақтинча. Маҳаллий аҳоли босқинчиларнинг кечирмасликларини, уларнинг янги кучлар билан келишларини биларди. Шунинг учун улар ҳам янги куч йиғишлари, фуқароларни огоҳ этиб, сафарбар этишлари керак.

Фаррух қўшни қишлоққа шошилди, уларга душман хужуми ҳақида хабар берди ва босқинчиларга қарши халқ кўнгиллиларининг қатта гуруҳини ташкил этди.

Босқинчилар Эригий бошчилигида, янги кучлар билан, «исёнчиларни» мажақлаб ташлаш мақсадида қишлоққа яқинлашаётганда Спитамен гуруҳига дуч келдилар. Сўғдий жангчилари гуруҳининг соқчиси уларни кўриб қолди. Босқинчилар соқчи хузурига яқинлашмасдан, у огоҳлантириш белгисини берди ва қўшни соқчи ёнига борди; шундай қилиб соқчилар бир-бирларини огоҳлантириб истехкомдаги барча жангчиларни оёққа турғизди-

лар ва ҳаммалари тўкилган тошларга яқинлашдилар. Улар палахмон ва отадиган бошқа асбоблар билан куролланиб, юнонларга хужум қилишга шайландилар.

Шу вақт Эригий гуруҳи биринчи бўлиб хужумга ташланди.

— Олға!.. Олға, Зевс номи билан олға! Дадилроқ! Дадилроқ! — дея хитоб этди довурак Эригий. — Бир зумда биз бу ваҳшийларнинг қароргоҳига кирамиз ва ҳаммаларини бурда-бурда қилиб ташлаймиз!

Аммо Эригий ва македонликларнинг олдинги қисмлари тошлар кўтармасига яқинлашишлари билан, унинг орқасида турган Катан бошлиқ олти юз жангчи, уларга тош ташлаш хужумини бошладилар.

Тошлар душман томонига жаладек ёғиларди, лекин босқинчилар майиб ва ярадор бўлишларига қарамай, тош кўтармалари томон илгарилаб кетдилар ва Катан жангчиларига найзаларини ота бошладилар.

Кий-чувлар кучайди, тўқнашув дахшатли хунрезлик жангига айланиб кетди.

Спитамен буларнинг ҳаммасини қоя устида туриб кузатарди. Қоя орқасида унинг жангчилари шай бўлиб турардилар; моҳир қўмондоннинг сезгирлиги билан, у македонлик ҳарбий бошлиқнинг уйламай ва сурбетларча гердайиши натижасида жиддий хатога йўл қўйганини билди; Эригийнинг аскарлари сўқмоқ йўлларда туташ саф тортиб урушишга мажбур бўлдилар. Бу йўлларда улар ўз сафларини, бир қаторда ўн кишидан ортиқ кенгайтиролмас эдилар. Натижада юнон-македон аскарларининг зич сафлари афсон жангчлари отаётган тош бўронлари остида қолдилар; тошларнинг биронтаси ҳам нишонсиз, беҳуда кетмасди. Спитамен македонлик қўмондоннинг бу хатосини кўриб, ундан фойдаланди ва вазиятга қараб иш тутди. У ўз жангчиларини илгари сурди ва уларни икки қатор бўлишга буюриб, душман хужум бошлаган бутун майдонни эгаллаб олди; душманни тош бўрон қилиш узлуксиз ва бор куч билан авж олди.

Шу вақт Катан ўзининг мерганлик маҳоратини кўрсатишга киришди; у Эригийни мўлжалга олиб, бир марта отиш билан уни ўнг елкасидан ярадор қилиб, ерга йикитди.

Бу манзарани кўриб, Спитамен ўз дўстининг санъатидан фахрланди.

— Офарин Катан! Чорак соат ўтмасдан, — хитоб этди ёш кўмондон, — боскинчилар қоча бошлайдилар, биз эса уларнинг орқаларидан ҳужумга ўтиб, қиличлар билан ўз курашимизни охирга етказамиз!

Ҳаммаси айнан Спитамен олдиндан кўра билгандек бўлди. Кўп македонликлар кўтармага яқинлашиб, найзаларини отдилар; тошбўрон эса кучайиб борарди. Отилаётган тошлар рақибларнинг темир қалпоқларини тешар, уларни майиб қилар, баданларини қонатар, бошларига уриб қарахт этар ва йикитарди. Тез фурсатда тошбўрон остида қолган ёвлар ҳужум қилиш ниятидан қайтиб, орқага бурилдилар ва қоча бошладилар.

Душман қаторининг охиридаги жангчилар палахмонлардан отилган тошлардан зарбага учраётган бўлсалар ҳам, олдинга қараб интилиб, олдингиларни босиб келардилар; бу эса умумий тўполонни юзага келтирди. Натижада суро-сур тўполони бошланиб, рақиблар бир-бирларини сурар, йиқилганлар оёқлари остида қолсалар ҳам, қочиш йўлини ахтарардилар.

Катан жангчилари кўтарма устидан тушиб душман кетидан қува бошладилар. Душманга кучли зарба берилди. Унинг аскарлари жанг қилиш иштиёкида бўлсалар ҳам, тўхтолмасдилар, чунки орқадан тушиб келаётган македонликлар олдиндаги, пастга тушаётган ўз жангчиларини суриб келардилар. Шунинг учун Катан жангчилари ҳам ўзларини тўхтатолмадилар.

Тор йўлаклар кенгайган жойларга тушганда ва тоғ қоялари анча нишоп бўлиб турган ерда, қочаётганлар кенгликка тарқалдилар. Ана шундай кенгрок жойда суғдий жангчилари ўзларини ростлаб олиб, душман аскарларини ўраб олдилар ва қилич, ойболталарни ишга солиб, чопа бошладилар.

Шу вақт тоғлардан ва қўшни қишлоқлардан маҳаллий аҳоли оломони жанг бўлаётган жойга қараб чошиб келди ва жанг майдонига кирди.

Юнон-македонликлар гуруҳига ҳам янги кучлар, Мелеагр ва Пердикка кўмондонлиги остидаги икки гуруҳ аскарлар келиб қўшилдилар. Мелеагр ариқ бўйида тўхтаб, ўз кучларини тўплади ва уларга Спитамен жангчилари ҳамда ғазабланган маҳаллий аҳоли гуруҳларига қарши урушишга буйруқ берди. Аммо унинг сўзларига жуда оз македонликлар қулоқ солдилар ва жангга кир-

ганда ҳам жазм билан курашолмадилар. Македонликларнинг асосий гуруҳлари саросимага тушиб қолдилар ва тўрт томонга қоча бошладилар: уларнинг ҳар қайсиси фақат ўз жонини сақлашни ўйларди.

Спитамен ўз жангчилари билан Мелеагр ва унинг юзлаб жасурларини қоя томон қисди. Олишув ниҳоят даҳшатли ва қонли бўлди. Мелеагр ҳаётида биринчи марта Спитамен томонидан қаттиқ яраланди. Македонликларни ўраб олган жангчилар ва тоғликларнинг сони ошаверди ва йигирма мингга етди. Улар ойболта, ўрок, ханжар, пичок, қўлларига нима тушган бўлса ўша билан олишардилар; қочаётганлар орқасидан палахмонлардан тош ва камонлардан тир отардилар.

Жанг тўполони иштирокчиларининг сони борган сари ўсаверди; Искандарнинг ўзи бошлиқ янги кучлар келиб жангга кирдилар; қўмондон биринчилар қаторида олишарди; у ўнг болдиридан Катан тири билан яраланди, тирнинг учи яраланган сонига кириб қолди. Македонликлар ўз шоҳларини жанг майдонидан олиб чиқиб, жасур ва чаккон этарлар химоясида қароргоҳига кўтариб кетдилар.

Македонликлар ўзларининг юришлари давомида биринчи марта мағлубиятга учрадилар: бу жангда олти юздан ортиқ македонлик ва юнон жангчилари ҳалок бўлди, тўрт юздан ортиқ аскарлари ярадор бўлишди; лекин ўлганлардан кўпроқ душман жангчилари асирга тушди. Маҳаллий аҳоли ва Спитамен жангчиларидан тўқсон киши ўлди ва олтмишга яқини ярадор бўлди. Аммо спитаменчиларнинг ғалабаси шубҳасиз эди. Ана шундай вазият билан ҳисоблашмаслик мумкин эмаслиги учун, (Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» китобида айтганидек) буни билган тадбиркор, аммо ночор Искандар улар билан сулҳ тузишга қарор қилди.

Кечга томон Спитамен қисмлари ва водий аҳолиси ёвлардан тортиб олган темир қалпоқлар, дубулғалар ва совутларни кийиб, тирдонларни тирлари билан елкаларига ва қиличларини белларига осилтириб, Сайробга, истеҳкомга қайтдилар. Улар ўзлари билан жуда кўп қурол-аслаҳаларни олиб келиб, ўз сафдошларини, водийдан келиб қўшилганларни қуроллантириш учун тарқатдилар. Эртаси куни Спитамен вакиллари Искандар хузурига бордилар. Искандар уларни дарҳол қабул қилди; Рим



тарихчиси Квинт Курций Руфнинг айтишича, у ярасини боғлаган латгаларни ечиб ташлади ва яранинг безарарлигини кўрсатиш учун ўз оёқларини элчиларга кўрсатди. Элчилар, ўтиришга таклиф қилингандан кейин ўтириб, агар Искандар Суғдиёнага ташлаб кетса, гаровга сақланаётган македон аскарларини қайтариб беришга ваъда бердилар. Шоҳ уларга хавфсизликни ваъда қилгандан кейин, элчилар Спитамен розилиги билан гаровдаги македонлик асирларни қўйиб юбормокчи бўлдилар. Сулх тузилди.

Шоҳ македонликларга қарши урушган маҳаллий тоғликларни скиф-дайлар ва абийларнинг жанговарлари деб фараз қилган эди. Олдинги бобда тасвирлаганимиздек, бу тоғлар силсиласи давомида яшовчи қабилаларни у европалик скифлар деб ҳисобларди. Шунинг учун у тоғликлар вакиллари билан, ўзининг яқин кишиларидан бири — Пендни шундай фармон билан юбордики, дайлар ва абийлар ўз вилоятлари чегарасидан — Танис дарёсидан бу томонга Искандар ижозатсиз ўтмасинлар. Бу шоҳ тасаввурининг хатолигидан гувоҳ эди. Маҳаллийлар бу борада индамадилар.

Юнон-македон аскарлари устидан қозонган ғалаба муносабати билан, жанг майдони ва у ердаги шаҳарчани, кўп вақтлардан кейин, арслон жасурлигини кўрсатган уруш қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш учун «Шеробод» деб атайдиган бўлдилар.

Ўша жангдан бир неча кун ўтгандан кейин Искандарнинг берган ваъдаларига ишониб, тинчланган Спитамен бошлиқ жангчилар Самарқандга жўнаб кетдилар. Аммо шундан кейин унча кўп вақт ўтмай, македонликларга Пелладан янги кучлар келиб қўшилиши билан, улар бу водийнинг аҳолисига қарши ваҳшийлик ҳаракатларини қайтадан бошладилар. Улар атроф кишлоқларига алохида-алохида хужум қилиб, фуқароларини киргин қилдилар. Айтишларига караганда, ўттиз минг маҳаллий аҳолидан фақат саккиз минг нафари ўлимдан қутилишга муваффақ бўлган. Искандарнинг бундай «озодлик бурчи», унинг тинч яшаётган аҳолига кўрсатган «илтифоти» Суғдиёнадаги оммавий чиқишлар учун, халқ-озодлик кураши бошланиши учун ишора бўлди.

## «СПИТАМА, СЕНИ УЛУФ ИШЛАР КУТМОҚДА!»

Сурхон водийсида Спитамен бошчилигида, унинг жангчилари ва халқ гуруҳларининг душман устидан ғалабаси ҳақидаги хабар тезлик билан Суғдиёнанинг барча шаҳар ва туманларига тарқалди. Искандар қўшинининг тору мор этилиши тафсилотлари ҳаммани тааж-жублантирди. Лекин Искандар бу жангда мағлубиятга учраган бўлса ҳам, ғолиблар билан сулҳ тузган бўлса ҳам, истилочилик мақсадидан қайтмади ва Суғдиёна чегарасидан узоққа кетмади.

Спитамен эса ўз жангчилари билан бу ерда қолиш харбий ва сиёсий муҳитни кескинлаштириб водийдаги осойишталик вазиятини бузиши мумкин, деб ҳисоблади. Шунинг учун конфронтация ва хунрезлик олдини олиш учун, Самарқандга кетишни лозим деб билди. Спитаменнинг бундай йўл тутиши боиси яна шундан иборат эдики, фуқароларнинг анчагина қисми ҳозир ҳам македонликлар қўшинини уларни форс истибдодидан қутқарадиган куч деб ишонардилар. Аммо фуқароларнинг кўпчилиги қалбида нафақат қўрқув, шу билан бирга македонликларга қарши нафрат ҳам қайнар эди. Шунинг учун Спитамен аҳоли хушёрлигини ошириб, уни ватан химоясига тайёрлашни истар эди. У ўлка истиқлоли учун кўнгиллилар сафини кўнайтириш чоралари ҳақида ўйларди.

Самарқандга бориш йўлида, Спитамен Масаддиққа кўнгиллилардан ажраб кетмасликни маслаҳат берди, лекин у суғдий билан боришни хоҳламади. Навтоқ вилоятининг Амонқўтан довонигача бориб, савдогар суғдийга муваффақият тилади ва иссиқ хайрлашиб, шаркка — Ҳисор тоғларига қараб кетди. Бактралик Хориен тезда қайтиб келиб, суғдий гуруҳига қўшилмоқчи эканлигини айтиб, савдогар билан кетди. Бир қисм бактрияликлар суғдий гуруҳи билан қолди.

Жангчилар Самарқандга яқинлашдилар. Спитамен уларнинг кўпчилик қисмини Катан бошчилигида Тали Барзанга юбориб, ўзи Бахтвар, Фаррух ва бир гуруҳ аскарларни олиб, Камонгаронга ва юнонларнинг Суғдиёнадаги манзилгоҳи — Лаконга қараб жўнади.

Тоғ этагида жойлашган Камонгарон қишлоғи. Бу қишлоқ хунармандлари эскидан камон, тир ва бошқа қуроллар ясаш билан шуғулланиб, суғдий аскарларини қурол-аслаҳалар билан таъминлаганлар. Қуролсозлар бошлиғи Фаттоҳ, Спитаменнинг эски таниши, уни хурсандчилик билан кутиб олди:

— О! Спитама?!

— Ха, — жавоб берди суғдий. — Тирикмисиз, кўри-нишингиз яхши, отамнинг дўсти?!

Спитамен ва Фаттоҳ узок суҳбатлашиб, Спэнта тириклигида бу оилалар ўртасидаги дўстликда ўтган кунларни эсладилар; Форснинг Искандар билан жангларда мағлубияти сабаблари, Доро Кодоманнинг ўлдирилиши, Бесснинг катл этилиши ва Суғдиёнага душман истилосининг hozирги хавфи ҳақида суҳбатлашдилар.

— Қурол тайёрлаш лозим, — таклиф этди Спитамен, — бўлмаса биз Искандарнинг истилосидан ўзимизни мудофаа қилолмаймиз.

— Менинг аждодларим суғдий аскарларининг Кайхисравга қарши жангларида уларни қурол-аслаҳалар билан таъминлаш ҳақидаги ота-боболарингнинг амрларини ҳамиша бажарганлар. Бу сафар бундай муқаддас бурч менинг бўйнимга юклатилар экан, мен буни бажонидил бажараман; аскарларимизни қуроллантирамиз, токи улар Искандар Зулқарнайннинг Суғдиёнага келишига йўл қўймасинлар.

Спитамен кўйнидан учта катта оқ олмос тошларини чиқариб кекса қуролсозга берди. Уста ҳақ олишдан бош тортмоқчи бўлди, аммо суғдий минглаб аскарларга найза, камон ва тирларни ясаш учун хом ашё тайёрлаш ва бошқа тайёргарликлар харажатсиз бўлмаслигини айтиб, уни кўндирди.

Сўнгра Спитамен Ургут ёнидаги Лакон манзилгоҳига жўнади; у ерда шох Хшаярша даврида кўчиб келган беш мингдан ортик юнонлар яшардилар. Улар суғдийлар буюртмаси билан чиройли идишлар ва қўшқулоқ кўзачалар ясардилар; Зарафшон тоғларининг мрамор тошларидан худолар, илоҳалар ва одамлар хайкалчаларини ясардилар. Шаҳарчанинг дарвозаси олдидаги бозорчада тўпланган фуқаролар юнонлар ясаган молларни харид қилардилар.

Манзилгоҳ узок Элладанинг бу ердаги кичик бўлагига ўхшарди. Бунда акрополис — тепалиқда қурилган қасрча, Афинадагига ўхшаш ибодатхона, кичкина театр, эшиги олдида Аполлон хайкали қўйилган мактаб, қатор устахоналар, ховузлар, сувўтказгич ва кабристон бор.

Бир юзу эллик йил давомида янги ердаги ҳаётларида эллинлар ўзларининг анчагина хусусиятларини йўқотганлар. Жумладан, улар узун иштонлар киядиган бўлдилар, тиллари маҳаллий тил сўзлари билан бойиб борди.

Йўлдан ўтаётган, калта камзул, лекин суғдийнинг тор иштони ва ёпиқ чарм оёқ кийимини кийган юнон бу ерда тўсатдан пайдо бўлган нотаниш отлиқ аскарларга эътибор билан қаради. Гуруҳ олдида қалин соқол ва мўйловли, ёш чавандоз йигит борарди. Юнон жасурлик билан суворининг йўлини тўсиб, отнинг жиловидан ушлади ва инжиқлик билан суғдий тилида унга — улар ким бўладилар, қасрдан ва нима учун бу ерга келдилар, деб сўрай бошлади.

— Сенга нима бўлди? — аччиқланди сувори. — Менимча, кўзинг ожиз бўлибти, Лисимах. Мени танимаяпсанми?

— О! Спитамен?! Салом! Соқол қўйибсан. Шунинг учун сени танимадим, кечирасан дўстим!

— Салом, менинг дўстим!

Лисимах — бўйи пастрок, ўттиз беш ёшли, юзи оқ, қора қошли, жингала сочлари калта кесилган. Отдан тушган Спитаменни қаттиқ кучоқлаб олди. Бахтварни кўриб, у хайратланди ва қувониб сўради:

— Сен ҳам шу ерда-ку, Бахтвар?! Сен бизларни ташлаб, Элладага кетган эдинг-ку.

— Спитамен мени уруш йўлларида топиб олди, — жавоб берди Бахтвар.

— Балки, сен мени кутмагандинг? — Спитамен табассум билан Лисимахга қаради. — Мени урушда йўқолиб кетган, деб ўйлагандирсан?

— Спитамен йўқоладиганлардан эмас, — ишонч билан деди Лисимах.

Бир оздан кейин, улар Лисимах уйида ўтириб суҳбатлашдилар.

— Энди эътибор билан мени тингла, Лисимах, — деди Спитамен. — Сени биринчи бор кўриб, дўст бўлга-

нимдан кейин ўн йил вақт ўтди. Шу давр ичида менда сен ва сенинг авлодларинг макташга арзийдиган кишилар эканлиги ҳақида ишонч ҳосил бўлди. Сизлар ажойиб меҳнатсевар, қобилиятли ва доно халқ. Худолар сизларга катта билим ва қобилият ҳадя этган.

Сен бир вақтлар таърифлаган, кўзи ожиз юнон қўшиқчиси Гомернинг валати ривоятларини севиб қолдим. Мен унинг айрим асарларини ўқиб чиқдим.

— Гомер жуда истеъдодли шоир.

— Ҳа, Гомернинг асарлари, — тасдиқлади Спитамен, — одам ақлини банд қилади. Мен сизларнинг Геродот, Афлотун ва Арастуларингизни ҳам севдим. Аммо уларнинг фикрларини яхши ўзлаштиришга хали улгурганим йўқ.

— Ҳа, улар ҳам машҳур олимлар, — тасдиқлади Лисимах.

— Бизда ҳам фахрланишга арзийдиган кадриятлар бор. Лекин ҳозир гапим бу ҳақда эмас. Мени эшитаяпсанми, Лисимах?

— Ҳа, Спитамен.

— Шундай қилиб, мен сенинг халқингга меҳр қўйдим, эллинлар тилини ўргандим, аммо вақти келиб юнон суғдийнинг душмани бўлишлигини ўйламаган эдим. Лекин... — Спитамен оғир ох тортди, — ана шундай вақт келди, азиз Лисимах. Искандар Окс дарёсидан ўтиб, Самарқандга тикиляпти. Яқинда у бу ерларга келиб қолиши мумкин. Ҳозир унинг қирқ беш мингга яқин, бошдан-оёқ тешиб бўлмайдиган қалин биринжидан ясалган совутларни кийиб олган аскарлари бор. Бизларда эса ҳатто чарм совут кийган кишини кам қўрасан. Юнонлар узун найзалар ва темир қиличлар билан қуролланган, суғдийлар эса хали ҳам, кўпинча биринчи ханжар билан... Демак, биз аскарларимизни яхшироқ қуроллантиришимиз, қуролларимиз сифати ҳақида ўйлашимиз лозим, азизим Лисимах. Агар жанг бошланса...

— Йўқ, Спитамен! — тўлқинланган Лисимах ўрнидан ырғиб туриб, суғдийни кучоқлади. — Уруш бошланмайди. Искандар: «Осиёни форслардан озод қилиш учун, Шарққа бораман», деб эълон қилди. Марокандда форслар хали кўп. Искандар уларни охиригача тор-мор этиб бўлгандан кейин ватанига қайтади. Сизларнинг ва бизларнинг икки буюк ва доно халқларимиз биродарла-

шадилар; Эллада ва Суғдиёна дўст давлатларга айланадилар ва бундай иттифоқдан сизлар ҳам, юнонлар ҳам фойда кўрадилар. Ажойиб замонлар келади, дўстим Спитамен, ажойиб замонлар!

Спитамен табассум қилиб, яна оҳ тортди...

— Сен нима деган бўлсанг, доим амалга оширилади, — деди Спитамен мулойимгина. — Худо бизларга ёр бўлсин ва сенинг орзуларинг бу сафар ҳам руёбга чиқсин.

Лисимах билан суҳбатдан кейин, Спитамен ўз шериклари билан Самарқандга жўнади. Йўлда у чуқур ўйга чўмилди, атрофдан келаётган товушларнинг ҳеч бирини эшитмади ва бошини ҳазиллашиб бораётган Бахтвар, Фаррух ва бошқалар томонга бурмади.

Қуролсозларнинг бошлиғи Фаттох Спитамен мақсадини дарров тушунди ва илтимосини бажариш учун ваъда берди. Лисимах эса, гўё уруш бўлмайди, деб уни юпатишга уринди. Уни қандай тушуниш керак? Балки у Искандарнинг айёрлигини билмайди, ёки юнон бўлганлиги учун, юнонлар ва македонликлар шоҳига ён босиб, ўз дўсти илтимосини мулойимлик билан рад этди.

«Энди нима қилмоқ керак?» — бу савол ёш кўмондонга ором бермасди: «Хой, Самарқанд, орзулар таянчининг шаҳри! Хой, сизлар...» — у фикран Суғдиёна аҳолисига мурожаат этиб, ўлкани душмандан асраш ва мустақил ҳаёт кечиришига эришиш чоралари ҳақида ўйлади.

Спитамен хулосага келди: эрта эрталаб сатрап лавозимини бажараётган Австан билан учрашиб, бу борада маслаҳатлашиш ва тезлик билан шаҳар ва Суғдиёна барча вилоятларининг оқсоқоллари Мажлисини чақириш лозим.

Уруш йўлларида уч йилдан бери азоб чекиб юргандан кейин, Тали Барзандаги ўз ховлисига кирганида, Зара кучоқларини очиб уни кутиб олди. Спитамен бирданига, қандайдир ички турткини сезиб, йиғилган зиддиятли фикридан сесканиб, ўзига келди. Заранинг юзига ҳам енгил қизиллик югурди; у Спитаменга чарақлаётган мовий кўзларини тикди. Узоқ саволлар ва жавоблардан кейин Спитамен, ўзини тутиб олди-да, Зарадан сўради:

— Бизнинг Алама қани, нимага у кўринмайди?

— У катта онасиникида, тезда келиб қолади, — жавоб берди Зара.

Спитамен урушга кетганида, унинг қизчаси беш-олти яшар эди. Сугдий уни ўша ҳолатда эсларди — пастгина, тўлагина, кулча юзли ва қувноқ. У қандай бўлган экан? Отасини эслармикан?

Мана, ховлига Эрзиф, Зардоза, Аши ва Апама кириб келдилар. Уларни қабул қилишга чиққан Спитаменга извош яқинлашганида, у саккиз-тўққиз яшар — бўйи анча ўсган, ингичка, пушти ранг куйлак ва кенг қизил шалвар кийган қизчани кўрди. «Чўзилишти», — ўйлади Спитамен.

Спитамен ўз бағрига бирданига ҳамма яқинларини босди.

Кичқиришлар эшитилди:

— Спитама!

— Болагинам!

— Дада! Дадажон! — қизча кичқириб ўзини Спитаменга ташлади.

У чўқкайиб ўтириб олди, қизчасини кучоқлаб, юзини унинг юзига босди ва гўё қотиб қолди. Улар анчагина шу ҳолатда ўтирдилар. Отанинг кўз ёшлари боланинг кўз ёшлари билан қўшилиб кетди.

— Қани, Апама, сени яхшилаб кўриб олай, — бўғиқ овоз билан деди Спитамен ва қизчасини қўлларидан ушлаб, сал нари сурди. Оппок, чиройли юзининг баъзи жойларида сепкил холлари бор. Бурни ғурурли. Лаблари атиргулдай. Жингалак сочлари — қоп-қора, майин, онасининг сочларига ўхшайди. Аммо кўзлари — худди отасиникидай; қизча отасига меҳр билан тикиларди.

У жон-дили билан қизчасига мунчоқ, зирак, билаг-узук, халқа, попуқ, баргак ва бошқа ҳар хил совғалар берди. Апама, хурсандлигидан ўзини каерга қўйишини билмай югурар, сакрар, қувноқ қўшиқ айтар, бармоқларини шиқиллатиб ўйнар, қошларини учирар ва кулишдан чарчамай тез-тез отасига ёпишарди. У соғлом, тоза ва нафис кўринади.

Спитамен ўз қизчасидан фахрланар, аммо уни яқинлашиб келаётган жанг ва харобалар хақидаги, олдиндан кўнглига келаётган ҳиссиёт қийнарди. У хали Апамадан яна ажралиши мумкин эканлигини билмас эди. Унинг қизи бир неча йиллардан кейин юнонлар шоҳи Салавнинг хотини бўлишлигини, кейин унинг невараси, яъни

Апаманинг ўгли — Антиох йигирма йил давомида салафкийлар давлатининг эътиборли шоҳи бўлишини эса у ҳали хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Такдир!

Кейин, гўё кичик боладек, Спитамен ўз бошини онасининг елкасига қўйиб, унинг ёқимли сўзларини тинглади.

— О Спитама, Спитама! — пичирларди Зардоза, кўзлари қувонч ва эзилишдан чакнаб. — Агар сен йўлингдаги тўсиқлар билан қатъий курашиб, ўзингни бағишлаган ишни охирига етказсанг, мен сендан абадул-абад рози бўлардим. Суғдиёна фуқароларини қўл остингда бирлаштир, уларни руҳлантир, токи улар қўлларига қилич олиб жанг майдонида душман билан курашсинлар ва қўрсатсинларки, биз паст ирқ эмас, ҳеч кимдан кам эмас, балки ўшаларга ўхшаш инсонмиз! Биз ҳеч кимдан кам ё паст бўлишни хоҳламаймиз, бировга ёмонлик тиламаймиз!

Спитамен онасининг бағрига бошини қўйиб, унинг сўзларини тинглар экан, юраги тўлқинланиб, онасининг танасидан унинг қалбига янги иссиқ харорат, иктидор тўла куч оқиб ўтаётгандек жимираётган хиссиётни сездиди.

— Онажон, мен халқимнинг осойишталиги учун умримнинг охиригача, бор кучим ва сўнмас иродам билан бу мақсад учун курашаман! Мен қатъий суръатда Суғдиёна озодлиги учун, унинг валабасигача курашаман, керак бўлса унинг учун жонимни фидо этаман!

Спитамен ўз қўлларини онаси ва тоғасининг қафтларига қўйди; Эрзиф унинг қўлини ўз юрагига яқинлаштириб, хаяжон билан деди:

— Спитама, сени буюк ишлар кутмоқда! Сен каби одамлар жасорат ва улуғ ҳаракатлар учун туғилдилар. Бундай кишилардан қахрамонлар етишиб чиқади...

— Қахрамонлар ёки жафокашлар... — деди Спитамен, астагина бошини эгиб; унинг чехраси ғамгин эди.

Анча вақтдан кейин Спитаменни кўриш учун Корун ва Артемида келдилар.

Ҳол-ахвол сўрашлардан кейин улар чўзилиб дам олдилар. Аммо табиати маълум бўлган Корун, ҳатто мохирлик билан тайёрланган таомга ҳам эътибор қилмади. Озрок майни хўплаб, у ўз режаларини ифодалашга киришди:



— Форс давлати мағлубиятга учраб, икки юз йил да-  
вомида хукм суриб келган сатраплик тузуми инкирозга  
юз тутган ва Суғдиёнада ҳокимият эгасиз қолган ҳозир-  
ги вазиятда қандай иш тутиш керак?

— Ҳозирги вазиятда Суғдиёнани Искандардан мудо-  
фаа қилиш учун тайёргарлик кўриш керак. Македонлик-  
лар тез фурсатда шахримиз дарвозаси олдига келишлари  
мумкин, — жавоб берди Спитамен.

Корун қатъий тарзда:

— Агар аввал ҳокимиятни қўлга олсак-чи...

— Ҳокимият ҳозир Австаннинг қўлида.

— Агар мен Бахштепа ҳарбий истеҳкомини сенга топ-  
шириб, ўзимни... масъулиятлироқ лавозимни олиш учун  
енгиллаштираман-чи? — суриштирди Корун.

Спитамен ва Эрзиф Корун табиатида ҳамиша мавжуд  
бўлган, шуҳрат ва амалга нисбатан қоникмас ҳиссиёт яна  
кучайганлигини билдилар. Бу очқўзлик уни кейинроқ  
хавфли қилмишларга ва ундан ҳам даҳшатлироқ офат-  
ларни содир этишга олиб келди.

\* \* \*

Спитамен эрталаб ўз шахсий соқчилари билан аркка,  
Австан ҳузурига равона бўлди. Улар Афросиёбга якин-  
лашишлари билан, қуёш кўтарилиб майин ва ёкимли  
шабада ҳамманинг қалбида яхши кайфият уйғотди. Да-  
лаларда деҳқонлар аллақачон зироатчилик билан шуғул-  
ланмоқдалар. Спитамен ўз отини улар томон бурди. Уни  
тезда одамлар ўраб олди. Улар Спитаменга мағрурлик ва  
мухаббат кўзлари билан қарадилар. Унга саломлар йўл-  
лаб, саноксиз саволлар бердилар:

— Уруш тамом бўлдими?

— Бошқа уруш бўлмайдими?

— Шох ва сатрап ўлдирилган экан, эҳтимол, энди  
бизлар мустақил давлат бўлармиз?

Бу саволларга жавоб бериб, Спитамен қатъий тарзда:

— Биз хали Суғдиёнанинг озодлигига эришишимиз  
ва мустақиллигини қўриқлашимиз керак, — деди.

Шахристон томон кетатуриб, Спитамен фуқаролар-  
нинг кундалик ташвишлар билан яшаб, ватан ҳимояси  
учун ҳам шуғулланганларини билди. Шаҳар атрофидаги  
йўлларда тўсиклар кўринади: кум тўлдирилган қоплар,  
ёғоч, гўла. Афросиёбнинг Кеш дарвозаси ҳам, унинг ол-

дида аскарлар, хунармандлар ва ахолининг ўртаҳол вакиллари йиғилганига қараганда, шаҳарнинг уруш хавфини сезаётганлиги билинади; пойтахтнинг хушёр бўлиб яшаётганлиги яққол сезилмоқда.

Спитамен отликлари дарвозага яқинлашуви билан, қўлларида найза тутган аскарлар ўз камарбандларини тортиб, сафлашиб тик турдилар.

— Ким сизлар? — улар бошлигининг йўғон овози эшитилди.

— Спитамен ўз гуруҳи билан урушдан қайтиб келмоқда! — жавоб берди Бахтвар.

Бир дақиқа ҳамма жим бўлди.

— Орани очиб йўл беринглар!.. — яна эшитилди ҳалиги йўғон овоз. Аскарлар тезлик билан орани очиб, чавандозларга йўл бердилар.

Спитамен олдига бошида зарҳалранг дубулғали ҳарбий бошлиқ яқинлашди ва унга бош эгиб, деди:

— Марҳабо, Спитама! Ғалаба сеники! Фақат буюк саркарда оғир вазиятда эсон-омон қайтади.

— Сен, Хушбахт?! Жасурларнинг жасури! — хитоб этди Спитамен.

Хушбахт чавандозларни юқорига, арк дарвозасига олиб борадиган соя хиёбондан кузатиб борди. Спитамен пойтахт дарвозасига яқинлашганда, қоровуллар уни таниб, бири сўғдийнинг отини ушлади, бошқаси у отдан тушиши билан, зинапоягача кузатиб борди. Ўша захоти унинг қаршисига сарой мулозими чиқди.

— Ҳоким саройдами? — сўради сўғдий.

— Ҳа, олий ҳазрат, — жавоб берди у.

— Унга айтгин, мен...

— Ҳа, олий ҳазрат, Спитамен. Спэнтанинг ўғли Спитамен жангдан эсон-омон қайтиб келди, деб айтаман.

Австан Спитаменни қўлларини очиб, иссиқ кутиб олди-да, ўз ёнидаги жойни кўрсатиб, ўтиришга таклиф этди. Улар уруш юмушлари, Сўғдийнинг иқтисодий аҳволи, фуқаролар кайфияти ва бошқа масалалар хусусида анча суҳбатлашдилар.

— Дарҳол оқсоқоллар Мажлисини чақириш лозим, — суҳбатнинг охирида таклиф этди Спитамен.

— Оқсоқоллар Мажлисини ўтказиш эртага, ҳарбий бошлиқлар мажлисидан кейин белгиланган, — жавоб берди Австан.

— Уларни алоҳида-алоҳида эмас, қўшиб ўтказилса яхши бўларди.

— Ха, агар ҳарбий вазият ва ҳокимият ҳақидаги масалаларни муҳокама этадиган бўлсак, иккаласини қўшиб ўтказганимиз маъқул. Сенинг номзодингни Суғдиёна ҳокимлигига тавсия этсам, менинг таклифимни рад этмаслигингни сўрайман. Сен бу лавозимнинг қонуний вориссан.

Спитамен индамади.

Ҳарбий бошлиқлар ва оқсоқолларнинг қўшма мажлиси Анахита ибодатхонасида белгиланган вақтда бошланди. Муҳокама этиладиган бош масала бўйича, ҳоким лавозимини бажараётганлиги учун, Австан маъруза қилди. Сўз Искандар аскарлари яқинлашаётган фавқулудда вазиятда фуқароларни ўлка мудрофаасига кўтариш кераклиги ҳақида борди.

— Шундай қилиш керакки, — деди у, — ракиб ҳар томондан қуршовда қолиб, атрофдан ёрдам ололмасин ва озиқ-овқатсиз қолсин...

— Биз душманнинг Суғдиёнага киришига йўл қўймаслик учун, вилоят чегарасида, лоқал Амонқўтан довонида унга зарба берсак бўлмайдами? — сўради Катан.

— Ҳозир Искандарнинг қирк беш мингдан кўпроқ қуролланган аскарлари бор, бизда эса етти мингдан сал кўпроқ отликлар ва тахминан шунча ёмон қуролланган ва тажрибаси оз пиёда аскарларимиз бор. Бундай вазиятда жангда устунлик биз томонда бўлмайди. Бундан ташқари, Искандар ўзини гуё бизнинг ҳудудимизга аҳоли билан жанг қилиш мақсадида эмас, балки бу ердан Бесс тарафдорларини қувиб чиқариш учун кирмоқчи, деб уйдирма таркатганидан хабарингиз бор. Афсуски, аҳолининг анчагина қисми бундай ёлғон сўзга ҳали ишонмоқда. Шунинг учун бизнинг маъносиз қон тўкишига ҳақкимиз йўқ, — асослаб жавоб берди Австан.

Бу масала ҳар томонлама ва баҳслашиб муҳокама этилди. Сўзга чиққан анчагина нотиклар Катан таклифини маъқуллади. Аммо ундан ҳам кўпроқ кишилар, айниқса оқсоқоллар, Австан фикрини маъқулладилар. Ниҳоят, кўпчилик овоз билан Австаннинг фикри тўғри деб топилди.

Сўнгра ҳокимиятнинг ички тузилиши, мамлакатни бошқариш усулини ўзгартириш, унинг ҳокимини сайлаш

ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Ҳоким лавозими-га номзодни муҳокама этиш бошланганда залда шов-шув бошланиб, бир оз давом этди.

Сатрап лавозими бўшаганидан кейин Корун ўзини каерга кўйишни билмасди; бу лавозимга энг муносиб номзод менинг ўзим, деб ўйларди. У бутун вужуди билан ана шу ширин хаёлларга берилиб, бундай бахтнинг сеҳрли шарпаси орқасидан эргашди. Спитаменнинг ҳоким бўлиши мумкинлиги ҳақида Корун ҳатто ўйлашни ҳам хохламасди.

Сувдиёна ҳаёти, унинг пойтахти ва аҳолисининг тақдири ҳақидаги масалаларни Мажлис муҳокама этаётганлиги ибодатхонани ўраб олган оломон ичида ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

— Самандар, Шикебо, юринглар, Анахита ибодатхонасига борамиз, оқсоқоллар Мажлиснинг қандай қарорга келганини билайлик! — чақирди Розик.

Уччала маҳмадоналар ибодатхона пешайвонига чиқадиган зинапояга яқинлашдилар.

Ёз фаслининг бугунги жазирама иссиғида бу ерда йиғилганлар бино соясида, у ёқдан-бу ёққа юрардилар. Улар эътиборини ўзига жалб этмасликка ҳаракат қилиб, суюкоёк Робия, ўз дугоналарига энгашиб, захарханда билан деди:

— Коруннинг хотини Артемида билан учрашмоқчиман; дейдиларки, судхўр Габер охириги вақтда у билан меҳрибонлик қилармиш; мен эса унга эрининг менинг дугонам Рухсора билан яқин алоқасини гапириб бермоқчиман.

Хотинларнинг суҳбатига ҳеч кимнинг таклифисиз Ҳиммат исмли шилким эркак келиб қўшилди.

— Ҳа, ҳа, — кичкирди у, — унга айтгин, Корун Рухсорага йигирма талант пул инъом этибди.

— Корун ўйнашига йигирма талант совға этибди? — хайрон бўлди маҳмадона Самандар. — Оҳ-о, бу мўъжиза-ку.

— Дарҳақиқат, бунга хайрон бўлиш мумкин, чунки Корун ҳасис ва мумсиқ, — кайд қилди Шикебо. — Умуман олганда, йигирма талант Коруннинг бойлиги олдида кўза тўла сувнинг бир томчисидай.

— Тўғри, — кўзларини чарақлатиб, деди Ҳиммат. — Бу Корун учун чинакам беҳуда нарса. Ахир, унинг етти минг талантдан кўп қийматли бойлиги бор!

— Бўлмаса-чи!

— Дейдиларки, Виштасп Спитамен тазйиқидан кейин Форсга қочиб кетган ва Гавгамеладаги жангда ҳалок бўлган. Унинг бир қисм бойлиги ҳам Корун ихтиёрида қолган эмиш.

— Дейдиларки, Искандар Зулқарнайн форс шоҳларидек ҳасис эмас экан.

— У саҳий бўлса, ўзиники учун, бизлар учун эмас, — уни тузатиб қўйди бошқа суҳбатдош.

Ҳамма бирданига жим бўлди.

Айвонни ўраб олган оломон орасига Коруннинг хотини Артемида кириб келди; у гўзалликка жазман бўлган очқўзлик ва викор билан у ёқ-бу ёққа қаради-да, иккита олифта кийинган ёш аёллар — Эльвира ва Валерия билан қўл бериб кўришди. Бу иккала аёл, Артемида орқасидан доимо эргашиб юрадиган унинг яқин дугоналари.

— Бизлар оқсоқоллар Мажлисида катта ўзгаришлар бўлишлигини кутмоқдамиз, — бошлади Эльвира.

— Ҳоким номзодини аниқлаш учун Мажлис юнонларнинг бу ерга келишлари билан юзага келадиган вазиятни ҳисобга олиши лозим, — минғиллади Валерия.

— Тушунмадим, сизлар нимага шаъма қиялсизлар, гўзаллар, — хайрон бўлганлигини билдирмоқчи бўлди Артемида, — ҳазиллашиб мени уялтирманглар.

— Бу ҳазил эмас, сен ўзингни гўлликка солма. Мен юқори табақалар доирасида аралашиб юрадиган Эльвира, собиқ қул, юнон аёли. Жонгинам, мен ҳам, сенга ўхшаш сидонлик юнонлар авлодидан бўламан.

— Агар Мажлис сенинг эрингни давлат раҳбари этиб сайласа, — бўшапмади Валерия, — сен мени ҳам унутмайсан. Шундай эмасми, жонгинам?

— Бизнинг фикримизча, шоҳ Искандар ўз ватанига қайтишдан аввал шаҳримизнинг мартабали лавозимларига даставвал юнонларни тайинлайди, — қатъиян гапирди Эльвира. — Энди форсларнинг куни битди.

Артемида индамади.

Ибодатхона залидан машварат иштирокчилари чика бошладилар. Уларга саволлар ёғилди:

— Ким ҳоким бўлди?

— Сарқоримиз ким бўлди?

— Энди биз кимни улуғлаймиз?

— Спитамен!!!

— Спитамен ўзининг ворислик ҳуқукига мувофиқ Суғдиёнанинг ҳокимлигига тайинланди!

— У хурматга сазовор ҳоким!

Умидсизланган Корун, Спитаменни кутмасдан ва уни табрикламай, хотини билан Бахштепага жўнаб кетди.

\* \* \*

Македонлик Искандар милоддан аввалги 329 йил фармапада ойининг иккинчи ярмида (июнь — июль) қирк минг аскарлари билан, донғи чиққан оти Буцефалга миниб, ҳаммадан олдинга сакраб «ер юзининг кўрки» — Самарқанд худудига яқинлашиб келди.

— Мароканд ана у тепаликдан кўринса керак, — дедилар унга.

Етти йил давом этиб келаётган урушларда Искандарнинг зафарли аскарлари қанча қатта шаҳарлар ва пойтахтларга яқинлашиб келмадилар! Унинг ихтиёрига ўзларини топширган шаҳарлар: Троя, Пергам, Сард, Эфес, Милет, Галикарнас, Гельмес, Анцир (Анкара), Тарс, Библ, Байрут, Димишқ, Сидон, Иерусалим, Ғаза, Пелузия, Гелиополис (Қохира), Сива (Амон воҳаси), Мемфис, Алеппо, Арбела, Бағдод, Бобил, Суз, Персепол, Исфахон, Эқбатон, Регас, Задракарта (Астробод), Кандагар, Кабура (Кобул), Бактра (Балх). Ҳар бир таслим бўлишнинг тафсилотларини хатто эслаш қийин.

Мисрнинг Амон воҳасидаги Сива шаҳрида Искандар «шунқорлари» уни Оллоҳ Амон ўғли деб эълон қилгандилар, Самарқандда эса Осиёнинг илоҳий шоҳи деб аташлари лозим.

Самарқанд кўринадиган ўша тепаликка тезроқ етишни хоҳлаган Искандар, тўсатдан суғдийларнинг айёрлигини эслаб, шошмасликка қарор қилди ва ҳар дақиқа, кутилмаган тарзда, бирон паналикдан улар хужум этишлари мумкин, деган фикрни кўнглидан ўтказди. Шоҳ эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишни буюрди. Аммо уларнинг ҳар бири, сафдошларидан илгарирок Марокандни кўрмоқчи!

— Мароканд! Мароканд!

Аскарлар қичқирар, сакрар, қалпоқларини, ялтироқ дубулғаларини осмонга отар ва найзаларини силкитиб, бир-бирларини қучоқлардилар.

— Мароканд! — шод-хуррамлик билан такрорлардилар шоҳнинг этарлари, чапак чалиб.

Искандар ҳам ёш болага ўхшаб қувонарди. Унинг олдидида мисли йўқ шаҳар кўриниб турарди; унинг мавжудлигига ҳатто ишонгилари келмасди, гуё бундай шаҳар юнон тарихчилари, файласуфлари ва шоирларининг тасавурида мавжуд бўлиб, бошқалар уни хаёл қилганлар. Искандар виқор билан шаҳарни қуршаб олган ярим тиниқ туманга қараб, Суғдиёнанинг афсонавий пойтахтидаги кесик конусларни, учбурчакли шаклларни ва иморатларни тасаввур этарди.

Шоҳ шаҳар дарвозасига яқинлашганда, унинг эътиборини баландлиги қирқ тирсакдан иборат бўлган, катта гиштлардан терилган, саркофагга ўхшаган юксак деворлар ўзига тортди ва бундай шаҳарни куч ишлатиб ишғол этиш қийин, деб ўйлади. Кўчаларнинг четларида шаҳар аҳолиси томонидан кум тўла қопларнинг, гўла ва тошларнинг тўсиқ учун териб қўйилганлигини кўриб, Сурхон водийсининг аҳолиси томонидан уларнинг «қизғин кутиб олинганини» ва Суғдиёна чегарасидаги, Сайроб пойидаги жангни эслади. Шаҳарликларнинг юзларида таклиф этилмаган меҳмонларнинг ташрифларига нисбатан норозилик туйғулари кўринарди. Бироқ оломон ичида, гоҳ у, гоҳ бу ерда айрим шаҳарликларнинг юнонларни табриклаш ишораси бўлган қўл кўтаришларини ҳам кўриш мумкин эди.

Искандар харҳолда шаҳар фуқароларининг уларга палаҳмонлардан тош отмаганларидан, кичкирмай, балки ўз норозиликларини ичларига ютиб, жим турганликларидан мамнун эди. Аммо у шаҳарнинг асосий дарвозаси атрофларида, баланд деворларни тешиб тир отадиган туйнуклар ясаб қўйилганлигини кўриб ваҳимада қолди; бу туйнуклардан унга қараб тир отишлари мумкин.

Лекин Искандар, Мароканд фуқаролари македонликлар халоскорлик бурчини бажарадилар, деган менинг сўзимга ишонмоқдалар деб, қувонарди.

«Энди мени Спитаменнинг ўзи — суғдийлар бошлиғи, қабул қилмоғи лозим», — ўйлади шоҳ. Бу дақиқалар ҳам етиб келди. Искандар шаҳарнинг Кеш дарвозасига яқинлашганида, ундан суғдийларнинг мартабали одамлари чиқди. Ҳаммалари турган жойларида тўхтади-

лар. Сукунат вужудга келди, холбуки Афросиёбга кириш олдидаги текислик минг-минг фуқаролар билан тўлиб кетган.

Дарвоза олдида, катта йўлнинг икки томонида кохинлар, савдогарлар, хунармандлар ва узок кишлоқлардан келган аҳоли вакиллари туришарди.

Искандар шахсий соқчилари ва қўмондонлари билан дарвозага яқинлашганида, ундан ок тўриқ от минган Спитамен ўз соқчилари билан чиқиб келди. Икки дохий — македонликларники ва суғдийларники — юзмаюз учрашдилар. Искандарнинг совуқ, ғурурли қараши Спитаменнинг тетик, дилкаш, пайт пойлайдиган қараши билан тўқнашди. Икковлари ҳам гўзал отлар устида. Икковлари ҳам дағал либосларда. Агар Искандарнинг тешилган жунли чакмони, энли тасма ва ундаги хиралашган мис тўқаси унинг қаттиққўллиги ва аскарликда тўғрилигидан далолат берса, Спитамен елкасидаги қоплон териси унинг ниҳоят чакконлиги ва уддабуролигини ифода этарди.

Буниси ҳам, униси ҳам кимирламади. На буниси, на униси биринчи бўлиб салом бермасликка аҳд қилгандек кўринарди. Улар отлари устида жим ўтирар ва диққат билан бир-бирига тикиларди: Искандар аччиқланиб ва талабчанлик билан Спитаменга, Спитамен эса бемалол ва озгина истехзоли табассум билан Искандарга. Сукунат ниҳоят чўзилди. Атрофдаги кишиларнинг юзларидаги табассум сўнди. Текислик устида икки кучнинг тўқнашиш ва хунрезлик хавфи «кўзга кўринмай» қанот кокарди. Искандар буни ҳаммадан аввал сезди. У лабини тишлади ва ифодаловчи тахлитда ўнг кўзини кисди. Спитамен маъноли тикилишини ундан узмади. «Парменион қоплон терисидаги бу ботирдан бекорга кўркмаган экан, — ўйлади Филипп ўрли. — Бу довюрак Гавгамела ёнида унинг бошини сал бўлмаса танасидан жудо қиларди. Сайроб жангида эса мен, эхтимол, унинг тири билан оёғимдан яралангандирман? Эхтиёт бўлиш лозим, бу ерда у менинг бошимни олиб ташламасин!». Фақат ўзларига тўшунарли бўлган қарашлари билан, қандайдир муҳим савол устида келишиб, македонлик ва суғдий бирданига кулдилар ва бир-бирларига бош эгдилар. Минглаб кишилар оломони устида тарқалган енгил нафас олиш, узун қувноқ мурожаатга айланди:



- Тинчлик бўлсин!
- Ҳамжиҳатлик қарор топсин!
- Биз ҳамкорлик тарафдоримиз!

Бир оздан кейин Искандар ва Спитамен ўзларининг нодир отлари устида ёнма-ён кетдилар, отларнинг на униси, на буниси бир-биридан ҳатто ярим бошга ҳам илгари юрмасди. Дохийлар ўзларининг шахсий соқчилари кузатувида музокара учун пойтахтнинг аркига жўнадилар.

Музокара давомида Искандар суғдийлар бекорга Спитаменни ўз дохийлари деб ҳисобламаганликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Филипп ўғлини ҳаммадан кўпроқ суғдийлар дохийсининг кўзлари хайратлантирарди. Уларда кўрқиб ва хушомад қилишдан нишона ҳам йўқ. Уларда жасурлик ва зийраклик ифодаланарди. Искандар унинг юзи ва кўзларида саҳийлик ва меҳмондўстлик билан бир қаторда, шонли истиқлол ва камситиш қилиқларини ёқтирмасликни ўқиди. Македонлик дохий сизди: бу ерда унга фақат форслардан халос этувчи сифатида йўл қўядилар. Искандар бирон нотўғри ҳаракат қилдими — Спитамен юзидаги табассум йўқолади ва македонликларнинг бошларига тошлар ёғилади.

Музокарада Искандар суғдийлар манфаатига кўз олайтирмасликка, ўзининг тинчлик юришини шарққа давом эттиришга ва қандайдир эронлик Кайхисрав номи билан аталадиган юртгача боришга, Марокандда эса шаҳарни форслардан ҳимоя этиш учун бир гуруҳ македонлик аскарларни қўйиб кетмоқчи эканлигига Спитаменни ишонтирди. Ўз суҳбатдошининг ваъдаларини эътибор билан тинглаётган Спитамен, индамади...

Ўзининг қароргоҳи сифатида Искандар Афросиёбни эмас, ўз аскарлари орасида бўлишлик учун, шаҳардан ташқаридаги шинам боғлардан бирини танлади. Тунлари билан, шоҳ синчиклаб атрофга қараш ва тинглашни тўхтатмади. У ўйлар экан, қалласидаги муаммолар чигалини ечиш йўлини изларди. Уни жиддий фикрлар банд этди.

— Суғдиёна халқи биздан нафратланмоқда, — ўйлади Филипп ўғли. — Токи биз суғдийларнинг галла оморларига тегмас эканмиз, улар бизга тегинмайдилар. Лекин биз ейишимиз, ичишимиз, кийинишимиз ва уйлари-римизга нарсалар олиб боришимиз керак. Бактра ва Сурхон водийсидан тўплаган нарсаларимиз тамом бўлса,

биз маҳаллий фуқаролар мулкани тортиб олишга киришамиз.

Агар уруш бошланса, суғдийларга ёрдам бериш учун Яксарт сохилларида яшайдиган дўстлари келишади. Мен у йўлни бекитишим, бунинг учун Киропол шаҳрини босиб олишим керак. Уруш бошланса, суғдийларга қурол керак бўлади. Темир эса уларда оз. Уни Яксарт сохилларидаги, Киропол яқинидаги конлардан олишлари мумкин. Мен ёки темир конларини эгаллаб олишим, ёки суғдийларнинг у томонга борадиган йўлини кесиб қўйишим керак. Энг муҳими — мен савдо йўлларининг марказий жойларидан бирини эгаллайман; бу ерда, Суғдиёнада, бутун дунё мамлакатлари йўллари туташади. Шунинг учун, суғдийлар менинг режаларимни, нима учун Кирополга боришим сабабини тушунмасдан бурун, ўз юришимни тезлаштиришим керак.

Искандарнинг кўрқинчли фикрларини этарлар озик-овқат таъминоти бошлиғи Бефнинг кириб келгани узиб қўйди.

— Шохим! Бизнинг озик-овқат маҳсулотимиз тамом бўлмоқда, фақат икки кунлик масаллик қолди, — кўйинди таъминот бошлиғи.

— Фақат бозордан сотиб олиш керак! — пўнғиллади Филипп ўғли.

Йўлларда сават ва кажаваларни бошларида ва елкаларида кўтариб бозорга иссиқ нон ва мева олиб келадиган новвойлар ва зироатчилар кам учрайдиган бўлди. Ўз ватанларида арпа нон ейишга ўрганган юнонлар, пулларига буғдой унидан тандирда пиширган иссиқ обинон ёки кизарган осие нондан сотиб олиб, отларидан тушмай, ўша захоти еб йўлларига кетардилар. Аммо бу кунлар бозорда, ёзнинг айни палласи бўлишига қарамай, на буғдой, на ун, на гуруч, на гўшт ёки бошқа масалликлар ёхуд отлар ва юк хайвонлари учун емиш топиб бўларди. Маълум эдики, аҳоли ё ўз маҳсулотларини бозорга чиқариб сотишдан қўрқар, ёки уларни юнон ва македонликларга сотишни хохламасдилар.

Искандар Спитамен хузурига ўз вакилини юбориб, нега Мароканд бозорида керакли маҳсулотлар йўқ эканлигини аниқламоқчи бўлди. Спитамен аҳоли бозорга сотиш учун ўз маҳсулотларини олиб чиқади, деб ваъда берди. Эртаси куни бозор пештахталари сабзавот ва

кўкатлар билан тўлиб кетди — бодринг, карам, лавлаги, пиёз, шавел, шивит ва бошқалар; пештахталарда олма, шафтоли, ўрик, нашвати, гилос, олча ва бошқа мевалар жуда мўл; ҳатто эртанишар хандалаклар ҳам сотиларди, сут маҳсулотлари ҳам учраб турарди. Аммо бугдой, арпа, маккажўхори, гуруч ва отлар ҳамда юк хайвонлари учун емиш, аввалгидек, топилмасди. Бундай маҳсулотларни зироатчилар шундай жойлардаги ўраларга кўмган эдиларки, уларни ўзларидан бошқа ҳеч ким тополмасди.

Чет элликлар шаҳар ичида ва унинг теварак-атрофидаги кишлоқлар бўйлаб бир неча кун от чоптириб юрдилар, аммо маҳсулот жамғариш бўйича ҳеч қандай натижа чиқмади. Маҳаллийлар деворларининг устига чиқиб, атроф кўчаларда дайдиб юрган душман чавандозларига ғазаб билан қарардилар. Уларнинг отлари гоҳ йўртиб, эгри-бугрилар ва патизорлар устидан сакраб, чопиб кетар, гоҳ ўринларида тўхтаб, бир жойда айланар ва яна бошқа томонга қараб югуриб кетарди.

Гоҳо шаҳарнинг баланд дарвозаси гижирлаб очилиб, ундан юзлаб суғдий чавандозлари чиқишарди. Улар шаҳар деворлари атрофини айланиб юрган македонлик аскарларни кўрардилар. Аммо македонлик чавандозлар ўша захоти, ҳеч кимни ўзларига яқинлаштирмай, Афросиёбдан узоққа кетиб қолишарди. Суғдийларнинг отлиқлари эса, Спитамен тайинлаган гапни эсларида саклаб, шаҳар деворларидан узоққа кетмасдилар.

Македонлик отлиқлар катта гуруҳи шаҳар дарвозасига яқин келиб, суғдий аскарларини масҳара қилиб, жанжаллашишга чақиришди. Суғдий йигитлари Спитамендан македонликлар билан урушиш учун ижозат сўрадилар, лекин тажрибали кўмондон уларни тўхтатди:

— Қон тўкилишига йўл қўймаслик керак. Айёр македонликка ишонманглар, у сизларни чалғитади!

Кунларнинг бирида эрталаб, навбатдаги базмдан кейин, Искандар этерларни ўз хузурига чақирди. Уйқудан қолган маслаҳатчилар бирин-кетин, янги одатга мувофиқ шоҳ олдида тиз чўкишни хоҳламай, секингина келиб чекка-чеккаларда ўтирдилар. Искандар олдида ҳамишагидай табассум қилиб, Птолемей Лаг ўтирарди.

— Барча ҳарбий бошлиқларни юришга тайёргарлик кўрсинлар, деб огоҳлантирилсин! Дикфер, менга юриш анжом-аслаҳаларини келтир!

— Хозир.

— Птолемайос, Спитаменга етказ: бизлар Кирополга, у ерда ўрнашиб колган форсларни йўқ қилиш учун борамиз. Марокандда эса Клит бошчилигидаги гуруҳ қолади.

Шу вақт Дикфер хабар берди:

— Сенинг хузурингга юнон кирмоқчи.

— Қаердан?

— Ксеркс даврида бу ерга кўчиб келган милетликлардан.

— А-а! — ғазабланиб пўнғиллади Филипп ўғли. — Чақир уни бу ерга!

Истараси иссиқ мўйсафид, ярим юнонча, ярим сугдийча кийинган баланд бўйли эллин кириб келди.

— Эй улуғ шох! — У сугдийчасига тиз чўқди. — Хурсанд бўл! Сени мағрурлик билан кутганимизни изхор этсам майлими?! Бизнинг қабиламыз Лаконда мамнуният билан оламини забт этган шохни нон ва туз билан кутмоқда.

— Нон ва туз? Сен айтгин-чи, сизлар кўчирилган карияликларми?

— Ҳа, шохим, карияликлар ва лаконликлар.

— Гавгамелада менга қарши урушганмидинглар?

— Бизнинг ихтиёримиз билан эмас, шохим.

— Ихтиёрингиз билан эмас? Яхши, мен сенинг нон ва тузингни татиб кўраман. Манзилгоҳинг узоқдами?

— Узоқ эмас, — минғиллади кария. У Искандар сўзларидан ўзини йўқотган эди.

— Биз у ерга борамиз.

— Миннатдорман, шуҳратли шох.

\* \* \*

Искандар Бахштепага куннинг қизиган пайтида келиб, Обираҳмат анхори бўйидаги салқин майдонда тўхтади. У ердан қалъанинг кунгирали паҳса деворлари, ёпилган дарвозаси ва туйнуқлар орасида юрган қуролланган соқчилар кўринарди.

Искандар билардики, бу қалъада, асосан, форс аскарлари жойлашарди. Бу Искандар учун қалъага хужум қилиш, унинг озиқ-овқат жамғармаларини ва барча бойликларини талаш учун яхши баҳона эди. Қалъа яқини-

даги текислик аскарлар ҳаракати ва режалаштирилган жанг учун кулай эди.

Искандар бу қалъага очқўзлик билан тикилди, чунки унинг тор-мор этилиши македонликларга Мароканд заминида биринчи ҳарбий шуҳрат келтиради, деб ўйларди у. Искандарнинг юзи қилт этмас, аммо юрагида хирс, ғалабага иштиёқ ва шу билан бирга ўзидан кониқмаслик хиссиёти қайнар эди.

«Мен аллақачон йигирма еттига кирдим, — ўйлади у, — аммо жуда оз иш қилдим! Менинг ихтиёримда қирк беш минглик аскар. Аммо бу ерда, Марокандда, ишим юришмаяпти. Менга Спитамен халакит бермоқда! Мен у билан ҳозирча тўқнашмайман. Бу истехкомни тор-мор этиш ва Корунни қатл этиш унга берадиган зарбаларимдан бири бўлади».

Ана шу фикрлар билан Искандар ўз Буцефалини тўппа-тўғри қалъа дарвозасига қараб хайдади. Девор устида турган Корун, яқинлашиб келаётган шохни кўриб, унинг юрагидаги мақсадни билмай, дарвозани очишни буюрди. Искандар орқасидан унинг этерлари ва Кратернинг енгил отлиқлари қалъага кирдилар.

Меҳмонлар шарафига Корун дастурхон ёзишни буюрди ва уларни таклиф қилди. Дастурхон устида Искандар бирон сўз демади. У ўйлаб қўйган режаларини бажаришга баҳона ахтарар ва қандай бўлса ҳам уруш бошлашни кўзларди. Коруннинг меҳмоннавозлиги, шох ва унинг кўмондонлари атрофидан айланиб, хушомадгўйлик билан гоҳ у таомга, гоҳ бу таомга уларни манзират қилишлари Искандарнинг жиғига тегди.

Мезбонга қуруккина миннатдорлик билдириб, Искандар ўрnidан турди. Унинг орқасидан бошқалар ҳам кимирадилар. Шох кетгандан кейин, таъминот бошлиғи Беф, тўғридан-тўғри Корунга мурожаат қилди:

— Юришни давом эттириш учун аскарларимизга озика махсулоти ва отларимизга ем-хашак керак. Истехком жамғармасидан бизни керакли нарсалар билан таъминлашни буюр!

Корун бундай кўполлик билан қилган талабга қандай жавоб қайтаришни ўйлашга улгурмасдан, македонликлар омборларга кириб, у ердан қоплар тўла ғалла, ун, ёғ ва май тўла хумларни ташқарига олиб чиқавердилар.

— Нима қияпсизлар?! — кичкирди Корун. — Оркага, итлар!

Аммо у ҳеч нима қилишга улгурмади. Македонлик аскарлардан бири уни бошига тўкмоқ билан уриб, хушдан кеткизди.

— Бирон уйга киргизиб, эшигини маҳкамлаб қўйинглар, бир оз хушёр бўлсин, — буюрди яқинлашиб келган Кратер.

Бу воқеани кўриб турган қалъа аскарлари қўлларига қуролларини олдилар. Аммо улар, фурсатни бой бергандан кейин, нима ҳам қила олардилар? Македонликлар қалъа аскарларини ва унда яшайдиган тинч аҳолини савалай бошладилар.

Калон ва у билан бирга бўлган қалъанинг икки аскари дарвоза олдида эдилар. Улар тўполонда бир илож билан қочиб чиқиб, Афросиёб аркига ёки Тали Барзанга ёрдам сўраш учун шошилдилар.

Қуёш ботиб кун қоронғилашарди; кўтарилаётган салкин шабада отликларнинг юзларига майин эсарди. Тўполонда ҳеч ким сезмаган бу қочоқлар, анҳор лабига бориб, қалин дарахтлар томон бурилдилар ва отларнинг чопишини тезлаштирдилар. Колон ёнида бир неча отликлар пайдо бўлишди; қулоғи ёнидан учиб ўтган тир овози эшитилди, бошқаси келиб унинг сонига кирди. Тўриғ от учгандай, эгри-бугри ерлардан сакраб чошиб борарди. Македонликлар қочоқлардан бирини қўлга олдилар; ғазабли овозлар чиқариб, анча масофагача Калонни қувдилар, лекин орқада қолдилар.

Шу орада македонликлар Бахштепа қалъасини батамом ишғол қилиб, шафқатсизлик билан кўп кишиларни чошиб ташладилар. Омон қолган одамларни асирга олдилар. Тутуни чиқаётган Бахштепада македонликлар туни билан базм қуриб ўйнаб чиқдилар.

Искандар гетайрлар билан ўз чодирда маишат қиларди, Дикфер унга хабар берди:

— Сенинг хузурунгда қалъа бошлиғининг хотини кирмоқчи.

— Олиб кир!

Ясаниб кийинган, аммо кийимлари йиртилган, лой ва кул билан беланган Артемида кирди.

— Эй буюк шоҳ! — У сугдийчасига таъзим қилди. — Мен юнон аелиман, қалъа бошлиғининг хотини бўламан. Уни афв этишингни сўрайман.

— Хо? Сен, юнон аёли, бактрияликнинг, форслар жойлашган қалъа бошлиғининг хотини. Бундан кейин ҳам унга содиқ бўл. Форсларнинг итлари! — Сўнгра, Клитга қараб, деди: — Уни эрининг олдига элтиб қўй ва мен қайтиб келгунимча хибсда сақла!

Икки аскар ва Клит Артемидани Корун хибсда сақла-наётган хонага олиб бордилар.

Тонготарда Искандар унча катта бўлмаган отряд билан, уни мўйсафид эллин таклиф этган Лакон шаҳарчасига йўл олди.

Лаконликлар Искандарни хурсандчилик билан қабул қилдилар. Аммо у ўз қўли остидаги милетлик аскарларини чақириб, уларнинг бу ерга кўчиб келган юнонларга бўлган муносабатларини билмоқчи бўлди. Бу милетликлар бранхидлар авлодига нисбатан, уларнинг хоинликлари учун, нафрат ҳиссиётини йўқотмаган эдилар. Шунинг учун шох бу аскарларига бранхидлар тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини берди. Уларнинг ватандош эканликларини ва гуноҳларини муҳокама этишда милетликларнинг фикри бир хил бўлмаганлиги учун, Искандар бу масалани ўзи ҳал қилмоқчи эканлигини айтди. Милетликлар эртасига унинг олдига келганларида, у бранхидларга менинг орқамдан келинглар, деб буюрди. Шаҳарча дарвозасига яқин келганда, шаҳарчага у ўз отрядини олиб кирди. Фаланга шаҳарчани ўраб олиш, уни ва атроф қишлоқларини талаш, барча эллинларни кириб ташлаш буйруғини олди. Ҳаммаёқда қуролсиз ва гуноҳсиз лаконликлар хўрланиб, кириб ташланди. Ниҳоят, улардан ному нишон қолмаслиги учун шаҳарча пойдеворларини бузиб, дарахтларини ҳам кесиб ташладилар.

Шундай қилиб, бир юзу эллик йилдан кейин аждодлар гуноҳини Милет ва Лаконикани ҳатто кўрмаган авлодлар ўз қонлари билан ювдилар. Ана шундай усул билан озиқ-овқат жамлаган Искандар, ўз аскарлари билан Кирополга жўнади.

\* \* \*

Спитамен Афросиёбдаги, ёшлиги ўтган, ўз уйининг ётоқхонасида, юмшоқ ёстиклар устида ёзилиб дам олмақда. У ўзидан хурсанд ва Зара билан биргаликда ширин хаёлларга чўмиларди... Мана, мен деразамнинг ташқарисида болалик кунларимда кўрган манзарани кўряпман. Эндиги фарқ фақат шундаки, Суғдиёнанинг

энг гўзал маликаси менинг елкамга бошини кўйиб, муҳаббат изҳор этмокда. Зарнумати сохилларидан эсаётган шабададан баданларимиз роҳатланмокда. Биз ҳаёт нафасини тинглаяпмиз.

Унинг ширин хаёлларини кимнингдир фарёди бузди:  
— Спитамен! Спитамен!

Спитамен сесканиб кетди. Зара кўркиб бошини кўтарди.

— Фаррух! — чақирди Спитамен. Полвон ўша заҳоти кўшни залдан чопиб келди. Унинг оғир қўлида шамчирок липиллаб ёнарди. — Машғалларни ёқиб, билинлар-чи, ким экан!

Кўчада ўнларча итлар ғазаб билан қаттиқ вовиллардилар. Яна ўша қичқирик:

— Спитамен!

Бир неча дақиқадан кейин, Фаррух қонга беланган Лисимахни ҳовлига олиб кирди.

— Сенга нима бўлди, Лисимах?!

— Мен ноҳақ эканман. Улар ҳаммани ўлдирдилар! — қичқирди у, қалтираётган қўллари билан юзини ишқалаб. — Қарияларни ҳам, хотинларни ҳам, болаларни ҳам... Ҳаммани! Фақат мен ва яна бир неча киши қочиб қутилдик.

— Ким ўлдирди? — Спитамен дўстининг елкасидан ушлади. — Ким ўлдирди?

— Искандар барча эллинларни ўлдирди ва шаҳарчамизни бузиб ташлади. Мен эса уни саҳий деб ўйлабман, у йиртқич ҳайвондан ҳам баттар экан.

— Нима?! — Спитамен ўзини Лисимахдан узоклаштирди. Сугдий ниманидир айтмокчи бўлди-ю, лекин унинг томоғи бўғилди. У фақат шахсий соқчиларнинг юзларига қараб чиқди. Шу вақт Бахтвар ва бошқа шахсий соқчилар яна бир қонга беланган ярадор одамни олиб кирдилар. У Калон экан. У Бахштепа калъасидаги фожиани айтиб берди. У ердаги қирғинни батафсил гапириб беролмади, чунки тасодифан, ярадор бўлган бўлса ҳам, омон қолиб, арккача зўрға етиб келганди.

Спитамен анча жим турди. Ҳа, Искандар, ўзини яхши қилиб кўрсатишга уринганидек, одам эмас экан. «Ахмоқ! — ичида ўзини-ўзи сўқди Спитамен. — Сен айёр македонликнинг мақтовларидан юмшаб, узатган бир қадаҳ шаробини ичиб, дарров хавфни унутиб қўйдинг.



Рост, сени ўйлаган тўғри йўлингдан Лисимах чалғитди. Аммо у бечоранинг айби йўқ, чунки у Искандарга ишонарди ва оқибат, ўзи ўз хатосининг жабрини кўрди. Искандарни Бахштепада нима жалб этибди экан? Ха, айёр, бу истехком форс аскарларидан иборат, деб бахона килган. Искандарнинг Самарқандга келганидан хали уч хафта ўтмасдан, алақачон ноҳақ қон тўкилмоқда. Эй парвардигор, Ахура Мазда!»

— Сен юнонлар бизни форслардан озод этадилар, деган эдинг, — бошлиққа мурожаат этди Фаррух. — Уларнинг форс каллакесарларидан фарклари кани?

Фаррухнинг бу мулоҳазаси Спитаменнинг иккиланишига чек қўйди. У қарорга келди:

— Бахтвар!

Мисгарнинг ўғли бошлиқнинг орқасидан қўшни залга борди.

— Элликта аскарни олиб Искандарнинг орқасидан етиб бор. Гўё сени унга ёрдамлашиш учун мен юборганимни айтгин. Унинг ҳар кадамини кузатиб юр, менга чопар юбориб тур. Хавф туғилса, қайтгин. Тушундингми?

— Ха.

— Ҳозироқ жўна!

Бахтвар шошилиб чиқди. Лисимах ва Калонни алоҳида хонага ўтказдилар. Зара Спитамен билан қолди. Спитамен узок вақт мижджа қокмади. Ҳадемай кун чиқадди. Энди у ўзининг, Лисимах ва Калон келганларига қадар, миясидаги тўлқинланган фикрларидан уялди. «Бугун Сувдисиёнада Спитамендан бўлак бахтли киши борми?». Эй, хомкалла! Сен нега бунча тез тоғанг айтган: «Спитама, сени улуғ ишлар кутмоқда!» деган сўзларни эсингдан чиқардинг. Бундан кейин мен, ҳаммадан аввал хушёр бўлмоғим керак, деган хулоса келиб чикмайдими?

— Спитама! — ҳаяжон билан шивирлади Зара, эрининг боши устидан. — Нимани ўйладинг?

— Нимани сўраяпсан?

— Нега сен Искандар аскарлари орқасидан Бахтварни юбординг?

— Шундай қилиш керак.

— Агар Искандар билиб қолса...

— Майли, билса. Биз ҳозир Эрзиф ҳузурига борамиз ва уни олиб, Бахштепага жўнаймиз.

Субҳидамда улар ўша томонга кетдилар.

## Ў н т ў қ қ и з и н ч и б о б

### ҚАЙСАР СУҒДИЁНА. ЎРАТЕПА ДЕВОРЛАРИ ОСТИДАГИ ЖАНГ

Самаркандда Искандар қўйиб кетган Клит гуруҳининг отлиқ ва пиёда аскарлари Афросиёб атрофида, Сиёб, Обираҳмат ва Новадон анҳорлари бўйларида тентираб юрардилар. Улар шаҳар атрофидаги манзилгоҳларни эгаллаб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашиб олдилар; барча кузатиш коровулхоналарини эгаллаб, фуқароларни талаб, жохиллик қилиб юрардилар; қўлларига нимаки тушса, ҳаммасини очкўзлик билан ўзлаштириб олардилар ёхуд йўқ қилардилар. Ҳар ким, у аёлми, гўдакми бераҳм аскарларнинг ночор қурбони бўларди. Аҳолининг ҳар қандай қаршилиқ кўрсатиши ўлим жазоси билан, бош эгиш эса кулликка айлантириш билан яқунланарди; ҳеч ким улардан қутулолмас эди.

Нафрат алангаси маҳаллий аҳоли юракларини эгаллади. Одамларни ҳаяжон босиб, кўзлари чақнар, тишлари гижирларди. Улар Спитаменга македонлик аскарлар томонидан хўрланаётганликлари ҳақида шикоят қилиб йиғлардилар.

Қишлоқ кўчаларида, экин майдонларида жанговар хайкириқлар эшитиларди, кечалари ўрмонлардан ёнғин алангалари кўринарди. Клит Самаркандни очиқдан-очиқ ўз тасарруфига олиб, Суғдиёна вилоятларига ўз вакилларини юборди; улар шаҳар ва қишлоқларни хароб қилдилар. Клитнинг ўзи кейинроқ Бахштета қалъасини тўлалигича эгаллаб, агрофларидаги ховли-жойларни, суғдийларга хизмат қилмасинлар, деб бузиб ташлади. Қиш бошланиб совуқ кучайганда, балки эртароқ, катта уруш бошланиб, Суғдиёнанинг барча туманларини камраб олиши ҳеч кимга сир бўлмади. Агар унгача Искандар Кирополни эгаллаб, Клитга ёрдам кўрсатиш учун етиб келса, фуқароларнинг бошларига қаро кун тушиши аниқ эди.

Аммо буларнинг ҳаммаси ҳали олдинда. Ҳозир ҳам барча вилоятларда норозилик фарёдлари ва адолатни талаб қилиш нидолари эшитиларди. Бухоро, Нурато, Панжакент, Навтоқ, Ўратепа ва бошқа жойларда бошларига кулфат тушган фуқароларнинг шикоятларини муҳокама

килардилар. Бундай шикоятлардан бирини Уруг туманининг кохиналари Суғдиёна ҳокимининг муовини Австанга олиб келдилар.

Хеч қайси суғдий Австан бошчилигида курашга отланганидан пушаймон бўлган эмас. Душманга қарши курашиш гуруҳини тузиш учун келиб унга илтимос қилган йигитларни Австан бажонидил қабул қилди. «Ёрдам беринглар, ёрдам! — раҳбарларга мурожаат килардилар уругтликлар. — Биз эркин ва ҳимматли халқ эдик, юнонлар ва македонликлар эса бизни қул қилмоқчилар! Улар билан форслар ўртасида қандай фарқ бор?! Улар бизнинг ер ва бойлигимизни эгалламоқдалар. Бизни улар шундай қашшоқ қиладиларки, биз тиламчилик ёки ўғирлик қилишга мажбур бўлишимиз мумкин! Бизга ёрдам қўлларингизни узатинглар, бўлмаса биз хароб бўламиз! Юнонлар бизнинг чорва молларимизни, еримизнинг маҳсулотларини, асалари кутиларини тортиб олдилар. Бизнинг додимизга кулоқ солинглар, чунки биздек, азалдан эркинликда яшайдиган кишиларни, улар ўзларига бинолар курдириш учун кечалари ҳам ишлашга мажбур қилмоқдалар; улар бизнинг ёш болаларимизни гаровга олиб кетдилар, хотин ва қизларимизни ҳамманинг кўз олдида шарманда қилмоқдалар. Гапириш эмас, фарёд чекамиз. Улар уйларимизга ўт қўйдилар, оқсоқолларимизни ўлдирдилар ва, йиртқич бўрилар каби, қонимизни ичмоқдалар. Бизга ёрдам қилинглар! Ахир, биз ҳайвон эмас, инсонлармиз-ку!».

Уругтликлар шундай шикоят қилдилар; уларнинг шикоятларига саройнинг бир неча мансабдорлари, Спитамендан ижозат сўраб ўтирмай, ёрдам кўрсатиш учун шошилиш керак, деган қарорга келдилар.

Австан уругтликларнинг бу мардлик жўшқинидан хурсанд бўлди. Туман ва вилоятлардан Спитамен ҳузурига қанча кўп одам келса, ўйлади у, македонлик истилочиларга қарши уруш алангаси шунча кучли ёнади ва фуқароларнинг жасурлиги шунча ошади. Австан яна шунинг учун қувондики, бу ҳол халқ кўзғолонини тезроқ бошлаш зарурлигига Спитаменни кўндириш имконини оширади. Буни эски аскар Эрзиф ҳам биларди; ёшлар ундан жанговар қахрамонликни ўрганишга ошиқардилар.

Шунинг учун Австан ўз атрофига жасур йигитларни тўплаб, зудлик билан македонликларга қарши жангга —

Ургут туманига отланди. Барча йўл ва йўлакларни яхши биладиган ургутлик фаоллар Австаннинг отлик аскарларини ўрмонлар оркали бир кишлоқдан бошқа кишлоққа ўтказиб, македонлик аскарларга зарба беришга шошилдилар.

Улар катта йўлга чикиб ҳаракат қилганда, отларнинг шиддатли чопганидан, унинг икки томонидаги қалин бешалар, тезда орқада қоларди. Баъзи жойларда ёнроқ дарахтзорлари шунчалик қалин эдики, ўрмонларнинг сал ичкарироғини кўриб бўлмасди. Туман марказига яқинлашганда, Австан ана шу ўрмонзорлар ичидаги йўл бурумларидан шундай жойни танладикки, ажнабийлар бу ерга яқинлашиб, гуруҳни кўришлари, орқага чекинишлари ёки жанговар саф тортишлари учун имкон бўлмаслиги мумкин. У одамларни йўлнинг икки томонига жойлаштирди ва душманни кутишни буюрди.

Австан зудлик билан душманнинг қанча отлиқлари ва қанча пиёда аскарлари борлигини ва, энг муҳими, улар пистирмадан қанча масофада эканликларини аниқлашга киришди. Ахборотчилардан у шуни аниқладикки, македонликлар гуруҳи тахминан бир юзу эллик кишидан иборат бўлиб, уларнинг ярми отлиқлар, юзбошилари аскарларини саф торттириб келмоқда; уларнинг орқаларидан эса фуқаролардан тортиб олинган мол-мулклар ортилган аравалар келмоқда экан; гуруҳнинг олдида саккиз кишидан иборат соқчилари бўлиб, улар ҳозир суғдийлар пистирмасига яқинлашиб қолишган экан.

Вақт ўтарди. Австан аскарлари, йўл яқинидаги тўнкалар орқасида яшириниб, македонликлар келиб, йўл буриладиган жойда тўхтаганларини ва нима ҳақдадир ўзаро гаплашаётганини аниқ кўрдилар. Уларнинг бошлиғи, сариқ соқолли эллин, ишора билан, ўз аскарларига жим туришни буюрди ва у ёқ-бу ёққа қараб, ниманидир сезгандай бўлиб, қулоқ солди. Бир неча дақиқа у иккиланди, йўлдан ўрмонга қараб бурилмасмикан, лекин дарахтлар устидаги кизилиштонларнинг ғайрат билан тақиллаб «ишлаётганларини» эшитиб, агар ўрмонда одамлар бўлса, қушлар бунчалик бепарволик билан «ишламасдилар» деган хулосага келда ва қўл силкитиб, гуруҳини ҳаракат қилишга буюрди.

Австан юнон ва македонликларнинг келаси бурумга қайрилганларигача кутди, кейин ўз аскарларини йўл

ёкасига чақирди. Бошқалар билан бир каторда, бу ерда яраси битиб, тузалган лаконлик юнон Лисимах ва унинг икки дўсти, Адам кишлоғидан уч нафар дехкон йигитлари ва йигирма беш нафар яхши курулланган суғдий хунармандлари ҳам бор эди. Яна яширинишга зарурат қолмади; македонликлар кўриниши билан Австан йўл ўртасига чиқиб душман гуруҳига хужум қилиш ва рақибларни сафини бузишга қарор қилди.

Бир неча дақиқа, фақат ўрмоннинг одатдаги ғувиллашидан ташқари, жимлик ҳукм сурди. Лекин бир оздан кейин йўлнинг шарқ томонидан ғала-ғувур овозлар эшитилди. Аввалига ноаниқ ва узоқдан эшитилаётган овоз, кейинчалик секин-аста яқинлашди ва биралла тингланадиган бўлди.

Ўша дақиқа Австан ўз гуруҳини йўл ўртасига чиқарди ва уни пона (уч қиррали) шаклида саф торттирди. Ўзи эса гуруҳ бошида турди. У тадбиркорлик билан кулоқ солиб, ўз орқасида турган Лисимахга пичирлади:

— Сайрамоқдалар, ер юткурлар!

— Ҳа, қувноқ ашула айтмоқдалар! — аниқлади Лисимах.

Македонликлар ва юнонлар айтаётган кўшиқ, ҳақиқатан ҳам такводорлик кўшиғи эмасди, бу унинг мақомидан яққол билинарди. Дикқат билан тинглаб аниқлаш мумкин эдики, жами йигирма киши тарона айтар, бошқалари эса фақат нақарот айтиб, момоқалдиروقқа ўхшаб, бутун ўрмонни бошларига кўтарардилар.

Шундай қилиб, юнонлар ва македонликлар қувноқлик ва кўнгилхушлик билан ўлимга юзлашиб келдилар.

— Тезда биз уларни кўрамиз, — деди Лисимах.

Унинг юзи қорайиб, бўрига ўхшаб кетди; у македонликларнинг Лаконни бузиб ташлаб, унинг аҳолисини қириб ташлаганларидан кейин хали ўзига келгани йўқ, аксинча шафқатсиз ва жиддийлашиб кетди. Унинг баданлари қайнаб, ўч олиш ғазоби тўлиб-тошган.

«Ким биринчи бўлиб унга дуч келса, омон қолмайди», — ўйлади Австан, Лисимахга қараб.

Бирданига юнон-македон аскарлари ашулаларини тўхтатдилар ва йўлнинг ҳамма томонидан чиқаётган ҳақкалар овозини эшитиб, хайрат билан ҳар томонга қарардилар; ўрмоннинг бу бурчагида гўё ҳақкалар «мажлиси» бўлаётганга ўхшарди. Юнонлар ва македонликлар бу ер-

да шунча кўп ҳақкаларнинг тўпланганлигидан ва нима учун улар дарахтларнинг устида эмас, балки ерга тушиб, шақиллаётганларидан хайрон бўлишди. Айнан шу дақиқада истилочиларнинг биринчи қатори йўл бурумига келди ва олдиндаги нотаниш отликларни кўриб, шошиб қолди.

Шу пайт Австан отининг бўйнига энгашиб, уни тепкилади:

— Душманга хужум!

Бошқалар унинг орқасидан эргашдилар. Суғдийларнинг «Улала!» деган чақириклари баралла янграб кетди. Австан гуруҳи билан истилочиларнинг биринчи қатори ўртасида икки юз кадам қолди; истилочиларнинг биринчи қатори уларга хужум қилаётган отликлар йўлини бекитиш учун зудлик билан найзаларини кўтариб, «тўсиқ» деворини қурдилар, бошқа қаторлари эса ёндан бўладиган хужумга қарши, ўнг ва чапга бурилдилар. Суғдийлар македон ва юнонларнинг бундай мохирликларидан хайратда қолган бўлсалар ҳам, ярқираётган узун найзаларга қараб яшин тезлигида учиб бораётган отларни тўхташига зарурат йўқ эди.

Австан бахтига душманнинг отлик аскарлари гуруҳининг орқасида, араваларнинг икки томонида, уларни орқадан хужум эхтимолига қарши қўриқлаб келаётган эканлар. Улар ўша захоти пиёдаларга ёрдам кўрсатиш учун ҳаракат қилдилар, лекин пиёдалар қаторини бўлиб, ёки уларни айланиб келишга улгурмадилар. Бунинг устига, уларни ўрмондан чиқиб келаётган суғдийлар тўдаси қуршаб олди. Шу вақт Австан ўз гуруҳи билан душманнинг пиёдаларига зарба берди. Ҳар томондан ўраб олинган истилочиларнинг ғалабага ишончлари бўлмаса ҳам, муваффақият билан ўзларини мудофаа қилар ва қандай бўлмасин, қуршовдан чиқиб, ўлимдан қутилишга уринишарди.

Македонликлар ёки юнонлардан бирон киши ўзини асирга топширишни ўйламасди; улар асирга тушган маҳбусларга нисбатан шафқатсизлик қилардилар, шунинг учун қўлларига қурол олиб уларга қарши курашаётган маҳаллийлардан ҳеч қандай шафқатни кутмасдилар. Улар индамай, бир-бирлари билан жипслашиб, найзаларини гоҳ кўтариб, гоҳ пастга тушириб чекинардилар, ўз отликлари томонига яқинлашардилар; отлик-



лари эса суғдийлар билан ҳаёт-мамот учун жанг қилардилар.

Ўрмон ичидан қасоскорларнинг душманга қарата отаётган камон тирлари дўл каби ёғиларди. Суғдийлар душманни ҳар томондан ўраб олдилар, лекин юнонлар шиддат билан ўзларини химоя этиб, уларни ўз найзалари билан тешар ва узун шамширлари билан шундай чопиб ташлардиларки, ярадорлар отларнинг туёқлари остида жон берардилар. Лекин душман суғдийларнинг таъйикига бас келолмади. Суғдийларга ташланмоқчи бўлган биринчи қатор орқага чекинмоқчи бўлди, аммо орқадагилар уларни олдинга сурардилар, шунинг учун чекинишга жой йўқ эди. Саросималик бошланди. Найза ва қиличларнинг товланиши кўзларни қамаштирди. Отлар кишнар, тишлар ва тепардилар. Австан ва унинг сафдошлари қисувни кучайтирдилар. Уларнинг кучли зарбалари остида душманнинг отлиқлари, кучли шамол ўрмонни қалтиратганидек тебратардилар, суғдийлар эса зарбаларини яна кучайтирдилар. Душманнинг текис гуруҳи тебрана бошлади, кейин деворлари ёрилаётган уйга ўхшаб, учга бўлинди ва ниҳоят, сочилиб кетди.

Жанг тезда кирғинга айланди. Қизишиб кетган тўполонда душманнинг найза ва ойболталари батамом фойдасиз бўлиб қолишди. Мағлубиятга учраганлар қуролларини ташладилар.

Австан бошчилигидаги ғолиблар Самарқандга қайтдилар. Лекин бу жанг ва унда ўз аскарларининг тор-мор бўлганлиги ҳақида Клит ҳали ҳеч нима билмас эди. У Самарқанд шимолидаги боғлардан бирида фароғат қиларди.

У Меламедга қараб, деди:

— Менинг айғоқчиларим ва Дахбедга, Челакка, Зармаъданга, Қўшравотга, Жўшга ва Нуратога юборилган савдогарлар, менга ҳаммасини айтиб бердилар. Мен суғдийларни ва улардан нарида яшайдиган қабилаларни ўзимга бўйсундираман. Суғдийларни бўйсундириш кийин бўлмайди. Улар майда қабилаларга бўлиниб кетган, беклари ва ҳокимлари бир-бирларини кўролмайдилар. Ҳозиргача Александрга ёки Клитга ўхшаган, уларни бир-бирларига қовуштириб, бир халқни тузадиган бошликлари бўлмаган. Мен уларнинг ўлкаларида ўз юзбошиларимни ўтказиб, солиқ тердираман, ўзим эса назорат



килиб юраман. Бўйсунмайдиганларини эса отимнинг туёқлари остига ташлатаман... Ўшанда бутун Суғд бўйича ягона македонлик кўли остидаги ҳокимият ўрнатилди!

Залга охиста кадам ташлаб, гавдали Бодсор кириб келди. У Меламедга норозилик билан қараб, қийшиқ оёқларини лапанглатиб, Клитга яқинлашди, бошини қарийб ерга текизиб унга таъзим қилди. Клит эса бу эски суғдий ҳарбий бошлиғи ўз таъзимини бажо келтириб бўлгунича кутди ва, ёнидан жой кўрсатиб, ўтиришни сўради.

Бодсор яна Клитга қийшайиб қаради ва қаттиқ пишиллаб, ох тортди.

— Гапиравер, кўркма! Маслаҳатчим менга содиқ ва йўл бўйидаги тошдек, индамас.

— Менинг илгари айтган сўзларим тасдиқланмоқда. Спитамен бу ерга, бизнинг қалъамиз яқинига ўз чопарини юборибди. Мен соқчиларни кучайтирдим ва қалъага ҳеч кимни яқинлаштирмасликни буюрдим. Спитамен кўрсатмасига қулоқ солмай, айрим беклар ўз аскарлари билан келиб, бизга қўшилдилар. Уларнинг гуруҳлари нарироқда турибдилар ва, агар туманларнинг ҳокимлари ёрдамга келсалар, ҳокимият аскарлари у ерда тез тўпланадилар.

— Нима қилмоқ керак? Урушамизми?

— Бу тезда маълум бўлади. Менинг одамларим ва сенинг «енгилмаслар»нинг тайёр турибдилар.

Бодсор Челак ҳарбий истехкомининг Виштасп билан алоқаси яхши бўлган, унинг томонидан бу қароргоҳнинг мингбошиси этиб тайинланган ҳарбий бошлиқларидан бири эди. Виштаспнинг Спитамен билан ўзаро муносабати ёмонлашганидан кейин, Бодсор аввал яширинча Афросиёб ҳарбий маҳкамасининг буйруқларини бажармайдиган бўлди. Искандар Самарқандга кириб келганидан кейин, тамомила унинг томонига ўтди. Суғдиёна шимол-ғарбий қисмининг яшовчиси сифатида, у македонлик аскарлар ёрдами билан бу ерларни ажратиб, ёки ярим мустақилликка эриштириб, бу вилоятнинг ҳокими бўлмоқчи эди.

Самарқанддаги вазият ниҳоят жиддийлашди. Шаҳарда қўшхокимиятчилик юзага келганлигини ҳамма биларди. Дўконлар ёпилган, хаёт изидан чикқан.

Спитамен ҳали ҳам кутиш мавқеини сақларди. Бегуноҳ кишиларнинг қони тўқилмаслиги учун, у Искандар билан муносабатни кескинлаштирмоқчи эмас. Шунинг учун Спитамен, Коруннинг ҳибсга олинганлигидан хабардор бўлса ҳам, Бахштепага бориб қалъа тор-мор этилганидан кейинги аҳволни кўрган бўлса ҳам, уйдаги ҳибсда ётган Корунни кўрган бўлса ҳам, уни озод этишни астойдиллик билан талаб қилмади; ваҳоланки, агар хоҳласа, у барча ҳибсдагиларни озодликка чиқариши мумкин эди. У Эрзиф ва яқин кишилари билан биргаликда Қундузак, Наққошон қишлоқларининг кўчаларида юриб, дехқонларнинг бузилган ва ёндирилган уйлари-ни кўрди ва афсусланди, холос.

Спитамен шимолий-ғарбий қишлоқлардаги воқеалар ҳақида, Клит ва унинг аскарлари кирдикорлари ҳақида, бу туманларнинг фуқароларини хўрлаганликлари ҳақида янги хабарлар эшитди. Бодсорнинг хоинлиги, унинг бир қисм аскарлар билан македонликлар томонига ўтгани ва Клитга хизмат қилаётгани ҳам суғдийни ғазаблантирди.

Спитамен ўз уйида, суянчиқли ўриндикда жим ўтирарди, Зара эса, пахмоқ сочлари юзига тушган ҳолда йиғларди. Суғдий атрофида унинг дўстлари, ҳарбий бошлиқлар — Эрзиф, Австан, Катан ва шахсий соқчилар. Австан ундан ҳарбийлар қалъасида, аскарлар ва халқ олдига чиқиб мурожаат этишини сўрарди.

— Сен ҳеч нимани йўқотмайсан. Агар шошилмасанг, бизнинг ҳалокатга дучор бўлишимиз муқаррар. Сен шу ерда бўлатуриб, бошқа кишининг халққа мурожаат қилиб, уни исёнга даъват этиши мумкин эмас. Улар сени кутмоқдалар. Вақт келди. Бундай найрангвоз Искандарга аввалдан зарба бермаган бўлса ҳеч гап эмас. Ҳали ҳам бизнинг таянадиган кучларимиз кўп. Клитни кутилмаганда, шоштириб, тор-мор этишимиз мумкин. У ҳозир Корун ва Артемидани кийнаш ва ганга солиш билан овора. У қаттиқ ҳужумни қайтаришга тайёр эмас, — Австан атрофда тўпланиб, уни диққат билан тинглаётганларга қаради. Спитаменнинг дўстлари ва эркинликка чиқарилган хизматкорлар қўлларини кўтариб, Австан сўзларини маъқулладилар. У сўзини давом эттирди:

— Дўстларингни чақир. Улар сени қўллайдилар ва уларга кўп кишилар эргашадилар. Яқинлашаётган жанг

хақидаги доврӯғ ҳаммани сенинг атрофингга бирлаштиришга мажбур этади. Агар жасурлар ўзларини тортиб ўтирсалар, коҳинлардан ёки фақат Ахура Маздадан нажот кутадиган кишилар хақида нима дейиш мумкин? Буюк ишлар олдинда турганда, кўрқоклар дадил қадам ташлаёлмайдилар. Довюраклар эса, журъат этиш — га-лаба гарови эканлигини биладилар. Бундан Ургут яқинидаги жанг далолат беради, — деди у, сўзини якунлаб.

— Мен сенинг фикрингга қўшиламан, — билдирди Катан. — Ҳали ҳам зарба беришга кеч эмас. Ҳар бир дақиқа ганимат.

— Агар бирон чора кўрмасак, — яна Австаннинг шиддатли овози эшитилди; у шошилинич ишчан оҳангда гапирди, — ҳатто Клит ўз гуруҳи билан бизнинг одамларимизни шармандаларча йўқотиши мумкин. Бундан кўра кўлимизга қурол олайлик, аскар ва фуқароларни курашга чорлайлик, озодлигимизни химоя этайлик.

— Ҳатто агар бир қисм аскарлар сенинг чорлашингга қулоқ солмаса ва халқ ўз бурчига хиёнат қилса, — сўзга аралашди Эрзиф, — мен эса улар сенга эргашадилар, деб ишонаман, ўша тақдирда ҳам, биз аждодларимизга содиқ қолиб, кураш саҳнасини қаҳрамонларча тугаллаймиз ва ҳозирги авлодгина эмас, келаси авлодларнинг ҳам олқишига сазовор бўламиз!

— Ха-ха, — мурожаат этди баржаста Фаррух, — агар керак бўлса карнай садолари остида қурбон бўламиз ва унинг акс садоси асрлар оша янграйди!

Ҳамма Спитамен томон бурилди; у гўё ҳеч кимга қулоқ солмасди. У эгилган бошини қўллари билан ушлаб ўтирарди. Сўнгра бошини кўтариб, секинлик билан деди:

— Мен тартибсизлик ва хунрезлик бўлишини хоҳламайман. Сизлар шу маънода ҳақсизларки, агар бир қўл қовуштириб ўтираверсак, шаҳримиз кўчаларида жазосиз, йиртқич бўриларга ўхшаб, дайдиб юрган душман гуруҳи ҳам барчамизни мажақлаб, бутун халқимизни хўрлаши мумкин. Искандарнинг ўзини-ўзи мен яхши одамман, деб макташига келсак, бунинг ёлғонлиги, у айёр эканлиги ҳаммага айён бўлмоқда. Бу айниқса уни Бахштепа фуқароларини ва Суғдиёнага кўчиб келган эллинлар авлодларини хўрлаганлигидан кейин равшан бўлди.

У қандай одил шохки, ўлган аждодларнинг гуноҳларини уларнинг авлодлари ювишлари керак, деб қарор чиқарса? Ахир, бу бечора на бегуноҳлар на ўзларининг ватанларини, на ўзларининг аждодларини кўрганлари йўқ-ку!

Искандарнинг Яксарт сохилларига қараб кетганидан кейин, Самарқандда кишлоқларни талаш ва фуқароларни хўрлашни македонлик қўмондон Клит давом эттирмоқда. Истилочилар дарё сохилларидаги еттита шаҳарни эгалладилар, — Спитамен қўлларининг етти бармоғини буклаганини ўзи сезмай қолди. Унинг кўзлари қолган уч бармоғига тушди. У бу бармоқларини ҳам тезлик билан буклаб, мушти билан бошқа қўлининг кафтига урди. — Улар йўлларидаги Панжакент, Матчоҳ ва бошқа шаҳар ва кишлоқларда қандай жиноятларни қилмаяптилар! Бу вилоятларнинг ҳокимларини огоҳлантириш учун мен юборган чопарлар хали қайтганлари йўқ. Бахтвар македонликларнинг қилмишларини хали анча вақт кузатиб юради. Шунинг учун биз керакли маълумотларга эга эмасмиз. Ургут пастиди эса душман ҳаққоний жазоланган.

Спитамен юзида жиддийлик кучайди.

— Биз яна қанча кутамиз? — сўради Фаррух.

— Бу бирон ўзгаришга олиб келадими? — Эрзиф салкам кичқирди. — Мен сени яхши биламан, сен доимо қадимий суғдий шоҳларига ўхшаб, олийжаноб ва мурувватли бўлишни хоҳлайсан. Жангда мурувватлилик учун ҳалок бўлиш ҳеч гап эмас! Тинчликдаги яхшилик, уруш пайтида доимо яхши бўлавермайди.

— Шундай бўлсин! — бошини кимирлатиб, жиддий жавоб берди Спитамен.

— Мен биламан, — давом этди Эрзиф, — сен ўз виждонинг ва номусинг учун ҳатто ўлимга борасан. Лекин гап фақат сенда эмас, Суғдиёна шуҳрати ҳақида, халқингнинг ҳаёти ҳақида боряпти.

— Сен доносен, Спитама, — деди Австан, — лекин фақат сенинг донолигинг билан иш битмайди. Мен сенга бир фикрни айтмоқчиман.

— У нимадан иборат экан? — сўради Эрзиф.

— Ҳаддан ошиб кетмасликдан иборат. Агар имкониётдан ўз вақтида фойдаланилмаса, демак шундай бебахр хазина бўлган Суғдиёнани душман қўлига беришдек жи-

ноятга йўл қўйган бўламиз. Бу донолик эмас, нодонлик ва телбалик бўлади!

Эрзиф энг камтарин инсон эди. У эҳтиромли ва қай-гули овозда сўради:

— Бундай вазиятда нима қилмоқ керак?

— Чегарадан чиқмаслик керак! — кескин жавоб берди Спитамен. — Мен асло фуқаролар тақдирини бу омилга боғламас эдим. Йўқ. Мен уни аяр эдим, хатто турли кўзлардан химоя этган бўлар эдим. Ва ундан энг сўнгги фурсатда, тўла ва батамом ғалаба қилиш учун фойдаланган бўлардим; шундан кейин нима бўлса бўлар, унинг аҳамияти йўқ.

— Аммо Самарқанддан бошқа шаҳарлар, бошқа мамлакатлар ва бошқа вақтлар ҳам бор-ку, — секингина таъкидлади Эрзиф.

— Агар Самарқанд қўлдан кетса, — бурро жавоб қайтарди Спитамен, — бошқа ҳеч нима бўлмайди! Биз шахримизнинг бўйсунитишига йўл қўймаслигимиз керак. Самарқанднинг енгилитиши Суғдиёна давлатининг емирилиши демакдир. Қандай бўлмасин, биз хунрезликка йўл қўймаслигимиз, фуқарони химоя этишимиз ва ҳаётини сақлашимиз лозим!

Спитамен сўзини залга кириб келган чопар Сайлбор бўлди; у даврадагиларни Исқандар аскарлари Суғдиёнанинг шимолий-шарқий ўлкаларига қилаётган ҳаракати ва у ўлкаларнинг ҳокимларини огоҳлантирганини, уларнинг македонликларга қарши кўраётган тadbирлари ҳақида ахборот берди.

Сайлбор хабаридан маълум бўлдики, Исқандар аскарлари Самарқанддан чиқиб, Зарафшон дарёси бўйлаб шарққа ҳаракат қилган ва чекинаётган форслар томонидан таланган Панжакентдан ўтиб, Матчоҳ қишлоғига етиб борган.

Бу ерда йўл тўрт томонга бўлинарди. Тўғрига ётган йўл билан Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашган тоғ қишлоқларига бориш мумкин. Иккинчи йўл дарёни кесиб ўтиб, тоғларни оралаб, Окс томонига, жанубга йўқолиб кетарди. Учинчиси шимолий-шарққа, Ўратепага, кейин яна шимолга, Киропол, ёхуд Кирошат жойлашган диёрга кетарди. Исқандар ана шу йўл билан кетди, — деди Сайлбор.

Македонликлар узок замонларда, ривоятларга қараганда, дунёнинг нариги бурчагида қурилган, кейин форсларнинг шоҳи Кайхисрав номи билан аталган (ҳозирги Хўжанд) шаҳарга шошилардилар. Искандар хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам бу ерлардан қайтиб кетиши керак. «Уйга» — бу сўзни аскарлар, ухлашларидан аввал ёки уйғонганларидан кейин ҳар бандаргоҳда, ичларида такрорлардилар. «Киропол» сўзини улар эшиттириб айтардилар, аммо «уйга» деган сўзни ҳеч ким, шоҳнинг жиғига тегмаслик учун, баралла айтолмасди.

Искандар жим, овоз чиқармай кетарди. У ҳали ўз кўнглидаги сирни очгани йўқ; у Кратерга Киропол шаҳрини эгаллашни буюриб, ўзи Яксарт яқинидаги Ғазо (ҳозирги Беговот) шаҳрини босиб олишга қарор қилди.

Аммо Искандар Киропол ва Ғазони бунчалик тез эгаллаб ололмаслигини ўйламаган эди. Тоғликларнинг, Узрушан (Ўратепа) аҳолисининг қаршилик кўрсатишини эса у ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

Узрушан шаҳрининг ҳокими Деранд бугун эрталаб оқсоқоллар мажлисини чақирди. Унда Искандар Зулқарнайн хужумининг хавфи ҳақида сўз борарди. Қарама-қарши жанг қилиш учун куч етишмасди. Ганжада йиғилаётган отликларни кутишдан бўлак чора йўқ, улар ҳали йўқ экан, демак, деворларни текшириб чиқиш керак бўлади.

— Лекин биз деворларнинг ташқарисидаги мудофаа иншоотларимизни ҳам душманга бермаслигимиз керак, — деди Деранд. — Уларни қуриш бизга арзонга тушгани йўқ, душманга анҳордан ўтаётганида зарба берсак мақсадга мувофиқ бўларди. Жанубда, Фаражтепа ёнидан у ўтолмайди, ундан жануброқда эса дарёни кечиб ўтиш ноқулай. Агар душман дарёни кечиб ўтмоқчи бўлса, у фақат Одилон кишлоғи ичидан ўтиши мумкин.

Фарах отасининг кўзига тик қараб, деди:

— Шундай катта қўшин билан келаётган Искандар учун бу ўтишда мингта аскарни йўқотиш ҳеч гап эмас, биз эса кичкина гуруҳимизни йўқотсак ҳам, бизга оғир бўлади. Бу борада, менимча, Спитамен тўғри йўл тут-

моқда. У Самарканд аскарларининг, фуқароларининг ҳаётини сақлаш учун қайғурмоқда. Агар Искандар дарёдан ўта олса, Одилон жанговарлари шаҳарни ҳимоя қилиш учун келолмайдилар.

— Одилонни мудофаа қилиб, Фаражтепани ҳам қўлда сақлаш керак, — Фарахнинг фикрини қувватлади Комрон. — Мудофаанинг чап томонини бўш қолдириб бўлмайди. Роҳимирликлар келолмайдилар. Фарах айтганидек, Қарғайи Сиёҳ томонидан катта кучлар яқинлашиб келмоқда. Душман бирданига қўп томондан ҳужумга ўтиши мумкин.

— Жанг таваккалсиз бўлмайди, — пўнғиллади Деранд. — Фаражтепа учун катта куч заур эмас. Лекин мен на Одилонни, на Моғиённи жангсиз душманга топширмайман, фақат менинг бу режамни амалга оширадиган киши келиши лозим.

Фарах ўрнидан турди.

— Мусомир йўқ, дада. Агар бу сизнинг буйруғингиз бўлса, унинг ўрнига мен бораман.

— Ҳа, бу буйрук, — таъкидлаб жавоб берди Деранд.

— Яхши қолинглар, — деди Фарах. — Борди-ю, қайтиб келиш менга насиб этмаган бўлса, менинг ҳақимда ёмон фикрда бўлманг, дада.

— Бу сенинг нима билан қайтиб келишингга боғлиқ, — жавоб берди Деранд.

Фарах билан, унинг кетиши олдидан, хайрлашган шаҳар кохини Индол, унга тайинлади:

— Ўзингни асра. Сен ҳали бизларга керак бўласан ва фақат аскар сифатида эмас. Отанг эса сени севади, буни сenga мен айтаман. Хайр, ой бориб омон кел.

Шундай бўлдики, Фарах унча катта бўлмаган гуруҳ билан жўнади. Девор устидаги аскарлар Одилон вайроналарида нима бўлаётганлигини кўришга, келаётган хабарлардан огоҳ бўлишга ҳаракат қилдилар. Бошқалар, Ғолиб бошчилигидаги отликларни кутиб, шимол томондан кўз узмасдилар. Келармиканлар? Эски дўстлигимизни эслармиканлар?

— Келадилар, — тасалли берди Индол. — Албатта, келадилар, агар бир оз кечикмасалар. Ғолиб бизнинг мурожаатномамизни икки кун бурун олган, лекин Ганжидан йўл узок.

Кечкурун Матчоҳ томонидан чопар келди. У нохуш хабар билан келди. Исфара томонидан катта кўшин юриш бошлабди, у Одилонга яқинлашмоқда.

— Кўшинни Искандар Зулқарнайн бошқармоқда, — чопар кўзида кўрқув кўринди. — Уджас ўз гуруҳини македонликлардан аввал дарёдан ўтказиб олди.

Эртанги кун ёмон тугалланган кечаги кундан яна ёмонроқ бошланди. Чопарларнинг хабарларига қараганда, душман кўшини дарёдан ўтибди ва Фараҳ, унинг гуруҳидан ўн баравар кўп бўлган душман кучларининг зарбасига бардош беролмай, Ўратепа деворлари томон чекинмоқда.

— Душман бизнинг аскарларимиз орқасидан келмоқда, — деди хабарчи, — улар дарёдан ўтишда анча кучларини йўқотишди, лекин биз ўйлаганча кўп эмас. Улар қора булутларга ўхшаб ҳаракат қилмоқда. Ҳаммадан ҳам ваҳималиси Искандарнинг шарпаси! Унинг яқинлашуви билан ҳамма қочади. Ҳатто унинг кўли остидаги аскарлари ҳам титрайдилар, лекин унинг буйруғини, бир-бирларини ғажисалар ҳам, бажарадилар.

Кун ёриша бошлаши билан Исфара томонидан нонаник ғувиллаган овоз эшитилди ва тўқ кизил ўт отишлар кўрина бошлади. Карнайларнинг ваҳимали садолари шаҳар аскарларини қуролланишга чорлади.

— Девор олинди! — кичқирди кимдир. — Улар келмоқдалар!

Бир гуруҳ отлиқлар билан Индол кўринади. У ярадорлар ортилган қатор араваларни кузатиб келмоқда. Қоҳин тезда юқоридаги айвонда турган Деранд хузурига кўтарилди. Ҳоким ёнида фақат унинг шахсий соқчиси Мубин турарди. Деранд ёришаётган тонгда гоҳ шимолга, гоҳ жанубга, гоҳ шарққа қараб, шаҳарни қуршаб олган қора булутлар орасида содир бўлаётган воқеаларни кўрмоқчи бўларди.

— Фараҳ қайтиб келдими? — саломлашини ўрнига сўради Деранд.

— Йўқ, — жавоб берди қоҳин, — аммо у тирик. Ҳар ҳолда, биз хайрлашганимизда тирик эди. У одамларни ваҳимадан қочмай ташкилий чекинишга руҳлантир-



моқда. Аммо Искандар аллақачон сенинг узоқдаги истеҳкомларингни эгаллади, — деди Индол эътибор билан Дерандга қараб.

— Ана мустаҳақ ракиб, — табассум қилди Деранд. — Мен қўшинни ким бошқараётганлигини қўпдан билардим. У ердан олиб келган хабарингни бариси шуми? — кулимсираб сўради у.

Мубинни ваҳима босди. У Индолнинг ҳеч вақт бунчалик ғазабланганини кўрмаган эди ва бирон нохушлик бўлмасин, деб ўйлади. Лекин у адашган эди. Қоҳиннинг овози илгаригидек текис чиқарди.

— Хали кучларимизни синаб кўриш вақти келгани йўқ, — деди Индол. — Агар қадимий башоратлар тўғри бўлса, бу дохи ўз ўлимини аскар қўлидан топмайди. Доноларнинг доноси ҳам, уни нима кутаётганлигини билмайди. Ҳар ҳолда, Искандар ҳали унча ҳам олдинга интилаётгани йўқ. Кўриниб турибдики, у ақлли қўмондонга ўхшайди. Энди ишга. Мен ярадорларни олиб келдим, уларни ҳали даволаш мумкин.

\* \* \*

Вақт ўтарди. Кузатувчилар девор устидан чекинаётган гуруҳларни кўрдилар. Чарчаган кичик-кичик гуруҳлар, кўпинча ярадор кишилар тартибсизлик билан чекинардилар; айримлари, гўё орқаларидан қувиб келаётганлардан қутилиш учун қочардилар. Шарқ томонда, анча узоқда, ўт отаётганлар кўриниб, энди улар текислик бўйлаб яқинлашардилар. Уйлар ва омборлар ёнарди. Сўнгра ҳар томондан ёнғин учқунлари баландга кўтарилиб, шаҳардан Одилонга борадиган йўл бўйларидаги уйларга ҳам ўт тушди.

— Душман келмоқда, — одамлар бир-бирларига ҳасрат билан гапирардилар, — девор қулади. Ана, улар деворларнинг раҳналаридан шаҳар ичкарасига киришга интилмоқда! Қўлларида машъаллари ҳам бор. Бизларники қаерда?

Кеч бўлди, қоронғилашиб келмоқда, текисликдаги тўполонларни пайқаб бўлмаяпти. Ёнғинларнинг сони кўпайиб, уларга машъалларнинг ёруғи қўшилиб олов дарёсига ўхшаб кетди. Улар билан шаҳар ўртасида фақат битта гуруҳ бор. У ҳам чекинмоқда, лекин аскарлари ваҳимага тушмай, сафларида қаттиқ турибдилар,

шошилмаяптилар. Кузатувчилар нафасларини ичларига ютдилар.

— Бу Фарах бўлса керак, — дейишди улар. — У хали тиришяпти.

Мингга якин ўратепаликлар камон тирларидан ва па-лахмонлардан отилган кўрғошин зўлдирларидан халок бўлдилар, бошқалари қочдилар. Лекин жанг шу билан тугамади. Македонликлар деворлар яқинидаги текисликларга чиқишлари билан, чап томондаги тепаликнинг орқасидан тўсатдан чиқиб келган ойболталар билан қуролланган чавандозлар уларга ташланди. Кутилмаган бу хужумдан гетайрлар саросимага тушиб қолдилар, тоғликлар эса душманнинг биринчи қаторини мажақлаб ташлашди. Фарах тишларини чараклатиб тўппа-тўғри Искандарга ташланди ва унга ойболтасини кўтарди. Искандар эса қичкириб, қалқони билан ўзини бекитди. Тоғлик шундай зарб билан уни урдик, ойболта олтин билан безатилган қалқоннинг бир томонини кесиб, совутнинг бир парчасини ҳам йиртиб ташлади ва Искандарнинг чап елкасини ярадор қилди.

Ўша заҳоти Птолемей Лаг Фарахнинг зарбасини ўз шамшири билан қайтарди, Дикфер эса отдан қулаб тушаётган ҳукмдорни ушлаб қолди.

— Ҳаммасини битта қолмай — пичирлади Искандар, оқариб кетган лабларини кимирлатиб. — Ҳаммасини битта қолмай...

Дикфер хушини йўқотган шохни бошқа шахсий соқчиларга топширди ва қарнайчиларга ишора қилди. Ўзларини тутиб олган гетайрлар текисликда сафландилар, шарқ томондан уларга ёрдам учун македонликларнинг янги гуруҳлари келиб қўшилдилар. Улар тоғликларни шамширлари билан чопиб, найзалари билан санчардилар, қон эса ариқдаги сув каби оқарди.

Лекин Дерад душманнинг шахарга киришига имкон бермади. Қалъанинг отлиқлари тартибларини ўзгартириб, чекинаётган гуруҳларни химоя этишга киришдилар. Шунанга жанговар тахлитда, улар шахарга кириб келишди, ҳамма уларни олқишлади. Лекин улар Фарах гуруҳининг учдан бир қисми қолганини кўргандан кейин, хурсандчиликлари тезда тарқалди. Унинг ўзи кўринмасди.

Чавандозлар орқасидан от устида Комрон келарди. У ўз бағрига ўз қариндоши, Дераднинг ўғли Фарахнинг

жанг майдонидан топиб олган жонсиз жасадини авайлаб келарди.

— Фарах! Фарах! — одамлар қайғуриб кичкирдилар, лекин у жавоб бермади; одамлар уни баланд кўтариб, нотекис йўл билан аркка, отасининг хузурига олиб келдилар.

Комрон Фарахни болохонага олиб чиқиб, отасининг оёғи яқинига қўйди.

Деранд ўрнидан туриб, ўғлининг оқарган, сочлари тушиб турган юзига узок тикилиб турди. Кейин шу ерга тўшак солиб, унда Фарахни ётқизишни буюрди, ўзи эса болохонанинг юкоридаги хонасига кўтарилди. Одамлар ўша кечаси бу хонанинг деразасидан узок вақт ёнган чирокнинг хира ёруғини, кейин эса унинг ўчганини кўрдилар. Деранд пастга тушиб, ўғлининг боши ёнида тик турганида, унинг ранг-қути ярадор кишиникидек ўчиб, афти ярим ўликка ўхшарди.

Шаҳар қамал килинганди. Ўратепа атрофидаги бутун текислик Искандарнинг аскарлари билан тўла эди. Охирги қочоқлар шимол томонидаги йўлдан келдилар, уларни беш кундан бери шаҳарнинг ҳимояси учун жонбозлик кўрсатган Иноят бошқариб келди.

— Роҳимир ҳали ҳам йўқ, — деди у, — энди эса келолмас керак. У ва унинг одамлари келган тақдирда ҳам, бизга ёрдам кўрсатолмайдилар. Улар билан бизнинг орамиздаги алокани душманнинг бошқа гуруҳлари узиб қўйганга ўхшайди. Келаётган хабарларга қараганда, улар дарёни кечиб ўтганлар. Энди роҳимирлар биз томонга ўтолмайдилар.

Дарвозалар ёпик бўлиб, тун бўйи деворлар ўртасидаги кузатувчилар душман оломонининг девор орқасидаги шовкинини эшитиб, ёнаётган қишлоқларни кўрардилар. Қоронғида ўтиб келган душман аскарларининг сонини билиб бўлмасди, лекин эртаси субҳидамда қилинган ёмон тахминлар ҳам тасдиқланди. Текислик саф тортиб юрган македонлик аскарлар билан тўла ва ҳаммаёқда, сасиган қўзиқоринларга ўхшаган, қора ва қизил чодирлар ўсиб чиққанди.

Македонликлар шаҳарни ўраб олган, уларнинг ерковловчилари эса чумолиларга ўхшаб, бамайлихотир шаҳар деворларининг остини қовладилар. Деворлар устидаги аскарлар душманнинг бундай жирканч ишларини

ожизлик билан кузатдилар. Анча чуқурлик ҳосил бўлганидан кейин, унинг олдида манжаник ўрнатилди.

Манжаниқлардан эса деворларни қулатиш учун ҳатто фойдаланмадилар. Шаҳарни босиб олиш режаси душман қўмондони томонидан мохирона ишлаб чиқилган. Унинг устида ўткир ва ёвуз ақл билан ишлаган. Шаҳарга кириш учун ҳайқириб, ғалтак араваларнинг садолари остида гетайрлар замбарак ўқларини баланд фазога қараб учириб кела бошладилар. Ўқлар шаҳарнинг пастки қаватларига ёмғирдек ёға бошлади. Шаҳарни ёнғин қоплади. Ўқлардан кейин замбараклардан Одилонда ва шаҳар деворлари ёнида ўлдирилган одамларнинг кесилган бошлари отилди. Уларнинг ҳаммаси македонликлар томонидан тиндаланган юзлари ўлим олди азобларидан бузилганди. Шаҳарликлар бу ваҳшийликни кўриб, йиғлай бошладилар. Одамлар қўлларини мушт қилиб, душманни лаънатладилар. Лекин истилочилар бу лаънатларни эшитишга, халқ азоб-уқубатларини кўришга қулоқлари «кар», кўзлари «кўр» эди.

Искандар қалбида очликдан даҳшатлироқ ва ёвуз қуроли — макр хам барқ урарди.

— Яхши, — деди Искандар, кўзини очиб, Дикфернинг жангда иштирок этган ўн беш минг ўратепаликдан фақат олти мингга яқин одам омон қолди, деб ахборот берганидан кейин. — Лекин жангни четлаб ўтолмаганимиз яхши бўлмади. Ўн минг варварларни ўлдирганимиз ҳақидаги хабар Марокандга бориб етади ва суғдийларнинг қазабини келтиради.

— Аммо биз қириб ташлаган ваҳшийлар, суғдийлар эмас, — эътироз билдирди Дикфер. — Улар ўзларини узрушанлар ёки ўратепаликлар деб айтадилар-ку.

— Лекин, тил ва қонлари бўйича уларнинг суғдийларга яқинликлари бор. Тезда Марокандга, Клит ҳузурига чопар юбор. Ҳар қандай тасодифга тайёр бўлиб турсин ва қатъий ҳаракат қилсин. «Халоскорлар» ўйини варварларни алдаган Бефнинг айби билан ютқазилди. Спитамен учун эса бирон баҳонани ўйлаш керак. Ха! Сиёвуш насли томонидан бизга юборилган кишини чакиргин.

Дикфер Бахтварни олиб келди. Марокандлик, шохга таъзим қилди-ю, кейин Искандарнинг боғланган чап елкасига қараб ўқиниш изҳор этди.

— Ҳа, кутилмаган нарса содир бўлди, — Искандар оҳ тортди. — Кирополда ўрнашиб олган форслар узрушанларни менинг аскарларимга қарши гижгижлатган эканлар. Бундан қандай натижа келиб чиққанини ўзинг кўрдинг. Спитаменга чопар юбориб, ҳукмдорингга етказгинки, у ташвишланмасин. Мен унинг ва ўзимнинг рақибларимни жазоладим ва бундан кейин ҳам жазолайман. Агар Спитамен бу ерга мингта отлик аскар юбориб, шаҳар ичида яширинаётган ва тоғларга қочиб кетган исёнчиларнинг қолган тўдасини жазоласа яхши бўларди. Мени тушиндингми?

— Ҳа, жаноб. Сен буюргандек қиламан, — жавоб берди Бахтвар оддийлик билан.

Спитамен вакили ўратепаликларнинг нима сабабдан юнон ва македонликларга қарши урушганларини жуда яхши билишини Искандар сезмади. Спитамен хузурига икки соат бурун чопар юборганини ҳам у билмасди.

\* \* \*

Бу дахшатли кун Фарах болохонанинг оромхонасида ётди. Унинг иситмаси биланд, алахсирарди; ўлими яқинлашаётганлиги равшан эди. Деранд унинг ёнида жим ўтирар ва ундан кўзини узмасди, гўё шаҳар қамалда эмас ва унга ўлим хавфи таҳдидлаётгани йўқ.

Ҳоким ўз ўғлидан кўзини узмасди; Мубин Деранднинг юзи борган сари сарғайиб, соат сайин қариб бо раётганлигини кўриб турарди. Унинг ифтихорли иродасини нимадир букаяпти; Мубин уни нима кўпроқ қийнаётганлигини айтолмасди: қайғуми ёки пушаймонми?

Деранд кўзларидан ёш келганда, Мубин ўзини тутолмади.

— Йиғламанг, ҳоким, — пичирлади у тутулиб. — Балки, ҳали у турар. Индол билан маслаҳатлашиш керак.

— Мен сеҳргарлар ҳақида бошқа эшитишни хоҳламайман, — ғамгин жавоб берди Деранд. — Бизнинг телбаликка асосланган умидларимиз бизни алдади, у душман томонига ўтиб уни қўллаяпти; биз нима қилмасак, бизга қарши ҳал бўляпти. Қара, мен ўғлим билан хайрлашмасдан, насиҳатлашмасдан уни жангга юбордим, ма-на энди у менинг олдимда ётибди. У билан бирга менинг авлодим сўнмоқда. Жанг нима билан тамом бўлмасин, менинг қоним қуримоқда ва бу барча ишларимнинг охири бўлади.

Шу пайт эшик ташқарисидан хокимни чақираётган овоз эшитилди. Деранд ўрнидан туриб, баланд овоз билан деди:

— Мени қўй. Мен бу ерда, ўғлимнинг ёнида бўлишим керак. Балки, ўлим олдидан у бирон сўз айтар. Мудофаа иши билан бошқа биров шуғуллансин. Мен шу ерда қоламан.

Шахар мудофаачиларининг бошида Индол турди.

Шахар секин яқинлашиб келаётган туннинг қоронғилик ва умидсизлик оғушига кириб бормоқда. Ёнғинлар авж олиб бормоқда, уларни ҳеч ким тўхтатмайди.

Ҳокимнинг эшиги олдига яна чопарлар келдилар. Улар қатъийлик билан хоким хузурига қўйишни талаб қилганлари учун Мубин уларни киритди. Деранд жимликда улар томонига бурилди. Аскарлардан бири олдинга чиқиб, деди:

— Биз сизнинг буйруғингизни кутяпмиз, хоким. Шахарнинг қуйи кавати ёнмоқда. Одамлар деворларни ташлаб кетмоқдалар.

-- Мендан қандай буйрукни кутаяпсизлар? — секин гапирди Деранд. — Қаерда ёниш бари бир эмасми? Ўзларингизнинг гулханларингизга қайтинглар, менинг гулханим олинди. Деранд ва Фарахнинг қабрлари бўлмайди, бизларни гулхан ўз оғушига олади. Гулханга қайтинглар!

Ҳоким ўзининг яқин кишилари билан хайрлашди ва хизматкорларни таклиф этишни сўради, у қўлни енгилгина силкитди ва яна Фарах тўшагининг ёнига ўтирди.

Оромхонага бўйи баланд хизматкорлар кириб келдилар. Деранд йигитлардан Фарахнинг устини ёпиб, тўшаги билан бирга кўтаришларини қисқагина сўраб, уларни хайратлантирди. Улар сукунат билан бўйсундилар ва алахсираётган ярадорни безовта қилмаслик учун, уни секин кўтариб кетдилар. Ҳассасига таяниб, уларнинг кетидан Деранд ҳам эшикдан чиқди. Ҳаммаларининг орқаларидан Мубин борарди.

Секинлик билан, кўмиш маросимидагидек, улар болохонани тарк этиб, аввал қоронғилик оғушига кирдилар, кейин шаҳар ёнғинлари ёруғида секинлик билан кичик ховли сахнидан ўтдилар ва қуриган ўтинлар тўплами олдига тўхтадилар. Шу ерда хизматкорлар қўлларидаги юкни пастга туширдилар.

— Биз шу ерда кутамиз, — товушини пасайтириб деди ҳоким. — Мўмиёлаш бўлмайди. Сопол хум ҳам керак эмас. Менинг охирги буйруғим шу: кўпроқ куриган ўтин олиб келинглар ва шу ерда тўпланглар. Ҳаммаси шу. Ал-видо.

Хизматкорлар ҳокимнинг охирги буйруғини бажо келтирдилар. Улар тўшлаган ўтин ўн тирсак баландликка кўтарилди. Улардан бири гулхани ёқди, аланга тезда кўтарилиб Деранд ва Фарахнинг вужудларини қуршаб олди.

Деранднинг яқин дўстлари ва хизматкорлари йиғлаб, ўзларининг дохийлари билан видолашдилар.

\* \* \*

Шаҳарни қамал этиш давом этди. Ноғора садолари янгради. Коронғиликдан душман галалари чопиб келардилар. Македонликлар деворлар остида тўпланардилар. Улар шаҳар мудофаачиларига турли жойлардан зарба бериб, девор атрофларини бўшатмоқчи эдилар. Асосий зарба дарвозага қаратилди. Гирд атрофлари темир билан қопланган, икки томонидан қалъадаги аскарлар билан мудофаа этилаётган дарвоза, бузилмас ва мукаддас кўринарди, аммо айнан ана шу жой бўш эди.

Лекин дарвозага яқинлашиш осон эмасди. Уни танланган соқчилар ва шаҳарнинг яхши аскарлари мудофаа қилардилар. Камон ва найзалар чийиллаб учар, дарвоза ёнларидаги миноралар ёрилар ёки қийшарди, дарвоза олдидаги майдон қурол ва аскарлар жасади билан тўлиб кетди. Эшитиб бўлмайдиган буйруқлар душманнинг янги тўдаларини дарвоза томон сафарбар этарди.

Македонлик қўмондонлардан бири Мелеагр олдинга интилди. Унинг тўдалари, кўплари тир ва найзалардан ярадор бўлган бўлсалар ҳам, жон-жаҳдлари билан, ерда йиқилиб қолган ўз ярадор ёки ўлиб ётган сафдошларини босиб, илгарига интилардилар; мажағланганлари ўрнига яна бошқалари етиб келардилар.

Ноғораларнинг даҳшатли садолари кучайди ва жанг майдонида янги қўрқинчли шарпа пайдо бўлди: Искандар ўз Буцефали устида, бошидаги икки шохли дубулғаси пешонасига туширилган, қўлидаги шамшири баланд кўтарилган. У ўликлар устидан секин, учаётган тирларга эътибор қилмай, дарвозага яқинлашди. Мана, у

Ўз отини тўхтатди. Хужум этаётганларни ҳам, мудофаачиларни ҳам ваҳима босди. Бир оз вақт ҳамма жим бўлди. Сўнгра яна ноғоралар овози чиқди. Дарвозага икки филдиракли узун ва йўғон гўла — таран билан биринчи зарба берилди. Бу зарбадан гўё деворлар ларзага келган бўлса ҳам, дарвозанинг темир халқалари уни ушладилар. Таран билан дарвозага уч марта зарба берилди; ер ва кўк ўртасидаги бўшлиқда гўё чакмоқ чакди, учинчи зарбадан дарвоза қулаб, парчаланиб кетди.

Искандар дарвоза парчалари устидан шаҳарга кирди. Бир оздан кейин дарвоза олдидаги майдон бўшади. Мудофаачилар қочаётганларини ўзлари сезмай, чопардилар. Уларнинг қочадиган жойлари ҳам бўлмаганлиги учун, душман кўлига тушиб, отларининг туёклари остида мажакланмаслик учун, ўзларини ўз ханжарлари билан чопардилар. Македонликлар уларнинг жасадлари устида тўпланиб, ғалаба қилганликларининг белгиси сифатида найзалар учини бир-бирига туташтирардилар.

Ўратепаликлар билан жангдан кейин Искандарнинг аскарлари Яксарт соҳиллари томон, Кирополга қараб жўнадилар.

## Й и г и р м а н ч и б о б

### ҚЎЗҒОЛОН. ИЛОН ЎТИ ДАРАСИДА ПИСТИРМА

Суғдийлар ўзини Осиёнинг шохи деб эълон қилган Искандарнинг ҳаракат ва хулқини диққат билан кузатардилар. Унинг жиноятлардан иборат қадамлари, хавфли кирдикорлари умумий исён учун баҳона бўлиши мумкин эди. Бахтвар юборган чопар ўз маълумотларида Искандарнинг Кирошатга бораётган кўшинининг ҳаракати, Ўратепадаги жангларни, тоғликларнинг македонликларга қарши курашдаги қахрамонликлари ва тенгсиз жангда мағлубиятга учраганликларини батафсил тасвирлади.

— Искандар бу ерда ҳам ўзининг масхарабозлигини кўрсатибди, — чопар хабарини эшитиб деди Спитамен. — У бизни аҳмоқ ҳисоблаб айтибдики, Кирополдаги форслар ўратепаликларни македонликларга қарши гижгижлатган эмишлар. Гўё, мен унинг масхарабозлигини бил-



мас эканману, шунинг учун менга тушунтирмоқчики, у Суғдиёна душманларини жазолабди ва унга ёрдам кўрсатиш учун мишг нафар отлиқ аскар юборишим керак.

Спитамен — қўмондон ва дипломат — Искандарнинг айёрлигини яхши биларди, қаллоблигига тўла ишонч ҳосил қилганди. Суғдий унинг қураш услуби билан биринчи бор дуч келаётгани йўқ. Спитаменнинг эҳтиёткорлик ва тадбиркорлик иш услуби унинг айрим сафдошларини қаноатлантирмасди. Уларга кутиш учун сабру тоқат етишмасди. Улар Искандар билан тезроқ жангга киришиб, истилочиларни тор-мор этишни орзу қилардилар.

Спитамен баъзиларга ўхшаб, бундай енгилтак кўйда Искандарни тезлик билан ва енгилгина мағлуб этиш мумкин, деб хом ўйламасди. Искандарнинг маккорлик қилаётганлиги — унинг заифлигидир. У аввал ишонган эдики, Суғдиёнада ҳам унинг қўшини, бошқа мамлакатлардагидек, қаршиликка учрамай олға қараб ҳаракат қилади. Аммо халқнинг ғазаби ва истилочиларга қарши қураши шох ва унинг қўмондонларини хуркитиб қўйди. Демак, душман жароҳатланди, лекин ҳали жуда бақувват.

Ўратепа жангидан кейин Спитаменнинг мақсади фақат унинг яқин кишиларигагина эмас, ҳатто аскарларга ва Самарқанд аҳолисига ҳам равшан бўлди. Улар бунга тушуниб етдилар ва ўз ўрталарида муҳокама қилдилар:

— Мана нима учун Искандарнинг Самарқандга кириши учун қаршилик кўрсатилмаган экан.

— Аскарлар ва аҳоли ҳаётини сақлаш керак эди.

— Ва Филипп ўғлининг маккорлигини фош этиш лозим эди.

Спитаменни ҳар борада мактардилар:

— Сиёвуш наслига балли! Македонлик қанча айёрлик қилса ҳам, у Зулқарнайинни боқлади!

Афросиёб пастада Спитамен кўшин кўригини ўтказди. Аскарлар бош қўмондон олдидан ўтарканлар, шаҳарга душман кирганидан буён уни биринчи бор: «Биз сен билан, Спитама!» деган хитоблар билан олқишладилар. Кўрикда 7000 отлиқлар ва 12000 пиёда аскарлар иштирок этишди. Спитаменни унинг яқин кишилари яхши билардилар: у ўйлаб қўйган режасини ҳар кимга ҳам ошқор қилмасди, чунки жанговар дўстларига нисбатан бошқачароқ эди.

Ҳозир ҳам, аскарлар ва Самарқанд аҳолисининг бир қисми Спитаменни очик қўллаб-қувватлаган бўлсалар-да, Сиёвуш насли ўзини гўё ҳеч нимани сезмагандек тутди.

Жангчилар кўригини ўтказаетган бир пайтда, Спитамен ўзидан нарироқда ўлка оқсоқоллари тўпланганига кўзи тушди. Қариялар ажнабийларнинг ўлка аҳолисига нисбатан тажовуз қилаётганларини қайғуриб айтиб бердилар. Улар кейин сўрадилар:

— Бу нима гап? Нахотки, ҳаммамиз йўқолсак?

Тўқсон ёшлик қария Дилпазир, хассасига таяниб, Спитаменга мурожаат қилди:

— Болам, агар аскарларинг етишмаси, нимага фуқароларни чақирмайсан? Суғдиёнада биз озми? Ҳамма ёрдамга келарди! Аскар ўз ишини қилади, биз — ўзимизнинг.

— Шундай қилиш керак, ота: бутун халқ бўлиб македонликларга ташланамиз.

— Қурол етишмайди, — деди кимдир, оломон ичидан.

— Болта, ўроқ, паншаха-чи? Қурол эмасми? — сўради қария.

— Тўғри! — хитоб қилди Спитамен, ҳаммага қараб, — Қўлимизга тушган барча қуроллар билан душман бошини ўз томонига буриб қўйишимиз лозим! Суғдиёнага, Искандарнинг кириши ачинарли хол, лекин шахримизга душман биринчи бор киргани йўқ-ку: шимолдан хужум қилиб келган қабилалар ҳам қишлоқларимизга ўт қўйгандилар, Куруш аскарлари ҳам Суғдиёнада бўлган, аммо Самарқанд ўрнида турибди! Суғдиёна яшайди! У душманга асло таслим бўлмайди!

Ўша кечқурун Спитамен ўлканинг барча туман хокимларига ва оқсоқоллар Мажлиси аъзоларига йиғилиш учун чопарлар орқали таклифнома юборди.

Спитаменнинг — «Кутганимиз бас! Жангга тайёрланиш лозим, қўлга қурол олиш, халқни душманга қарши кўтариш керак. Шунга эсдан чиқармаслик керакки, бутун Осиё ва жонажон ўлкамиз бизга қараб, мадад кутмоқда» деб, вилоятлар вакиллари ва беклари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда, уларга қарага айтган сўзлари, яшин тезлигида бутун Суғдиёнага тарқалиб, ҳаммага маълум бўлди. Турли вилоят ва туманлардан келган хокимлар ва бошқа вакиллар яғи хабарлар олиб келдилар. Хабарлар даҳшатли эди. Клит жангга тайёргарлик кўрмоқда.

Бахштепа қалъасига кириб олиб, Клит бу шаҳарчани ўзининг мустамлакачилик фаолияти учун таянч қўрғонига айлантирди. Мустамлакачилар шаҳарча ва атрофдаги қишлоқлар аҳолисининг бир қисмини қириб, бир қисмини Юнонистонга — қулликка жўнатишди. Қалъага македонлик янги аскарлар гуруҳи келиб қўшилди. Энди бу ердаги душман аскарларининг сони беш мингга ётди. Қолган беш минг аскарлар эса, турли вилоят ва туманларга тарқалган. Ҳамма жойдаги қалъалар каттик ҳимоя этилиб, аскарлари тошлардан замбарак зўлдирлари тарашлардилар, Афросиёб остонасига ва бошқа муҳим жойларга ҳужум қилиш учун ўз кучларини яқинлаштирар ва тайёргарлик кўришарди.

Спитамен македонликларнинг Ургут яқинидаги жангда тор-мор этилганини Клит кечирмаслигини, бу ҳақда суғдий раҳбарлари билан ҳатто гаплашишни хоҳламаслигини яхши биларди. Афросиёбда ўтказилаётган ҳар бир кун Спитамен учун ғанимат эди. Фақат Искандар тезлик билан қайтмаса эди.

Спитамен биринчи галда аскарларни ўқитишни давом эттирди; уларнинг анчагина қисми тажрибасиз ёшлар. Улар урушда бўлганлари йўқ, қурол ишлатиш сирларини билмайдилар. Қурол-аслахалар етишмасди. Спитамен шаҳар ва туманлар ҳокимларига икки мингу беш юз найза ва мингта қилич юборишни сўради. Кўпчилик ҳокимлар Спитамен талабини тез ва аниқ бажардилар. Барча керакли қуроллар зудлик билан Самарқандга олиб келинди. Уста Фаттоҳ бошчилигидаги камонгаронлик қуролсозлар ўз ваъдаларини ортиғи билан бажардилар. Энди ҳар бир аскар қиличга ёки найзага, ёки ханжарга эга бўлди.

Спитамен ҳарбий қиш яқинлашаётганини билиб, тайёргарлик кўрди. У отлик ҳарбий қисмларнинг таъминотчиларига отлар учун нахл, ҳокимларга қишки кийимлар тайёрлашни буюрди. Қиш учун озиқ-овқат тайёрлаш ва кўп ишлар қилиниши зарур.

Спитамен тинмасди. У арқдаги ишлардан бўш вақтларида, ҳарбий истехкомларда аскарларининг жанговар тайёргарлигини текширар, ўз кўмондонлик санъатини ишлатиб, сарқор ва юзбошиларнинг ишлари билан ҳам танишиб, маслаҳатлар берарди.

Харбий истехкомлардан бири тўқайзорлар билан ўралган Чўпонато пастлигида жойлашган бўлиб, тўсатдан бўладиган хужумга нисбатан яхши ихоталанган: бу ерга ҳеч қандай қўшин Зарафшоннинг кучли оқимини кечиб киролмасди. Кечки пайт. Истехкомда ҳали ҳеч ким ухлагани йўқ. Аскарлар гулхан атрофида ўтириб ёки ёнбошлаб дам олардилар, гулханлар яқинида тўплаб қўйган қуроллар кўринарди; зарурат бўлганда улар орасидан ҳар бир аскар ўз қиличини, найзасини ёхуд ойболтасини енгиллик билан олиши мумкин. Спитамен бу қуролларга қизиқиб қаради. Улар ичида мисдан ясалган болталар ҳам бор. Бир қисм қиличлар ҳам биринжидан эдилар. Қўмондон қўлига қилич, болта, найза ёки узун ёйни олиб гулхан ёруғида уларнинг сифатини текшириб кўрарди. Гулханлар яқинида отлар оз, уларнинг подаси нарироқда, тўқайзорда ва Зарафшон бўйидаги кенгрок майсазорда ҳушёр отбоқарлар қарамоғида ўтлаб юрарди; аммо харбий бошлиқлар ўз бедонлари ўзларига яқин жойда бўлишини хоҳлаганлари учун истехкомда анчагина отлар отбоқарлар томонидан ем бериб боқилар ва зарурат учун тайёр эди.

Аскарларга қараб Спитамен қувонарди. Гулхан ёруғида хайвонлар терилари остидан бақувват елкалар ва кенг кўкраклар кўринарди. Йигитлар танлаб олингандек — томирли, суякли, баланд бўйли эдилар.

Болалигидан аскарларнинг қувнок суҳбатларига, қўшиқларига ва жўшқин мусикаларига меҳр қўйган сўғдий, бугун умрида биринчи марта бундай тинч ва қандайдир ғамгинликни олдиндан сезгандек, маъюс қароргоҳни кўрарди. Фақат айрим гулханлар олдидан мусиқа садолари ёки хофизликка ҳаваси бўлган айрим йигитларнинг хиргойи қилиб айтаётган қўшиқлари эшитиларди. Аскарлар хофиз қўшиғини бошларини эгиб, кўзларини гулханга тикиб, хомушлик билан тинглардилар. Айримлари гулхан олдида чордана қуриб ёхуд чўққайиб, тирсақлари билан тиззаларига таяниб, кафтлари билан юзларини бекитиб ўтирардилар: булар елкаларига ташланган териларда ўрмонларнинг йиртқич хайвонларига ўхшардилар. Лекин бошларини кўтарганларида, гулхан ёруғида нозик юзлари ва қўй кўз, қора, кўкимтир, сямимий ва асло йиртқичликнинг нишонаси бўлмаган ёш йигитларнинг кўзлари кўринарди.

Тун яримлашиб, гулханлар сўна бошлади; атрофдаги жимжитлик сиқилиш ва зерикиш ҳиссиётини кучайтирди. Атрофни куршаб олган жимликда Спитамен анча вақт ҳаракатсиз, гулхандан тарқаётган учқунларга кўз тикиб ўтирди. У чуқур тафаккурга, уни узоқ-узоқларга олиб кетган туйғулар гирдобига шўнғиб кетди. Одатда у беғам болалик ва ўспирилик йилларини, шабадага ўхшаб тез ўтиб кетган бахтли дамларини эсларди. Бугун эса у Суғдиёна истиқлоли ва келгуси тараққиётини ўйлади. «Таянчни йўқотмаслигим лозим, — у фикран ўзига айтарди, — хамиша халқ билан маслаҳатлашиб, унинг турмушини яхшилаш учун тиришишим керак.

Мен Суғдиёна истиқлолиятини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, унинг хорижий мамлакатлар билан алоқасини ўзаро фойдали асосда, мустақил ривожлантириш чораларини кўришим лозим. Халқ Суғдиёнадан аввалгидек муфтга ёки икки пуллик нархда барча бойликларни олиб кетишларига бошқа тоқат қилмайди. Унга тинчлик ва форслар, араблар, хитойлар, хиндулар, юнонлар ва узоқ ўлкалардаги бошқа халқлар билан савдо муносабатларини ривожлантириш керак...»

Спитамен маориф ва «Авесто»нинг тақдири ҳақида ҳам ўйлади. Уни шу нарса безиллатардики, Искандар Эллада олимларига бу асарнинг табиатшунослик, илми хайъат, тиббиёт, башорат қилишга доир барча жойларини кўчириб олиш, уларни юнон ва македон тилларига ўгириш, кейин уни батамом ёкиб ташлаш ҳақида буйрук берибди. «Мен бу улур асарни сақлаш ва жирканч истилочиларни ҳайдаб юборганимиздан кейин кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилишим керак. Ўн икки минг тана териларида олтин ҳарфлар билан ёзилган бундай қимматли таълимот устидан кулиб бўладими?! Зардушт таълимоти асрлар оша сақланиши лозим!».

Бу фикрларга берилиб кетган, гулхан иссиғидан лоҳас бўлган Спитамен бир оз мудради.

Субҳидамда, хали атроф ёришмай, у кўзини очди ва тезроқ ўзига келиш учун, теграсида аскарлар ухлаб ётган, сўнаётган гулханларни оралаб кетди. У аскарлар қароргоҳининг охиригача борди ва энди орқасига қайтаётганида, қулоғига аллақандай ноаниқ шовқин чалинди. У кулоқ солди, лекин атрофда тинчлик ҳукм сурарди, фақат енгил шамол дарахт баргларини кимирилтатар

ва якинрокда ўтлаб юрган отларнинг пишқирган товуши эшитиларди. У бир неча кадам юрди, яна қулоқ солди ва ўз ичида деди: «Ха, шундай. Дарров-а? Эҳ, бу хозир канчалик номаъкул!».

У соқчилар гуруҳи олдига боришга улгурмай, яна ўша томондан гулдурлаган ноаниқ товуш эшитилди, сўнгра субҳидам тинчлигида соқчининг баланд овози чиқди:

— Ким келмоқда?

Ўша захоти яна баландрок:

— Қуролланинглар!

Қароргоҳда тез фурсатда саросималик юз берди: аскарлар қуролландилар ва жанговар тарзда саф тортдилар.

Спитамен буйруғи билан ухлаб ётган жангчиларни уйғотиш учун аскарлар карнай, сурнайларни ва ноғораларни чалдилар. Аскарларни саф тортдириб, Спитамен ва бу ерга етиб келган Эрзиф, Катан, Анбоз ва Фаррух керакли буйруқларни бердилар.

Бу — аскарлар ва Самарқанд аҳолисининг юнон-македонлик истилочиларга қарши кўтарган қўзғолонининг (агар Ургут худудидаги жангни унинг бошланиши деб ҳисобласак) давоми эди. Соқчиларнинг «Қуролланинглар!» деган кичкирувлари бутун ҳарбий қароргоҳни ва шаҳар аҳолисини уйғотди.

Юнон-македон аскарларининг олти мингга яқин кишидан иборат ўнта гуруҳи Клит бошчилигида Бахштепа томонидан суғдий аскарлари ва Афросиёб аҳолисига ҳужум қилиш учун ҳаракат қилди. Искандарнинг махсус чопар орқали юборган буйруғига мувофиқ, Клит бу ҳаракатни бошлаб, фукаролар қўзғолони бошланмасдан уни бўғишга умид қилди. Клит Спитамен ва унинг дўстларини тирик юришлари хавфли, деб тушунди, чунки улар томонига ҳар куни туманлардан янги кучлар келиб қўшилларди. У тўсатдан ҳужум қилиб, суғдий аскарларини ва Спитамен билан унинг сафдошларини қириб ташлаш, уларнинг бошларини узун найзаларга тиқиб, ҳаммани қўрқитиш учун, умум томошага кўрсатишни умид қилди.

Клитнинг бу фикри унинг маслаҳатчиларига маъқул бўлди; улар фукароларнинг қўзғолонидан қўрқардилар; хавотир ва ташвиш уларнинг осойишта ҳаётини захар-

ларди. Улар Спитамен, Австан, Катан, Эрзиф ва бошқа фаолларнинг бошлари учун беш талантдан мукофот белгиланганини маъқулладилар. Уларни ўлдириш учун сиртдан хукм чиқардилар. Эркин фуқаролар ва қулларни каттик жазолаш билан қўрқитиб, Спитамен ва унинг сафдошларига ҳар қандай ёдам кўрсатишни тақиқладилар.

Клит кечаси билан Афросиёбга ҳужум этиш режасини ўйлаб чиқди, суғдий аскарларининг қароргоҳига ўз айбқчиларини юборди, субҳидамда эса аскарлари олдида қисқача жўшқин сўз айтиб, каттик ҳужумни бошлади. Ҳали қуёш чикмасдан, у суғдийларнинг қароргоҳи яқинига келди ва биринчи бўлиб олдинга ташланди. Унинг даҳшатли жанговар қичқирувига минглаб юнон-македон аскарлари қўшилдилар. Бу хайқирув тезда узун, даҳшатли, ваҳший қий-чувга айланиб, ҳужум бошланиб кетди. Бу усул македонликларнинг рақибларига ташланиш одати эди.

Аммо Клит ва македонлик аскарларнинг олдинги қаторлари мудофаа чегарасига яқинлашиши билан, юзлаб суғдий жангчилари душман аскарларини тошбўрон қилдилар. Жанг бошланди. Спитамен буталарни ёриб, ўрмон ичидан чиқиб, саф тортмасдан, оломон бўлиб келаётган ўз жангчиларини кўрди. Пиёдалар оломони отлиқлар билан аралашиб кетди ва улардан орқада қолмаслик учун отларнинг эгарларига, ёлларига ва думларига ёпишиб, олдинга қараб чопардилар.

Спитамен жанг майдонида дасталари узун ойболталарни теришни буюрди ва улар билан тахминан икки юз чаққон аскарларни қуроллантириб, оломон ичидан ўтиб юнонларга яқинлашишни буюрди. «Отларнинг оёқларига уринглар!» — қичқирди у, отлиқларга яқинлашиб. Бу тезда жангнинг натижасини ҳал қилди. Душман аскарларининг қиличлари суғдийларга етмас эди, улар эса ойболталар билан отларнинг оёқларини уриб синдирардилар. Ҳар томондан чиябўрилар териларини кийган ва юраклари қонга ташна бўлган суғдийларнинг янги гуруҳлари душманга ташландилар. Уларнинг шовқинлари ўлаётган юнон-македон аскарларининг ёрдам сўраш ҳақидаги фарёдлари ва ноаларини бўғарди. Клит македонликларнинг аҳволи оғирлашаётганлигини ва у тўполон ичидан чиқиб қочиши зарур ёки шу ерда ўлдирилиши муқаррарлигини билди.

Клит биринчисини танлади ва унинг буйруғи билан македонлик гуруҳлар орқага бурилдилар. Суғдийлар ўша захоти уларнинг устига миниб олдилар; лекин македонликлар, орқаларига калконларини ташлаб, қиличлари билан ўнг ва чапга ҳамла қилиб, уларни куршаган ҳалқани ёриб чиқдилар ва довул каби шарққа қараб учдилар. Жанг хунрезликка айланди. Кўпчилик македонликлар қуролларини ташладилар; бировлари ўрмонга қараб кочдилар, бошқалари, ўзларини ўлганларга ўхшатиб, ерга ташладилар, учинчилари кўзларини юмиб, жойларида қотиб қолдилар. Ўрмон ҳам, гўё ўлимдан кўрккандек, тинчиб қолди.

Клит қочиб қутулмоқчи бўлди, лекин қочиш имкони бўлмади, чунки суғдийларнинг отлари юнонларникига нисбатан тез чопарди. «Фалокат! — ваҳимадан, ўзига хитоб қиларди македонлик қўмондон. — Хеч ким қутулмайди. Фақат ўзимнинг қоним эвазига мен уларни қутқаришим мумкин».

Клит яқинроқда бўлган ўзининг ҳарбий бошлиқларига кичкирди ва отини орқага суриб, уларнинг ўз орқасидан эргашишларини буюрди, аммо унинг буйруғига ким қулоқ солди-ю, ким қулоқ солмай қочганини билмай, олдинга интилди ва ўша захоти рақиб билан юзма-юз бўлди.

Таъқиб қилувчилар олдида Спитамен шамолдек учарди; Клит ўз қиличи билан унинг тоскулоҳига урди, аммо тоскулоҳни кесолмади ва юзини ҳам яралантиролмади. Шу вақт Спитамен унинг зарбасига жавобан зарба бермай, македонликни тириклайин қўлга олиш учун, унинг белидан ушлаб, эгардан тортиб олишга тиришди. Қаттиқ тортганидан отнинг қоринбоғи узилиб, пахлавонларнинг иккови ҳам ерга қулади. Бир мунча вақт улар бир-бирларини савалаб, ерда юмаладилар, аммо тезда Спитамен рақибнинг қорнини оёғи билан босиб, уни ўз остида мажаклади.

Шу вақт Эрзиф ва Фаррух от чоптириб келиб, отларидан сакраб тушиб, Спитамен олдига югуриб келдилар. Уларни кўриб, суғдий қичқирди:

— Уни боғланглар! Мартабали македонлик бу, бунинг устига камарбастлик экан!

Македонликнинг беҳуш ётганини кўриб, Фаррух уни қуролсизлантирди. Сўнгра, асирнинг юзига тикилиб, бирданига оёғига туриб кичкирди:



– Яхшироқ қаранглар-чи, бу Клит-ку!

Клит ўликка ўхшаб ҳаракатсиз, ранги оқарган, юзи тер билан қопланган ва кўзлари юмик, хушсиз ётарди.

Спитамен уни аравага ортиб ҳарбий истехкомга юборишни, қочиб кетмаслиги учун чора кўришни буюрди. Ўзи эса Эрзиф билан биргаликда, қочиб кетаётган рақиб орқасидан қувиб кетди. Эрзиф ўзининг енгил, учқур байталини ярим фарсанг чоптириб, кўпчилик суғдийларни орқада қолдирди ва тез фурсатда Клитнинг этари, унинг маслаҳатчиси Меламедга бориб етди. Суғдий паҳлавонлари одатига мувофиқ у рақибга ё ўзини асирликка топширишини ёки яккама-якка курашишини таклиф этди, аммо Меламед ўзини қарликка солди. Шунда Эрзиф ойболтасининг орқаси билан македонликнинг орқасига урди ва отидан йикитди.

Элликтача македонликлар ўрмон томонига қочдилар; улардан бири лойга тикилиб қолди, суғдийлар унинг қўлини боғлаб асирга олдилар, бошқаларининг орқаларидан аскарлар ва кўп сонли фуқаролар оломони, қўлларида ойболталар, ўроқлар ва паншахалар билан ўрмонга қувиб кетдилар. Ваҳшийлик ови бошланди, қичкирув, фарёд ва чакирув ўрмонда акс-садо берарди. Бу садо анча вақтгача, юнон ва македонликларнинг ҳаммаси асирга олинмагунча ёки қирилмагунча, давом этди.

Шундан кейин Эрзиф, Спитамен, Абкор, Анбоз, Махрур, Фаррух ва бошқа жангчилар уруш бошланган аввалги майдонга қайтдилар; майдон бўйлаб икки томондан минглаб ўлдирилган жасадлар ётарди. Катта ғалаба қўлга киритилганди, исён кўтарган фуқаролар жўшқинлик билан ўз курашларининг натижасини яқунлаб, бир-бирлари билан баҳслашардилар.

Улар жангда ҳалок бўлган шерикларининг жасадларини эҳтиром билан кўмдилар, юнон-македон аскарларининг ўликлари анча кўп бўлганлиги учун, қисман кўмиб, оқсоқоллар розилиги ва Спитамен ижозати билан зардуштийлик одатига ҳилоф бўлса ҳам, ҳаво тозалиги ва халқ соғлигини сақлаш мулоҳазаси билан, қисман ёқдилар.

Спитамен сайроблик йигитга ҳали ҳам хушига келмаган Клит ва унинг маслаҳатчисини, қочишга йўл қўймасликни таъкидлаб, хабардор бўлиб туришни тайинлади, ўзи эса Эрзиф ва бир гуруҳ аскарлар билан Навток

йўлидаги довонга — бир гуруҳ аскарни олиб кетган Австан хузурига жўнади.

Тоғ довонидан ўтмасдан, улар тоғликлар ва македонликларнинг ўлик жасадлари ётган жанг майдонига кириб бордилар. Спитамен бу жангда Австан гуруҳи ва Қоратепа қишлоғининг кўнгиллилари македонликлар устидан ғалаба қилганлигини дарров сезд; агар у мағлубиятга учраган бўлса, улар йўлда македонликларни учратишлари мумкин эди. Аммо кўришиб турибдики, Австан бу ғалабага жуда қийинчилик билан эришган: хатто жанг майдонидан четда ҳам ўликлар ётардилар. Тажрибали Эрзиф бундан хулоса қилдики, бир қисм македонликлар қочишга муваффақ бўлганлар.

Австан уларнинг орқасидан қувганлигини билиш қийин эди. Эрзиф шундай хулосага келдики, жанг узоқ давом этган, у Чўпонатодаги жангдан илгарироқ бошланган, чунки ўликлар шишгандилар, баъзиларини бўрилар ея бошлаганди, улар қуролланган одамларни кўришлари билан, тоғ дараларига қочиб кетдилар.

Спитамен, Эрзиф ва бошқалар Австанни қутмасдан довондаги эски ишончли лашкаргоҳга кириб бордилар. Бу ерда улардан илгари келган сугдий кўмондони Австан билан учрашдилар. Унинг одатдаги бадқовок юзи бу сафар ғазабли қувонч билан балқиб турарди. Ўша захоти у, жанглар жараёни ва тафсилотларини аниқлагандан кейин, йўғон овозда деди:

— Мен сендан ҳам, ўзимдан ҳам мамнунман.

— Сен душман бошлиқларидан бирортасини асирга олдингми? — сўради Спитамен Австандан.

— Қонхўр бўрилар! Одамларни кириб кетдилар ёки ўзларини асирга топширмай, ўлдирдилар!

— Бизлар эса иккита бўрини асирга олишга муваффақ бўлдик — Клит ва унинг маслаҳатчисини.

\* \* \*

Клит кўрқинчли туш кўрди: гўё Искандар уни ўз хузурига чақириб, кўзларига тикилибди. У эса бирон сўз деёлмасдан қандайдир қоронғиликка йўқолиб кетибди. Тўсатдан юзлаб тиржайган банаралар ўша қоронғиликдан пайдо бўлибдилар ва қабих панжалари билан унга ёпишибдилар...

Клит уйғониб, кўзларини очди. Совуқ шамол унинг юзини силаб ўтди. У чалқанча ётарди. Шу пайт кеч кириб, қоронғилашмоқда эди. У ёнбошига ағдарилиб, бўлиб ўтган воқеаларни тушида кўрганлигини ва уни қийнаётган дахшатдан, ўзининг тирик қолганлигини билиб бир оз тинчланди. Оёқ ва қўллари иплар билан боғланган. Унинг ёнида боши латта билан боғланган Меламед ётарди.

Клит қўлларини иплардан бўшатишга уришиб кўрди, ammo натижа бўлмади. Нафасини ростлаб олиб, у атрофда нима бўлаётганлигини, қутилиш имконияти бор-йўқлигини билиш учун қулоқ солди.

«Менинг бошимга кимдир қаттиқ ургандек, — ўйлади Клит. — Меламеднинг ахволи меникидан оғирга ўхшайди. Бошқалар қаерда экан? Нима учун суғдийлар бизларни ўлдирмаптилар? Бизлар қаерда, қаерга олиб бормоқчилар? Қандай қутилиш керак?». Бу саволларга жавоб йўқ эди. Унинг эти уюшиб совкотди.

Яқинда ўтирган суғдий соқчиси кулиб, ўз тилида шеригига алланима деди. Кейин янги, лекин ғазаблироқ товуш эшитилди. Жанжал бошланадиганга ўхшади. Улар махбусларни нима қилиш кераклиги ҳақида бахслашардилар.

— Ҳозир уларни ўлдиришга вақт йўқ, — деди улардан бири. — Завқланишнинг пайти эмас.

— Нима бўпти? — жавоб берди иккинчиси. — Уларни тезроқ бирёқли қилиш керак, шу ерда ўлдирақоламиз, нассалом.

— Буйрук, — кичқирди учинчиси. — Уларни айтилган жойга тириклайин ва тезроқ олиб боришимиз лозим. Бу менинг буйруғим.

— Улар нима қилмоқчи, — бир неча киши бирданига шовқин кўтарди, — нимага тириклайин? Нима бу, янги завқланишми?

— Нимани хоҳласанг ҳам, — бақирди аввалги товуш, — мен Хасор. Бу ерда мен буюраман. Биз махбусларни қўлга олдик. Биз Корун хизматкорларимиз. Мен, Хасор, шундай дедим.

— Сен кераклигидан кўп гапирдинг, Хасор, — йўғон овоз пишқирди, — бу Навтокка кетганларга ёқармикан? Улар бошингни танагдан жудо қилиб қўйишлари мумкин. Балки сени ким билан алоқадалигингни аниқлаб

оладилар. Корунга бориб тақалмайдами? У ўзини ким деб ҳисоблайди? Мен Гурбиз, дейман: Корун — аҳмоқ ва сотқин. У Спитамендан қутулолмайди. Менинг гапларим эсингда бўлсин.

Унга жавобан шиддатли шовқин ва қуролинг жа-ранглаган овози чиқди. Клит нима бўлаётганини кўриш учун секин бурилди. Қоровуллар оломон томонига бордилар, тўполонга аралашмоқчи бўлдилар. Коронғида у катта гавдани кўрди — балки, бу Хасор эди, — у Гурбиз билан юзма-юз турганди. Улар атрофида одамлар йиғилдилар. Улар қилич ва ханжарларини қинидан тортиб олдилар, лекин бир-бирларига ташланишга журъат этмай турардилар.

Хасор кичқирди, унинг одамлари унга яқинлашдилар. Гурбиз ўз ўрнидан бир оз орқага, маҳбуслар ётган томонга чекинди, кейин коронғида ғойиб бўлди. Хасор қиличини кўтариб, бирданига олдинга ташланди. Икки суғдий бошлари кесилиб, ерга куладилар, бошқалари кўркувдан сапчиб кочдилар. Улардан бири ҳаракатсиз ётган Меламед жасадига қоқилиб, сўқинди ва ерга йиқилди — бу унинг ҳаётини сақлади. Таъкибчилар унинг устидан сакраб ўтиб, бошқасини бўғизладилар. Ўлдирилган кишининг жасади Клит олдига қулади.

— Қуролларни йиғиштиринглар! — кичқирди Хасор. — Аҳмоқлик бўлди! Шарққа борамиз — дарё бўйлаб тепагача, кейин ўрмон ичи билан. Тушунарлими?

«Хўп, — ўйлади Клит, — агар бу ярамас учун мени кўриклаётган каллакесар сокчиларни бирёқлама қилишга шунчалик оз вақт керак бўлган экан, менинг қочишимга имконият бор». Унда умид пайдо бўлди. Хасор одамлари суғдийлар ва тохарлар билан овора бўлаётганда, македонлик қаровсиз қолди. У нафасини чиқармай, қўлларини боғлаган ипни пичок дамига тиради. Бир неча дақиқадан кейин тугун кесилди. Клит яна ипларни қўллари устига ташлади ва жим бўлди.

— Асирларни олинглар-чи! — кичқирди Хасор. — Ҳазиллашмай! Ким ҳазиллашса, ҳалигиларнинг орқасидан нариги дунёга кетади.

Улардан бири Клитни ўз елкасига ташлади. Бошқаси Меламедни шундай қилди. Бақувват қўллар уларни канадай мажакладилар.

Ерга ташлаганда, улар кўзларини очдилар. Тун, ой ғарб томонга пасаймоқда. Улар атрофни туман қуршаб олган тошлоқ тепалик устида турибдилар. Яқиндаги Зарафшон дарёсининг шамоли эсмоқда.

Клит устида ой ёруғини бекитган соя пайдо бўлди. Бу Хасор эди.

— Ўтир! — деди у. — Менинг йигитларим сени кўтариб юриб чарчадилар. Энди пастликка тушиш керак, ўзинг юраверасан. Овозингни чиқарма ва қочишни ўйлама.

У махбус оёғини боғлаган тасмани кесиб ташлади ва Клитни сочларидан ушлаб, оёкка қўйди. Македонлик йиқилди, Хасор уни яна кўтариб қўйди. Хасор македонликнинг оғзига идишчадан алланимани қуйди. Клитнинг оғзи ачиб, бадани ўтдай куйди, лекин оёқларининг қалтираши тўхтади. У энди тик турарди.

— Энди бошқаси! — деди Хасор, Меламедга яқинлашиб ва уни туртиб. Меламед қотиб қолди. Хасор уни ўтирғизиб қўйди ва бошини боғлаб қўйган латтани очиб ташлади-да, ёғочлик идишчадан малҳам олиб ярасига суртди. Меламед қичқирди. Бактрияликлар завкланиб кишнадилар.

— Дори ёкмайдами! Ўз фойдасини тушунмайди.

— Энди олдинга, — кичқирди Хасор, — кун ёришмасдан! Хаммаси ҳақида хўжайинга ахборот берилади, унинг ўзи сизлар билан гаплашади.

Хар бир македонликни уч киши кузатиб борарди. Клит анча орқада қолди ва бунчалик тез чопишга бардош беролмасди; у эрталабдан буён ҳеч нима егани йўқ. Тўғри, алкоголь ичимлиги уни анча кизитди ва кайфияти ҳам яхши бўлди. Унинг кўз олдида хар дақиқа Коруннинг юзи кўринарди. «Мен унга Спитаменнинг қалласи эвазига уни ҳоким қилиб қўйишни ваъда бергандим, — ўйлади Клит. — Вазият ўзгарди. Халқ бизга қарши, Спитамен фойдасига кўзғалди. Энди нима қилмоқ керак?».

Клит кийинчилик билан курашди. Боши айланарди, лекин қизиди — яна ўша идишчадан ичирган бўлсалар керак. Бактриялик унинг тепасига эгилиб, унга бир бурда нон ва бир кесим қуриган гўшт узатди. Клит очкўзлик билан қотган нонни чайнай бошлади, лекин аввалгидай оч бўлса ҳам, гўштга тегинмади.

Тонготарда қандайдир баландликка бориб етдилар. Охирги ярим фарсанг юриш жуда қийин бўлди.

— Мана, етиб келдик, шу ерда тўхтаймиз, — буюрди Хасор. — Спитамен аскарлари бостириб келмагунча махбусларни ўлдирмайсан. Токи тирик экан, улар менга керак. Тушунарлими? Лекин шовкин кўтармасинлар ва қочмасинлар! Уларнинг оёқларини боғла!

Бошлиқнинг бу сўзларидан Клит тушундики, соқчилар Корун буйруғи билан уларни гаров сифатида ушлаб турган эканлар.

\* \* \*

Киропол Искандар аскарларининг кутганларидек бўлиб чиқмади. Оламнинг чегараси бу ердан ўтмас экан. У қандайдир узоқ-узоқлардаги шарқда экан. Аскарлар зорланардилар. Нахотки, шох юришни тўхтатмайди ва ўз қўшинини Яксартдан нарига, осиеликлар мамлакатларининг нариги ўлкаларига олиб боради?

Айниқса, фракияликларнинг гуруҳларида ғавғо кучайди. Улар доимо жасурлик билан бошқалардан фарқ қилардилар, лекин Искандарнинг қўли остида ҳафсаласиз жанг қилардилар. Ахир, македонлик шох уларнинг мамлакатини зўрлик билан босиб олиб, унинг аҳолисини мажбуран шарққа, уларнинг қариндошлари билан жанг қилишга олиб кетганди.

Суғдиёна бозорларида маҳаллий аҳоли билан учрашган қария кўчманчилар улар билан суғдийча гаплашиб, ўз ўрталарида фракиялик тилда сўзлашардилар. Улар ўзларини «дахлар» ёки «буюк гетлар» деб атадилар. Ажабланган фракияликлар ўз ота-боболарининг шарқий чўллардан Болконга келган киммерияликлар ҳақидаги хикояларини эслардилар.

Аскарлар ғарбий дахлар ва гетлар ҳақида эслаб, осиелик «дахлар» ва буюк «гетлар», улар гарчи Оврупонинг фракияликларига унчалик ўхшамасалар ҳам, ҳаммаларининг томирларида бир хил, қардошлиқ қони оқаётганлигига ишонишади. Фракияликлар, шарқий эллилар ва ионийлар шунга ишонч ҳосил қилдиларки, улар суғдийларга, сакларга ва бошқа скифларга қарши урушиб, қиличларини ўз қариндошларига кўтараётган эканлар.

Искандар буларнинг ҳаммасини эшитди, кўрди ва тунди. Аммо у ана шундай аскарларини ҳам жўшқин сўзлари билан руҳлантириб, ўз қариндошларига қарши урушга сафарбар этишни хоҳлади. Лекин Суғдиёнада шохга етказилган маънавий жароҳат уни руҳан эзарди ва македонлик қанча тиришмасин, у ўз юрагидан бирон-бир иссиқ сўз чиқариб айтолмасди. Унинг Суғдиёнадаги юришлари бирон кеча осойишталик билан ўтмади.

Искандар Ғазо шахрини эгаллаб, Кратер, Мелеагр ва Пердикка бошчилигидаги аскарлар томонидан камал қилинган Кирополга келди.

Унинг ҳузурига от чоптириб келган ҳарбий бошлиқлар камал қилишнинг давоми ҳақида ахборот бердилар.

— Матонатли халқ, — деди Кратер, юзидан оқиб тундирган терларни артиб. — Уч кундан бери курашмаяпмиз, аммо ҳаракатларимиз зое кетмоқда! Мен деворлар остини қазишни буюрдим. Деворларни қулатиб шаҳарга киришимиз мумкин ва ўшанда...

— Асло! — унинг сўзини бўлди Искандар. — Мен бу шаҳарни авлодлар учун сақлашим лозим. У буюк Кай-хисравнинг номи билан аталади!

Таранлар ишга солинди, уларнинг ёрдами билан истилочилар шаҳар дарвозаларини бузмокчи бўлдилар. Аммо улар бошига тепадан ёнаётган смолалар қуйилди. Кратернинг ёнаётган катрон(смолалар)дан куяётган аскарлари юракни ачитадиган кийкириклар билан дарвозадан узоклашдилар. Шаҳар ҳимоячилари уларга тошлар, камонлардан тирлар отдилар ва устларига қайноқ сув қуйдилар. Македонликларнинг янгитдан ҳужум қилишга интилганликлари натижа бермади.

Учинчи куннинг охирида усти мудофаачилар билан тўлиб кетган шаҳар деворлари остида икки томондан ҳам ўлган аскарларнинг жасадлари шунча кўпайдики, улар деворни ўраб олган зовурларни тўлдирганди. Қоронғи тушиши билан жангни тўхтатиш ҳақида сурнайлар чалинди. Чарчаган аскарлар шаҳар яқинида тўпланиб дам олишди. Дам олиш учун, деворлар устида қаровул гуруҳларни қолдириб, мудофаачилар ҳам кетдилар.

Келаси куни эрталаб, шаҳарни камал этишни ва ҳимоя этишни янги куч билан бошладилар. Мудофаачиларнинг матонатлилигидан ғазабланган Искандар Кра-

терни ўз хузурига чақирди ва шаҳар деворларининг остини қайтадан қовлаш ҳақида буйруқ берди. Буйруқ бергандан кейин, у ўз отига минди ва ғазаб билан уни тепкилаб, нарвонлар ёрдами билан девор тепасига чиқишга уринаётган аскарлар гуруҳи ўртасига хайдади.

— Олға, менинг шухратли аскарларим! Бу шаҳардан топган нарсаларингиздан кўпини сизларга тухфа қиламан!

Тўсатдан шаҳарнинг шарқий томонидаги девор гумбурлаб қулаб кетди ва кенг йўл очилди. Бу Кратер ва Мелеагр аскарларининг девор остида казиган узун чуқурларининг натижаси эди.

Пайдо бўлган йўлдан хайратда қолган шаҳар мудофаачилари кўзлари олдида, истилочи кўшиннинг отлиқлари қичкириб ичкарига кирдилар. Шаҳар таслим бўлди. У таланди ва бузиб ташланди. Шаҳардан топилган барча бойликлар, Искандар ваъда қилганидек, аскарларга таксимлаб берилди.

Аммо Киропол олингандан кейин ҳам Искандар тинчимасди. Ўлка аҳолиси унинг аскарларига хавф солишарди. Яксарт соҳилидан Искандар нариги қирғоқда йиғилаётган, наमतдан тикилган узун қалпокли отлиқларни кўрди.

— Булар ҳам узрушанларми? — сўради унинг хузурига чакирилган икки қария саклардан.

— Йўқ, — жавоб берди улардан бири. — Улар мемакен саклари.

— Яксартлар, — қўшиб қўйди иккинчиси.

— Демак, у ерда учта халқ экан-да?

— Битта. У фақат турлича аталади.

— Қайси тилда гаплашадилар?

— Бизнинг тилда гаплашадилар.

— Бир сўз билан айтганда, скифлар экан-да, — қулимсиради Искандар. — Улар нима учун йиғиляптилар?

Қариялар жим турдилар. Демак, мемакенлар македонлиқларни шимолга қўймас эканлар. Бундан чиқадики, Шашнинг йўли кесилган.

— Скифлар! — Искандар бошини қимирлатди. — Барча скифлар, улар қанча бўлмасинлар, менга қарши чиққанга ўхшайдилар. Уларни кимдир гижгижлатяпти. Менинг иним Спитамен эмасми?



Искандар адашмаган эди. Эрталаб Самарканддан чопар келди. Унинг кийимлари йиртилган, ўзи роса саваланган ва қонга беланганди.

— Офат, Искандар, — чопар шоҳнинг чодирига югуриб кирди ва шошганидан таъзим қилишни унутди. — Спитамен исён кўтарди ва Клитнинг отрядини тор-мор этди. Бутун Суғдиёна жангга отланди.

Мароканддаги Спитамен бошлиқ кўзғолон ҳақидаги ахборот Искандарни қаттиқ хаяжонга солди. У ўз хузурига қўмондонлар — Менедем, Андромач, Каран ва таржимон Фарнухни чакириб, 3000 пиёдалар ва 800 отлик аскарлар билан уларни тезда Самарканддаги кўзғолонни бостиришга юборди. Ўзи эса ҳозирги Хўжанд ва Бегобод шаҳарлари оралигида қалъа бунёд этишга киришди. Ун етти кун деганда барча уй ва иншоотларнинг томи ёпилди. Бу қалъа Александрия Эсхата, яъни Узоқ Искандария деб аталди.

\* \* \*

Шу орада Самаркандга Кирополдан Бахтвар юборган чопар етиб келди. У Спитамен барча воқеалар — Киропол, Ғазо деворлари остидаги ва атроф қишлоқлардаги жанглар ҳақида ахборот берди.

— Менедем отряди Самаркандга қараб ҳаракат қилмоқда, — хабардор қилди чопар, — аммо Ўратепа орқали эмас, шимолий йўл билан — Дизак (Жиззах) орқали.

Спитамен ўша заҳоти чора кўрди, икки қисм, бири отлик, аскарларни сафлади, ҳарбий бошлиқлар ўртасида вазифаларни тақсимлади ва кейинги воқеаларни кутди.

Қаерда пистирма қўйиш ҳали аниқ эмасди. Суғдий шунга ҳаракат қилдики, дастлабки қадамни у эмас, балки македонлик қўмондон ташласин. Сиёвуш насли Клитга қарши Чўпонато жангида қўллаган кураш усулини ишлатишни мўлжаллади. Пистирмани Илон Ўти дарасида, Сангзорда (Жиззах яқинида) ташкил этиш ҳақида қарорга келдилар. Шундан кейин Спитамен ҳарбий бошлиқларнинг ва фуқаролар раҳбарларининг аниқ вазифаларини белгилаб берди.

Сангзор халқ кўнгиллиларининг бошлиғи Авранд, уни «халқ жангига» юбориш пайтида, Спитаменнинг:

«Халк қасосчиси дадил, чакқон ва толмас бўлиши керак!» деган сўзини яхшилаб қулоғига илди.

Авранд учун дадиллик ва чакқонликни бировдан сўрашнинг хожати йўқ; унинг гуруҳи икки юзу эллик пиёда ва ўттиз отликдан иборат.

Спитамен халк қасосчилари гуруҳларини ташкил этиш учун уларнинг бошлиқларини шахсан ўзи танлади, бошлиқларга эса одамларни танлаш ҳуқуқини берди. Бошлиқ Авранд ҳам маҳаллий фуқаролардан ёш қасосчиларни тўплади. Факат темирчи Жўра қирк ёшда, лекин хушёр ва чакқон. Авранд икки кеча-кундуздан бери чарчамай, шимолий-шарқдан Жиззахга яқинлашаётган юнон-македонликларни пойларди. Улар тўрт мингдан ортик эдилар, шундан мингга яқини — отликлар. Бу ҳақда унинг ёрдамчиси, ёш ҳарбий бошлиқ Муродот тезлик билан Спитаменга хабар етказди.

Муродот ўз пиёда аскарлари билан Сангзор дарёси бўйидаги ўрмонда туриб, Жиззах томонидан аниқ хабарни кутди. У Дилшод ва яна иккита фаол аскарга душман харакати ҳақида маълумот бериб туришни топширди.

Бағаядиш (октябрь) ойининг булутли кунларидан бирининг субҳидам пайти. Авранд гуруҳи Жиззахдан икки фарсанглик масофада, Илон Ўти дарасининг шимолий-шарқий томонидаги қишлоқда жойлашганди.

Қишлоқ бўм-бўш, тонг ёришмоқда — барча аҳоли ўрмон ва тоғларда яширинган. Дарча ва дарвозалар очиқ, ҳеч қайси ўчоқ ва туйнуклардан тутун чикмаяпти. Бахмалсой ва бошқа қишлоқларда ҳам аҳвол худди шундай.

Авранд гуруҳи ўрмон ичидаги яланг жойда турибди. Катта йўл бўйида маҳаллий қасосчиларнинг учтаси қорувуллик қилмоқда. Уларнинг вазифаси — македонликлар яқинлашиши билан Аврандга ва Спитамен бошчилигидаги Илон Ўти дарасида жойлаган асосий қисмга хабар етказиш ва душманнинг асосий гуруҳга яқинлашиши билан орқасидан зарба бериш учун Авранд гуруҳини катта йўлга чиқаришдан иборат.

Бундай шароитда урушишга ўрганган Спитамен аскарлари тўнкалар ва ёнғоқ дарахтларининг патилари орқасида шундай яширинган эдиларки, гўё ерга кириб кетгандек. Одамлар овози-ю, отларнинг қишнаши ҳам

эшитилмасди. Ҳар ерда яширинган одамлар олдидан чопиб кетаётган кичик ёки каттарок ўрмон ёввойи ҳайвонлари уларга қоқилиб, қўрққанларидан яна тезроқ қочиб кетарди; ўшанда фақат қарға, хакка, қизилиштон ёки бошқа ўрмон қушларининг овози эшитиларди, холос.

Сугдийлар бу товушларни завқ билан эшитарканлар, айниқса қизилиштонларнинг овозини мароқ билан тинглардилар, чунки уларни бахт келтирувчи қушлар деб билишарди. Қизилиштонлар эса ўрмонда жуда кўп ва ҳар томондан дарахтларни тумшуклари билан тақиллатиб, тез мунтазам ураётган овозлари келарди. Гўё улар дарахтларни тумшуклари билан эмас, балки, болғачалари билан темирчига ўхшаб сандонларни урардилар ва эрта-лабдан буён ғайратга миниб ишлаётганга ўхшардилар. Эрзиф ва унинг қурувчи дўстларига улар ўзларининг янги уйлари учун ёғоч тайёрлаётган дурадгорларга ўхшаб кўриндилар.

Вақт ўтарди, аммо ўрмонда қушлар ғавғосидан бўлак овоз эшитилмасди. Қуёш анча баландга кўтарилиши билан ҳаво исий бошлади, аскарлар ҳали ҳам ётардилар. Ниҳоят, Муродот, кутиш ва жимликдан зерикиб, Спитаменга энгашиб, унинг қулоғига алланима демоқчи бўлди. Аммо у улгурмади, Спитамен тўсатдан унинг оғзини қўли билан бекитиб, хакканинг шақиллаган овозига қулок солди.

— Жим! — деди у. — Бу хабар белгиси!

Бир неча дақиқадан сўнг йўлда Авранднинг сувори даракчиси кўринди; отининг туёқларига, овози эшитилмасин ва излари кўринмасин, деб қўй териси боғлаб кўйилганди.

Даракчи атрофга қаради; ўрмон ичидан шақиллаган жавоб овозини эшитгандан кейин, у ўрмонга кириб кетди ва бир неча дақиқадан сўнг Спитамен хузурида бўлди.

— Келяптилар! — деди у.

Даракчи Авранд гуруҳи македонликларни дарага ўтказиб, орқага қайтиш йўлини бекитгани ҳақида хабар берди.

Авранд ҳаммага ўз жойларида туришларини буюрди ва отига миниб, Дилшод билан бирга ўрмоннинг яланглик жойига борди. У нинабарг буталарнинг қалин жо-

йига кирди. Дилшод бирмунча нарироқда отларни ушлаб турди.

Авранд македонлик аскарларнинг катта йўл билан Сангзор томонига келаётганликларини кўрди. Йўл аскарлар билан тўла бўлиб, аравалар ҳам келарди. Уларда Ғратепа ва Кирошатда таланган — гиламлар, мўйналар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар ортилганди. Аскарлар эса бу нарсаларни кўрсатмаслик учун аравалар устини ифлос матолар билан ёпган, ёки сабзи ва карам барглари солинган халталарни ортган эдилар.

Авранд македонлик қўмондон Менедемни кўришни истади. У анча вақт ўрнида туриб, ўтаётган аскарлар ва араваларни кузатди. Бу мустамлакачиларнинг муваффақиятли ҳужумдан кейинги ҳаракатлари эди.

Юнон-македонликлар Сангзорда тўхтамадилар, уларнинг кўплари маҳаллий фуқаролар ховлиларига кириб қимматбаҳо нарсаларни олдилар ва йўлларига равона бўлдилар. Марокандга, қўзғолонни бостириш учун шашардилар. Улар Спитамен тайёрлаган пистирма ҳақида, ўз заволлари яқинлашаётгани ҳақида ҳеч нимани билмасдилар.

Македонликлар пистирмага яқинлашганликлари билан суғдийлар ва даглар, буйруққа мувофиқ отларига миндилар. Ҳар бир отга иккитадан аскар минди, чунки отлик жангда, от олдида ўтирган аскар македонликка найзаси билан ташланса, унинг орқасидаги аскар ерга сакраб, душманни ўз қуроли билан янчиб, унинг отига миниб олар ва жангни давом эттирарди. Спитамен ўз аскарларини шунга ўргатди. Унинг буйруғи билан улар душман аскарларини тезлик билан ўраб олиб, айна бир пайтда ёндан, олдиндан ва орқадан зарба бера бошладилар. Менедем ҳам ҳар томондан ўраб олинди.

Унинг отряди Спитаменникига нисбатан озчиликни ташкил этишига қарамай, у анча узоқ қаршилик кўрсатди. Менедем ўз аскарларини нотаниш жойда пистирмага тушганда, рақибга имкони борича қаршилик кўрсатиб, ўзини асирга туширмай мардларча ҳалок бўлишдан бошқа шарафли иш йўқ, деб ишонтирди. Менедемнинг чавандозлари пиёдаларга ёрдам кўрсатиш учун интилдилар, лекин суғдийлар орасидан ўтолмадилар; ўзларини суғдийларнинг ўрмон ичидан чиқиб келаётган чавандозлари ўраб олдилар. Шу фурсатда Спитамен ўз гуруҳи

билан македонликларнинг пиёда аскарларига зарба берди.

Аммо зарба Спитамен кутгандек муваффақиятли бўлмади. Македонликлар узун ва оғир найзаларининг учини ерга тикиб, уларни шундай текис ва мустаҳкам ушладиларки, суғдийларнинг енгил отлари бу деворни ёриб ўтолмадилар. Эрзифнинг байтали, суягидан ярадор бўлиб, тик турди ва тумшуғи билан ерга қулади. Бир захоти эски суғдийнинг устида ўлим хавфи тик турди; лекин кўп мураккаб вазиятларни бошидан кечирган тажрибали жангчи, оёқларини узангидан бўшатиб олиб, бақувват қўллари билан македонликнинг найзасини қаттиқ ушлаб, ўрнидан сакраб турди, қиличини кинидан тортиб олиб, душман зарбаларини қайтара бошлади.

Спитаменнинг оти македонлик пиёдаларнинг найзалардан кўтарган деворларигача чошиб келиб, такка тўхтади ва орқа оёқларида тик турди; суғдий найзани ушлаб тиралди, лекин найза синди ва у ҳам қиличини кинидан чиқармоқчи бўлди. Лекин душман билан олишаётган Фаррух буни кўриб қолиб, дарҳол Спитаменга ўлдирилган юноннинг ойболтасини узатди. Жанг киргинга айланди. Айрим македонлик харбий бошликлар ўзларини асирга топширишга шошилиб, қон оқаётган ерда тиз чўкардилар. Лекин Менедем хали урушарди, чунки унинг оти кучли эди; ўз отида у бир неча бор суғдийлар қаторига сукилиб кириб, уларга заба берди. Аммо Спитаменнинг ойболтасидан қаттиқ яраланган Менедем кучсизланди ва ўзининг яқин дўстларидан бири, Гипсидни чақириб, менинг отимга ўтириб қоч, деб талаб қилди. Бу сўзни айтиб, у жон берди ва ерга қулаб тушди. Менедемнинг отига Эрзиф ўтирди. Гипсид қутилиши мумкин эди, лекин ўз дўстини йўқотиб, ўзи ҳам ўлишга қарор қилди. Ўз отини никтаб, суғдийлар гуруҳига кирди, улар билан қаттиқ олишди ва ниҳоят, найзалар зарбасидан халок бўлди.

Жанг давом этарди. Суғдий аскарлари душманни ўраб олдилар ва қиса бошладилар. Яна қиличлар кўтарилиб қалқонлар даранглади, найза ва тирлар физиллаб учардилар... Суғдийлар юнон ва македонликлар халқасига кириб қира бошладилар, улар миқ этмай, довжурлик билан жон берардилар.

Тезда суғдийларнинг қаттиқ зарбалари остида македонликлар давраси парчаланиб кетди. Аммо уларнинг тарқалаётган кичик гуруҳлари ҳам шиддат билан жанг қилардилар.

Бу жангда 2000 дан ортиқ юнон-македонлик пиёда аскарлар ва 300 отликлари йўқ қилинди. Омон қолган Андромех, Каран ва уларнинг отликлари Самарқанд томонига қараб кочдилар, айримлари Булунғур зовуридан ўтиш пайтида кириб ташланди, ўзлари эса тахминан 350 отликлари билан Октепадаги тепаликка чиқиб олдилар. Спитамен уларни очлик билан қўлга олиш учун камал қилди.

Тирик қолган ва ҳар томонга қочиб кетган Менедемнинг пиёда аскарлари қасосчи фуқароларнинг қўлларига тушдилар.

Қасосчилар Спитамен буйруқларини аниқ бажарардилар: мунтазам равишда унга ўз ҳаракатлари ҳақида хабар бериб турдилар.

Спитамен турадиган уйнинг эшиги олдида фуқароларнинг бир гуруҳ қасосчилари туришарди. Уларнинг айримлари белларига македонликлардан тортиб олган қиличларни, елкаларига камон, тирдон ва палахмонларни осиб, баъзилари оддий болта, ўроқ ёки бошқа қуролларни қўлларида ушлаб турардилар.

— Юнонларга ҳеч қаерда тинчлик йўқ, — хикоя қиларди ёш қасосчи.

Қасосчилар турли мавзуларда суҳбат қилардилар; Спитамен эса шу фурсатда, ҳар хил шакл ва ҳайкалчалар устида бошини эгиб, душманга пистирма қўйиш, уни ўраб олиш ва зарба бериш лойиҳалари ҳақида ўйларди. У деразадан қаради.

— Бугун бизнинг меҳмонларимиз кўп! — деди суғдий, қувониб. — Нима, яна асирларни олиб келдингизларми? Қанча?

— Етти юздан кўпроқ, — жавоб берди Жўра.

— Кўрдингми, дўстим, фуқароларнинг жанги қандай экан. Бугун душман кўпроқ аскарларини йўқотибди. Офарин, азаматлар!

Спитамен фуқаролар гуруҳлари чопарларининг ахборотларини тинглади; булар зироатчилар, хунармандлар, айрим майда савдогарлардан иборат. Уларни уюштиришда, душманга қарши курашга сафарбар этишда «Мушт-

бозлар жамияти»нинг кўп аъзолари жонбозлик кўрсатдилар. Бу кураш юнон-македон истилочиларига қарши ҳақиқий халқ кўзғолони эди.

Спитамен хузурига Фаррух кирди ва Чўпонато жангида асирга олинган Клит ва Меламеднинг йўқолганликлари ҳақида хабар берди. Қоровуллардан тўрттаси ўлдирилган. Қочоқлар хали топилган эмас.

— Қидириш давом эттирилсин, — жиддийлик билан деди Спитамен. — Уларнинг қочишига ким хомийлик қилганини аниқлаш керак!

## Й н г и р м а б и р и н ч и б о б

### ПОЛИТИМЕТ СОҲИЛИДАГИ ЖАНГ

Менедем, Андромах ва Каран гуруҳларининг тор-мор этилиши ҳақидаги хабар Искандарни ғазаблантирди. Шох ўз аскарларининг Илон Ўти дарасида исёнчилар томонидан мохирлик билан мағлуб этилганини яшириш учун Кирошатга келганларни, агар улар бу мағлубият ҳақида гап тарқатсалар ўлимга маҳкум этилади, деб кўрқитди. У исёни бостириш чораларини ўйлаб чиқиб, зудлик билан Спитаменга қарши бор кучлари билан Самарқандга боришга қарор қилди.

Шох, ўзининг рухий ҳолати унинг соғлигига мувофиқ келмаётгани учун бир оз дам олиш мақсадида яқинда бузиб ташланган Кирошатдан нарироқда, Яксарт дарёсининг устида чодир торгитди. Лекин халқ исёни бостириш йўли ҳақида ўйлаб на кечаси, на кундузи ухлай оларди. У кечалари мижжа қоқмай, гоҳида чодир этагини кўтариб атрофларга қарар, кирошатлиларнинг гулханлар атрофида тўпланиб ўтирганларини кўриб, улар ҳам македонликларга қарши исёнга тайёрланмоқдаларми, деб аниқламоқчи бўларди.

Кун ёришди. Искандар кийим-аслаҳаларини кийиб, жангчилари олдига чиқди. Жанг ва юришлардан толиққан аскарлар сафланмасдан уни олқишладилар. Улар, бугун ўз ниятлари амалга оширилса керак, деб умид қилардилар. Кўплари ўз ичларида: «Бас! Энди уйга қайтиш керак! Агар ақлдан озган биров юришни давом эттиришга мажбур этса...», деган фикрни такрор-

лардилар. Аскарлар ўзаро шўхлик қилиб, ноғора чалгандай, камон тирларини қалқонларга уриб, ҳеч ким уларга хавfli эмас ва улар ўзларини химоя қила оладилар деган маънода кучларини намоиш қилардилар.

— Жим! — кичкирди Дикфер. — Искандарни эшитинглар!

Шовкин тинди; жимликни фақат дарёнинг бир оҳангдаги овози ва майсазорда ўтлаб юрган отларнинг кишнаши бузарди.

— Биродарлар! — деди Искандар паст овоз билан. Аскарлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарадилар. Шох узоқ пайтдан бери уларни биродарлар демаганди. — Биз бигаликда жуда кўп йўл босдик, кўп қийинчиликларни кўрдик. Бошимизга тушган мусибатлар бизни бир умрга яқинлаштирди...

Аскарлар уни қимирламай тингладилар. Агар Искандар ўз сўзини таъналадан бошлаганида, у одамларнинг газабини келтириши мумкин эди, газабланиш эса кўрқокни ҳам ботир қиларди. Улар энди андишага тушиб, ўз ниятларини — юришни бас қилиб, уйга қайтиш ҳақидаги орзуларни қандай баён этишларини билмай қолдилар. Аммо аскарлар ичида ботири топилди; бу марфонлик палахмончи, Варрес эди. У бошқаларнинг орзуларини ҳам баён этиш учун вазминлик билан сўзини бошлади:

— Биз сенинг бошчилигингда, ҳақиқатан ҳам, жуда кўп йўл босдик, бир-биримизни яхши тушуниб олдик. Мақсадимизга ҳам эришдик. Лекин бу лаънати юриш ҳамон чўзилиб кетяпти. Сен уруш бошланмасдан олдин: «Қилган жиноятлари учун форслардан узил-кесил қасос олиш бизнинг бурчимиз!» дегандинг. Биз эса форслардан ўч олиб бўлгандан кейин ҳам осиеликларнинг ерларини истило этиб, бегуноҳ фуқаролар қонини тўкиб юрибмиз. Энди юришни бас қилсак бўлар? Уйга қайтиш пайти келмадимиз?

— Уйга қайтамыз!!! — минглаб одам бир овозда кичкирди.

— Уйгами? — кинояли жилмайди Искандар. — Бўпти. Мен сизларни ушламайман. Кетинглар! Кетинглар, агар кета олсанглар. — У кулимсираб қўллари билан атрофни кўрсатди. — Сизлар бир нарсани унутибсизлар. Биз бутун оламдан кесиб ташланганмиз. Сизлар тўрт то-



мондан скифлар куршовида қолгансизлар. Спитамен исён кўтарибди, Бактра қўлдан кетган, агар менга ишонмасанглар, чопар сўзларини эшитинглар. Сизлар бегона мамлакатда яққаланиб қолгансизлар. Бу ерларга келганлар камдан-кам қайтиб кета оладилар. Сизлар катта хумнинг тубига тушиб қолган сичқонга ўхшайсизлар. Атрофда юз минглаб варварлар юришибди. Кетишга уриниб кўринглар-чи!

— Ҳаммасига айбдор ўзинг! — кичкирди Варрес.

— Нега? — сўради Искандар, палахмончига зимдан совук қараб.

— Сен бизларни тузокқа туширдинг! — хитоб этди марафонлик.

— Шундайми? — жаҳл билан сўради Искандар. — Мен айбдорми? Сизлар очкўзлик билан варварларни талаб, улар домига тушмадиларингми? Сизларнинг устларингдан ҳар бир осийлик кулмоқда. Мен сизларни бу тузокдан олиб чиқмоқчи бўлувдим, лекин сиз, аблахлар, менга кулок солмаяпсизлар! Мен сизлар учун энди ёмон бўлдимми? Майли, шундай бўлсин! Кулок солинглари: мен ўзимни Спитаменга топшираман ва, агар уни рози қила олсам, уйимга кетаман. Сизлар эса... агар ўзларингизни шунчалик доно деб билсангизлар, билганларингизни қилинглари. Хайр!

Искандар шошиб тепаликдан туша бошлади. Унинг орқасидан шахсий соқчилари — Птолемей ва Дикфер йўрғаладилар. Аскарлар кўзларини очиб қолдилар ва барча гиналарини бирданига унутдилар. Искандар уларни ташлаб кетмоқда! Улар аразлаб, уйини ташлаб кетаётган отанинг орқасидан итоатсиз болалари йиғлаб қолгандек, шохга гунохкордек ожизона қарадилар. Искандар уларни ташлаб кетмоқда! Аччиқланган ҳукмдор томонидан итариб юборилган Беф ва Лаэрт, бир-бирларига қараб, нима қилишларини билмай, қулларга ўхшаб ўзларини шохнинг оёғи остига ташладилар.

— Искандарга шон-шарафлар!!! — кичкирдилар юнон-македонликлар. Иккала сафдошларининг қилиқлари одамларни довдирашдан халос этишга туртки бўлди ва уларнинг фикрларини бош томонга бурдилар. Искандар қўлини кўтариб тўхтади. Унинг қўл силкитиши ҳаммани тинчитди.

— Мендан нима истайсизлар?

- Искандарга шон-шарафлар!
- Менинг қолишимни хоҳлайсизларми?
- Искандарга шон-шарафлар!

Искандар шу фурсатда ўз режасини изҳор этди:

— Биз учун бу ердаги барча варварларга қараганда энг хавфлиси суғдийлар бўлгани учун, биз аввал Спитаменга ҳужум қиламиз.

— Искандарга шон-шарафлар!

— Лекин, — давом этди Искандар, — даставвал биз ўзимизни шимол ва шарқдаги скифлардан хавфсизлантиришимиз керак. Чунки варварлар орқамиздан бизга зарба бериш учун пайт пойламоқдалар. Биз Яксартни кесиб ўтиб, унинг нарғи соҳилида тўпланган варварларни тарқатиб юборишимиз лозим. Шундай қилиб, биз скифларнинг Марокандга кетадиган йўллариини кесиб ташлаймиз ва варварлар Спитамен аскарларига ёрдамга боролмайдилар. Тушунарлими?

У ўнг қўли билан буйруқ ишорасини қилди.

— Олга! Яксартни кечиб ўтиб, скифларни шимолга қувайлик!

Яксартни сузиб ўтиш бошланди. Қалқонлик аскарлар тахтадан супачаларга ўхшатиб тайёрлаган ясси кемаларга ўтирдилар ва ўнг қирғоққа қараб суза бошладилар. Айрим супачаларга отлиқлар ўтказилди. Шохнинг ўзи танланган аскарлари билан бирга биринчи бўлиб ўз кемасини нариги қирғоққа хайдатди. Унга зарба бериш учун скиф (сак-мемакен) отлиқлари дарё бўйида шай бўлиб турардилар. Македонлиқлар ракибларнинг зич турган гуруҳларига қараб найза ота бошладилар. Скифлар ҳам македонлиқларни тирборон қилдилар.

Кемалар қирғоққа яқинлашиши билан, қалқонли аскарлар бирданига ўз ўринларидан туриб найза ва тирларини ота бошладилар. Саклар ўз елдириш отларида ҳар томондан тўсатдан пайдо бўлиб, Искандар аскарларини камондан ўққа тутардилар, ғазабланган Искандар сараланган отлиқлари билан скифлар устига бостириб борди. Улар энди катта кучга бардош беролмай, орқаларида ўлигу ярадорларни қолдириб, чўл ичкарасига чекиндилар. Таъқиб давом этди. Лекин уларга етиб бўлмади.

(Квинт Курций Руфнинг айтишича скифлар 1000 та ўлик аскар, 180 нафар асир ва 1800 бош отларни ташлаб кетдилар. Македонлиқларнинг талафоти — 60 та ўлик

отликлар, 100 та пиёда ўликлар ва 1000 нафар ярадорлардан иборат бўлди.)

Македонликлар қоронғи тушганда орқага қайтиб, бу тазорда тўхтадилар. Шу ерда тунашга қарор қилинди. Ичиш учун, кидириб-кидириб, қаердандир илиқ кўлмак сувини топдилар. Ундан шох ҳам ичишга мажбур бўлди ва қорин оғриғига учраб, бир хафтача ўрнидан туролмай ётди.

Искандар қорин оғриғидан тузалиб, Спитамен билан жанг қилиш учун бор аскарлари билан Суғдиёна пойтахтига жўнади.

Истилочиларнинг Суғдиёнанинг шимолий-шаркидаги жангларда ғалаба қилганликлари суғдийлар ва бошқа қабилаларнинг анча қисми учун ваҳима туғдирди.

Суғдий хабарчилари, Искандардан икки кун олдин Самарқандга етиб келдилар ва Спитамен хузурига кириб, уни бутун воқеалардан хабардор қилдилар.

\* \* \*

Искандарнинг катта қўшини билан тўкнашмаслик ва шиддатли хунрезликларга олиб келиши мумкин бўлган жангга йўл қўймаслик умиди йўқолгандан кейин қўзғалган аскарлар ва фуқаролар Спитамен таклифини қабул қилишга қарор қилдилар: Самарқандни қолдириб ғарб томонга кетмоқчи. Зарафшоннинг шаҳардан икки-уч фарсанг масофадаги соҳилида тўхтаб, Искандар аскарлари шаҳарга кирганларидан кейин қандай вазият юзага келишини кутмоқчи бўлдилар. Спитамен соғлом ақлли ва узоқни кўрабиладиган қобилиятга эга, бундай қобилият уни ўз даврининг энг яхши қўмондонларидан бири бўлиб етишганининг омили эди; у Самарқанд шаҳри ичида Искандар қўшини билан жанг қилиш македонликларнинг ғалабаси билан ва шаҳар фуқароларининг, қуролсиз аҳолининг қони жавран (фойдасиз) тўкилиши билан тамом бўлиши мумкинлигини яхши тушунарди. Шунинг учун шаҳарда Суғдиёна оқсоқоллари Мажлисининг айрим аъзоларини — тўксон ёшлик Дилпазир ёки Моявар бошчилигидаги қариялар гуруҳини қолдириб, кераксиз қон тўкиш олдини олиш учун Искандар билан музокара олиб бормоқчи бўлдилар. Искандар Спитамен билан музокара олиб боришдан бош тортса, қўзғолган суғдийлар македонликлар билан шаҳар ташқарисида жанг қилмок-

чи бўлдилар. Бу қарор Мажлиснинг қисқача йиғилишида маъқулланди.

Мажлисдан кейин Спитамен ўз соқчилари билан уйига келди.

Фаррух сугдийга ҳибсдан Клитнинг йўқолиши ҳақида ўз шубҳаларини баён этди.

— Корун, — хаяжонланиб гапирди у, — Сугдиёнада содир бўлаётган воқеаларга нисбатан бепарво ва бепарқлик билан муносабатда бўлмоқда. Клит ва Меламеднинг йўқолганларидан, гўё унинг хабари йўқ. Ваҳолонки, Корун менинг фикримча, уларнинг қочишини ташкил этган, унинг одамлари қамокдаги бу қўмондонларни Искандар Самарқандга келгунича қаердадир ушлаб турибдилар.

Спитамен узоқ вақт кўзларини юмади, «Ўзи нима бўлмоқда? — ўйлади у. — Ҳамма ишлар чаппасига келаяптими? Клит ва Меламедни биз гаров тариқасида қамокда ушлаб турмоқчи эдик. Энди, аксинча, уларни Корун ўз мақсади учун Искандар келгунига қадар гаров сифатида ушлаб турмоқчи».

— Спитама! — сугдий хаёлини Заранинг хаяжонли овози бўлди. — Нимани ўйлаяпсан?

— Қандай қилиб македонликлар билан урушмаслик ҳақида ўйлаяпман, — секингина деди у. — Агар унинг олди олинмаса, замонамизнинг энг даҳшатли уруши содир бўлиши мумкин.

— Жоним, сендан ўтиниб сўрайман, уларга қарши чиқма. Агар Искандар қазабланса...

— Ҳаммаси яхши бўлади, гўзалим. Ҳаммаси яхши бўлади. Мени сев, бошқа ҳеч нимадан ташвишланма.

Бир соадан кейин сугдий яна чиқиб кетиб, уйига кечроқ қайтиб келди. Унинг кўзлари ярқираб, табассуми қувонарли эди.

Эрининг келиши билан Заранинг кайфияти ҳам бир оз кўтарилди. У ҳозир эрини қаттиқ соғинганини сезди, чунки охириги кунларда тез-тез хизмат сафарларида юриб, уйда жуда оз бўларди. Агар у ҳозир ҳам хизмат сафари кайфияти билан унга дуч келганда, Зара унинг бағрига ўзини ташламоқчи эди. Лекин унинг қувноқ табассуми... Демак, у хотинини соғинмаган экан-да? Зара кўзларини пастга туширди ва ўгирилди.

— Хафа бўлма! — Ёнида ўтириб, уни ўзига тортди. — Нима бўлаётганини ўзим билмайман. Иш жуда кўп.

Зара эрини бағрига тортишни истаётган бўлса ҳам, ўзини четга олди. Эрга чиққан чоғларининг дастлабки кунларида у шундай иккиланиш хиссиётини сезган эди. Аёлнинг юрагида нима галаба қилиши — Спитаменга боғлиқ эди. У буни сезди ва ўпишга хасислик қилмади.

— Ранжима, осмон юлдузи, — пичирлади у хотинининг қулониغا. — Сенинг қулинг ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ.

— Сен нима билан шуғулланидинг?

— Қаттиқ ўйладим, режалар ва хатлар туздим.

— Қандай режа? — курукрок сўради у, секин-аста мулойим бўлиб.

— Шаҳар аҳолисини бошқа туманларга қисман кўчириш ҳақида.

— Нима қилмоқчисан? — хитоб этди у хайрон бўлиб.

— Шаҳар аҳолисини қутқармоқчиман! Искандар билан жанг бўлса, аҳоли шошиб қолмаслиги керак.

— Мен ҳам кўчишим керакми?

— Ха, агар сен ва Апама онам билан Панжакентга, унинг танишлариникига борсангизлар яхши бўларди. У ерда хавфсизроқ. Онам ва Апама бу ҳақда аллақачон билдилар.

— Мен сенинг онанг билан кетишни хохламайман.

— Сен, менинг оқилам, вужудга келган вазиятни яхши тушунишинг керак.

— Балки, мени ўзинг билан бирга олиб кетарсан? Мен фақат сенинг ёнингда бўлишни истайман.

— Лекин бизнинг отларимиз сен учун жуда катталик қиладилар, — хазиллашди суғдий. — Сен уларни удда-лаёлмайсан.

— Ундай бўлса мени эгарга боғла, лекин ўзингдан хайдама! — ялинди Зара. — Агар от устида юриш мумкин бўлмаса, орқангдан пиёда чопишга рухсат бер. Тиззаларимгача тиканларга юлинсам ҳам, орқангдан қолмайман.

Спитамен кулди.

— Шундай қилиш зарурми! Уруш тамом бўлар ва бизлар яна бирга бўлармиз.

— Менинг онам-чи? У ҳам кўчадимми?

— Буни онанг ва отанг ҳал қиладилар, — жавоб берди суғдий, хотинини пешонасидан ўпиб, ўрнидан ирғиб турди.

— Сен қол, мен тезда қайтаман.

У шунча тез кетиб қолдики, ҳатто Зара унинг этагидан ушлашга ҳам улгурмади. Хотин қизариб, эрига узатган қўлларини пастга туширди. Заранинг юзи ёвузлашиб, чиройини йўқотди. Бу одам нимага ҳаракат қилаётганини у тушунмасди. Зара сал-пал пайқарди: Спитаменнинг ҳаракати унинг ўгай отаси ва онасининг тинчлигига зарар етказди, демак, унинг ороми ҳам бузилади. Анча вақт, ярим тунгача у дераза олдида, аччиқланиб ва сукунатда ўтирди ва Спитамен келмаганлиги учун, аёлнинг юрагини жудоликнинг совуқ хиралиги қоплади.

\* \* \*

Спитамен ўзининг ҳокимлик ишхонасида. У шахсий соқчисидан сўради:

— Корун келдими?

— Ҳа, у қабулни қутмоқда.

Залга қўлларини кўтариб Корун кирди.

— Корун, нега кўринмайсан? — ундан сўради Спитамен.

— Юришман, — жавоб берди у, суғдийга яқинлашиб. — Ўзимнинг ярим бўш қалъа ва боғларимда. Хўжалик ишлари билан бандман.

— Қўзғолган аҳолига кўмаклашмайсан?

— Қанақа қўзғолиш? Қўзғолончилар ким?

— Нима, сен халқ қўзғолонидан ва Клит аскарларининг тор-мор этилганлигидан беҳабарми?

— Мен ўшанда уйдан чиқолмаган эдим. Кейин эса... Клит ўз гуруҳи билан ўзига керак томонга кетиб қолган бўлса керак, деб ўйладим. Македонликлар менинг қалъамдан йўқолганларидан кейин мен озод бўлдим. Сен ўшанда мени қутқармадинг, шунинг учун энди мен ҳеч кимга керак бўлмас эканман, деб ўйладим, — гина қилди Корун.

— Бу бекор гап, — унга жавоб берди Спитамен. — Сен доим бизга керак, қўзғолган аҳолига кераксан.

— Янами? Қанақа қўзғолон?

— Искандарга қарши!

— Нима? — бактриялик ўзини моховдан четга олгандек, Спитамендан узоқлашди. — Нима деяпсан?

— Ха, бутун Суғдиёна Македонлик Искандарнинг аскарларига карши қўзғолди, — давом этди Спитамен Коруннинг аҳволига эътибор бермай. — Тоғликлар Ўратепа ёнида мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, юнон-македонликлар учун Самарқандга келиш йўлини кесдилар. Клитнинг отряди Самарқанд ва атроф ўлкаларнинг фукараларини, уларга карши жанг очиб, ўзига бўйсундирмоқчи бўлди, лекин мағлубиятга учради. Асирга тушган Клит ва Меламед, кимнингдир ёрдами билан қочдилар. Кейин Искандар қўзғолганларни тор-мор этиш учун Самарқандга ўз қўшинидан уч қисмини Менедем, Андромах ва Каран қўмондонлигида юборди. Жангда улар ҳам мағлуб бўлдилар. Менедем ўлди, Андромах ва Каран зўрға қутилдилар. Энди Искандарнинг ўзи катта қўшини билан Самарқандга келмоқда. Аммо мен Яксартнинг чап ва ўнг қирғоғидаги сакларга ва Фарғона аҳолисига чопар юбордим. Тиграхауда саклари Искандарни қуршаб олиб, Суғдиёнанинг барча вилоятларидан бизга ёрдам келмагунча, ушлаб туришлари керак. Бизнинг илтимосимизга одамлар жавоб бериб, ёрдамга келишга улгурадилар, деган умидим бор. Ўшанда биз Искандарни ҳамма томондан урамиз. Шунда унинг куни битади.

— Бунга мен ишонмайман, — пўнғиллади Корун.

Спитамен ўз қайнотасининг юзида навозишли кулимсирашдан асар ҳам қолмаганини кўрди.

— Нега сен бундай, а? — сўради суғдий хайратланиб.

— Сенинг ишинг менга ёқмайди, — қурук жавоб берди Корун.

— Нимага?

— Чунки, бу ишингдан натижа чиқмайди!.. Искандар ҳаммаларингни, дайди итлар тўдасига ўхшаб, хайдаб юборади.

— Ўзинг ақлдан озганга ўхшайсан! — аччикланди Спитамен. — Ким бизни хайдаб юборади, агар бутун Суғдиёна кўтарилса, агар бизга массагетлар келиб қўшилсалар? Тушунгин-чи, Искандар ҳозир қопқонда. Агар биз бирданига ташлансак, уни снгамиз!

— Билмайман, қайсиларингиз енгасизлар, — деди Корун. — Мен сени ақли деб ўйлагандим. Нимага сен ўзингни йўлбарс домига ташлайсан? Искандар сени

Суғдиёнанинг сатрапи этиб тайинлади. Сенга яна нима керак?

— О! Сен қандай тилга кирдинг! — Спитамен ковоғини солди. — Билиб қўй: мен учун бошқа шох қўлидан, Сиёвуш наслига тааллуқли Суғдиёнага сатраплик қилишни сўраб олиш уят. Тушунарлими? Мен ўз бўйнимга бошқа хўжайинни ўтқазиш учун Бессдан қутилганим йўқ. Сен яхши биласанки, Суғдиёнанинг сатрапи этиб Искандар мени эмас, Клитни тайинлади. Шунинг учун Клит сурбетлик билан Суғдиёна фуқароларини хўрлади. Мажлис мени Македонияга қарам бўлган мамлакат сатрапи эмас, балки мустақил Суғдиёна ҳокими қилиб тайинлади. Бу лавозимга сен ҳам умидвор эдинг, лекин сайланмадинг.

— Тентак! Бу менга насиб этади, деб умид қиялсанми?

— Нима учун умид қилмас эканман? «Суғдиёнани ҳамиша бошқа мамлакатларнинг шохлари бошқаришлари керак» деб, қаерда ёзган? Худолар уни, бошқа мамлакат эмас, айнан Суғдиёна этиб яратган эканлар, демак у қуёш остидаги ўз ўрнига эга бўлиши учун ҳаққи бор-ку.

— Буларнинг бариси қуруқ гап. — гердайиб деди бактриялик. — Менга қолса, Суғдиёнани тоғларнинг бир кўзли девлари бошқарсалар ҳам майли, лекин омон қўйиб, бойликларимнинг ярмини менга қолдирсалар бас.

Спитамен, қайнотасининг бундай очик гапирганидан хайратланиб, анча жим турди. Ниҳоят, у қатъийлик билан деди:

— Мана энди сенинг қандай эканлигинг маълум бўлди. Лекин ўзингнинг пасткашлигинг билан форсларнинг марҳаматига сазовор бўлганингдек, шу йўл билан македонликлар илтифотига ҳам сазовор бўламан, деб ўйлама. Клит ва Меламеднинг қоронулларнинг қўли остидан, кимнинг ёрдами билан, қандай қилиб қочганлари, улар ўз халоскорларига Искандар номидан қандай ваъдалар берганликлари ҳали менга маълум эмас.

Коруннинг кўзлари бузуқларникидий ҳар томонга югурди. У ўз ҳақлигига қаттиқ ишонарди ва Спитаменни ўтакетган аҳмоқ деб ҳисобларди. Шу вақт Корунни ўз фикридан Ахура Мазданинг ўзи ҳам қайтаролмасди. Спитамен эса унга ўз фикрини ўтқазиш учун тиришарди:



— Демак, менга ёрдам қилмайсанми?

— Мен исёнчиларга ёрдам қилишни хохламайман! — Корун қўлларини силкитди. — Бунинг устига, агар сенинг каллангдаги фикрларни билганимда, сенга ўз қизимни бермас эдим! Мен унга айтаман, уйимга қайтиб келсин. Мен бундай хавфли одам билан алоқа қилмайман.

— Аммо сен ҳам билиб қўй, — Спитамен ўрнидан турди, — мен учун сендек ифлос одамга куёв бўлишдан ёмон шармандалик йўқ. Менга тасалли берадиган нарса шуки, Суғдийнинг ёши катталари сендек аблах эмас. Шуни эсингдан чиқармагин: Спитамен юнон-македонликларни ҳайдаса, у ана шу сўзларни сенга эслатади. Сенга айтадиган бошқа гапим йўқ, сен бўшсан.

Корун хаяжонланди. Ах, у Сиёвуш насли билан ниҳоят жиддийликка борди! Агар Спитамен амалда Искандар устидан галаба қилса? Бактриялик чўчиди. У юзини кулимсираганга ўхшатди, лекин Спитамен кескин тарзда ундан юз ўтирди.

Одамлар орасидаги энг ёвуз киши — кимки ўзини бошқалардан кўпроқ севса, сохта табассумлар билан ўзини раҳмдил қилиб кўрсатишга уринса. Мулойим табассумга ишониш ярамайди — чамалаб кўрмоқда. У ўз моҳияти билан ёвуз, шунинг учун айниқса хавфли. Бунақалар ўз зарбаларини очик тарзда етказмайдилар. Улар одамни яширинча захарлайдилар, агар ҳақиқий захар билан бўлмаса, тухмат захри билан. Корун шунақа одам экан. У Спитаменнинг Искандар билан жангда мағлуб бўлиши учун бор тадбирий чораларини кўрди.

\* \* \*

Милоддан аввалги 329 йил варказан ойининг иккинчи ярми (октябрь—ноябрь)да Спитамен тўққиз ярим минг яхши ўргатилган ва қуроолланган аскарлар ва фуқаролар билан Самарқанддан чиқиб кетишга тайёрланди. Уларнинг ҳаммалари отлар билан таъминланган. Одамлар ўзларининг қўмондонига содиқ эдилар, ҳеч ким, ҳатто уларни кузатаётган шахарликлар — кўчирилмаган аёллар, қариялар ва болалар ҳам нолимасдилар. На кўз ёши, на шикоят сезилмасди. Мамлакат қисмати шу экан, лекин суғдийлар тақдир зарбаларига тан бериш фазилати билан чидадилар.

Спитамен, баланд бўйли ва савлатли, гўё хира ёруғликда милтиллаётган, оқ тулпор устида, ўз аскарларининг сафларини айланиб чиқди. Одамлар унинг дадиллигини кўриб хурсанд бўлишди. Шу кўшин билан у Зарафшон дарёси бўйлаб Дахбедга жўнашга чиқди.

Дарё соҳилларидаги кенг далаларда яхши қуролланган отликлар, енгил ёйчилар, ойболта ва ўроқлар билан қуролланган дехконлар сафландилар. Бурғунинг садоси эшитилди. Спитамен қўлини кўтарди ва аскарлар жўнадилар.

— Лаънати Корун! — тўнғиллади Спитамен, ўз отини тезлатиб. — Кўрқоқ Масаддик! Вахшунвар ва Хориен-чи? Улар Сайроб яқинидаги жангда иштирок этган бўлсалар ҳам, ўзларини муқаддас шахсга ўхшатиб кўрсатсалар ҳам, кўрқоқлар, ўзларини четга олдилар. Бундай муқаддас кишилардан ҳеч ким ҳеч қачон манфаат кўргани йўқ, ер ютқурлар! Эҳ, хушсурат башараларингизга тупурай!

Бу ҳаракатга қўшилмаган ё қарши курашмоқчи бўлган хоинлар қўзғолончиларнинг шаҳарни ташлаб кетганларини ўзларича талқин қила бошладилар. Жумладан, Корун суғдийларнинг чекинганларини эшитиб, хотини ва кизига: «Мен Спитаменни бекорга, қўйга ўхшаган миясиз демаган эдим. Искандар шаҳарда ҳали кўринмай, бу кашшоклар тўдаси оёқ бармоқларини ёғлагандек, жуфтақларини ростладилар» деди. Зара лабини тишлади ва жим турди.

Спитамен оқсоқол Дилпазир, Моявар ва бошқа халқ бошлиқлари билан Афросиёб дарвозаси олдида хайрлашиб, қўшинни Дахбед манзилгоҳи томон юришга буйруқ берди. У энди олдиндаги йўл ва бўлажак жанг ҳақида ўйларди. Олдинда Австан борарди, унинг кетидан — кюнондан тортиб олган тўриқ отда Эрзиф, уларнинг орқаларидан суғдий чавандозлари, яна кейинроқда — барча от пойгаларида ғалаба қилган жасур ва чаккон отликлар — Абкор, Анбоз, Катан, Махрур, Сайлбор, Лагомрез боришарди. Улардан орқароқда — барча мусобақаларда ғалаба қилган жасур ва чаккон чавандозлар ҳаракат қилардилар. Улар қўшинни кузатишга чиққан, узун қатор бўлиб сафлашган ва қўшинга жиддийлик билан қараётган шаҳар фуқаролари олдидан ўтардилар.

Куёш баландга кўтарилганда, кўзғолончилар Самарқанддан уч фарсанглик масофага бордилар ва Спитаменнинг буйруғига мувофиқ Зарафшон бўйида тўхтадилар. Спитамен орқадан етиб келган гуруҳларга ҳам буйрук берди, кейин ҳарбий бошликларга дам олишга ижозат бериб, уларга топшириқлар берди. Шундан кейин у Багиз билан самимий суҳбатлашди.

— Сенинг отинг жонивор бунчалик жиддий кучлинишга бардош беролмайди, — деди ҳоким. — Зарафшон соҳилларида кутилаётган шиддатли жангларда кўп бардам аскарлар ҳалок бўлишлари мумкин. Бу майдонда сен учун, ўлимдан бошқа оқибат бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун мен сендан бошқа хавфсиз жойга кўчиб бориш ва қилич, найзалар яшаш билан шуғулланишингни сўрагандим, сен эса менга кулоқ солмай, бу ерга келибсан.

— Ким билибди? — аччиқ билан эътироз билдирди Багиз. — Мен осойишта кунларда отангнинг қўлида чеканчилик қилиб юрдим, ҳозир эса тофангнинг ихтиёрида, аммо жанг пайтларида мен доим қуролбардорлик қилардим, ҳозир ҳам менинг ўрним сенинг ёнингда бўлиши лозим. Менинг ҳаққимда одамлар Багиз жангдан қочган эди, деб гапириб юришларини хохламайман.

— Мен эса сени қутқармоқчиман, — маъюсона жавоб қайтарди Спитамен. — Менга кулоқ солишга ваъда берганингни эсингдан чиқарма. Жанг Самарқанд кўчаларида бўлганида, балки, сенинг ботирлигинг ҳақида кўшиқ тўкишлари мумкин эди. Аммо Искандар билан жанг бу майдонда бўлмаслиги ва биз узок йўл босишимиз мумкин. Отлиқларнинг биронтаси ҳам сени ўзи билан ололмайди.

Қаттиқ ранжиган Багиз аскарларнинг қувноқлик билан дам олаётганларига қаради, унга эса қўшин сафини ташлаб кетишга тўғри келади. Ёнига кимнингдир келганини сезиб, форс бурилди ва ўз ўғли Бахтварни кўрди.

— «Қатъий иродага тўсик йўқ» деган мақол борку, — пичирлади у Спитаменга, — бизда шундай дейдилар. Фикримча, менинг отам бу юришда сен билан бўлишни хоҳлайди.

— Ҳа, жуда хоҳлайман, — деди Багиз, — лекин...

— Бўпти, мен билан юр, — тўсатдан деди ҳоким ва довираб қолган қарияга кўзини қисди.

Спитамен нарироққа бориб аскарлар билан суҳбатлашди. Танаффус пайтида у ўз чопарларини, хабарчиларини кутди, улар келганда, Искандарнинг Кратер ва бошқа кўмондонлари бошлик кўшини Самарқандга яқинлашгани, унинг йўлидаги халқ исёнлари ва шаҳардаги вазият ҳақида хабарларни тинглади.

\* \* \*

Самарқандга яқинлашиши билан Искандарнинг халқ исёнидан ва нафратларидан юзага келган ғазоби кўрқув ва хавф хиссиёти билан алмашинди. Тўрт кун давомида у катта масофани босиб, икки минг пиёда, уч юз отлик аскарлар ва уларнинг кўмондонлари билан Менедем ҳалок бўлган Илон Ўти дарасига етиб келди. Уларнинг суякларини кўмдирди ва одатга мувофиқ, ўлганларга қурбонлик берди. Шу фурсатда Кратер ҳам катта кўшинни бошлаб етиб келди. Искандар ўз аскарларини қисмларга бўлиб, кишлоқларга ўт қўйиш ва аҳолини қириб ташлаш ҳақида буйруқ берди.

Шоҳ ўз чодирини Самарқанд яқинидаги кўшқда қўйдирди; унинг одамлари жангда омон қолган, лекин қочиб кетиб, ҳар жойда яширинган юнон-македонликларни кидириб топиш билан шуғулландилар. Адроммах, Каран, уларнинг таржимони Фарнух ва қочоқ аскарлар топилди. Кейин Клит ва Меламед ҳам пайдо бўлишди. Искандар аскарлари барча кишлоқларга ўт қўйиб, хотин ва қизларни хўрладилар, ёш болаларни ўлдирдилар.

Бу воқеалардан хабардор бўлиб, Суғдиёна Мажлисининг йигирматача аъзоси, Моявар бошчилигида Искандар чодирига келиб, у билан шахсан учрашишни талаб қилдилар, бу гапни шоҳга етказишни сўрадилар. Уларни чодирга қўйиб, ўтиришга жой кўрсатишди; оксоқоллар диққат билан шоҳнинг ҳар бир ҳаракатини кузатардилар.

Суғдий вакиллариининг шоҳга қарата мурожаатларида ақл ва қатъийлик сезиларди. Бу сўзларнинг мазмуни авлодлар хотирасида қолган. Бизгача етиб келган айрим нодир асарларда баён этилган уларнинг сўзларини қўп ўзгартмай келтириш тақозо этилади. Уларнинг энг кексаси Дилпазир, Искандарга мурожаат қилиб, деди: «Агар худолар сенинг жуссангни очкўзлигингга муво-

фиклаштириб яратганларида, сен бутун оламга сизмас эдинг; бир кўлинг билан Шарқни, иккинчиси билан Фарбни қўлтиқлаб олардинг ва шу чегараларга етиб, худонинг ёруғликни таркатадиган манбаи қаердалигини билишни истардинг. Сен ҳатто камраб ололмайдиганингни ҳам хоҳлайсан. Оврүподан Осиёга интиласан, Осиёдан Оврүпога; агар сен жамики инсониятни ўзингга бўйсундирсанг ҳам, ўрмонларга, тоғлардаги қорларга, дарёлар ва ёввойи ҳайвонларга қарши урушмоқчи бўласан... Хушёр бўл, чўккиларга чиқаман, деб ушлаб турган кўлингдаги бутук билан жаханнамга кулаб тушмасанг. Ҳатто йўлбарс ҳам бир вақт кичкина кушлар учун овқат бўлган; занг темирни ейди. Ҳеч қандай, ҳатто ожиз махлуқдан ҳам, хавф-хатарсиз ҳаёт кечирадиган кучли жонивор йўк. Биз билан сенинг орамизда душманлик қандай пайдо бўлди? Биз ҳеч вақт сенинг ерларингга кадам ташлаганимиз йўк. Сенинг ким ва қаердан келганингни билишга ҳаддимиз йўқми? Биз ҳеч кимга бўйсунганини ва бировга буюришни хоҳламаймиз. Билгин, биз суғдийларда худоларнинг қилган инъомлари — ҳўкизлар, омоч, найза, тир ва коса етарли. Бу нарсалардан биз дўстларимиз билан алоқа қилишда ва душманларимизга қарши курашда фойдаланамиз. Ҳўкизлар кучи билан етиштирган махсулотларни биз дўстларимиз билан баҳам кўрамиз; бир косадан улар билан бирга шароб ичамиз; тирлар билан душманни узоқдан отамиз, найза билан эса — яқиндан. Биз шундай қилиб Осурия шохини, кейин форслар ва мидияликлар шохларини мағлуб этганмиз. Сен бу ерга толончиларни таъқиб этиш учун келганман, деб мактанасан, ўзинг эса борган жойларингдаги барча қабилаларни талайпсан. Лидияни эгалладинг, Сурияни босиб олдинг, Форсни ушлаб турибсан, Бактрия сенинг қарамоғингда; энди хасис ва тўймас кўлларингни бизнинг подаларимизга узатяпсан. Сенга бойликнинг нима кераги бор? У фақат катта очликни юзага келтиради. Сен жуда тўйиб кетганинг учун уни биринчи бўлиб сезаяпсан; қанча кўп бойлигинг бўлса, шунча кучли очкўзлик билан бойликка интилаяпсан. Нахотки, Бактрияда узоқ тутилганингни эсингдан чиқарган бўлсанг? Сен бактрияликларни бўйсундирганигда биз, суғдийлар урушни бошладик. Аммо биз ўз фуқароларимизнинг тинчлигини сенинг разил аскарларингдан мудофаа қил-

дик. Дархақиқат, сен энг буюк ва кучли одам бўлсанг ҳам, лекин, ҳеч ким ажнабийларнинг ҳукмронлигига тоқат қилишни хохламайди.

Менинг, ўз умрида жуда кўп ходиса-воқеаларни кўрган қария суғдийнинг, сенга, менинг чорак умримни энди яшаган йигитга, маслаҳатим: ўз тақдирингни қаттиқ ушла. У қўлингдан чиқиб кетиши мумкин, уни зўрлик билан тутиб бўлмайди. Вақти келиб, бу маслаҳатимнинг фойдасини, ҳозирдан кўра, яхши тушунасан».

Искандар ўзини тутолмади ва қариянинг сўзини бўлиб, унга деди:

— Худолар барча ишларда менга шуҳрат ваъда қилдилар.

— Сен ўзингни Оллоҳ Амон ўғли деб, яъни ёш Худо деб эълон қилиб, бошқа худоларни инкор қилмоқдасан.

— Лекин бу бахт, буни менга худолар инъом этган.

— Сен эса, — давом этди қария, — бахтингни жиловлаб ол, агар у сенинг хамиша ҳамроҳинг бўлишини истасанг, уни бошқариш енгил бўлади. Бизда: бахтнинг оёғи йўқ, фақат қўллари ва қанотлари бор, деган нақл юради; қўлларини узатиб, у қанотларидан ушлашга йўл қўймас экан. Ниҳоят, агар сен худо бўлсанг, ўзинг бевабечораларга, уларнинг мол-мулкларини тортиб олмай, яхшилик қилишинг керак; агар сен одам бўлсанг, билиб қўйки, сен хамиша одамлигингча қоласан. Бирон нарса ёхуд бўлмагур мақсад учун ўзингни эсдан чиқариш ҳақида ўйлаш бемаъниликдир. Ким билан сен урушмасанг, ўшаларда содиқ дўстларни топишинг мумкин. Энг мустаҳкам дўстлик фақат тенглар ўртасида бўлади, тенглар эса фақат шунақалар бўладиларки, бир-бирларига куч орқали хавф туғдирмаслар. Сен мағлуб этганлар — менинг дўстларим, деб ўйлама. жаноб ва қул ораларида дўстлик бўлмайди; урушиш хиссиёти тинчлик шароитида ҳам сақланади. Суғдийлар ёхуд бошқа скифлар дўстликларига қасамёд этадилар, деб, ўйлама: улар учун қасамёд этиш содиқликнинг белгиси. Юнонлар ва македонликлар тadbиркорлик учун шартномаларга қўл қўядилар ва шу фурсатда худоларга мурожаат этадилар; бизнинг зардушт динимиз — содиқликка риоя этишдан иборат. Кимки инсонни ҳурмат қилмаса, у худоларни алдайди. Бундай, содиқлигига ишониб бўлмайдиган дўстнинг ҳеч кимга кераклиги йўқ.

Агар, — деди, сўзининг ниҳоясида, қария, — сугдийлар сенинг дўстларинг бўлишларини истасанг, кераксиз хунрезликдан воз кечгин, ўзингнинг ўнг қўлингни бизнинг ҳокимимизга узат. Буни Спитамен хоҳлайди, менинг номидан сенга таклиф ва яхши истаклар билдираман.

Ўз сўзини тугатиб, қария Дилпазир Искандар фикрини билиш учун кутиб турди. Шох ғазабланган бўлса ҳам, мўйсафиднинг сўзларини эътибор ва чидам билан охиригача тинглаб бўлганидан кейин, деди:

— Маъқул. Мен ўз бахтим ва сизларнинг маслаҳатларингиздан фойдаланиб, тақдир буюрганини қиламан. Сугдийларга эса телбалик ва одобсизлик қилмасликни маслаҳат бераман.

Шу билан Филипп ўғли элчиларга жавоб берди ва ўзи ўйлаб қўйган мақсадини амалга ошириш учун аскарларини сафлантиришга буйруқ берди. У Спитамен режаларини, Самарқандни бўш қолдириб, ўзининг унча катта бўлмаган қўшини билан, юнонлар Политимет деб атаган Зарафшон дарёси бўйлаб, ғарбга кетганини биларди. Шунинг учун Искандар Афросиёбнинг бўш қолган аркига ҳеч қандай қаршиликсиз кириб олди ва Спитаменга қарши Кратер бошчилигида қўшиннинг катта қисмини жўнатди.

\* \* \*

Тушлик ибодат тамом бўлиши билан, Спитамен ўз чодиридан чиқиб чопарларнинг айтган гаплари тўғри эканлигини ўз кўзлари билан кўрди: Зарафшон сохиллари бўйлаб қулоч ёйган кенг текисликнинг этагида алланималарнинг қораси кўринмоқда, худди тўсатдан ўсиб чиққан ўрмондай, унинг устида жанговар байроқлар қуёш нурида камалакка ўхшаб турлича товланарди. Сал нарида кўкка чанг-тўзон кўтарилди. Спитамен бу даҳшатли манзарага назар ташлади-да, кейин Эрзифдан сўради:

— Бугун биз қайси муқаддасни хотирлаймиз?

— Бугун варказан ойининг ўн саккизи, Рашна куни, — жавоб берди Эрзиф.

— Демак, бугун Худонинг тартиб ва ҳаққоният куни экан. Аммо, маълум бўлмоқдаки, Искандар ҳаққониятга қарши. У оқсоқол Дилпазирнинг таклифига кўнмабди ва бизга қарши ёмон ният билан келмоқда. Демак, Рашна

куни, бу майдонда душман билан олишадиган кун, суғдийлар учун оғир бўлади.

Спитамен отини келтирдилар. Душман билан очик майдонда эмас, балки скифчасига, пистирма қўйиб жанг қилиш керак. Шунинг учун Спитамен аскарларга дарё бўйлаб яна чекинишни буюрди. Македонликлар юзлаб пиёда суғдийларни асирга олишга муваффақ бўлдилар. Бошқалари зарафшон бўйларини босиб кетган чирғанок ва жийдаларнинг қалин ва баланд буталари ичида яширинишга улгурдилар.

Босқинчиларга қарши кўзғалган оддий халқнинг мустаҳкам иродаси ва оққўнгиллилиги Сиёвуш наслини қўллайди ва унинг юрагидаги яхши умидларни эъзозлайди. Биз юнонлардан қочамизми? Хўп, нима бўпти? Вақти келадик, улар биздан қочадилар!

Спитамен гуруҳи ғарбга қараб охиста жўнади. Кратер қўмондонлигидаги юнон-македонлик аскарлар ҳам улар изидан бордилар. «Варварлар чекинмоқда, уларга етиб оламиз ва қириб ташлаймиз», — ўйлади Кратер. Унинг барча аскарлари ҳам шундай ўйлашди. Чекинаётган скифлардан хужум қилаётганларидан кўра кўпроқ кўрқиб кераклигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади. Ўтган йилларнинг сабоғи эсдан чиқарилганди. Фаромушхотирлик эса ҳеч қачон яхшиликка олиб келган эмас.

Суғдийлар иккинчи баланд тепаликка етганларида, уларнинг рўпарасига наमतли, тепаси учли қалпоқ кийган отликлар гуруҳи яқинлашиб келди. Баланд бўйли, юнглари осилган отлар. Новча ва бақувват одамлар. Уларни икки киши бошламоқда. Баланд бўйли, кўзлари бургутникидай ўткир, соқоли оқарган кексароқ одам, — бу дохий. Унинг ёнидаги йигит — тўладан келган, кўзлари хира қизил ранг, юзида ҳаяжон сезилгани — унинг ўғли.

Ха, булар массагетлар. Қизилқум фарзандлари. Олти юз кўчманчилар ва тўққиз ярим минг суғдийлар ва саклар хурсандчилик хитоблари билан бир-бирларини олқишладилар. Қария отидан тушиб, унинг қаршисига шошилаётган Спитаменни қўлтиклаб олди.

— Мен сени қутлайман, Спатаман, менинг исмим Бердах, — деди массагет, — бу менинг ўғлим Бурун. Сенинг мактубингни олдик. Биринчи олиб келдик. — У белίδα



осилиб турган ҳамёнига қўлини тикиб, ундан иккита ёкут тошни олди. — Буларни қайтариб ол. Шундай ҳам кўмаклашамиз. Тошлар эвазига эмас, биродарлик учун. Суғдийлар ва массагетлар — жигарбандлар. Биргаликда форс шохи Кайхисравни урган эдик, Македонлик Искандарни ҳам биргаликда урамиз.

Спитаменнинг кўзлари хурсандчиликдан чакнаб кетди.

— Сен, марҳаматли Ахура Mazda юборган, ёрқин фариштасан! — деди у ва яна қарияни қўлтиклади.

Кўчманчилар гуруҳи билан ўз қўшинини мустаҳкамлаган Спитамен, юнон-македонликларга шу жойда зарба беришга қарор қилди.

Жанг фурсати яқинлашди. Ҳозир эса Спитамен ўз аскарларини кўздан кечирмоқда. Дахшатли кун етиб келди ва суғдий ўз бўйнига тушган масъулиятнинг нақадар оғирлигини ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сезмоқда. Унинг юзи оқариб, лаблари қимирлаб, кўзларидан ёш келди. Суғдийлар ўз дохийларига хайрат билан қарадилар.

Бирмунча дақиқадан кейин жанг бошланишини ўйлаётган кишиларнинг томирларида қон қайнарди. Олдинда қандай кийин ва масъулиятли вазифа турганлигини билган ёши катталарнинг юзлари жиддийлашиб, қарашлари қатъийлашди. Бироқ ёшларнинг юраклари, узокдаги ёввойи хайвонни кўрган итнинг ёнокларига ўхшаб урарди. Бировлари қўлларидаги найзаларни, қилич ва ойболта дасталарини қаттиқ ушлардилар ва отларини сакрашга тайёрлаётгандек, тўхтатардилар; бошқалари вазаб ўтида ёнардилар; яна бошқалари гўё уларга совут ёхуд чакмон торлик қилаётгандек, оғир нафас олишарди. Лекин тажрибали жангчилар уларни юпатишарди.

Спитамен дарё қирғоғидаги аскарлар сафини кўриб бўлиб, қўшиннинг чап қанотига, унинг тайёргарлигини кўриш учун боришга улгурмай, унга македонликлар томонидан икки отлик аскар келганлиги ҳақида хабар бердилар.

Спитаменнинг юраги умидга тўлди:

— Балки, улар одиллик сулҳи билан келаётгандирлар?

Қуёшнинг нурафшон шуълаларида македонлик чопарларнинг устларига ялтирок ёпиклар ташланган отлар-

да келаётганликлари аниқ кўринди; кўзғолончилар сафлашдилар, македонлик аскарлар эса бир дақиқадан сўнг ҳоким олдига келдилар; бошларини енгилгина эгиб, улар ҳокимга нисбатан ҳурматларини бажо келтириб, ишга киришдилар.

— Бизнинг қўмондонимиз Кратер, — деди биринчи аскар, — сизни, жаноби олийлари ва сизнинг нойибингизни ҳаёт ё мамот жангига чорлайди ва сизнинг руҳингизни кўтариш учун, чунки сизда жасурлик етишмайдиганга ўхшайди, сизга мана бу иккита яланғочланган қилични юборди.

Шу сўзлар билан у қўлидаги қиличларни Спитамен оёқлари остига қўйди. Сўнгра олдинга иккинчи аскар чиқди:

— Қўмондонимиз шуни маълум этишни буюрдики, агар жанг қилишга сизга майдон етишмаса, дарё бўйидан хоҳлаган майдонни танлашингиз учун имкон беради, токи сиз вақтни бекорга ўтказмасангиз.

Бундай қўпол ва ҳақоратли сўзларни эшитган одамлар ўз тишларини ғижирлатардилар. Спитаменнинг охириги умиди ҳам пучга чиқди. У тинчлик ва ҳамжихатлик вакилларини кутарди, унинг олдига эса уруш ва гердайиш вакиллари келдилар.

Спитамен бутун кўкраги билан нафас олиб, жавоб берди:

— Қиличлардан бизнинг камчилигимиз йўқ, лекин мен, худолар томонидан сизлар орқали юборилган ғалабанинг нишонаси сифатида, буларни ҳам қабул қиламан. Жанг майдонини ҳам худо белгилайди; мени ҳақорат қилганларингизни, адолатсизлик ва гердайганларингизни мен унинг ҳукмига ҳавола этаман.

Македонликларнинг вакиллари кетдилар.

Бошқа кутиш ёхуд чекинишнинг ахамияти қолмади. Шунинг учун, суриб келаётган юнон-македонликларни қилич билан кўрсатиб, Спитамен ўз овозини шундай шиддат билан чиқардики, олдинги қатордаги отлар кейинги оёқларида тик турдилар:

— Олға! Душманга қараб олға!

Отларнинг бўйнига эгилиб ва найзаларини илгарига қаратиб, суғдийлар олдинга ташландилар ва юнон-македонликларни ўраб олдилар. Ур-йикит бошланди. Жанг



бошида суғдийларнинг биринчи катори зарбага учради. Лекин буталар орасида тарқалган кўпгина македонликлар ҳам ҳалокатга учрадилар. Аммо македонликлар суғдийларнинг тазйиқини қатъийлик билан қайтардилар. Жанг қонли қирғинга айланди. Ҳар бир қадам ер учун жуда кўп қон тўкилди. Суғдийлар гуруҳларидан бири салкам батамом нобуд бўлди. Бу ғалабадан руҳланган македонликларни энди ҳеч қандай тўсик тўхтатолмасди. Кўп гетайрлар отларини туртиб, суғдий ва массагетларнинг зич тўдаларига ташландилар. Уларнинг қилич ва ойболталари зарбаси борган сари кучайиб, Катан бошчилигидаги жангчиларни таҳликага солди.

Аммо Катан жангчилари билан олишиш осон иш эмасди; улар македонликларни аввал тўхтатдилар, кейин улоктириб ташладилар. Энг шиддатли жанг, аскарларнинг найзалари синиб, улар қилич ва ойболталарини қўлларига олганларидан кейин бошланди. Қалқонлар қалқонларга урилар, одамлар бир-бирлари билан тўкнашиб йиқилар, отлар қулаб кетар, байроқларни ётқизардилар; қиличлар ва болталар зарбидан дубулғалар қарсилларди; темирлар қонга беланарди, суворийлар эгарлардан қутурган отларнинг оёқлари остига қулаб тушарди. Бундай сиқувларга Багизнинг нимжон оти ҳам бардош беролмади ва эгасининг ўлишига сабабчи бўлди: ерга йиқилган қариянинг кўкрагига ёш юнон ўз найзасини санчди. Суғдийлар билан урушган македонликлар ва юнонлар бу жангда улар нақадар ғазаб билан олишишини яхши билардилар; аммо ҳаяжонланган ёшлар, кўркиш ҳиссиётини сеза бошлади. Уларнинг кўплари, ўз отларида душманга ташланиб, унга тинчлик бермадилар, ёки мардлик билан жон бердилар. Ўлим гирдобга ўхшаб, душман аскарларининг боши устида айланарди; уларнинг юракларидан фарёд чиқар, кўзларининг нури, юзларининг қути ўчарди, ёш македонлик ва юнонлик аскарлар абадий уйқуга кетардилар.

Аммо шухратли суғдий паҳлавонлардан ҳеч қайсиси ҳали жангда ҳалок бўлгани йўқ; улар ўзларининг яқин дўстларини ва қабила аъзоларини чақирар ва шовқин-сурон билан душманни қирардилар.

Ўз дўсти Багизнинг ўлиmidан ғазаби келган Эрзиф, унинг қотили, ёш юнонни, қўлидан ушлаб, аввал уни

синдирди, кейин қиличи билан бошини кесиб ташлади. Унинг ўзидан ҳам ёшроқ сафдошига раҳми келди ва ўлдирмай, асирга олди.

Сувдийлар македонликларни шафқатсиз ва тинимсиз урардилар, улар рақибларни ҳар томондан сиқар ва қувардилар, қилич, ойболта, гурзилар билан беомон кириб, чекинишга мажбур этдилар. Гоҳ бу, гоҳ у ерда уларнинг шафқат қилиш ва ёрдам бериш ҳақидаги нолафигонлари эшитиларди.

Жанг анча вақт давом этди. Кратер аскарларининг сафи борган сари сийраклаша борди. Улар орасида ваҳима кучайди; бировлари Самарқанд томонига қоча бошлади, бошқалари эса маймунжийда патилари ичида яширинди.

Сувдийлар ҳужумидан қутилиш учун қочаётган юнон ва македонликларнинг бир гуруҳи дарё шохобчаларидан бирининг бўйида тўхтади. Аскарлар итларга ўхшаб, тилларини чиқариб, очкўзлик билан дарё сувини ичардилар ва баданларидан қонни ювардилар. Улар ўз бошлиқларининг сўкишларини эшитдилар.

— Ер юткурлар! — кичкирди Каран. — Кратер раҳбарликни вақтинча менга юклаб қаёққадир кетиши билан, бу бебошлар мени писанд қилмай қолдилар!

Шу вақт кирғоқда ўрта бўйли юнон пайдо бўлди, эҳтимол, у Кратернинг енгил отликлари гуруҳидан бўлса керак.

— Хой, сизлар! — кичкирди юнон, бошидан дубулғасини олиб силкитаркан. — Яқинроқ келинглар, бу ерда бир гуруҳ аскарларингиз яшириниб ўтирибдилар.

Эпирликлар шеvasида гапирарди — демак, ҳақиқатан ҳам Кратер отрядидан бўлса керак, чунки улар афиналик гуруҳнинг бир қисмини ташкил этарди. Юнон сувда қўлини чайқаб, юзини ювди ва секин сув бўйлаб бутазорга яқинлашди. Каран ўз гуруҳига буюрди:

— Менинг орқамдан келинглар!

Отларини турткилаб, аскарлар Каран орқасидан шошилдилар. Каран патизорлар орқасида яширинган аскарларнинг қилиқларидан хайратланди. Парокандалик! Ҳеч қандай тартиб йўқ!

— Улар қаерда ўтирибдилар? — сўради Каран.

— Ана у толнинг остида, — патизорлар орасидаги баланд дарахтни кўрсатди юнон. — Улар нам ерда чўзи-

либ, осойишталик кунларидагидек, дам оляптилар. Мен уларни огохлантирмоқчи бўлдим, аммо улар мени ҳайдаб юборишди.

— О! Аблахлар! Қўрқоқлар! — Караннинг жаҳли чиқди. — Хой, Левкон, Перисад, менинг оркамдан келинглар!

Ўзининг шахсий соқчилари кузатувида, Каран мажнунжийда майдонининг ичкарасига борди.

— Улар нима... — бошлади Каран, лекин сўрашга улгурмади.

Мажнунжийда орқасидан Махмур уни ойболта билан уриб, отдан йикитди. Каран ҳиқиллаб, патизорда тик чўзилиб жон берди. Унинг устига қаттиқ яраланган Левкон йиқилди.

— Сизларга бу бранхидлар учун! — кичкирди юнон. Перисад уни найзаси билан урди. Бир дақиқадан кейин унинг ўзини ҳам Махмур ханжар билан уриб ўлдирди.

— Махмур, — пичирлади юнон, унинг устига эгилган суғдийларга мурожаат этиб. — Улар сизнинг дўстингиз Лисимахни ўлдирдилар. Спитаменга айт...

Лисимах юраги тинчиб жон берди. У ўчини олди. Суғдийлар, саклар, массагетлар ва дахлар юнон-македонликларга қарши хужумни кучайтирдилар.

Жанг тугади, қириш ва қувиш бошланди.

Кратернинг уч мингу тўққиз юз отлик ва пиёда аскарларидан фақат қирқ отлик ва уч юз пиёдалари қочиб қутилдилар. Кратер бошчилигидаги бир гуруҳ ранги ўчган македонликлар зўрға Самарқандга етиб бордилар ва Искандар ўз қўшини билан дам олиб ётган Афросиёб деворлари ичига кириб, тинчландилар.

Тепалик устида Спитамен ўзининг шуҳратли паҳлавонлари орасида турибди; улар оғир нафас олиб, оёқлари остида ётган ярадорлар ва ўлган жасадларга қарардилар. Бугунги кун оғир ва унинг якуни ҳам даҳшатли бўлди; аммо макташга арзийдиган ғалаба, унинг шарафига қувонадиган кеч кирди. Спитамен эндиги ҳаракат Самарқандни қамал этиш ва Суғдиёнани Искандар аскарларидан озод этиш жангига қаратилиши керак, деб ўйларди. Юқорида, кизарган осмонда бургутлар, қарғалар галаси учиб, ўликлар устида айланар ва тайёр ўлжаларни кўриб, қувонганларидан қағиллардилар.

## ИСКАНДАРНИНГ ҒАЗАБИ ВА УМИДСИЗЛИГИ

Юнон-македон соқчилари Афросиёбнинг Бухоро дарвозасини ёпишлари билан кўп вақт ўтмай Кратер ва унинг жангдан омон қолиб, қочиб келган аскарлари орқасидан қувиб келган суғдий кўзғолончилари ойболталари билан дарвоза тавоқларини тақиллатиб, тўполон кўтардилар:

- Бизнинг шахримизни бўшатинглар!
- Суғдиёнадан кетинглар!
- Биз ўлкамизнинг озод ва мустақил бўлишини талаб қиламиз!

Кўпчилик суғдийларнинг бошларида македонликларнинг шонашакл тоскулоҳ ва дубулғалари кўринарди. Уларнинг кўпларини душман танидан ечиб олиб, кийган совутлар безатарди. Бировлари македонликлар ташлаб кетган найзаларни, бошқалари шамширларини ёки қалконларини қўлларига олгандилар.

Қувиб келганларга атроф кишлоқлардан етиб келган янги кўзғолончилар қўшилган эди.

Шу вақт Афросиёб арки ичида Искандар ҳузурига 30 нафар турли ёш ва лавозимлардаги маҳбусларни олиб келишди. Улар кишлоқларда юнон-македонлик аскарларга қаршилик кўрсатган аҳоли бошликлари эди. Маҳбуслар орасида қариялар — Дилпазир ва Моявар ҳам бор. Маҳбуслар шох буйруғига мувофиқ ўлдиришларини билиб, улар орасидаги ёшлар қувноқ ашулалар айтиб, қизиқарли бадан ҳаракатлари билан рақсга тушдилар. Уларнинг ўлимни мардлик билан кутиб олишларини кўриб хайратланган шох, маҳбусларни ўз ҳузурига олиб келишни буюрди ва оқсоқол Дилпазирдан ўлимга маҳкум этилган ёшларнинг хаддан ташқари қувониш боиси нимадан иборатлигини сўради.

Дилпазир жавоб берди:

— Агар уларни шохнинг ўзи эмас, бошқа биров ва Суғдиёна истиклоли учун эмас, қандайдир бошқа сабаб билан қатл этмоқчи бўлганларини билганда, улар ҳам билан ўлимга борардилар. Лекин ўз аждодлари ҳузурига шундай буюк, барча қабилалар устидан ғалаба қозонган шох томонидан ўлимга жўнатилаётганларини билиб, Ва-

тан учун ўлиш шарафли деб, байрам тариқасида қувониб, ўзларининг севимли қўшиқларини айтиб, рақса тушмоқдалар. Бу ҳақиқий жасурларнинг зориккан истакларидир.

Шунда шох сўради:

— Агар ҳаётингизни қайтариб берсам, сизлар менинг душманам сифатида эмас, энди дўстим сифатида яшашни хоҳлайсизларми?

Махбуслардан бири жавоб берди:

— Биз сенинг душманинг эмас эдик, аммо Ватан учун жангга тортилганимиз учун душман бўлдик!

— Агар сизлар менинг шафқатлилигимни текшириб кўрмоқчи бўлсангизлар, қайсар суғдийларни жиловлаш учун менга ёрдам беришингиз лозим!

— Бизга бундай шафқатнинг кераги йўқ! Спитаменга шон-шарафлар бўлсин! — қичқирдилар улар.

Кратер ҳарбий қисмининг тор-мор этилиши хабари теалик билан бутун Суғдиёнага тарқалди; бу хабар Бахштепа қалъасидаги Корун қулоғига ҳам бориб етди. Бошлиқ қўрққанидан ўзини у ёқ-бу ёққа ура бошлади. Ох! У бундай бўлишини билармиди? Сиёвуш насли македонликларни мағлуб этиши мумкинлигини ким ўйлаган эди? Наҳотки, ҳаммаси чил-парчин бўлса?

У Спитамендан ўзини қутқариши лозим. Қандай қилиб? Корун эрталабгача миужа қоқмади. Эрталаб у ўз ҳузурига энг содиқ одамларини чақирди ва уларни Искандар қошига юборди. У ўз вакилларига даставвал Клит билан учрашишни буюрди, чунки у Корун ёрдами билан махбусликдан озод бўлиб, энди шох паноҳида эди. У Бахштепа қалъасининг батамом македонликлар томонига ўтмоқчилигини ва улардан ёрдам сўраётганини айтишларини тайинлади.

Кейин Корун ўз ҳузурига Самарканд бозорида сандироклаб юрган безориларни чақирди. Турли сабаблар билан ўз жамоаларини ташлаб кетган дайдилар, доим бозорда, атрофларга қараб, «жойида ёмон турган» нарсаларни олиб кетиш билан шуғулланиб юрардилар. Корун бундай дайдиларнинг ўттизтачаси билан узок суҳбатлашди. Бу суҳбатда гап нима ҳақда кетганлигини, хатто шу кунлар онасиникида юрган Зара ҳам сезмади. Қоринларини тўйдириб, вақтичоғлик қилган дайдилар, қўлларида нукра тангаларни жиринглатиб, кечқурун Корун



саройидан чиқиб қўзғолончилар оломони орасига араллашиб кетдилар. Улар гулханлар атрофида ўтириб, секингина мунозараларга араллашиб, ўз фикрларини маъқуллаш учун муштларини кўкракларига урар, қасам ичар, йиғлар, атрофга қараб, ўзаро пичирлаб гаплашардилар.

Бу — Корун ўйлаб чиққан макрнинг бир томони эди. У бундай қабиҳликнинг бошқа томонини ҳам ўйлаб чиқди. Бордию унга Клит ёрдам қўлини чўзмасдан аввал, Корун бошини Спитамен кесиб ташласа-чи? Вақтдан ютиш керак. Унинг боши узра дахшатли хавф Спитамен томонидан етилмоқда. Бактриялик бошлиқ сохталик билан ўзининг «марҳаматли куёви»га араваларда хар хил маҳсулотлар жўнатди. Аммо Спитамен уларни қабул қилмади. Корун довдираб колди ва зудлик билан, шу кунлар энди ўзиникида, Тали Барзанда бўлган Зара хузурига жўнади.

У Спитамен Зарасиз яшай олмаслигини ва Искандар одамларидан яширинча, Тали Барзанга, хотини хузурига келиши мумкинлигини яхши биларди. У Зара ҳам бу тентак одамни севишини ва анча кундан бери кўрмаганлиги учун соғинганини билади.

Сиёвуш насли ҳозир хотини учун аввалгидек ширин, қувноқ, ёқимли ва барно эди. Зара унинг жўшқин эркалашларини, иссиқ қучоқлашларини эслар, эри билан ўтказган қувноқ кечаларни тасаввур этар ва аламига чидаёлмасди.

Спитаменнинг юнон-македонликларга қарши курашишга кетганида, у сал бўлмаса, унинг қўзғолончилари сафига қўшилиб кетиши мумкин эди. Спитамен Кратер қўшинини қойилмақомлик билан тор-мор қилгани ва яна Афросиёбни қамал қилиш учун келганини эшитиб, Зара чидаёлмай йиғлади — у шунчалик ўз эрини соғинган эди. Зара, гердайишни йиғиштириб қўйиб, эрининг хузурига боришни ҳам ўйлади, аммо ўгай отаси билан онасининг ўзаро муносабатлари хиралашганлиги уни бу аҳдидан қайтарди. Нима учун Спитамен уларни хафа қилади? Заранинг фикрича, унинг ўгай отаси ҳақ. Унинг режаси Зарага маъқул; агар Спитамен унинг таклифини қабул этса, Зара доимо хавфсизликда бўлади ва эри билан фаровонликда, фароғатда яшайди...

Заранинг фикри, унинг хузурига ўгай отасининг тўсатдан кириб келиш билан бўлинди. Зара ўгай отасининг

у билан нима ҳақда гаплашмоқчилигини унинг юзидаги маъюслиқдан пайқади.

— Хўп, қандай сен? — сўради Корун бир оз иккиланганидан кейин. — Эрингни кутаяпсанми?

— Бошқа токатим йўқ! — бехосдан айтиб қўйди Зара. — На кундузи, на кечаси кўринади у. Мен доимий ваҳимадан эзилиб, нима қилишимни билмай юрибман.

— У факат ўзини эмас, ҳаммамизни ҳам расво қилади, — гижгижлатди Корун.

У кўп ўтмай қайтиб кетди, чунки Зара сўзидан Спитаменнинг бу окшом ҳам келмаслигини тушунди. Коруннинг ўз куёви билан учрашишни зориқиб кутганлиги натижа бермади.

Бу орада Спитаменда Заранинг хавфсизлигига ишонмаслик хиссиёти ошди.

Аскарларини айланиб чиққандан кейин, ярим тунда, Корун кетиши билан, Спитамен ўз уйига келди; шахсий соқчиларга эшикларни қўриқлашни топшириб, у ичкарига, Зара ҳузурига кирди. Ой тўлган вақт эди. Гўё ой де-раза устида осиларди.

Ихота деворининг орқасидан, қарама-қарши йўлнинг нариги томонидан қўлида камони бўлган қандайдир одам, Спитаменни нишонга олиб тир отди ва қоронғиликда ғойиб бўлди. Тир, сурдий ёнидан физиллаб учиб ўтиб, айвон устунига кириб қолди.

— Фаррух! — кичкирди Спитамен. — Фаррух!

Ўша заҳоти шахсий соқчилар кўчага отилиб чиқдилар. Улар атроф тор кўчаларини кидириб чиқдилар, лекин номаълум шахс топилмади.

Спитамен таажжубланди. Ким билади, балки, Корун яширинча ўз куёвини ўлдирмоқчи бўлгандир. Эҳтимол, Зара ўз ўгай отасининг ниятидан хабари бор, лекин ҳеч нима демайди. Заранинг, ўгай бўлса ҳам, ёвуз одамнинг кизи эканлиги энди сурдийнинг ўз хотинига бўлган меҳрини сўндирарди. Қўлида камонли бу одам ким бўлди экан? Шуниси аниқки, у ёлланган қотил. Лекин у кимнинг буйруғини бажармоқда? Коруннингми ёки Искандарнингми? Агар Коруннинг буйруғини бажараётган бўлса, унда Зара қотилликнинг иштирокчисими? Йўқ, бундай бўлмаса керак! Спитамен ўзини бир оз юпатди. У ўз шубҳалари ҳақида Зарага ҳеч нима демади, аммо эн-

ди хотини билан, олдингидек, меҳрибонлик қилолмади. Факат ундан сўради:

— Бугун бизникига ким келган эди?

— Яқинда отам келувди, — жавоб берди Зара.

Зара ўғай отасининг Спитаменга нисбатан хатти-харакатини батафсил билмайди; унга ўз эрининг Корунга нисбатан бўлган муносабати тафсилотлари ҳам маълум эмас. Нима учун ўғай ота унинг ҳузурига Спитамен билан албатта учрашиш иштиёқи билан келди-ю, аммо уни кутмасдан, ўз мақсадини равшан баён этмасдан қайтиб кетди?

Эри билан совуқкина учрашувдан Зара умидсизланди. Нега унинг кўзларидаги муҳаббат ғазаб билан алмашинади? Нима учун у юришга жўнаш олдидан унга онаси билан бирга Панжакентга кетишни таклиф этди? Нима учун уни ўзи билан бирга олиб кетишни хохламади? Нахотки, Спитамен ўз Зарасига нисбатан совуган бўлса? Бу саволларнинг биронтасига ҳам у жавоб тополмас ва тушунмас эди. Аёл ўзини йўқотди ва йиғлаб юборди.

Спитамен хаяжонланиб уни кучоклади ва ўпа бошлади... Кун ёришмай у ўз хотинини отга миндирди ва шахсий сокчилари билан кўшинига бориб қўшилди. Панжакентликлар, дахлар, саклар ва массагетларнинг янги қисмлари билан тўлган катта гуруҳ, Спитамен бошчилигида Зарафшондан ўтиб, маймунжийда дарахт ва патилари орасида кўздан ғойиб бўлишди.

\* \* \*

Кратер ҳарбий қисмининг тор-мор этилиши, Клит ва Коруннинг суғдийлар кўзғолони кучайганлиги ҳақидаги ахборотларидан кейин Искандар жаҳлга минди. Қочишга улгурмаган шаҳар фуқароларини катл этиб, Корунни олқаб, шоҳ ўзининг бор аскарлари билан Спитаменнинг изига тушди.

У суғдийлар Кратер бошчилигидаги македонлик аскарларни кириб ташлаган жойга етди ва бутун диққатини Спитамен гуруҳини топиш, ўраб олиш ва кириб ташлашга сафарбар этди.

Суғдийлар ва массагетлар чангалзорлар ичида ғойиб бўлган эдилар, уларга яқинлашиш осон эмас. Македонликлар ва юнонлар ҳамма жойда пистирмага дуч келардилар.

Искандар Политимет бўйлаб толпиниб от чоптирарди; уни ўзининг кучсизлиги ғазаблантирарди. Этарларнинг отликлари ожизлик қиларди. Енгил пиёдалар учун ҳам бўш жой етишмасди. Суғдийлар токи қалин тўқайзорларда экан, уларни ҳеч қандай куч енга оласди.

Самарқанд анча орқада қолди. Хабар етказувчи тепаликлар бирин-кетин ортда қолмоқда: Кўрғон, Нордон, Эрелас, Арбинжон ва Иштихон. Юнон-македонликлар кунботар — ғазабга қараб борардилар. Атрофдаги кўкимтир ерлар сукунатда, осмон борган сари тиралашиб, юракдаги умидларни сустроқ қизитмоқда.

Қани Спитамен? Нима учун у тўқайзорлардан македонликлар қаршисига чиқмайди? Наҳотки, у Искандардан шунчалик қўрқса? Йўқ, ана кўзғолончилар, Ингичка тоғлари этагидаги, баланд тепалик орқасида кўринмоқдалар. Қўлларидаги қуроолларни маҳкам ушлаб, улар ғазаб билан қичқирмоқда.

Тепалик атрофларига тикилиб, македонликлар фақат икки юзтача суғдийларни кўрдилар ва Спитамен аскарларининг бариси шуми ёхуд яна бошқа борми, деб ўйладилар. Тўғри, чап томонда яна бошқа аскарларнинг кўк тўдаси кўринди, мажнунжийданинг баланд чакалаклари ичида эса найзаларнинг учига ўхшаш ялтироқ нарсалар. Лекин булар суғдийлар гуруҳининг хабарчилари бўлиши мумкин. Этарлар уларга суғдийларнинг барча қучлари қарши турибди, деб шохни ишонтиришди.

Искандар узил-кесил жанг айнан шу жойда бўлиши керак ва у душманнинг фақат қатъий тор-мор этилиши билан яқунланиши лозим, деб тахмин қилиб, хбарчилар ва чопарларини суғдийлар томонига юбормади. Ўзининг саноқсиз аскарлари кучига ишониб, шох рақибни менсимасди, чунки то алҳол шунчалик кўп қўшинни у жангга олиб чиққан эмасди; у, Спитамен аскарларининг ҳаммаси шуми, деб Кратердан сўраганида, унинг қўмондони Спитамен қўшини фақат суғдийлардан иборат эмас, деб жавоб қайтарди. Шунда шох кулимсираб деди:

— Бу қандай қўшин! Фақат суғдийлар билан овора бўлишга тўғри келади. Бошқалари — улар қанчалик саноқсиз бўлсалар ҳам — қаланғи-қасанғилар бўлиб, улар қуроолни эмас, чўмични ушлашга кодирлар.

Сон-саноқсиз қучлар билан жангга кирмоқчи бўлган Искандар, рақибнинг тепалик орқасида жойлашган ас-

карларининг бир қисмини кўриб, Спитаменнинг асосий кучлари менинг олдимда турибди, деб қувонганидан қизариб кетди.

Шоҳ душманни тепалик орқасидаги қалин, шохлари тиканли баланд буталардан алдаб чиқаришни маслаҳатлаши учун ҳарбий бошлиқларини қисқа маслаҳатга тўплади. Ҳар қайси кўмондон ўз маслаҳатини берди; жумладан, кўп йиллар давомида тажриба ортирган Гефестион деди:

— Менинг сўзларим устидан, бу жанг майдонидан яқинда қочган айрим ҳарбий бошлиқлар, балки, кулишлари мумкин. — Шу вақт у Кратерга қараб қўйди. — Шундай бўлса ҳам, мен ўз виждонимнинг амри, Македония ва Элладага бўлган муҳаббатим туфайли шу сўзимни айтишни лозим деб биламан. Сугдийлар кўрқок эмас, йўқ; аммо шуни ҳам биламанки, Спитамен охириги дақиқаларгача бизнинг тинчлик вакилларимизни кутмоқда.

Кратер унга ҳеч нима демади, фақат менсимасдан пўнғиллаб қўйди; лекин Гефестионнинг сўзи шоҳга ҳам маъқул бўлмади.

— Ҳозир тинчлик ҳақида ўйлаш вақтими! — хитоб этди у. — Биз бу қасанғилар тўдасини тор-мор этамиз!

Юнон-македонликлар ва кўзғолончилар қорама-қора бир неча чақирим йўл босишди. Спитамен душманни чалғитиш учун гоҳ қирғоқда кўриниш берар, гоҳ хали инсон қадами тегмаган, ўтиш ниҳоятда қийин бўлган чангалзор ичида ғойиб бўларди. Ниҳоят, Спитаменнинг ўйлаган режаси рўёбга чиқди. Бу жойда дарё суви ўзанидан чиқиб, икки томонга қараб оқар, ўртада каттагина орол ҳосил бўлганди. Спитамен дарёнинг саёз жойидан кечиб, нариги томонга ўтди. Бир оз олдинга отини хайдади-да, македонликлар яқинлашиши билан ўз чавандозларини кўкқисдан орқага буриб, бирданига хужумга ўтди. Орқа томондан пистирмада турган Катан жангчилари ҳаракатга тушди. Македонликлар саросимага тушиб қолишди. Улар ўз-ўзидан оролчага киришга мажбур бўлдилар. Қасоскорларнинг бир зарбаси билан оролчадаги душман ва дарё шохобчасининг нариги қирғоғидан бу томонига кечиб ўтаётган енгил пиёдалар гуруҳи қириб ташланди. Иккинчи зарба билан уларнинг қалқондорлар бўлинмаси мажақланди. Яна бир зарба натижасида қасоскорлар душманнинг оғир қуролларни кўтариб юрувчи

пиёда аскарларини шошилтириб қўйди; улар бундай таъйиққа чидаёлмай, қуролларини ташлаб қоча бошладилар.

Искандар саросимага тушмади. У қўзғолончиларнинг зайиф жойларини аниқлаб, ўз бўлинмаларининг зарбаларини кучайтирди. Спитамен буюрди: тезлик билан шимолий-ғарб томонга чекининглар! Яна тўқайзорларга кириш, яна дарё шохобчасининг нариги томонига ўтиш ва ўнг соҳил бўйлаб — Қизил Қумга чиқиш. У томони чўл, қутулиш учун нажот.

Спитамен Зара ва юзтача панжакентликларга олдинга боришни буюрди, ўзи эса массагетлар ва аскарларининг асосий қисми билан Искандарнинг қистагини тўхтатиш учун орқада қолди. Отасининг ўлиmidан каттиқ хафа бўлган Бахтвар, хунурмандлардан иборат, Бармак бошчилигидаги аскарлар қисмини Спитаменнинг ўнг томонидан бошқариб борарди. Фаррух ва Калон сайробликлар ва навтокликлар гуруҳини унинг чап томонидан бошқариб боришарди. Эрзиф Спитамен билан ёнма-ён борарди. Катан ва Австан эса қиличдорлар гуруҳини бошқариб, чекинаётганларга йўл кўрсатарди.

Душманнинг енгил отликлар гуруҳи дарё шохобчасини кечиб ўтиш пайтида қўзғолончиларга яқинлашиб қолди. Спитамен ана шу ерда пистирма қўйди. Македонликлар чамалаб боришга ружу этмай, Искандар ва этерларни кутиш учун тўхтадилар. Улар ўз ўринларида айланаётганларида Бахтвар, Бармак ва Катан Навравотни кечиб ўтдилар, Спитамен ва Бердах эса македонликларни тўсатдан қуршаб олдилар ва отряднинг ярмини кириб ташладилар. Қолганлари ҳар томонга қочдилар. Спитамен душманнинг доғдираб қолганидан фойдаланиб, шимолий-ғарбга қараб — Кармина томонга ҳаракат қилди.

Янги тўқнашув хавфини сезган Искандар ўз этерларига қисқача дам бериб, кейин отларни бор куч билан чоптириб Спитаменни қувиб кетди. Карминадан анча ўтгандан кейин, Конимех манзилгоҳи остонасида — Қизил Қум бошланишида, унга етиб, ҳар томондан ўраб олди.

— Биродарлар, Искандар йўлимизни кесди, — деди Спитамен ўз аскарларига. — Сизнинг тақдирингиз — қўлларингизда каттиқ ушлаган қуролларингизга боғлиқ. Олишамиз, насиб бўлса Ахура Мазда бизга мадад қилади!

Яна жанг бошланди. Спитамен сал узоқроқдан, македонликлар ўртасида, бошидаги дубулғаси қўй шохлари билан безатилган аскарни кўрди.

— Хайретэ, Искандар! — шўхлик билан қичқирди суғдий. — Спитамен сенинг олдингда. Сен мени кўпдан бери ахтармоқдасан!

Совуқ ва ғазаб тўла овоз унга жавоб берди:

— Менинг йўлимни тўсма! Мен сени ўлдирмайман, балки, ҳар қандай жаҳаннамдан нариги масканга элтиб ташлайманки, у ерда сенинг жасадингни қумурскалар еб, қалтираётган руҳингни сукунат ихтиёрига топширсинлар.

Қинларидан тортиб олинган қиличлар яркирадилар.

— Хўп, қўлингдан келса, уриниб кўр! Мен эса, қўлимдан келса, сенга йўл қўймайман.

— Менга йўл қўймайсан? Аҳмоқ! Ҳеч ким менга ҳақиқат беролмайди!

Спитамен кулиб юборди — унинг кулгисида пўлат садоси янгради ва Искандарга ҳамла қилди.

Искандар қичқирди. Шохнинг ўнг қўли, елкасининг настроғидан суғдийнинг қиличи билан яраланганди. Птолемей уларнинг ораларига кирмоқчи бўлди, аммо ачиқланган шох уни итариб юборди ва қиличини маҳкам ушлаб, отини Спитамен томонга қистади.

Уларнинг қиличлари жаранглаб, учқунлар тарқалди. Кўзлари қизарган қорача Буцефал Спитаменнинг оқ тўриғ отига ҳамла қилиб, унинг бўйнидан тишлашга уринди. Гўё Искандар ўзида мавжуд бўлган барча ғазабини суғдийга қарши қаратганди. Шу маҳал Спитамен яна Искандарнинг ўнг қўлига урди.

— Сен, уддасидан чиқолмайдиган нарсага ҳасад қилаётганингни айтмаганмидилар? — қичқирди Спитамен, Искандарнинг зарбасини қайтариб.

— Жаҳаннам қаърига кетганингдан кейин, сен учун бу барибир эмасми, — қичқирди Искандар янги куч билан унга қилич уриб; Спитамен эса унинг зарбасига чап берар ёки қалқон билан қайтарар, гоҳ ўз қиличи билан янги зарбалар берарди.

— Бизнинг баҳсимизга фақат худолар ҳукми жоизга ўхшайди!

Шу сўзлардан кейин Спитамен кучли ҳамла қилиб, қиличи билан зарба берди, қилич шохнинг дубулғасига урди. Мустаҳкам металл зарбага дош берди, дубулға ке-

силмади. Лекин кучли зарбадан, дубулға македонликнинг бошида кийшайиб, унинг сипари шоҳнинг кўзлари устига тушди. Шу пайт, Спитамен ёнида жанг қилаётган Фаррух қўлидаги ойболта билан шоҳга ҳамла қилди. Искандарнинг шахсий соқчиси ўз қалқони билан унинг зарбасини қайтарди, ойболта Искандарнинг дубулғасига тегиб, унинг ўнг шохини кийшайтирди. Дикфернинг отган найзаси эса Спитаменга эмас, Бердахга урилиб, унинг кўксини тешди. Птолемейнинг қиличидан Эрзиф енгилроқ яраланди.

Бердах ўлди. Дахлар, саклар, бактрияликлар, массагетлар, сайроблик, навтоклик, панжакентлик ва бошқа кўп суғдийлар халок бўлишди ёки ярадор бўлишди. Бу жангда яна кўпроқ юнон-македон аскарлари қирилдилар... Искандар билан тўқнашувда Сиёвуш насли икки минг аскраларини йўқотди, шундай бўлса ҳам, унинг жангчилари уч мингдан кўп юнон-македонликларни кириб ташладилар.

Спитамен бошчилигидаги тўрт юз суғдийлар ва ўттиздан ортиқроқ массагетлар ва сайробликлар македонликлар қуршовини ёриб чўл томонга чекиндилар. Яқка турган қўрғондан ўтгандан кейин улар асосий гуруҳ билан қўшилдилар ва яна йўл юрдилар.

Спитамен гуруҳи душманни чалғитиш учун чўлларнинг эгри-бугри йўлларида жуда кўп от чоптирди ва бутун қоронғилашганда, чўпонларнинг қудуклари ёнига бориб тўхтади. Отлардан тушдилар. Бахтвар ва Фаррух Зарани отдан авайлаб туширдилар. У бир қадам ташлаб инграй бошлади. Агар уни кузатаётган қаттиқ қўллар бўлмаганда, Зара ўша захоти қум устида йиқиларди. Шиддатли от чоптиришлар қалин гиламлар устида нозланишга ўрганган хотинни қаттиқ чарчатган эди.

Биринчи тунашни қумлар устида ташкил этдилар. Гулханлар ёкилди. Чўғлар устида чўпонлардан харид қилинган қўйлар гўшти жизилладилар.

Спитамен Зарага индамасдан қарарди. Унинг устбоши йиртилган, юзи чангда хиралашганди. Баданларининг қақшаганидан, текис ва оппоқ тишларини бир-бирига қўйиб, у халтачасига қўл узатиб, ундан нукралик ойначасини олди ва унга қараб оҳ тортди...

— Мен сенга Апама ва онам билан Панжакентга боргин, деб айтган эдим-ку, — маъюсона пичирлади Спи-



тамен, кўлини хотинининг чанг босган сочларига текизиб.

— Кетамиз! — хитоб этди Зара, Спитамен буйнига кўлларини ташлаб.

— Қаерга?

— Самарқандга. Мен бу ерларда кўркаман.

— Самарқандда кўрқинчли эмасми? Искандар у ерда бўлади-ку.

— Искандарга ўзингни ўз ихтиёринг билан топширгин, у сени ҳеч нима қилмайди...

— Эҳ! — Спитамен оҳ тортди. — Нега сен бундай? Яхшиси дамингни олгин. Эрталаб яна отларга минамиз. Бухоро орқали Навтокка борамиз. Дугонангникида бўласан.

Субҳидамда улар яна йўлга тушдилар. Зармон орқали Бухорога етиб келишлари билан, Спитамен ўз аждоди Сиёвуш қабри устига бориб, зардуштлиқ урф-одатига мувофиқ расмиятни бажо келтирди. Шаҳар ҳокими билан гаплашиб, юнон-македонликларга қарши халқ қасосчиларининг гуруҳини тузиш тадбирларини амалга оширди. Кейин, янги кўнгиллилар билан тўлдирилган ўз гуруҳини олиб Навток томонга жўнади. Қоровулбозор ва Косон орқали, Нахшоб шаҳарчасини четлаб ўтиб, улар Навтокка бориб кирдилар.

\* \* \*

Искандар Спитамен орқасидан қувиб, чўллар ва нотаниш ерларга боришга журъат этолмади. Қумзор чўлларнинг охири йўқ. Бепоен ва беҳосил бўшлиқлар бағрида уни нималар кутиши мумкин? Изғирин ноябрь шамоллари кўтарилиб, гирбод чўл кумларини осмонга кўтаради, атроф кўринмайди. Чўл Искандарга ваҳимали боқарди; у форс шоҳи Кайхисрав тақдирини эслаб хавфланди ва Самарқандга қайтишга қарор қилди.

Аммо унинг ҳарбий қисми босиб келган эски йўлдан қайтиш шохга маъкул бўлмади. Кўп жойларда ўлган аскарлар ва отларнинг жасадлари ётарди. Сал нарироқлари эса ёқиб ташланган уйларнинг қора қолдиклари ва култепалар киши руҳига салбий таъсир қиларди. Фуқаролар ва қасосчиларнинг узлуксиз хавфи остида қайтиш эса бешбаттар ёмон. Шунинг учун Искандар ўз отрядини шимолий-шарққа, Нурато томонга бурди.

Шоҳ Нурато тоғ тизмаларининг давоми бўлган тепаликлардан бирининг устига чиқиб, атрофга қаради. Бу тоғлар Сувдиёнани Қизил Кумдан ажратиб турадилар. Унинг қаршисида яна бошқа кўм-кўк тоғлар, пастда эса уларни кесиб ўтган Политимет водийси кўринмоқда. Бу зар келтирувчи дарёнинг водийси, уни маҳаллий аҳолининг аждодлари бекорга Зарнумати демаганлар, ҳозирги авлод эса — Зарафшон водийси дейди. Қуёш нурида текис сув ўтказгичлари ялтирайди. Яшил-кўк рангда яхлит ерлар ва боғлар кўринмоқда. Унинг кўз олдида қишлоқлар ва кенг экинзорлар кўринарди.

Искандар Сувдиёна деб номланган бу водийни таажжуб билан томоша қиларди. Унинг пойтахтига боришда, йўлда учрайдиган шаҳар ва қишлоқларни эслади: Нурато, Жўш, Қўшравот, Митан, Зармаъдан, Челак, Дахбед. Шоҳ оламнинг анча қисмини босиб олди, аммо ҳеч қаерда, сувдийларга ўхшаган, бундай қайсар халқни учратмади.

Юришнинг иккинчи кеча-кундузи давом этмоқда. Борган сари қалинлашиб бораётган зулмат аскарларни рухий тушкунликка туширмоқда. У бир неча бор ўз олдига яна қандай қийинчиликлар вужудга келиши мумкинлигини тахминлаб чиқди. У билан ҳеч ким гаплашмасди. Унинг ўзи ҳам Спитамен билан бўлган жангдан кейинги йўл юришда бирон кишига оғиз очгани йўқ. Аскарлар тепалик пастига тунаш учун тайёргарлик кўрдилар. Шоҳ эса ўз чодирда дам олди. Искандар ухлай олмади.

Қайтиб келишга муваффақ бўлган айғоқчилар Нурато ва Лангар орқали Самарқандга борадиган йўл кўзғолончилар томонидан беркитилганлигини шоҳга хабар бердилар. Лангардан уч фарсанг ғарброқда қасосчиларнинг бир гуруҳи турган бўлиб, сувдийларнинг катта гуруҳи македонликларга қарши курашиш учун яқинлашиб келмоқда. Улар ҳозир Нуратодан тахминан беш фарсанглик масофада турган эканлар.

Искандар ҳушёр бўлишликни буюрди; лекин у чўлга қочган Спитаменни эслаб, каттиқ хафа бўлди. Нахотки, у аллақачон бу тоғларнинг дараларига қайтиб келишга одамларни йиғишга улгуриб, энди македонликларга қарши яна жанг уюштирса?

Бу қандай инсон? Унинг юраги нимадан яратилган экан? Оллоҳ Амон ўғли осийлик қул деб ҳисоблаган

одам, унинг олдида тик туриб, заҳарханда билан кўзига илжайиб қарайди. Пирамидалар мамлакатидаги Сфинкс-гина унга шундай караган эди.

Спитамен ва бошқа суғдийларнинг сирли қарашлари Искандарни ҳайратда қолдирарди. У илгари ҳам кўркинч хиссиётини сезган эди. У ўз давлати учун кўрқканди. Ўз аскарлари учун, ўз ҳаёлларининг тақдири учун кўрққан эди. Аммо энди, ҳаётида биринчи марта, у бу варвардан оддий инсон сифатида кўрқмоқда!

Олдинда ҳар бир македонликни нимадир кутмоқда? Ахир, Марокандгача ҳали анча йўл юриш керак-ку, агар бориб етгунига қадар бирон суғдий қасоскорининг қўлидан ўлмаса.

Умидсизлик ҳукм сурмоқда. Агар македонлик охириги таянчини — қувноқликни йўқотган бўлса, унинг холига вой.

Кун ёришди. Қўзғолончиларнинг ҳужуми бўлмади. Юнон-македонликлар бир-бирларига қарашдан уялиб, бошларини эгиб ҳаракат қилардилар; уларнинг ҳар бири шох бошчилигида Спитаменни мағлуб этолмаганларини, тўрт мингдан кўп сафдошларининг жангда ҳалок бўлганини, сал бўлмаса шохнинг ўзи ҳам ўлиши мумкинлигини яхши тушунардилар.

Куз фаслининг майда ёмғири ёғмоқда. Йўллар тезда лой бўлиб, юриш оғирлашди. Узоқ оғир юришлардан ва очликдан тинкаси қуриган айрим отлар йиқилиб, ўла бошлади.

Искандар қалтиради. У давлат ҳақида ўйлашни эсидан чиқарди. Олам устидан ҳукмронлик қилишни ҳаёлига ҳам келтиролмасди. Унинг қулоғида энди Кандагардаги мусиқачилар асбобларининг оҳанги янграмайди. «Худо» йўқолди, ҳамма катори бир бошли, икки қўл ва икки оёқли, ўлим олдида ожиз бўлган инсон қолди ва, гўё осиелик қасосчининг ханжари унинг бошида қадалиб тургандек туюлди. Зар келтирувчи дарё водийси кўрқув водийсига айланди. Искандарнинг юраги ҳаяжонга тўлди. Нахотки, у бундан кейин Пелладан келган оддий македонлик бўлиб қолса?

Бу фикрлардан Искандарни ғазаб қамраб олди. Унинг Суғдиёнага нисбатан ғазаби, фуқароларнинг шох юрагидаги муқаддас оловни ўчирган сирли қарашларига нисбатан нафрати тўлиб тошди. Бас, шундай экан, зар

келтирувчи водий осиеликлар учун Қўркув водийсига айлансин!

— О Ирида, камалак илоҳаси! — македонлик хириллаб, кафтларини баланд кўтарди. — Мен бу мамлакатни ўлимга маҳкум этаман!

Македонлик аскарлар жанговар саф тортиб олдинга ҳаракат қилдилар.

— Бузинглар! Ёқинглар! Зўрланглар! Ўлдириглар! — буюрди Искандар.

У қўл ишораси билан ўз аскарларини тинч аҳолига қарши сафарбар этди.

— Сизларга Ирида илоҳаси мадад қилади! — хитоб этди Искандар.

Найзаларининг учини кўтармай, аскарлар аввал оддий қадам ташладилар. Кейин, оддий қадамдан йўрғалашга, сўнгра чопишга ўтиб, шиддат билан йўлларида учраган тўсиқларни шипириб ташлаб, тинч аҳолини талаш, зўрлаш, хўрлаш ва ўлдиришни бошладилар.

Аҳолини қириб, Искандар аскарлари оғиллардан отларни, туяларни, эшакларни, сигирларни, эчки ва қўйларни ҳайдаб чиқардилар. Кейин уйларга кириб, фуқароларнинг кийим-бошларини, пойабзал, қозон-товокларини, гилам ва кўрпа-тўшакларини, омборхоналаридан гуруч, буғдой, арпа, нўхат, мош, ловия, мусаллас ва ёғ хумларини олиб чиқдилар. Буларнинг ҳаммасини ҳовлилардаги аравалар ва от-уловларга ортдилар ва қўшни кишлоққа ўтдилар. Шу тарика, Самарқандгача.

Искандарнинг ғазоби ва умидсизлиги бир-бирига ҳамроҳ эди. У хали ҳам норози эди. «Менинг аскарларим ҳатто Афросиёбнинг аркида ҳам оромни билмайдилар!» — хайратланиб ўйлади Искандар.

Безовталигидан у арkning залида катта қадамлар ташлаб, у ёқдан-бу ёққа йўрғаларди. Искандар гоҳ ўтирар, гоҳ яна ўрнидан туриб дераза олдига борар ва умидсизлик билан ёнаётган шаҳарга қарарди. Аммо ёнғин, аксинча, кучаярди. Ёнғин алангаларини шамол тўппатўғри арк томонига қуварди, гўё у сўғдийларнинг муқаддас масканларига кириб олган чет эл босқинчиларини қувиб чиқармоқчи бўлганга ўхшарди.

Шоҳ ҳузурига Кратер, Гефестион, Пердикка ва Птолемей Лаг кирдилар. Улар шоҳнинг зудлик билан Афросиёбдан чиқиб кетишини ўтиниб сўрашди.

Суғдий шоҳларининг қасрини қўйиб кетиш?! Искандар бунни эшитишни ҳам хоҳламади. Афросиёбдан кетиш қочишга ўхшаб қолади. Бу жангда чекинишдан ҳам ёмон.

Гефестион узун қўлларини кенг қулоч қилиб ёйди, холос.

— Акс холда, биз ҳалок бўлишимиз мумкин: агар ҳозир Спитамен бизга қарши ҳужум бошласа, сен ўз аскарларингдан ёнғин билан ажралиб қоласан! — деди Кратер.

Кутилмаган бу далил шоҳга ҳар қандай бошқа асослардан кўпроқ таъсир этди.

Персеполнинг ёнғини Искандарни қувонтирганди, Самарқанднинг ёнғини эса қўрқитди.

— Бу бизга катта бахтсизликни олиб келиши мумкин! — Искандарнинг оғзидан чиқиб кетди. У ғамгин, камгап ва дарғазаб эди.

Қўмондонлар ва энг яқин этерлар, шоҳнинг этилиб келаётган жаҳлини қўзғатмаслик учун оёқларининг учида юрардилар. Шоҳ Самарқандда кишлашни хоҳламади. Спитамен ҳужумининг хавфи уни на кундузи, на кечаси тинч қўярди. Лекин Искандар барибир довдирамади.

Шоҳ хали ҳам ўзининг бахт юдузига ишонарди. У Суғдиёнада, сатрап сифатида, Гефестионни қолдириб, ўзи уч ярим минг пиёда аскарларни олиб зудлик билан Бактрага қайтишга қарор қилди.

У бугун мусикасиз, аммо ҳар қачонгидек ўзининг энг яқин кишилари орасида жўнади. Олдинда отлик ёш этерлар гуруҳи борарди. Йўл бўйининг ҳаммаёғида юнон-македон аскарлари ёққан гулханларнинг тутунлари чикмоқда. Уларда ўтин ва тўнкалар билан бир қаторда бузилган уйларнинг эшик, деразалари ёқилмоқда.

Гулханлар атрофида тартибли чодирлар билан бир қаторда чайлага ўхшаган, уйлардан тортиб олиб келган эшиклардан ясалган бошпаналар ҳам турарди. Уларнинг тагида ажойиб шарқ гиламлари тўшалган бўлиб, устида тутун, чаиғ ва лойдан қирланиб тутаклиб кетган, аммо ювинмаган ва соколларини олдирмаган, лекин биринчи қарашда ўзларидан мамнун бўлган ҳарбий бошлиқлар ва гердайган аскарлар ўтиришарди.

Айрим чайлалар ва чодирлардан ноз-қарашма билан ташқарига қараётган аёллар кўринарди. Бу аёллар оёқ остида қирланган ажойиб гиламлар устида, форс ва хитой мовутларига ўралиб ўтирардилар.

Гулханлар устида юришларда ишлатиладиган темир қозонлар ўрнида нуқра ва биринжидан ясалган қозон, пақир, коса ва бошқа идишлар тугиларди. Улардан қўйларнинг сон ва қовурғалари осилиб турарди. Ҳаммаёқда бўшатишган ёки хали оғзи очилмаган мусаллас тўла хумлар турарди.

Деярли ҳамма харбий бошлиқлар ва аскарлар маст. Улар Спитамен устидан вақтинчалик ғалабадан хурсанд. Спитамен қум чўлларига қочиш кетди, аскарларга бошқа нима керак?

Йўлдан ўтиб кетаётган шохни кўриб аскарлар найза ва бошқа қуролларини кўтариб уни олқишладилар. Улар қўлларига май тўла нуқра қадахларни олиб баланд кўтарган ҳолда, унга хитоб этдилар: «Искандарга шон-шарафлар!» Айримлари шохни қадахларни уриштиришга таклиф этдилар, баъзилари ўз махбубаларидан махлиё бўлиб, ўтаётган Искандарга ва унинг этерларига қарамас ёки қараганда ҳам, қўл силтиб, уларни жин урсин дегандай, ишора этишарди.

Кўпчилик аскар ва уларнинг бошлиқлари на шохга, на унинг яқин кишиларига ҳеч қандай эътибор бермадилар. Улар жиддий ва ёқимли иш билан банд: таланган нарсаларни саранжом қилиб, бир-бирларига мақтанар ва бой ўлжадан қувонардилар.

Хурсандчилик қилишга мойил тахлитдаги кишилар қароргоҳда ҳар хил йўл билан қувноқлик қилардилар. Бу ердаги гавжумлик умуман сайл маросимига ўхшарди: форс, хитой, турк, дах ёки бошқа қабила фуқароларининг кийимларини кийган македонлик ва юнон аскарларини кўриш мумкин эди.

Македонлик аскарлар мириқиб дам олардилар.

Ҳаммаёқда чўзилиб кетган отлик ва пиёда аскарлар талаб тўпланган ўлжалари билан судралиб юриб, шохга йўл беришни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Улар қўлларига камчилар ва найзалар билан ярим яланғоч суғдийларни – елкалари ва бошларида македонликлар талаган юкларни кўтариб бораётган аёллар, қариялар ва болаларни тезроқ юришга қистардилар.

Искандар Спитамендан қўрққан бўлса ҳам, Элладани алдамоқчи бўлиб, жанубга қишлоқ учун қулай жойни эгаллаш мақсадида кетаётганлигига ишонтирмоқчи бўлди. Йўлга чиқиш билан у Бактрия сатрапи Артобазга

чопар юбориб, янги қўшин тузиш учун аскар тўплаш ва кўпроқ озиқ-овқат жамлашни буюрди.

Искандар жанубга ўзининг илғор қисмлари билан, ўз хаётидан ва шохидан хурсанд бўлган этерлари химоясида бормоқда. Шох, мабодо Спитамен улардан илгарирок Навтокка келиб унга қарши пистирма тузмасин, деб кўрқканидан ўз отрядини шошилтирди. Спитамен эса ўз хабарчиларидан Искандарнинг жанубга қараб чиққанини билиб, аллақачон пистирма қўйишга тайёрланарди.

Искандар олдинга унча катта бўлмаган отликлар гуруҳини юбориб, уларга секин ва хушёрлик билан асосий қисмлардан уч фарсанг масофада юришларини ва пистирмадан холи бўлиш учун атрофларни кузатиб боришни буюрди.

Отликларнинг иккинчи гуруҳини шох катта йўл билан, Амонқўтан довони орқали, Навток томонига, гўё у шу йўл билан бораётган эканлиги ҳақида фикр ҳосил қилдириш учун юборди.

Биз оздан кейин, тушга яқин, ёға бошлаган биринчи қор остидан македонликлар бўлинмаси Шодзамин (Оҳалик) қишлоғи орқали, Қумғази тоғ тизмалари довонидан ўтди ва нотекис йўллар билан Макрид қишлоғининг ғарб томонидан ўтиб, Чироқчи томонга ҳаракат қилмоқчи бўлди.

Шу орада Спитамен, ўз хабарчиларининг Искандар бўлинмаси Амонқўтан довони орқали ҳаракат қилмоқда, деган маълумотларига ишониб, Макрид яқинида жойлашган лашқар қароргоҳидан уч минг аскарни олиб пистирма қўйиш учун довон томонига жўнади. Бу борада Искандарнинг айғоқчилари ўша захоти унга хабар етказдилар.

— «Бу — бахт аломати», — ўйлади Искандар.

Тушдан кейин, Искандар отряди Макрид қишлоғидан тўрт фарсанг масофадаги тоғ дарасида турган чоғида, Эрзиф Амонқўтан довонига чопар юбориб, душман Қумғази довонидан ўтганлиги ва пистирмага яқинлашгани ҳақида Спитаменга хабар беришни буюрди. Спитамен тезлик билан Макридга қайтиб келсин, деб тайинлаб юборди.

Чопар хали Спитамен хузурига етиб бормасдан, Эрзиф соқчилари кўкқисдан қичқирдилар:

— Юнонлар! Юнонлар!

Булар Искандарнинг пиёдалари: улар Эрзифнинг уч минг кишилик гуруҳига ҳужум қилиш учун келган, чунки Спитамен гуруҳининг тоғ чўққиларини айланиб уларга ёрдамга етиб келишлари учун камида бир ярим соат вақт кетишини билардилар.

Эрзиф бундай кутилмаган ҳужумдан ўзини йўқотмади; тажрибали жангчига хос вазминлик ва катъийлик кўрсатиб, ёш ҳарбий бошлиқ Катан билан биргаликда аскарларни жанговар ва тоғлик жойга мувофик тарзда саф торттирди. Отряднинг ўнг қанотини тепаликкача тортиб, уни бошқаришни Катанга топширди; отряднинг чап қанотини эса яқинлашиб бўлмайдиган қоянинг жарлиги-гача чўзиб, ўзи бошчилик қилди.

Кўп ўтмай тўрт мингга яқин юнон-македонлик пиёда аскар ва отлик ҳарбий бошлиқлар туташ саф тортиб кўзғолончиларга ҳужум қилдилар. Урушаётганларнинг ваҳимали кичкириклари, қиличларнинг қалқонларга урилган шиддатли зарбалари тоғ этагидаги сокинликни бузди; бу жойлар учун нотаниш акс-садолар узоқлардан эшитиларди. Эрзиф ўз аскарларининг сафини айланиб чиқди, Искандар — ўзиникини; икковлари ҳам уларни руҳлантирдилар. Жанг дахшатли бўлди; на у томон, на бу томон бирон қадам ҳам чекинмай, ҳаёт-мамот учун олишдилар.

Македонликлар ҳужумга туташ саф тортиб борганларидан, Эрзиф аскарларининг чап қаноти душман ҳужумидан четда қолди, шунинг учун отряднинг мингга яқин аскарлари жанг қилмай турардилар. Буни кўрган гуруҳ бошлиғи Муродот олдинга шўшилди ва уларнинг бошида туриб буйруқ берди: «Ўнгга бурилишлар». У кўзғолончиларни македонликларнинг ўнг қанотига қарши ташлади. Кўзғолончилар душманга қарши қаттиқ ҳужум қилдилар, буни кўрган Муродот қувониб кетди. Аммо бу қисқа муддатли муваффақият эди; душманнинг бу қанотига бошчилик қилаётган юнон Певколай ўз яқинидаги отликлар гуруҳини чақириб сўғдийларнинг чап қанотига ҳужум қилишни буюрди. Тез орада кўзғолончиларнинг учинчи ва тўртинчи гуруҳлари македонлик отликлари зарбаларига учрадилар, натижада кўзғолончиларнинг сафи бузилиб, ваҳимага тушдилар ва дахшатли қирғинга учрадилар.

Шу орада Искандар икки гуруҳ палахмончиларига Эрзифнинг ўнг қанотини айланиб ўтишни буюрди; улар



жуда тезлик билан яқиндаги тепаликка чиқиб олдилар ва у ерда турган кўзғолончиларнинг эҳтиёт қисмига ҳужум қилиб, уни сафдан чиқардилар.

Искандар ўз харбий бошлиқларининг жанг усулида мохирликларини кўрган бўлса ҳам, кўзғолончиларнинг ўнг қанотини ўраб олиш учун, Муродотнинг хатосидан фойдланди ва бу ерга ўз отлиқларининг қолган қисмини ташлаб, суғдийларга орқа томондан зарба беришни буюрди.

Суғдийлар харбий қисми ва Макрид аҳолисининг кўнгиллилари бу жангда мардонавор курашиб, жасорат кўрсатган бўлсалар ҳам, уч мингдан кўпроқ аскар ва қасосчи фуқароларни йўқотдилар.

Эрзиф унга хос жасурлик билан жанг қилди ва охиригача Спитамен бўлинмаси жангга келиб қўшилишга улгурса керак, деб умидланди; кўпчилик сафдошлари ва аскарларининг нобуд бўлганлигини, унинг кўз олдида содир бўлаётган даҳшатли қирғинни кўриб, афсусланди. У Спитамен келиши керак бўлган томонга қаради ва жиянига нисбатан кучли муҳаббати ифодаланган қалтирок овоз билан муружаат қилди:

— О Спитама! Сен бизга ёрдам беришга улгуролмайсан! Лекин биз учун ўч ол!

Бу сўзларни айтиб, у ўз отини туртди ва душман пиёдаларини қира бошлади, аммо улар ҳам бўш келмадилар. Македонликларнинг сафи бир оз бўшашди, лекин уларга янги кучлар ёрдамга келиб, тез фурсатда олти нафар кўзғолончиларни қириб ташладилар.

Орқасидан найза билан яраланган Эрзиф ҳам отдан йиқилди, аммо тезда ўрнидан туриб, уни найза билан орқасидан урган македонликни ўз қиличи билан чопиб ташлаб, кейин ҳолсизланиб, яна йиқилди. Ўлаётиб, Эрзиф паст овоз билан деди:

— Ғалаба сенга ёр бўлсин, Спитама, ва...

Унинг оғзи туташиб, кўзлари бекилдилар; шу вақт бошқа македонлик, қўлидаги узун найзаси билан Эрзифнинг қонга беланган кўкрагини чўтлаб, қичқирди:

— Аммо ҳозирча сен мағлубиятдан роҳатлангин. Сенга ўлим!

Жанг охирига яқинлашди. Бир ярим соат давомида бир ярим минг македонликлар қирилдилар, ўлган суғдийлар эса уч минг, маҳаллий кўнгиллиларни ҳам ҳисоблаганда, яна кўпроқ.

Қаттиқ қор ёғмоқда. Агар жанг бошланганда тўкилган қонлардан ерлар баҳорги майсазорларда қийғос гуллаган лолалардек қизарган бўлса, унинг охирига бориб қалин ва оппоқ қор ўлганларнинг жасаdlарини қоплаб олди.

Искандар Спитамен бўлинмасининг яқинлашиб келётганини ва ўз отрядининг қолган қисми билан уни мағлуб этолмаслигини билиб, аскарларининг жунубга қараб чекинишларига қаршилиқ қилмади.

Кўп вақт ўтмай тоғдан, қор кўчгага ўхшаб, Спитаменнинг уч минг кишилиқ бўлинмаси пастга ўпирилиб тушди. Отлиқлар ва пиёдалар устида найзалар ўрмони мавжланиб, буғ кўтариларди. Улар шиддатли жангга шошаётганларини яхши билиб, тетик рух билан Макрид қишлоғига етиб келдилар.

Спитамен яқиндагина Эрзиф истехком бўлиб ўз аскарлари билан турган жойга келди. Бу майдонда у етти ёки саккизта қонига беланиб, зўрға ўз ўринларидан туришга интилаётган ярадорларни, жумладан, қандайдир мўъжиза билан бу дўзахдан тирик қолган Катанни кўрди.

— Эй Худо! Бу ерда нима содир бўлди?! — нафаси сиқилиб, қичқирди Спитамен.

— Биз тор-мор бўлдик... қирилдик... — зўрға гапирди Катан.

— О менинг бахтсиз биродарларим! О менинг севимли Эрзиф тоғам! — хитоб этди Спитамен ва қўллари билан юзини ёпиб, хўнграб йиғлади.

Харбий бошлиқлар ва аскарлар Спитамен фигонига ҳамдардлик билдириб, унинг атрофида турардилар; рухан ва жисман кучли дохийнинг кўза ёшларидан уларнинг юзларидаги хаяжон ва ғазаб туйғулари шиддатли тус олди.

Сукунат узоқ давом этди, ниҳоят, ўз укаси Муродотнинг ўлиmidан ҳам қайғураётган Мередит, мухаббатга тўла ва хаяжондан узинди овоз билан, Спитаменга деди:

— Ўзингга кел, ҳимматли Спитамен.... бахтсизлиқда бардам бўл...

— О менинг Эрзифим! Менинг марҳаматли Эрзиф тоғам! — маъюслиқ билан, Катанни бўйнидан кучоқлаб қичқирарди суғдий, кейин бошини Мередитнинг елкасига қўйиб, яна йиғлади.

Шу тахлитда у бир неча дақиқа тик турди, кейин ранги кетган, кўз ёшлари тўкилган юзини кўтарди ва кафтининг орқа томони билан артди. Меридит унга деди:

— Бардам бўл, Спитамен! Биз энди нима қилишимизни ўйлаб чиқишимиз лозим.

— Ҳа, ҳақ сен. Биз аввало мағлубиятга учраганимизнинг сабабини, разил сотқин ким эканлигини аниқлашимиз лозим.

У чуқур хаёлга ботди ва тоғ чўққиларига тикилиб анча жим турди. Ниҳоят, ўзига келиб, сўради:

— Эксарт қаерда?!

Спитамен менинг хоинлигимдан воқиф бўлмайди, деб ўзига ишонган Эксарт қайғуда бош эгиб турган отлиқлар орасида эди. Спитаменнинг саволи Эксартни хавотирга солди ва нима учун ҳоким уни сўраганлигининг сабабини аниқламай, отига қамчи уриб жанубга, македонликлар орқасидан чоптирди. Унинг орқасидан иккита отлиқ кувиб кетди. Эксартнинг қочиш сабабини тушунган Мередит, зудлик билан ўз отига миниб, у ҳам Эксарт орқасидан кувди. Куваётганларнинг бирини Эксарт каттик ярадор қилиб йикитди ва қочишни давом эттирди. Мередит эса, сотқинга етиб олиб, найзаси билан орқасига урди.

Эксарт оддан қулаб тушди. Ўлаётиб, у тепасида турган Мередитга қараб леди:

— Сенинг Спитаменнингни кўришга тоқатим йўқ, ҳам-маларингни кўролмайман! Сенинг Спитаменнингни мен чалғит... — ва сўзини тамомлаёлмай жон берди.

Спитамен отини туртиб, жанг майдонида ўликлар тўпланиб ётган жойга етди. Шу ерда у оддан тушиб, ўликларни оралаб кетди. Спитамен, юрагида дарду алам билан бу қайғули майдонда абадий уйқуга кетган, лекин юзларининг ранги ўчган ёки бадбашара бўлган, аллақачон қор билан қопланган аскарлари ва кўнгилли фуқаролар ўлигини кўрди ва яна унинг кўзлари ёш билан тўлди.

Мурдалар ётган майдонда бир соатча юриб, Спитамен, ниҳоят, Эрзифнинг қонга беланиб ётган жасадини топди; фақат унинг юзи қўл текизилмаган эди; жонсиз ҳолатида ҳам, у ҳаёт вақтидагидек ҳимматли мағрурлик ва жасурлик нишоналарини сақлаган эди.

Эрзиф жасадини кўриб, у ўзини ерга ташлади ва унинг юзларидан ўлиб, тўкилаётган кўз ёши ва йиғи аралаш деди:

– Қимматли дўстим, сен сотқиннинг дастидан ҳалок бўлдинг! Эрзиф, сен ўлдинг, аммо мен сенга ёрдам кўрсатиш учун етиб келолмадим, бегуноҳ ўлганлар учун ўч олмай бу оламдан кетдинг, марҳаматли ва севимли менинг Эрзифим!

Спитамен барча ҳалок бўлганларни кўмишни буюрди ва одат бўйича ўлганларга қурбонлик берди.

Қабр устида ўтириб, Спитамен кучли овоз билан кичкирди:

– Бу ерда, ана шу жойда, мен худоларга қасамёд қилиб айтаманки, сизларнинг ўлимингиз учун қотилларингиздан қасос оламан!

У ердан турди, аламидан кўзлари қизариб ғазабга тўлди; бошини кўтариб у кафтларини очди ва қўлларини кўтариб Худодан илтижо қилди.

Кўмиш маросими ўтказилгандан кейин, Спитамен ўзининг яқин кишиларини ҳузурига чақириб, уларга келаси ҳаракат дастурларини айтиб берди, улар режани маъқулладилар. Македонликларнинг Сурхан водийсидаги аҳолини талашига йўл қўймаслик учун Искандарни Окс дарёсига қадар кетидан қувиб бориш, чегара яқинида туриб, истилочилар ҳаракатини кузатиш лозим, деб ҳисобладилар.

Спитамен Катанга Навтоқда қолиш, бу шаҳарда ўз ярасини даволатиш ва вилоят ҳокимиятини ҳодимлари билан янги кўнгиллилар гуруҳини тузиш ҳамда озик-овкат маҳсулотларини жамғаришни топширди.

Катан хавфлиликни таъкидлаб, Спитамендан дохий ва муқаддас ишнинг «юраги» сифатида ўзини хавфлардан муҳофаза қилмоғи лозимлигини сўради.

– Бизнинг ўлишга ҳаққимиз йўқ, — жавоб берди Сиёвуш насли. — Бизга тарих томонидан буюк вазифа — истилочиларни ҳайдаш ва Суғдиёна мустақиллигини таъминлаш юклатилган. Бизнинг халқимиз қарамлик ва ноҳақликдан жуда кўп изтироб чекди. Агар биз уни тақдир ҳукмига ташлаб қўйсак, у бизни асло кечирмайди.

Эртаси кечкурун Спитамен ўз отряди билан Бойсунтоғ этакларига етиб келди ва Кўҳитантоғ томонга қараб,

бир неча фарсанг олдинга отликлар гуруҳини душман харакатини билиш учун юборди; тинчланадиган хабарни эшитганидан кейин, у ўз суворилари билан Сурхан водийсига тезроқ етиб боришга отланди.

## Йиғирма учинчи боб

### ҚОПЛОНИНГ САКРАШЛАРИ

Навтоқ йўлидаги икки томон учун ҳам халокатли бўлган Макрид жангида ўз отрядининг ярмини йўқотиб қазабланган Искандар, Бактра йўлида — Зариасп шаҳрида тўхтаб, аскарларини саф тортириб, ҳаммаларини кўрқоклик, иродасизлик ва қочқоқликда айблаб қойди.

— Бундан кейин, — деди Искандар, — иродаси суствлар учун мен жазолашнинг децимация (қуръа ташлаб, ўн кишидан бирини қатл этиш) усулини қўллайман. Осиёга юришнинг бутун давомида бундай жазолашга зарурият йўқ эди, лекин сизлар душмандан кўркиб қочар экансизлар, энди мен сизларга шундай тадбирни қўллайман.

— Энди, деди у, жасурлик қилиш ва шонли ғалабалар вақти келди. Мен сундий исёнчиларини тор-мор қилиш учун янги кучларни йиғаман.

Бактрада туриб, Искандар ўз қўшинини янги кучлар билан тўлдирди. Птолемей ва Менид 3000 пиёда ва 1000 отлик аскарларни олиб келди. Лекиядан Искандар (Филотнинг ўғли) шунча сонли пиёда ва 500 отлик аскарларни, шунча кучни Суриядан Асклепиодор олиб келди; Антипатр 8000 нафар юнон, жумладан 500 отлик аскарларини юборди.

Шунча мадад билан ўз кучини мустаҳкамланган шох Спитамен бошчилигидаги халқ кўзғолонини ному нишон қолмасдан йўқ қилмоқчи бўлди. Лекин у баҳор фаслини кутди; унғача Маргиана шаҳри атрофларидаги қабилалар кўзғолонини бостирди.

Искандар узок ўлка ҳокимларини ҳам ўзига жалб этди. Бактрага Хоразм шохи Фарасман ҳам тухфалар билан бирга 1500 отлик аскарларини олиб келди. Шу вақт Искандар Бактриянинг сатраплик лавозимидан Артобазни четлаштириб, унинг ўрнига Сугдиёнанинг собиқ сат-

рапи, Спитамен бошчилигидаги Самарканд кўзғолончиларини уддалай олмаган Клитни қўйди.

Баҳор фасли кирди. Халқ яна кўзғолди, бултур эгаллаб олган қалъалардаги македонликларнинг майда гуруҳларига хужум қилиб, уларни хайдаб юборди.

Искандар катта қўшин билан яна Суғдиёнага боришга қарор қилди. У ўз қўшинини уч қисмга бўлди. бир қисмига Гефестионни, иккинчисига Кенни бошлиқ этиб тайинлади; бошқаларига ўзи бош бўлиб, Самарқандга шошилди.

Келиши билан Искандар Афросиёбда Худо Диониснинг туғилган кунига бағишлаб базм уюштирди, унга Клитни ҳам таклиф этди. Бу базмда май ичишдан кизишиб кетган шоҳ, меҳмонларга ўз ғалабаларини хаддан ташқари мактади.

Шоҳнинг мактанишларини ёшлар марок билан тингладилар, аммо сал кексалар, Филиппни яхши билганлар уни эшитишдан толикдилар. Бир оздан кейин ёшлар билан кексалар ўртасида бахслашиш бошланди. Шоҳ вазминлик билан уларга қулоқ солаётган бўлса ҳам, Клитнинг шуҳратининг менсимаганлиги учун, қаттиқ ғазабланди. Клит эса энди фақат май таъсири билан эмас, амалда ҳам унинг Суғдиёнадаги фаолиятини шубҳа остига олди:

— Агар сен учун ўлиш лозим бўлса мен, Клит, биринчи бўлиб жон беришга тайёрман. Аммо сен бунга арзимайсан. Сен менга анча вақтдан бери кўзғолаётган Суғдиёнани топширасан, у эса ҳали ҳам бўйсунгани йўқ, бўйсундириб бўлмайди ҳам...

— Бемаъни гапларингни йиғиштир, — унинг сўзини бўлди Искандар, ғазабидан қўлидаги қадахни қаттиқ қисиб.

— Сен мени Суғдиёнада қолдирдинг, — давом этди клит, шоҳнинг сўзига эътибор қилмай, — ўзинг эса Кирополга кетдинг. Мен аскарман, менинг ишим жангларда олишиш. Менга садақа керак эмас. Сен киш фаслида бу ерда қолишдан қўрқдинг, Спитамендан қўрқдинг. Буни инкор этолмайсан. Бу йил ҳам киши билан Марокандни сенинг кекса аскарларинг қўриқлади, сариқтумшук ёшларинг эса сен билан Бактрада маишат билан кишлаб чиқди.

Шоҳ кон қуйилган кўзларини Клитга тикди, у эса ҳамон ўз сўзларининг оқибати нима бўлишини ўйламай, юрагида йиғилган аламни тўкиш учун, давом этди:

— Мени табиатан жасур, Спитаменнинг ўжар скифларига қарши юборасанлар. Чунки энди суғдийларнинг дохийси бошчилигида жануб қабилалари ҳам бош кўтариб чиқдилар. Мен фақат ўзим ҳақимда айтаётганим йўқ... Сен Филипп аскарларини менсимадинг ва шуни эсингдан чиқардингки, агар Аттария жангдан кочган ёшларни тўхтатмаганида, балки биз ҳозир ҳам Галикарнас остонасида ўтирган бўлардик. Ҳақиқатан ҳам, сен бу ёшлар билан Осиёни қандай қилиб бўйсундирадинг? Мен амакиннинг Италияда айтган сўзларини тўғри деб ҳисоблайман. Унинг сўзлари ҳаммага маълум; у мардларга ҳужум қилганлигини, сен бўлсанг хотинларга, деб айтган эди у.

Унинг сўзларини эшитган маст шоҳнинг ғазаби шунчалик тошиб кетдики, ҳушёр киши ҳам чидаёлмасди. Искандар Клитга нима деб жавоб беришини билмай, қинидан ханжарини тортди ва ўрнидан ирғиб турди. Атрофда ўтириб баҳсга аралашмаганлар Искандар қўлини ушлаб, унинг вазмин бўлишини сўрадилар. Ҳатто айрим баҳоналар билан ёнидаги қуролларини йиғиштириб олдилар. Қаршилиқ кўрсатмаган Клитни эса, қизишиб кетгани совусин, деб ховлига олиб чиқдилар.

Искандар ўз жойига ўтирди. Қўлига яна май тўла қадахни олиб, бир шимишда уни бўшатди. Бир оз вақтдан кейин даврага Клит қайтиб келди. У ҳеч нима бўлмагандек ўз жойига бориб ўтирмоқчи эди, Искандар эса сакраб туриб, ёнида ўтирган қуролдорнинг қўлидан найзасини олди.

— Демак, сен Филиппнинг эски аскарларини соғиниб, ёшларни менсимамай қўйибсан-да?! Мана, энди Филипп, Парменион ва Атталнинг ёнига боргин!

Шу сўзлар билан ҳамманинг кўз олдида у довдираб қолган Клитнинг биқинини найза билан уриб тешди. Шундай қилиб, Спитамен қўлидан ўлмаган Клит, ўз эмиқдош биродари Искандар қўли билан ўлдирилди. Шоҳ жаллоднинг жирканч вазифасини бажарди, уни ўлимдан қутқарган кишига, ҳаққоний сўзлари учун шармандаларча ўлдириш билан жавоб қайтарди.

Кейин Искандар ўлган Клитнинг жасади устида кўз ёшларини тўкди. Қўмондонни кўмгандан кейин ҳам у уч кун ўзига келолмай, яккаликда ўтириб мотам тутди.

Аммо Спитаменнинг Ксенипп худудида пайдо бўлганлиги, Бактрия ва Суеидёна чегараларидаги македонлик аскарларни кўрқитиб қўйганлиги ҳақида айғоқчилар келтирган хабарлар уни ўрнидан туриб, ўз аскарлари билан ўша томонга боришга мажбур қилди.

\* \* \*

— Салом, Спитама!

— О, Бахтвар, Махрур, Фаррух, Лагомрез! Дўстларим! Келдингларми? Қани, тезроқ айтиб беринглар-чи! Самарқандда нималар бўляпти?

— Шаҳарга Искандарнинг ўзи бошчилигида эллик минг юнон ва македонликлар келдилар, унинг устига Корун ҳам Искандарга хушомадгўйлик қилиб юрибди!

— Сотқин!

— Сенинг Сурхан водийсига келишинг билан, Самарқандда қолган македонлар бошлиғи Гефестион, туманларга ўз аскарларини юбориб фуқароларни талай бошлади, — тушунтирди Бахтвар.

— Хўш? — хайрон бўлиб сўради Спитамен. — Қандай қилиб?!

— Ҳа! — аччиқланиб такрорлади Бахтвар. — Кўчаларда махсус жойлар ташкил этиб, йўвчиларни таламоқдалар. «Бож! — дейдилар. — Бож!» Ва куладилар, ер ютқурлар. Кўприкдан ўтасанми — тўла. Бозорга борасанми — кириш учун тўла. Бир нима сотиб олдингми — бозор ҳақини тўла. Сотдингми — яна чўнтагиндан чиқаргин. Уйлар, мол-мулк ва даромадларни рўйхатга олдилар — ўндан бирини бер. Ҳатто, ҳар кимдан жон солиғи талаб қилмоқдалар. Бунчалик айёрларча талашни мен ўйламагандим.

— Искандар қайтиб келгандан кейин, — қўшди Фаррух, — шаҳарда очиқ-ойдин ўлдириш ва талаш давом этмоқда. Ҳаммадан ғазабланган Искандар ҳатто ўз қўмондони Клитни ҳам ўлдирди.

— Ҳа, олиб келган янгиликларингиз қувонтирадиган эмас. Биз учун шаҳарга қайтиш ҳозир қийин. Искандарнинг бунчалик кучи билан биз олишолмаймиз, — ўйлаб



деди Спитамен. — Бизга куч етишмайди. Лаънати Корун! У тўлалигича душман томонига ўтди. Қўрқоқ Масаддик Ҳисор тоғларининг дараларида йўқолиб кетди. Оксиарт ва Хориен ҳам йўқолиб кетдилар.

— Аммо аввал жим юрганлар эндиликда гапира бошладилар, — хафалик билан деди Бахтвар. — Улар сен хакингда ярамас миш-миш гаплар таркатиб юрибдилар.

— Ярамас миш-миш гаплар? — Спитамен ҳайратланди. — Нималар деяптилар?

— Ҳар хил гаплар... — Бахтвар бошқа томонга қаради. — Айтишга тилим бормаиди.

— Очиғини айтавер! Ҳаммасини бирма-бир!

— Дейдиларки, сен гўё ифлос одам. Бессни юнонларга топширганинг бизни форслардан озод қилиш учун эмас, балки унинг бойликларини эгаллаш учун эмиш. Дейдиларки, гўё сен девона эмишсан, хотинингни таҳқирлар экансан, уни онасиникига қўймас экансан.

— Хўш?

— Даъво қилдиларки, гўё сен эртадан кечгача бангдона уруғини чилимга солиб чекар ва Ахура Маздани сўкар эмишсан. Дейдиларки, сен Аҳриманга сотилган эмишсан, шунинг учун массагетлар, яъни ҳақиқий зардуштийларнинг душманлари сенга ёрдам берармишлар. Ишонтирмоқчи бўладиларки, гўё сен хотинбоз эмишсан ва Самарқандда бирон аёл қолмаган эканки, унинг эри уйда бўлмаганда, сен уни қучоқламаган бўлсанг. Дейдиларки, гўё сен ўз отангни ўлдирган эмишсан, онанг ва қизингни ёмон кўрганинг учун ўзингдан узоқлаштирган эмишсан. Яна дейдиларки, гўё сен Сиёвушнинг ҳеч қандай насли эмас, сен инсон зурриётидан эмас, балки тоғ бир кўзли девининг зурриётидан бўлган эмишсан, шунинг учун сен Суғдиёнанинг шохи бўлишинг мумкин эмас экан.

— Хўш?

— Энг дахшатлиси шундаки, — деди Фаррух, — одамлар, гўё сен халқ учун эмас, балки ўз манфаатингни кўзлаб кўзғолон қилгансан, деган фикрни маъқулламоқдалар. Гўё шунинг учун сен номаълум томонга қочиб кетиб, кўп вақтдан бери шаҳарда кўринмас экансан. Дейдиларки, агар биз сени бошқатдан тахтта ўтқазсак, сен фуқароларни талашда форсдан қолишмас эмишсан.

– Хўш?

Ҳақиқатан, Бахтвар, Лагомрез, Махрур ва Фаррух Самарқанднинг хаяжонланган аҳолиси орасида юриб ва туртишиб, уларнинг эртадан кечгача тинчимайдиган баҳсларини эшитиб, ёмон хабарларни олиб келдилар. Спитамен ҳақида илгарилар ҳам кўп бемаъни гапларни айтардилар. У ёлғон миш-миш гапларга ўрганган ва уларга хотиржамлик билан қарарди. Гоҳида Сиёвуш наслининг ғайритабиий саргузашт (кечинмала)лари ҳақидаги хикоялар уни ҳатто завқлантирар ва юпатарди. Аммо бундай мудҳиш тухматни у ҳали эшитган эмас эди.

Искандар Самарқандга катта қўшин билан қайтиб келганидан кейин, кўп кишилар бошқача ўйлайдиган ва гапирадиган бўлдилар. Қоронғи ва сассиқ уяларидан мараз, каззоб ва палидлар ҳам ўрмалаб чиқдилар. Фақат ўзи учун яшаб, бировларга умрида яхшилик қилмаган одамлар, македонликлар фойдасига бошқалардан баландроқ овоз билан валдирадидилар. Спитамен кўзларининг нурлари уларга ором бермас, аксинча уларнинг ғазабини келтирарди, унинг қарашлари бундай одамларнинг чексиз ярамасликларини, қисқа ақлли, руҳан қашшоқ эканликларини аниқ кўрар ва кўрсатарди. Уларга адоват қилиш имконияти вужудга келганидан кейин, ўз аблаҳликларини баландпарвоз сўзлар билан хаспўшлаб, ҳатто Авестодан муқаддас ибораларни келтириб, Спитаменни қоралаш учун вақтларини ҳам, кучларини ҳам, захарли сўлақларини ҳам аямадилар. Ҳатто Спитамен ёмонлик қилмаган ва умуман ёмонликни уларга раво кўрмаган айрим кишилар ҳам ўзларининг ифлос мағзаваларини мароқ билан уни бадном қилишга қаратган тухмат оқимига қўйдилар, чунки Худо Спитаменга уларна нисбатан кўпроқ ақлу фаросат, қалбпоклик, инсонпарварлик ва жасурликни берган. Чунки Спитаменда мавжуд бўлган яхши фазилатлар уларда йўқ эди ва бу ҳол уларда бахиллик хиссиётини уйғотди. Бундай тоифадаги кишилар, одатда, ўзларини ҳаммадан тоза, ҳаммадан ақлли, ҳаммадан камтарин ва ватан иши, манфаатига садокатли қилиб кўрсатмоқчи бўлардилар. Ҳатто ўзларини мўмин қилиб кўрсатадиган тажрибали кексалар ҳам, виждонсиз ёлғончилардан нафратланиб, улардан юз ўғириш ўрнига, илжайиб қўйиш билан чегараландилар. Ни-

мага илжаймас экан, агар илжайиш мумкин бўлса? Ахриман разиллиги кучининг ифодаси бу, албатта.

Спитамен бундай кишиларнинг ҳаракатларидан хайратда қолди. У узоқ ўйлади: «Беснинг Искандарга топширилиши.., унинг хазинаси? Бактрия сатрапининг хазинаси ҳақида... , агар мен унинг бойликлари қаерда жойлаштирилганлигини билмасам, қандай гап бўлиши мумкин! Хотинимни хўрлаш? Зарани, усиз мен учун қуёш — қуёш бўлмаса ва ой — ой бўлмаса? Мумкин эмас! Бангдона чекиш? Туғилганимдан бери мен уни қўлимга олмаган бўлсам! Бировларнинг хотинига кўз олайтириш? Эй Худо! Ўз онам ва қизимни ёмон кўриш? Бу ҳақда онам ва Апама билсалар!.. Отамни ўлдирипман?! Унинг ўлимига шох Умасу саройидаги баттоллар сабабчи бўлганини Суғдиёнанинг ҳар бир фуқароси билади-ку. Тоғнинг бир кўзли деви ҳақида — бу алахсирапдан бошқа нарса эмас. Суғдиёнанинг шоҳи бўлиш борасидаги менинг орзу-истагим ҳақида улар ҳақлар. Ўлкамизни озод этишда массагетлар ёрдами ҳақида ҳам улар ҳақ...».

— Одамлар... ишонаяптиларми? — сўради у.

— Бировлар ишонаяпти, бошқалар йўқ.

— Сизлар-чи?.. Ишонасизларми?

— Биз... мен бу ғийбатлар устида ҳатто фикр юритганим йўқ, — деди Бахтвар.

— Мен биламанки, — деди Анбоз, — сен минглаб кишилар билан учрашасан. Аммо учрашишга ўзинг интилганинг йўқ. Халқнинг ўзи сени топди. У сени ўз доҳийси деб ҳисоблайди.

— Сен халқ... доҳий деяпсан, аммо...

Фаррух қошларини туташтириб, қатъийлик билан деди:

— Бизлар сени биламиз-ку. Лекин... тахтга эга бўлгандан кейин устимиздан таҳқир этмаслигингга ишониб бўладими?

— Ҳокимлик лавозимини менга Суғдиёна оқсоқоллари, туман ҳокимлари Мажлисида, кўп беклар иштирокида, ўзимдан сўрамай, топширдилар. Мен Мажлиснинг бу қарори билан келишдим, чунки Суғдиёнани душманлардан озод этиш орзусида эдим, — бор гап шу. Аммо ҳеч қачон, биз мустақилликка эришганимиздан кейин, тинчлик даврида, агар мен ҳоким бўлсам, шох бўлсам сиз-

ларга нисбатан қандай муносабатда бўлишлигим ҳақида бош қотирганим йўқ. Бу борада нима ҳам дейишим мумкин? — Спитамен чуқур оҳ тортди. — Мен саркор. Мен учун насабимдан, масхабимдан воз кечиш қийин. Мен ўз имонимга, эътиқодимга содикман, авлодимни севаман. Суғдиёна — менинг ва сизларнинг аجدодлар мамлакатини, турли тилларда сўзлашадиган, аммо қонимиз бир, бир-бирига ўхшаш қўшиқлар айтадиган ва бир хил уст-бош киядиган халқимиз мамлакатини эса яна кўпроқ севаман. Мен пайғамбар Зардушт ва отамнинг — барча қабилалар манфаатини бир хил ҳимоя этиш ҳақидаги насихатларидан четга чиқмайман.

Мен Суғдиёна истиклолиятини қўлга киритиш учун жонини аямайдиганлар томонидаман. Кўпчилик саркорлар ва беклар бу ишда сотқинлик қилдилар. Улар менинг рақибларимга айландилар. Сизлар мени қўллаб, менинг биродарларимга айландинглар. Мен ўз халқимдан бирон қадам нари кетишим мумкин эмаслигини яхши биламан. Менинг номим — сизларнинг номингиз. Мен ичадиган сув — сизларнинг сувингиз. Массagetлар манфаатини ҳимоя этиш — бизнинг манфаатимизни, суғдийлар, саклар, дахлар, хоразмийлар, тиграхаудлар, бактрияликлар ва бошқа қабилалар манфаатларини ҳимоя қилиш демақдир.

Спитамен ўз ўрнидан туриб, қизғиш сариқ рангли кулоллик маҳсули — аёл ҳайкалчасини қўлига олиб баланд кўтарди ва оҳангдор овоз билан деди:

— Илоҳа Анахита номи билан қасамёд қилиб айтаманки, мен халқимга ҳеч қачон бевафолик қилмайман!

Шу сўзларни йтиб, Спитамен чакмонининг ўнг енгини шимариб, ханжарини олди ва терисини тилиб қон чиқарди. Бахтвар қувониб ушлаган қадахга қирмизи қон томчилари тўкилди. Кейин қўлларини Бахтвар, Анбоз, Махрур, Лагомрез, Фаррух ва Калон тилдилар. Спитамен, пичирлаб дуо ўқиб, қадахга май қуйди. Ҳаммалари навбат билан бир қултдан ичдилар. Биродарлашганлар қўлтиклашдилар ва чодирдан кўзғолончилар ҳузурига чиқдилар.

Кўзғолончилар Спитаменга, қасамёд қилмасдан аввал ҳам, ўзларига ишонгандек ишонардилар. Аммо аллақачон кеч бўлган эди. Корун қилғилигини қилган эди.

Самарқандда катта ёшли аҳолининг деярли жами кириб ташланди, хатто болалар ва қариялар ҳам ўлдирилди. Аҳолининг македонликлардан қўрққан қисми Корун томонига ўгирилди. Кўпчилик қўзғолончилар ҳар томонга, уйларига тарқалиб кетишди. Македонликларнинг сон жиҳатдан ўсган лашкар қароргоҳидан шаҳарга кирадиган барча йўлларга соқчилар юборилиб, постлар кучайтирилди. Шаҳарнинг кўча ва тангкўчаларида туну кун македонлик аскарларнинг Корун одамлари кузатувидаги соқчи гуруҳлари кезиб юрадиган бўлди.

Шунинг учун Спитамен бундай вазиятда қўзғолончиларнинг Самарқанддаги Искандар аскарлари қисмига ҳужум қилишлари натижа бермаслиги, балки мағлубиятга дучор бўлишлари билан тугалланиши мумкин, деб ҳисоблади. Сиёвуш насли македонликларга унча катта бўлмаган аҳоли яшаш жойларига, туманларга ҳужум қилиш ва катта жанг учун қўзғолончилар гуруҳини кенгайтириш усулини танлади. Спитамен ва унинг дўстлари кишлокдан-кишлокқа, тумандан-туманга ўтар, ҳар қандай қулайликлардан воз кечар ва тунларни бедор ўтказишарди.

— Ксенипп фуқаролари! — кичқирди Спитамен. — Душман Суғдиёна ерини булғатди. Агар бугун бизга ёрдам бермасангизлар, Зулқарнайн эртага бу ерга келади. Ханжарларингизни чархланглар! Отларни эгарланглар! Менинг орқамдан келинглар! Ёки ғалаба қиламиз, ёки ҳалок бўламиз!

Шамол қотирган, қуёшда қорайган юзлар. Жасур кўзлар ҳаммага очик ва тўппа-тўғри қарардилар. Қўллар қизиққон отнинг жиловини қаттиқ тортиб, керакли томонга бурадилар. Дохийнинг оҳангли овози уни диққат билан тинглаётган оломои тепасида жаранглаганда, Бахтвар оқарди, Фаррух эса шундай хаяжонли куч олдики, унинг таъсирида македонлик истилочилар билан жангларнинг бир неча кунларида унинг кучига куч қўшилгандек бўлди. Спитамен уларнинг кўзлари олдида ўз ҳақлиги ва кучига ишонган, анча қаттиққўл ва зийрак қўмондонга айланди. Гўё унинг бўйи ўсиб, жуссаки яна мустаҳкам бўлгандек кўринди.

Ксенипп ёнидаги кишлокда қўзғолончилар маҳаллий аҳолини талаган юнон-македонликларнинг турар жойларига ҳужум қилдилар. Турар жой батамом йўқ

қилиб ташланди. Тирик қолган македонлик аскарлар тўрт томонга қочиб кетдилар. Бактрияликлар ва массагетлардан иборат бўлган маҳаллий аҳоли, Спитамен бошчилик қилаётган гуруҳнинг чаққонлиги ва жасурлигидан фахрланардилар.

— Бактрияликлар ва массагетлар, менинг орқамдан келинглари! — чақирди Спитамен, улар эса, гулханлар атрофида йиғлаб қолган хотин ва болаларини ташлаб, тийиб бўлмайдиган суғдий орқасидан эргашиб кетдилар.

Уларнинг бир қисмини енгил йўл билан ўлжа ғамлаш жалб этарди; очлик — қиши билан анча қўйлар ейилди, қолганларини македонликлар талаб кетишди. Аммо Спитаменга инсонпарварлик нияти билан қўшилиб, жангга отланганлар ниҳоят кўп эди. Спитамен гуруҳи кун сайин ўсиб борарди. Дохий айрим фаол кўзғолончиларни эзилган, аммо бўйсунмаган Суғдиёнаннинг шаҳар ва қишлоқларига жўнатиб, фуқароларни янги кўзғолишга тайёрлаш учун даъват этарди.

Куну тун ўз кучини аямай Спитамен қишлоқларда чўлларда от чоптирарди, одамлар унга мағрурлик билан мурожаат этардилар:

— Қоплон!

Унга бундай ном беришларининг боиси унинг қоплон терисини кийганлиги учунгина эмасди. У қоплондек довюрак ва чаққон. Суғдий ўзининг бор фикри ва кучини курашга бағишлаган эди.

— Бахтвар! — кичқириб чақирди Спитамен. — Айтчи, Искандар Бактрада кўп аскар қолдирганми?

— Унча кўп эмас. Қўмондонлар Аминта ва Мелеагрни қолдирган. Нима қилмоқчисан?

— Бактрага борамиз. Вахшдан кечиб ўтамиз ва дарёнинг чап қирғоғи билан Зариасп ва Бактрага борамиз. У ерда Искандар халқдан талаб ташиган барча бойликларни сақлайди. Уларни ўз эгаларига қайтариш керак. Маргда турган ва Суғдиёнада дайдиб юрган македонликлар ораларидан билдирмай ўтиб кетамиз. Менинг режам шундай: македонликлар бизни бу ерда, Ксениппда ахтариб юрсинлар, бизлар эса улар кутмаган, Искандарнинг қишки турар жойида пайдо бўламиз. Сен қарши эмасми?

— Йўқ, менга маъқул.

— Маъқул бўлса, аскарларга буюргин!

— Кўзғолончилар қароргоҳдан чиққанларида, эрта-лабки куёш чараклаб ҳаммаёкка нур сочарди. Хаво ти-

ник, шунинг учун македонликларнинг тепаликлар устида қурган қароргоҳлари ва улар тепасидаги қоровулхоналари, уларни айланиб юрган аскарлари яхши кўринарди.

Искандар, айтишларига қараганда, Бактрия ва Сугдиёнада саккизта бундай қароргоҳларни қурдирган, лекин бир қанча шаҳарларни бўзиб ташлаган; жумладан, Бактриядаги Кармат шаҳрини.

Вахш дарёсидан кечиб ўтгандан кейин, қўзғолончилар македонликлар қароргоҳи яқинидан, жумладан, Банд тепаси устидаги яхши қўрикланаётган қароргоҳ ёнидан ўтиб борардилар. Қароргоҳ ёнидан Парпансид тоғидан оқиб тушадиган катта ариқ ўтиб, Банд тепалигининг этагидан чўл бошланарди. Атрофларда аҳоли кам яшагани учун, ҳаммасёқда сокинлик ва жимлик ҳукм сурарди, шунинг учун юнонлар ва македонликлар бамайлихотир дам олишмоқда.

— Менинг оёқ ва қўлларим уйишиб қолди, — койинди гуруҳ бошлиғи, македонлик лашқарбоши Горкия, — бу скифлар қаерларда дайдиб юрибдилар? Уларни бир оз саваласам чигиллари ёзилармиди?

Тўрттала соқчи-аскарлар қоровулхона ёнида ўтириб, мусиқа асбоби кифаранинг мунгли янграшини тинглардилар. Горкия уларнинг бошида турарди. Тингловчиларнинг бири чидаёлмай мушти билан қоровулхона устунига урди:

— Безор бўлдим!!!

— Нима? — мусиқачи чертишни тўхтатди ва аразлаб оғзини очди. — Кифарадан безор бўлдингми?

— Кифарадан эмас! Бактрадан безор бўлдим! Юришдан чарчаб, ўлиб бўлдим-ку! Ҳаммасидан безор бўлдим!

— Марафонлик Варресни нима учун ва қандай ўлдиришгани эсингдан чиқдимми? — пўнғиллади Горкия. — Гапингни билиб гапир.

— Биз ўлмаймиз! Мен сенга Варрес эмас. Яхшиси айтгин: Спитаменни ҳали ушлаганлари йўқми? Сен кеча Бактрадан келган чопарни қабул қилдинг. У ҳеч нима демадимми?

— Ҳали ушлаганлари йўқ. Лекин ушлайдилар, — гуруҳ бошлиғи керишди. — Уни мен ушлайман! Ох!..

Горкия йиқилиб тушди. Унинг орқасида Спитамен камонининг тири диккайиб турарди.

Тўрттала аскар кичқирувидан атрофда қий-чув қўтарилиб, бутун аскаргоҳ бирпасда оёққа турди.

— Улала! — Спитамен баланд овоз билан кўзғолончиларни хужумга чорлади.

«Ўлимга маҳкум этилганлар» дохий чакириғига жавобан, қиличларини қинидан тортиб, даҳшат билан от чоптириб қароргоҳ аскарларига хужумга ўтдилар. Кўзғолончиларнинг ола, кул ранг ва малла отлари ўзларини ҳар томондан македонликларга ташлаб, кўкраклари билан уларнинг сафларини ёриб ташлай бошладилар. Юнон ва македонликлар қўлларидаги узун найзаларни ташлаб, калта найза ва қиличларини олиб уларга чап ва ўнг томондан ҳамла қилган довюрак кўзғолончилар билан олишдилар. Аммо истилочиларнинг уринишлари натижа бермади. Тез орада уларнинг аскаргоҳи тамомила тор-мор этилди.

Кўзғолончилар хужуми ва душман устидан ғалабаси ҳақидаги хабар тезлик билан атрофга тарқалди. Эртасигаёқ Спитамен юнонларнинг Банд аскаргоҳини батамом йўқ қилиб ташлаганини бутун Бактрия эшитди. Фукарлар калтак, болта, ханжарлар билан қуролланиб Спитамен томонига шошилдилар. Банд истехкомини мингта отликлар билан эгаллаб олган Спитамен, уч кундан кейин бактра томон уч ярим минг аскар билан жўнади.

Бактра йўлларига бошқа истехкомлардан йиғилиб келган истилочилар, Қоплон гуруҳига зарба беришни мўлжалладилар. Македонликларнинг бир отряди аллақачон олдинга ўтиб, кўзғолончиларни ўраб олиш ва уларни Бактра ва Зариаспага ўтказмаслик чорасини кўрди.

Спитамен йўлини тўсиш учун яна бир гуруҳ македонликлар яқинлашиб келди. Аскарларининг олдинги қаторида от чоптириб келаётган бошлиқнинг биринжи совути қуёшда йилтирарди.

Спитамен буталар орқасидан шиддат билан яқинлашиб келаётган отликларни аниқ кўрди. У тўлқинланиб жангга шошилаётган кўзғолончиларнинг ёш саркорларини тўхтатди.

— Хали вақтли, шошилманглар! Тўхтанглар, мен сугдийлар бошини ғажимоқчи бўлган уларнинг бошлиғини аниқлаб олай!

Қоплоннинг ўткир кўзлари македонликлар қаторида қошлари бир-бирига тутанган, юзи хўшшайган, тигбу-



рун, текис пешонали ва лаблари димоғдорликдан қий-шайган кишига тушди. У қўлидаги узун найзасини баланд кўтариб от чоптирар, бошидаги нуқраранг дубулғаси қўёш нурида мавжланиб, салобатига салобат қўшарди. Бу — македонлик қўмондон Полиперхонт эди.

— Улала! — кичкирди Спитамен.

Даҳшатли жанг бошланди. Юнон-македонликлар қўзғолончиларга нисбатан уч марта оз эдилар. Улар туткич бермас қўзғолончиларнинг тўсатдан пайдо бўлганидан қаттиқ ғазабландилар; отликлар ва пиёда фалангаларининг зарбалари қўзғолончилар қаршиликка дуч келди. Македонликлар қаттиқ туриб, қўзғолончиларни енгишга тиришдилар, лекин улар биринчи бор кўркувбилмас ва матонатли рақибга дуч келдилар.

Қасоскорлар ғазабландилар, найза ва қилич жангида македонликлардан бўш келмадилар, аксинча уларнинг саҳроларини эгалламоқчи бўлган димоғдорларга улардан қолишмасликларини кўрсатдилар. Қўзғолончилар қуршовида қолган димоғдорлар иложсиз вазиятда қолдилар.

Кути ўчган Полиперхонт тиз чўкди ва Спитаменга қўрққан кўзалри билан қараб, қўлидаги қалқон тасмасини маҳкам ушлади. Македонлик қўмондон ожиз кўзларини ўз кишиларидан ҳам узмасди. Уларнинг ўликлари, минг аскарнинг жасадлари жанг майдонида текис ва қалин тарзда ётардилар. Минг аскарнинг ҳаммаси! Унинг бир ўзи қолди. Полиперхонтнинг аъзои бадани титрарди. То ҳозир овози жаранглаган македонлик, калтираган овоз билан минғиллади:

— Нима... нима қилиб қўйдинглар?

У ўз аскарларининг мурдаларига ишора қилди. Қоплон ҳам унинг македон шеvasидаги сўзларининг маъносини яхши тушунди, у юнон тилида гапирган бўлса ҳам.

— Менинг мингта аскарим, — деди у калтираган овоз билан ва яна мурдаларни кўрсатди.

— Аммо у ерда, — Қоплон ўз қўллари билан шимолни кўрсатди, юнон тилида гапириб, — Сугдиёнада сизлар бир юзу йигирма минг кишини ўлдирдинглар. Тушунарлими, Полиперхонт?

— Сен юнонча тилда гаплашасанми? Сен бизнинг мартабали кишимиз бўлишинг мумкин-ку.

— Сизларнинг мартабаларингиз — гуноҳсиз одамларни ўлдириш.

— Бу менинг ихтиёрим билан бўлгани йўк. Сенинг ихтиёринг эса, мени ўлдириш, — Плиперхонт букилиб, бошини эгди. — Хозир... кесиб ташла. Вассалом.

Лекин Спитамен Полиперхонтни ўлдирмади. Искандарнинг юкори мартабали кўмондони кўлидан калкони-ни олдилар, юзига гўнг суртдилар, эшакка тескари ўт-каздилар ва кўчага ҳайдадилар.

Кўзғолончилар яна Зариасп томонга қараб жўнади-лар. Шаҳарда Мелеагр кўмондонлиги остидаги юнонлар гуруҳи ва Зарафшон водийсида иситма касалига дучор бўлган этерлар колган эдилар. Аминта ўзининг катта от-ряди билан бактрада турарди. У аркда ўтириб, Спитамен хужумларидан беҳабар, хавотирланмай дам оларди.

Спитамен қамал қиладиган воситаларсиз Зариасп харбий қалъасини эгаллаш мумкин эмаслигини яхши би-ларди. У бунга ҳаракат қилгани ҳам йўк. Қамал кўп вақт ва қурбон беришни талаб қилади, Искандар эса сувдийлар дохийсининг Бактрага хужумидан хабардор бўлиб, шаҳарга ўз кучларини ташлаши ва кўзғолончи-ларни қуршовга олиши мумкин. Тўсатдан хужум қилиш ва чекиниш, душман кутмаган жойларда унга зарба бе-риш, тез содир бўладиган хужумлар билан уни кучсиз-лантириш. Қопон ана шу ҳақда ўйларди.

У бактрияликлар ва массагетларнинг бошлиқларини маслаҳатга чақирди. Улар каторида бактриялик Раббо-ний — катта гавдали паҳлавон; Ниёз — ёш хаёлчан мас-сагет, гулларни севадиган, ўз отини безаб юрадиган йигит. Ниёз хатто кўзларини ёпиб, овозга мўлжаллаб, от чоштириб кетаётган чавандозни уриб йикитарди. Албат-та, маслаҳатда Бахтвар, Фаррух ва Спитаменнинг бошқа дўстлари — Абкор, Анбоз, Махмур, Сайлбор ва бошқа-лар ҳам иштирок этдилар.

— Қандай таклифларингиз бор? — Зариасп харбий қалъасини кўрсатди Спитамен. — Қамал қиламизми?

— Кучимиз етишмайди, — жавоб берди Раббоний.

— Яхшиси, ўлжаларни олиб, қайтиб кетамиз, — де-ди Ниёз.

— Сизларнинг фикрларингиз қандай? — Абкор, Бахтвар, Фаррух ва Калонга каради Қоплон.

— Раббонийнинг фикрига қўшиламиз, — деди Бахт-вар. — У ҳақ.

— Ҳа, у ҳақ, — қўшди Калон.

-- Яхши, — келишди Спитамен. — Нимани топсангизлар, олинглар ва қайтиб кетамиз, чунки Кратер — Самарқанд пойида, Зарафшон бўйидаги жангда биз савалаган македонлик, — бу ерга шошаётган экан. Чопар шу хабарни олиб келди. Кратер дарғазаб, ундан яхшиликни кутма.

Македонликларнинг Зариасп ва Бактра атрофларидаги истехкомларида фукароларни талаб келтирилган чорва моллари, ғалла, қуруқ мева, газмоллар, идишлар тўла ёр ва ичимликлар кўп тўпланганди. Бу бойликларнинг бир қисмини таловчилар ўз уйларига, Элладага ва Македонияга жўнатишни ўйлаган эдилар.

Спитамен буйруғи билан қўзғолончилар оморлардан бойликларни олиб чиқиб эшак ва туяларга ортдилар. Хомуш, жим ва чакқонлик билан ишладилар; лекин жўнашга улгурмасдан, тўрт македонлик аскар қўзғолончиларни кўриб, тўполон кўтарди.

Спитамен бир гуруҳ қўзғолончиларга ғарбга бориш, қарвон ва чорва молларига қоровуллик қилишни буюрди. Ўзи эса қасоскорларнинг Мелеагр отрядига қарши жангига раҳбарлик қилди. Сарой дарвозасидан чиққан македонликларни улар ўша заҳоти кириб ташладилар.

Мелеагр ва унинг шахсий соқчилари ҳамла қилиб йигирмадан ортик қасоскорларни ўлдирдилар. Қалъа олдидаги жанг билан овора бўлиб, македонликлар патилар орақасида яшириниб орақадан зарба беришга тайёрланаётган Спитаменни кўрмадилар. У тўсатдан ўз гуруҳи билан душманга қарши ҳужум қилди. Шундай қилиб, Зариасп деворлари остида қисқа, лекин даҳшатли жанг бошланди.

Мелеагр Искандар қўмондонлари ўртасида ўзининг беқиёс чакқонлиги, айёрлиги ва жангларда қакшатғичлиги билан танилган бўлиб, Сайроб остидаги жангда ҳаётида биринчи марта уни ярадор қилган Спитаменни кечирган эмас эди. Мелеагр ўшандан бери бу суғдий исёнқори билан учрашиш пайтини кутар эди. Бу учрашишдан у хурсанд бўлди.

Пахлавон пайт пойлаб суғдий Қоплони билан юзмакюз бўлди. Оҳо, машҳур Спитамен шу эканми! Ўшанда, Сайроб остидаги жангда, бу «итваччани» Мелеагр яхши пайқамаган экан. У ҳозир қандай олишиш кераклигини кўрсатиб қўяди...

У ўз шамширини кўтарди-ю, ўша захоти қичқирди. Унинг кўлидан қуроли учиб кетди. Олдинга сакраган Спитаменнинг шамшири унинг кўтарилган кўлига тегди. Спитамен яна душманга ташланди. Аммо қандайдир юнон сувориси ўзининг узун найзасини узатди ва шамшир найза дастасини кесиб, Мелеагрга тегмади. Шунда бошқа юнонлар югуриб келдилар ва Спитаменни бечора Мелеагрдан нари сурдилар. Эллинлар, ўзларининг учдан бир қисм аскарларини йўқотиб, калъа деворининг орқасига кочиб қутилдилар.

Сугдийлар ва массагетлар Зарияси остидаги боёларга тушиб кетдилар. Спитамен қайси йўл билан Бандга бориш, аҳолига уларнинг бойликларини қайтариш масалаларини ҳал қиларди. Шу вақт Драпсак томонидан шиддат билан от чоптириб келаётган сувори кўринди. Бу бактриялик. У ҳовликиб гуруҳга яқинлашди ва отдан тушмай қичқирди:

— Фалокат!

— Нима бўлди? — сўради Спитамен.

— Македонликлар сени Зариясига келганингни билган эканлар. Бир юзу эллик аскар йўлга чиқиб карвонимизга ҳужум қилишди. Уч сарбонимизни ўлдирдилар, бошқалари кочиб кетишди.

— Қаршилиқ кўрсатмайми?

— Ҳа!

— Македонликлар-чи?

— Карвонни қайтариб Бактрага келмоқда.

— Биз уларга ҳужум қилиб, барча бойликни қайтариб оламиз! Ҳой, ҳамма менинг орқамдан!

Карвон македонликлардан тортиб олинди. Юкларнинг кўп қисми эгаларига қайтариб берилди.

Чопар македонликларнинг катта гуруҳи Кратер бошчилигида Оксдан кечиб ўтганлиги ва Банд калъасига қараб келаётганлиги хақида хабар етказди. Искандар эса Ксениппда қолибди. Улар Спитамен кўзғолончиларини қамал қилиш ва Бактрия чўлларида қириб ташлашни режалаштирганлар.

Шунинг учун Спитамен қасоскорлар билан шимолий-шарққа қараб, Окснинг чап қирғоғи бўйлаб юриш ва ундан кечиб ўтиб Навтоққа боришни мўлжаллади.

Кўзғолончилар чарчасни билмай қишлоқма-қишлоқ юрардилар. Уларнинг доҳийси тунларни бедор ўтказар,

Самарқандга ҳужум қилишни ўйлар, фуқаролар билан суҳбатлашар, кўнгиллиларни йиғар эди. У ҳар қандай қулайликлардан воз кечиб, ҳагто унинг олдида май ичишни эслашни ҳам тақиқларди. У кўп вақт, туну кун Зарани кўрмасди. У Калон қоровуллигида аравада жунжиқиб ўтирар ва тўхтаганда, чодирда бир ўзи ухлаб қоларди.

328 йилнинг қиш фасли охирлашарди. Гурух юришни давом эттириб, юнон-македонликларнинг истехкомларига тиним бермас эди.

Бу саргардонлик Зара жонига тегди. Қочиш керак! Македонликлар томонига ўтиш ва улардан кейин Самарқандга, Корун ва онасининг ҳузурига боришни орзу қиларди у. Чўллар, тоғлар ва водийларда саргардон бўлиб юришдан чарчаган, эрининг бефарқлигидан ҳақоратланган хотин секин-аста шу даражага бориб етдики, у Спитаменни кўришга тоқати қолмади. Унинг учун бу одам ажиб сир эди. У нимага эришмоқчи? Агар эри ўзини Искандарга топширса, Суғдиёнанинг сатрапи бўлади, хашамат ва ҳурматда яшайди.

Йўқ, у бунга хоҳламайди! Спитамен жўрттага қайтиб келиб бўлмайдиган йўлга бормоқда. Бундай ишларга уни нима ундамоқда? Бу ҳақда ўйлаш учун Заранинг вақти бор. Кўп ва узоқ ўйлагандан кейин, у ниҳоят, эрим ақлдан озган, деган хулосага келди. Энди ким ҳам эри жинни бўлган хотин билан ҳисоблашди?

Кечаси, кўрқувдан юрагини ҳовучлаб, Зара чодирдан ташқарига чиқди. У юнонлар қароргоҳигача бориб, улардан бошпана сўрамоқчи бўлди. Аммо чодир эшиги олдида уни Калон тўхтатди.

— Ҳеч қаерга бормайсан, — деди у қисқагина. Зара гулхан ёруғида ханжар дамнининг ярқираганини кўрди ва қичқириб ичкарига қайтиб кирди. Демак, агар у қочса, Калон бу аёлни ўлдирад экан. Бир оз нафасини ростлаб, у чодирнинг бошқа томонидан ташқарига чиқмоқчи бўлди, лекин бу ерда ҳам Спитаменнинг хушёр аскарари — Пиримард уни йўлдан қайтарди. «Қочишга ишонч йўқ, — ўйлади зара. — Бошқа чорасини топиш керак...»

У Калон олдида тиз чўқди, илтижо билан қўлларини узатди.

— Мени кўйиб юбор, сен бизнинг оиламиз билан тақишлигинг ҳақи, менинг отам Корун билан бирга ишла-

ганинг ва дўст бўлганинг ҳақи ижозат бер. Ноҳотки, сен тошбағирсан? Қўйиб юбор!

Калон жим турди. Шундан кейин аёл озод бўлиш эвазига ўз хотинлигини таклиф этди. Калон узоқ дақиқа Зарага қаради. Унинг кўзлари ҳаёсизларча милтилларди.

— Мен фақат Корун сотқин деб ўйлагай эдим, — деди Калон унинг юзига қараб. — Маълум бўлдики, сен ҳам сотқин экансан. Сен Спитаменнинг муқаддас иш учун дунёнинг барча назокатларидан воз кечганлиги ҳақида ўйлашинг ва унга раҳм этишинг керак. Сен эса, ҳаёсиз, мени ҳам хавфли гуноҳга итармоқчисан.

Зара хўнграб йиғлади. У чодирга кирди ва эрталабгача гилам устида ағанаб чиқди. Эрталаб, эрим мени эшитмас, ўзимни бўғиб ўлдирман, деб жар солди. Спитамен келди.

— Нима дейсан, Зара?

— Мени уйга қўйиб юбор!

— Уйга? — У ўзини оғир тутди. — Йўқ. Сен менинг хотинимсан, эрингнинг кечинмаларини бахам қўришинг керак.

— Спитамен, мени уйга юбор. Бундай бехонумонликдан мен чарчадим, куч ва тоқатим қолмади. Буларнинг ҳаммасига, бундай одамларга ҳам менинг нафратим ортиб бормоқда. Бундай ҳаёт кимга керак, нима учун ўзингга раҳминг келмайди.

— Суғдиёнани химоя этиш учун, уни душмандан озод этиш учун курашмоқдаман.

— Суғдиёнани химоя этиш! Нимага? Шунча йиллар форслар ҳукмронлиги остида яшадик. Энди македонликлар ҳукмронлиги остида яшаймиз. Нима бўпти? Сен, эришиш учун курашаётган озодлик кимга керак?

— Кимга? Менга. Сенга. Халқимизга.

— Менга? — Хотин елкасини қисди. — Менга у керак эмас. Халққа? Сизнинг халқингизга менинг нима ишим бор? Мен биламанки, менинг сўзларим доимо бир кулоғингдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетади. Шу сўзимни яна такрорлайман. Сен Искандарга ўзингни топширгин, ўшанда азоб чекмайсан. Менинг фикримча, сен шундай қилишинг керак.

Спитамен оҳ тортди.

— Мен ҳаёт эканман, бундай бўлмайди. Сен буни биласан.

— Сен ҳаёт экансан?

— Ҳа. Токи мен тирик эканман, жоҳил Искандар билан олишаман, ажнабийларни она еримиздан хайдамагунча курашаман.

— Унда мен сендан батамом кетаман.

— Шундайми, — Спитамен жиддийлашди, — сен буни қатъий ўйладингми?

— Ҳа! Мен сенинг хотининг бўлишни истамайман!

Спитаменнинг қовоғи осилди.

— Мен бадавлат ва мартабали бўлганимда, сен мендан нари кетмадинг. Энди, камбағал ва бечора бўлганимда, ташлаб кетмоқчимисан?

— Майли, шундай бўлсин.

Спитамен лабларини тишлади, кейин деди:

— Хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, барибир охирги кунимизгача сен менинг хотинимсан.

У нафрат билан Зарага қаради ва чиқиб кетди.

— Балога йўлиқкин! — пичирлади Зара.

\* \* \*

Искандарнинг Ксенипп яқинидаги чодирига бир неча кундан бери ҳеч кимни қўймаптилар. Оғир форс гилами чодирнинг катта эшигига осиб қўйилган, унинг икки томонида дубулға кийган македонлик аскарлар, қўлларида найзалари билан турибдилар.

Иш юритиш умумий бўлими бошлиғи Птолемей чодирга этерлар ва оддий аскарлар келиб, шоҳ билан учрашишни талаб қилдилар.

— Шоҳ табиб ва бош кохин-фолбиндан бошқа ҳеч кимни қабул қилмайди.

Филипп ўғлининг қайсарлигини билган қатновчилар чодирларида кичкириб ётган ярадорлар ва касаллардан хабар олиш учун қайтиб кетдилар. Охирги жангда ярадорлар сони ниҳоят кўп бўлди.

Скифларнинг чангакли ва тўқмоқли найзаларининг зарбалари айниқса даҳшатли бўлиб, суякларни парчалаб ташларди. Табиблар очилиб қолган яраларни тиксалар ҳам, ярадорлар бир умрга майиб бўлиб қолардилар ва энди жанг ҳақида бошқа ўйламай, Эллада ёхуд Македонияга қандай қайтиб боришларини муҳокама қилардилар.

Ярадор аскарлар ҳали даволанишга улгурмасдан (оксокларни эса уйларига жўнатардилар), кўзғолонларни бостириш учун харбий бошликлар буйруқ олдилар.

Искандар ўз айғоқчиларидан Спитаменнинг аллақачон Оксдан кечиб ўтиб, Кофирнихон дарёсининг ўнг қирғоғини оралаб шимолга кетганлиги. Вахш, Кўлоб, Сурхан ва Қашқадарё водийларида македонликлар билан жанглар олиб бораётганлиги ҳақида маълумотлар олди. Шунинг учун Искандар ичғорик касалидан тузалиши биланоқ ўзининг катта қўшини билан ҳарбий қароргоҳдан чиқиб, шимолга жўнади. Оксдан кечиб ўтди ва милоддан аввалги 327 йилнинг эрта баҳорида Қашқадарё воҳасида тўхтади.

Ҳарбий қароргоҳларда жойлашган македонликлар яна аҳолини талаш ва хўрлаш билан шуғулландилар. Уларнинг иштаҳалари ўсди. Қароргоҳларда аскарлар ўзаро суҳбатларида: суғдийларнинг ерлари жуда ҳосилдор, уларнинг ватанлари тошлоқ ва қияли Македониядагидек ёхуд Эллададагидек эмас, деб даъво қилардилар; аскарлар шохга қилган ўз хизматлари эвазига, инъом тариқасида тилларанг бугдой, қизил олма, саломатлик учун фойдали пиёз ва саримсоқ олишлари керак. Айрим оксоқлар нимаки хоҳласалар, барини атаб, ҳисоблаб қўярдилар: шохи узун буқалар, бўйи баланд отлар, қорақўз, узун сочларини қирқта қилиб ўраб орқаларига ташлаган суғдий қизлари ва хоказо.

— Шуниси ёмонки, — қойирдилар аскарлар, — суғдий дехқонлари хали ҳам, ўргатилмаган жийран отларга ўхшаб, ўжарлик қилмоқдалар; ўзларининг ерларига ёпишиб, бизга бермаслик учун, бўриларга ўхшаб кўзларини олайтирадилар, худолар македонликлар ва юнонларни Осиё халқларининг хўжайинлари этиб яратганларини билмайдилар.

— Македонликларга суғдий қишлоқларига якка-якка бўлиб кириш хавфли, — дердилар бошқалари, — улар беному нишон йўқоладилар. Бунинг бариси тутқич бермас Спитамен бошлиқ йўлтўсарлар тўдасининг иши, дейдилар. Айтишларига қараганда, Спитамен бир зумда ёввойи хайвонга, қушга, ҳатто чаёнга айланармиш.

— Бўлмаган гап, — аниқлардилар учинчилари. — Спитамен бизга ўхшаган одам бўлса керак. У чакқон, бақувват ва айёр бўлса керак. Мана сал кам уч йил бўлдики, у бизга тинчлик бермайди. Бизнинг қўмондонларимиз ҳатто бу довюрак одамнинг номини эшитганларида ҳам титрайдилар.



Скифлар билан навбатдаги жагдан икки кун ўтгандан кейин Птолемейнинг чодирига македонлик кўмондонлар келдилар. Бўйинлари йўғон ва бағбакалари осилган, елкалари кенг ва кучли македонликлар қўтаслардек оғир кадам ташлардилар. Чодирга кириб, қўлларини биқинларига тираб, улар Птолемейни ўраб олдилар. Улардан бири сўради:

— Птолемей, шох нима қилмоқда?

— Курол тозаласан, билгинки, у ғазабланган ва ўзининг қахру захрини бировга сочмоқчи.

— Майли, ғазаблансин. Биз барибир, у билан гаплашамиз.

Птолемей осилиб турган биринчи калконни урди, чодирга Дикфер кириб тезда чиқди-ю, Осиё шоҳи барча йиғилганларни ўз хузурига чакираётганини эълон қилди.

Уст-бошларининг тахларини тузатиб ва йўталиб, македонликлар ва юнонлар кетма-кет форсий гилам орқасига ўтдилар.

Искандар, йиғиштирадиган курсида, енги калта кўйлак кийган, қўллари кирга булғаган ўтирибди. Унинг олдида қуролсоз форс тиззасида ўтирибди, орик, кексайган, бўйни узун ва томирлари чиқиб турарди. Оқарган узун сочларини бошига боғлаган тасмача ушлаб турибди.

Шох чодирга кираётганларнинг ҳар бирига ковоғини осилтириб, ишончсизлик билан қаради. Македонлик «Кўп йиллар омон бўл!» деган саломларга шоҳнинг келишган лаблари юнон тилида қисқача: «Хайретэ!» деб жавоб қайтарди.

Ҳарбий бошлиқлар гилам устида ярим давра бўлиб ўтирдилар.

— Ярадорлар кўпми? — сўради Искандар.

— Камдан-кам аскарларимиз найзалардан ярадор бўлмаган, скифлар хато қилмай нишонга урадилар. Деярли ҳамма отларимиз яраланган.

— Бу ёмон. Мен учун ҳозир битта от ўнга аскардан муҳимроқ. Скифлардан тортиб олинган отлар яроқлими?

— Уларни уйдалаб бўлмайди. Итларга ўхшаб, тишлайдилар, эчкилардек ўз ўринларида сакрайдилар ва суворини қулатадилар.

Искандар гишт талқонига ботирган латта билан қилични тозалайвериб:

— Сен нима дейсан, Полиперхонт? Скифларни мажаклаб ташлаш учун нима қилиш керак? — деб сўради.

Кенг пахлули македон думалок бошини энгаштирди. У Спитамен билан учрашганини ва у бунинг юзига гўнг суртиб, эшакка тескари ўтқазиб юборганини эсига келтирди.

— Уларни яхшилаб савалаш керакки, юз йил бизларни эласинлар.

Искандар сесканди:

— Мен ҳам шундай ўйлаяпман. Сен нима дейсан, Мелеагр?

— Скифлар билан жанг қилиш ёввойи чўққанинг бургутлар билан олишуви, деган гап. Биз скифларнинг орқасидан кувамиз, улар эса қарғаларга ўхшаб учиб кетдилар ва ўша захоти бошқа томондан қайтиб келиб, кутилмаган жойдан бизга хужум қиладилар. Тўхташ лозим, чунки...

Искандар қилични тозалашдан тўхтаб, хайрон бўлган кўзларини Мелеагрга тикди.

— Сен скифлар енгилмас деб ўйлайсанми?

— Мен кураш усулини ўзгартиришни таклиф этаман. Мен сенинг отанг, шоҳ Филиппнинг доно қоидасини эслатмоқчиман. У: «Хужум билан олиб бўлмаган калъа деворидан олтин ортилган эшак енгилгина ўтиб кетади» деган эмасмиди?

— Мен ҳам шундай ўйлайман! — хитоб этди сесканган Искандар. — Биз скифларнинг бекларини алдаб, ўз томонимизга ўгириб олишимиз керак. Гефестион олтинни аяма. Беклардан бошла, барча беклар олтин тангаларининг жарангини севадилар. Шу йўл билан скифларнинг дохийси Спитаменни ҳам ўз томонимизга ағдариб олишимиз ёхуд бекларнинг қўли билан ўлдиришимиз мумкин.

Чодирга Дикфер кирди ва пардани кўтариб, ҳаммаёғи чанг босган чопарни ичкарига киритди.

Чопар қўлидаги тугунни — шошилинч белгиси, гилам устига ташлайдиганга ўхшатиб, юқорига кўтарди ва уни шоҳга узатди. Шундан кейин у чайқалди ва хушидан кетиб йиқилди.

Хамма жим бўлди. Искандар тугунни ечиб, ичидаги папирусни тахлади-да, тезлик билан кўз югуртириб, бирдан кичкирди:

— Бу ердан чопарни олинглар. Унга тухфа беринглар! — Шох қўли билан ишора қилди, аскарлар чопарни олиб чиқдилар. — Мен учта нома олдим. Спитамен бошчилигидаги суғдийларнинг исёнчи тўдалари Марокандни камал қилиш хавфини туғдирыптилар. Олтмиш кишидан иборат македонликлар гуруҳи қишлоқларга отлар учун емиш жамлашга бораётганларида Спитамен бошлик тўда уларнинг хаммаларини қириб ташлабди. Нихоят, Яккабоғ олдида Спитамен бошчилигидаги қароқчилар менинг Мароканддан Эқбатонга бораётган карвонимга ҳужум қилиб, уни талабдилар. Бу қандай Спитаменки, айни бир вақтда уч жойда пайдо бўлса? Бу одам — Худоми ёки бирданига уч кишими? Таржимон Фарнух, бунга нима дейсан?!

Ликийлик Фарнух шу пайт Илон Ўти дарасидаги жанг, Менедемнинг ҳалок бўлиши ва ўзи Андромах, Каран ва бошқалар билан зўрға қочиб қутилганини эслади. Юзи нурсиз-қутган, жунли қалпоқ кийган бу узун ва орик, таржимонлик қилувчи одам, чодир эшиги олдида шоҳнинг хитобига жавобан тиз чўқди-ю, аммо ҳеч нима демади.

Македонликлар бир-бирларига қарадилар ва бош чайқадилар. Шох, унинг оёри учида ўтирган қуролсоз форсага энгашди ва туртди:

— Хой, бобо! Сен биласанми, Спитамен ким?

Чолнинг пешонасидаги саноксиз ажинлар, гўё унинг Спитамен кимлигини эшлашга кийинчилик туғдирадигандек, уни укалаб:

— Спитамен бу, қуёшга ўхшаб ярқирайдиган, ҳеч кимдан қўркмайдиган жасур инсон.

— Спитаменлар қанча, биттами ёки кўпми?

Қария қўлларини кўксига қўйиб, кечирим сўрайдиганга ўхшаб деди:

— Мендан хафа бўлма, мен билмайман.

Искандар кўзларини қисди. Бу Қоплонни қандай тутиш керак, уч ва кўп марта балога йўлиқсин?! Спитамен қачонгача Суғдиёнада кезиб юради ва Искандарнинг манфаатларига зарба беради? Уни тутиш, бошини кесиб

жасадини бурдалаб ташлаш керак. Чунки, то Қоплон ҳаёт экан, македонликлар на қуёш, на ой нурлари остида ором нималигини билмайдилар. У қаерда пайдо бўлмасин, ҳамма жойда қўзғолон алангаси кўтарилади.

Спитамен бутун Осиёни оёққа турғизмасдан, тезлик билан йўқ қилиниши лозим. Аммо қандай қилиб? Ахир, минглаб македонликлар тиним билмас Қоплоннинг изидан чопиб юрганлари йўқми? Лекин ҳеч қандай куч уни қўлга ололмапти. Демак, макрдан фойдаланиш керак!

— Форс ва бошқа маҳаллий беклар қаерда? — Искандар Птолемейга тикилди. — Улар нима билан банд? Улар ҳеч қандай фойдасиз, беғам ҳаёт кечирмоқдалар. Уларни бу ерга чақиргин-чи.

Шоҳнинг буйруғи тезда бажарилди.

Кўп ухлашдан кўзлари шишган, шошганларидан кийим-бошларини тартибга келтирмаган беклар ва бекликка умидвор очкўзлар кириб келдилар. Шоҳ ҳузурига келганлар орасида унинг томонига қочиб ўтган тохарлар беки Гелон, Навток нойиби Сисимифр, бек Оксиарт, Суғдиёна сатрапи лавозимини бажарувчи Корун, судхўр Габер ва охириги вақтларда македонликлар томонига ўтган, ранги кетган форс Датаферн. Уларнинг ҳар қайсиси билан Искандар алоҳида-алоҳида гаплашди.

Хизматкорлар шоҳ ҳузурига соҳир (кўчаларда юрадиган коҳин)ни ҳам олиб келдилар. Унинг ҳар вақт шаҳар майдонларида мунажжимлик қилиб, беморларни даволаш учун дори бериб ва жодугарлик қилиб юрганини билардилар. Баланд бўйли ва қурук суяк бу одамнинг таралган сочларини пешонасига боғлаган ялтирок мис чамбарак ушлаб турарди. Қалин қошлари остидан порлаётган унинг катта кўзлари атрофдагиларга диққат билан тикиларди; туяларникидек узун ва сарик тишлари оғзидан чиқиб турарди.

— Спитаменни тутуш керакми? Яхши, мен уни тутаман, мен ҳамма ишни қила оламан, — деди соҳир ва унинг катта оғзи қулоғигача очилиб кетди. — Аммо уни тутгандан кейин, дарҳол гулханда ёқиш керак, акс ҳолда у бир зумда чаёнга айланади, сенинг тўшагингга ўрмалаб киради ва ухлаган чоғингда сени ўлдиради.

## Й и г и р м а т ў р т и н ч и б о б

### САМАРҚАНД ЁНИДАГИ ОХИРГИ ЖАНГ. СПИТАМЕННИНГ КАЛЛАСИ

Искандар ўз кўшини билан Спитаменни йўқ қилиш ва Суғдиёна кўзғолончиларини маҳв этишга тиришарди. Спитамен эса ўз гуруҳига туман ва вилоятлардан келиб қўшилаётган янги қасосчиларни ҳарбий ишга ўргатарди. У Искандарнинг натижасиз ғайратлари устидан кулиб, кўшинининг турар жойини тез-тез ўзгартириб турарди.

— Менга айт-чи, Спитама, — сўради Бахтвар, — Искандар Самарқандда оз миқдордаги ўз аскарларини қолдириб, бизни тузоққа туширмоқчи эмасми?

— Мен ҳам шундай деб ҳисоблайман.

— Бизнинг шундай деб ҳисоблашимизга асослар бор.

— Ҳақ сен, Бахтвар, Самарқандни ҳозир эгаллаб, тузоққа илиниш ярамайди.

— Ҳа, айтгандай, ўн кундан кейин бизнинг озик-овқат жамғармамиз тугайди.

— Қаерда?

— Шу ерда.

— Ўн кундан кейин ҳам биз шу ерда бўламиз, деб сенга ким айтди?

Бахтвар, шундай узоқни кўрабиладиган қўмондонга маслаҳат берганлиги учун уялганидан бошини эгиб, жим бўлди. Спитамен ёқимлилиқ билан юзида уялиш қизиллиги югурган дўстининг елкасини силаб, деди:

— Бахтвар, сен гуруҳимизнинг озик-овқат жамғармаси охирлашмоқда, деб менга эслатиб тўғри қилдинг, лекин хавотирланмасанг ҳам бўлади. Нима қилиш лозимлигини, Искандар ва Кратерни лол қолдиришни мен ўйлаб қўйганман, — деди Спитамен ва бир оз жимликдан кейин қўшиб қўйди, — Искандар бизни енгишга уринмоқда, аммо ҳали енггани йўқ.

— То тириксан, у бизни енголмайдди.

— Лекин мен фақат инсонман!

— Йўқ, йўқ, сен бизнинг энг юксак орзумизсан, бизнинг шиоримиз, қудратимизсан! Сенда бизнинг асосий ғоямиз — Суғдиёна мазлум фуқароларининг уйғониши, бенасиб қилинган бева-бечораларнинг осойишталиги, қулларни озод этиш ҳақидаги мақсадимиз мужассамлан-

ган. Сен шундай машхур ва буюкки, сенинг борлигингдан барча кабилаларнинг юракларидаги учкунлар улкан кураш алангасига айланмокда. Улар сендан рухланиб, бор умидларини сенга боғламоқдалар, сенга қойил қолганлар, сени ақлли ва ўзларининг шухратли кўмондони деб ҳурмат қилмоқдалар. То тириксан, улар сенинг топшириқларингни сўзсиз бажарадилар; оркангдан эргашиб шу ерга келганларидек, бажарилиши оғир бўлган вазифаларни ҳам уддалайдилар. Аммо агар, бахтсизликдан, сен оламдан кўз юмсанг, сен билан бирга бизнинг ширимиз ҳам сўнади ва йигирма кундан кейин уруш охирига етади, бизни йўқ қилишади... Бахтимизга Ахура Мазда сени узоқ йиллар ўз паноҳида асрасин, сен билан биз мақсадимизга эришайлик!

— Раҳмат сенга, Бахтвар! Курашимизнинг, ғоямизнинг ҳаққоний эканлигига сенинг ишончинг менга ёқади. Мен ўзимнинг шахсий манфаатим учун эмас, балки Сугдиёна манфаати учун, унинг меҳнатсевар, лекин маълум халқининг озодлиги учун курашаётганимга ишончинг қомиллиги учун раҳмат.

— Ҳа, Спитама, мен сенинг ҳақлилигингга ишонаман. Сен ўзининг шахсий манфаатингни устун қўйганинг йўқ. Балки, сени билмайдиган айрим кишилар бунга ишонмаслар. Лекин мен сени ўзимдан ҳам яхши биламан-ку. Мен ва менинг раҳматли отам сенинг отангинг хизматкорлари эдик; шуниси ҳам борки, бошқа миллатданмиз. Аммо мен ҳеч қачон ўзимни хизматкор сифатида ёхуд миллий камситилганимни сезганим йўқ. Сен бошқаларга ҳам бир хил муносабатда бўласан... Сен кўмондон, аммо халқ билан, кўзғолончилар билан бирга яшайсан, ҳар қандай қулайликлардан бош тортасан, ҳатто курашда бандлигинг учун хотининг билан ҳам жуда кам учрашасан. Онангининг ҳузурига бориш учун имкониятинг йўқ. Бечора Зардоза ва Апама, бир ярим йил давомида сени фақат бир бор кўрдилар...

— Ҳа, мен уларни Панжакентга юборганимдан кейин, фақат бир марта бориб кўрдим. Билмайман, яна уларни кўриш менга насиб этадими? Нима қилмоқ керак? Ким ўз онасини, қизини яхши кўрмайди?! Балки, бизнинг тақдиримиз шунақадир? Биз ўзимизни халқимизнинг озодлиги учун курашга бағишладик. Аммо бизнинг курашимиз, эҳтимол, ғалаба қилмас. Искандар ал-

лақачон Суғдиёнанинг бир юзу йигирма мингдан кўп ахолисини махв этди. Нима учун? Чунки ўлкамизнинг миллиондан кўпроқ ахолиси бўлиб, қўлларига қурол олганларнинг жами юз минг кишига ҳам етмайди, бизга келиб қўшилганлар эса уч марта кам; чунки бизнинг ғояларимиз мазлумлар оммасигача бориб етмади ва уларнинг юракларини киздирмади; чунки форс истибдоди, у қанчалик жирканч бўлса ҳам, халқнинг сабр-тоқатини тугатган эмас экан; чунки Элладани аҳмоқлик йўқ қилган бўлса ҳам, унинг вайроналари заминида Искандар томонидан тузилган янги давлат эҳтимол вақтинча ўз қудратини кўрсатмоқда, биз эса ниҳоят кучсиз бўлиб қолганмиз... Мана шунинг учун биз ғалаба қилмадик, балки, энди ғалаба қилмасмиз. Агар ғалабага умид бўлса, фақат Суғдиёнанинг чегарасидан ташқарида ғалаба қилиш мумкиндир, чунки бу ерда Искандарга беклар ва бошқа хар хил ифлос палидлар ёрдамлашмоқдалар. Шунинг учун биз шу ерда ўлишга маҳкум этилганмиз, шу ерда ўламиз.

У анча жим турди, кейин оғир ох тортиб сўзини давом этдирди:

— Майли, муқаддас иш учун тўкилган бизнинг қонимиз зое кетмасин, майли, биз олиб борган жонбозлик келажак авлодларимиз учун ўрناق бўлсин. Мен шунга аминманки, бизнинг авлодларимиз биз бошлаган курашни, еримизни, Туронни чет элликлар асоратидан озод қилиш учун давом этдирадидлар. Бу кураш узок давом этиши мумкин, мағлубиятларга учраши мумкин. Аммо, оқибат натижада Суғдиёна халки ўз мустақиллигига ва ўз диёрининг уйғонишига эришади ва фаровон яшайди. Мен бунга ишонаман.

Шу пайт Фаррух Спитаменга македонликлар истехкомидан тахминан беш юз киши қочиб келиб, уларни бизнинг қароргоҳимизга қўйишни, ўз биродарлари сафига қабул этишни илтимос қилаётганлари хақида хабар берди.

Спитамен ўйлаб қолди ва қочоқларнинг илтимосларига бирданига жавоб бермади: балки, у шубҳаланди, балки, ўз аскарлари ичида қўмондон қочоқларга ҳам ён босар экан, деган ёмон гап тарқалмасин, деб мулоҳаза қилди. У қароргоҳ эшиги олдига келиб, уларга — ўз байроғини ташлаб кетиш аскар учун шарафли иш эмас, де-

ди. Чунки қочибга имкон бериш ва ўз сафига душман калъасидан қочиб келганларни қабул қилиш ҳурматга сазовор қўмондон учун фақат орланиш эмас, балки, аскарлар учун ҳам ёмон оқибатга олиб келадиган ҳолдир деди у. Шу билан, уларнинг илтимосини рад этди.

Кўзғолончиларнинг навбатдаги қароргоҳи Самарқанд жанубида, Амонқўтан тоғларининг хилват дараларида, булоқ суви оқадиган жар ёқасида жойлаштирилди. Гулханлар ёнарди, олов олдида йиртиқ уст-бошда, қўлларида қилич ва найзалар билан ўнлаб қасосчилар ўтиришарди. Уларнинг айримлари юнонлик ёки македонлик аскарлар совутини кийган. Атрофдаги тоғ этакларида отлар ўтлаб юрибди.

Катта биринчи қозон остида ўтин гувиллаб ёнмоқда. Ёвгон шўрва қайнамоқда ва кўпиги кўтарилиб, қозон четидан ошиб тушгани ўт устида пишилларди.

— Тўхта, ким келмоқда?! — патилар орасида яширинган соқчининг овози эшитилди.

— Мен қашшоқ сохирман, ёрдам ва паноҳ излаб келдим! — жавоб эшитилди.

Ўқувчига таниш бўлган, аниқки, Искандар томонидан юборилган дайди-сохир пайдо бўлди.

Айғоқчи гапга кирди:

— О ватаннинг жасур халоскорлари! Осмон гумбази, мўътабар худо Ахура Мазда ва бутун дунё сизларга қарамоқда; сизларнинг шуҳратингиздан фахрланмоқда. Зулқарнайн еримизни қонга белади.

— Очиғини айт, сенга биздан нима керак?

— Мен сизлар билан бирга бўлишни ва сизларга ёрдам беришни хоҳлайман. Дохийларингиз Спитамен қаерда? У шу ердами?

Сохир гулхан олдида чордана қуриб ўтирди; унинг катта кўзлари олов шуъласини аке эттириб, қизил чўғдай порларди. Шу дамда унинг олдида соядек Спитамен пайдо бўлди. У енгил сакрашлар билан тоғдан, уни ҳеч ким кутмаган томондан, тушиб келди.

— Сен, жодугар, афсунгар ҳам олдимизга келдингми? Ўзинг билан қандай бахтсизликни олиб келдинг?

Сохир сесканиб кетди, ирғиб ўрнидан турди, лекин Спитамен унинг қорамтир чакмонининг этагидан ушлади.



— Мени кўй, тегма! Мен сохир ва ёркин Ахура Мазданинг кулиман. Агар менга тегинсанг, у сени чакмоқ ва момақалдиروق билан уради.

— Сен Ахура Маздани ўз ҳолига кўй, сотқин, қора қарға! Сен Зулқарнайнга сотилдинг, энди динимизни ҳам булғамокчисан!

Спитамен жун матони қаттиқ ушлади ва пичоқни олиб, кийимнинг катта парчасини кесди-да, ёнаётган гулхан чўғига ташлади.

— Ҳой, йигитлар, қаранглар, ҳозир ёнаётган бу парчадан нима кўринади.

Сохир чўғ ичидан парчани олмоқчи бўлди, лекин ўнлаб қўллар уни ушладилар.

Парча тутаб, бирдан ўт олди ва унинг кули ичида форс шохлари расмлари туширилган бир неча олтин тангалар кўринди.

— Мана, бу, пасткаш қурт, эвазига ўз биродарларини Искандарга сотган олтин тангалар. У ўғри ва котилдан баттар!

Ўзининг ориқлигига қарамай сохир жуда кучли эди. Уни ушлаган кишиларни улоқтириб ташлаб, у қутилди.

— Ахура Мазда, сен ҳамма нарсага қодир аллоҳсан, мени учар сичқонга айлантир! — кичкирди у ва сакраб, ўзини жарликка ташлади.

Бир неча дақиқадан кейин қоронғи жарликнинг тубига думалаб тушаётган тошлар овози эшитилди.

— Соддадил биродарлар, — деди Спитамен, — нахотки, бу Искандарнинг айғоқчиси эканлигини сезмадинглар? Унинг чакмонини ечиб оловга ташласак эди! Чакмоннинг қаватларидан фақат форсларники эмас, Искандар қалласи билан, юнонларнинг олтин тангалари ҳам чиқарди.

Шу воқеадан кейинги куннинг субҳидамида қасосчиларнинг гуруҳ бошлиқлари қароргоҳдаги барча қодирларни айланиб чиқиб, Спитамен буйруғини эълон қилдилар: қўшимча хабарни қутмай, хавфсизликка риоя қилиб, бу қароргоҳдан Панжакент томонга жўнаш керак, деб тайинлашди.

Милоддан аввалги 327 йилнинг эрта баҳори. Тоғларда довул бошланди. Кучли ёмғир ва момақалдируқнинг гумбирлаган овозлари, чакмоқ чакнаб, кўзни камаштирадиган унинг шуълаларида Спитамен ва аскарлари тик ту-

шиб борадиган йўллар билан, Кратер отрядидан яшириндилар ва жадаллик билан Ургут томонига жўнамоқчи бўлдилар.

Амонқўтан тоғлари этагидаги муҳим йўлларни эгаллаган Кратер, Спитамен гуруҳини тоғларда қамамоқчи бўлиб, сохир ахборотини кутди. Лекин ундан дарак бўлмаганлиги учун Кратер, кўзғолончилар турган жойлар ва қайси томонга ҳаракат қилмоқчи эканликлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаса ҳам, хужумга тайёрланди.

Катан, Австан ва Аннугирушнинг Спитамендан ярим фарсанг нарироқда истехком бўлиб жойлашган гуруҳлари, белгиланган томонга қараб ҳаракат қилиб, бошқалардан олдинда бўлиб қолдилар.

Кратер атрофни ўрганиб, кўзғолончиларнинг ҳаракат майдонини чамалаб чиқди, ҳатто тун қоронғилигида ўзининг бир гуруҳини юбориб, дарахт ва патилар билан қопланган тепаликни эгаллади ва аскарларига кўзғолончиларга орқа томондан хужум қилишни буюрди. Кратер дарадан тушиб келаётган кўзғолончиларни кўрди. У ўз тахминларини ҳақиқатга яқин деб, ўн бир минглик қўшини билан кўзғолончиларни батамом тор-мор қилмоқчи бўлди.

Кратер томонидан пистирма уюштиришга юборилган Мелеагр ўз аскарларини тепаликда шундай усталик билан жойлаштирдикки, Аннугируш ва Катан ҳеч нимани сезмадилар. Мелеагр юнонларнинг яроқ-аслаха ва совутлари қуёшда милтиллаб, рақибларга уларни билдиришлари мумкин деб хавотирланди; шунинг учун ўз аскарларига дубулға ва совутларини шохлар билан беркитишни буюрди. Аммо ҳавонинг булутланиши ва кейин бўрон бошланганлиги Мелеагрни тинчитди.

Кўзғолончиларнинг бир-бирларига яқин бўлган соқчилари ҳаққаларнинг шақиллайдиган овозлари билан аллақачон душманнинг пистирма қўйганини ҳаммага билдиришди. Уларнинг огоҳ этишлари тезда Спитаменга бориб етди.

Аннугируш ва Катан субҳидамда ўз аскарларига хужумга ўтишни буюрдилар; улар шиддат билан Мелеагр отрядига ташландилар.

Жанг Каротепа ва Кенагаз кишлоқлари оралигида бошланиб, тезда катта тўполонга айланди. Жанг майдо-

нига деярли бир вақтда Спитамен ва Искандар ўз грухлари билан етиб келдилар.

Кирфинли жангнинг авжга чиқиши билан чакмок чакиб, момақалдироқ гумбурлаб пақирлаб қуйилаётгандек сел ёғди, аммо жанг сусаймади, балки яна зўрайиб кетди.

Тўполок вақтида икки собиқ дўстлар юзма-юз бўлиб қолдилар — Искандар томонига ўтган Корун ва охиргача Спитаменга содиқ бўлиб қолган, Аннугируш.

— Қайси дайв сени сотқин бўлишга ундади?! — қичқирди Аннугируш Корунга.

Корун ўз собиқ дўстининг саволига жавоб беришга улгурмай, Аннугируш кўкрагига македонлик аскарнинг найзаси келиб тикилди. У отдан кулаб тушиб, жон берди. Бу манзарани кўриб ғазабланган Калон ўз қиличи билан Коруннинг бошини танасидан жудо қилди. Ўзининг собиқ бошлиғини ўлдирган Калон ҳали ўзига келмай, доим Искандар ёнида бўлиб жанг қилиб юрган этер ўз найзаси билан уни санчиб, отдан қулатди.

Искандар аскарлари узок муддат давомида суғдийлар мавкеига қарши узлуксиз ҳужум қилдилар, аммо қасосчилар чўчимадилар ва қочмадилар.

Ёмғир сусайганига қадар чўзилган танаффусдан кейин жанг яна авж олиб кетди. Тепаликлар, сойлар, шудгорлар, ялангликлар, жарликлар — одамлар ва отларнинг ўлган жасадлари ва синган аравалар билан тўлиб ётарди. Жангчиларнинг юзлари ҳаддан кўп чарчаганлик ва очликдан қорайиб кетганди, уларнинг ранг-баранг уст-бошлари балчиқ ва қонга булғанганди.

Бу ҳол ҳамишагидек қаттиқ, хунрезлик жангига ўхшаса ҳам, ўзининг муҳим хусусияти билан улардан фарқ қиларди. Агар илгари урушаётган томонларнинг ғалабасини асирга тушганлар сонига қараб баҳо берсалар, бугунги жангда иккала томондан ҳам асирга тушганлар бўлмади. Ҳеч ким рақибига таслим бўлмади. Иложсизлар жанг майдонида ҳалок бўлдилар. Бу хунрезликда «Мунтбозлар жамияти»нинг анча аъзолари — Анбоз, Бармак, Ҳафиз, Тилло ва Махрур душманнинг саноксиз аскарларини маҳв этиб, ўзлари ҳам абадий уйқуга кетдилар.

Чеканчи мисгарнинг ўғли Бахтвар бошини юнон палахмончисининг қўрғошин зўлдури тешди. Бахтвар Фар-

рухнинг қўлига йиқилди; сайроблик ўз дўстини қутурган отлар туёғи остида қолмаслиги учун тўполондан олиб чиқди.

Кеч яқинлашди ва аскарларни ўраб олаётган қоронғилик жангни охирлаштирди.

Спитамен ўз аскарларини йиғиб, юришни давом эттирди. У энг кинғир, буталар ўсган йўллардан юриб, Панжакент тоғларига қараб ҳаракат қилди. Қувғинга чап бериб, ярадор бўлган Бахтварни икки кун замбилда кўтариб юрдилар. Қисқа муддатда дам олиш пайтларида Фаррух табиб ахтарди, ўз дўстини хушга келтиришга ҳаракат қилди. Аммо бунинг учун на шифобахш ўтлар, на дуохонлик фойда қилди. У кўзини бирон марта очмай, ўлди.

Бахтварнинг ўлими Спитамен қалбини қаттиқ эзди. У мисгар ўғлининг ўз ёнида бўлишига шундай одатланган эдики, бундай камтарин ва содиқ дўстидан бирон вақт жудо бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Барибир, урушнинг охиригача букилмай олишишга аҳд қилган Спитаменни садоқатли дўстининг ўлими ҳам, жанг йули ўртасида тўхтатолмади. Бу воқеа суғдийни чўчитмади. Ўлим, тасаввурдагидек, кўрқинчли эмас. Аксинча, Спитаменда Искандарга нисбатан нафрат яна кўпроқ кўзғалди.

Қоплон қасос олиш чанқоклигини қондиrolмай, жўшқинлик билан ҳаракат қилиб, Кратер қўшини бизни кузатаёпти, деган фикр билан, уни ҳолдан тойдириш учун, Испанза қишлоғи ва унинг атрофларида айланиб юрди. Спитамен Кратерни шундай жойда тўхтатмоқчи ва жанг қилмоқчи бўлди.

Бундай ўтиб кетишлар вақтида Спитаменнинг қўшини қамаймади, балки кун сайин ўсиб борди. Бу қишлоқларнинг фуқаролари унга қўшилиб борардилар. Спитамен улар ким ва қаердан эканликлари ҳақида қисқача сўраб, тезда уларнинг қурол-аслаҳалари билан танишар ва гуруҳига қабул қиларди.

Бу йилнинг баҳори ниҳоят ёмғирли келди. Водийда узлуксиз ёмғир ёғарди. Тоғларда эса ёмғир қор аралаш ёғарди, довул қучли бўлди.

Спитамен тўсатдан (албатта, сабабсиз эмас, балки очлик, уйқусизлик ва беҳад намгарчилик остидаги мунта-

зам ҳаракатдан) иситма билан касалланди ва алаҳлаб ётиб қолди. Қасосчилар ўз қароргоҳларини Ургут ва Панжакент орасидаги тоғлар дарасида жойлаштирдилар. Улар гуруҳида табибнинг йўқлиги Спитаменнинг Фаррух ва бошқа дўстлари учун бусиз ҳам оғир шароитни мураккаблаштирди. Баланд иситмадан касал ҳеч кимни танимас ва узлуксиз алаҳлар эди. Зара, Фаррух ва бошқалар касалнинг тўшаги ёнида ўтириб, унга ёрдам беролмасдилар.

Шундай кунларнинг бирида кўзғолончилар қароргоҳида Габер билан Датаферн пайдо бўлишди. Улар дидиллик билан аскарлар оломонини итариб-туртиб Қоплоннинг чодирига кирдилар.

— Спитамен касалми ёки ярадорми? — сўради Габер Фаррухдан.

— У уч кундан бери баланд иситма билан ётибди, — жавоб берди сайроблик.

— Бай, бай! У ҳатто бизни танимаяпти, — деди Датаферн. — Биз бамайлихотир туролмаймиз. Зудлик билан табибни топиш ва дўстимизни даволаш лозим.

Фаррух ва дохийнинг айрим яқин кишилари Датаферннинг Бессни ҳибсга олиш ва Искандарга топширишда Спитамен билан ҳамкорлик қилганини билардилар. Қоплонга нисбатан унинг соткинлик қилаётганлиги уларга маълум эмас эди. Бундан хабардор бўлган Австан ва Катан ўз гуруҳлари билан тоғнинг кўшни дарасида жойлашгандилар.

Фаррух Спитаменнинг ўз хотини билан жанжалга айланган охириги суҳбатидан хабари йўқ. Бу суҳбатдан хабардор бўлган Калон, маълумки, охириги жангда ҳалок бўлган эди. Шунинг учун сайроблик йигит Зарага ва қароргоҳда таклифсиз пайдо бўлган «меҳмонлар»га ишонди.

— Биз Зулқарнайнга қарши курашиш учун сизларга ёрдам кўрсатиш ва бор бойлигимизни бериш мақсадида бу ерга келдик, — пўнғиллади Габер. Шу сўзлар билан у Фаррухга Масаддиқнинг авлод белгиси бўлган нуқра тахтачани узатди, кейин белида боғланган тугунни ечди ва сайробликнинг оёғи остига қалин жойланган халтачани ташлади. — Масаддиқ олтин юборибди. У бизнинг сизлар билан бўлишимизни тайинлабди. Энди бизга нон ва гўшт бер. Биз овқатланмоқчимиз.

Фаррух кўзғолончилар дохийсининг бактралик савдогар Масаддик билан бир вақтлар яхши муносабатда бўлганлигини, кейин у Хисор тоғларига дараксиз кетиб қолганини биларди. «Демак, — ўйлади Фаррух, — Масаддик ўз ошнаси Спитаменга ёрдам қўлини чўзипти-да. Маълум бўлдики, Масаддик ёмон одам эмас экан. Балки, унинг виждони ниҳоят, кўзғалибдики, у ўз ошнасига бунча кўп олтин юборибди. Бу бойликлар эса бизга қурол ва озиқ-овқат сотиб олиш учун жуда керак».

«Фаррух қувониб табассум қилди ва ҳамённи Зарага узатиб, деди:

— Сен ҳозирча буни яшириб қўй.

Сўнгра сайроблик кичкириб, бошқа буйрук берди:

— Ҳози! Энг семиз қўйни суйгин. Дарров!

Тўйиб тушлик қилиб бўлгандан кейин Фаррух шошиб, Датаферн маслаҳатига мувофиқ, табиб ахтаришга ва биратўла Спитаменнинг онасига ўғли касаллиги ҳақида дарак бериш учун Панжакентга жўнади.

Панжакент томонига боратуриб, Фаррух ўз отини чоптирмади; у ўйлаш билан банд эди: нима бўлса ҳам, Спитамен тузалиши керак, у ўлмасин! Сайроблик чўпоннинг ўғли ўз тақдирини бундай олижаноб, хушмуомала, жасур ва чакқон ҳарбий бошлиқ тақдири билан боғлади. Спитамен юнонларни хайдаб Сугдиёна шоҳи бўлса, Фаррухга ҳам бахт кулиб боқади; у ўзининг Сурхан водийсига қайтади ва муҳим лавозимни эгаллайди, балки, туман хокими бўлади ва ўшанда сайробликлар эркин бўлиб, фаровон ҳаёт кечиришлари мумкин.

Янгигина пайдо бўлган меҳмонлар ичирган майнинг таъсирида сайроблик деярли самовий завқларга берилганди. Аммо тезда у ўзига келди ва хушёрлик билан ўйлай бошлади. Касал Спитаменни қолдириб, Датаферн таклифи билан Панжакентга бораётиб, у тўғри иш қилдими? Балки, бошқа одамни юбориш керакмиди? Ахир, сайроблик Спитаменга унинг ёнидан ҳеч қасққа жилмасликка, ҳеч вақт яққа ўзини қолдирмасликка ваъда берганди-ку; Бахтварнинг ўлиmidан кейин у дохийнинг биринчи шахсий соқчиси ҳисобланади. Панжакентдан қайтиб келгунча Спитаменга ҳеч нима бўлмаса эди, Зардозани келтириб, унинг қўлига касал ўғлини топширса яхши бўларди. Она — она-да, ҳатто унинг нафаси ҳам касал ўғлини даволаши мумкин. Агар табибни топсам, у

Спитаменни тезрок даволайди... фақат мен қайтгунимча бирон нохушлик бўлмаса эди. Охирги кунларда Заранинг авзойи бежо, Габер ва Датаферннинг қиликлари ва муомалалари мени шубҳалантирмоқда... Ох, мен нима қилиб қўйдим?!

Бундай шубҳалардан Фаррух умидсизликка тушди, лекин барибир, отига қамчи уриб, орқага эмас, Панжакент томон чоғтирди.

Шу вақт Спитамен ҳушсиз ётган чодирнинг олдинги қисмидаги унга кирадиган чодирда, Габер ва Датаферн ўзларининг қабих режаларини амалга оширишни ҳал қилардилар.

Зарага, биринчи бўлиб, Габер икки маъноли луқма ташлади:

— Зара! Сен бу саргардонликларга қандай чидайсан? Мен сенинг қахрамонлигинга қойилман. Афросиёб ёхуд Бахштепанинг иссиқ ва қулайликларида яшаш қандай яхши.

— Тали Барзан нимаси билан қолишади? — шу заҳоти ўз саволи билан Зара сўз ўйинига қўшилди.

— Хўп, бўлмаса нима гап? — хурсанд бўлиб сўради Габер, бу ерда шама қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини ва очиқ гаплашиш мумкинлигини тушуниб. — Агар хоҳласанг, биз билан бирга Самарқандга борсанг бўларди.

Пиримарднинг чодирда ўтирганлиги Зарани хавотирлантирди. Бу одам аввалига қул, энди Спитаменнинг шахсий соқчиси, унга жуда содик. Доҳий бошига бирон кулфат тушадиган хавф туғилса, уни ҳеч нима тўхтатолмайди. Шунинг учун Зара, таклиф этилмаган меҳмонларга кўзини қисиб, жим ўтирди. Шу вақт Пиримард ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Зара пайтдан фойдаланиб, Спитамендан қочмоқчи бўлганини, бунинг учун у бир неча бор уринган бўлса ҳам, натижасиз бўлганини шошиб гапириб берди.

Сухбатга Датаферн қўшилди:

— Ҳозир сенинг қочишингга ким монелик қилади?

— Пиримард, — жавоб берди Зара.

— Уни сенинг йўлингдан олиб ташлаш қийин эмаску, — пўнғиллади Габер.

— Мени бу азоблардан қутқариш учун ёрдам беришга сизлар розими? — сўради Зара.

— Шунинг учун биз бу ерга келдик! — жавоб бердилар Габер ва Датаферн. — Ва яна бошқа мухимрок иш учун... — табассум қилди Габер.

Зара унинг кўзларида қандайдир ёқимсизликни кўрди, аммо аҳамият бермади. Қочиш масаласи ҳозир унинг учун ҳаммадан ҳам муҳим!

— Шундай бўлса, тезроқ ҳаракат қилайлик, Фаррух ва бошқалар келиб қолмасинлар, — қувонди Зара.

— Шошиш ярамайди, аввал Пиримардни бир ёкли қилиш керак, — уни ховлиқишдан тўхтатди Датаферн. — Бу ишни Ғозига топшириш лозим. Зара, сен ўз кулингни чақир, бизлар нима қилишни унга тушунтирамиз.

— Ғози! — кичқирди Зара. Қайта кичқиришга зарурият йўқ эди. Иккала хизматкор чодирнинг дахлизиди суҳбатлашиб ўтирардилар.

— Ҳа, эгам. Мен сенинг ихтиёрингда.

— Бизлар сенинг эгангнинг илтимосини бажармоқчимиз, уни бу ердаги азоблардан озод қилмоқчимиз, — деди Датаферн, Ғозига қараб.

— Биз билан ўтир. Ма, буни ич, — Габер унга май тўла қадахни узатди.

— Эгамнинг қочиши учун мен нима қилишим керак? — сўради Ғози, хатто узатилган қадахга эътибор қилмай.

— Пиримард халал беради. Менинг йўлимдан уни олиш керак.

— Бажараман, эгам. Мен юришларда бўлганимда бу иш бажарилмаган бўлса, энди....

Шу сўзлардан кейин у дахлизда ўтирган Пиримард ҳузурига чиқди.

Тоғ дарасида хали ҳам кучли ёмғир қуяр, вақт-вақти билан кўзни камаштирадиган чакмоқ чақар ва гумбирлаган момақалдирос овозлари тоғлар ичидаги акс-садо билан ҳаммаёқни ларзага келтирарди.

— Сенга ўлим! — кичқирди Ғози маст овози билан сандироқлаб ва қиличини силкитди.

Пиримард суҳбатдошининг зарба бермоқчилигини олдиндан сезган эди. У ўрндан ирғиб турди ва зарбага қарши қалқонини тутди.

— Жирканч итлар! Аблахлик қилишларингизни юрагим сезган эди-я!



Улар олишдилар. Дарани ларзага келтираётган момақалдирик овозидан бошқа овозларни эшитиб бўлмасди. Олишув натижасини чодир ичида ўтириб кутаётган Зара, Габер ва Датаферн жим эдилар. Анча вақт ўтган бўлса ҳам ташқаридан хабар бўлмади. Ғози кирмади. Пиримард ҳам кирмади. Ниҳоят, Габер ўрnidан туриб гиламчани кўтариб секингина дахлизга қаради. Эшик олдида кўкрагига тикилган қилич билан, қонга беланган Ғози чўзилиб ётарди. Нарирокда Пиримард кимирламай ағнаб ётарди.

— Иккаласи ҳам тамом бўлипти, — деди Габер, қайтиб кириб. — Тил тортмай ётибдилар. Зара, сен нарсаларингни йиғиштир, биз эса ҳозир... — у Датафернга маъноли тикилди.

— Мен керакли нарсаларимни йиғиштириб олай, — деди Зара ва дахлизга чиқди.

У пошилганича устки кийимини олди ва яланг оёғига қўлига тушган пойабзални кийди, бошига қалин мовут рўмолини ўради ва қайтиб кириши билан, чодирнинг ичкарисидан қўллари қонга беланган шериклар чиқдилар. Габер ҳозиргина гилам устида тўшалган катта дастурхонга ўралган қандайдир юмалоқ нарсани қўлтиқлаб чиқди.

Бу манзарани кўриб, ўна захоти миясига келган жумбоқдан Заранинг оёқлари калтиради...

— Сени ўзинг буни хоҳладинг, қизалоқ! Бошқа йўл йўқ! — деди Габер, энди туси ўзгарган юзини яна жиддийлаштириб.

Шундай қилиб, бу бешафқат фалакнинг чархи Спитамендек инсонга вафо килмади: вафо килмай жафо килди-ю, жафо билан ҳам кифояланмади.

Жафо деган нарса шундай беомон бўларканки, у шундай қобилиятли инсонни иложсизликка учратиб, беморлик тўшагига ётқизди ва раҳмсизлик билан жонини ажал чангалига ташлади. Фалак чархининг омадсиз гардиши Спитамендек зотни шундай вақтда ажал чангалига топширдик, бунга хайратланмаслик мумкин эмас. Фалак уни дашту тоғларда от чоштириб, ўз ватанини озод қилиш умиди билан она шаҳри яқинида айланиб юрган пайтида йиқитиб, танасини қора тупрокка беледи. Разил душманлар ва сотқин хотини чўғдек қизиб кетган унинг жонига чанг солдилар. Шундай пайтда унинг бошида на бир мунис маҳрами ва на мушфиқ ҳамдами бор эди...

*(Мамлакатни бузадир палид  
Ҳам лафзсиз каззобларки бор.  
Амр этилган аҳдга содиқ бўл,  
Спитама, унутма зинҳор.)*

Момақалдиروقнинг гумбирлаган овозлари ва куйилаётган ёмғир остида учала каллакесар жиноятчилар отларга миниб, қоронғида ғойиб бўлишди...

\* \* \*

Сувғидиёгани қилич, қон ва оловга маҳкум этиб, лекин мағлуб этолмай чарчаган Искандар Афросиёб саройида дам олмоқда.

Тушлик чоғида залга унинг яқин ёрдамчилари, олий ҳарбий бошлиқлари ва Сувғидиёганинг мартабали беклари йиғилган. Арк саройида бошланган базм одатдагидек эмас. Атоқли бек Оксиарт (Вахшунварта), бир вақтлар Бесснинг яқин кишиларидан бири, кейин Искандар томонига ўтган киши, македонликлар шарафига катта зиёфат бермоқда. Базмда энг мартабали меҳмон ва биринчи шахс, албатта, шоҳлар шоҳи Искандар эди. Хурсандчилик авжига чиққанда, бек залга 30 нафар номдор қизларни олиб киришни буюрди. Улар орасида ўзининг кизи — Рахшона ҳам бор (китобхон уни илгариги бобларнинг бирида тасвирлаганимиздан билади). Энди унинг қадду қомаги ўсган ва ниҳоят гўзаллиги билан бошқа қизлардан фарқланиб турарди. Рахшона махсус танланган чиройли қизлар билан бирга кириб келган бўлса ҳам, у барча кишиларнинг, айниқса шоҳнинг диққатини ўзига жалб этди. Толенинг ҳомийлигидан ҳозирча баҳраманд бўлиб келаётган шоҳ, ўз ишқибозлигини ҳеч қачон тўхатолмагани каби, бу сафар ҳам ўзини тутолмади. Фалак чархининг ҳаракати, унга боқаятган Искандар қизга ҳаваси келиб, унинг келиб чиқиши шоҳниқидан бекиёс паст бўлса ҳам, бу имкониятни ўз режасини амалга ошириш учун фойдаланмоқчи бўлди.

— Ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун, — деди Искандар, — скифлар ва македонликларнинг никоҳ иттифоклари керак; фақат шу тариқа мағлубиятга учраётганларнинг орланишларини ва ғолибларнинг кибр-ҳавосини бартараф этиш мумкин.



Кизнинг отаси кутилмаган бахтдан қувониб Искандар сўзини тинглади. Ҳаваси ортаётган шоҳ эса Рахшонани ўз ҳузурига чақириб, ёнидаги махсус жойга ўтказди ва уни Раксана деб атади, яъни янги ном берди. Қиз ўзининг катта кўзларини яна каттароқ очиб, хайрат билан шоҳга, унинг сермукул ва бесўнакай сафдошларига қаради ва май тўла катта Геракл қадахи давра атрофида айланиб, уларнинг ҳар қайсилари бир кўтариш билан қадахни бўшатганларини кўриб, унинг юзида бирданига кўрқув асорати кучайди.

Сўнгра Искандар унга кам эътибор берди — киз унга эрмак сифатида хизмат қилди.

Искандар ўзининг кўп сонли ботирликлари ҳақида ҳикоя этаётганда, залга аскар кирди ва шоҳнинг назар ташлашини кутди.

— Нима бўлди?

— Бек Датаферн ва судхўр Габер қабул қилишингни сўрамоқдалар.

— Қўй, кирсинлар. Улар бир ойдан бери дараксиз эдилар. Кўрай-чи, улар нима билан келиптилар.

Ранги ўчган Датаферн, унинг орқасидан Габер ўзининг тулкисимон юришлари билан эшик олдида кўриндилар. Форснинг сичқонниқига ўхшаган кўзлари тўрт томонга югурарди. У оғир нафас оларди. Сидонлик судхўр эса зимдан фақат шоҳга қарарди.

Искандар шиддат билан ўрнидан турди.

Датаферн бурилди ва залга ёш озгин аёлни итарди. Аёл кўлларини мадорсизларча қуйи тушириб, жойида тўхтади. Унинг боши оқ жунли шолрўмол билан ўралган, рўмолнинг нақшлар тикилган қизил хошиялари оёғигача осилиб турарди. Тўқ қизил кийими йиртилган ва кир эди. Кўзлари ҳеч нимани кўрмай, тўғрига тикиларди.

Искандар одатда форс беклари кўрсатадиган мароқли манзарани кутарди, шунинг учун кичқирди:

— Бу яна қандай янги кўрсатув? У аёлни яқинроқ келтиринглар.

Датаферн уни қўлидан ушлаб зал орқали, қалин гиламлар устидан шоҳ ёнбошлаб ётган жойга олиб борди. Бошқа қўлида у, одатда сўғдийлар отларига ем тутадиган, олабайроқ қопни кўтариб келарди.

— О, аъло ҳазрат! — хитоб этди Датаферн Искандар олдида тиз чўкиб ва икки қўли билан олабайроқ қопни

кўтарди. — Биз бу ерга узок вақтдан бери сен кутаётган каллани олиб келдик.

— Кимнинг калласини? Кўрсат!

Датаферн қопни гилам устига қўйди-да, аввал ундан қоплон терисидан тикилган қулоқчинни олиб бир томонга қўйди, сўнгра унга иккала қўлларини тикди ва одам калласини чиқариб олди. У каллани пахмоқ сочларидан ушлаб, юзини Искандар томонига бурди.

Залда ҳамма жим бўлди. Одамлар ўз ўринларидан туриб, ўлик каллани кўриш иштиёкида унга яқинлашиб келдилар.

Бу калла, унинг шарқий чизиклари ва ёноқининг суякларига қараганда, ёш суғдийнинг калласи эди. Кўз қовоқлари ярим ёпиқ, серфикрлик ва маъюслик нишонлари ёш юзнинг охириги ҳаракатлари билан абадий қотиб қолган эди. У ўзича чиройли эди. Юқори лабларидаги калин қора мўйловлар ҳали ёшлигидан далолат берарди.

— Ким бу? — эътибор бермай сўради шох.

— Спитамен! — дабдаба билан хитоб қилдилар Датаферн ва Габер, икковлари бирданига.

— Менга бу калла ёқади, — деди Искандар, — афсуски, буни Доронинг қалқони ва камони ёхуд Бесснинг билагузугига ўхшаган ғалабаларимнинг ёдгорлик нишонлари билан бирга ўзим билан олиб юролмайман...  
Леохар!

— Леохар, Леохар, — овозлар эшитилди, — шох сени чақирмоқда.

Чўзилиб ётган жойидан ўрта ёшдаги юнон, Искандар топшириғи билан ибодатхоналарда қўйиш учун мраммар тошлардан унинг тасвирларини ясаган машҳур ҳайкалтарош туриб келди.

— Мен шу ерданман, шох, сени эшитаман.

— Мраммардан айнан шундай калла яса. Бу менинг душманларим орасида энг жасури эди.

— Мен ясайман, шохим, — осойишта жавоб берди Леохар, каллага яқинлашиб ва унинг қотиб қолган белгиларига қараб. — Бу жасоратли варварнинг чиройли қиёфаси. Аммо мен бу ишга ҳозир киришишим керак, акс ҳолда ўлим унинг юзидаги белгиларни бузади. — У каллани эҳтиёткорлик билан қулоқчинга солди ва қўлига олиб залдан чиқиб кетди.

— Бу аёл ким бўлади? — сўради шох Габердан.

— Спитаменнинг хотини, у бизга эрининг бошини олишда ёрдамлашди, — жавоб берди сидонлик судхўр.

— Шундай дегин! Шундай шухратли, жасур эркакнинг разил хотини, — жаҳл билан деди шох. — Исминг нима? — сўради гангиб қолган маъюс киёфада ҳаракатсиз тик турган Зарага қараб.

Искандарнинг Зарага берган баҳоси уни хайратда қолдирди, унинг белгилаб қўйган режаларини бир зумда бузиб ташлади. Унинг орзуларининг асоссизлиги аниқланди, бундай ўзбилармон македонликка нисбатан нафратланди. У шохнинг саволига жавоб беришни хохламади, лекин жавоб унинг ихтиёрисиз оғзидан чиқиб кетди:

— Менинг исмим Зара, — деди у, хамманинг жимлигида, — сени эса, агар сен Икки шохли бўлсанг, «Одамлар лаънатлаган» дейдилар...

— Номуссиз! Сен юнон тилида яхши сўзлашаркансан. Эҳтимол, сенинг келиб чиқишинг мен қириб ташлаган юнон бронхидларидандир?! — деди Искандар ва қўли билан унга ишора қилиб, аниқ гапирди. — Мен унга тухфалар бермоқчи эдим, шохи либослар кийдирмоқчи эдим, бир талант олтин тангалар ҳадя қилмоқчи эдим. Мен ўзимнинг душманларимга, агар улар менга бўйсунсалар, доимо яхши ҳадялар бераман. Лекин одобсизларни мен қаттиқ жазолайман. Фақат менинг хуррам тўйим белгиланаётганлиги учун, мен уни қатл этмайман. Бу тажанг аёлни кўчага чиқариб хайданглар, токи қашшоқлик билан дайдиб юрсин!

Малика Раксана, — шох Рахшонага қараб деди, — ўзининг маъсумлик нигоҳларининг аёл киёфасидаги бу хайвондан ўгир. Ўйнанглар, қўшиқ айтинглар!

Мусиқачилар сескандилар, чилтор садоларига сурнайлар жўр бўлдилар. Хизматкорлар Зарани ушладилар ва қўполлик билан итариб, залдан чиқариб хайдадилар.

\* \* \*

Зардоза Самарқандни юнон-македонлик аскарлар ишғол этаётганларида ўз невараси билан Панжакентга кетиб, тоғ дарасидаги ўзларига таниш чўпон уйида яшаб

юрганларига салкам икки йил бўлди. У Сугдиёна тақдир учун изтироб чекарди, ўғли ва укасини соғинарди, нозиккина Апамани ҳар қандай хавфдан сақлар эди.

Тақдир ва жамият унга нисбатан бир хил ноҳақ эдилар: шундай нозик ва кексайиб қолган Зардозанинг қаддини букиш учун шунчалик бахтсизлик ва азобларнинг ҳожати йўқ эди.

Бу қишлоққа келибдики, ўшандан бери у бедор ўтиргани йўқ, аммо ухлагани ҳам йўқ. Қайғу, кизи ва эрининг ўлими, Искандар билан жангда ўғлининг хавфли — вазияти, шаҳарнинг ёнгани ва минглаб ватандошларининг ўлдирилганлиги ғамларидан букилиб қолган Зардоза хушёрликни уйқудан, гулхаёлни ҳақиқатдан, кунни тундан фарқлаёлмас эди. Ҳаммаси унинг онгида аралашиб, парчаланиб, тебраниб ва ёйилиб кетдилар. У сезмас, тушунмас ва аниқ бир нарсани уйламас эди, фақат баъзан хаёл сурарди. Унингча ҳали ҳеч қачон жонли махлуқ йўқликка бунчалик яқин турган эмас эди.

Тоғлар дарасида у қанча вақтдан бери яшамокда? Эҳтимол, умри бўйи. У кун ва ойларни ҳисоблаб боришга уринарди.

— Бувижон, нимани ўйлаяпсиз? — сўради Апама.

— Отанг, онанг, тоғабобонг ва шаҳримизни.

— Отам, тоғабобом ва онам қаердалар? Нега улар биз билан эмас?

— Улар икки шохли девлар билан урушмоқдалар.

— Онам ҳам урушаяптими?

— Ҳа, қизалоғим, онанг ҳам улар билан олишаяпти.

— Икки шохли? Кимлар улар? Улар бизнинг шаҳримизда нима қиладилар?

— Икки шохли дев, иблислар, одамларни ейди. Сенинг отанг, тоғабобонг ва бошқалар бундай девларни шаҳримиздан қувадилар.

— Улар кўлми, қачон тамом бўладилар?

— Яқинда, қизалоғим, яқинда.

Апама билан суҳбат Зардоза учун ҳамиша, уни қийнагандай, оғир эди. Унинг тасавурида, гўё хотирасини қоплаб олган қалин парда ёрилиб кетарди. Унинг оғир кечинмалари бирданига, то шу дамдагидек чалкашган ва ғира-шира эмас, аниқ, ёрқин, аччиқ ва даҳшатли бўлиб хотирига келарди. Унинг тасавурида, гўё барча юрак жароҳатлари очилар ва улардан яна қон оқарди.

Бир гал кунмиди, тунмиди, аниқроғи, туннинг ярмида, чунки Апама қаттиқ ухларди, Зардоза боши устидан эшикнинг тақиллаётган баланд овозини эшитди. У бошини кўтарди ва эшик тирқишидан кираётган кўнғир-қизил шуълани кўрди. Ўша захоти у ўрнидан турди ва эшик тирқишига тикилиб, икки кишининг қўл ва оёқларини кўрди. Эшик ниҳоят паст жойлашгани учун уларнинг бошлари кўринмасди. Ёруғлик унга шунчалик таъсир қилдики, у кўзларини ёпишга мажбур бўлди.

Зардоза бу икки киши — Спитама ва Зара бўлсалар керак, деб ўйлади. «Эрзиф нимага йўқ экан? Наҳотки, у жангда халок бўлган бўлса?! Шошмагин, ўғлинг ва келинингдан билиб оласан. Ахура Маздага минг қатла шукрки, Спитама ва Зара эсон-омон қайтибдилар», — ўйлади Зардоза.

— Спитама! Болагинам! Сенмисан?! Жавоб бер!

Она эшикни очганида, унинг олдида фақат бир киши гавдаланди, Фаррух қўлида фонуссимон машъал билан турарди.

Бир неча дақиқа она Фаррухдан кўзларини узолмай, котиб колди. Икковлари ҳам жим турардилар. Уларни икки ҳайкалга ўхшатиш мумкин эди. Соғонага ўхшаган бу манзарада фақат усти ёпилган машъалчанинг ёмғир таъсирида ғира-шира ёнаётганлиги ва осмон гумбазидан тушаётган сув томчилари сукунатни бузарди.

Ниҳоят, она сўди:

— Фаррух, бу сенми?

— Ҳа, она, бу мен.

— Нима гап? Спитама кани?!

— У бемор, мен сиз учун келдим.

Бу сўзлар онани сесканишга мажбур этди. Чопар нохуш хабар келтирибди... Зардоза зудлик билан кийиниб, ҳамсояни уйғотди. Апамани чўпоннинг хотини билан қолдириб, Фаррух билан биргаликда, Зардоза ўғли хузурига шошилди. Табибни Фаррух у ёкка илгарироқ жўнатганини айтди.

Улар кўзғолончилар қароргоҳига субҳидамда етиб келдилар ва Спитамен чодирига кирдилар. Бу ерда одам кўп. «Эхтимол, табиб беморни кўраётгандир... Лекин у кўринмайди. Нима учун Зара ҳам кўринмайди? Датаферн ва Габер қаерга йўқ бўлибдилар?», — хайрон



бўлиб, улар ўзларича пичирлардилар. Она ўзини бемор ўглининг тўшагига ташлади. Спитама қаерда? Унинг ўрнида конга беланган калласиз жасад ётарди.

— А-а-а?! — қичкирди она, сесканиб ва қўллари билан кўзларини ёпиб. — Эй худолар! Спитама!!! Менинг болажоним!!!

Ўша захоти карахт булиб, онанинг ҳолсизланган қўллари ва боши куйи тушди ва аъзои бадани қалтиради. У яна боши кесилган ўглининг жасадини бағрига босди.

Фаррух ўз дохийсининг жасадига гуноҳкор кўзлари билан қараб, кичкина боладек, хўнграб йиғлар, унинг онасини қўлтиқлар ва юпатарди.

— Улар шу ерда эдилар! Мана шу ерда ўтирган эдилар! — такрорларди у, атрофга қараб.

Она овозини аранг чиқариб пичирларди:

— Бу Искандарнинг, унинг малайлари ва келинимнинг ишлари.

Чодирга анчагина кўзғолончилар кириб, уни тўлдирдилар.

— Дохиймизга нима бўлди?!

— Ўлдирибдилар?!

— Қотиллар қани?!

— Зара ва кечаги меҳмонлар, Датаферн ва Габер қаерда? — сўрадилар оломон ичидан.

Зардозанинг лаблари гуё у илжаймокчи бўлгандек, кийшайди.

— Ха, — деди у, — қотил ўлимга маҳкум этилганларни масхара қилади. Бу жаҳаннамга мени Искандар қулатди! Эй фалак, бу ўша... Менинг Спитамамни ўлдирган қотил ўша! — Йиғлаб, у ўглининг жасади устида турган кўзғолончиларга каради. — Сизлар қаерда эдингизлар?! Нима учун тўшакда беҳуш ётган бошликларингизни разил қотиллардан химоя этолмадингизлар?!

— Биз сизнинг келинингизга ишондик, онажон!

— У касалга қараётган эди... — ўзларини оклашга уринардилар шахсий соқчилар.

— Шахсий соқчи Пиримард ва маликанинг хизматкори, Ғози ўлдирилган, — хабар берди шахсий соқчилардан бири.

— Балки, дохийнинг калласи учун кураш бўлган, — қўшиб қўйди бошқа аскар.

— Эй худо, Ахура Mazda, менга раҳм қил! — йиғларди она. — Разил Зара! Сенинг ким эканлигингни мен тахмин қилган эдим, — сидонлик манфур, дайди, лаънати сиртлон! Сен ўғлимнинг тенги эмас эдинг. Сен Спитагани сеҳрладинг. Мен буни билардим. О менинг Спитамам! Сен уни севардинг, қурук табассумига конингни, жонингни, шарафли номингни, озодлигингни, боқийлигингни, унутилмаслигингни, бу дунёлигинг ва у дунёлигингни фидо қилдинг; аммо у буларнинг ҳаммасига, ҳатто тирноғинга ҳам арзимасди, у сени сотди, но-буд қилди, ҳақорат қилди! Сенга лаънатлар бўлсин, Зара! Сен бахтсизликнинг нималигини ҳалигача билганинг йўқ, ҳозир ҳам билмайсан! Бу нималигини энди биласан, чунки сен ўзингни умрбод бахтсизликка маҳкум этдинг!

Австан, Катан ва кўзғолончи гуруҳларнинг бошка бошлиқлари ва шахсий соқчилар маслаҳатлашиб, дохий жасадини иззат-икром билан кўмишга қарор қилдилар. Зардоза уни Афросиёбдаги қабристонда, отасининг қабри ёнида кўмишни сўради. Кўзғолончилар Спитамен жасадини солиб, кўмиш учун катта хум тайёрладилар.

Зардуштик одатига мувофиқ барча диний маросимлар бажарилгандан кейин Спитаменнинг калласиз жасадини тобутга қўйиб Самарқандгача қўлларида кўтариб бордилар. Хавфсизликка риоя қилиш нуктаи назаридан, бошлиқлар кўзғолончиларнинг ҳаммалари кўмиш маросимида иштирок этишлари шарт эмаслигини таъкидлаган бўлсалар ҳам, уларнинг кўпчилиги охиригача қатнашдилар.

Сугдиёна ўзининг шонли ўғлини дафн этиш маросимини сукунат билан кузатарди. Ўликни хумга солиб қабрга туширганларидан кейин, кохин дуо ўқиб, унинг арвоҳи ҳаққига яхшилик ва хайр тилади. Кўмиш маросимининг хотимасида, ғазабланган Зардоза йиғи аралаш ҳам чекаётган халойиққа мурожаат этди:

— Халойиқ! Менн, муштипар она сифатида, ўз халқим номидан, Сугдиёна номидан, сиз, фарзандларимга мурожаат қилмоқчиман! Спитамен ўз халқининг, ватанининг озодлиги учун ўзини қурбон қилди. Бу курашни давом эттириш ва ғалаба билан тугаллашга унинг руҳи сизларга ёр бўлсин. Фуқароларимизнинг тўкилган қонлари асарсиз қолмайди. Сугдиёна истиқлолига эришадиган кунлар албатта келади. Сизлардан илтимосим Спитамен

тутган озошлик машъалини яна баланд кўтаринглар! Истилочилардан кўркманглар, уларни еримиздан хайданглар! Истилочилар ҳеч вақт ўз мақсадларига эришмайдилар, чунки ёмонлик ҳеч қачон яхшиликни енголмайди. Искандар ўз ватанига бориб етолмасдан, йўлда, бегона юртда, одамлар қазабидан чириб кетади! Худоларнинг ихтиёрлари шу. Сизларга Худодан мадад тилайман!

\* \* \*

Афросиёбнинг катта, Кеш дарвозасига яқин чоррахасида кўшноғора, занг ва най садолари янгради. Македонликлар Спитамен устидан эришган ғалабани байрам килардилар. Аммо Суғдиёна сукунатда эди.

Фалангистлар ва этерлар, камончилар ва қалқонбардорлар бир-бирларининг қўлларини ушлаб гулханлар атрофида ракс этардилар; минглаб хириллаган томоқлардан Аполлон шаънига мадҳия айтаётган қўпол овозлар фазога кўтариларди. Лекин Суғдиёна сукунатда эди.

Афросиёб аркининг залларида, осиелик қалин ва юмшоқ гиламлар устида чўзилиб ётган юзлаб македонлик ва юноний ҳарбий бошлиқлар, форс, суғдий ва бактриялик амалдорлар қимматбаҳо шаробларни симирардилар, меваларни, илвасин гўштларини еб, шоҳ Искандарни мактардилар. Аммо ўз ўғлидан маҳрум бўлган Суғдиёна қайғули сукунатда эди.

Залнинг деразаларидан узоқроқдаги кабристонда кимнидир дафн этаётган одамларнинг қоралари кўриниб турарди.

— У ерда кимни дафн этиптилар, бунча одам кўп? — сўради македонлик қўмондон Кратер.

— Спитаменнинг калласиз жасадини дафн этмоқдалар, — жавоб берди Гефестион.

Зал узра гўё совуқ шамол ўтгандай бўлди — ҳамма аграйиб қолди, атроф хиралашди. Қўмондон Мелеагр ковоғини осилтирди, Фарноҳ қарахт бўлиб қолди. Кратер берган саволидан пушаймон бўлди, Гефестион эса лабларини тишлади. Полиперхонт бошини эгди. Майли, Спитамен уларнинг душмани бўлса. Аммо душманни очик жангда мағлуб этадилар, бундай жасур ва виждонли одамни касаллик натижасида тўшақда ётиб қолган

чоғида ўлдиришни номардлик ва разилликдан бошқача тушуниш мумкин эмас. Шунинг учун бўлса керак, залда ўтирганларнинг ҳар бири Спитамен ҳақида сукунат билан ўзича хаёл сурарди.

Сукунат дақиқалари суст ўтарди. Бирданига мисдан ясалган ва зарб уриб чалинадиган лаппаксимон мусиқа асбобининг садолари янгради. Ҳамма ўз ўрнидан турди. Узун шарк кийимларида, бошида қўйнинг икки шоҳи билан безатилган олтин тож кийган, шахсий соқчилари ўраб олган, шоҳлар шоҳи Искандар Зулқарнайн кириб келди. Ўнлаб кишилар баб-баравар тиз чўкдилар. Зал гумбазини бирданига айтилган қичқириқ ларзага келтирди:

– Яшасин Искандар!

Искандар Рахшонани етаклаб, биргаликда мағрурлик билан никоҳ ва муҳаббатнинг бобиллик ва осуриялик Аллоҳ — Иштарнинг биринчи меҳроби олдидан ўтди ва олтин тахтга ўтирди. Рахшона узун ялтироқ белбурма кўйлақда, чиройли ва хушбўй. Ёқимли ҳидли сув билан ювиб, ўткир ҳидли мойлар суртилган, унинг турмакланган узун сочлари бошидаги табиий боғ гулларидан ясалган чамбарак остида йилтирарди. Билаклари ва тўпикларида билагузуклар чараклаб, оловдек порлардилар. Сочларига ўралган оплоқ ипак тасмалар хилпираб, Рахшона денгиз тўлқини ва кўпигидан яратилган фариштага ўхшарди. У Искандар ёнига ўтирди. Нукра қўнғироқчалар чалинди. Қизлар гуруҳининг оҳиста ва нозик овози эшитилди. Искандар ва Рахшона май ва анор шарбатларини ичдилар.

Искандар ўз кўмондонлари ва этерларининг юзларида маъюслик аломатларини пайқаб, Афросиёбга келаётган чоғида узокдан кўрган дафн этиш маросимини эслади. Энди у зал деразаларидан осмон гумбазидаги чараклаётган беҳисоб юлдузларни кўриб, гўё унга ўнлаб, юзлаб, минглаб Спитаменлар, у кириб ташлаган ўн мингларча аҳоли, ҳозир яшаётган аҳоли, Спитаменнинг ҳали туғилмаган авлодлари қараб, лаънатлаётгандек туюлди. Искандарга гўё тахтда у эмас, балки Спитамен ўтиргандай, залда ўтирганлар эса — ҳаммалари Спитаменлар ва улар Искандарга нафрат билан қараётгандек туюлди. Искандар дарҳол ўзига келиб, зудлик билан Суғдиёни ташлаб чиқиш ва жанубга жўнаш ҳақида ўйлади.

## ХОТИМА

Спитамен бошчилик килган курашни давом эттиришга қалблари оташинлик билан тўлиб-тошган унинг сафдошлари — Австан ва Катан, македонликларнинг таъкибидан ўзларини сақлаш мақсадида дохий билан видолалиш ва расм-русумларни ижро этиш учун унинг қабри ёнига кўмилганидан икки ҳафта ўтгандан кейин келдилар. Кўзғолончиларни таъкиб этиш давом этарди. Самарқанд ёнидаги охириги жангда омон қолган бир неча минг кўзғолончилар Спитамен ўлдирилгач, ўзаро алоқа қилишдан маҳрум бўлиб, ўзларининг касбу машғулотларига қайтдилар. Лекин Австан ва Катан анча вақт кўпгина кўзғолончиларнинг ҳаракатига раҳбарлик қилиб, македонликларга қарши курашдилар.

Дохий билан видолашишга унинг рухига ҳам қасамёд килмоқчи эдилар.

Иккала дўст қабр ёнида тиз чўкиб, дуою фотиҳа ўқидилар, Худо Ахура Маздага мурожаат қилиб, ундан дохий руҳининг мангу шод бўлишини, нек номи ва ёрқин сиймоси инсоният қалбида абадий сақланишини, сугдий ери ўз фарзандининг жасади учун пар тўшак бўлишини тиладилар ва бошқарган курашни давом эттириш учун қасамёд килдилар. Шу билан улар ўз дўстлари билан хайрлашдилар.

Улар қабристондан чиққанларида, Катан хиралашган кайфият билан Австанга қараб, деди:

— Биз уни ҳимоя этолмаганимизга ачинаман; шахсий соқчилар сезгир бўлганларида ва бемор Спитаменни қаровсиз қолдирмаганда, Суғдиёнанинг мана шундай олийҳиммат ҳокими ўлмаган бўларди. У сотқинлар билан ўраб олинди ва жохилликнинг қурбони бўлди.

— Сенингча, — мулоҳазасини билдирди Австан, — уни биз қутқара олармидик? Менинг фикримча, кўзғолончиларнинг барча раҳбарлари бирлашганда ҳам уни қутқаролмас эдик. Қарғалар тўдасига учиб қирган лочинни ҳатто бутун оламнинг идроки ҳам қутқаролмай-

ди. Спитаменнинг тақдири ана шундай лочинникига ўхшаб қолди. Сен эса унинг тақдирини ўзгартирардик, деб ўйлайсан.

— Демак, Спитаменнинг ўлиши барибир мукаррар-миди?

— Ҳа, эхтимол, унинг бошқа тақдири йўқ эди. Балки, мени ва сени ҳам ҳеч ким қутқаролмайди ва биз ҳам бу кураш йулида ҳалок бўлармиз. Суғдиёнада шундай вазият вужудга келди. Бу ерда уни озод этиш учун шароит етилмаган экан. Барча мавжудотнинг яшнаш ва инкирозга юз тутиш муддатлари бўлади. Спитамен ва бизлар биз учун ноқулай шароитда туғилган эканмиз. Суғдиёна мустақил давлат бўлиш учун тайёр эмаслиги маълум бўлди. Спитамен чириётган дарахт танасидан ўсаётган ёш навда эди, бизнинг Суғдиёнамиз бундай наваларнинг ўсиши учун қулай замин бўлолмади.

— Сен тараққиёт хусусиятини шундай аниқ тасаввур этасанми?! — хитоб этди Катан.

— Мен бу жараёни кўп йиллардан бери кузатаман, уни бошқалар ҳам биладилар. Спэнтанинг ўзи ҳам буни яхши тасаввур этарди.

— Бу башоратчиликми? Агар шундай бўлса, нега сизлар керакли тадбирларни белгиламадинглар?

— Башорат этишдан ташқари омиллар борки, улар бизнинг хоҳишимиздан ташқарида амал қилишади. Башорат этишни байроқча ёрдамида шамол йўналишини аниқлаш қобилиятига ўхшатиш мумкин, аммо шамолни тўхтатиш ёхуд йўналишини ўзгартириш, бизнинг қўлимиздан келмаслиги мумкин.

— Демак, биз Суғдиёнамизнинг ҳалокатини тўхтатолмаймизми?

— У ҳалокатга учрамайди! — эътироз билдирди Австан. — Тундан кейин кун чиқиб келишига ўхшаб, тушқунликдан кейин яна юксалиш бошланади. Бу — табиат ва жамият ҳаётидаги тараққиётнинг абадий айланиб туриши! Бу тараққиёт жараёнини кўз олдингга келтир. Бизнинг авлодларимиз ҳам ўз бошларидан шу жараёни ўтказишади. Янги ҳаёт, янги кун Наврўз бошланади.

— Агар биз янги наваларимизнинг ўлишини тўхтатишга ожизлик қилсак, агар шамолнинг йўналишини ўзгартиролмасак, Суғдиёнанинг ривожини таъминлаёл-

масак, нима учун курашамиз? — хайратланиб сўради Катан.

— Бизнинг курашимиз беҳуда ўтмайди. Биз бекорга шунча қон тўкмадик. Агар ҳозир, Спитамен бошлаган курашни ватандошларнинг жуда кўп қисми тушунмаган бўлса, унинг орқасидан эргашмаган бўлса, натижада бир юзу йигирма мингдан кўп киши қирилиб кетган бўлса, бундан кейин одамлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўз озодликларига эришиш учун биргаликда курашиш зарурлигини тушунадилар, Спитаменга ўхшаган шахслар эса кўпаядилар.

\* \* \*

Энди Суғдиёнада Искандар ва унинг шериклари юрган охирги кунларида содир бўлган воқеалар ҳақида.

Спитамен ўлдирилгандан бир неча ҳафта ўтгандан кейин Искандар аскарлари савдогар Масаддиқ яширинган Ҳисор тоғлари чўққиларини ҳам камал қилдилар. Тадбиркор бактраликни тоғнинг қалин қорлари ҳам қутқаролмади. Тун қоронғисида, темир чангақлар ва қанналар ёрдамида, улар музлаган қоялардан тоғ чўққисига чиқиб, бир зарба билан Масаддиқ гуруҳини афдариб ташладилар. Унинг ўзини ёлиблар шафқат этдилар. Сўнгра Хориен ўзининг Перетакдаги уясини ихтиёрий суратда душманга топширди. Бу ерда анчагина беклар, жумладан Хориеннинг ўзи ҳам яширинган бўлиб, «қоя» ҳам унинг номи билан аталган эди. Ниҳоят, македонлик кўмондон Кратер, қонли жанг натижасида Австан ва Катан бошчилигидаги кўзғолончилар гуруҳини тор-мор этди; жангда уларнинг бошлиқлари ҳам, ўзлари олдиндан сезганларидек, мардларча ҳалок бўлдилар.

Юнон-македон истилочиларига қарши, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган кураш айрим жойларда давом этаётган бўлса ҳам, Суғдиёнадаги ҳарбий юриш тугади.

Суғдиёнада Оропи исмли кимса (балки, унинг томонига ўтган суғдий бекларидан бири)ни шох этиб тайинлаб, Искандар милоддан аввалги 327 йилнинг ёз фаслида Окс дарёсидан ва Ҳиндикуш тоғларидан ошиб ўтиб, Ҳиндистонга равона бўлди. Яна бир йилдан кейин Гидасп дарёси бўйида шох Порни мағлуб этди. Бу бекиёс ҳарбий сафарнинг бошланишидан ўн йил ўтгандан кейин

юнон ва македонликлар Бобил шахрига қайтиб бордилар. Бу ерда, мусофирликда, ўз таваллудининг ўттиз учинчи йилида, оламнинг хатто юздан бир қисмини ҳам босиб ололмай, Искандар шубҳали иситма касалига учраб, алахсираб оламдан кўз юмди. Осиёни босиб олиш, у ўйлаганча, енгил иш эмас экан.

Унинг ўлимидан кейин, у тузган буюк давлат, ер кимираши натижасида қулаган минора каби қулаб кетди. Македонликлардан Бактрия, Суғдиёна ва Парфия ажралиб чиқдилар. Бу — халқларнинг мустақиллиги учун Спитамен бошлаган курашнинг адолатлилигидан далолат берарди. Биттанинг ўрнига юзлаб Спитаменлар пайдо бўлдилар.

Искандарнинг, бир вақтлар Қоплон орқасидан қувган, ёхуд Қоплондан қочиб қутилган кўп сафдошлари ҳаёти шармандалик билан узилди. Қоплоннинг қотилларидан бири, сотқин Датаферн унинг разиллиги учун Афросиёбнинг катта дарвозаси олдидаги майдонда, халойикнинг кўз олдида Спитамен сафдошлари томонидан ўлдириб ташланди. Маккор жиноятчи, ўз эрининг қотили Зара Габер билан озгина вақт ўз кайфини суриб юрганидан кейин, баджаҳл ва ваҳший бўлиб қолди. Айёр судхўр уни бир юнон аскарига сотди, ўзини эса бошқалар таладилар ва қаршилиқ кўрсатаётган македонликлар томонидан ўлдирилди. Зара эса, айтишларга қараганда, юнон аскарлари билан Элладага кетган, кейин Сицилиядаги бузуқхоналарнинг бирига тушган. Бу хотиннинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч ким ҳеч нимани билмайди. Уни унутиб юбордилар...

Бироқ Спитамен номи, унинг ғоялари ва мардоналик фаолияти Суғдиёна ва бошқа Шарқ халқларининг озодлик учун кураш байроғига айланди. Улар оғиздан-оғизга, бир авлоддан бошқасига ўтаверишди...

*1995 – 2006 йиллар.*



## СЎНГИ СЎЗ

Роман сўнгида куйидаги фикрларни баён этишни лозим топдим. Халқимизнинг кўп минг йилликлар давомида босиб ўтган йўллари ниҳоятда машаққатли кечган бўлса ҳам, улар тарихнинг шафқатсиз бурилишларида ўзалигини йўқотмай, ҳозирги истиқлолга етиб келдилар. Эндиликда юртимиз мустақиллиги, фаровонлиги ва таракқиёти учун жонбозлик кўрсатган аجدодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий ва маданий меросларини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Жаҳон ҳамжамиятининг Марказий Осиё халқлари бой тарихини ўрганиш ва ёритишга бўлган диққат-эътибори ҳам ўсмоқда. Бунга ЮНЕСКО қарори билан Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги юбилейининг ўтказилганини эслатиш kifоя.

Халқ ҳурматига сазовор бўлган алломалар ва арбобларнинг ҳуқуқ ва обрўлари тикланди, қатор майдон ва шох кўчалар уларнинг номлари билан аталадиган бўлди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги шохкўчалардан бирига Спитамен номи берилди. Афросиёб девори ёнида унга ҳайкал қўйиш кўзда тутилган. Сиёб анхори тартибга солинди. Спитамен ҳақидаги асарнинг дастлаб рус тилида, энди ўзбек тилида нашр этилиши амалга оширилаётган вазифалар тизимидаги ишлардан бири бўлди.

Чет эл истилолари натижасида Афросиёбнинг вайронага айланганлиги сабабли археологик тадқиқотлар натижаларидан, қадимги юнон тарихчиларининг асарларидан ва бошқа шарқшунослик манбаъларидан фойдаланиш қийин кечди ва Спитамен ҳақидаги маълумотларни йиғиб тасвирлаш осон бўлмади, албатта.

Замонлар ўтиши билан бўлиб ўтган воқеалар афсоналар қобиғига ўралиб, фактлар ўзгартирилган ҳолда талқин қилинди. Натижада, Искандар Зулқарнайн тўғрисида ҳақиқатдан узок бўлган ривоятлар ҳам битилди. Шунинг учун ҳозир ҳам анчагина олимлар уни жангларда умуман мағлуб бўлмаган саркарда деб биладилар.

Анчагина шарқшунослик манбаъларида, жумладан Шарқ алломалари асарларида Искандарни хирадманд шох ва довжур саркарда сифатида тасвирлаш билан бирга, унинг кейинги фаолиятида жохиллик, ғафлат ва ожизлик такрорланиб тургани ҳам кўрсатилган. Бундай маълумотлар Спитамен яшаган ҳаёт тарзини кенгрок

тасвирлаш, суғдлар дохийсининг кўмондонлик маҳоратини асослаб кўрсатиш имконини берди. Асарнинг персонажларини, уларнинг эзгу ниятларини, соғлом турмуш тарзини кўрсатиш учун бадиий тўқимадан ва ижодий муболағадан ҳам фойдаланишимизга тўғри келди.

Хаётни хар томонлама ўрганиб тасвирлашни Куёш нурини кўриш ва ундан фойдаланишга қиёслаш мумкин. Адиблардан бири айтганидек, тарих — Куёшга ўхшайди. Унга пешвоз юрсангиз, пешонангиз ёруғ, йўлингиз порлоқ, кўзларингиз нурли бўлади. Унга орқа ўгирсангиз, фақат соянгизни кўрасиз, холос. Ўтмишини билмаган келажакни ҳам кўролмайдди. Ўтмишни ўрганиш бугунни ва келажакни яратиш учун сабоқдир.

Ҳозирги шарт-шароит умуминсоний кадриятларни тор манфаатлардан юқори қўйишни, халқлар ва мафкураларни адоват йўлига бурмасликни, аксинча, улар орасидаги умумийликни, яқинлашишни, ҳамкорлик қилиш йўлини излаб топишни тақозо этмоқда. Спитамен ва сафдошларининг фаолияти бу борада жуда ибратли. Улар ўзларини чириётган дарахт танасидан ўсаётган ёш навдаларга қиёс қилган бўлсалар ҳам, ўз шахсий манфаатларини назарда тутмай элим ва юртим деб яшадилар. Улар турли қабила ва элатларнинг бирлигини мустакамлаш учун курашдилар.

Маънавий бойликни эгаллаш — кундалик вазифаларни ва бўлажак дастурларни муваффақиятли бажариш гаровидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов айтганидек, эндиги вазифа — мустақиллик, аввало маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини билиб, маънавий инқироздан чиқиш учун курашишдан иборат. Бунинг учун, аввало, умуминсоний кадриятларга содиқлик билан, ватанпарварлик билан халқимизнинг маънавий меросини тиклашимиз ва ривожлантиришимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, бу асарнинг ўзбек тилида чоп этилишига катта ватанпарварлик туйғуси билан ёндашиб, молиявий ҳомийлик кўрсатган республикаimiz акциядорлик тижорат «Пахта Банки» бошқаруви раиси А.Ж. Боймуратовга самимий миннатдорлик билдираман.

Ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ва билдириш ниятида бўлган китобхонларга муаллиф миннатдорчилик изҳор этади.

*МУАЛЛИФ*

## МУНДАРИЖА

<i>Ўлмас тарих фарзандлари</i> . . . . .	5
<b>Биринчи боб.</b> «У пайғамбар Заратуштнинг қариндоши эмасми?» . . . . .	6
<b>Иккинчи боб.</b> Сиёвушнинг насли . . . . .	19
<b>Учинчи боб.</b> Севишганлар . . . . .	37
<b>Тўртинчи боб.</b> Ворис . . . . .	57
<b>Бешинчи боб.</b> Кечинмалар . . . . .	77
<b>Олтинчи боб.</b> Навток ҳоқими . . . . .	98
<b>Еттинчи боб.</b> Ўзгартириш . . . . .	117
<b>Саккизинчи боб.</b> Рақобат . . . . .	135
<b>Тўққизинчи боб.</b> Таассуротларга бой сафар . . . . .	157
<b>Ўнинчи боб.</b> Адолатсиэлик билан олишув . . . . .	177
<b>Ўн биринчи боб.</b> Бахштепанинг тонги. Наврўз . . . . .	200
<b>Ўн иккинчи боб.</b> Бало бўрони . . . . .	218
<b>Ўн учинчи боб.</b> Гавгамела ёнидаги жанг . . . . .	241
<b>Ўн тўртинчи боб.</b> Исён. Макр. Жазо . . . . .	269
<b>Ўн бешинчи боб.</b> Мурувватлилар ўлкаси орқали юриш . . . . .	292
<b>Ўн олтинчи боб.</b> «Биз ўзимизникига, Суғдиёнага кетамиз!» . . . . .	313
<b>Ўн еттинчи боб.</b> Икки ёвузликка қарши кураш. Суғдиёна чегарасида биринчи жанг . . . . .	333
<b>Ўн саккизинчи боб.</b> «Спитама, сени улуғ ишлар кутмоқда!» . . . . .	358
<b>Ўн тўққизинчи боб.</b> Қайсар Суғдиёна. Ўратепа деворлари остидаги жанг . . . . .	382
<b>Йигирманчи боб.</b> Қўзғолон. Илон ўти дарасида пистирма . . . . .	404
<b>Йигирма биринчи боб.</b> Политимет соҳилидаги жанг . . . . .	427
<b>Йигирма иккинчи боб.</b> Искандарнинг ғазаби ва умидсизлиги . . . . .	451
<b>Йигирма учинчи боб.</b> Қоплоннинг сакрашлари . . . . .	473
<b>Йигирма тўртинчи боб.</b> Самарқанд ёнидаги охириги жанг. Спитаменнинг калласи . . . . .	497
<i>Хотима</i> . . . . .	521

ҚАМАР АМОН

**СПИТАМЕН**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2008

Мухаррир *Уллубек Раҳимов*  
Рассом *Даврон Сафоев*  
Бадий муҳаррир *Михаил Самойлов*  
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*  
Мусаххихлар: *Маъмура Зиямуҳамедова, Жамила Тоирова*

Теришга берилди 12.02.2008. Босишга рухсат этилди 17.03.2008.  
Бичими 84x108/32. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 27,72. Нашриёт-ҳисоб табоғи 25,5. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 4323. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси  
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.